



Ги де
Мопассан

АЗИЗИМ



Тўртинчи нашри



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.133.1-3

КБК: 84(4Фр)

М - 74

Мопассан Ги де

Азизим: роман/Ги де Мопассан. Рус тили Иброҳим Фафуров таржимаси. Тўртинчи нашри. – Тошкент: 2016. – 464 б.

ISBN 978-9943-27-723-6

Машҳур француз мумтоз адиби Ги де Мопассан ўн тўққизинчи асрда Францияда яшаб, ижод этган бўлса-да, унинг ўткир реалистик руҳда яратилган ҳикоялари, романлари бутун дунёда машҳурдир. Ушбу роман ўша давр сиёсатдонларининг ва улар қўлида қўғирчоқ бўлган журналистларнинг ҳаёти, сиёсий найрангбозликларини фаҳш ва разолат билан тўлган ички дунёсини аёвсиз суратда очиб ташлайди. Роман ўз ҳаққонийлиги билан сиз, азиз китобхонни ҳам мафтун этишига ишонамиз.

УЎК: 821.133.1-3

КБК: 84(4Фр)

*Рус тилидан
Иброҳим Фафуров таржимаси*

ISBN 978-9943-27-723-6

© Мопассан Ги де, «Азизим». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

«АЗИЗИМ» РОМАНИНИНГ ТЎРТИНЧИ НАШРИГА СЎЗБОШИ

Ги де Мопассаннинг «Азизим»и яратилгандан бери 120 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу орада у дунёда энг кўп севилиб ўқиладиган, ўқувчиларни қайси миллатга мансуб бўлмасин, ўзига доим жалб этиб, ром этиб турадиган романлардан бири бўлиб қолди. Мопассан Флобер, Золя каби буюк реалист адибларнинг суюкли шогирди, Тургенев, Толстой қидириб, тўлиқиб-тошиб завқ билан ўқишган ёзувчидир. Тургенев унинг ҳар бир янги асари дарҳол рус тилига таржима қилиниши, рус китобхонларига етиб бориши учун тинимсиз қайғурса, жонкуярлик қилса, ўша даврнинг улуғ адибларига уни албатта, ўқишни тавсия этса, Мопассан ҳам янги ёзган асарларини унга аввало ўқиб берса, Толстой Мопассаннинг рус тилидаги илк сайланма асарларига муҳаббат билан сўзбоши ёзган, унинг «Потрда» деган ўткир ҳикоясини ўзи рус тилига ўтирган эди. Мопассан шунчалар суюкли эди. Унинг «Азизим» («*Bel Ami*») романи Мопассанга буюк шуҳрат келтирган «Дўндиқча» ва «Ҳаёт» романларидан сўнг дунёга чиқди.

XIX асарнинг 80-йилларида Европанинг бир қатор мамлакатлари сингари Франциянинг Учинчи республика ҳукумати ҳам Шимолий Африка ва Осиё мамлакатларида ўлкаларни босиб олиш мустамлакачилик сиёсатини юритарди. Мустамлакачилик бу ниҳоятда олғир сиёсат. У фақат олғир

ҳукумат, олғир министрлар, бизнесманлар, олғир матбуот томонидан амалга оширилиши мумкин. Олғир сиёсат оммани чалғитиш, гангитиш, сароб гоёлар, сароб ҳаёт қўйнига ташлашни талаб ва тақозо этади. Франциянинг ўша замонларда Марокаш, Жазойир, Тунис, Ҳиндихитойдаги сиёсати шундай ўта оғирлик, фирибгарлик, каззоблик, мўлтонилик билан қоришиб кетган эди. Олғир сиёсат юритувчи олғир ҳукумат олғир одамларни майдонга чиқаради. Зеро, ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва бири иккинчисидан келиб чиқади. Франция ҳукуматининг ўша пайтдаги сиёсати Мопассан романида тасвирланган шиддатли воқеалар, унинг журналист Дю Руа сингари фирибгар, олғир қаҳрамонларини тарих саҳнасига олиб чиқди. Мопассан ана шу ўта олғир сиёсатни зўр қудрат ва маҳорат билан реалистик тасвирлади. Париж сиёсатдонлари, сотқин, малайга айланган журналистлари, корчалонлари, айшу фароғат, маишатбозлик тарафдорларининг ахлоқи, хулқ-атвори, давлат, бойлик эгаси бўлиш йўлидаги ранг-баранг ҳийла-ю найранг, лўттибозликларини аёвсиз, бениҳоя ўткир киноя, истеҳзо билан очиб кўрсатди. Бузуқликни — бузуқлик, телбаликни — телбалик, айнишни-айниш деб билмай қўйган башанг, олифта тоифаларнинг қалтис, хатарли саргузаштларини чақмоқдай тил билан тасвирлади.

Роман қаҳрамони оддийгина француз деҳқони, қовоқхоначисининг ўғли бўлган Жорж Дю Руа — Азизим йирик молия наҳанглари, сиёсат аждақоларидан олғирлик, фирибгарликни ўрганди, ўзлаштирди. Тез фурсатда улардан ҳам ўтиб тушган устаси фаранг товламачига айланди. Унинг олдида буюк мансабларга кўтарилиш, энг давлатманд одам бўлиш чўққилари очилди. Бу бениҳоя фожи

саргузаштларнинг бари худди «Минг бир кеча» фа-
сиҳ эртакларидай бош кўтармай ўқилади. Ҳар бир
воқеа, ҳар бир сўз асил ёзувчининг олтин сўзидай
қабул қилинади.

«Азизим» илк мартаба ўзбек тилида 1975 йилда
босилиб чиқди. Унинг катта адади жуда тез тарқа-
либ кетди. Роман иккинчи мартаба 1987 йилда
Ги де Мопассаннинг бир жилдик сайланган асар-
ларида нашр этилди.

«Янги аср авлоди» нашриёти «Азизим»ни ўз ўқув-
чиларига «Камолот кутубхонаси» рукнида тортиқ
қилишга бел боғлади. Учинчи нашр учун таржи-
мон романни бошдан-оёқ кўриб чиқди. Таржима-
га яна бадий сайқал берилди, зарур тузатишлар
киритилди. Шу тариқа Мопассаннинг буюк асари
яна сизга пешвоз бормоқда.

Иброҳим Фафуров

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Жорж Дюруа кассир хотинга беш франк узатиб қолган пулни қайтиб олди-да, қўча эшикка қараб юрди.

Унтер-офицер бўлиб юрган чоғларидагидек қаддини фоз тутган ғоятда хушқомат бу одам у ёқ бу ёғини тузатган бўлди, одати бўйича азаматларча мўйловларини бураб қўйди-да, залда орқайинроқ ўтириб қолган хўрандаларга бир ҳимарилиб қаради, унинг қарашлари ўлжа пойлаган қирғийники каби ўткир, кўркам қадди-қоматига мос эди.

Хотинлар унга бошларини кўтариб қарашди. Эрлари билан бирга ўтиришган учта хотиннинг биттаси сочлари бетартиб тўзғиган, пала-партиш кийинган, бошидаги шляпасини чанг босган, эғнидаги кўйлаги қийшайиб кетган ўрта ёшлардаги мусиқа муаллимаси бўлиб, қолган иккитаси шу арзон ошхонанинг доимий мижозларидан эди.

У қўчага чиққач, энди нима қилсам экан, дегандай ўйланиб тўхтаб қолди. Бугун йигирма саккизинчи июн; ойнанинг биринчи кунигача киссасида атиги уч франк қирқ сантим пул қолибди. Бунга икки марта тушлик қилиш мумкин, лекин унда нонуштадан маҳрум бўлади ёки икки марта нонушта қилса, тушлик қилмаслиги керак бўлади. Қайси

бири хуш келса, бу ёғи ихтиёринг. Нонушта бир франк ўн сантиметга тушади, тушки овқат эса бир ярим франк туради. Модомики шундай экан, мабодо пешинда овқатланишдан воз кечилса, унда бир франк йигирма сантимет тежалади: бунга яна икки маротаба кечқурун нон билан колбаса ейиш ва бульварда икки кружка пиво ичиш мумкин. Пиво уни анча чиқимдор қилиб қўйса-да, лекин оқшом чоғлари у ўзини ана шу бирдан-бир лаззатдан маҳрум қилолмас эди. У Нотр-Дам-де-Лорет кўчасидан юриб кетди.

Бир замонлар гусар либосида қандай юрган бўлса, ҳозир ҳам унинг қадамлари шахдам эди: у кўкрагини баланд тутиб, оёқларини ҳозиргина отдан тушган кишидай кериб ташлар эди. У кўча тўла одамлар орасидан ҳеч кимни бир пулга олмай ўтиб борар, ўткинчиларни елкалари билан туртар, бировга йўл бўшатмасди. Анчагина уринган цилиндрини чаккасига дўндириб қўндириб олган, пошналарини ерга тақиллатиб урар, ўзини хашаки одамлар ичига тушиб қолгандай ҳис қилиб бораётган бу шоввоз солдатнинг димоғидан қурт ёғарди. Унинг бутун юриш-туриши, важоҳатидан ҳамма нарсага – уйлар, одамлар, шаҳарингга тупурдим деган маънони уқиш мумкин эди.

Мана шу олтмиш франкка сотиб олинган арзонгина костюмда ҳам у ўзини олифта, пўрим қилиб кўрсата олар, гарчи унинг бу пўримлигида ночорлик, тийиқсизлик аломатлари зоҳир эса-да, барибир пўрим – пўрим-да. Унинг баланд кўркама жусаси, тўғри қилиб таралган жингалак малла сочлари, лабларидан гуркираб чиққан шоп мўйловлари, тешиб юбораман дегандай ўткир ва тик боқадиған тиниқ мовий кўзлари – булар барчаси бульвар романларида тасвирладиган хотинларни йўлдан урадиған суюқ одамни эслатиб турарди.

Парижда ҳаво етишмайдиган дим ёз оқшомларидан бири эди. Шаҳар баайни ҳаммомнинг иссиқхонасига ўхшаб қолган, одамнинг нафаси қайтар, қора тер босарди. Оқова сувлардан ачимсиқ, бадбўй ҳид кўтарилар, уйларнинг пастки қаватларидан, ошхоналарнинг пастак дарчаларидан ювинди, чиқиндиларнинг сассиқ иси анқирди.

Уй қоровуллари пиджакларини ечиб ташлаб, дарвозалар олдида кажава курсиларда чекиб ўтиришарди, уларнинг олдиларидан оёқларини зўрға кўтариб босаётган йўловчилар судралиб ўтиб боришарди.

Жорж Дюруа бульварга етгач, яна тайсалланиб тўхтаб қолди. Унинг Елисей майдонларига, Бульон ўрмонзорларига боргиси, дарахтзорлар ичида салқинлаб келгиси келар эди. Бироқ кўнгли яна бошқа нарсани ҳам тусамокдайди – у маҳбубалар билан бирга бўлишни истарди.

Лекин бунга қандай эришмоқ керак? Буни у билолмас, лекин мана, уч ойдирки, шундай бир учрашув бўлишини муштоқлик билан кутади, ҳар куни кутади, ҳар оқшом кутади. Яна шуниси ҳам сир эмаски, хушсурат, тили ширин бу одам онда-сонда бир чимдим-ярим чимдим ўпич узатишга муяссар ҳам бўлиб қоларди, бироқ унинг тилагани бу эмасди, у бошқачароқ нарсани хаёл қиларди, баланд дорга осилгиси келарди. Ҳамён эса қуп-қуруқ, бироқ ишқибозликнинг бу билан иши йўқ, кўча хотинлари бурчак-бурчакдан туриб, «Мен билан юрсанг-чи, чиройли йигит!» – дея шипшиган ва унга баданини теккизиб ўтган дамларда унинг юраги беҳол суст кетарди. Лекин уларга эргашигани юраги дов бермас, чўнтаги қуруқ эди. Бунинг устига у ҳамон бошқачароқ бир нарсани, азият чекиброқ эришиладиган бўсаларни интизор кутар эди.

Шундай бўлишига қарамай, у енгилеёқ қизлар кўп тўпланадиган жойларда – улар қатнашадиган баллар, ресторанлар, кўчаларда кезишни, улар орасида ўралашиб юришни, улар билан сенсираб гаплашишни, улар сепган ўткир атирлар исини тўйиб искашни, улар билан бирга бўлишни ёқтирарди. Нима деганда ҳам булар хотин зотидан эди, улар севги, ишқибозлик учун яратилган хотинлар эди. Булардан у аёлманд эркаклар сингари нафратланиб ўтирмасди.

У Мадлен ибодатхонаси томонга юриди ва исидан беҳол бўлган одамлар ичига қўшилиб кетди. Кафелар кўчагача одам билан лиқ тўлиб кетган, витриналарнинг ёруғ чироқларида ичкарида ўтирганлар шундоққина кўзга ташланиб туришарди. Ўтирганларнинг олдиларида чорси, айлана столлар устида қизил, сариқ, кўк, қўнғир тусли мулавван ичимликлар билан тўла қадаҳлар турар, графинларда эса ажиб тиниқ сувлар ичида муз парчалари ярқираб кўринарди.

Дюруа қадамини секинлатди – унинг томоғи қақраб кетганди.

Ёзнинг дим кечаларида одам қаттиқ чанқайди, лоҳас бўлади, у ташна бўлиб кетганидан ўзини беҳол сезди, бўғзида муздек пивонинг ажиб таъмини хаёлан тўйиб, тамшаниб қўйди. Бироқ мабодо ҳозир икки кружка пиво ичадиган бўлса, эртага очдан ўлмаслик учун ейладиган кечки овқатдан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Ой охирида оч қоладиган кунларини у яхши биларди.

«Соат ўнгача чидайман, кейин Америка кафе-сида бир кружка ичаман, – деб ўйлади у. – Жуда ҳам томоғим қақраб кетди-е!» У столлар атрофида ўтириб ташналигини босаётган, кўнгли қанча тусаса, шунча ича оладиган одамларга қараб бо-

рарди. У кафедра, ўтирганларга тик масхараомуз қараб ўтар, уларнинг юз ифодалари, энгил-бошларига қараб, ёнларида қанча пуллари борлигини чамалаб кўрарди. Шунда унинг кўкрагида маза қилиб ўтирган ушбу жанобларга нисбатан ғазаб жўш уриб кетарди. Уларнинг киссаларини ковла-санг, олтин, кумуш, мис, борингки, истаганингча танга топасан. Ўрта ҳисобда ҳар бирининг пули икки луидордан кам эмас, қайси кафени қарама, ҳозир камида юзтадан одам ўтирибди: икки луидорни юзга кўпайтирсак, тўрт минг франк бўлади! «Ифлослар!» – дея тўнғиллади у белини чайқаб қадам ташлаб бораркан. Бу афандилардан бирон-таси кечаси қоронғи кўчаларда собиқ унтер-офицерга йўлиқиб қолса борми, сира иккиланиб ўтирмасдан унинг бўйинини қайириб ташлаган бўларди, у ҳарбий машқлар пайтида қишлоқларда товуқларнинг калласини мана шундай қилиб қайириб ташлайверарди.

Бехосдан Дюруанинг эсига Африкада, жанубий Жазоирнинг хилват қалъаларида кечирган йиллари тушиб кетди. Бу ерларда кўпинча у араб хонадонларини қийратиб шип-шийдам қилиб кетаверарди. Бир воқеа эсига тушиб кетиб, баттол жилмайиб қўйди: ўшанда улед-алан қабиласидан учта араб нариги дунёга равона бўлди, ўртоқлари билан йигирмата товуқ, иккита қўй, тилла тангаларни қўлга туширишди, бунинг устига ярим йилгача мазах қилиб кулиб юришди.

Ўшанда бу ишнинг айбдорлари топилмади, – уларни жон куйдириб қидирганлари ҳам йўқ, – ахир араб деганингиз ҳам қаёғини ўгириб қараманг, солдатнинг қонуний ўлжасидай бир нарса-да.

Парижда эса, ундай эмас. Ёнингга қилич, қўлингга револьвер ушлаб бемалол қароқчилик қи-

лолмайсан, ҳуқуқ-пуқуқ деб бош оғриғи қилишдади, ўзингни эркин сезолмайсан. Тобе мамлакатда юриб бутунлай бузилиб кетган собиқ унтер офицерининг эски ҳиссиётлари жунбишга кирди. Рост, қанчалар бахтиёр эди у пайтлар. Негаям саҳрони ташлаб бу ерларга келди! Афсус! Аммо у бу ерда ишларим юришиб кетади деб умид қилганди. Оқибатда эса... оқибат мана нима бўлди!

У оғзи қанчалар қақраб кетганлигини билгиси келгандай тилини такиллашиб танглайида айлангирди.

Ҳолдан тойган одамлар эринчоқлик билан унинг икки ёнидан ўтиб боришар, у эса қаршидан келётганларни туртиб-суртиб, шўх хиргойи қилганча ҳуштак чалиб ўзига-ўзи гапириб борарди: «Ҳайвонлар! Яна бу ҳафтафаҳмларнинг ҳаммаси пулдор бўлганига ўласанми!» У туртиб ўтган эркаклар сўкинганча ўтиб кетишар, хотинлар эса унинг орқасидан «Ўл-е, сурбет!» – деб қолишарди.

У Водевиль олдидан ўтиб, Америка кафеси қаршисида тўхтади. Ташналик уни шу қадар енгиб бормоқда эдики, кириб пиво ичиб чиқсаммикин деган хаёлга борди. Лекин бир қарорга келишдан олдин кўча соатининг милларига қаради. Тўққиздан чорак ўтганди. У яхши билади: олдига пиво келтиришлари билан шартга сипқориб ташлайди. Айтгандай, соат ўн биргача вақтни қандай қилиб ўтказса экан?

«Мадден ибодатхонасигача секин бориб, яна шошмасдан қайтиб келаман», деди у ўзига-ўзи.

Опера майдонининг чорраҳасида у тўладан келган йигитга дуч келди, кўзига танишдай, уни қаердадир учратгандай бўлди.

Хотирасини титкилаганча ўзича гўлдираб унинг орқасидан эргашди:

– Жин урсин, қаерда кўришган эканман-а бу нусха билан?

У тозаям бош қотирди, шунда бирдан хотираси ялт этиб ёришиб кетди, бояги йигитни у гусар либослари кийиб юрган ёш йигит қиёфасида кўз ўнгига келтирди, у пайтлар бунчалик семиз эмас эди.

– Ие, бу ахир Форестъенинг ўзи-ку! – қичқириб юборди Дюруа ва уни қувиб етиб, елкасига бир туширди.

Йигит орқасига ўгирилиб қаради-да:

– Хизмат, афандим? – деб сўради.

Дюруа кулиб юборди:

– Мени танимаяпсанми?

– Йўқ.

– Жорж Дюруа, олтинчи гусар полкидан.

Форестъе унга қўлларини чўзди:

– Сенмисан, оғайни! Яхши юрибсанми?

– Жуда ҳам яхши, ўзинг-чи?

– Мен ҳам ёмонмас, тузук. Менга қара, кўкрагим худди патак босиб кетгандай йилнинг олти ойини йўталиб ўтказаман. Францияга қайтиб келганимга, мана, тўрт йил бўлаётимди. Буживаледа бир томоғим оғриганча ҳалигача тузалмайди.

– Буни қара-я! Лекинига кўринишинг яхши.

Форестъе қадрдон ошнасини қўлтиқлаб олди-да, ўзининг касали, врачларнинг берган маслаҳатлари, иш билан қаттиқ банд бўлиб қолиб уларнинг айтганларини қилолмаётгани ҳақида гапира кетди. Унга қиш фаслини жанубда ўтказинг деб маслаҳат беришибди, лекин бунга илож қайда? Уй, хотин ташвиши дегандай, бунинг устига у журналист, ўзига яраша мавқеи, обрў-эътибори бор.

– Мен «Француз ҳаёти»да сиёсий ҳаёт бўлимини бошқараман, «Халос»да сенат мажлислари ҳақида ҳисобот мақолалар билан чиқаман, вақти-вақтида «Сайёра»да адабий ҳаёт ҳақидаги мақолаларим чиқиб туради. Кўриб турибсанки, ишларим жойида.

Дюруа унга таажжуб ичида тикиларди. Форестье жуда ўзгариб кетибди. Катта одам бўлиб қолибди. Унинг бутун юриш-туриши, кийиниши, қорнининг сапчадек чиқиб туришидан ўзига ишончи зўр эканлиги, ишлари ғоятда ўнгидан келиб турганлиги, яхши еб, яхши ичаётганлиги шундоққина кўриниб турибди. У илгарилари ориққина, нозик, келишган ўспирин эди. Ҳаммага уришқоқлиги, ҳовлиқмалиги, бақириб-чақириб юриши, қўними йўқлиги билан отнинг қашқасидай танилиб қолганди. Уч йил мобайнида Париж уни буткул бошқача одам қилиб қўйибди – гарчи ёши ҳали йигирма еттидан ошмаган бўлса-да, у ўзини жиддий ва сипо тутар, баданига жир битган, чаккаларига оқ оралаган эди.

– Йўл бўлсин, қаерга кетяпсан? – сўради Форестье.

– Шундай, ўзим, – деб жавоб берди Дюруа, – уйку олдидан бир оз айланиб юрибман.

– Ундай бўлса, балки, «Француз ҳаёти» редакциясигача мен билан бирга борарсан? Мен озгина корректурани кўриб бераману, кейин бирга пиво ичамиз.

– Маъқул.

Улар бирга ўқиган, бирга ҳарбий хизматда бўлган одамларга ўхшаб тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди ва гангур-гунгур суҳбатлашганча қўлтиқлашиб йўлга тушишди.

– Ишларинг қалай? – сўради Форестье.

Дюруа елкасини қисди.

– Ростини айтсам, очликдан ўлар ҳолатга келдим. Хизматим тутагандан кейин бу ерга... бу ерга тузукроқ бир ишнинг бошини тутармикинман деб келган эдим, – гапнинг пўскаллеси, Парижда ялло қилиб юраман дегандим. Афсуски, мана ярим йилдан бери Шимолий темир йўл бошқармасида

ишляяпман, йилига атиги бир ярим минг франк пул оляпман.

– Жуда ҳам ночор экан-ку, жин урсин, – пўнғилади Форестье.

– Нимасини айтасан! Нима қилишимни билмай, бошим қотиб қолди. Ёлғизлик жонимдан ўтиб кетди, таниш-билиш йўқ, кимга ёрилишимни билмайман. Ўзимга қолса шундай бўлсин дебмидим, қўлим қисқалик қилиб шу кунларга тушдим.

Ошнаси унга бошдан-оёқ синовчан кўз билан разм солиб чиқди-да, насиҳатомуз сўзлай бошлади:

– Ҳаммаси ўзингни қандай тутишингга боғлиқ, бўталоғим. Калласи жиндаккина ишлайдиган одамга бошлиқ бўлишдан ҳам кўра министр бўлиш осонроқ. Одамларга ўзингни кўрсата билишинг, уларга ялиниб-эланиб ўтирмаслигинг керак. Бироқ наҳотки сира ҳам дурустроқ бир иш тополмаган бўлсанг!

– Бошимни тикмаган тешик қолмади, лекин фойдаси бўлмади, – эътироз билдирди Дюруа. – Айтгандай, шу кунларда бир ишнинг дараги чиқиб турибди: Пелерен манежида менга от минишни ўргатадиган бир одам керак деб айтишди. У ерда йилига кам деганда уч минг франк ишласам керак.

– Бу тентакликни сира қила кўрма, – унинг сўзини бўлди Форестье, – сенга ўн минг франк ваъда қилишган чоғда ҳам рози бўлма. Бу билан ўз йўлингни ўзинг тўсиб қўйган бўласан. Идорангда эса, сени кўпчилик яхши билмайди, бир кунмас бир кун ишинг ўнгидан келиб қолса, у ердан кетиб зўр амалга минишинг мумкин. От ўргатувчилик қилсанг, иш расво бўлди деявер. Бу бутун Париж овқатланадиган ресторанга метрдотель бўлиш билан баробар. Сен асилзодалар ёки уларнинг бола-

ларига от минишни ўргата бошлаганингдан кейин улар сени ўз тенглари қатори кўрмайдилар, менсимай қўядилар.

У сўзлашдан тўхтаб, бир дам ўйланиб қолди-да, кейин сўради:

– Сенда бакалавр дипломи борми?

– Йўқ, мен икки марта йиқилганман.

– Агар ўрта билим юртини битирган бўлсанг, бунинг зиёни йўқ. Сенинг олдинда гап Цицерон ёки Тиберий устида кетаётган бўлса, бунинг мағзини чақишга ақлинг етар дейман?

– Унча-мунча.

– Шунинг ўзи етарли, ўн-ўн бешта каллахумлардан қолган бошқалар ҳам шундан ортиқ нарсани билмайди, каллахумларнинг ҳам буларни билгани билан бундан ақлли бўлиб қолмайди. Гапимга ишон, ўзингни билафон қилиб кўрсатишдан осони йўқ. Ҳамма гап ўзингнинг нодонлигингни бошқаларга ошкор қилиб қўймаслигингда. Думингни тутқазма, гапни айлантир, четга бур, хижолат чекиладиган вазиятларга тушма, тўсиқларни айланиб ўт ва қомусларни рўкач қилиб бошқаларнинг оғзига ур, мисини чиқар. Одамларнинг ҳаммаси – фирт оми ва аҳмоқ, ҳеч бирининг тўнкадан фарқи йўқ.

Форестье ҳаётни биладиган одамлар каби беозор киноя билан сўйлаб борар, учраганларга қараб кулиб қўярди. Лекин бирдан уни йўтал тутди, тўхтаб қолди, йўтали босилгач, синиқ овоз билан деди:

– Шаппа бўғзингдан тутади, ярамас! Айни ёз-а, бўлмаса. Қиш келса, Ментонага даволангани бормасам сира бўлмай қолди. Соғлигинг – давлатинг, бошқаси ҳеч нарсага арзимамайди!

Улар Пуасоньер бульварига келиб каттакон ойнабанд эшик олдида тўхташди, эшикнинг ичка-

ри томонига газета ёпиштириб қўйилган эди. Уч киши тик турганча уни ўқишмоқда эди.

Эшик тепасига газ найчалар билан йирик-йирик қилиб ёзилган «Француз ҳаёти» деган сўзлар кўзни қамаштирадиган даражада порлаб ёнмоқда эди. Бу сўзларнинг ўткир шуъласида ўткинчилар бир зум кўриниб, кейин яна шу заҳоти қоронғилик қаърига ғойиб бўлишарди.

Форестье эшикни итарди.

– Бу ёққа, – деди у.

Дюруа кирди, кўчадан равон кўриниб турадиган ҳашаматли, ҳозир эса ифлос бўлиб ётган зинадан ва тепада ошнасига салом бериб қуллуқ қилган икки хизматчининг олдидан ўтиб, исбосган, кўримсиз қабулхонага кирди, – қабулхона деворлари ранги унниқиб кетган кўк-сарғиш трип билан қопланган бўлиб, унинг ҳамма ёғини доғ-дуғ босган, худди сичқон кемириб ташлаганга ўхшарди.

– Ўтириб тур, – деди Форестье, – мен беш минутдан кейин келаман.

Шундай деб у қабулхонадаги эшиклардан бирига кириб кетди.

Фақат редакцияларда бўладиган ўзгача, ифодалаш қийин ғалати бир ҳид келарди бу ердан. Дюруа қисиниб-қимтинмаган бўлса ҳам, лекин анграйиб туриб қолди. Қандайдир одамлар дам-бадам унинг ёнидан шошилинч суратда у эшикдан-бу эшикка кириб кетишар, улар шунчалар тез юришардики, Дюруа тузукроқ кўришга ҳам улгуролмасди.

Ҳали ғўргина ўспиринчалар худди ғоятда банд одамлар каби у ёқдан-бу ёққа чопишар, қўлларида кўтарган қоғозлари букилиб, шалдираб кетарди. Типография бўёқлари сачраган халатлари тагидан худди асилзодаларникидай мовут шимлари

ва оппоқ кўйлак ёқалари кўриниб турган ҳарф терувчилар янгигина терилган, ҳали қуриб улгурмаган гранкаларни авайлаб кўтариб ўтишарди. Гоҳо ҳаддан ортиқ олифта кийинган, бели ҳаддан ташқари тор сюртук, ҳаддан ташқари тор шим, тумшуғи ҳаддан ташқари ингичка ботинка кийиб олган биронта жиккаккина мухбир киборларнинг ҳаётига оид кечки олди-қочди гапларни кўтариб келиб қоларди.

Яна димоғдор, ғоятда сипо бошқа бир одамлар ҳам кириб келишар, уларнинг бошларига четлари ясси цилиндрлар қўндирилган бўларди, – афтидан, улар шляпамизнинг шундай туришининг ўзиёқ бизни бошқача, бачки одамлардан эмаслигимизни кўрсатади деганга ўхшаб турардилар.

Ниҳоят, Форестье кўринди, у ўрта ёшлардаги ўзига бино қўйган, кўринишдан сурбетроқ, қора фрак кийган, қотма, шопмўйлов бир жанобни қўлтиқлаб олганди.

– Хайр, омон бўлинг, муҳтарам устоз, – деди Форестье.

Жаноб унинг қўлини қисди.

– Хайр, азизим, хайр.

У ҳассасини қўлтиғига қистириб олди-да, ҳуштак чалганча зиналардан тушиб кета бошлади.

– Ким у? – сўради Дюруа.

– Жак Риваль, – у машҳур фельетончи ва дуэлбоз одам, биласанми? У корректура кўраётган экан. Гарен, Монтель ва у – Парижнинг энг ўткир журналистларидан ҳисобланади. Энг қойилмақом, шу куннинг зўр фельетонлари шуларнинг қаламидан чиқади. Риваль бизга ҳар ҳафтада иккита фельетон ёзиб беради ва йилига ўттиз минг франк олади.

Улар хонадан чиқишиб, зинапоядан ҳарсиллаб кўтарилиб келаётган паст бўйли, йўғон, сочлари

тўзгиб кетган, энгил-боши исқиртроқ бир одамга дуч келишди.

Форестье унга икки букилиб таъзим қилди.

– Норбер де Варен, шоир, «Сўнган юлдузлар»-нинг муаллифи, бунинг ҳам ови юрган, – тушунтирди у. – Унинг ҳар бир ҳикоясига уч юз франк тўлашади, энг узун ҳикояси эса икки юз қатор ҳам чиқмайди. Менга қара, юр. Неаполитания кафесига кирамиз, жуда ташна бўлиб кетдим.

Улар жойлашиб ўтирганлари ҳамон Форестье: «Икки кружка пиво!» – деб қичқирди ва ўз пивосини бир шимиришда ичиб ташлади; Дюруа эса гўё жуда ҳам ноёб, кам топиладиган ичимлик ичаётган кишидай таъм олиб, тамшаниб, оз-оздан ҳўплаб лаззатланар эди.

Унинг ошнаси жим бўлиб қолган, афтидан, ниманидир ўйлаб ўтирарди, кейин тўсатдан сўраб қолди:

– Журналистлик қилиб кўрсангмикин, а?

Дюруа унга тушунмадим дегандай қаради.

– Бироқ... гап шундаки... мен ҳеч ёзиб кўрмаганман.

– Ёзмаган бўлсанг, энди ёзасан-да! Менга керак бўлиб қолишинг мумкин: менга маълумот топиб берасан, амалдорлар билан суҳбат уюштирасан, идо-рама-идора юрасан. Ҳозирча икки юз эллик франк олиб турасан, йўл кира ҳақи бунга кирмайди. Ҳўп десанг, ноширимиз билан гаплашиб кўраман.

– Жон дердим-а.

– Унда гап шундоқ: эртага меникига меҳмон бўлиб кел. Бизникида беш-олти киши йиғилмоқчи эди. Келадиганлар: хотини билан хўжайиним жаноб Вальтер, сен ҳозир кўрган Жак Риваль билан Норбер де Варен, кейин хотинимнинг дугонаси. Келасанми?

Дюруа иккиланиб турар, у қизариб кетган, мул-замроқ бир алфозга тушганди.

– Э, буни қара-я, э... эгнимда тузукроқ костюмим йўқ эди, – деди у тутилиб, дудуқланиб.

Форестье лол бўлиб қолди.

– Фрак йўқ дейсанми? Ана холос! Бусиз ҳеч кунинг ўтмайди. Шуни яхши билиб қўйки, Парижда кўрпа-тўшагинг бўлмаса бўлмасин, лекин фрак бўлиши шарт.

У нимчасининг киссасини ковлаштириб бир талай пул чиқарди-да, икки луидор олиб қадрдон ошнасининг олдига қўйди.

– Топганда қайтарарсан, – деди у дўстона самимият билан. – Прокатга костюм ол, икки бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ол. Бу сенинг ишинг, лекин эртага меникига албатта етиб келгин: эртага соат етти яримда, Фонтен кўчаси, ўн еттинчи уй.

Дюруа қаттиқ таъсирланиб кетди.

– Меҳрибон дўстим! – деди у пулни чўнтагига соларкан, талмовсираган оҳангда. – Минг раҳмат сенга! Умрим бўйи унутмайман бу яхшилигингни!..

– Бўлди, бўлди! – чек қўйди Форестье. – Ке, яна бир кружкадан ичайлик, а? Гарсон, икки кружка! – қичқирди у.

Пивони ичиб бўлишгач, журналист деди:

– Қалай, яна бирон соат айланмаймизми?

– Жоним билан.

Улар Мадлен ибодатхонаси томонга юришди.

– Хўш, нима қилсак экан-а? – деди Форестье.

– Парижда вақти бор киши истаган нарчасини қила олади дейишади, лекин аслида ундоқ эмас. Баъзан оқшомлари бирон ерга боргинг келади, лекин қаерга боришингни билмай бошинг қотади. Булон ўрмонида хонимчани ёнингга олиб маза қилиб ўйнагинг келади, лекин хонимлар ҳар доим

ҳам топилавермайди. Кафешантанлар бўлса, менинг аптекачим билан унинг хотинига ярашади, менга эмас. Бошқа яна нима бор? Ҳеч вақо. Парижда Монсо боғига ўхшайдиган ёзги боғ очилса ёмон бўлмасди. У тун бўйи очиқ бўлса, дарахтлар салқинида ўтириб муздек ичимликлар ичсанг, ёқимли куйлардан эшитиб ўтирсанг. Бундай жой ўйин-кулги учун эмас, фақат сайр қилиш учун мўлжалланса яхши бўларди. Менга қолса, кириш ҳақини қиммат қилиб қўярдим, чиройли хотинларни жалб қилиш учун, ўшанда истасанг, қум сепилган, электр чироқлар билан ёритилган йўлкаларда айланиб юр, бўлмаса, яхши куйлардан эшитиб ўтир. Бир маҳаллари шунақа бир жой Мюзарда бор эди, фақат у ер бир оз қовоқхоналарни эслатиб турарди: рақс куйларини ҳаддан зиёд кўп чалишарди, яйраб юролмасдинг, дарахтлар сийрак, соя-салқин ерлар кам эди. Кенг, гўзал бир боғ жуда ҳам керак экан. Қулинг ўргилсин иш бўлар эди-да. Хўш, қаерга боришни истайсан?

Дюруа нима дейишини билмасди. Ниҳоят, миясига бир фикр келди:

– Мен ҳали Фоли-Бержерни кўрганим йўқ. У ерга жон деб борган бўлардим.

– Нима? Фоли-Бержер! – хитоб қилди ҳамроҳи. – Э, у ерда товага тушгандай жизфинагимиз чиқиб кетади-ку. Яна ўзинг биласан, ҳар қалай бу фикр ҳам чакки эмас.

Шундай қилиб, улар Фобур-Монмартр кўчасига ўтиш учун орқаларига қайтишди.

Маишатгоҳнинг пештоқларидан бутун чорраҳага ярқироқ электр нурлари тўкилиб ётарди. Атрофда сон-саноқсиз фойтон аравалар тизилиб туришарди.

Форестье тўғри эшикка қараб юрди, лекин Дюруа уни тўхтатди.

– Билет олволайлик.

– Мен билан бирга юрганда билет олмайдилар, – деди такаббуруна Форестье.

Эшикда турган уч киши унга эгилиб таъзим қилишди. Ўртада турган одам билан журналист қўл бериб сўрашди.

– Яхши ўрин борми? – сўради у.

– Албатта-да, жаноб Форестье.

Форестье ўзига узатилган билетни олиб, чарм қопламали эшикни очди, дўстлар ичкарига кирдилар.

Саҳна ва залнинг узоқроқ бурчаклари тамаки дуди ичра хира кўринарди. Сон-саноқсиз папирос ва сигаралардан чиққан тутун туман каби тўлқинланиб, бурала-бурала шифтга кўтарилар, тепага ўрлаган сари қуюқлашиб, люстра атрофини, иккинчи қаватни булут каби қоплар эди. Қатор терилган курсилар ва партер ложалари томонга ўтиладиган ярим доира йўлка кенг коридорга бориб тақалар, бу ерда ясан-тусан қилиб олган сатанлар қора кийимдаги эркаклар орасидан дам у ёққа, дам бу ёққа ўтиб туришар, ичимлик ва ишқ харид қилинадиган учта жой бўлиб, уларнинг бирида упа-элик сурган, кўп балони кўрган сотувчи хотинлар атрофида бир неча аёл ўлжа пойламоқдайди.

Баланд кўзгуларда сотувчи хотинларнинг елкалари ва залга кириб келаётган томошабинларнинг чеҳралари акс этиб турарди.

Форестье одамлар орасидан чаққонлик билан ёриб ўтиб борар, кўринишдан худди бу ерни ўзиники қилиб олган одамга ўхшарди.

У капельдинер хотиннинг олдида борди.

– Ўн еттинчи ложа қаерда?

– Шу ерда, афандим.

Хотин уларни ёғочдан махсус ишланган, ичи қизил мато билан қопланган қутичадек бир ерга ки-

ритди, бу ерга тўртта курси қўйилган бўлиб, улар шунчалар зич жойлашган эдики, орасидан ўтиб бўлмасди. Дўстлар ўтиришди. Булардан ўнг ва сўл томонларда ҳам тақа шаклидаги мана шундай мўъжаз хоналар жойлашган, уларда ҳам одамлар ўтиришар, уларнинг белидан юқорисигина кўринар эди.

Саҳнада трико кийган, бири дароз, иккинчиси ўрта бўйли, учинчиси пакана учта ёш йигит трапецияда навбатма-навбат машқ кўрсатмоқда эди.

Олдин саҳнага майда қадам ташлаб, томошабинларга ғайрат билан бўсалар ҳадя қилган, лабларидан табассум аримаган ҳолда дароз йигит чиқди.

Қўллари ва оёқларидаги мушаклари трико тагидан аниқ билиниб турарди. Қорнининг катталигини билдирмаслик учун у кўкрагини ҳаддан ташқари олдинга чиқариб олган эди. Сочини икки томонга баравар ажратиб тараганидан худди сартарошга ўхшаб қолганди. У чиройли бир ҳаракат билан трапецияга сакраб осилиб олгач, унда чир айлана бошлади. У кутилмаганда айланишдан тўхтаб қўлларини чўзиб юборди ва дастакни кафти билан маҳкам сиқиб ҳавода бир неча сония муаллақ қотиб қолди.

Кейин у ерга сакраб тушди, жилмайди, чапак чалинаётган партердагиларга таъзим қилди ва қайишдек бақувват болдирларини ўйнатиб парда орқасига ўтиб кетди.

Ундан кейин чиққан ўрта бўйли, чорпаҳил йигит яна шу ҳунарни такрорлади, ундан кейин учинчиси ҳам худди шуларни бирма-бир ўйнаб кўрсатди, бу томошабинларга хуш келиб қолди, чапаклар ҳам борган сари қуюқроқ чиқди.

Лекин Дюруанинг кўзлари бошқа ёқда эди: у эркаклар ва фоҳишалар тўдалашиб турган коридордан кўзларини узолмасди.

– Партернинг биринчи қаторларига бир қараб қўй, – деди Форестье, – ҳаммаси бола-чақаси билан келган калтафаҳм авомлар. Ложаларда эса такасалтанглар, унча-мунча рассомлар, бир неча ўртамиёна сатанг хонимлар ўтиришибди, орқа томонимизда Парижнинг ажойиб-ғаройиб қурама тоифаси жойлашган. Ким улар, биласанми? Уларга тузукроқ разм сол. Кимни истасанг, шуни топасан, уларнинг кўпчилиги турли унвонларга, амалларга эга кишилар, лекин аксарияти резги. Мановилар – банк, министрлик, савдо хизматчилари, репортерлар, ўйнаш ҳисобига кун кечирувчилар, кишилик кийган офицерлар, фрак илган олифта қуруқлар – улар қовоқхоналарда еб-ичиб, Операда бўлиб, кейин бу ерга келишган, бундан чиқиб тўғри Италияларга жўнашади, хуллас, ҳаммаси мана шундай нурли-нурсиз шахслар. Хотинларнинг-ку, бари бир гўр: булар кечки овқатни Америка кафесида қилиб, вақтлари бўш бўлди дегунча ўйнашларини чақирадиганлардан. Уларнинг манадан дегани икки луидор ҳақ олади, лекин улар кўпроқ чет элликларнинг пайида бўлишади, нега десанг, улардан беш луидор ундириш мумкин. Улар беш-олти йилдан бери бу ерга мазахўрак бўлиб қолишган, йил бўйи ҳар оқшом шу ердан топасан уларни, ҳатто жойларини ҳам ўзгартиришмайди, кейин Сен-Лазар ёки Лурсинга бориб даволаниб келишади, ўшандагина бу ерда кўринмай қолишади. Дюруанинг эс-ҳуши бошқа ёқда эди. Форестье таърифлаган шунақа хотинлардан бири булар ўтирган ложага суяниб олиб, кўзларини ундан узмай тикиларди. Хотин лобар, сочлари қора, кўзларига сурма тортган, қошларини пайваста қилиб бўяган, юзларига упа-элик сурганди. Унинг бўлиқ кўкраги қора ипак кўйлаги остидан бўртиб

чиқиб турар, қон силқиган жароҳатдай ёқут лаблари ёндираман, куйдираман, адо қиламан, дегандай шаҳват алангасини пуркаб, латофати билан ўзига ром қилиб турарди.

У ёнидан ўтиб кетаётган малла соч, упа-элик суриб олган дугонасини имлаб чақирди-да, ложада ўтирганларга атай эшиттириб деди:

– Мановини қара, жудаям келишган эканми? У менга ўн луидор бераман деса ҳам кўнардим.

Форестье Дюруага ўгирилиб қаради-да, жилмайиб унинг тиззасига шаппатилади:

– Сенга гап отяпти. Ишинг жойида бўладиганга ўхшайди. Табриклайман.

Собиқ унтер-офицер қизариб кетди; у чўнтагидаги икки олтин тангани беихтиёр кафти билан пайпаслаб қўйди.

Парда тушди. Оркестр вальс чала бошлади.

– Айланиб келмаймизми? – сўради Дюруа.

– Майли.

Улар ложадан чиқиб улгурмаслариданоқ ўзларини сайр қилувчиларнинг тўлқини ичра кўришди. Тиқилинчда уларни туртиб ўтишар, у томондан бу томонга судраб кетишар, кўзларига шляпалардан бошқа нарса кўринмасди. Хотинлар жуфт-жуфт бўлиб кезишарди, улар тирсаклар, елкалар, кўкраклар орасидан сирғалиб ўтиб боришар, эркаклар орасида эркин ҳаракат қилишарди, уларнинг бу ерни ўзлариники қилиб олганлари, кўнгиллари кўчасига кенг эрк бериб қўйганлари, нарра эрлар орасида ўзларини сувдаги балиқдек сезаётганлари шундоқ билиниб турарди.

Дюруа ўзида йўқ хурсанд, оқим судраган томонга жон деб борар, кўкрагини тўлдирб нафас олар, ҳаво одам танасининг ҳидлари, сатанглар сепган атир-упа ислари, тамаки тутуни билан тўла

эканлигига эътибор ҳам бермасди. Бироқ Форестъе қаро терга ботган, нафаси сиқиб, йўтали тутмоқдайди.

– Юр, боққа чиқайлик, – деди у.

Улар салча чап томонга юрган эдиларки, каттакон ҳашаматли икки фаввора сув пуркаб турган кўкаламзор бир ерга чиқдилар. Улкан тувакларга ўтказилган тис ва сарвга ўхшаш дарахтлар тагига қўйилган қўрғошин столчалар атрофида эркакаёллар ўтиришиб, муздек ичимликлар ичишарди.

– Яна бир кружкадан оламизми? – сўради Форестъе.

– Бажонидил.

Улар ўтириб атрофдаги одамларни томоша қила бошладилар.

Баъзан уларнинг олдига ойимчалар келишар, ишвакорлик билан табассум қилишиб, «Афандим, мени нима билан сийламоқчисиз?» деб сўрар, бунга Форестъе: «Бир стакан фонтан суви билан», деб жавоб берар, шунда ойимча: «Тўнғиз!» – дея вишиллаганча жўнаб қоларди.

Мана, ниҳоят, боя уларнинг ложасига суяниб турган қора соч лобар хотин кўринди; у малла соч семиз жувонни қўлтиқлаб олган, икки кўзи тева-рак-атрофда олма-кесак териборарди. Улар атай қилгандай, бир-бирларига жуда монанд ва чиндан ҳам жуда кўҳлик эдилар.

Дюруага кўзи тушиши биланоқ унга ажиб бир табассум ҳадя қилди. Улар бир-бирларига бир нигоҳ ташлагандаёқ фақат икковларигина тушунадиган, икковларигагина тааллуқли бўлган алланималарнидир айтиб улгургандай эдилар. Хотин курси олиб бемалол унинг қаршисига келиб ўтирди, дугонасини ёнига олди ва қўнғироқдай овоз билан:

– Гарсон, иккита сув! – деб қичқирди.

– Буни қара-я, жуда тап тортмас экансан-ку! – ажабланиб деди Форестье.

– Офайнинг бошимни айлантириб қўйди, – деди хотин. – Ўлай агар, жуда барно йигит экан. Уни деб ҳали эс-ҳушимдан айрилиб қолмасам деб қўрқаман!

Дюруа қисиниб нима дейишини билмади. У ипакдек майин мўйловини бураб ишшайрди, холос. Гарсон шарбат билан сув келтирди. Хотинлар уни бир кўтаришда сипқариб, ўринларидан туришди. Қора соч Дюруа томонга қараб, дўстона бош силкиди, елпигичи билан унинг елкасига секингина уриб қўйди.

– Раҳмат, қўзичоғим, – деди у. – Афсус, фақат ичимдагини топ дейдиганлар хилдан экансиз.

Улар белларини силкитганча эшик томонга қараб кетишди.

Форестье кулиб юборди.

– Биласанми, дўстим, сенга бир гапни айтиб қўяй. Сен ростданам хотинларнинг бош-кўзини айлантириб қўяр экансан. Бундан фойдаланиш керак. Узоққа бориш мумкин бу билан.

У бир зум жимиб қолди, кейин худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай ўйчан деди:

– Бизни кўпинча мана шу аёллар одам қилади.

Дюруа индамай кулиб ўтирарди.

– Сен қоласанми? – сўради Форестье. – Мен эса кетаман, жонимга тегди.

– Бир оз қолсам девдим. Ҳали эрта, – минғирлади Дюруа.

Форестье турди.

– Унда, хайр. Эртагача. Унутмадингми? Фонтен кўчаси, ўн еттинчи уй, соат етти яримда.

– Яхши. Эртагача. Ташаккур.

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқишди, сўнг журналист кетди.

Форестье кетгач, Дюруа ўзини енгил ҳис қилди. У чўнтагидаги олтин тангаларни мамнун бўлиб яна бир сийпалаб қўйди-да, ўрнидан туриб одамлар орасидан кимнидир қидира бошлади.

Сал ўтмаёқ эркаклар орасида тиқилинчда кибрли қашшоқ аёлларга ўхшаб юрган бояги хотинларни кўриб қолди.

Дюруа уларга қараб юрди, лекин яқин боргач, юраги пўкиллай бошлади.

– Қани, тилинг ечилдими энди? – сўради қора соч.

– Доғули! – гўлдиради Дюруа; тилига бошқа сўз келмади.

Улар учовлари йўлнинг ўртасида туришар, атрофларидан одамлар пайдар-пай ўтмоқда эди.

– Меникига борамизми? – кутилмаганда сўради қора соч.

Кўнгли суст кетиб турган Дюруа қўполроқ қилиб деди:

– Менда фақат бир луидоргина бор, холос.

– Ҳечқиси йўқ, – деди хотин ва йигитни энди ўзиники қилиб олгач, унинг қўлтиғига кирди.

У билан кетаркан, қолган йигирма франкка эртага албатта меҳмондорчилик учун фрак топаман деб ўй ўйлаб борарди Дюруа.

II

– Жаноб Форестье қаерда туради?

– Чапда, тўртинчи қават.

Швейцарнинг овозидан унинг уй эгасига бўлган ҳурмати сезилиб турарди. Жорж Дюруа зинадан юқорига кўтарила бошлади.

У бир оз қисиниброқ турар, юраги гурсиллаб урар, ўзини қандайдир ўнғайсиз сезарди. Умрида биринчи марта фрак кийиши бўлиб, умуман, ҳозир ўзининг уст-бошидан кўнгли тўлинқирамай

турганди. Ўзидан-ўзи хавотир олмоқдайди. Кўзига кийимларида камчилик кўпга ўхшаб кўринар, туфлиси жуда хушбичим бўлсада, локланмаган деб ўкинар, айтиб қўйиш керакки, Дюруа чиройли оёқ кийимини ёқтирарди, эрталаб Луврдан тўрт ярим франкка юпқа, кўкраги қадама қўйлак сотиб олган, ҳозир энди у эзилиб кетган бўлса керак деб хавотирланарди. Эски қўйлаклари шу қадар тўзиб кетган эканки, уларнинг ҳатто энг тузукроғини ҳам кийишга журъат қилмади.

Почаси ҳаддан ташқари кенг тикилган шими ҳалпиллаб турар, болдир томони гижимланиб қолган, ночорликдан харид қилинганлиги аён кўринарди. Фақат фрак унга қўйиб қўйгандек лойиқ келган, сумбатига жуда ярашган эди.

У одамларга кулги бўлишдан қўрқиб, кўнгли бузилган ҳолда юрагини ҳовучлаб юқорига кўтарилди. Шунда бирдан унинг қаршисида жуда башанг, олифта кийинган жаноб пайдо бўлди, у тик қараб турарди. Улар юзма-юз шунчалар яқин келиб қолдиларки, Дюруа бирдан чўчиб орқага тисарилди ва турган ерида тек қотди: у ўз аксига тикилиб турган экан. Иккинчи қаватнинг кичкина саҳнчасига катта тош ойна қўйилган бўлиб, у коридорни гўё жуда узундай қилиб кўрсатарди. Дюруа камоли хурсанд бўлиб кетганидан титраб кетди, ўзининг ғоятда пўрим кўринадиганлигига энди амин бўлди.

Уйда соқол олган чоғларида у кичкина ойнадан фойдаланар, унда одамнинг бор бўй-бастини кўриб бўлмасди. Дюруа у ер-бу ерига ойна тутиб кўрган, шунда уст-бошининг камчиликлари кўзларига ортиқ даражада бўртиб кўринган ва ишқилиб кулги бўлмасам эди деб қаттиқ изтиробга тушган эди.

Мана энди тасодифан ўзини катта ойнада кўриб, дафъатан, ҳатто таниёлмай қолди, бошқа одам, кибор афандилардан бири бўлса керак деб ўйлади.

У ўзига бошдан-оёқ диққат билан қараб чиққач, чиндан ҳам кўринишдан анча кўркем эканман, деб қўйди.

Шунда у рол ўрганаётган актёрдай ойна олдида туриб машқ қила бошлади. У табассум қилар, қўлини узатар, турли ҳаракатлар қилиб кўрар, юзида дам ҳайрат, дам ҳузур, дам маъқуллаш каби ифодаларни акс эттириб ўзини синарди; у хонимларда назокатли ва шоввоз жазман таассуротини қолдиришни истар, шундай таассуротларга йўл очадиган табассум ва кўз қараш усулларини топишга уринарди; у ўзини хонимларга ғоятда мафтун бўлиб қолган киши қилиб кўрсатиши керак, бунинг йўлини топиш керак.

Пастда эшикнинг очилиб ёпилгани эшитилди. Одамлар кўзига бу ғалати қийшанглаган бир алфозда кўриниш ва масхара бўлишдан кўрқиб кетган Дюруа зинадан тез-тез юқорига кўтарилди бошлади.

Учинчи қаватнинг саҳнида ҳам ойна бор экан, Дюруа йўл-йўлакай ўзига яна бир назар ташлаш ниятида қадамини секинлатди. Ҳа, чиндан ҳам у қоматдор йигит. Юришлари ҳам ўзига жуда ярашган. Шунда бир зум ичида у ўзига нисбатан чексиз бир ишонч ҳислари билан тўлди. Шундай қадди-қомат, тиришқоқлик, мардлик, мустақил фикр юритиши билан у ўз мақсадларига албатта эришади. У зинанинг тепасига ҳатлаб-ҳатлаб, чопқиллаб кўтарилгиси келди. Учинчи қават ойнаси олдида тўхтаб, одатдаги бир ҳаракати билан мўйловини бураб қўйди, шляпасини ечди, сочларини текислади ва ўзича «қойил-е», деб шивирлади-да, қўнғироқнинг тугмасини босди.

Ҳаял ўтмай эшик очилди. Дюруа эшикни очган қора фрак, йилтироқ туфли кийган, соқолларини киртишлаб олган, бағоят пўрим ва салобатли ла-

кейни кўргач, юраги яна пўкиллай бошлади, уни нохуш, тушуниб бўлмайдиган безовталиқ қийнай кетди; эҳтимолки, у ўз уст-бошини беихтиёр лакейнинг кийимлари билан солиштириб кўргандир. Дюруа пальтосининг доғ теккан ерларини бекитиб буклаб, қўлига ташлаб олганди, лакей унинг қўлидан пальтосини оларкан сўради:

– Ким деб айтишни буюрадилар?

Кейин даҳлизни меҳмонхонадан ажратиб турган қалин пардани кўтарди-да, унинг номини эшитиларли қилиб эълон қилди.

Дюруада боя тугилган ишончдан асар ҳам қолмади, у эсанкираб қаттиқ ҳаяжонланганидан базў нафас оларди. У янги бир оламга қадам ранжида қилмоқда эди, қачонлардан бери шуни орзу қилиб келганди. Мана, ниҳоят, унинг орзуси ушалмоқда ва мана, у кириб бормоқда. Ранго-ранг ўсимликлар билан тўла кенг чароғон хонанинг ўртасида оппоққина ёш бир жувон турарди.

Дюруа серрайиб қолди. Ёпирай, табассум қилиб турган бу хоним ким бўлса экан? Шунда у Форестъенинг уйланганлигини эслади. Нафис ва барно бу жувон дўстининг хотини эканлиги уни довдиратиб қўйди.

– Хоним афандим, мен... – пичирлай олди у.

Хоним унга қўлини узатди.

– Биламан, афандим. Шарль менга кеча учрашиб қолганларингизни айтиб берди, у сизни уйимизга таклиф этиб, бизни ҳам ғоятда бахтиёр этди.

Дюруа нима деб жавоб беришини билмай қизаринди, ўзига бошдан-оёқ зингил солиб кўраётганлари, баҳо бераётганлари, ўрганаётганликларини ҳис қилиб турди.

У уст-бошининг ночорлиги учун афв сўрамоқчи, бунинг сабабларини тушунтирмоқчи бўлди-ю,

лекин гапни нимадан, қандай бошлашини билмай, ниҳоят, индамай қўя қолганим маъқул деган фикрга келди.

У бека хоним кўрсатган креслога ўтирди, ўтирди-ю, ўриндиқ юмшоқ эканлигини кўриб, унга қулайроқ ўрнашиб олди, орқасига ястанди, ўзини барқутнинг юмшоқ муҳитида кўргач, бутунлай янги бир ҳаёт қучоқларига киргандай бўлди, ўзини ҳаддан ташқари ёқимли нарсанинг хўжасидай ҳис қилди. Ҳа, энди у ҳам одам қаторига кирди, энди унга ҳам сон битади. Шунда у ўзидан кўзларини узмай қараб турган Форестье хонимга нигоҳ ташлади.

Хоним оч ҳаво ранг кашмири кўйлак кийган, кўйлак унинг чикка бели ҳамда баланд кўкракларига ёпишиб турарди. Кўйлагининг ёкасидан белигача оппоқ кўпириб турган тўрга чулғанган, калта энги ҳам тўрдан бўлиб, бўйни ва яланғоч қўллари шу тўрлар ичидан чиқиб турарди. Унинг сочлари баланд қилиб турмакланган, бўйнидаги жингала сочлари эса уқпар мисол ёйилиб ётарди.

Унинг қарашлари Дюруа куни кеча Фоли-Бержерда кўрган қора соч жувоннинг кўз қарашларига нимаси биландир ўхшаб кетар, унинг кўзлари Дюруани дадилроқ бўлишга ундаб турар эдилар. Хонимнинг кўзлари кўкимтир кул ранг эдики, бу унга ўзгача бир жозиба бағишларди, бурни чимдиб қўйилгандай нозик, дудоқлари тўлгин, даҳани момиқдай, лекин сал гўштдорроқ, умуман, пичагина бичимсизроқ, аммо бағоят латофатли, гўзал чеҳра эди бу; унда ҳийла макр ифодаси ҳам йўқ эмасди. Унинг чеҳрасидаги ҳар бир ифода ўзгача бир маъно ва нафосат билан тўла эдики, улар салгина ўзгариб кетсалар, худди бир нарсани сўйлаб берган ёки яшираётган каби туюлардилар.

Бир оз жимликдан кейин хоним сўради:

– Анчадан бери Париждамисиз?

– Бир неча ой бўлди, хоним афандим, – деб жавоб берди у аста ўзига келар экан. – Мен темир йўлда хизмат қиламан, бироқ Форестье ёрдам бераман, журналистлик қиласан, деб умидвор қиялпти.

Жувон жилмайди, бу сафар унинг табассуми очиқ ва самимий эди, у оҳиста шивирлаб деди:

– Мен биламан.

Яна қўнғироқ чалинди. Лакей овоз берди:

– Де Марель хоним.

Нозиккина, қорачадан келган жувон кирди, бунақа хотинлар ҳақида қисқагина қилиб, офатижон, деб қўя қолишади.

У қадам ташлаганда худди мана ҳозир учиб кетадиганга ўхшарди. Одмигина қорамтир матодан тикилган қўйлаги бутун жисмига ёпишиб турарди.

Қора сочларига қистириб қўйилган қизил гул оҳанрабодай ўзига тортиб турар, унинг чеҳрасига ўзгача бир латофат бағишлар, гоятда фусункор ва дилбар қилиб кўрсатарди.

Унинг ёнида калта қўйлак кийган қизча ҳам бор эди. Форестье хоним уларни кучоқ очиб қарши олди.

– Салом, Клотильда.

– Салом, Мадлена.

Улар бир-бирларини ўпиб қўйишди. Қизча худди катта одамларга ўхшаб ўзига ишонч билан манглайини ўпичга тутди.

– Салом, холажон, – деди у.

Форестье хоним уни ўпиб эркалаб қўйди-да, меҳмонларни бир-бирларига таништира бошлади.

– Жаноб Жорж Дюруа, Шарлнинг қадрдон дўсти. Де Марель хоним, менинг дугонам ва узоқ қариндошим.

Кейин Дюруага қарата деди:

– Биз оддийгина чақчақлашиб ўтирсак девдик. Сиз қарши эмасмисиз?

Жорж таъзим қилди.

Яна эшик очилиб, санамарастадай хушқомат ва чиройли хотин билан қўлтиқлашиб олган аллақандай семиз, дум-думалоқ, калтабақай бир одам кириб келди, хонимнинг жуссаси унга қараганда тикроқ, ўзи ҳам хийлагина ёш кўринарди, унинг хатти-ҳаракатларида ўзгача бир назокат сезилиб турар, адил қомати ўзига жалб қиларди. Булар «Француз ҳаёти»нинг ношири, депутат, сармойдор, давлатманд савдогар, жанубий яҳудийлардан жаноб Вальтер билан унинг рафиқаси – Базиль-Ривало деган банкирнинг қизи эди.

Кейин олдинма-кетин жуда пўрим кийинган Жак Риваль билан Норбер де Варен кириб келишди. Норбер де Варен фракининг ёқаси сочларига ишқаланавериб йилтираб кетган, бошида қазғоғи тўзғиб ётар, эскириб қолган галстугини беўхшовгина қилиб боғлаб олганди. У қирриқ олифталар каби Форестье хонимнинг олдига таманно билан юриб борди-да, унинг қўлларини ўпди. У энгашганда узун сочлари хонимнинг яланғоч қўллари узра ёйилиб кетди.

Ҳаммадан кейин Форестье келди ва кечиккани учун узр сўради. Морелнинг газетада эртанги чиқиши юзасидан ушланиб қолган экан. Радикал-депутатлардан бўлган Морель Жазоирни босиб олиш учун талаб қилинган кредит юзасидан министрликка тушунтириш беришни сўраб мурожаат қилган экан.

– Овқат тайёр, – деб хабар қилди хизматкор.

Ҳаммалари емакхонага ўтдилар.

Дюруани де Марель хоним билан унинг қизчаси ўртасига ўтказиб қўйдилар. Жорж яна ўнғайсизлана

бошлади: у вилка, қошиқ, қадаҳларни қандай ишла-тиш кераклигини билмас, одобдан ташқари иш қи-либ қўяманми, деб чўчирди. Унинг олдига тўртта қа-даҳ қўйишди, қадаҳларнинг бири эса нечундир ҳаво ранг эди. Қизиқ, унда нима ичишар экан-а?

Суюқ ошни индамай ичдилар, кейин Норбер де Варен сўради:

– Сиз Готье иши ҳақида ўқидингизми? Антиқа воқеа!

Шундан кейин ҳаммалари тухмат ва таҳдид бир-бирига аралашиб кетган бу воқеани муҳокама қила кетдилар. Буларнинг гапи оилада гапирила-диган, газеталардан маълум гапларга сира ўхша-масди, улар касал ҳақида врач ва резавор ҳақида кўкчи қандай сўзласа, шундай гап юритардилар. Уларнинг ҳеч қайсиси воқеанинг ўзидан ажаблан-мас, уни қоралаб ташламас, фақат ўз касбларига хос синчковлик ва қизиқувчанлик билан жинойт-нинг айнан ўзига эътибор бермасдан, унинг чуқур ва яширин асосларини қидирар эдилар. Улар қи-линг хатти-ҳаракатларнинг тағ омиларини аниқ-лаш, фожиани келтириб чиқарган руҳий ҳолатлар-ни таҳлил қилиш, топишга уринардилар, фожиа-нинг ўзига эса илмий асосда тушунтириш мумкин бўлган алоҳида бир ҳиссиётнинг натижаси деб қарар эдилар. Ушбу таҳлил ва тадқиқотларга хо-нимлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Худди шу-нингдек, шунга ўхшаш бўлиб ўтган ҳодисалар ҳам инсон ҳаётида рўй берадиган масхарабозликлар билан сатрма-сатр савдо қилувчиларнинг нуқтаи назаридан баҳолаб ўтилди, талқин ва тадқиқ қи-линди, хўжа кўзи билан ўнг-терсини ағдариб тек-ширилди, асл қимматига кўра ўлчаб кўрилди, бу-ларнинг бари молни пуллашдан олдин унинг у ёқ-бу ёғини чамалаб кўраётган дўкандорнинг қилиғи-га жуда ҳам ўхшашиб кетарди.

Кейин суҳбат бўлиб ўтган бир дуэль устига кўчди. Энди Жак Риваль ҳамманинг оғзини ўзига қаратиб олди. Дуэль хусусида гап кетадиган бўлса, унинг олдига тушадиган одам топилмасди.

Дюруа миқ этгани ҳам журъат тополмасди. Биқинида ўтирган хонимнинг кўзга яқин жойларига кўнгли суст кетганича кўз қирини ташлаб ўтирарди. Хонимнинг қулоқларида юмалаб тушаётган бир томчи сувдек биллур олтин ипда осилиб турарди. У ҳаммани ўзига қаратиб, кулдириб ўтирарди. Унинг сўзлари ёқимтой, дилбарона, кутилмаганда қизиқ гапларга бой эди, унинг ҳазил-мутойибалари ҳамма нарсага енгил-елпи қарайдиган, унча-мунча гапга кўпда ишонавермайдиган, ҳеч нарсани юрагига яқин олмайдиган шўх, бепарво қизалоқнинг ҳазилларига ўхшарди.

Дюруа уни бир мақтаб қўймоқчи бўлиб, нима десам экан деб ўйланиб ўтирди, лекин миясига тузукроқ бир фикр келмаганидан кейин унинг қизчаси билан гаплашиб ўтирди. У қизчага май қуйиб берар, таомлардан узатар, ишқилиб, уни зериктирмаслик пайида бўларди. Онасига қараганда анча сипороқ бўлган қизча бошини омонатгина силкиб, ташаккур айтар, босиқлик билан «Сиз жуда илтифотли экансиз, афандим», деб қўяр ва яна катталарнинг гапларига жиддият билан қулоқ сола бошларди.

Зиёфат жуда кўнгилли кечар, ҳаммалари таҳсин, ташаккур билдиришарди. Вальтернинг иштаҳаси карнай бўлиб кетган, бир ўзи ўн одамнинг овқатини туширар, оғзи таомдан бўшамасди; ҳар янги лаган келтирганларида буниси қандай экан дегандай кўзойнаги тагидан қараб қўярди. Норбер де Варен ҳам Вальтердан асти қолишмас, баъзан кўкрагига қайла сачратиб юборар эди.

Форестъенинг лабидан табассум аримас, илтифотли чехра билан ҳаммадан хабардор бўлиб турарди, хотини билан маънодор кўз уриштириб оларди. У хотинига ҳамма нарсани гуллатадиган қўли гул ёрдамчисига қарагандай қарар, гўё ҳар икковлари мушкул, бироқ кўнгилдагидай давом этаётган бир ишни бошқараётгандай эдилар.

Бора-бора юзлар аланга олди, товушлар дидироқ чиқа бошлади. Хизматчи эса дам сайин қулоқларига шивирлаб турарди:

– Кортонми? Шато-Ларозми?

Дюруанинг оғзига кортон ёқиб қолди ва пайдар-пай қадаҳни бўшата бошлади. Унинг томирларига ўт югургандай бўлди, қалбида шодон ва ёқимли туйғулар жўш уради, аъзойи бадани қизиб кетди. У ўзини буткул бир фароғат, лаззатли фароғат оғушида ҳис қилди, у бутунлай шу лаззат дарёсига фарқ бўлди, тани ҳам, руҳи ҳам шавқ ўтида ёнди.

Унинг гапиргиси, одамларнинг эътиборини ўзига тортгиси келар, ҳаммани ўз оғзига қаратишни истар, бу ерда ҳозир бўлган кишилар ўртасида қандай муомала бўлаётган, уларнинг гап-сўзлари қандай қарши олинаётган бўлса, унга ҳам шундай қараб, шундай муносабатда бўлишларини хоҳларди.

Суҳбат борган сари қизигандан қизир, бир гап кетидан иккинчиси уланиб кетар, гоҳо арзимаган сабаб билан мавзу бутунлай бошқа ёққа кўчиб қоларди: кеча-бугун рўй берган барча янгиликлар тилга олиниб, минг турли масалалар ўртага ташланиб бўлгач, ниҳоят, суҳбат мавзуи яна Морелнинг Жазоирни мустамлака қилиб олиш ҳақидаги фикрига қайтди.

Идроки шўх ва жонли, нарсаларга кўпроқ шубҳа кўзи билан боқадиган Вальтер овқат орасида бирмунча кинояли гапларни ўртага ташлаб турди.

Форестье эртанги сонга кетадиган мақоласининг мазмунини айтиб берди. Жак Риваль мустамлакаларда ҳарбий ҳокимият тузиш, мустамлакадаги қўшинлар сафида ўттиз йил хизмат қилган ҳар бир офицерга Жазоирдан ер-мулк ажратиб бериш ҳақида гапирди.

– Шу йўл билан биз ишчан, ғайратли жамият яратамиз, – дерди у, – одамлар секин-секин у мамлакат билан танишадилар, унга меҳр қўядилар, у ернинг тилида гаплашадиган бўладилар ҳамда жойларда ҳар қадамда чиқиб турадиган, одамни боши берк қўчаларга киритиб қўядиган кўп чигал, чалкаш масалаларни тўғри ҳал қилишга лаёқатли бўлиб қоладилар.

Норбер де Варен унинг гапини бўлди:

– Ҳа... улар деҳқончиликдан бошқа ҳамма нарсани биладиган бўладилар. Улар араб тилида гаплашадилару, лекин лавлаги экиш билан буғдой сочишни ҳеч қачон ўргана олмайдилар. Улар қиличбозликка жуда чапдаст бўлиб кетарлару, лекин далага ўғит солишга келганда кўзларини пирпиратиб тураверадилар. Ҳа, бу мамлакатнинг дарвозаларини унга боргиси келганларнинг ҳаммасига кенг очиб қўйиш керак. Ақли-ҳуши жойида бўлган одамлар у ердан ўзларига лойиқ ишни топиб оладилар. Бошқалари ҳалок бўлишади. Жамиятимизнинг қонуни шундай.

Сукунат чўкди. Ҳамма жилмайиб турарди.

– У ерда етишмайдиган бирдан-бир нарса ҳосилдор ер, – деб тўсатдан гап бошлаб қолди Дюруа. У ўз товушига биринчи марта қулоқ солаётган кишидай овозига ажабланиб қулоқ осди. – Ҳосилдор ерлар Францияда қанчалик қиммат бўлса, у ерда ҳам шунақа қиммат. Бунақа жойларни парижлик бойлар сотиб олишмоқда. Сармоя ишлатишни

фойдали деб билганлари шундай қилишмоқда. Йўқчиликдан безиб борганларнинг кўпчилигини эса, сувсиз, унумсиз чўлларга сиқиб чиқаришмоқда.

Мана энди ҳамма унга қаради. У ўзининг қизариб кетаётганлигини сизди.

– Сиз Жазоирда бўлганмисиз? – сўради Вальтер.

– Шундай, – жавоб берди Дюруа. – Мен у ерда икки йилдан ортиқ турганман, учала вилоятни ҳам бориб кўрганман.

Норбер де Варен дарҳол Морел юзини ўгириб, Дюруадан жазоирликларнинг урф-одатлари ҳақида суриштира кетди, у бир офицер билан гаплашган экан, айрим гапларни ўшандан эшитган экан. У Дюруадан Саҳройи Кабирнинг энг жазира, сувсиз қисмида вужудга келган кичкинагина араб республикаси – Мзаб ҳақида гапириб беришни сўради.

Дюруа Мзабга икки марта борганди, мана энди кези келганда Мзабнинг ажойиб-фаройиб томонлари ҳақида жон-жон деб гапириб бера бошлади. Мзабда ҳар томчи сув олтин ҳисобида баҳоланар экан. Унинг одамлари жамоа ишларида фаол қатнашиб, савдо-сотик муомаласида дунёдаги энг маданий халқлардан инсофлироқ эканлар.

Майнинг кайфи, ўтирганларга ёқиш иштиёқи унга далда бўлди. Энди у мақтанчоқлик билан берилиб сўзларди: полкда эшитган латифаларидан, урушда бўлиб ўтган ҳангомалардан ҳикоя қилди; араблар турмушига оид айрим нарсаларни ўзича тушунтириб ўтди. У заъфарондай сарғайган, тақир, овлқ, кўримсиз, ҳамма нарса офтоб тифида сўхта бўлиб кетган бу ўлкани ўтирганлар тузукроқ тасаввур қилсинлар деб, бирмунча чиройли гапларни ҳам ишлатиб юборди.

Хонимлар ундан кўзларини узишолмасди. Вальтер хоним одати бўйича сўзларни чўзиб талаффуз қилганча деди:

– Сизнинг хотираларингизни анча чиройли очерклар қилиб ёзса бўларкан.

Қария Вальтер дарҳол ойнакнинг тепасидан йигитга кўз ташлади, у бировнинг юзини тузукроқ кўрмоқчи бўлса доим шундай қиларди. Овқатларга эса одатда ойнак тагидан назар ташларди.

Форестье қулай фурсатни қўлдан бергиси келмай деди:

– Муҳтарам устоз, бугун сизга жаноб Дюруа ҳақида гапириб берган эдим, уни менга сиёсий ахборот тўплаш юзасидан ёрдамчи қилиб тайинласангиз дегандим. Марамбо биздан кетиб қолгандан бери менинг шошилиш ва яширин маълумот топиб келадиган одамим йўқ. Газета бундан зиён кўряпти.

Вальтер шу заҳоти жиддий тортди ва ойнакларини кўтариб қўйиб Дюруанинг кўзларига тик боқди.

– Жаноб Дюруа шубҳасиз бошқачароқ бир ақл соҳиби экан, – деди у. – Агар у кишига эртага соат учда мен билан суҳбатлашиш маъқул келса, биз бу ишни ҳал қиламиз.

Бир муддат жим қолгач, у тўғридан-тўғри Дюруанинг ўзига қарата деди:

– Ҳозирча бизга Жазоир ҳақида икки-учта ўқишли очерклар ёзиб беринг. Хотираларингизни баён қилиб чиқинг-да, кейин ҳозиргина гапириб берганингизга ўхшатиб, уларни мустамлакани ўзлаштириш масалалари билан боғлаб юборинг. Улар газетада нақ долзарб бир пайтда босилиб чиқади. Айни муддао. Ўйлайманки, газетхонларимиз ҳам мамнун бўладилар. Лекин шошилиш керак! Биринчи мақола менга эртага керак, жуда бўлмаганда, индинга. Палатада музокара тугамасдан бурун биз бу масалага авомнинг диққатини жалб қилишимиз зарур.

– Мана, сизга чиройли сарлавҳа ҳам топилди: «Африка ўқчисининг хотиралари», – деб қўшимча қилди Вальтер хоним одамни маҳлиё қилиб қўядиган, ўзига ғоятда ярашган виқор билан, – тўғрими, жаноб Норбер?

Шухрат тожини жуда кеч кийган қари шоир ҳаваскорларни ўлгудай ёмон кўрар, улардан чўчирди. У қуруққина қилиб деди:

– Сарлавҳа, чиндан ҳам, жуда ажойиб, лекин шарт шуки, сарлавҳанинг таги ҳам унга яраша бўлиши керак. Энг қийин жойи ҳам ўзи шу. Услуб – мусиқада мос овоз топиш билан тенг нарса.

Форестье хоним Дюруага меҳрибон, мурувватли, ҳамдард бир нигоҳ билан боқиб турар, унинг қарашларидан «Сенга ўхшаганлар айтганларининг устидан чиқишади», деган маънони уқиш мумкин эди. Де Марель хоним унга бир неча маротаба ўтирилиб қаради, унинг қулоқларидаги биллур шаффоф сув томчиси янглиғ титраб узилиб тушаман деб турарди.

Қизча бошини тарелкага энгаштирганча жимгина, осуда бир алфозда ўтирарди.

Бу орада лакей стол атрофини айланиб, ҳаворанг қадаҳларни иоганнисберг билан тўлдирди. Шундан сўнг Форестье Вальтерга таъзим қилди-да, қадаҳ кўтарди:

– «Француз ҳаёти»нинг гуллаб-яшнаши учун!

Ҳаммалари хўжайинга таъзим ва қуллуқ қилдилар. Вальтер кулимсирар, Дюруа эса ишлар жўнашиб кетганидан маст, қадаҳни бир кўтаришда сипқариб ташлади. У ҳозир бир хум май бўлса, ичадиган, бир бузоқнинг гўшти бўлса, еб юборадиган, бир арслон дуч келса, тап тортмай саранжом қиладиган аҳволда эди. У ўзида фавқулодда зўр бир куч уйфонганлигини сезмоқдайди, унда

синдириб, букиб бўлмас азму қарор бош кўтарган, қалби ёрқин орзу-умидлар билан тўлиб-тошганди. У мана бу одамларнинг ичида ўз кишиси бўлиб қолди, ўз мавқеи ва ўз ўрнига эга бўлди. У одамлар юзига тик, бениҳоя дадил қарай бошлади ва ниҳоят, у ёнидаги хонимга гап қотишга журъат этди:

– Зирагингиз гоятда гўзал экан, хоним афандим, мен бунақасини сира ҳам кўрмагандим!

Хоним табассум билан унга қаради:

– Биллурни тилла ипга осиб қўйсам, қандай бўларкин деб ўзим ўйлаб топдим. Уни худди шабнам томчиси деб ўйлаш мумкин, тўғрими?

Ўз журъатидан ўзи лол қолган Дюруа яна аҳмоқона бир гап айтиб қўймай деб, секин деди:

– Жуда ноёб исирға, лекин сизнинг қулофингизгина унинг чиройини очиб турганга ўхшайди.

Хоним унга шундай миннатдор назар билан боқдики, одатда аёлларнинг бундай қарашлари одамнинг юрак-юрагигача ларзага солиб юборади.

Дюруа ўтирилиб қараб, яна Форестье хонимнинг кўзига кўзи тушди: у ҳамон йигитга муруват билан боқар, лекин ҳозирги қарашида шўхлик ва рағбатлантириш маъноси бордай эди, ҳар ҳолда, Дюруага шундай бўлиб туюлди.

Энди эркаклар ҳаммалари баравар гапира кетишди, улар қўлларини пахса қилиб силкитишар, овозлари ҳам хийла баландроқ чиқмоқда эди: ер ости темир йўлининг улуғвор режалари муҳокама қилинмоқда эди. Гап ширинликлар еб бўлинган чоғдагина ниҳоясига етди, ҳаммалари Парижда алоқа воситалари имиллаб ҳаракат қилиши, конькаларнинг ноқулайлиги, омнибуслардаги тартибсизлик ва извошчиларнинг қўполлигидан шикоят қилдилар.

Кейин барчалари кофе ичгани меҳмонхонага ўтдилар. Дюруа қизиқчилик юзасидан қўлини қиз-

чага таклиф этди. У маликалар мисол ташаккур билдириб, оёқ учида турди-да, қўлини ўз йигитининг қўлтиғига тикди.

Меҳмонхона Дюруага яна худди гулхонага ўхшаб кўринди. Хонанинг қайси бурчагига қараманг, баланд пальма дарахтлари шифтга қадар бўй чўзиб, япроқларини атрофга чиройли ёйган, гўё хона узра яшил бир амома ҳосил қилган эди.

Каминнинг икки ёнида худди икки устундай бўлиб каучук дарахтлари ўсган, уларнинг ям-яшил узунчоқ япроқлари бир-бирига тирмашиб кетган эди. Фортепьяно устида эса алақандай иккита номаълум бутача ўсиб турар, уларнинг бири ним қизғиш, бошқаси оппоқ эди, улар сададай ғуж бўлиб, шамалоқдай гуллаб ётар, яна сунъий гулга ўхшаб туюлар, тирик гул бунчалар чиройли бўлиши мумкин эмасдай одам ақлига сиғдиролмасди.

Меҳмонхонанинг ҳавоси тоза, у илғаб олиш қийин бўлган бетимсол, майин ва нозик муаттар ҳидларга тўлганди.

Дюруа энди бутунлай ўзини ўнглаб олди, у бемалол хонани кўздан кечира бошлади. Хона унчалар катта эмасди: ўсимликлар ва гуллардан бўлак бу ерда одамни қойил қолдирадиган ҳеч нарса йўқ эди, бироқ бунда сиз ўзингизни бемалол, худди уйда ўтиргандай ҳис қилишингиз мумкин эди. Бунда ҳамма нарса ҳордиқ чиқаришга чорлар, одамни тинчлантирар эди. Хона сизни ўзининг сокин ва шинамлиги билан ром қилиб олар, ўзига тортар, жисмингизни эркалаб, юмшоқ бир муҳитга чўмдирар эди.

Деворларга қадимий оч бинафша ранг мато тортилган, матонинг ўзи ипақдан тикилган заъфарон читти гуллар билан қопланганди. Эшикларда қалин зангори дарпардалар осилиб турар, уларда

қизил ипак билан тикилган чиннигуллар очилиб ётарди. Турлича катта-кичик шезлонглар, галати хайқотдай ва мўъжазгина ўриндиқлар, ёстиқлар аксар Людовик XVI давридагига ўхшаш ипаклар билан қопланган, қолганлари арғувоний чизиқлар тортилган заъфар барқут билан ўралганди.

– Жаноб Дюруа, кофе ичасизми?

Форестье хоним ҳамон ўша ёқимтой такаллуф ва табассум билан унга кофе тутди.

– Раҳмат, хоним, ташаккур.

Дюруа кофени олди. У аллақандай хавотир ичида қизча унга узатган ликобчадан кумуш қисқичлар билан қанд олар экан, хоним унга ши-вирлаб деди:

– Вальтер хонимга бепарво бўлманг.

У бунга жавобан бирон нарса деб улгурмасдан, жувон ундан йироқлашди.

У тагин беҳос гиламга тўкиб юбормай деб чўчиб кофени шоша-пиша ичиб юборди, шундан кейин енгил тин олиб, янги хўжайиннинг хотини ёнига бо-риш, у билан суҳбатда бўлиш пайида бўла бошлади.

Шунда у столдан анча олисда ўтирган Вальтер хоним қўлидаги бўшаган чинни идишни қаер-га қўйишини билмай турганлигини кўриб қолди. Дюруа шахдам унинг қошига юриб борди:

– Ижозат этинг, хоним.

– Ташаккур.

Дюруа идишни обориб қўйиб, яна хонимнинг ҳузурига қайтди.

– Мен саҳрода юрган кезларимда «Француз ҳаё-ти» одамга қанчалар таскин берганлигини билсан-гиз эди, хоним! У чиндан ҳам, Франциядан узоқда юрган чоғларда ўқиш мумкин бўлган бирдан-бир газета, чунки у ҳаммадан кўра қизиқарлироқ, ўт-кирроқ ва кўпчиликнинг дидига мос келадиган га-

зеталардан. Ундан истаган нарсангизни ўқиб олишингиз мумкин.

Вальтер хоним қуруққина такаллуф билан жилмайиб қўйди.

– Менинг эрим замона талабларига жавоб берадиган газета чиқариш учун жуда кўп тер тўкди, – деди у ғурур билан.

Улар суҳбатлаша кетишди. Дюруа бачкана бўлса ҳам, лекин баҳузур гаплашиш йўлини биларди: унинг овози ғоятда ёқимли, қарашлари бениҳоя жозибали, мўйловларида эса аллақандай ўзига ром қилиб оладиган бир сеҳр бор эди. Бу мўйловлар жуда чиройли, майин, қуюқ, олтиндай товланиб турар, юқорига қайрилиб турган учлари эса малла ранг тусда жилваланарди.

Париж ва унинг атрофлари, Сена соҳиллари, ёзги эрмаклар, курортлар, – бир сўз билан айтганда, тинмай валақлаб ўтириш мумкин бўлган одми нарсалар ҳақида гаплашишди.

Уларнинг олдига қадаҳда ликер кўтарган Норбер де Варен келган эди, Дюруа камтарлик юзасидан нари кетди.

Де Марель хоним Форестье хоним билан гаплашиб бўлгач, уни ўз ҳузурига чақирди.

– Шундай қилиб, сиз ўз бахтингизни журналистик ишида синаб кўрмоқчимисиз? – сўради у тўсатдан.

У ўз режалари ҳақида у-бу деган бўлди, кейин ҳозиргина Вальтер хоним билан қандай гаплашган бўлса, шу йўсинда суҳбатлаша бошлади. Бироқ энди у нима ҳақда сўзлашини боягидан яхшироқ билар, ўзига ишонч билан гапирар, яқингинада бошқалардан эшитган гапларни ҳам худди ўзиникидай қилиб сўйлар эди. Сўйлаётганда у хонимнинг кўзларига тик боқар, бу билан сўзларининг салмоғини ошираётгандай бўларди.

Де Марель хоним ўз навбатида унга бир қанча латифалар айтиб берди. Одатда ўзининг нозик зеҳнли эканлигини биладиган ва суҳбатдошини зериктирмасликка ҳаракат қиладиган хотинларгина мана шундай дилдорлик билан бийрон гаплашадилар. Хоним борган сари очилиб, талтайиб гаплашар, Дюруанинг енгларига қўлларини теккизиб қўяр, бўлар-бўлмасга шивирлашга тушар, четдан қараган одамга улар жуда нозик суҳбат қураётгандек бўлиб кўринардилар. Дюруа ўзига очиқдан-очиқ мойил бўлиб ўтирган жувоннинг олдида қаттиқ ҳаяжонланмоқда эди. Шу сабабданмикин, у жувонга ҳозирнинг ўзидаёқ, шу заҳотиёқ садоқатини намойиш этишни истар, кимдандир уни ҳимоя қилгиси, унга яхши кўрингиси келар, яхши томонларини кўрсатгиси қистарди, у жувоннинг гапларига жавоб беришга шошилмас, бу унинг фикри ёди тамом бошқа нарсада эканлигини кўрсатиб турарди.

Қутилмаганда де Марель хоним қизини чақирди:

– Лорина! – қизча олдига келгач, унга деди:

– Бу ерга ўтир, болажон, ойнанинг олдида шамоллаб қоласан.

Дюруа қизчани жуда ҳам ўпиб қўйгиси келди, гўё уни ўпса, назарида онасини ўпадигандай эди.

– Сизни бир ўпиб қўйсам майлими, мадемуазель? – ўта илтифот билан оталарча сўради Дюруа.

Қизча унга ҳайрат тўла кўзлари билан боқди. Де Марель хоним кулганича деди:

– «Афандим, бугунча майли, ижозат, лекин иккинчи марта қайтарилмасин», деб айт.

Дюруа ўтирди ва қизчанинг қўлларидан тутиб тиззасига ўтқизди, лабларини унинг тўлқинланиб ётган майин сочларига босди.

Онаси ҳайрон қолди:

– Буни қаранг-а, ўтиришини! Ё тавба! У кўпинча фақат аёлларгагина ўпичга рухсат берарди. Сизнинг жодуингиз бор экан, жаноб Дюруа.

Дюруа дув қизариб кетди ва индамай қизалоқни бир тиззасида чайқата бошлади.

Форестье хоним уларнинг олдига келиб ҳайронликдан чапак чалиб юборди:

– Ўзимнинг кўзимми шу? Лорина ҳам қўлга ўрганибди-ку! Ажойиб!

Оғзига сигара солган Жак Риваль улар томонга кела бошлади, шунда Дюруа бехос бирон гап айтиб бутун ишнинг пачавасини чиқариб қўймай деб, ўрнидан туриб хайрлаша бошлади.

У таъзим қилиб, хонимлар қўлини оҳиста сиқар, эркаклар билан мардона қўл олишарди. Хайрлашаркан, у бир нарсани сизди: Жак Ривалнинг сўхта ва қайноқ қўллари унга дўстона жавоб қайтарди. Норбер де Вареннинг нам тортган совуқ бармоқлари Дюруанинг панжасидан илондек сирғалиб ўтди, Вальтернинг қўли эса муздек, латта каби юмшоқ, жонсиз, ифодасиз эди, Форестьенинг қўллари эса ипакдай майин, иссиққина экан. Дўстининг қулоғига шипшиди:

– Эртага соат учда, эсингдан чиқмасин.

– Йўқ, йўқ, албатта, келаман.

Дюруа шунчалар хурсанд бўлиб кетган эдики, зина олдига чиққанда ундан чопиб ҳатлаб тушгиси келиб кетди ва у ҳатлаб-ҳатлаб пастга тушди, лекин учинчи қаватда ойнадан чопиб тушаётган жанобни кўриб қолиб уялиб кетди ва тўхтади, гўё у жиноят устида қўлга тушган одамдай сизди ўзини.

Дюруа ўзига узоқ қараб турди, кейин бу қадар хушқомат, келишган йигит эканлигидан хурсанд бўлиб кетди ва ўз аксига қараб жилмайиб қўйди-да, гўё у билан хайрлашаётгандай бел букиб

таъзим қилди, таъзим гўё муҳтарам бир зотга берилганга ўхшарди.

III

Жорж Дюруа кўчага чиққач хаёлга толди: у бир қарорга келолмасди. Унинг шаҳар бўйлаб кезгиси, орзу-хаёлларига эрк бергиси, келажак режаларини тузгиси, юмшоқ тун ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олгиси келарди, бироқ Вальтер айтган мақола унинг калласидан кўтарилмас, тинимсиз безовта қилиб турарди, шунинг учун ҳам уйга қайтиб, пайсалга солмай ишга ўтиришга аҳд қилди.

У ташқи хиёбонлар ҳалқасидан илдам юриб ўтдида, кейин ўзи турадиган Бурсо кўчасига бурилди. У йигирмага яқин ишчи ва хизматчиларнинг оилалари яшайдиган етти қаватли уйнинг битта хонасини ижарага олганди. У ифлос, ахлат ва чиқиндилар, папирос қолдиқлари, парча-парча қоғозлар сочилиб ётган зиналардан шағам гугурт ёқиб юқорига кўтариларкан, кўнгли ёмон ижирганиб борар, бу ердан шу заҳотиёқ кўчиб кетгиси ва анов бадавлат одамлар яшайдиган озода, гиламлар тўшалган хоналарда истиқомат қилгиси келар эди. Бу ер эса овқат қолдиқлари, ҳожат жойларининг оғир қўланса исига тўлган, қоқилмаган, артилмаган чанг, ғубор, моғор ҳиди анқир, бу бадбўй ғуборни кўтариб юбора оладиган куч дунёда йўққа ўхшарди.

Олтинчи қаватда жойлашган унинг хонасидан Фарбий темир йўлнинг улкан хандақлари кўзга ташланар, Батиньоль вокзалига етмасдан туннель тугар ва туннелнинг оғзи тубсиз ўпқон каби қорайиб кўринарди. Дюруа деразани очиб юборди ва занглаган темир панжарага суянди.

Бояги чуқур хандақнинг тагида худди нотаниш бир махлуқнинг йирик очилган кўзларига ўхшаш

учта қизил сигнал чироқлари ёниб турар, уларнинг орқасида яна шундай чироқлар бўлиб, кейин улар борган сари кўпайишиб кетарди. Гудок садолари дам калта, дам узоқ янграб, тун қўйинини зириллатиб юборар, ўқтин-ўқтин Анъер тарафдан паровозларнинг овозлари базўр қулоққа чалиниб қоларди. Гўё паровозлар эмас, одамлар бир-бирларини чақираётганга ўхшарди. Мана, ўша овозларнинг бири шитоб билан яқинлашиб кела бошлади, унинг ёрдамга чорлагандай чинқириғи дам сайин зўрайиб, кўп ўтмай улкан сариқ чироқ кўринди, кейин оламини шовқин-сурон, тарақа-туруққа тўлдириб поезд ўтиб кетди. Бир-бирига уланган узундан-узоқ вагонларни туннель бирма-бир ўз комига торта бошлади, Дюруа томоша қилиб турди.

– Қани, энди ишга! – деди у ўзига-ўзи ва чироқни столга қўйиб, ёзишга ўтирмақчи эди, шунда хат ёзадиган қоғоздан бошқа қоғози йўқлигини билиб қолди.

Ҳечқиси йўқ, почта қоғозининг ўртасини очиб ўшанга ёзиш мумкин. У қўлига перо олди-да, ҳафсала билан чиройли қилиб сарлавҳа қўйди:

“Африка ўқчисининг хотиралари”

Кейин биринчи жумлани ўйлай бошлади.

У қўлини чаккасига тираб, олдидаги оппоқ қоғозга диққат билан тикилганча ўтирарди.

Нимани ёзади? У зиёфат пайтида ўзи ҳикоя қилган нарсаларнинг биронтасини, на бир латифа ва на бир бўлган воқеани эслай олди, барини унутибди. Тўсидан хаёлига ярқ этиб бир жумла келди: «Бу 1874 йил май ойининг ўрталарида, ҳолдан тойган Франция машъум йилнинг машаққатларидан эндигина нафас ростлаб келаётган бир пайтда рўй берган эди...»

Дюруа шуларни ёзди-ю, тўхтаб қолди: бу жумлани кейинги воқеалар – денгизга чиқиш, саёҳат,

илк таассуротлар билан қандай боғлаб юборишни билмай турарди.

Ўн минутлардан кейин кириш қисмини эртага ёзарман, ҳозирча Жазоирни тасвирлаб кетаверай деган фикрга келди.

– «Жазоир – оппоқ шаҳар...» – деб бошлади у, бироқ шундан нарига ўтолмади. Унинг тасавурида яна чиройли, шинам ва озода, япасқи томли уйлар, тоғ бағри бўйлаб денгизга қараб жилғадек буралиб тушадиган озода шаҳарча гавдаланди, бироқ у кўрганлари, бошдан кечирганларини қоғозга тушириш учун сўз тополмасди.

Узоқ кучангандан кейин яна: «Шаҳарнинг ярим аҳолиси араблар...» деган сўзларни қўшди. Кейин у перони улоқтириб, ўрнидан турди.

Ётилаверганидан ўртаси чўнқир бўлиб қолган энсизгина темир каравотда унинг кунда киядиган эскириб кетган, оҳори тўкилган кийимлари гижим-гижим бўлиб ётар, баайни ўликхонадан чиққан иркит увадаларни эслатарди. Унинг бирдан-бир юмшоқ цилиндри эса, кажава креслода тўнтарилган ҳолда худди садақа тилаётганга ўхшаб ётарди.

Деворларга ёпиштирилган, ҳаво ранг гулдасталар тасвири туширилган қоғозлар хунук эски доғдуғлар билан қопланган эди. Доғлар эзиб ташланган канадан ёки сачраган мойдан қолганми, билиб бўлмас, бир қарасанг, ёғли бармоқ изларига, бир қарасанг, тосдан сачраган совун кўпикларига ўхшар, уларни бир-биридан ажратиб олиш қийин эди. Ҳамма нарсадан ночор қашшоқликнинг, Париж мебелли хоналарига хос қашшоқликнинг нуқси келиб турарди. Шунда Дюруанинг юрагида ўзининг бу муфлисона ҳаётига қарши ғазаб аланга олди. Бу аҳволдан тезроқ қутулиш керак, эртанинг ўзида бунақа ғариб турмушни бир чеккага улоқтириб ташлаш зарур, деб ўйлади у.

Шу аснода бирдан яна ишга ўтиргиси келиб қолди ва столга ўтириб Африканинг дарвозаси бўлмиш гўзал Жазоирнинг таърифига мос сўзлар излай бошлади, бу – киши қадами етмаган, сирли маъно, бу – кўчманчи араблар ва ҳали дунёга номи номаълум негр қабилалари яшайдиган мамлакат, бу – ҳали ўрганилмаган, доимо ўзига ажиб бир жозибаси билан тортиб турадиган хаёлий мамлакат, у ерлардан бизнинг шаҳар боғларига онда-сонда худди эртақлардагидай фусункор ва фаройиб махлуқотларни олиб келтиришади: товус деб аталадиган анвойи товуқлар, ақл бовар қилмайдиган даражада нозик ва нафис физол деб аталадиган эчкилар, турқи ғоятда хунук жирафалар, улуғвор туялар, даҳшатли маймунлар, бадбашара каркидонлар ва ниҳоят, одамзотнинг қўрқинчли қардошлари – гориллалар шу мамлакатдан, Африкадан келтирилади.

Дюруа шу тобда тиниқ фикрлолмай турарди, у эҳтимол, буларни оғзаки боплаб ҳикоя қилиб бериши мумкин эди, лекин ҳозир қоғозда ифодалаб беришга ожизлик қилмоқда эди. Унинг икки чаккаси лўқиллаб оғриди, қўлларини жиқ тер босди, қоғоз қаршисида ожизликдан иситмаси кўтарилган ҳолда у яна ўрнидан туриб кетди.

Дард устига чипқон дегандай, бугун кечқурун қоровул ташлаб кетган, кирчи хотинга тўланадиган пул қоғозни кўриб дунё кўзларига қоронғи кўриниб кетди. Ўзига бўлган ишонч ҳам, келажак орзу-хаёллари ҳам, хурсандчилиги ҳам бир зум ичида барбод бўлди. Тугади, ҳаммаси тугади, унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, у одам бўлмайди. У ўзига резги, лаб-лунжи осилган салоҳиятсиз, ҳеч кимга кераги бўлмаган, қашшоқликка маҳкум бир одам деб қарай бошлади.

У яна дераза олдига келди – шу он унинг кўзлари туннель ичидан даҳшатли ваҳима кўтариб чиқиб келаётган поездга тушди. Поезд далалар ва водийлардан ўтиб денгизга томон борарди. Поезд ортидан қараб қоларкан, Дюруа ўзининг ота-онасини эслади.

Ҳа, поезд уларнинг уйларидан бир неча чақирим наридан ўтиб кетарди. Кангле қишлоғига кираверишда, кенг Сена водийси билан Руаннинг юқорисида – адирнинг тепасидаги уйча Дюруанинг кўз ўнгида гавдаланди.

Дюруанинг ота-онаси кичикроқ бир қовоқхона очиб, унга «Хушманзара» деб ном беришган, дам олиш кунлари Руан атрофларидан келган одамлар бу ерда овқатланишарди. Ўғлимиз ўқиб катта одам бўлсин деб, чол-кампир уни коллежга беришди. Жорж ўқишни тугатди-ю, лекин бакалаврлик имтиҳонларини топширмасдан ҳарбий хизматга кирди: у офицер, полковник, генерал бўлишни кўнглига туғиб қўйган эди. Бироқ беш йиллик муддат тугамаёқ ҳарбий хизмат бутунлай меъдасига тегиб кетди, у Парижда дурустроқ бир ишнинг бошини тутишни кўзлай бошлади.

Мана, ниҳоят, мажбурий хизмат муддатини ўтаб бўлгач, бу ерга келиб жойлашди. Ёнимизда қол, деб худонинг зорини қилган ота-онасининг қийинқистовларига ҳам қарамади. У ўз саодатли юлдузига ҳамон ишонарди, бир кунмас бир кун ғалабага эришаман, тақдирнинг филдирагини ўз раъйимга кўра юритаман деб ўйлагани ўйлаган эди.

Гарнизонда хизмат қилиб юрган кезлари у анчагина ишқий можароларни бошидан кечирганди. У енгил-елпи муомалалардан ташқари юқори роқ доирадаги хотинлар билан ҳам алоқа боғлаган, молия инспекторининг қизини йўлдан урган, уни

жинни қилиб қўяёзган, бундан ташқари мухтор вакилнинг хотини унинг кетишидан хабардор бўлгач, ўзини қўярга жой тополмай, денгизга ташламоқчи бўлган эди.

Ўртоқлари уни: «Пихини ёрган туллак, тегирмонга тушса, бутун чиқади», деб юришарди. Шунинг учун ҳам у ўзига ўзи: бўпти, устаси фаранг, муғамбир бўлганим бўлсин, деб сўз берган эди, Африка гарнизонларида юлғичлик, кафандўзлик, фирромлик ва ҳаром бойлик орттириш одат тусига кириб кетганди, у мана шуларнинг барини ўзлаштирган, айна замонда, ҳарбий шарафи, бачкана шуҳрат-парастлик ва жўмардлик сингари хислатлар ҳам қон-қонига сингиб кетганди. Шулар ва унтер-офицерларнинг жасорати ҳақидаги уйдирмалар унинг онгида қаттиқ ўрнашган эдики, оқибатда, унинг юраги уч қаватли қутичага ўхшаб қолган, воқеан, ундан исталган нарсани топиш мумкин эди.

Лекин унда мақсадга етиш истаги кучли эди.

Дюруа ўзи сезмаган ҳолда хаёл суриб кетди. Ҳар куни кечқурун у мана шундай хаёлга чўмиб қоларди. Хаёллари уни ажойиб-ғаройиб ишқий саргузаштларга етаклар ва шу саргузашт туфайли барча тилаклари рўёбга чиқар эди. У кўча-кўйда биронта катта банкир ёки амалдорнинг қизини учратиб қолади, уни бир қарашда ўзига асир қилади ва унга уйланади. Дюруа туннелдан инидан югургилаб чиққан қуёндай отилиб чиққан ва депога тин олиш учун шитоб билан учган паровознинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқириғидан ўзига келди.

Шу он унинг кўкрагида милтираб турган ноаниқ, лекин қувончли бир умид яна қанот ёзди, шунда у хаёлларда ардоқланган, нотаниш гўзал париваш яшайдиган алақаёқларга қоронғилик сари ғойибона ўпич йўллади. Бу интизор кутилган,

омад сари йўлланган ўпич эди. Кейин у деразани беркитди, ечина бошлади. «Ҳечқиси йўқ, – деб ўйлади у, – эрталаб туриб хаёлимни жойига қўйиб ишга ўтираман. Ҳозир бошим ғувиллаб турибди. Сал кўпроқ ичиб қўйганга ўхшайман. Бунақада ишлаб бўлмайди».

У ётди, чироқни ўчирди ва шу заҳоти ухлаб қолди.

У барвақт уйғонди, одатда бир нарсани эҳтирос билан кутадиган ёхуд бирон қаттиқ ташвиш билан юрганлар мана шундай эрта турадилар – каравотдан сакраб туриб деразани очиб юборди, буни у бир ҳўплам тоза ҳаво ичиш деб юритарди.

Темир йўл хандағидан наридаги Рим кўчасида жойлашган уйлар кўтарилиб келаётган офтоб нурларида ярқираб кўринар, улар худди оппоқ тонг нуридан яратилганга ўхшарди. Ўнг томонда Аржантейл тепалари, Сануа чўққилари ва Оржемон тегирмонлари элас-элас кўзга ташланар, улар енгил оч мовий туман билан чулғанган, худди уфқ узра ҳарир, парпироқ рўмол ташлангандек эди.

Дюруа узоқларга ҳавасланиб термилиб турди. «Бунақа кунларда у томонлар жуда ҳам чиройли бўлиб кетса керак», деб пичирлади у. Кейин зудлик билан ишга ўтириш кераклигини эслаб қоровулнинг ўғлини чақирди-да, унга ўн су бериб, идорамга бориб кассал бўлиб қолди деб айтиб кел, деб юборди.

У столга ўтирди, перони сиёҳга ботирди, қўли билан даҳанини тираб ўйга чўмди. Лекин қанча уринмасин, фойдаси бўлмади, миясига тузукроқ бир фикр келмади.

Бироқ у шаштидан тушмади. «Ҳечқиси йўқ, – деб ўйлади у, – бу ишга кўникиш керак. Ҳамма ҳунарга ўхшаб буни ҳам ўрганиб олиш мумкин. Менинг илк қадамларимга биров ёрдам бериши керак. Форестъенинг олдига бориб келай-чи, у мени бирпасда керакли изга солиб юборади».

У кийинишга тутинди.

Кўчага чиққандан кейин Форестъелар кеч туришса керак, каллаи саҳарлаб бориш ўнғайсиз, деган хаёлга борди ва бир оз хиёбонларни айланиб туришга қарор берди.

У сув сепилиб муздек қилиб қўйилган Монсо боғига кирди, соат ҳали тўққиз ҳам бўлмаганди.

Скамейкага ўтириб яна ўз орзу-хаёлларига берилди. Нарироқда башанг кийинган бир йигит нари-бери юриб турар, афтидан кимнидир кутаётганга ўхшарди.

Мана, ниҳоят, унинг кутган одами келди, шляпада, юзига тўр тортилган, у тез-тез юриб йигитнинг олдига борди, қўл бериб кўришди, кейин уни қўлатиқлаб олди, сўнг улар узоқлашиб кетдилар.

Шунда Дюруанинг муҳаббатга ташна қалби гур этиб ёниб кетди. Бу муаттар, ўта нозик ва нафис ишқий кечинмаларга бўлган чанқоқлик эди. У ўрнидан туриб, юриб кетди, Форестъени ўйлади. Роса омади чопган экан унинг!

Дюруа уй олдига келганда, дўсти кўчага чиқиб келаётган экан.

– Э, ўзингмисан? Мунча эрта турмасанг? Нима қилди?

Дюруа уни кўчада учратганидан қисиниб минғирлади:

– Мана шу... мана шу... ҳеч мақолани эплаштиролмаёпман, Жазоир ҳақида мақолани, эсингдами, жаноб Вальтер менга айтган мақола? Илгари ҳеч ёзиб кўрмаган эдим. Буниям эплаган қилар экан. Ўрганиш керак. Мен тезда қўлим ўрганиб кетишига ишонаман, лекин нимадан бошлашимни билмай турибман. Айтадиган гапим кўп, лекин уларни ифодалаб беролмаётибман.

У ўнғайсизланиб жим бўлиб қолди. Форестъе унга муғамбирона жилмайиб қараб турарди.

– Бошимдан ўтган.

– Менимча, ҳаммада ҳам шунақа бўлади шекилли, – дея илиб кетди Дюруа. – Шунинг учун ҳам сенинг олдинга, илтимос... оғир пайтда ёрдам берарсан деб илтимос қилиб келдим... Сен мени бирпасда изга солиб юборасан, гапни нимадан ва қандай бошлашни кўрсатиб берасан. Мен учун стилистикадан фойдали дарс бўларди, бир ўзим эплолмайман.

Форестье ҳамон шўх жилмайиб турарди. У ўз кадрдон ошнасининг елкасига бир урди-да, деди:

– Хотинимнинг олдига бор, бу иш унинг қўлидан ҳам келади. Мен кўзини пишитиб қўйганман. Мен ҳозир банд эдим, бўлмаса, жоним билан сенга ёрдам берардим.

Дюруанинг юраги бирдан пўкиллаб қолди; у иккиланиб турар, нима қилишини билмасди.

– Каллаи саҳардан уни қандоқ безовта қиламан!

– Ҳечқиси йўқ. У ўрнидан турган. Менинг кабинетимда ўтириб мақолаларимни тартибга туширяпти.

Дюруа ҳамон талмовсираганча турарди.

– Йўқ... иложи йўқ...

Форестье унинг елкасидан тутиб эшик томонга қараб итарди.

– Бораверсанг-чи, тентак, бор, боравер! Менинг яна тўртинчи қаватга чиққим йўқ, илтимосимни унга ўзинг айтсанг ҳам бўлаверади.

Ниҳоят, Дюруа юрак ютиб боришга шайланди.

– Хўп, бўлмаса, раҳмат сенга, кетдим. Сен мени зўрлаб мажбур қилганингни унга айтаман.

– Ҳа, ҳа, хотиржам бўл, у сени еб қўймайди. Муҳими, соат учда келиш эсингдан чиқмасин.

– Йўқ, йўқ, эсимда.

Форестье шахдам қадамлар ташлаб жўнаб кетди. Дюруа эса, қандай қабул қиларкин, деб ташвишла-

ниб, аста-секин юқорига кўтарилди, йўл-йўлакай гапни нимадан бошлаш кераклигини ўйлаб борди.

Эшикни хизматкор очди. У кўк этак тутиб олган, қўлида пол артадиган чўткаси бор эди.

– Жаноб Форестье уйда йўқлар, – деди у саволни кутиб ўтирмасдан.

– Форестье хонимдан сўранг-чи, мени қабул қила олармикинлар, – деди Дюруа, – айтингки, унинг олдига мени эри юборди. Мен ҳозир уни кўчада учратувдим.

Дюруа жавоб чиқишини кута бошлади. Хизматкор қайтиб келиб, ўнг томондаги эшикни очди-да, деди:

– Форестье хоним сизни кутмоқдалар.

Хоним ёзув столи олдига қўйилган креслода ўтирган экан. Ораста хонанинг чор атрофи қора ёғочдан ишланган жавонлар узра тартиб билан терилган китобларга тўла эди. Китобларнинг муқовалари қизил, сариқ, кўк, ним пушти, зангори, ишқилиб барча ранглардан бор эди. Улар қатор терилган жилдларни ташқаридан жуда ҳам чиройли қилиб кўрсатарди.

Форестье хоним ўзининг одатдаги табассуми билан уни қаршилаб, орқасига ўтирилди ва унга қўлини узатди, тўрлар билан тўқилган кенг энги ичидан қўллари елкасига довура кўриниб кетди.

– Мунча эрта? – сўради у ва қўшиб қўйди: – Таъна қияпти деб ўйламанг, бир омади савол-да.

– Хоним, – зўрға гап бошлади Дюруа, – мен келмай десам, эрингизни пастда учратиб қолувдим, сира қўймади, боравер деб. Шу қадар хижолатдаманки, нимага келганлигимни айтишга ҳам юрагим бетламай турибди.

Форестье хоним унга қўли билан стулни кўрсатди:

– Ўтиринг, айтинг, нима гап экан.

У қўлидаги пат қаламни икки бармоғи орасида усталик билан айлантириб ўтирар, унинг олдида ётган ярмигача ёзилган катта варақ Дюруа келиб унга халал берганлигини кўрсатар эди.

У иш столига ўрганганлиги, ишлаган пайтида қийналмаслиги, меҳмонхонада ўзини қандай ҳур тутган бўлса, столга ўтирганда ҳам эркин ўтириб ишлаши, бу унга одат бўлиб кетганлиги аён эди. Унинг пеньюаридан ҳозиргина қилинган эрталаб-ки ясан-тусаннинг ёқимли, тоза бўйлари анқимоқда эди. Дюруа унинг нафис кўйлаги тагидаги ёш, тиниқ, тоза, бўлиқ ва қайноқ жисмини кўз ўнгига келтиришга ҳаракат қилар, булар кўз ўнгида жонланаётгандай бўлар эди.

– Қани, айтинг бўлмаса, нима гап ўзи? – Дюруанинг гапиролмай турганлигини кўриб сўради у.

– Биласизми... – бошлади Дюруа ўзини йўқотган кўйи. – Ростданам жуда хижолат бўляпман... Гап шундаки, кеча мен туни билан ўтириб... бугун эса... азондан бери жаноб Вальтер сўраган Жазоир ҳақидаги мақолани ёздим... Лекин ҳеч нарса чиқара олмаяпман... Мен ҳаммасини йиртиб ташладим... Бунақа ишни биринчи марта қилишим, шунинг учун Форестъедан илтимос қилувдим... бу сафар энди у менга ёрдам берсин деб...

Хоним бу сўзлардан қувониб, яшнаб, гул-гул очилиб кетди, жуда мамнун ҳолда кула-кула деди:

– У сизни менга жўнатдимизми?.. Жуда соз қилибди-да...

– Шундай, хоним. У, хотиним сенга мендан ҳам яхшироқ ёрдам беради... Мен эса, истамовдим, журъат этмовдим. Тушуняпсизми мени?

Хоним ўрнидан турди.

– Бу ҳамкорлик жуда ёқимли бўладиганга ўхшайди. Сизнинг фикрингиз менга жуда ёқди. Гап

бундай: менинг ўрнимга ўтиринг бўлмаса, редакцияда менинг ёзувимни таниб қолишади. Ҳозир сиз билан мақола ёзамиз, мақола бўлганда ҳам зўр мақола бўлади! Ниятимиз – йўлдошимиз.

Дюруа ўтирди, перони олди, бир варақ қоғозни олдига қўйиб, ёзишга шайланди.

Форестъе хоним тик турганча унинг барча ҳаракатларини кузатиб турди, кейин камин устидан папирос олиб чекди.

– Папироссиз ишлай олмайман, – деди у. – Хўш, нималарни ҳикоя қилиб бермоқчисиз?

Дюруа унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Шуни билмаганим учун ҳам бу ерга келдим-да.

– Хўп, майли, унда мен кўмаклашиб юборай. Қайлаисни ўзим тайёрлайман, лекин менга масалиқ керак.

Дюруа нима дейишини билмай қолди.

– Мен ўз саргузаштимни бир бошдан айтиб бермоқчи эдим... – ботинмай сўйлади у.

Хоним столнинг нарёфига ўтиб, унга рўпара-ма-рўпара ўтирди ва уkning кўзига тик боқиб деди:

– Ундай бўлса, аввал менга, ёлғиз менга айтиб беринг, тушуняпсизми? Шошилманг, ҳеч нарсани тушириб қолдирманг, кейин ўзим керагини танлаб оламан.

Дюруа нимадан бошлашини билмасди, шунда хоним тавба қилаётган кишини сўроққа тутаётган руҳонийга ўхшаб унга саволлар бера бошлади. Саволлари шу қадар аниқ ва равшан эдики, улар Дюруанинг хотирасига туртки бўлди, у унут бўлиб кетган воқеаларни барча тафсилотлари билан эслай бошлади, кўз ўнгида учрашувлар, бир кўрган одамларининг қиёфалари гавдалана бошлади.

У шу тариқа чорак соатлар чамаси ҳикоя қилгач, хоним бирдан уни тўхтатди.

– Энди бошлаймиз. Сиз ўз таассуротларингизни ўртоғингизга сўзлаб бераётгандай бўлинг, бу кўнглингиздаги барча гапларингизни айтаверишингиз учун имконият беради, орада бошқа гапларни ҳам қистириб кетаверасиз, ҳикоянгилинг табиий ва мароқли чиқишига эришасиз, қани, булар қўлимиздан келармикин, йўқми? Ёзинг:

«Азизим, Анри, сен Жазоир қандай диёр эканлигини билишни истайсанми? Марҳамат, айтиб бера қолай. Бекорчиликда нима қилишимни билмай, ўзим истиқомат қилаётган ғарибона кулбадан туриб, сенга кундаликларга ўхшаш бир нарса ёзиб юбориш фикрига келдим, унда ўзимнинг бунда кечган ҳаётимни кунма-кун, соатма-соат ҳикоя қилиб бераман. Эҳтимолки, ҳикоям баъзан қўполроқ чиқар, нима ҳам дердим, бироқ сен уларни таниш хонимларга кўрсатиб ўтирмайсан-ку...»

Хоним ўчиб қолган папирোসини ёндириб олиш учун тўхтади, шу заҳоти қитирлаётган пат қаламининг ҳам уни ўчди.

– Давом этамиз, – деди хоним.

«Жазоир – ҳали яхши ўрганилмаган Саҳрои Кабир, Марказий Африка сингари улкан мамлакатнинг сарҳадида жойлашган французларнинг катта миустамлакасидир.

Жазоир – бу оқ дарвоза, ғаройиботларга тўла бир қитъага олиб кирадиган оппоқ гўзал дарвозадир.

Лекин бу дарвозани кўриш учун аввал унга етиб олиш керак, бу ҳаммага ҳам бирдай ёқавермаслиги мумкин. Менинг чавандозликда қанчалар моҳирлигимни биласан, мен полковникнинг ўзи минадиган отларни совутиб бераман. Бироқ азамат отлиқ аскар бўла туриб, ёмон денгизчи бўлиш ҳеч гап эмас экан. Бунини мен ўз бошимдан ўтказдим.

Полкимизнинг врачлари Сембрет эсингдандир? Уни ҳаммамиз доктор Қускуро деб атардик. Қайси би-

римиз дам олишга ўлгудай зор бўлиб қолганимизда, госпиталда ором олиш даврида унинг олдига борар эдик.

Унинг алвон иштони, семиз сонлари ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Мана, у курсида оёқларини кериб, қўлларини икки сонига тираб ўтирибди, қўлларини ёйдай эгиб, тирсакларини чиқариб олган, бақрайган кўзларини ўйнатиб, оқарган мўйловларини тишлаб ўтирибди.

Унинг қандай муолажа қилишлари ёдингдадир:

– Бу солдатнинг ичи бузилган. Унга менинг рецептим бўйича учинчи рақамли қайт қилдирадиган дори берилсин, сўнгра ўн икки соат тўла дам олсин, соғайиб кетади.

Унинг қустирадиган дориси жуда ўткир, тез таъсир қилар эди. Шунга қарамасдан, биз уни ичардик, нега десанг, ўзга чорамиз ҳам йўқ эди-да. Аммо доктор Қускуронинг дорисини ичиб бўлгач, ўн икки соат ҳордиқ чиқариш жуда маза эди-да ўзи.

Мана шунақа гаплар, жон дўстим, агар Африкага келадиган бўлсанг, қирқ соат мобайнида таъсир қиладиган бошқа бир қайт қилдирадиган дорининг кучини синаб кўришинг мумкин. Бу дорининг рецептини Трансатлантика кема компанияси ишлаб чиққан».

Форестье хоним мамнун бўлиб, қўлларини ишқаб қўйди.

У ўрнидан туриб, иккинчи папиросни олиб тутатди-да, хонани кезиб яна айтиб ёздира бошлади, у гоҳо-гоҳо лабини чўччайтириб тутун чиқарар, тутун тик юқорига кўтарилиб, сўнг оҳиста ёйилиб кетар, баъзан тутун у ер-бу ерда туман парчаси каби тўдаланиб қолар, кейин чуваланган майин кўкимтир иплар мезон учгандай бўлиб тарқалар эди. Хоним ўқтин-ўқтин ҳавода муаллақ қолган ушбу ҳарир

чизгиларни кафтлари билан тўзғитиб юборар ёки кўрсаткич бармоғи билан уларни иккига ажратиб ташлар, сўнг тўзғиган пағаларнинг пароканда бўлиб боришини хаёлчан кузатиб қоларди.

Дюруа эса унинг барча хатти-ҳаракатларини кузатиб турар, тутунни эрмак қилиб, айна чоқда фикри бўлинмай ишлаётган хонимнинг чеҳрасидан, қадди-қоматидан кўзларини узолмасди.

Хоним энди йўлдаги саргузаштларни тўқишга тушди, қаёқдаги бўлмаган ҳамроҳларнинг қиёфаларини чизди ва эрининг олдига кетаётганда пиёда қўшинлар капитанининг хотини билан бўладиган ишқий можаронинг учини чиқарди.

Кейин ўтириб олиб Дюруадан Жазоирнинг табиати, фойдали қазилмалари, конлари, бойликлари ҳақида суриштира бошлади, бу нарсалардан у буткул беҳабар экан. Сал фурсат ўтмасдан у буларни Дюруадан қолишмайдиган даражада яхши билиб олди. Энди у Дюруага Жазоирнинг иқтисодий-сиёсий аҳволи ҳақида бутун бир бобни бемалол ёздирар оларди. Шундай қилинса, ўқувчилар кейинги мақолаларда кўтариладиган мураккаб масалаларга осонроқ тушуниб олган бўлардилар.

Кейин Оран вилоятига қилинган сафар ҳақида ёзилди: сафар, албатта, тўқиб чиқарилди. Бунда гап хотинлар – занжи, жуҳуд, испан аёллари ҳақида борди.

– Газетхонлар фақат мана шунақа нарсаларга ўч бўлишади, – дея изоҳ берди Форестье хоним.

Бу саргузаштларни у баланд ясси тоғлар этагидаги Саид манзилида тугатди, унтер-офицер Жорж Дюруанинг алфа* қайта ишланадиган аинэль-хожар фабрикасида испан ишчи хотин билан

* Алфа – Испания ва Шимолий Африкада ўсадиган чалов ўсимлиги. Ундан каноп ва қоғоз тайёрланади.

севишиб қолганларининг шоирона тасвирини чизиб ҳам кетди. У севишганларнинг тунда бўлган учрашувларини яланғоч қоя тоғлар ичида, итлар акиллаб, чиябўрилар увлаб, сиртлонлар чинқириб ётган овлоқ масканлар қучоғида тасвирлади.

– Давоми эртага! – шўхлик билан деди Форестье хоним ва курсидан турар экан, қўшимча қилди: – Мақола деган мана бундоқ ёзилади, онҳазратим. Дастхатларини ёзиб қўйсинлар.

Дюруа иккиланиб қолди.

– Имзо чекинг деяпман!

Дюруа кулиб юборди-да, саҳифанинг тагига «Жорж Дюруа» деб имзо чекди.

Хоним яна папиросини тутатиб, хонани кеза бошлади, Дюруа эса, қалби миннатдорчилик ҳислари билан тўлиб-тошган ҳолда ундан кўзларини узолмай ўтирар, унинг қилган яхшилиги учун ташаккурини не сўз билан ифодалашни билмас, шу гўзал хотин қаршисида турганлигидан боши кўкка етган, ўзгача бир лаззат оғушига чўмганди. Лаззат эса ўрталаридаги муносабат тобора илиқроқ бўла бораётганлигидан туғилиб келмоқда эди. Дюруага бу ердаги ҳамма нарса, ҳаттоки, китоблар тўсиб қўйган деворгача хонимнинг узвига айланиб кетганга ўхшаб кўринарди. Хонанинг саришта-саранжомлигида, ҳавода кезиб юрган тамаки исларида аллақандай такрорланмас, ёқимли, дилбар, дилтортар бир руҳ ҳоким эдики, буларнинг бари хонимнинг фариштали хотин эканлигини кўрсатар эди.

– Менинг дугонам де Марель хоним ҳақида қандай фикрдасиз? – кутилмаганда сўради хоним.

Бу савол Дюруани ўйлантириб қўйди.

– Нима десам экан... менимча, у киши... дилбар хотин.

– Ростданми?

– Албатта-да.

Дюруа: «Сиз ундан ҳам дилбарроқсиз», демоқчи эди, лекин уялди.

– Унинг қанчалик ақлли хотин эканлигини билсангиз эди! – давом этди Форестье хоним. – Офат, ҳа, ҳа, ҳақиқий офат. Шунинг учун ҳам эри уни хушламайди. Ҳар томондан айбситади, қадрига етмайди.

Де Марель хонимнинг эри борлиги Дюруага ғалати туюлди. Бироқ бунинг ҳеч бир ҳайрон қоладиган жойи йўқ эди.

– Шундай денг... унинг эри бор денг? – сўради у. – Эри қанақа одам ўзи?

Форестье хоним қоши билан елкаларини билинар-билинемас учириб қўйди, унинг хатти-ҳаракатлари аллақандай маънога тўла, нимагадир шама қилаётгандай эди.

– У Шимолий темир йўлнинг ревизори. Ҳар ойда бир ҳафтага Парижга келиб кетади. Бу келиб-кейтишни хотини ўзи учун туганмас қарзни ўташ, ҳайитдан олдинги завқли ҳафта деб атайди. У билан яқиндан танишиб олсангиз, қанчалар зукко ва дилбар хотин эканлигига амин бўласиз. Шу кунларда унинг олдига бир кириб ўтинг.

Дюруа ўзининг кетадиган вақти бўлганлигини унутган, назарида, бутунлай шу ерда қолган, ўз уйида ўтиргандай эди.

Бироқ эшик оҳиста очилиб қандайдир бир серсавлат жаноб сўрамасдан кириб келди.

Нотаниш эркакни кўриб у тўхтаб қолди. Форестье хоним бир сония ғалати бўлиб кетди, кейин юзи андак қизаринқираб кетганига қарамасдан, одатдагича овозини ўзгартирмай деди:

– Киринг, киринг, азиз дўстим, киринг! Бу киши Шарлнинг қадрдон дўсти, бўлажак журналист

Жорж Дюруа. – Кейин бошқача бир товуш билан деди: – Бизнинг энг яқин ва ажойиб дўстимиз – граф де Водрек.

Улар бир-бирларига таъзим қилишдилар. Кўзларига тик боқишдилар, кейин Дюруа хайрлаша бошлади.

Уни ушлаб ўтиришмади. У ҳаяжонлана-ҳаяжонлана миннатдорчилик билдириб, Форестье хонимнинг қўлини сиқди, киборларга хос кеккайиб, бе-парво турган меҳмонга яна бир карра таъзим қилиб, худди ножўя иш қилиб қўйган одамдай ўнғайсизланиб, кўнгли ғаш тортиб чиқиб кетди.

Кўчада у жуда маънос бўлиб қолди, ўзидан-ўзи гижиниб, дили қоронғи бўлди. У оёғининг тагига қарамай борар, бу ғашлик кўнглига қачон чўкканлигини англашга ҳаракат қиларди. Лекин бунинг тагига етолмас, кўз ўнгидан эса, ёши анча ўтиб қолган, сочлари оқариб кетган, одамга ғоятда та-каббурона ва осойишта боқадиган, ўз қадрини билладиган, жуда бадавлат бир жаноб бўлмиш граф де Водрекиннинг жиддий чеҳраси нари кетмасди.

Алоҳа, у Форестье хоним билан бўлаётган қизгин суҳбатлари устидан шу нотаниш одамнинг чиқиб қолгани юрагини музлатиб, умидсиз кайфиятларга гирифтор қилаётганлигини англади. Биз биронинг қайғусини кўрганимизда, тасодиф билан биронта арзимаган сўз эшитганларимизда ёхуд бошқа бирор сабаб билан дилимиз мана шундай маънос тортиб қолади.

Бунинг устига у одамнинг ўзи ҳам Дюруани Форестье хонимнинг ҳузурида кўриб қаттиқ гижингани ва ҳайрон бўлиб қолгани юзида акс этиб турганди.

Дюруанинг соат учгача қиладиган тайинли бир иши йўқ эди, ҳозир эса, ҳали ўн икки ҳам бўлмаган. Унинг киссасида олти ярим франк пули қолганди,

у Дюваледа овқатланиб олгани жўнади. Кейин хиёбонларни айланиб юрди ва соат роппа-роса уч бўлганда кенг зинадан кўтарилиб «Француз ҳаёти» редакциясига кирди.

Хизматчилар топшириқ кутиб ўриндиқда қўл қовуштирганча ўтиришар, минбарга ўхшаган хонача ичида қоровул янги келган почтани кўрмоқда эди. Бу ерга биринчи келган одамни редакциянинг сури босарди. Хизматчилар обрўли газета редакциясида бекорга ишламаётганликларини намойишкорона кўрсатиб туришар, уларнинг юриш-туриш, ўзларини тутишларида димоғдорлик ва кеккаймачоқлик сезилар, ҳар бири ҳам эшикдан кириб келувчини ўз улуғвор салобати, муомаласи билан ҳайратга соларди.

– Жаноб Вальтерни кўрсам бўладими? – сўради Дюруа.

– Жаноб ношир кенгаш ўтказяптилар, – деди эшик оға. – Марҳамат қилиб кутинг.

У одам билан лиқ тўла қабулхонани кўрсатди.

Бу ерда турли нишонлар таққан катгазанг амалдорлар ҳам, кўйлақларидаги жуғрофий хариталар каби доғ-дуғларни яшириш пайида бўлиб камзуллариинг тугмаларини ёқасига довур қадаб олган бечора ҳол кишилар ҳам бор эди. Кутаётганлар ичида учта хоним ҳам ўтиришарди. Уларнинг бири тузуккина бўлиб, лабидан кулги аримас, ясан-тусан қилиб олган, афтидан, қичиқ хотинлар тоифасидан эди. Унинг ёнида ўтирган аёлнинг ғуссадор юзларини ажин босган, кийимлари оддий, бироқ айни чоқда кўркам, ўзи актрисаларга ўхшарди, турқи тароватида алланечук бир нотабийлик, ўтмиш аччиқ муҳаббатнинг, ўтинқираган, уринқираган ясамароқ бир ёшликнинг ислари анқирди.

Учинчи хотин мотам либосида бўлиб, бутун қиёфасидан бева-бечора эканлиги билиниб турарди. Нафақа сўраб келган бўлса керак, деб ўйлади Дюруа.

Йигирма дақиқадан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳамон қабулдан дарак йўқ эди.

Бирдан Дюруанинг калласига бир фикр келди. У яна эшик оғанинг олдида борди.

– Жаноб Вальтер соат учда албатта учрашинг деб тайинлаган эди, – деди у. – Бир қараб кўрингчи, у ерда дўстим Форестье йўқмикан?

Уни шу заҳоти узун коридордан каттакон залга олиб ўтдилар, бу ерда тўртта жаноб кенг яшил столга ўтириб олиб ёзиш билан машғул эди. Форестье камин олдида папирос чекиб турар, бильбоке* ўйнамоқда эди. У яхши ўйнар ва ҳар сафар сариқ шамшоддан ишланган каттакон соққа кичкина ёғоч қозиққа туширар эди.

– Йигирма икки, йигирма уч, йигирма тўрт, йигирма беш, – санаб борарди у.

– Йигирма олти, – деди Дюруа.

Форестье қўллари билан бир зайлда ҳаракат қилишдан тўхтамай унга қаради.

– Э, сенмисан? Кеча мен кетма-кет элик етти марта туширдим. Сен-Потендан кейин энг зўр ўйинчи ўзимман бу ерда. Сен хўжайинга учрашдингми? Қари каламуш Норбернинг қандай ўйнашини бир кўрсанг эдинг, кулавериб ўлиб қоласан. У оғзини катта қилиб очиб ўйнайди, худди шарни нақ ютворади дейсан.

Ходимлардан бири унга деди:

– Менга қара, Форестье, мен қора дарахтдан ишланган ажойиб бильбоке бор жойни биламан.

* Бильбоке – иргитиб ўйнайдиган соққали ўйин.

Айтишларича, у испан қироличасиники эмиш. Олтмиш франкка сотмоқчи. Унчалик қиммат эмас.

– Қаердайкан? – сўради Форестье.

Ўттиз еттинчи ирғитишда у нишонга туширолмагач, жавонни очди. Дюруа жавон ичида ажиб бир хазинанинг буюмлари каби тартиб билан рақамларига қараб териб қўйилган йигирматача жуда ҳам чиройли шарларни кўрди. Форестье қўлидаги шарни ўз ўрнига қўйди-да, яна қайтадан сўради:

– Айтган антиқа нарсангни қаердан олса бўлади?

– Водевилга билет сотадиган чайқовчидан, – жавоб берди журналист. – Агар истасанг, эртага олиб келишим мумкин.

– Олиб кел. Яхши бўлса, оламан. Керакли тошнинг оғири йўқ.

Кейин у Дюруага қараб деди:

– Қани юр, хўжайиннинг олдига кириб чиқайлик, бўлмаса, соат еттигача ўтираверасан.

Қабулхонада ҳамма боягича ҳолатда ўтирарди. Ёш хотин билан кекса актриса Форестьени кўриб, шоша-пиша ўринларидан туриб унинг олдига келишди.

Форестье уларни бирма-бир дераза олдига олиб бориб гаплашди, улар жуда ҳам секин шивирлашиб турганларига қарамай, Дюруа ўз дўсти ҳар иккала хотин билан ҳам сенсираб муомала қилаётганлигини эшитиб қолди.

Ниҳоят, Форестье билан Дюруа қўш қаватли чарм қопланган эшикдан ноширнинг кабинетига кириб боришди.

Кенгаш-пенгаш дегани бекор экан: бу ерда Дюруа куни кеча кўрган чети ялпоқ цилиндр кийган жаноблардан бир-икки киши Вальтер билан бир соатдан бери экарте* ўйнаб ўтиришарди.

* Экарте – бир турли қарта ўйини.

Ношир қўлидаги қарталарга диққат билан қараб ўтирар, жуда эҳтиёткорлик билан ўйнар, шериги эса унинг акси бўлиб, енгил, рангдор карталарни усталик билан сузар, босиб тушар, айлантирар, буларнинг барини уста ўйинчилар каби чаққон, тез, жуда келиштириб адо этарди. Норбер де Варен ноширнинг ўрнига ўтириб олиб мақола ёзмоқда эди. Жак Риваль эса диванга узала тушиб ётганча, кўзларини қисиб сигарет тутатарди.

Кабинетнинг ҳавоси димиққан, ундан чарм ўриндиқлар, ачимсиқ тамаки ва типография бўёқларининг ислари анқирди. Бу ҳар бир журналистга яхши таниш редакцияларнинг ўзига хос бир ҳиди эди.

Мисдан ўймакорлик қилиб ишланган қора ёғоч стол устида хатлар, визит қоғозлари, ҳисоб-китоблар, журналлар, газеталар, турли-туман нашрлар гарам бўлиб ётарди.

Форестье қарта ўйнаётганларнинг атрофини қуршаб олиб, ўзаро бас бойлашаётган кишилар билан индамай бирма-бир кўришиб чиқди. Ўзи ҳам ўйинни томоша қила бошлади. Вальтер партияни ютиши билан унга қараб деди:

– Мана, дўстим Дюруа.

– Мақолани олиб келдингизми? – сўради кўзойнак устидан йигитга ялт этиб қараган ношир. – Темирни қизифида урган маъқул, ҳали Морель қўйган масала юзасидан музокаралар давом этиб турибди.

Дюруа чўнтагидан тўрт букланган варақларни чиқарди.

– Мана, марҳамат.

Хўжайиннинг юзидан мамнуният ифодаси кўринди.

– Яхши, яхши, – деди кулиб у. – Сиз сўзингизда турар экансиз. Буни мен кўришим керакми, Форестье?

– Ҳожати йўқ, жаноб Вальтер, – деди шоша-пиша Форестье. – Биз у билан бирга ёздик. Қандай ёзиш кераклигини унга кўрсатдим. Жуда яхши мақола бўлди.

– Унда жуда соз, – деди қуруққина қилиб ношир сўл қанот депутати, баланд бўйли, ориқ бир жаноб сузаётган қарталарни очиб кўрар экан.

Бироқ Форестье Вальтернинг янгитдан ўйинга тушиб кетишидан бурун гапини айтиб қолди:

– Сиз менга Дюруани Марамбонинг ўрнига тайинлайман деган эдингиз, – дея эгилиб ноширнинг кулоғига шипшиди. – Уни ўша шарт билан ишга олишга ижозат берасизми?

– Ҳа, албатта.

Ўйин давом этди, журналист дўстининг қўлтиғидан олди, улар кабинетдан чиқа бошладилар.

Норбер де Варен бошини кўтармади: афтидан, у пайқамаган ёхуд танимаган эди. Жак Риваль эса, аксинча, унинг қўлларини атайин қаттиқ қисиб қўйди, унинг бу ҳаракатидан менга ишон, ҳар қандай пайтда ҳам ёрдамга тайёрман, деган маънони уқиш мумкин эди.

Форестье билан Дюруа қабулхонага чиққанларида ҳамманинг кўзи уларга қадалди, шунда журналист атай ҳаммага эшиттириб ёш хотинга қараб деди:

– Ношир сизни тезда қабул қилади. У бюджет комиссиясининг икки аъзоси билан кенгашяпти.

Кейин у шу заҳоти гўё ўзини давлат миқёсига эга ишлар кутиб турган одамдай ташвишли чеҳра билан фоз юриб ўтиб кетди.

Редакция залига келгач, Форестье яна бильбоке ўйнагани тушди, ўйин орасида тўхтаб-тўхтаб сўзлай бошлади:

– Гап шундай: сен бу ерга ҳар куни соат учда келасан, мен сени маълумот йиғиб келишга жўната-

ман, менга гап топиб келасан, кундузими, кечқурунми, эрталабми, ишқилиб, айтилган вақтга. Бир! Сенга полиция идорасининг биринчи бўлим бошлиғига қўрсатиш учун хат қилиб бераман. Икки! У сени ўзининг ёрдамчиларидан бирининг олдига юборади: сен у билан энг муҳим маълумотларни оладиган пайтни келишиб оласан. Уч! Албатта, унинг берадиган маълумотлари расмий, баъзан эса гайри расмий бўлади. Бунинг тафсилотларини ва бошқа майда-чуйда гапларни Сен-Потендан билиб оласан, у ҳаммасини билади. Тўрт! Уни кутиб тур, бўлмаса, эртага гаплашасан. Ҳаммадан муҳими, мен тайинлаган одамлардан керакли гапларни билиб олишга, билмагунча қўймасликка ўрган. Беш! Сен киролмайдиган тешик, ўтолмайдиган эшик бўлмаслиги керак. Олти! Бунинг эвазига сен ойига икки юз франк маош оласан, бундан ташқари, қизиқарли гап топиб келсанг, яна ҳар қаторига икки су ҳақ тўланади. Етти! Яна редакциянинг топшириғи билан турли мавзуларда мақолалар ёзиб берасан. Уларга ҳам ҳар бир қаторига икки су ҳақ оласан. Саккиз!

Кейин у бутунлай ўйинга берилиб кетди ва шовилмай санашда давом этди:

– Тўққиз, ўн, ўн бир, ўн икки, ўн уч...

Ўн тўртинчида журналист хато қилди.

– Қуриб кетсин, яна ўн уч! – тўнғиллади у. – Ярамас рақам! У доим менга бахтсизлик келтиргани келтирган. Ўлсам ҳам ўн учинчида ўлсам керак.

Ходимлардан бири ишини тўхтатиб жавондан ўз шарларини олди. Унинг ёши ўттиз бешларда эди, лекин жимитгина бўйига қараб уни ёш бола деб гумон қилиш мумкин эди. Яна бир қанча журналистлар киришди, улар ҳам биттадан бильбоке олишди. Энди олти киши бирдан ўйнай кетдилар,

улар бир-бирлари билан ёнма-ён туриб деворга орқа ўгирганларича ёғочига қараб қизил, қора шарларни бир зайлда итқитар эдилар. Ўйин мусобақа тусини олгач, икки ходим ишларини ташлаб, судьялик қилишга тушдилар.

Форестье бошқаларга қараганада ўн бир очко ошиқча урди. Бояги болага ўхшаган жимит одам ютқизди. У югурдакка қўнғироқ қилди, югурдак келгач, деди:

– Тўққиз кружка пиво.

Ичимлик келгунча яна ўйинни давом эттирдилар.

Дюруа ўзининг янги касбдошлари билан пиво ичгач, Форестьедан сўради:

– Энди нима қилишим керак?

– Бугунча бўшсан, – деди Форестье. – Истасанг, кетишинг мумкин.

– Мақола... бизнинг мақоламиз... кечқурун кетадими?

– Ҳа, корректурани ўзим тўғрилайман, ташвишланма. Эртага давомини тайёрлаб қўй ва бугунгидай соат учга етиб кел.

Дюруа ходимларнинг ҳаммаси билан, гарчи уларнинг исмларини ҳали билмаса ҳам, қўл бериб хайрлашди, кейин бахтиёр ҳолда юраги қувончга тўлиб-тошиб ҳашаматли зинадан пастга тушиб кетди.

IV

Жорж Дюруа тун бўйи мижджа қоқмай чиқди: эртага чиқадиغان мақоласини ўйлаб кўз юммади. Кун ёришиши биланоқ ўрнидан турди, ҳали газетчилар киоскадан киоскага югуриб газета ташийдиган вақт ҳам бўлмасдан кўчага чиқди.

У «Француз ҳаёти» ҳаммадан бурун келса керак деб, Сен-Лазар вокзалига қараб юрди. Лекин ҳали

жуда барвақт эди, вокзалга келиб йўлкаларда кезиб юрди.

Дюруа сотувчи хотин ойнабанд дўконни очганлигини, кейин икки букланган газеталарни дасталаб бошида кўтарган одам пайдо бўлганлигини кўрди. Дюруа унинг олдига чопиб борди, бироқ булар «Фигаро», «Жиль Блаз», «Голуа», «Кун янгиликлари» ва яна бошқа бир қанча газеталар бўлиб, уларнинг орасида «Француз ҳаёти» кўринмасди.

Дюруа ташвишланиб қолди. «Африка ўқчисининг хотиралари» эртага қолдирилган бўлса-я? Яна қария Вальтер бирдан айнаб қолиб, мақолани ўтказмай қўйган бўлса-я?

Дюруа орқасига қайтмоқчи бўлиб турганида бирдан кўзи газетага тушиб қолди. Газетани қачон келтирганларини кўрмай ҳам қолибди. У киоска олдига югургилаганча қайтиб келди-да, уч сутўлаб газета олди ва дарҳол биринчи саҳифанинг сарлавҳаларига кўз югуртирди. Кўринмайди-ку! Юраги дукиллаб уриб кетди. У бошқа саҳифани очди ва устунлардан бирининг тагида «Жорж Дюруа» деб қуюқ терилган ҳарфларни кўрди. Юраги ҳаприқиб кетди. Босишибди! Қандай яхши!

Шодликдан унинг боши айланиб кетди, шляпасини чаккасига қўндирганча кетиб бораркан, дуч келган одамни тўхтатиб, «Ҳой, одамлар! Манови газетадан олинглар, ажойиб газета! Унда менинг мақолам босилган», деб юборгиси келарди. У оқшом чоғлари бульварларда қичқириб: «Француз ҳаёти»ни ўқинглар! Жорж Дюруанинг «Африка ўқчисининг хотиралари» мақоласини ўқимаганлар ўқисин!» дегиси келарди. Бирдан унинг ўз мақоласини ўзи ўқигиси ва айниқса, одамларнинг кўзи тушадиган бирон кафе-сафеда ўтириб ўқигиси келиб кетди. У эрталаб очиладиган рестороанларни

қидира бошлади. Шаҳарни анчагача айланишга тўғри келди. Ниҳоят, майхонага ўхшаган бир жойни топди, бу ерда анча-мунча одамлар бор экан, у столча ёнида ўтириб, ўзига ром чақирди. У абсент чақириши ҳам ҳеч гап эмасди, ҳозир қай вақт эканлигини шунчалар унутган эди.

– Гарсон, менга «Француз ҳаёти»ни беринг! – қичқирди у.

Оқ этак тутган гарсон югургилаб келди:

– Бизда сиз сўраган газета йўқ, афандим. Биз «Нидо», «Аср», «Машғал» ва «Париж варақаси»ни оламиз.

Дюруанинг жаҳли чиқиб кетди.

– Э, қанақа худо урган жой ўзи бу! – деди у ғазаб билан. – Йўқ бўлса, менга тезда «Француз ҳаёти»ни келтириб беринг.

Гарсон газета келтириб берди. Қўшни столларда ўтирганларни қизиқтириш, уларнинг диққатини ўзига тортиш учун Дюруа ўз мақоласини ўқиркан, дам-бадам:

– Қойил! Яшавор! – деб хитоб қилиб қўярди.

Кетар экан, у газетани стол устида қолдирди. Кафе хўжайини уни орқасидан чақирди.

– Афандим, ҳов, афандим, газетангиз қолди!

– Майли, сизга қолаверсин, мен ўқиб бўлдим, – деди Дюруа. – Жуда қизиқ бир мақола босилган экан.

У қанақа мақола эканлигини айтмади, лекин кета туриб хўрандалардан бири унинг столидаги газетани олганлигини кўрди.

«Энди нима қилсам экан?» – деб ўйлади Дюруа ва идорага бориб бир ойлик маошини олиб, ишдан бўшагини айтиб келишга қарор қилди. У бошлиғи билан касбдошлари қай аҳволга тушишларини кўз ўнгига келтириб, қувончдан қийқириб юборай деди. Айниқса, бошлиқни бир боплайман, деб қўйди у.

У оҳиста юриб борар, чунки касса соат ўнда очилар, ўндан илгари боришнинг фойдаси йўқ эди.

Идора қиш бўйи газ билан иситилаверганидан қорайиб кетган каттакон бир хонадан иборат эди. Унинг деразалари торгина ҳовлига қараган бўлиб, бошқа идораларнинг деразаларига тақалиб турарди. Шу хонанинг ўзида саккиз хизматчи ишлар, бурчакда тўсиқнинг орқасида бошлиқ ўринбосари ўтирар эди.

Дюруа ҳаммадан бурун кассирнинг қутисида сариқ конвертга солиб қўйилган бир юз ўн саккиз франк йигирма беш сантим моянасини чўнтагига солиб олдида, кейин мағрур қадам ташлаб қанчадан-қанча кунлари ўтган катта хонага кирди.

Бошлиқ ўринбосари жаноб Потель унга тўсиқ ортидан туриб қичқирди:

– Э, келдингизми, жаноб Дюруа? Бошлиқ сизни кўп сўради. Врачнинг рухсатисиз у икки кундан ортиқ касал бўлишга ижозат этмайди, биласиз-ку.

Дюруа гапи ҳаммага эшитиларли бўлсин учун хонанинг ўртасида тўхтади. Кейин:

– Тупурдим мен унинг ижозат-пижозатига! – деди овозини баланд кўтариб.

Хизматчилар донг қотиб қолишди. Тўсиқ орқасидан жаноб Потелнинг қўрқиб кетган башараси кўринди. Бу тўсиқни у елвизакдан сақланиш учун қурдириб олганди: бод касали бор эди. Ходимлар ишини кузатиб туриш учун ундан иккита тешик ҳам ясатиб олганди.

Пашша учса билинадиган жимлик чўкди.

– Нима дедингиз? – қўрқа-писа сўради ўринбосар.

– Нима дердим, тупурдим дедим. Мен бўшайман, деб келдим. Мен «Француз ҳаёти» редакциясига ишга кирдим, ойига беш юз франк ҳақ тўлайди, ёзганинга яна бошқа ҳақ беради. Бугунги сонда менинг мақолам босилган.

У гапни анчага чўзмоқчи эди, лекин сабри чидамай ҳаммасини бирданига айтиб юборди.

Ғолибо, унинг гаплари яшиндай таъсир қилди. Ҳамма қотиб, тахта бўлиб қолди.

– Мен ҳозир жаноб Пертюи билан гаплашиб чиқаман, – қўшимча қилди Дюруа, – кейин сизлар билан хайрлашиб кетаман.

У ҳали кириб улгурмасданоқ бошлиқ унга қичқира кетди:

– Ҳа, келар экансиз-ку, яхши йигит! Йўл қўймайман бунақага, мен...

– Кўп дағдаға қилаверманг, кекиртагингиз узилиб кетади, – деди ўз бошлиғига хизматчи.

Хўппа семиз, хўрознинг тожидай қип-қизил жаноб Пертюи камоли ҳайратга тушиб, томоғини қириб йўталиб қўйди.

– Бу ҳужра жуда жонимга тегиб кетди, – дея давом этди Дюруа, – бугун мен биринчи маротаба журналистика соҳасида қалам тебратдим. Яхши иш топдим. Хайр.

У шу сўзларни айтди-ю, чиқиб кетди. У қасдини олди.

Дюруа идорага қайтиб, ўртоқларининг қўлларини сиқиб хайрлашди, лекин ҳамкасблари бошлиқнинг кўзига ёмон кўринмаслик учун гапни қисқа қилиб қўя қолдилар. Улар ярим очиқ қолган эшикдан ҳамма бўлиб ўтган барча гапни эшитган эдилар.

Дюруа чўнтакда маош – кўчага чиқди. Ўзи бир-икки борган, овқатлари арзон ва сифатли ресторанга кириб яхшилаб қорнини тўйғизди, «Француз ҳаёти»дан яна битта сотиб олган эди, уни ҳам стол устига ташлаб чиқди. У бир қанча магазинларга кириб, турли майда-чуйдалар харид қилди. Унга бу нарсаларнинг зарурати ҳам йўқ эди, лекин олинган буюмларни уйга элтиб беришларини

буюриб, кетидан «Жорж Дюруа» деб қўйиш унга ўзгача бир роҳат бағишларди. У яна «Француз ҳаёти»нинг ходими, деб қўшиб ҳам қўярди.

Айни чоқда, у кўча ва уйнинг рақамини айтар экан, таъкидлаб шундай деди:

– Қоровулга бериб қўйсангиз, бас.

Унинг вақти ҳали бемалол эди. Дюруа ишни бирпасда қилиб берадиган литографияга кириб, ўзига юзтача визит қоғоз ясаттирди, қоғозга фамилияси ва янги вазифасини ёздирди.

Кейин редакцияга йўл олди.

Форестье унга ўз хизматчисидай қараб, калондимоғлик билан қарши олди.

– Э, келдингми? Жуда соз. Сенга бир қанча топшириқлар бор. Ўн минутча кутиб тур. Ишларимни тугатиб олай.

У хат ёзишга тушди.

Катта столнинг нариги бурчида ранги заҳил, пўла, юзлари халта-халта бўлиб қолган, тук қолмаган оппоқ боши йилтираб турган пак-пакана бир одам ўтириб (кўзи олисни яхши кўрмаса керак), тумшугини қоғозга тираганча ниманидир ёзмоқда эди.

– Менга қара, Сен-Потен, – деди унга Форестье, – сен қачон интервью олгани борасан?

– Соат тўртда.

– Ўзинг билан бирга манови йигитчани ҳам ола кет, унга ҳунарингнинг сирларини ўргатиб қўй.

– Хўп бўлади.

– Жазоир ҳақидаги мақоланинг давомини олиб келдингми? – сўради ўртоғидан Форестье. – Боши анча тузук бўлди.

– Йўқ, – деди гангиб Дюруа, – мен унга эртаклаб ўтирмоқчи эдим... лекин ишларим шунчалар кўпайиб кетдики, ҳеч улгуролмадим...

Форестье норози бўлиб елкасини қисди.

– Бунақада ишингни мазаси бўлмайди. Қария Вальтер сенинг материалингни кутиб ўтирган эди. Мен унга мақола эртага тайёр бўлар экан деб айтаман. Агар сен қўлни совуқ сувга урмай мўмай пул топаман деб ўйлаётган бўлсанг, хато қиласан.

Бир оз жимликдан сўнг у деди:

– Жин урсин, темирни қизигида босиш керак.

Сен-Потен ўрнидан турди.

– Мен бўлдим, – деди у.

Форестье топшириқ беришдан олдин креслога ястаниб олиб, оҳанжама қила бошлади.

– Хўш, – деди ниҳоят у Дюруага кўз ташлаб. – Икки кун бурун Парижга хитой генерали Ли Чанфу билан рожа Тапо соҳиб Рамадерао Пали келишган. Генерал «Континенталь»га, рожа «Бристоль» меҳмонхонасига тушишган. Икковингиз улардан интервью олишингиз керак.

Кейин у Сен-Потенга ўтирилди.

– Мен сенга айтган асосий гаплар эсингдан чиқмасин. Генерал билан рожадан Англиянинг Узоқ Шарқдаги ғаламисликлари, мустамлака қилиш ва уларни бошқариш йўллари, идора усуллари ҳақида сўра. Улар Европанинг, хусусан, Франциянинг аралашувига умид боғлайдиларми, йўқми, билиб ол.

– Газетхонларимиз ҳозирги пайтда жамоат фикрини тўлқинлантириб турган масалаларга Ҳиндистон билан Хитойнинг қандай қарашини билишга жуда қизиқадилар, – деб қўйди у бир оз сукутдан сўнг худди ўзига-ўзи гапиргандай.

Кейин яна Дюруага қараб деди:

– Сен-Потеннинг қандай ишлашини яхшилаб кузат. У жуда ўткир репортер. Ана-мана дегунча истаган одамнинг авра-астарини ағдариб ташлайди.

Кейин у яна гердайиб ёзишга тутинди. Бир пайтлар бир полкда хизмат қилишган ўртоғига,

ҳозирда эса қўл остидаги ходимга у сен ўз ўрнинг-ни билиб ол, чегарадан чиқиб кетма, орамизда ер билан осмонча фарқ бор, демоқчи бўлди шекилли бу муомаласи билан.

Улар эшиқдан кўчага чиқишган замони Сен-Потен Дюруага кула-кула деди:

– Қийтанглашини қаранг! Бизга ҳам димоқ-фи-роқ қилади-я. Ичида бизни ҳам ўз шогирди деб ўй-ласа керак.

Улар хиёбондан юриб кетдилар.

– Бирон нараса ичмаймизми? – сўради репортер.

– Жоним билан. Иссиқни қаранг!

Кафега кириб, муздек ичимлик сўрашди. Шун-да Сен-Потеннинг тили эшилди. Редакция ишла-ри, одамлари, борди-келдилари ҳақида тинмай жаврашига қараганда, унинг ҳаддан ташқари кўп нарсалардан хабардор эканлиги равшан эди.

– Хўжайинми? – дерди у. – Фирт яҳудий! Минг уринганинг билан яҳудийни бошқача қилиб бўл-майди. Одам бўлди-ю, булар ҳам!

Сен-Потен Вальтер хасис одам деб, бир қанча воқеаларни айтиб берди, бани Исроил фарзандла-рининг ҳаммаси бир гўр, бир тийин устида қал-тирайди, ўлардай савдолашади, озгина камайти-ринг, деб ялинади, кези келганда судхўрлик қилиб фойда ундиради, деди.

– Шунга қарамай, у жуда дилкаш одам, ҳеч нар-сага ишонмайди, ҳаммани лақиллатиб бурнига қармоқ солиб юради. Унинг чиқараётган газета-си ҳаммабоп, расмий десангиз, расмий, католик десангиз, католик, либералларга либерал, жумҳу-риятчиларга жумҳуриятчи, яъни нима десангиз шу. Унинг газетаси қатма-қат қилиб пиширилган қотирмага ўхшайди. Бу дўкон унга биржа опера-циялари ва бошқа катта ишларни юритишда қу-

лай ёрдамчи, восита, холос. Фойда олишга у жуда устаси фаранг бўлиб кетган, акционер жамиятлар орқали миллионлаб фойда ундиради, жамиятнинг ўзида эса, тийин ҳам бўлмайди...

Сен-Потен тинмай валақлар, Дюруага «қимматли дўстим», деб мурожаат қиларди.

– Шуниси ҳам борки, бу қурумсоқнинг оғзидан баъзан бальзакона иборалар ҳам чиқиб туради. Мен, эски қумфон Норбер ва замонамизнинг Дон-Кихоти – Риваль бир куни унинг кабинетида ўтирган эдик, бизнинг бошқарувчимиз Монтлен ўзининг бутун Парижга машҳур сахтиён портфелини кўтариб кириб қолди. Вальтер унга қараб: «Қандай янгиликлар бор?» – деб сўради. Монтлен соддадиллик билан: «Ҳозиргина қоғоздан қарзимиз ўн олти минг франкни тўлаб келдим», – деди. Хўжайин ўрнидан бир сакраб тушди. «Нима дедингиз?» «Мен жаноб Привага қарзимизни тўладим». «Сиз жинни бўлиб қолибсиз!» – «Нега?» «Нега... нега... нега...» Вальтер кўзидан ойнагини олиб, шишасини артиб қўйди-да, муғамбирона жилмайди, у аччиқ ёки биронта ўткир гап айтмоқчи бўлса, семиз жағларини очиб мана шундай кулади. Кейин худди масхара қилаётгандай гап қайтариб бўлмайдиган оҳангда деди: «Нега? Негаки, биз бунда тўрт минг, эҳтимолки, беш минг франк камроқ тўлашимиз, улар бизга нархини сал ташлаб беришлари мумкин эди». Монтлен ҳайрон булди: «Қандай қилиб, жаноб Вальтер, ахир, ҳамма ҳисоб-китобимиз тайин-ку, ўзим текшириб чиққанман, сизга кўрсатганман...» Шунда хўжайин жиддий туриб деди: «Жуда содда экансиз. Шуни эсингизда тутингки, жаноб Монтлен, аввал қарзларни кўпайтириш керак, ундан кейин қашлаб-қашлаб келишиш керак».

Сен-Потен бошини кўтариб, билагон одамдай қўшимча қилди:

– Қалай? Бальзакдан нимаси кам?

Дюруа гарчи Бальзакни ўқиб кўрмаган бўлса ҳам, ишонч билан тасдиқлади:

– Худди ўзи!

Репортер Вальтер хонимни семиз гулгултовуқ деб, Норбер де Варенни чипқон яра, Ривални – Фарвакнинг чала нухаси деб атади. Кейин яна Форестъега кўчди:

– Хотиндан омади бор экан қисталоқнинг.

– Хотини ўзи қанақа?

– О, унга тараф йўқ, жуда нозик ҳилқат! – қўллари ишқаганча деди Сен-Потен. – У Водрек деган тойчанинг, граф де Водрекининг ўйнаши. Де Водрек унга сеп қилиб бериб эрга узатган...

Бирдан Дюруанинг эти жимирлаб кетди, баданида қалтироқ турди, бу маҳмаданани сўкиб юборгиси, оғзига қараб солгиси келди. Лекин гапни бошқа ёққа чалғитди:

– Сен-Потен сизнинг чинакам фамилиянгиизми?

– Йўқ, менинг номим Тома, – соддалик билан жавоб берди у. – Сен-Потен деб менга редакцияда ном қўйишган.

– Вақтимиз бўлиб қолди шекилли, – деди ичкиликнинг пулини тўларкан Дюруа, – биз ҳали икки киши билан учрашишимиз керак-ку.

Сен-Потен хахолаб кулиб юборди:

– Янги одам эканлигингиз дарров билинди! Сиз чиндан ҳам мени ҳинд билан хитойнинг олдига бориб, Англия ҳақида фикрингиз қандай, деб сўраб ўтиради дейсизми? Бе, мен «Француз ҳаёти»нинг газетхонларига ёқиш учун улар нима дейишларини уларнинг ўзларидан кўра ҳам яхшироқ билман. Мен шу кунгача бунақа хитой, форс, ҳинди,

чили, японлардан беш юзтасидан интервью олганман. Менимча, уларнинг ҳаммаси бир хил гапни айтади. Шундай бўлгач, ўзимнинг булардан олдин келган меҳмонлар ҳақидаги мақоламни оламан-да, уни сўзма-суз кўчириб чиқаман. Фақат сарлавҳани, номи, унвони, ёши, атрофидаги одамларнинг номларини ўзгартириб чиқаман, холос. Худди мана шунда эҳтиёт бўлиш керак. Бўлмаса, «Фигаро» ёки «Голуа» ёлғончи деб уриб қолишади. Бироқ, мен бунақа гапларни «Континенталь» ва «Бристол»нинг эшик оғаларидан беш дақиқага қолмай тўлатўкис билиб оламан. Биз у ерга биттадан сигарет чекиб, яёв юриб борамиз. Редакциядан эса йўл ҳақиға беш франкдан ундирамиз. Мана шунақа, қимматли дўстим, уддабурон одамлар билан юрсангиз, ошиғингиз доим олчи бўлади.

– Бундан чиқди репортер бўлиш яхши экан-да? – суради Дюруа.

– Тўғри, лекин энг яхшиси – хроника, бу – ниқобланган реклама, – деди сирли қилиб Сен-Потен.

Улар ўринларидан туришди ва бульварлардан Мадлен ибодатхонаси томонга қараб юришди.

– Менга қаранг, – деди тўсиндан Сен-Потен, – агар бошқа зарур ишларингиз бўлса, сизни овора қилиб ўтирмайман.

Дюруа унинг қўлини сиқиб хайрлашди.

Уни кечқурун ёзаман деб қўйган мақола қаттиқ ташвишга солмоқда эди, йўл-йўлакай нимани ёзсам экан деб ўйланиб борди. У аллақанча латифаларни эслади, кўрганлари, кузатганлари ва фикрларини бир ерга жамлашга, хулосалар чиқаришга ҳаракат қилиб кўрди, шу тариқа Елисей майдони га етганини ҳам сезмай қолди, бу ерда сайр қилувчилар сийрак эди, воқеан, иссиқ авжга минган кунлар Париж ҳувилаб, бўшаб қолади.

Дюруа Этуаль майдонидаги Зафар арки олдида жойлашган майхонага кириб овқатланиб олди, кейин ташқи бульварлар ҳалқасидан айланиб ўтиб, уйига келди, ёзгани ўтирди.

Бироқ олдида катта оппоқ варақ пайдо бўлиши биланоқ бирдан калласи бўм-бўш бўлиб қолди, мияси худди парланиб кетгандай эди. У воқеаларни узук-юлуқ хотирлар, уларни миясида сақлаб қолишга уринар, лекин энди тартибга солиб қоғозга туширомоқчи бўлганда, яна ҳаммаси чап бериб қочар, кўз ўнгидан ҳамма нарса лип этиб ўтиб, яна гойиб бўларди, уларни қандай қилиб ушлаб олиш, қай тарзда қоғозга тушириш, нимадан бошлашни билолмай боши гаранг бўларди.

Бир соатча ўтириб, беш варақ қоғозни биринчи жумланинг турли нусхалари билан тўлдириб ташлагач, у ўзига-ўзи: «Ҳали қўлим қаламга ўрганмабди. Яна битта дарс олишга тўғри келади», деди. У Форестье хоним билан ёлғиз қолиб қандай бирга ишлашини, у билан узоқ ўтириб сирли суҳбат қуришни ўйлаб, буни кўз олдига келтириб, юраги сабрсиз бир қалтироқ, ҳаяжон билан тўлди. Яна мақолага ўтирса, бирдан иш юришиб кетишидан чўчиган Дюруа апил-тапил тўшакка ётиб олди.

Эрталаб у Форестье хоним билан бўладиган ширин висол дамларини ўйлаб анчагача ўрнидан турмай ётди, бу дамлар қанча узоқ чўзилса, шунча ширин бўладигандай эди.

У таниш бўлиб қолган эшик олдига келиб, қўнғироқ тугмасини босганда соат ўн бир бўлиб қолган эди.

– Жаноб Форестье бандлар, – деди хизматкор.

Дюруа эри уйда бўлиши мумкин-ку, деб ўйламаган экан. Шундай бўлса ҳам, у яна қайтариб айтишга мажбур бўлди:

– Айтинг, унда зарур ишим бор.

Беш минутдан кейин у кечагина ажойиб дам-ларни бошидан кечирган ўша хонага кирди.

Халат, шиппак, кичкина инглиз қалпоқчаси кийган журналист кеча Дюруа ўтирган креслога чўкиб нимадир ёзар, Форестье хоним бўлса, ўша ўша оқ пеньюарда каминга тирсаги билан суяниб, оғзига папирос қистириб олган, эрига нималарнидир айтиб ёздирмоқдайди.

Дюруа ичкарига кирмай тўхтади.

– Маъзур кўрингиз, мен халал бердим чоғи?

Форестье унга еб юборгудай бўлиб қаради.

– Нима дейсан яна? – хушламай деди у. – Тезроқ бўл, вақтимиз йўқ.

–Йўқ, майли, кечир, – қимтиниб қолди Дюруа.

Форестье ёниб кетди.

– Гапирсанг-чи, нега чўзасан?! Бир қуллуқ қилиб чиқай деб эшик турмини бузмагандирсан, ахир?

– Ундаймас... – деди ўзини бир оз ўнглаб олган Дюруа. – Биласанми, мақола яна яхши чиқмай кийнаб турибди... сен... сизлар ўтган сафар... қилган яхшиликларингиз... умид қилувдимки... келганимнинг боиси...

– Нима, бизни масхара қилмоқчимисан? – унинг гапини чўрт кесди Форестье. – Ўз ўрнингга мени ишлатиб кун кўрмоқчисан, шекилли. Топибсан роса аҳмогингни!

Форестье хоним жимгина папиросини тутатар, ғалати қилиб жилмаяр, назокатли табассуми тагида истехзо яшириниб ётгандай эди.

– Узр, узр... ўйловдимки... хомкалла... – қип-қизариб деди Дюруа, кейин тўсіндан равшан қилиб гапирди: – Мени кечирингизни ўтиниб сўрайман, хоним, кеча менга ёзиб берган мақолангиз учун яна бир карра раҳмат.

У таъзим қилди. Шарлга қараб деди:

– Соат учда редакцияда бўламан.

Чиқиб кетди.

Уйга қараб шитоб билан кетиб бораркан, ўзига-ўзи минғирлаб: «Майли, ҳозир ўзимиз ёзиб ташлаймиз, кўрарсиз ҳали...» – дерди.

Жаҳл устида хонасига кириб борган Дюруа шу заҳоти ишга ўтирди.

У Форестье хоним чизган воқеа чизигидан бориб, бульвар романлардан ўзлаштирилган тафсилотлар, ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар, чучмал, хашаки тасвирларни бир-бирига қалаштириб ташлади, унинг тили мактаб боласиники каби тўмтоқ, айна чоқда унтер-офицернинг жаргонлари билан лиқ тўла эди. Бир соат ичида у мақолани битказди ва ҳосил бўлган бўтқани редакцияга кўтариб жўнади.

Бу ерда биринчи кўзига тушган одам Сен-Потен бўлди. У Дюруанинг қўлини маҳкам сиқиб, худди сирдош одамдай:

– Ҳинди билан хитойдан олган суҳбатимни ўқидингизми? – деб сўради. – Қизиқ эканми, а? Бутун Париж мақоладан хурсанд. Мен бўлсам, уларни ҳатто кўрганим ҳам йўқ.

Дюруа ҳали газетани кўриб улгурмагани, у дарров газетани олиб, «Ҳиндистон ва Хитой» деб аталган узун мақолани кўздан кечириб бошлади, Сен-Потен эса унга қўли билан энг қизиқ жойларини кўрсатиб турди.

Ишчан, ташвишли бир чехра билан ҳарсиллаганча Форестье кириб келди.

– Шу ердасизлар? Айна муддао. Менга икковингиз керак бўласиз.

Кейин уларга ўзига қандайдир сиёсий тарздаги маълумотлар кераклигини, буларни кечгача топиб келишлари зарурлигини уқтирди.

Дюруа унга қўлёзмасини узатди.

– Жазоир ҳақидаги мақоланинг давоми.

– Жуда яхши, қани, қани, мен хўжайинга кўрсатаман.

Шу билан гап тугади.

Сен-Потен янги ҳамкасаба дўстини олиб кетди, коридорга чиққанларида у сўради:

– Кассага кирдингизми?

– Йўқ. Нимага?

– Нимага бўларди. Пул олишга. Моянани бир ой олдин олиб қўйган маъқул. Одам эртага нима бўлишини билмайди.

– Хайр, нима ҳам дердик, майли...

– Сизни кассир билан таништириб қўяман. Тихирлик қилиб ўтирмайди. Яхши ҳақ тўлашади.

Дюруа икки юз франк ойлик ва кечаги мақола учун йигирма саккиз франк олди, – боя идорадан олган пулнинг қолган-қутгани билан ҳаммаси бўлиб пули уч юз қирқ франкка етди.

У қўлига ҳеч қачон бунчалар кўп пул ушламаган эди, назарида, бу бойликни еб-ичиб сарфлаб адо қилиб бўлмайдигандай эди.

Сен-Потен менга керакли маълумотларни бошқалар олдинроқ қўлга киритишган бўлса ажаб эмас, сўраб-суриштириб, мияларини қўлларига қоқиштириб бериб, ҳаммасини улардан оппа-осон билиб оламан, деб, Дюруани бир-бирига ўхшамаган турлича газеталарнинг редакцияларига бошлади.

Дюруа кечга бориб ишни битирди, кейин Фоли-Бержерга боргиси келиб қолди. Амаллаб кириб оларман деган хаёлда тўғри назоратчига қараб юрди:

– Мен «Француз ҳаёти» редакциясидан келдим. Жорж Дюруа бўламан. Яқинда мен бу ерга жаноб Форестье билан келган эдим, у менга рухсатнома

олиб бераман деганди. Ишқилиб, унутмаган бўлсин-да.

Рўйхатга қарашди. Унинг фамилияси кўринмади. Шунга қарамай назоратчилар илтифот қилиб уни киритиб юборишди.

– Майли, кираверинг, афандим, – деди назоратчи, – фақат шахсан директорнинг ўзига учрашинг. У, албатта, сизга йўқ демайди.

Жорж Дюруа кирган замони Рашелни кўрди – бу ўтган сафар у билан бирга кетган ўша хотин эди.

Хотин унинг олдига келди.

– Салом, жоним. Яхшимисан?

– Жуда яхши. Ўзинг-чи?

– Ёмон эмас. Биласанми, сени икки марта тушимда кўрдим.

Дюруа талтайиб кетди.

– Оҳ, оҳ! Бунинг сабаби нимада экан, а? – сўради у илжайганча.

– Сабаби шуки, жиннивой, сен менга жуда ёқсан, қачон истасанг, яна бирга бўлишимиз мумкин.

– Хўп, десанг, бугун.

– Жон-жон дейман.

– Бўпти, лекин биласанми...

Дюруа ямланиб қолди, айтай деса андак уялиб турарди.

– Гап шундаки, пулнинг мазаси йўқроқ; клубга борувдим, ютқизиб, қип-яланғоч бўлиб қолдим.

Эркакларнинг бунақа пайтларда қурумсоқлиги тутадиган одатларини яхши билган тажрибакор хотин унинг ёлғон гапираётганлигини сезди, кўзларига тик боқди.

– Вой, ёлғончи-ей! – деди у. – Менга бундай дейишинг яхшимас.

Дюруа уялиб жилмайди.

– Бор-йўғи ўн франк пулим бор, хўп десанг, ола қол.

Хотин тантиқлик билан, лекин тамагирлик қилмай шипшиди:

– Жонгинам, бари бир сени дейман.

Рашель унинг муртларига ҳавасланиб боқаркан, севганини топиб олгандай эркалик билан унинг қўлларига осилди.

– Олдин сув ичиб олайлик, – деди у. – Кейин озгина айланамиз. Сен билан жуда театрга боргим келади, одамларга, мана менинг қандоқ йигитим бор, деб кўз-кўз қилишни истаيمان. Салдан кейин меникига борамиз, хўпми?

Дюруа уникида узоқ қолиб кетди. У ердан чиққанда тонг ёришиб қолганди, дарров «Француз ҳаёти»ни олиш кераклиги эсига тушди. Қўллари ҳаяжондан титраб газетани очди – мақола йўқ эди. У мақола бордир деб газетага кўз югуртирганча йўлкада узоқ туриб қолди.

Бирдан кўкрагига оғир тош осилгандай сирқираб кетди. У кечаси билан ухламай толиққан, бунинг устига манови дилхиралик қўшилиб қалбини буткул вайрон қилганди, у ўзини бахтсиз деб ҳис қилди.

Уйига келиб, ечиниб ҳам ўтирмай ўзини ўринга ташлаб, ухлаб қолди.

Бир неча соатдан сўнг у редакцияга келиб ноширнинг кабинетига кирди.

– Бугунги сонда менинг Жазоир ҳақидаги иккинчи мақолам чиқмабди. Жаноб Вальтер, мен жуда ҳайрон бўлиб қолдим.

Ношир бошини кўтариб, қуруққина қилиб деди:

– Мен дўстингиз Форестьега мақолани кўриб чиқишни айтдим. У мақоладан қоникмади. Қайтадан ишланг.

Дюруанинг жон-пони чиқиб кетди. у кабинетдан индамай чиқди-да, бориб Форестъега ёпишди:

– Нега бугун менинг мақоламни чиқармадинг?

Журналист креслога ястаниб олганча, оёқларини стол устидаги ўз қўлёмасига қўйиб папирос чекиб ўтирган экан. У юзини буриштирди, гўё ҳеч нарса бўлмагандай ер қаъридан келаётганга ўхшаш бўғиқ овоз билан дона-дона қилиб деди:

– Хўжайин уни ярамайди, деб айтди. Бошқатдан ишласин деб менга қайтариб берди. Мана, ол.

У пресс-папье тагида ётган қўлёмани кўрсатди.

Дюруа камоли хафа бўлганидан нима дейишини билмай қолди, у қўлёмани олиб, чўнтагига тикди. Форестъе эса давом этиб деди:

– Бу ердан чиқиб тўғри префектурага борасан...

У кириб чиқиш зарур бўлган яна бир қанча жойларнинг номини айтди, ўзига бугун керак бўлаган маълумотларни санаб берди. Дюруа Форестъени нима деб чандиб олишини билмай, дами ичида, индамай чиқиб кетди.

Эртасига у яна мақолани олиб келди, уни яна қайтариб беришди. Мақолани учинчи марта ҳам қайта ишлаб ўтказолмагандан кейин, у шошилганини, бу йўлдан фақат Форестъенинг етагида юрган тақдирдагина косаси оқаражагини англади.

У «Африка ўқчисининг хотиралари» ҳақида бошқа чурқ этиб оғиз очмади, бундан кейин эҳтиёткорроқ, омилкорроқ бўлиш керак экан деб дилига тугиб қўйди, келажакда бир нарсага эришаман десанг, ҳозирча ўзингнинг репортёрлик вазифаларингни ғайрат билан адо этишинг зарур, деди у ўзига- ўзи.

У театр ва сиёсатнинг ичига кириб борди, депутатлар палатасининг сирларини ўрганди, давлат арбобларининг қабулхоналарида бўлди, у муҳим

топшириқларни бажарадиган амалдорларнинг турқи-тароватларини синчиклаб ўрганди, бадқовоқ, уйқу босган эшик оғалар билан осон тил топишадиган бўлди.

У министрлар, қоровулар, генераллар, айғоқчилар, князлар, хотинбозлар, эрмак хотинлар, элчилар, епископлар, қўшмачилар, номдор мутгаҳамлар, жамият одамлари, извошчилар, официантлар, фирибгарлар билан муомалада бўлар, уларга ўзига дўст тутар, ичидагини сиртига чиқармасди. Юрагининг тубида эса уларга совуққонлик билан қарар, уларнинг ҳар бири билан кун сайин, соат сайин учрашиб, ўзини керакли гапларни билиб олар, айна чоқда ҳаммасини тарозининг битта палласига қўйиб тортар, бир хил кўз билан қарар, назарида улар бир-бирларидан фарқ қилмайдигандай, ҳаммаси бир гўр эди. Ўзини эса турли виноларни ичиб кўришга мажбур бўлган ва охирида шатомарго*ни аржантейлдан ажратолмай қолган одамга ўхшатарди.

Қисқа муддатда у ўз ахборотларининг аниқлигига заррача шубҳа қолдирмайдиган ажойиб мухбир бўлиб етишди, унинг зеҳни ўткирлашди, эпчил, чаптаст бу одам шу тарихга газета учун чинаяк хазина бўлиб қолди, илло, ходимларни беш қўлдай биладиган қария Вальтер уни шундай деб атар эди.

Шунга қарамасдан у ҳамон ҳар қаторига ўн сантим олар, маоши икки юз франкдан ошмаган эди, кафе, ресторанлар жуда қимматга тушганлигидан у муттасил пулсиз қолар, йўқчиликдан дали дунёси қоронғи бўлиб кетарди.

У баъзи бир ҳамкасбларининг чўнтаклари доим тилла билан қаппайиб юришини кўриб: «Бунинг

* Шатомарго, аржантейл – француз мойи турлари

сири қаерда экан?» – деб ўйлар, уларнинг қандай йўл билан тўқ, фаровон яшаётганлари устида бош қотирар, лекин калаванинг учини тополмас эди. Унинг ич-этини ғашлик кемириб борар, назарида қандайдир одат тусига кириб кетган ғайриқонуний, шубҳали ишлар бўлаётганга ўхшар, қўлнинг кирини қўл ювади зайлида сиздан угина, биздан бугина қилишиб, бир-бирларининг чўнтаklarини тўлдиришиб юришгандир деган хаёлга борар, буларнинг баридан қуруқ қолаётган каби куйиб ўртанарди. Йўқ, бунақаси кетмайди, қандай бўлмасин у сирнинг тагига етиши керак, улар билан ими-жимида тил бириктириши, ўлжани бўлишишни истаётганларни нари-бери суриб қўйиши керак.

Оқшомлари деразадан туриб ўтиб бораётган поездларни томоша қилар экан, у узоқ режалар тузадиган бўлиб қолди.

V

Икки ой ўтди. Сентябрь яқинлашиб қолди, лекин Дюруа орзу қилган шуҳратнинг тожи ҳали қорасини кўрсатганича йўқ эди. Уни ҳали кўпчилик тан олмаган, бу унинг иззат-нафсига қаттиқ тегар, лекин у ўзини ҳаётининг юксак чўққиларига кўтариши керак бўлган йўлни тополмай турарди. Ўзига-ўзи қўлидан оддий мухбирликдан бошқа иш келмайдиган ношудгина одам бўлиб кўринарди. Уни қадрлашар, лекин менсишмас эдилар. Ўлиб-тирилиб хизматини қилишга қарамай ҳатто Форестье ҳам уни бошқа бирон марта зиёфатга таклиф қилмади, улар ҳамон сенсирашиб гаплашишар, лекин Форестье унга ўз ходими дебгина қарарди.

Тўғри, Дюруа мақола чиқариш имконияти туғилганда, уни сира қўлдан бермасди. Хабарлар ёзавериб, қалами чархланди. Жазоир ҳақидаги

иккинчи мақолани ёзган кезлари етишмаган нарсаларнинг барига энди эришди, у ҳозир мақолаларим чиқмай қолса-я, деб қайғуриб ўтирмас, уларнинг яхшилигига ишонарди. Лекин хабар ёзиш бошқа-ю, хаёлга кенг ўрин бериш мумкин бўлган очерк ёки билафон одам томонидан ёзилган сиёсий мақола бошқа. Оддий аравакашнинг Булон ўрмонида от ҳайдаб бориши билан шу оламнинг соҳиби бўлиб, уларни бошқариш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Уни ҳаммадан ҳам юқори доираларнинг эшиклари ўзи учун ёпиқлиги ғоят азобга солар, шундан ўзига-ўзи паррихта, қадр-қиммати йўқ одамга ўхшаб кўринарди. Ҳеч ким уни ўзига тенг кўрмас, хотинлардан ҳам тузук танишбилишлари йўқ эди. Фақат аҳён-аҳёнда таниқли актрисалар нимадандир умидвор бўлиб уни бемалол қабул қилар эдилар.

У ўз тажрибасидан барча донгдор кибор хотинлару учинчи даражали актрисаларнинг ҳаммаси уни кўрганда бошқача бўлиб кетишларини билар, уларни бир зумда ўзимга оғдириб ола биламан деб ўйларди. Шунинг учун Дюруа тушовланган тулпордай нурли чўққилар томон элтадиган гўзал хоним сари интилар эди.

У Форестье хонимнинг ҳузурига яна боргиси келар, бироқ ўтган сафар борганда таҳқирлангани эсидан чиқмаган, шу уни тутиб турарди, бундан ташқари, эри таклиф қилса, бораман, деб кутарди. Ниҳоят, у де Марель хонимни эслади, у келинг, деб таклиф қилганди, шунинг учун ҳам бир куни бўш пайтини топиб, кундузи хонимникига борди.

«Соат учгача доим уйда бўламан», деганди де Марель хоним ўшанда.

Дюруа соат икки яримда эшик тугмасини босди.

Хоним Варней кўчасида, бешинчи қаватда тураркан.

Унга навжувон, сочлари тўзгиган хизматкор қиз пешвоз чиқди, у бошига илган қалпоқчасини тўғриларкан, деди:

– Де Марель хоним уйдалар, фақат турдиларми, йўқми, билмайман.

У шундай деб, меҳмонхонага кириладиган ярим очиқ эшикни очди.

Дюруа кирди. Хона анча кенг, жиҳозсизроқ, яхши йиғиштирилмаган эди. Девор ёқалаб эски, ранглари тўзиб қолган креслолар қатор қўйилганди, афтидан, хизматкор қизнинг ўзи ўз диди билан шундай қилганга ўхшар, воқеан, уйда саранжом-саришта аёлнинг чевар ва меҳрибон қўли сезилмас эди. Тўртта ночоргина сураат чизимчаларга баланд-паст қилиб осиб қўйилган, уларда дарёда сузиб бораётган қайиқ, денгиздаги кема, даладаги тегирмон ва ўрмонзорда дарахт кесувчи тасвирланганди. Уларнинг осиб қўйилганига неча замонлар бўлгани ва уй бекаси уларга қарамай қўйгани кўриниб турарди.

Дюруа ўтириб кута бошлади. Анча кутишга тўғри келди. Ниҳоят, эшик очилиб, чопқиллаганча де Марель хоним кириб келди. Унинг эғнида пушти кимоно, кимонога тилла ип билан манзаралар туширилган, манзаралар ичида мовий гуллар ва оппоқ қушлар тасвирланганди.

– Буни қаранг, ҳали ўрнимдан турмаган эдим,– деди у. – Кўргани келибсиз, қандай яхши. Мени унутиб юборгансиз деб ўйлагандим.

У гул-гул яшнаган чехра билан Дюруага иккала қўлини узатди, шунда Дюруа бу камсуқумгина хонада ўзини анча эркин ҳис қилди ва хонимнинг қўлларини олиб, худди бир вақтлар Норбер де Варен қилгандек биттасини ўпди.

Де Марель хоним уни ўтқазди.

– Жудаям ўзгариб кетибсиз! – хитоб қилди хоним Дюруага бошдан-оёқ разм солиб чиқаркан. – Ранг-рўйингиз яхши. Париж ёқибди сизга. Қани, энди янгиликлардан гапириб беринг.

Шундан кейин улар худди қадрдонлардай ундан-бундан гаплашиб ўтирдилар, иккаласи ҳам кутилмаганда ораларида туғилган оддий, самимий муносабатдан лаззатланишар, юракларида бир-бирларига тобора яқинлик туйиб, ораларида ўзаро ишонч пайдо бўлаётганидан, юлдузлари юлдузларига тўғри келиб турганлигидан хурсанд эдилар. Одатда мана шуларга кўра икки руҳан ўхшаш, ёшлари бир-бирларига муносиб кишилар кўз очиб юмгунча қалин дўст бўлиб кетадилар.

Тўсиндан де Марель хоним суҳбатни бўлди.

– Қизиқ, сиз билан ўзимни жуда бошқача ҳис қиламан, – деди у ҳайратомуз оҳангда. – Назаримда, сизни худди ўн йилдан бери танийдигандекман. Мен дўст бўлиб кетишимизга ишонаман. Истайсизми?

– Жуда ҳам, – жавоб қилди Дюруа.

Бироқ унинг табассуми дўстликдан ҳам бошқачароқ бир нарсани истаётганлигини англадиб турмоқда эди.

Ҳарир ва порлоқ кўйлақда хоним ғоят жозибадор эди, албатта. У оппоқ пеньюар кийган Форестье хоним билан нафислик, латофатда балки беллашолмас, у каби сўлим кўринмасди, бироқ ундан кўра жазби зўрроқ, сўлқилдоқроқ, малоҳатлироқ эди.

Форестье хонимнинг табассум аримаган чеҳраси бир пайтнинг ўзида «Сиз менга ёқасиз», деб тургандай бўлса, айти чокда «Ҳушёр бўлинг!» деб таҳдид қилар, табассумининг асл маъносини уқиб бўлмас, у ўзига бирда ром қилиб турса, бирда ҳуркитар эди. Шу табассумни кўрганда Дюруа ўзини

унинг оёқларига ташлагиси, этакларини ўпгиси, тўр билан тўсилган кўкракларидан келаётган анбарин исларни тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келарди. Де Марель хонимга қараганда эса, у жисмида шавқ ва ҳирс аланга олаётганлигини ҳис қилар, нафис ипак ичра тўлқинланиб турган бадан кўзларини куйдирар, қўллари қалтираб кетарди.

Хонимнинг оғзи гапдан тинмас, гап орасида қизиқ-қизиқ сўзлардан қўшиб қўярди. Баъзи уста хунармандлар бошқалар қилиб бўлмайди деб ўйлаган нарсаларни одамларнинг кўз ўнгида мана шундай қойил қилиб бажариб қўяди. Дюруа уни тинглаб ўтираркан: «Буларни эслаб қолинса ёмон бўлмасди. Унинг гапираётган гапларидан Парижнинг бир куни ҳақида зўр мақола тайёрласа бўлади», – деб ўйларди.

Кимдир эшикни оҳиста билинар-билинмас қитирлатди.

– Киравер, қўзим! – қичқирди де Марель хоним.

Қизча эшикдан тўғри Дюруага пешвоз юрди ва бориб унга қулини узатди.

– О, бу чинакам ғалаба, – деб шивирлади ҳайратда қолган онаси... – Мен Лоринани танимай қоляпман.

Дюруа қизчани ўпиб қўйди-да, уни ўз ёнига ўтқазиб, эркаловчи бир оҳангда, айни чоқда жиддий туриб ундан нима ишлар қилаётганлигини сўрай бошлади. Қизча унинг саволларига катталардай сиполик билан жавоб берар, товуши най сасидай ингичка эди.

Соат учга бонг урди. Дюруа ўрнидан турди.

– Тез-тез келиб туринг, – деди де Марель хоним, – бутунгидай ундан-мундан гаплашиб ўтирамиз, сиздан жуда хурсандмиз. Айтмоқчи, нега сиз Форестьеларникига бормай қўйдингиз?

– Нима десам экан, – деб жавоб берди у. – Шу кунларда жуда банд эдим. Тез кунларда у ерда учрашиб қолсак ҳам ажабмас.

Шундан сўнг у бир олам аллақандай умид билан тўлган ҳолда чиқиб кетди.

У Форестъега ўзининг меҳмонга боргани ҳақида чурқ этиб оғиз очмади.

Лекин у бу суҳбатни анчагача эслаб юрди – эслаганда ҳам, худди назарида ўша хотин доимо ёнида тургандай, у билан гаплашаётгандай туюлаверарди. Гўёки унинг нимасинидир ўзи билан қўшиб олиб кетгандай эди: у кўз ўнгидан кетмас, у билан аллақандай ички бир унсият топиб олгандай кўринарди. Севган одамнинг билан ойдин висол онларини бошдан кечирганингдан кейин унинг қиёфасини мана шундай унутолмай, уни юрагингнинг тубида асраб юрасан. Бу жуда ғалати, мубҳам, хуфия, ҳаяжонли, ўзининг сирлилиги билан одамни тўлқинлантирадиган гирифторликнинг ўзгинаси эди.

Кўп ўтмай у яна борди.

Ходима қиз уни ичкарига олиб кириши билан Лорина чиқиб келди. Бу сафар у қўлини узатиб ўтирмай, унга ўзининг манглайини тутди.

– Ойимлар ҳозир чиқадилар, – деди Лорина. – Ўн беш минут кутар экансиз, энди кийиняптилар. Сиз билан ўтириб тураман.

Лоринанинг сертакалуф муомаласидан Дюруа завқланаркан, деди:

– Жуда ҳам хурсандман, ойим, мен бу вақт ичида сиз билан суҳбатлашишдан гоят бахтиёр бўлман. Фақат сиз мени жуда жиддий ва сипо одам экан деб ўйламанг. Мен куни бўйи ўйнаб юраман. Шунинг учун сизни мушук-сичқон ўйинига таклиф қиламан.

Қизча ҳайратланиб боқди. У катта хотинлар галати аҳволга тушиб ҳайрон бўлиб қолганларида қандай жилмайсалар, шунақа қилиб табассум қилди, сўнг секингина деди:

– Уйда ўйнаш мумкин эмас.

– Бу гапнинг менга алоқаси йўқ, – деб эътироз билдирди Дюруа. – Мен истаган жойимда ўйнаман. Қани, тутиб олинг мени! – Шундан сўнг у Лоринани ўйинга қизиқтириб, стол атрофида айланиб чопа бошлади, қизча эса сиполик билан жилмайганча унинг кетидан ора-чора ботинмайгина унга қўлини теккизиб қўяр, бироқ ҳамон унинг ортидан чопишга журъат этмасди.

Дюруа тўхтаб чўк тушар, лекин қизча ишонқирамай унга яқинлашиши билан у худди қутичадан отилиб чиққан шайтонваччадай меҳмонхонанинг нариги бошига бориб қоларди. Бундан қизчанинг кулгиси қистар, ниҳоят, у ўзини кулгидан тўхта та олмай жиндак хавфсираб, айни чоқда шодон қичқирганча уни қува кетди, ҳар сафар уни ушлаб олай-ушлаб олай деганда қийқириб куларди. Дюруа қизчанинг йўлини курси қўйиб тўсиб олар, қизча унинг атрофидан бир неча бор айланиб чопишга мажбур бўлар, кейин у бунисини қўйиб, бошқа курсини тутарди. Янги ўйинга қизиқиб қолиб, лодадай қизариб кетган Лорина энди хонани чир айланиб қувалар, чарчоқ нималигини билмас, Дюруанинг шўхликлари, айёрликлари, алдоқчиликларини кўриб хонани бошига кўтариб қаҳ-қаҳ урарди.

Алоҳа у Дюруани мана-мана ушлаб оламан деб турганда, Дюруа қизчани тутиб олди-да, шифтга кўтариб қичқирди:

– Ушладим!

Қизча қўлдан чиқишга уриниб, оёқларини тирпирлатар, ўзида йўқ шодланиб қийқирарди.

Де Марель хоним кириб келди ва уларга ҳайрат ичида тикилиб қолди:

– Вой худойим-ей, Лорина!.. Лорина ўйнаяпти... Сиз сеҳргарнинг худди ўзи экансиз, афандим...

У қизчани пастга қўйди, онасининг қўлини ўпди, шундан сўнг улар Лоринани ўрталарига олиб ўтиришди. Бир-бирлари билан жуда гаплашгилари келиб турар, бироқ одатда жимгина ўтирадиган Лорина бугун ҳаяжонланиб, тинмай бидирлагани бидирлаган эди, – алоҳа уни болалар хонасига чиқариб юборишга тўғри келди.

Қизча индамади, лекин чиқиб кетаётганда кўзларида ёш гилтиллади.

Иккалалари холи қолишгач, де Марель хоним овозини пасайтириб деди:

– Биласизми, мен ажойиб бир ишни ўйладим, унда сиз иштирок этишингиз керак. Гап бундоқ: мен ҳар ҳафтада Форестъеларникида меҳмон бўлман. Шунинг учун ўз навбатида мен ҳам вақти-вақти билан уларни ресторанга таклиф қилиб тураман. Мен уйда меҳмон кутишни ёқтирмайман, бунга одатланмаганман. Бунинг устига овқат-повқат, хўжалик ишларидан мутлақо хабарим йўқ, ҳеч вақо билмайман. Тарала бедод қилиб юрган юрган. Шунақа, мен уларни вақти-вақти билан ресторанга таклиф қилиб тураман, лекин уч киши бўлганда унча яхши чиқмайди, улфати чор – анда маза бор, менинг танишларим эса уларга тўғри келмайди. Буларни нега менга гапиряпти деб ҳайрон бўлманг, сизга таллуқди жойи бор. Сиздан менинг зиёфатимда бирга бўлишингизни сўрайман. Биз шанба кuni соат етти яримда Риш кафесида йиғиламиз. Қаердалигини биласизми?

У жон-жон деб рози бўлди.

– Тўрт киши бўламиз – жуфт жуфти билан, – деб давом этди у. – Бундай зиёфатлар биз хотин-

лар учун яхши эрмак: унга энди-энди одатланиб келяпмиз, ахир.

Хоним эгнига қўнғир тусли кўйлак кийган, кўйлак унинг беллари, кўкраклари, елкаларига чип ёпишиб турар, одамнинг ҳавасини келтирарди. Унинг нозик, ингичка бир дид билан кийиниши-ю, меҳмонхонанинг қаровсизлиги ўртасида аллақандай номувофиқлик бўлиб, Дюруа бундан ҳайрон бўлар, дилида ўзи ҳам англамаган қандайдир ўнғайсизлик сезар эди.

У нимаики кийган бўлса, нимаики баданига ёпишиб турган бўлса, бари жуда ҳам нозик диддан дарак бериб турар, ғоятда нафис кўринарди. Унинг, афтидан, шулардан бошқа ҳеч нарса билан иши-ҳуши йўқ эди.

Дюруа у билан хайрлашиб кетди-ю, бироқ назарида у ҳамон ёнида тургандай эди, ҳамон суҳбатлари давом этарди. У, айтилган кунни жуда интизор бўлиб кутди.

У, маблағи ҳали етарли бўлмаганлигидан яна қарзга фрак олди ва ҳаммадан бурун келишилган вақтдан бир неча дам илгари ресторанга келди.

Уни учинчи қаватга, деворларига қизил мато қопланган, биттагина деразаси хиёбонга қарган мўъжазгина хонага олиб чиқишди. Тўрт киши учун мўлжалланган чорси столга ташланган дастурхон худди локлангандай ярақ-ярақ қиларди. Икки баланд қандилга ўрнатилган ўн иккита шамнинг порлоқ нури стол устига терилган қадаҳлар, кумуш идишларда жилваланиб ўйнарди.

Дераза рўпарасида дарахт ўсган бўлиб, унинг япроқлари хоналардан тушган ёрқин нур ичида бирлашиб зумрад парча бўлиб кўринарди. Дюруа деворлардагига ўхшаш қирмизи мато тортилган пастаккина диванга ўтирди, диваннинг таг сим-

лари бўшашиб қолган экан, ўтираётганда худди чуқурга тушиб кетаётгандай бўлди.

Бу улкан иморат ари инидай ғалати ғувиллаб турарди, коридорлардан елиб-югуриб турган лакейларнинг гиламлардан чиққан бўғиқ қадам товушлари, кумуш идишларнинг жаранги, бир зумга очилган эшикларнинг гичирлаши ва алоҳида-алоҳида хоналарга кириб олган хўрандаларнинг аҳён-аҳён эшитилиб қолган овозлари қўшилиб катта ресторанларга хос бўлган бир шовқин кўтарилар эди.

Форестье кирди, унинг қўлини дўстона самимиёт билан сиқди, лекин «Француз ҳаёти» редакциясида у ҳеч қачон бундай самимият кўрсатмас эди.

– Хонимлар бирга келишади, – деди у. – Ресторанлардаги бунақа ўтиришларни жуда яхши кўраман!

У столни кўздан кечириб чиқди. Хира ёнаётган газ чироқни ўчирди. Шамол кирмасин деб, деразанинг бир тавақасини ёпди ва елвизак тегмайдиган бир жойни ўтиришга танлаб деди :

– Мен жуда эҳтиёт бўлишим керак. Туппа-тузук юрган эдим, яна ўзимни ёмон сезяпман. Сешанба кuni театрдан чиқа туриб шамолладим шекилли.

Эшик очилиб, метрдотель етакчилигида хонимлар кириб келишди. Уларнинг шляпачаларидаги тўр юзларига туширилган, камтарин, камсуқум кўринишарди. Одатда, барча хонимлар хавфли ва ғалати учрашувларга тўла бундай жойларда ўзларини мана шундай ажойиб сирли бир равишда тутадилар.

Дюруа Форестье хонимга пешвоз юрди, хоним бизникига бормай қўйдингиз, деб ундан гина қила кетди.

– Биламан, биламан, сизга де Марель хоним кўпроқ ёқади, – деди у табассум билан дугонасига қарар экан, – унга келганда сизда доимо вақт топилади.

Ҳаммалари ўтирганлари ҳамоно метрдотель Форестъега виноларнинг хиллари ёзилган қоғозни узатди.

– Эркаклар билганларини қилишсин, – деди ҳаяжонли товуш билан де Марель хоним, – лекин бизга энг яхши ҳамда ширин шампан келтиринг, муздек бўлсин, тушунарлими? Бошқаси билан ишим йўқ.

Метрдотель кетгач, у асабий кулиб деди:

– Бугун тўйиб ичаман. Базми жамшид қиламиз, чинакам базми жамшид.

Форестъе, афтидан, унинг гапларини эшитмади.

– Деразани ёпиб қўйсам майлими? – сўради у.
– Бир неча кундан бери кўкрагим оғриб юрибди.

– Бемалол, бемалол.

У дераза олдига бориб унинг иккинчи тавақасини ҳам беркитди-да, чеҳраси очилиб жойига бориб ўтирди.

Унинг хотини фикр дарёсига ғарқ бўлиб жимгина ўтирарди. У кўзларини пастга қадаганча қадаҳларга одамни алақандай қитиқловчи, сирли табассум билан сузиларди. Кичкина қулоқчаларга ўхшайдиган майда, мойлик остенд чиғаноқлари* келтиришди – улар оғизда шўртак попукка ўхшаб эриб кетарди.

Кейин суяқ ош беришди, сўнг худди қиз боланинг баданидай қизғимтир гулмоҳи балиғи тортилади. Суҳбат қизиди.

Гап жуда кўп шов-шувларга сабаб бўлган бир иш-кал воқеа устида борди. Киборларга мансуб бир хоним алақандай хорижлик шаҳзода билан алоҳида хонада суҳбат қураётганларида эрининг дўсти уларнинг устидан чиқиб қолади. Гап-сўз тарқалади.

Бу саргузаштни эшитиб, Форестъе қотиб-қотиб кулди, бироқ хонимлар гап ташиб юрган ғийбат-

* Белгиянинг денгизбўйи Остенд шаҳаридан келтирилган хушхўр чиғаноқлар.

чининг қилиғини пасткашлик ва аблаҳлик деб баҳоладилар. Дюруа уларнинг тарафида бўлди ва эркак одам бунақа пайтда ким бўлишидан қатъи назар, асосий айбдорми, тасодифий гувоҳми ёки шерикми, барибир миқ этиб бировга оғиз очмаслиги керак, деди.

– Бир-бирларимизга бемалол ишониш мумкин бўлганда бу дунёда яшаш нақадар ажойиб бўлар эди-я! – деб хитоб қилди у. – Аксаран жуда кўп пайтларда аёллар қилғиликлари ошкора бўлиб қолишидан қўрқиб, бундай ишлардан ўзларини тиядилар. Ахир шундай эмасми? – давом этди у жилмайган ҳолда. – Агар хотин киши бир онли бахтиёр дамлар учун аччиқ кўз ёшлар тўкиб бир умр шармисор бўлиб ўтишдан чўчимаганда эди, у ўзини хаёлида ғужғон ўйнаган ғаройиб ишқий можаролар қучоғига ташлаган, бирдан аланга олиб кетган эҳтиросларига бўйсуниб, ўткинчи ҳою-ҳавасларга боши билан шўнғиган бўларди!

У худди бировни, балки ўзини ҳимоя қилаётгандай ишонч билан кўйиб-ёниб сўзлар, гўё бу сўзлари билан: «Менга ишонинглар, бунақа ишларда синаб кўришларингиз мумкин», деяётгандай бўларди.

Хонимларнинг ҳар икковлари ҳам унинг гапини маъқуллаб қараб қўйишар, орага гап қўшмаганларига қараганда, уларнинг паришлик хонимларга хос жиддий хулқи сир сақланишига ишонч тутилган тақдирда жиддийликка кўпда риоя қилавермаслигини англатарди.

Форестье бир оёғини тагига олиб диванда ёнбошлаб ётар, фракни ифлос қилмаслик учун олдига сочиқ тутиб олганди.

– Ўҳў! Уларга эрк беринг-чи, кўрасан нима ҳангомалар кўрсатишмасикин! – гапга аралашди у ҳаёсизлик билан ҳирингларкан. – Шўринг қурғур эрлар!

Севги ҳақида гаплашишди. Дюруа абадий севги борлигига ишонмас экан. Лекин киши бир-бирига ишонса, узоқ муддат чин юракдан дўст бўлиши мумкин экан. Жисмоний яқинлик қалбларни бир-бирига янада жипсроқ қилиб боғлаб қўяркан. Бироқ у гап рашк жанжаллари, оғир азоб-уқубатлар, ялиниш, илтижо, таъналарга келганда жуда газабланиб сўзлади.

У гапини тугатганда де Марель хоним хўрсинибгина деди:

– Ҳа, муҳаббат умрнинг бирдан-бир қувончи, бироқ ҳар хил талаблар қўявериб, биз ўзимиз уни расво қиламиз.

– Ҳа... ҳа... севилиш қандай яхши... – деб уни тасдиқлади Форестье хоним.

Бироқ унинг башарасидан орзулари бундан ҳам йироқларда қанот қоқаётгани, у ўзи ҳеч қачон гапиришга журъат қилмайдиган нарсаларни ўйлаётгани кўриниб турарди.

Навбатдаги таом тортилгунча ҳаммалари шампан ичишиб, курсиллама нондан оғизларига солиб ўтирдилар. Бора-бора қултум-қултумлаб ичга тушиб қонни жўш урдираётган, ақларини ўғирлаётган худди мана шу май каби муҳаббат ҳам уларнинг бутун фикрларини чулғади, ишқ уларни махмур қилди, исканжасига олди.

Ниҳоят қалин қилиб солинган майда сарсабил мевасининг устига ғоятда сершира майин қўй этидан қилинган қийма дўлма қўйиб келтирилди.

– Қурмагур, жуда антиқа нарса-да! – деб хитоб қилди Форестье.

Ҳаммалари майин гўштнинг таъмидан ғоятда лаззатланиб унга сарсабилнинг мойли мевасидан аралаштириб оҳиста тамшаниб едилар.

– Мен бировни яхши кўриб қолсам дунёдаги ҳамма нарсани унутаман, – деб яна гап бошлади Дюруа.

У буни тўлиқ ишонч билан айтди: ишқ лаззати-ни эслаши биланоқ у ўзида йўқ ҳаяжонланиб кетди, бу лаззат унинг назарида еб турган таомининг лаззатига тамомила қўшилиб кетганди.

Форестье хоним одатдагича чехрасида лоқайдлик ифодаси билан оҳиста деди:

– Илк бора қўл беришиб кўришаётгандаги қувончга ҳеч нарса тенг келолмайди: шунда қўлингизнинг ўзи: «Сиз мени севасизми?» деб сўраганда, иккинчиси: «Ҳа, мен сени севаман», деб жавоб беради.

Де Марель хоним қадахдаги шампанни бир кўтаришда сипқарди-да, бўш идишни столга қўяркан шўх-шан деди:

– Мен эса гапнинг ўғил боласини яхши кўраман.

Кимдир буни маъқуллаб кулди, кўзларда шавқ ўти ўйнай бошлади.

Форестье диванга бемалол ётиб олди, қўллари-ни икки ёнига ташлаб ёстиқларга ястанди. Кейин жиддий оҳангда гап бошлади:

– Очиқ гапирганингиз яхши. Гапдан кўра иш яхши дейдиган хотинлардан эканлигингиз кўриниб турибди. Лекин битта саволим бор, рухсат этинг: бу масалада жаноб де Марелнинг фикри қандай?

Хоним елкаларини оҳиста учириб ўзининг беқиёс нафратини ифода қилди ва бийрон қилиб деди:

– Жаноб де Марелнинг бу масалада ўз фикри йўқ. У кишим... ўзларини аяйдилар.

Мана, ниҳоят, ишқнинг пештоқи баланд назарияларидан гап енгил шамаларнинг гуллаган боғига кўчди.

Тиллар ечилди ва худди аёл киши этагини кўтаргандай ўртадан парда кўтарилади, имо-ишоралар, нозик пардаланган эркин гаплар, ибосиз мунофиқлик, пардаланган, пардасиз гаплар палласи бошланди. Шундай бир гаплар айтилардики, улар

киши кўз ўнгида оддий гап билан айтиб бўлмайдиган нарсаларни шундоқ гавдалантириб қўярди. Киборлар мана шундай имо-ишора гаплар билан нозик ва сирли ишқ ўйинини ўйнайдилар, ҳаёсиз орзуларга бериладилар. Ўзларини бузуқ хаёлнинг шаҳват қайнаган қучоғига ташлайдилар, шаҳват тўшагида рўй берадиган ва ҳаммадан яширилаган уят нарсаларни беҳад ҳузурланиб бирма-бир хотираларида жонлантирадилар.

Қовурдоқ келтирилди – каклик ва беданалар устига кўк нўхат солинганди, кейин қийма паштет тортилди, паштетга қўшиб ейиш учун катта идишда тўла кўк салат берилди. Суҳбатдошлар энди ғоятда гапга берилиб кетган, таомни бояғидай тамшаниб, мазасидан лаззатланиб эмас, шунчаки еб ўтирардилар.

Ҳар иккала хоним баъзан-баъзан қалтис гаплар ҳам қилиб қўйишар, бу ҳазиллар де Марель хонимни тили ботир, хонзодахон эканлигидан дарак берса, Форестье хоним сиполик ва босиқлик билан сўзлар, унинг сиполиги ўзига жуда ҳам ярашар, овозида, гапларининг оҳангида, табассумида, қилиқларида алақандай ибo сезилиб турар, лекин бу ибo унинг ибoсиз гапларини юмшатмас, балки янада ўткирроқ қилиб кўрсатар эди.

Форестье ёстиқларга ястаниб олганча хандон ташлаб кулар, иштаҳа билан овқат туширар, гоҳо-гоҳо гап орасида шўхроқ ёки шармсизроқ бир фикр қистириб қўяр, шунда хонимлар андак унинг қўполлигидан, лекин кўпроқ одоб юзасидан ўзларини уялгандай қилиб кўрсатар эдилар.

– Шунақа, шунақа, чироқларим,– дерди у биронта уятсизроқ гапдан сўнг. – Агар шу зайлда кетаверсанглар, сизлардан ҳали бундан ҳам зўроқлари чиқади.

Ширинлик, сўнг қаҳва тортилди. Ликер оташин улфатларнинг кайфиятига яна кайфият кўшди, уларнинг бошлари анча айланиб қолди.

Де Марель хоним айтганида турди: у чиндан ҳам кайф қилди. У маст бўлиб қолганлигини шўхлик билан тан олар, меҳмонларга қизиқ кўриниш учун ўзини янада мастроқ қилиб кўрсатаётган қувноқ аёлларга ўхшар, мастлигида ҳам латофатини йўқотмасди.

Форестье хоним индамай қолди, балки эҳтиёт бўлаётгандир. Дюруа ножўя бир қилиқ қилиб қўймай деб, ҳаяжонини устомонлик билан яширишга уринарди.

Папирос чекишди, шунда бирдан Форестьени йўтал тутди.

У кўкраги йиртилиб кетгудай бўлиб йўталарди. Пешанасидан реза-реза тер чиқди. У сочиқни офзига босиб турар, йўталнинг зўридан ўпкадай қизариб кетган, бўғилиб қолай дерди.

– Йўқ, зиёфатлардан чиқиб қолибман, – деди у сал ўзига келгач хафаланиб. – Расволик!

Бетоблиги эсига тушиб, унинг кайфияти бузилди, бояги хушнудлигидан асар ҳам қолмади.

– Юринглар кетамиз, – деди у.

Де Марель хоним лакейни чақириб, ҳисоб сўради. Унга ҳисобни талаб қилган замони беришди. Хоним унга кўз югуртира бошлаган эди, лекин ҳарфлар кўз ўнгида чириллаб айлана бошлади, у ҳисоб қоғозини Дюруага узатди.

– Менга қаранг, мен учун тўлаб қўйинг, ҳеч нарса ни кўрмайпман. Жуда маст бўлиб қолибман.

У шундай деб, ҳамёнини берди.

Ҳаммаси бўлиб бир юз ўттиз франк бўлибди. Дюруа ҳисобни бир бошдан текшириб чиқди, иккита қоғоз пул узатди. Қайтимини олар экан, хонимдан шивирлаб сўради:

– Қанча чой пули берай?

– Билмайман, истаганингизча.

У тақсимчага беш франк ташлади ва де Марель хонимга ҳамённи қайтариб бераркан, сўради:

– Кузатиб қўйишга ижозат берарсиз?

– Албатта. Бир ўзим уйга етиб боролмайман.

Улар Форестъелар билан хайрлашдилар, кейин Дюруа де Марель хоним билан экипажга ўтирди.

У хонимнинг ёнида ўтириб бормоқда, унинг шундоқ биқинида ўтирибди, экипажнинг ичи қоронғи ва тўрт томондан берк, фақат онда-сонда унга кўча чироқларининг ёруғи тушиб қолади. У кийимининг устидан хонимнинг елкаларидан ўтаётган иссиқни ҳис қилиб турар, миқ этиб оғиз очишга журъат этмас. Қани энди тилига бир сўз келса. Унинг фикри ёди аёлни қучоқлаш билан банд. Шу истак унинг бутун борлигини қамраб олганди.

«Бир уриниб кўрсаммикин?» – ўйларди у. Ўтирганларида айтилган гапларни эслаб, кел, таваккал қилиб кўрай, деб ўйлар, лекин жанжал чиқишидан қўрқиб, яна ўзини тияр эди.

Хотин ҳам бурчакда қисилиб олиб қимир этмас, овоз чиқармас эди. Мундоқ қараганда, у ухлаб қолганга ўхшар, аммо кўча фонарларидан ёруғ тушган чоғларда унинг кўзлари йилтиллаб кетарди.

«Нимани ўйлаяпти?» Бундай пайтларда Дюруа жимликни бузмаслик кераклигини билар, чунки бир оғиз сўз, биргина сўз ҳаммасини чиппакка чиқариши ҳеч гап эмасди. Чапдаст ва дадил ҳаракат қилишга эса юраги дов бермай турарди.

Кутилмаганда хоним оёғини оҳиста қимирлатди. Бўла қолсанг-чи, деган маънода шарттасига қилинган бу билинар-билинемас, асабий, сабрсиз ҳаракат балки нимагадир чақриқ эдики, бундан Дюруанинг бутун жисми жўш уриб кетди ва

дафъатан унга ўгирилиб, талпинди, лаблари ила унинг дудоқларини, қўллари ила белларини излади.

Хотин секингина қичқириб юборди, ўзини тиклашга, унинг қўлидан чиқишга ҳаракат қилди, уни итариб юбормоқчи бўлди, бироқ қаршилиқ кўрсатишга мажоли қолмагандай, ниҳоят таслим бўлди. Кўп ўтмай карета хонимнинг уйи олдида тўхтади, шошиб қолганидан Дюруанинг тилига хотинларни эркалайдиган биронта сўз келмади. У хонимга миннатдорчилик билдирмоқчи, унга ташақкур айтмоқчи, сизни севаман, сизни бошимга кўтариб юраман, демоқчи эди. Илло, хонимнинг ўзи ҳам рўй берган воқеадан қотиб қолган, қимир этмасдан ўтирарди. Файтончида шубҳа туғдирмаслик учун у каретадан биринчи бўлиб сакраб тушди ва хонимга қўлини узатди.

Хоним салгина гандираклаб экипаждан индамай тушди. У эшик қўнғироғини чалди. Дюруа эшикни чиқиб очгунларича шуни сўраб улгурди:

– Қачон кўришамиз?

– Меникига нонушта қилгани келинг, – эшитилар-эшитилмас даражада базўр шивирлади хоним ва офир эшикни тўп отгандай қилиб гумбурлатиб ёпганча ичкарига кириб кетди.

Дюруа файтончига беш франк берди ва шодлигидан ўзини қўярга жой топмай уйга югурди.

Мана, ниҳоят қулинг ўргилсин офатижон хотинни қўлга киритди! Яна киборлардан-а! Чинакам кибор хотин! Парижлик хотин! Ҳаммаси кутилмаганда ўз-ўзидан бўлди-қўйди!

Авваллари у бундай ҳурилиқо хотинларни қўлга киритиш жуда қийин бўлса керак, бир дунё сабр-қаноат, усталик ишлатиш керак, деб юрган экан. Арқонни узун ташлаб қўйиб, секин айлантриш, бош-кўзини тиндириш, ишқибозлик қилиш,

ширин сўзлар айтиш, сизсиз туropolмайман деб кўкракларига уриш ва ниҳоят, савфотлар бериш каби чораларни адо этиш зарур деб ўйлаган экан. Лекин у биринчи учратган хотин салча зўр бериши биланоқ таслим бўлди, яна бу шунчалар тез рўй бердики, мана, ҳалигача у ўзига келолмай гаранг.

«У маст эди, – деб ўйлади у, – эртага ашулани бошқача қилиб олади. Йиғи-сиғи деган гаплар ҳам бўлса ажабмас». Бу фикр уни хавотирга солиб қўйди, лекин шу заҳоти ўзига-ўзи: «Майли, майли! Энди у меники, мен уни гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб оладиган одамман». Ўзининг шон-шуҳрат, бахт-иқбол, давлат, муҳаббат ҳақида сурган хаёлларининг саробий туманлари ичра бирдан жуда бадавлат, гоятда латиф, қўлларини қаерга узатса етадиган гўзал хотинларнинг сафини кўрди, улар хаёли саҳнасида бир дам пайдо бўлиб, сўнг унинг умидларидан тўқилган олтин булутлар издиҳоми ичра табассумлар қилиб, бирин-бирин гойиб бўлардилар.

Туни билан ғалати тушлар кўриб чиқди.

Эртасига пиллапоядан де Марель хонимникига кўтариларкан, юраги дукиллаб урарди. Уни қандай қабул қиларкин? Умуман, уйга киритмаса-чи? Қабул қилмаса-чи? Агар ҳаммасини оқизмай-томизмай... Йўқ, буни айтиб бериш учун юзни сидириб ташлаш керак бўлади. Шундай бўлгач, ғалаба унинг қўлида деб ҳисоблаш мумкин.

Наврастагина ходима эшикни очди. Унинг боқишлари одатдагидай эди. У ходима эшикни унга рўйхуш бермай очишини кутганди, хайриятки ундай бўлмади. Дюруанинг кўнгли жойига тушди.

– Де Марель хоним тузукмилар? – сўради у.

– Яхшилар, афандим, ҳар доимгидай, – деб жавоб берди ходима ва уни меҳмонхонага бошлади.

У ўзининг энгил-бошига қараш учун камин олдига келди ва ойна олдида галстугини тўғриларкан, тўсатдан ётоқхона бўсағасидан унга тикилиб турган де Марель хонимни кўриб қолди.

У хонимни кўрмаганга солди ўзини ва юзма-юз бўлгунларича бир-бирларига синчковлик билан назар солиб туришдилар.

Мана, ниҳоят, у ўтирилиб қаради. Хоним ўрнидан жилмади – у ниманидир кутаётганга ўхшарди. Шунда у ўзини хонимга отиб, шивирлади:

– Сизни жуда севаман! Жуда ҳам севаман сизни!

Хоним қучоқларини очди, унинг тўшига бошини қўйди, кейин кўзларига қаради. Узоқ бўса олишди.

«Мен кутгандан ҳам жўнгина чиқди, – деб ўйлади у. – Ишлар юришиб кетди».

Ниҳоят, бир-бирларини қўйиб юборишди. Дюруа ўзининг чексиз муҳаббатини кўрсатиш учун унга жимгина кулиб боқар, боқиб гўё тўймасди.

Хоним ҳам жилмайиб турар – хотинлар рози бўлганларида, истак билдирганларида, ўзларини бағишлаганларида мана шундай жилмаядилар одатда.

– Ўзимиз ёлғизмиз,– шипшиди у. – Лоринани ноушта қилгани ўртоғиникига жўнатдим.

– Ташаккур, – деди унинг қўлларини ўпаркан Дюруа сўлиш олиб. – Сизни жонимдан суяман.

Хоним уни худди ўз эридай кўриб, қўлидан ушлаганча диванга олиб келди ва улар ёнма-ён ўтирдилар.

Энди унга нозик ҳаяжонли ишқ суҳбатини бошлаб юбориш фасли келганди. Лекин у гапни нимадан бошлашини билмай, секин илмоқ ташлади:

– Сизни хафа қилиб қўймадимми?

Хоним унинг лабларига кафтини босди.

– Қўй, гапирма!

Улар бир-бирларининг қайноқ қўлларини қи-
сишганча, термилишиб жимгина ўтиришди.

– Сизни шундоқ соғингандимки! – деди Дюруа.

– Гапирма! – деди у яна.

Ошхонада ходиманинг тарелкаларни тарақла-
таётгани шундоқ эшитилиб турарди.

Дюруа ўрнидан турди.

– Сизнинг ёнингизда ўтиролмаيمان. Бошимни
йўқотиб қўйяпман.

Эшик очилди.

– Емак тайёр.

Дюруа хонимни тантанали суратда дастурхонга
олиб борди.

Улар бир-бирларига рўпарама-рўпара ўтириш-
ди, нигоҳларини бир-бирларидан узишолмас,
лабларидан майин табассум аримас, бутун бор-
лиқларини бир-бирларига нисбатан севги ва меҳр
қамраб келмоқдайди. Улар нима еяётганларини
ҳам билишмасди. Шунда тўсиндан, у стол тагида
нозик оёқлар типирчилаб унинг оёғига текканини
сезди. Дюруа унинг оёқларини иккала оёғи ораси-
га олиб қаттиқ қисди ва бошқа қўйиб юбормади.

Ходима кириб чиқиб турар, таомлар келтирар,
бўшаган идишларни олиб кетар, кўринишидан шу
қадар осуда эдики, гўё ҳеч нарсани сезмасди.

Нонуштадан сўнг улар меҳмонхонага қайтиб
киришди ва яна диванга ёнма-ён ўтиришди.

Дюруа унга борган сари яқинроқ сурилиб бо-
рар, уни қучоқлашга интилар эди. Лекин хоним
эркалик билан ўзини олиб қочарди.

– Эҳтиёт бўлинг, кириб қолишлари мумкин.

– Қачон ёлғиз ўзимиз қоламиз? – шивиради
Дюруа. – Сизни қанчалар севишимни қачон кўр-
сатсам бўлади?

Хоним унинг қулоғига эгилиб шивиради:

– Шу кунларда сизникига бирров кириб ўтаман.

У ўзининг қизариб кетганини сезди.

– Лекин мен... менинг уйим... оддий.

Хоним табассум қилди:

– Бунинг аҳамияти йўқ. Мен уйингизни томоша қилгани эмас, сизни кўргани бораман.

Дюруа ундан қачон боришини аниқ билиб олгиси келди. Хоним янаги ҳафтанинг охирида деди. Дюруа унинг қўлларини сиқиб, бураркан, тезроқ учрашишларини сўради, ялинди, ёлворди, у ҳаяжонланиб пойма-пой сўзлар, кўзлари шавқ ўти билан ёнар, икки юзини истакнинг алангаси куйдирар, бундай сўндириб бўлмас истаклар эса одатда фақат икки киши ёлғизликда овқатлангандагина бўлади.

Бу алангали ёлворишлар унга ёқар ва у борган сари учрашувни бир кунлаб яқинроққа сура бормоқда эди. Лекин Дюруа унамасди.

– Эртага... Эртага денг...

Ниҳоят, у рози бўлди.

– Хўп. Эртага. Соат бешда.

Дюруанинг кўкрагидан шодон хўрсиниш тошқини отилиб чиқди. Шундан сўнг улар худди йигирма йилдан бери таниш одамлар каби ундан-бундан гаплашиб ўтиришди.

Қўнғироқ садоси эшитилди. Икковлари ҳам чўчиб тушишди ва бир-бирларидан нарироқ сурилиб ўтиришди.

– Лорина келди, шекилли, – дея шивирлади хоним.

Қизча кирди ва камоли ҳайратланиб, тўхтаб қолди, кейин ўзида йўқ қувонч билан чапак чалиб юборди ва Дюруанинг олдига чопқиллаб келди.

– Вой, Азизим! – қичқирди у бехос.

Де Марель хоним кулиб юборди.

– Нима дейсан? Азизим? Лорина сизга ном бериб қўйибди-ку! Менимча, бу жуда ҳам ажойиб лақаб. Мен ҳам сизни Азизим деб чақираман!

Дюруа қизчани тиззасига ўтқазди ва ўзи унга ўргатган ҳамма ўйинларини ўйнаб чиқдилар.

Соат йигирма минути кам учда улар хайрлашдилар ва Дюруа редакцияга қараб йўл олди. Кетар экан у пиллапояда ярим очиқ эшикка қараб яна бир карра шипшиб қўйди:

– Эртага. Соат бешда.

Де Марель хоним унинг лабларининг қимирлашидан нима демоқчи бўлганлигини англади-да, жилмайиб «ҳа», деди ва ичкарига кириб кетди.

Редакциядаги ишларини битиргач, у маъшуқасининг келишига уйни қандай қилиб қўйсам экан, деб бош қотира бошлади. Миясига уйнинг деворларига япон безакларидан осиб қўяман деган фикр келди. Беш франкка турли кичкина елпуғичлар, суратлар, рангли матолар сотиб олиб деворлардаги доғлар устига осиб чиқди. Дераза ойналарига эса, дарёдаги кемалар, қизғимтир осмонда учиб кетаётган анвойи қушлар, балконларга чиқиб турган қора танли хотинлар ва қор босган далалардан бораётган қоп-қора одамлар тасвирланган ҳарир суратларни ёпиштириб қўйди.

Унинг торгина хонаси кўп ўтмай ҳар турли суратлар солиб ташланган қоғоз фонарга ўхшаб қолди. Қилган ишидан кўнгли ёришиб, у кечга довур рангли қоғозлардан қирқилган қушчаларни шипга ёпиштириб чиқди.

Кейин паровозларнинг чинқириқ садолари остида ухлагани ётди.

Эртасига у ишдан барвақтроқ қайтди ва уйга баққоликдан бир саватчада пирожний, бир шиша мадера майи келтирди. Сал ўтмай яна ташқарига чиқиб иккита тақсимча билан иккита стакан олиб келди. Кичкина столча устига сочиқ ташлаб, кирини беркитди-да, таомларни шунинг устига қўй-

ди. Тос билан кўзани эса кўринмайдиган жойга тиқиштирди.

Шундан сўнг кута бошлади.

Хоним бешдан чорак ўтганда келди ва кўзларини қамаштирадиган расмларни кўриб, беихтиёр чапак чалиб юборди:

– Мунча яхши уйингиз! Фақат ташқарида одам жуда кўп экан.

Дюруа уни қучоқлаб олди ва ҳирсининг зўридан ҳансираб, хотиннинг шляпаси остидан чиқиб турган сочларини тўр пардаси устидан ютоқиб ўпа бошлади.

Бир ярим соатдан сўнг у хонимни Рим кўчасидаги файтон тўхтайдиган жойгача кузатиб қўйди. У файтонга ўтиргач, Дюруа унга шипшиди:

– Сешанба куни, ўша вақтда.

– Ўша вақтда, сешанба куни, – деб тасдиқлади хоним.

Қоронғи гавжум бўлиб қолганди ва хоним каретанинг очиқ эшигидан туриб унинг бошини ўзига тортди-да, лабларидан ўпиб олди. Аравакаш қамчини кўтарди, хоним хайрлашди:

– Кўришгунча, Азизим!

Шундан сўнг оқ от қўшилган эскигина файтон ҳорфингина йўртиб кетди.

Дюруа уч ҳафта мобайнида икки-уч кун орала-тиб де Марель хонимни қабул қилиб турди. Учрашувлари баъзан эрталаб, баъзан кечқурун бўлар эди.

Бир куни кундузи уни кутиб турган эди, зинадан қаттиқ-қаттиқ гапирган, қичқирган овозлар келиб қолди, у эшик тагига бориб қулоқ солди. Боланинг йиғиси эшитилди. Эркак одам жаҳд билан алланималар деди:

– Вой жиннивой-ей, нега йиғлаяпти?

– Э, анов журналистнинг олдига келиб юрадиган қанжиқ Николамизни йиқитиб кетди. Мен бўлсам, бу суюқларни қадам бостирмас эдим, оёғининг тагидаги болани кўрмайди-я!

Дюруа ваҳимаси келиб эшиқдан нари кетди, унинг қулоғига шошилинч қадам товушлари, ипак либосларнинг шилдираши чалинди. Сал ўтмай у ҳозиргина ёпиб қўйган эшик тақиллади. У эшикни очди ва хонага ҳарсиллаганча дарғазаб де Марель хоним отилиб кирди.

– Эшитдингми? – базўр тили калимага келиб сўради у.

У ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқ қилиб кўрсатди.

– Йўқ, нимайди?

– Куним сўкиш эшитишга қолдими-а?

– Ким сўкди?

– Бир қават пастда турадиган аблаҳлар.

– Йўғ-ей! Нима бўлди, айт?

Хоним жавоб бериш ўрнига йиғлаб юборди.

Дюруа унинг шляпасини олди, корсетини ечди, каравотга ётқизиб, нам сочиқ билан чаккаларини ишқалади. Хотин бўғилиб ҳансирарди. У салдан сўнг бир оз ўзига келгач, газаби қайнаб тоша бошлади.

Хоним унга ҳозирнинг ўзида пастга тушиб уларни дўппослаб чиқ, уриб ўлдир, деб қисталанг қила бошлади.

– Қўй-э, булар оддий ишчилар-ку, қўпол одамлар, – деб қайтарарди уни бу йўлдан Дюруа. – Ўйлаб кўргин, судга беришга тўғри келади. Сени билиб қолишлари, қамашлари мумкин ахир. Унда ишинг расво бўлади. Бунақа одамлардан яхшиси нарироқ юрган маъқул.

Хоним бошқа гапни ўртага солди:

– Қандай қилсак экан? Мен бошқа бу ерга келмайман.

– Бунинг йўли осон, – деб жавоб берди Дюруа. – Мен бошқа квартирага кўча қоламан.

– Ҳа... – шивирлади хоним. – Лекин бунга анча вақт кетади.

Бирдан унинг калласига бир фикр келиб қолди.

– Йўқ, йўқ, менга қара, – деди у бирдан тинчланиб, – йўлини топдим. Ҳаммасини ўзим қиламан, сен ташвиш чекиб ўтирма. Эртага эрталаб сенга кўк хат юбораман.

«Кўк хат» деб у шаҳар ичида юбориладиган телеграммаларни айттарди.

У ўзи ўйлаган нарсадан беҳад чеҳраси очилиб кетди, лекин бунинг нималигини Дюруага айтмади. Шу куни у қаттиқ ҳирс қўйиб ишқибозлик қилди.

Шундоқ бўлса ҳам, у зинадан тушиб кетаётганда, ҳаяжондан оёқлари чалишиб кетди ва бутун оғирлигини жазманининг қўлига ташлади.

Йўлларида ҳеч кимни учратмадилар.

Дюруа жуда кеч турарди, эртасига эрталаб у ҳали ўрнидан турмасидан соат ўн бирда чопар кеча ваъда қилинган «кўк хат»ни келтирди.

Дюруа уни очиб ўқиди:

«Учрашув бугун соат бешда. Константинополь кўчаси, 127. Дюруа хоним томонидан ижарага олинган квартирани очиб беришини айт. Сени ўпиб, Кло».

Роппа-роса соат бешда у мебелли хоналар ижарага бериладиган каттакон уйнинг қоровулхонасига кирди.

– Дюруа хоним шу ерда ижарага уй олдимиз? – сўради у.

– Ҳа, афандим.

– Марҳамат қилиб, менга кўрсатиб қўйсангиз.

Қалтис вазиятларни кўп кўрган қоровул жуда ҳам эҳтиёткор бўлиб қолган шекилли, унга диққат билан тикилди ва каттакон боғламдан калитни оларкан, сўради:

– Жаноб Дюруа сиз бўласизми?

– Худди ўзи-да!

Сал ўтмай Дюруа шундоқ қоровулхона қарши-сидаги икки хонали квартирага қадам ранжида қилди.

Квартиранинг катта хонасининг деворларига озодагина ранг-баранг қоғозлар ёпиштирилган, қизил оғочдан ишланган мебеллар қўйилган, мебелларга сариқ йўллари бор кўкимтир репс қопланган бўлиб, хона сатҳига юпқагина, нимдошгина гулдор гилам тўшалганди, гилам тагида полнинг тахталари билиниб турарди.

Мўъжазгина иккинчи хонанинг учдан икки қисмини ҳайҳотдай каравот эгаллаганди. Каравот устига қип-қизил юмшоқ адёл ташланган, адёлнинг ҳар жой ҳар жойларида ғалати доғ-дуғлар кўзга ташланарди. Каравот репсдан бўлган қалин ҳаво ранг дарпардалар билан тўсилган бўлиб, у бутун ичкари девор томонни эгаллаганди.

Дюруа норози бўлиб, ташвишланиб қолди. «Бу уйча менга жуда қимматга тушади, – деб ўйлади у. – Яна қарзга ботишга тўғри келади. Шунақа ҳам аҳмоқлик бўладими!»

Эшик очилиб, хонага ипак кийимларини шилдиратиб қучоқларини кенг очганча Клотильда елиб кириб келди. У ўзида йўқ хурсанд эди.

– Яхши, тўғрими, яхши-а? Кейин юқорига кўтарилишнинг кераги йўқ. Кўчадан тўғри кириб келаверасан. Деразадан ошиб тушсанг ҳам бўлади. Қоровул кўриб ўтирибдими? Икковимиз маза қиламиз бу хонада!

Дюруа тилининг учида турган саволни беришга журъат қилмай, уни совуққина қилиб ўпди.

Клотильда хонанинг ўртасида турган доира столга каттакон пакет қўйди. Уни очиб ичидан со-вун, атир суви, бадан суртмалар, сунгир, бир қути шпилка, туфлига илгак, пешанага тушиб кетаве-радиган соч толаларини қистириб қўядиган кич-кина тўғнағичлар олиб қўйди.

У ўзини янги кўчиб келган хотиндай тасаввур қилишни яхши кўрарди, ҳар бир нарсанинг ўз ўр-нини топишга ҳаракат қиларди.

Тортмаларни очиб ёпаркан, у тинмай сўйлагани сўйлаган эди:

– Ҳар эҳтимолга қарши бу ерга бир оз кийим-ке-чак ҳам келтириб қўйиш керак. Вақти-бевақт ки-йимни алмаштириш мумкин бўлади. Жуда қулай бу. Агар кўчада жала тагида қолсам, қочиб бу ерга киришим мумкин. Сенда ҳам, менда ҳам ўз ка-литимиз бўлади, учинчи калит қоровулда туради. Агар ўзимизникини эсдан чиқарсак, ундан ола-миз. Мен уч ойга ижарага олдим. Албатта, сенинг номингга. Ўзимникини айтолмайман-ку, ахир.

– Сен қачон пулини тўлаш кераклигини менга айтарсан? – чидолмай сўради у ниҳоят.

– Аллақачон тўлаб қўйилган, жоним, – деди сод-да хотин.

– Мени қарздор қилиб қўйибсан-да, а? – ижики-лаб сўради у.

– Қўйсанг-чи, қулоним, бунинг сенга алоқаси йўқ, қўнглим шундай қилишни тусаб қолди.

Дюруа ўзини жаҳли чиққандай қилиб кўрсатди.

– Кечир, бунақаси кетмайди! Мен бунга йўл қўй-майман.

Хоним илтижоли бир нигоҳ билан қулларини унинг елкаларига ташлади:

– Илтимос, жоним Жорж. Мен учун хўп де. Мен учун хўп де. Бизнинг шу уячамиз меники бўлишини жуда-жуда истайман. Бир ўзимизники бўлсин. Сен хафа бўлмайсан, а, тўғрими? Бу севгимиз ҳақи қилган ҳадям бўлсин. Ке, розиман, деб айта қол, жоним Жорж, розиман де!..

Хотиннинг бутун нигоҳида илтижо акс этар, дудоқларида шу илтижо, бутун жисмида шу илтижо ҳукмрон эди ҳозир.

Дюруа яна анчагача ялинтириб турди, юзларини бужмайтириб кўнмаган киши бўлди, бироқ ҳеч иложи қолмагандан сўнг алоҳа рози бўлди: юрагининг тубида шуниси тузук деб ўйлади у.

Жонон кетгач, қўлларини бир-бирига ишқаб, «Ҳар ҳолда, жуда ёқимтой хотин-да», деб қўйди. Нега у ҳақда бугун шундай фикрга келди, бунинг тагини чуқур ўйлаб ўтирмади.

Бир неча кундан сўнг у яна кўк хат олди:

«Бугун кечқурун бир ярим ойлик ревизиядан кейин эрим қайтиб келади. Бир ҳафта кўришолмаймиз. Шунини ўйлаб юрагим сиқилиб кетяпти, жоним.

Сеники бўлган Кло».

Дюруа ҳайратга тушди. Шу пайтгача унинг эри борлигини эсламаган ҳам экан. Унинг қандайлигини бир кўриб қўйилса, афтидан, ёмон бўлмасди.

Дюруа унинг эрининг яна қайтиб кетишини сабр-тоқат билан кута бошлади, шундай бўлса ҳам яна икки кечани Фоли-Бержерда ўтказди. Рашель яна уни ўзиникига олиб кетди.

Бир куни эрталаб яна телеграмма келди, унда тўрттагина сўз бор эди. «Бугун соат бешда. Кло».

Хотин учрашувга вақтидан олдин келди. У ўзини ҳирсининг шиддати билан йигитнинг қучоқла-

рига отди, Дюруанинг юзларидан қайноқ бўсалар олди, кейин деди:

– Бир-биримизга тўйганимиздан сўнг мени бирон ерга овқатлантиргани олиб борасан, хўпми? Энди эркин қушман.

Ҳали ойнинг боши эди. Дюруа эса моюнасини олдиндан олиб ишлатиб бўлган, ҳозир қарз-ҳавола қилиб тирикчилигини ўтказиб турган пайти эди, лекин буни қарангки, тасодифан бугун чўнтагида пули бор эди. Шунинг учун ҳам унга андек пул сарф қилиш имконияти туғилганидан хурсанд бўлди.

– Албатта, азизам. Қаерни истасанг шу ерга олиб бораман, – деди у.

Соат еттига яқин улар ташқи хиёбонларга чиқишди. Клотильда Дюруанинг қўлига осилиб олганча унинг қулоғига шивирлади:

– Сен билан қўлтиқлашиб юришни қанчалар яхши кўришимни билсайдинг, ёнимда юрганингда қанчалар бахтиёрлигимни англасайдинг!

– Хоҳдайсанми, Латюилга борамиз? – сўради ундан Дюруа.

– Йўқ, у ер жуда ҳашамдор, – эътироз билдирди жонон. – Мен оддийроқ, қувноқроқ жой бўлса девдим, ишчи-хизматчилар борадиган бирон одмироқ ресторан бўлсайди. Мен қовоқхоналарни яхши кўраман! Қанийди энди шаҳардан ташқарига чиқиб кетганимизда!

Бу атрофда Дюруа унинг дидига мос бирон ерни айтолмади. Улар йўлларида овқатланиш учун алоҳида зали бор бир майхонага дуч келгунларича хиёбонларда анча кезиб юришди. Клотильда деразадан икки ҳарбий билан ўтирган бошлари очиқ қизларни кўриб қолди.

Энсиз, узунчоқ хонанинг ичкарасида уч извошчи ўтириб овқатланишарди. Яна бир башараси

шубҳали одам стулга ястаниб олиб, қўлларини камарининг орасига қистирганча, трубка тутатарди. Унинг курткасида доғ тегмаган соғ ер қолмаганди. Шалвираб турган чўнтакларидан эса шишанинг оғзи, нон бўлаги, газетага ўралган алланарса ва чизимчанинг учиб чиқиб турарди. Унинг сочлари қуюқ, жингала, ҳурпайган, кир эди. Полда, столнинг тагида унинг фуражкеси ётарди.

Келишган, чиройли кийинган хонимнинг кириб келиши бу ерда бутунлай кутилмаган таассурот қолдирди. Бояги жуфт-жуфт бўлиб ўтирганлар шивир-шивирни тўхтатишди, извошчилар жанжалларини бас қилишди, шубҳали нусха эса оғзидан трубкасини олиб, полга тупурди ва бошини сал буриб қўйди.

– Бу ер жуда соз экан! – шивирлади Клотильда.
– Маза қилишимиз турган гап. Келаси сафар мен хизматчилардай кийиниб оламан.

У ёғ тўкилавериб йилтиллаб кетган, пиво тўкилган, гарсон чопиб келиб, наридан-бери артиб олган ёғоч столга сира тортинмай, ирганмай бемалол ўтириб олди. Дюруа ғалати бир алфозда қолиб, бир оз қисиниб цилиндрини қаерга илишни билмай турди. Осгани қозик тополмай, охири уни шундоқ стул устига ташлаб қўя қолди.

Қўзи гўштидан рагу, жиго ва салат келтиришди.

– Мен шунақа овқатларни ёқтираман, – деди Клотильда. — Дидим қурсин, шунақароқ. Инглиз кафе-сидан кўра бу ер менга кўпроқ маъқул тушади.

Кейин қўшиб қўйди:

– Агар мени жуда ҳам хурсанд қиламан десанг, танца зали бўлган қовоқхонага олиб бор. Шу яқин ўртада битта шунақаси «Оқ малика» деб аталади.

– Сени у ерга ким олиб борган? – ҳайрон қолиб сўради Дюруа.

Унга қараб жувоннинг қизариб кетганлигини пайқади, кутилмаган бу савол, афтидан, унинг ёдига қачонлардир бўлиб ўтган хуфиёна бир суҳбатни туширди шекилли, Клотильда ҳамма аёллар каби жиндак иккиланиб тургандан кейин шундай деб жавоб берди:

– Дўстларимдан бири...

У бирпас индамай турди-да, шуни яна қўшиб қўйди:

– У ўлган.

Унинг чеҳрасига қайгу қўлка солиб ўтди, кўзларини ерга қадади. Ана шундагина Дюруа биринчи марта унинг ўтмиши ҳақида ҳеч нарса билмаслигини ўйлади. Албатта унинг ўз ошиқлари бўлган, лекин кимлар, қайси доирадан? Дюруанинг юрагида ўзи англаб етмаган алақандай рашк ҳисси бош кўтарди, нимадандир ғижинди, бу – жувон ҳақида билмаган нарсаларидан туғилган ғашлик эди, бу – жувоннинг ҳаётида Дюруага тегишли бўлмаган, унинг қалбида Дюруага бегона бўлган нарсалар борлигидан туғилган ғижиниш эди. У жувонга аччиғи келиб қараб ўтирар, чеҳрасига тикилиб, унинг ҳамма сирларини билиб олмоқчи бўларди. Эҳтимол, худди мана шу тобда бу кўҳликкина каллада бошқаларни эслайдиган, бошқа нарсаларни эсга соладиган маҳзун хаёллар кезаётгандир. Дюруа унинг хотиралари ичига киришни нақадар истарди, уларни ковлаштирган, ҳаммасини билиб олган, ҳаммасини ўрганган бўларди!..

– Хўш, «Оқ малика»га борамизми? – яна қайталаб сўради у. – Мен учун бу чинакам байрам бўларди.

«Э, нима, унинг ўтмишини бошимга урамани! Бўлмаган гап деб кайфиятни бузиб нима қилдим!» ўйлади у ва табассум билан жавоб берди:

– Албатта борамиз, жоним.

Кўчага чиққач, хоним бекитиқча бир нарсани айтаётгандай унга сирли қилиб шивирлади:

– Мен шу пайтгача бир нарсани сендан сўрашга ботинмаган эдим. Лекин мен фақат бўйдоқлар бо-
радиган ва аёл кишилар боришдан тортинадиган
ерларга бош тиқиб кўришни жуда ҳам севаман.
Карнавал кунлари мен мактаб бола кийимини
кийиб оламан. Мактаб кийимида мен жуда антиқа
кўринаман.

Улар танца залига кирганларида, у қўрқибгина,
лекин мамнун бир қиёфада унга суйқанди, у ўйин-
боз кишилар ва енгил хотинларга ҳайратланиб ти-
киларди. Гоҳо-гоҳо хавф туғилиб қолган тақдирда
ҳимоя қиладиган одамни қидиргандай Дюруага
қимир этмай турган дев қоматли полициячини
кўрсатиб: «Савлатини қара. От ҳуркади-я!» – деб
қўярди. Чорак соатлардан сўнг буларнинг бари
унинг жонига тегди. Кейин Дюруа уни уйига ку-
затиб қўйди.

Шундан сўнг улар яна бир неча марта авом халқ
йиғиладиган жойларга боришди. Шунда Дюруа
дайди, эркин, тартибсиз ҳаёт кечирадиган одам-
ларнинг ҳаёти ўзининг маъшуқаси учун антиқа
бир ҳаёт бўлиб кўринишини билди. Клотильда уч-
рашувга полотно кўйлак кийиб, бошига водевида
ўйнайдиган артисткалар иладиган рўмол ураб ке-
ларди. Унинг кийимлари нафис, ноёб, айна чокда
одми бўларди. Бунинг устига у билагузуклар, узук-
лар, сирғалар ҳам тақар, Дюруа ундан буларни
тақма деб қанчалар сўрашига қарамасдан, доимо
бир гапни айтарди:

– Бўлмаган гап! Ҳамма буларни оддий тош деб
ўйлайди.

Шу маскарад кийим-кечак унинг дидига ғоятда
ўтиришган эди, аслини олиб қараганда эса, унинг

ниқобланиши товусникидан фарқ қилмасди. Клотильда ушбу либосга чирманиб, ёмон донғи кетган бузуқхоналарга борар экан, у Дюруадан ишчи кийимини кийиб олишни сўради, бироқ Дюруа ўз эгни-бошини тарк этишни истамади, бундай уст-бошни ҳашаматли ресторанларга канда қилмай қатнаб турадиган одамлар кияр, шунинг учун у ҳатто цилиндрини юмшоқ тўр шляпага алмаштиришни ҳам хоҳламади.

– Майли, одамлар мени бадавлат хонадоннинг ходимаси экан, асилзода йигит унинг бошини айлантириб юрган экан, деб ўйлаша қолсинлар, – ўзини овунтирди Клотильда Дюруани ҳеч кўндиролмагач.

Бу масхарабозлик унга чинакам ҳузур бағишлар эди.

Улар арзонгина қовоқхоналарга кириб, ним қоронғи, тамаки тутунларига тўлган хонанинг охирига бориб, лиқиллаб турган стол-стулларга ўтиришарди. Хона аччиқ дим тутунга тўлган, тутунга қовурилган балиқнинг дуди аралашган бўларди. Кенг калта кўйлак кийиб олган эркак кишилар стаканларда май тортиб, ғовур-ғувур қилиб ўтиришарди. Гарсон кириб келган ушбу антиқа жуфтга ҳайрон бўлиб қараб, уларнинг олдига ичига олча солинган икки қадаҳда арақ қўйиб кетарди.

Ҳурккан, қилпиллаган, лекин бахтиёр бўлган жувон атрофга чўғдай кўзларини югуртириб, олазарак нигоҳ ташлаганча қизил ичимликдан оз-оздан тотиниб ўтирарди. Ютган ҳар бир олчаси унга назарида бир жиноят бўлиб кўринар, алангали ва хуш исли ичимликнинг ҳар қултуми ичига тушганда, у ўзини аллақандай уят, ман этилган иш қилгандай сезиб шу сезгидан жони беқиёс бир ўткир ҳузур ичра чўмарди.

Кейин у овозини пасайтириб дерди:

– Юр энди, кетамиз.

Шундан сўнг улар бу ердан чиқиб кетишарди. У кўзларини ерга қадаганча, худди саҳнадан чиқиб кетаётган актрисаларга ўхшаб майда қадамлар билан тез-тез юриб столларга таяниб қолган маст-аластлар орасидан ўтиб борар, улар жувонни сергак тортиб, ёв қараш қилиб кузатиб қолар эдилар. Остонадан ўтган ҳамоно у худди оғир хатардан қутулган одамдай эркин нафас оларди.

Баъзи кезлар у дағ-дағ титраган бир алфозда йўлдошига қарата дерди:

– Мана шу ерга ўхшаган жойларда мени ҳақорат қилиб қўйсалар нима қилган бўлардинг?

Дюруа чираниб, кўкракларига уриб деди:

– Эҳ-ҳе, сени қандай ҳимоя қилишни ўзим биламан!

Унинг гапларидан дили чарақлаб очилган жувон Дюруанинг кўлларини сиқар, эҳтимолки, кўнглининг тубида ўзини ҳақорат қилишлари ва шундан сўнг ҳимоя этишларини истар, унинг ошиғи қандай бўлмасин, эркаклар билан у туфайли жанг қилишини хоҳларди.

Бироқ ҳафтасига икки-уч бор такрорланадиган бу сайиллар Дюруанинг жонига тегиб кетди. Бунинг устига ҳар сафар ичимлик ва извош учун пул топиш борган сари оғирлашиб кетмоқдайди.

Шу кезлар у қаттиқ муҳтожликда яшар, муҳтожлик темир йўл бошқармасида ишлаган пайтларидагидан ҳам баттарроқ эди, зотан, журналистлик қила бошлагандан бери биринчи ойларда у кейин катта-катта топаман деган умид билан пулини режасиз, ҳисобсиз сарфлаб қўйди ва ахийри барча маблағларини еб битириб, ўзига пул топиш йўллари бекитиб ташлади.

Кассадан олиб турай деса, йўл йўқ, тўрт ойлик мойнани олдиндан олиб қўйган. Бунинг устига бўлажак қалам ҳақи ҳисобидан яна олти юз франк қарз ҳам кўтарганди. Форестъедан юз, ҳамёни ҳамма учун очик Жак Ривалдан уч юз, булардан ташқари ундан-мундан беш-ўн франкдан олавериб, бошдан-оёқ қарзга ботганди.

У маслаҳат сўраб Сен-Потенга мурожаат қилган эди, бунақа ишларни дўндириб ташлайдиган дўсти ҳам қаердан юз франк олиб турсам экан, деб анча бош қотирди-ю, барибир чора тополмади. Шунда бундай муҳтожликка қарши Дюруа қалбидан ғалаён бошланди, чунки чорасиз бўлиб қолган, эҳтиёжлари аввалгиларга қараганда анча зўрайиб кетган, бироқ унумнинг тайини йўқ эди. Унинг юрагида яширин қаҳр-ғазаб орта борди. Олам кўзларига хунук ва қоронғи кўринди. Арзимаган нарсалардан тез жаҳли чиқадиган, тажанг бўладиган бўлиб қолди.

Кўп маҳаллар у ўзига-ўзи савол бериб кўрарди: ортиқча катта еб, катта ичаётгани, кўнглига нима келса, шуни қилаётгани йўғу, нега энди ойига ўртача минг франкка яқин сарф бўлиб кетмоқда? Бироқ бундоқ ўтириб ҳисоблаб кўрса, шуларни аниқлади: зўр бир ресторанда қилинадиган нонушта саккиз франк туради. Тушлик – ўн икки франк, демак, бир луидор бўлдими, энди кунига майда-чуйдага беҳисоб сувдек оқиб кетадиган харажатларга ўн франк ажратсак, ҳаммаси бўлиб ўттиз франк бўлади. Кунига ўттиз франкдан кетганда, ойига тўққиз юз франк бўлади. Бунга ҳали кийим-кечак, уларни ювдириш ва ҳоказолар кирмайди.

Шундай қилиб, ўн тўртинчи декабрга келиб унинг чўнтагида бир пул ҳам қолмади. Кимдан қарз олсамикин, деб қанча бош қотирмасин, барибир қарз олиб бўладиган одам тополмади.

Худди илгариги пайтларидагидек, у нонушта қилолмай қолди ва кун бўйи ташвишга тушган, дарғазаб бўлган ҳолда редакцияда ўтирди.

Соат тўртларда у маъшуқасидан кўк хат олди: «Бирга тушлик қиламиз, истайсанми? Кейин бирон ерга ўйнагани борамиз».

Дюруа шу заҳоти: «Ҳеч иложи йўқ», деб ёзиб жўнатди. Кейин у билан ўтказиладиган ажойиб дамлардан қочиб ўтириш бемаънилик-ку, деб ўйлади-да, яна қўшимча қилиб қўйди: «Соат тўққизда сени ўзимизнинг уйимизда кутаман».

Телеграммага танга сарфлаб ўтирмаслик учун хатни редакциянинг югурдақларидан бирига бериб жўнатди. Кейин қаердан пул топсам экан деб, яна хаёлга толди.

Соат етти ҳам бўлдики у ҳамон бир фикрга келмаганди. Камоли очқаганидан қорни пастга олиб кетаётгандай. Шунда у нима бўлса бўлди, деб сўнгги қарорга келди: ҳамма редакция ходимлари чиқиб кетишини кутиб ўтирди-да, кейин қўнғироқ чалди. Бинони қўриқлаш учун қолган бошлиқнинг қоровули келди.

Уни кўриб Дюруа асабий суратда чўнтақларини ковлаштира бошлади.

– Менга қаранг, Фукар, – деди у парвосизлик билан, – мен ҳамёнимни уйда қолдириб келаверибман. Ҳозир Люксембург боғига шошинч зиёфатга боришим керак. Менга извошга элик су бериб туринг.

Қоровул нимчасининг чўнтагидан уч франк чиқарди-да, сўради:

– Бошқа керакмасми, жаноб Дюруа?

– Йўқ, йўқ, етади. Катта раҳмат.

Дюруа кумуш тангаларни ола солиб зиналардан пастга югуриб тушиб кетди. Қора кунларида ўзи

доим овқатланиб юрадиган ошхонага бориб тамадди қилди.

Соат тўққизда у ўзларининг мўъжазгина меҳмонхоналарида оёқларини каминда иситиб, маъшуқасини кутиб ўтирарди.

У хандон-хушон, қувноқ, совуқдан қизариб кетган ҳолда кириб келди.

– Олдин бир айланиб келмаймизми? – деб таклиф қилди Клотильда. – Соат ўн бирлардан кейин уйга қайтардик? Ҳаво бирам ажойиб.

– Қўйсанг-чи. Шу ернинг ўзи ҳам яхши-ку, – деди Дюруа пўнғиллаб.

– Ойнинг қанақалигини айтмайсанми, бир кўрсайдинг! – шляпасини ечмаган кўйи давом этди Клотильда. – Бундай кечада сайр қилишнинг ўзгача гашти бор.

– Бўлса бордир, лекин менинг сайилга тобим келмай турибди.

Унинг кўзлари қаҳрли йилтираб кетди. Клотильда ажабланиб қолди. Хафа бўлди.

– Сенга нима бўлди? – сўради у. – Шу ҳам муомала бўлдимми? Менинг бир айланиб келгим келди, холос, намунча шунга зарда қиласан?

Дюруа сакраб туриб кетди.

– Зарда қилаётганим йўқ! – тажанг бўлиб деди у. – Жонимга тегиб кетди ҳаммаси. Гап шу!

Де Марель хоним бировнинг қайсарлигини ёқтирмайдиган, қўполлигини кўтаролмайдиган аёллар тоифасидан эди.

– Мен билан бундай гаплашишга йўл қўймайман, – деди у Дюруага нафратомуз назар ташлаб қаҳр билан. – Мен бир ўзим бораман. Хайр!

Иш чатоқлашиб бораётганлигини кўрган Дюруа ўзини унга отди ва қўлларини ўпа бошлади.

– Кечир, жоним, кечир, – деб ғўлдиради у, – бугун негадир жуда кайфиятим бузуқ, сал нарсага

жаҳдим чиқиб кетяпти. Ишим қанчалар оғирлигини ўзинг биласан...

– Бунинг менга сира дахли йўқ, – ҳали ҳам жаҳдан тушмаган, лекин бирмунча юмшаган ҳолда деди жувон. – Аламингни мендан олишингни сира ҳам истамайман.

Дюруа уни қучоқлаб, диванга олиб келди.

– Менга қара, шакарим, сени сира ҳам хафа қилмоқчи эмасдим. Мен ўйламай гапириб юборибман.

Уни зўрлаб бўлса ҳам ўтқазиб, ўзи унинг олдида тиз чўкди.

– Сен мени кечирдинг, а? Кечирдим, де.

– Яхши, лекин иккинчи бу қайтарилмасин, – совуққина қилиб деди Клотильда ва ўрнидан турди. – Энди юр, ўйнаб келамиз.

Дюруа ҳамон тиз чўкиб ўтирганча, унинг оёқларини қучоқлаб турар ва гўлдираб дерди:

– Илтимос. Шу ерда қолайлик. Ялинаман. Бир марта айтганимга кир. Бу оқшомни сен билан шу ерда, камин олдида ўтириб қарши олайлик дедим. Хўп де, илтимос. Хўп де.

– Йўқ, – аниқ ва қатъий қилиб деди жувон. – Мен сайр қилмоқчиман, мен сенинг инжиқликларингни эшитиб ўтирмоқчи эмасман.

– Ялиниб сўрайман сендан, – қўймасди Дюруа ҳам. – Сабаби бор, жуда жиддий сабаби бор...

– Йўқ, – чўрт кесди жувон. – Истамасанг, сенинг ишинг. Мен бир ўзим бораман. Хайр.

У Дюруанинг қўлидан юлқиниб чиқди-да, эшикка қараб юрди. Дюруа ўрнидан туриб уни маҳкам қучоқлаб олди.

– Қулоқ сол, Кло, жонажоним Кло, қулоқ сол, бир гал майли де...

Жувон бошини йўқ деб сарак-сарак қилар, унинг ўпичларидан ўзини олиб қочар, қучоқларидан бўшаниб чиқишга интиларди.

– Кло, азизим, меҳрибоним Кло, тушунсанг-чи ахир, сабаби бор...

Жувон тўхтаб унинг юзига қаради.

– Алдаяпсан... Қандай сабаб?

Дюруа қизариб кетди, у нима дейишини билмасди.

– Кўриб турибман, алдаётганингни... Ярамас! – қаттиқ норози бўлиб деди Клотильда.

У юлқиниб унинг қўлларидан чиқди, кўзларида ёш филтилларди.

Қийналиб кетган, бор гапни айтиб беришга қарор қилган Дюруа, ишқилиб Клотильда кетиб қолмасин деб, яна унинг елкаларидан тутиб изтироб ичида деди:

– Ахир, менинг бир тийиним ҳам йўқ... Ана!

Жувон ўгирилиб қаради ва тўғри сўзлаяптими, йўқми, дегандай, кўзларига тикилди.

– Нима дединг?

Дюруанинг лавлагиси чиқиб кетди.

– Бир тийин ҳам пулим йўқ. Тушундингми? Бир тийин, агарда кафега кирадиган бўлсак, бир рюмка ликерга ҳам тўлайдиган пулим йўқ. Мени уялтириб, шуни айтишга мажбур қилдинг. Сен билан кўчага чиқиб столга ўтиргандан кейин нарса чақиртириб, кейин худди ҳеч нарса бўлмагандай кўзимни лўқ қилиб сенга, пулим йўқ, деёлмасдим-ку, ахир.

Жувон ҳамон унга тикилиб турарди:

– Шундай дегин... Ростданми?

Дюруа кўз очиб-юмгунча шими, нимчаси, пиджагининг чўнтақларини ағдариб ташлади.

– Бўлдими... хурсандмисан энди? – тишларини гижирлатиб сўради у.

Жувон қучоқларини очиб, меҳри жўш уриб ўзини унинг бағрига отди, бўйинларидан қучоқлаб олди.

– О, шўрликкинам, шўрлик болажон! Шўрликкинам!.. Мен билсайдим! Нега бундай бўлиб қолди?

Клотильда уни ўтқизди, ўзи унинг тиззасига ўтирди ва бўйнидан маҳкам қучоқлаб, тинимсиз мурти, лаблари, кўзларидан ўпа бошлади, қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолганлигини айтиб беришни сўради.

Дюруа бирпасда одамнинг хўрлигини келтирадиган бир гап тўқиди: отамга ёрдам беришим керак бўлиб қолди, унга ҳамма пулларимни бердим, қарзга ботдим, деб айтди.

– Камида ярим йил оч юришимга тўғри келади, барча маблағларим тугади, – деди у. – Майли, зарари йўқ, ҳаётда бундай воқеалар бўлиб туради. Бир камим пул деб хафа бўлиб ўтиришим керакми?

– Сенга пул қарз бериб турсам майлими? – унинг қулоғига шивирлади Клотильда.

– Сен жуда ҳам оққўнгилсан, жоним, – гурур билан жавоб берди Дюруа, – бас, бу ҳақда бошқа гап-лашмаймиз, илтимос. Хафа бўламан.

Клотильда жим бўлиб қолди.

– Сени қанчалар севишимни билсайдинг! – деди сал ўтмай жувон уни қучоқларига босиб эркаларкан.

Шу кеча уларнинг бир меҳрларига ўн меҳр қўшилган кеча бўлди.

Кетишга отланаркан, Клотильда жилмайиб туриб деди:

– Сенинг аҳволингга тушиб қолган одам тўсиндан чўнтакларининг бир бурчига тушиб кетган пулни топиб олса қанчалар қувониб кетаркин. Тўғрими?

– Тўғри бўлганда қандоқ! – ростданам шунга ишониб деди Дюруа.

Клотильда эшикда ҳаво жуда ҳам ажойиб бўлаётир деган баҳона билан уйгача яёв кетадиган бўлди. Йўл бўйи осмондаги ойни мақтаб борди.

Кеча тиниқ ва совуқ эди – бундай кечалар қиш бошланишида бўлади. Отлар ва одамлар енгилгина совуқдан қадамларини тезлатардилар. Йўлкалардан пошналарнинг дўқирлагани аниқ жаранглаб эшитиларди.

– Индинга учрашамиз, майлими? – сўради Клотильда хайрлашаркан.

– Ҳа, албатта.

– Ўша соатдами?

– Ўша соатда.

– Хайр энди, жоним.

Улар юраклари севги билан тўлиб, ўпишиб хайрлашдилар.

Дюруа рўй берган аҳволдан қандай қутулиш, эртага нималар қилиш мумкинлигини ўйлаб, уйга катта-катта қадамлар билан юриб кетди. Лекин ўз хонасининг эшигини очиб, нимчасининг чўнтагидан гугурт изларкан, бармоқларига танга илиниб, хайрон бўлди.

У чироқни ёқди, тангани қўлига олиб қаради. Бу йигирма франкли тилла танга эди!

Назарида, эсдан оғиб қолаётгандай бўлди.

У тангани у ёқдан-бу ёққа айлантириб кўрар, унинг қаердан келиб қолганлигини билмоқчи бўларди. Осмондан тушмагандир-ку, ахир!

Ниҳоят, фаҳмлаб қолди ва жон-пони чиқиб кетди. Ҳалигина маъшуқаси айтувди-я, баъзан танга чўнтакнинг бир бурчига тушиб кетиб, кейин одам топиб олса суюниб кетади деб. Демак, унга садақа ташлаб кетибди-да. Шармандалик!

У сўкинди:

– Яхши! Шошмай тур, индинга кунингни кўрса-таман! Бирпас жонингни олмасамми сенинг!

У дарғазаб бўлган, ҳақоратланган ҳолда ухлагани ётди.

Эргалаб кеч уйгонди. Очликдан ичи таталаниб кетмоқдайди. У соат иккидан бурун турмаслик ниятида яна ётиб ухламоқчи бўлди. Кейин ўзига деди:

– Шу ҳам гап бўлди-ю, нима бўлганда ҳам пул топишим керак.

Кўчага чиқсам, бошимга бир фикр келиб қолар, деган умидда отланиб уйдан чиқди.

Барибир калласига тузук-қуруқ бир фикр келмади, ресторанлар ёнидан ўтганда эса азбаройи очикқанидан оғзининг суви келарди. Кун пешинга бориб, бошқа чораси қолмади: «Майли, йигирма франкдан озроқ ишлатиб тураман. Эртага ўрнини тўлдириб қайтариб бераман».

Дюруа пивохолага кириб икки ярим франк сарфлаб чиқди. Редакцияга келгач, қоровулга қарзини қайтарди.

– Олинг, Фукар, кеча сиздан извошга деб олувдим.

Соат еттигача ишлади. Кейин овқатлангани борди ва яна уч франк ишлатди. Кечки икки кружка пиво билан ҳаммаси бўлиб бир кунлик сарф-харажат тўққиз франку ўттиз сантимга етди.

Бир куннинг ўзида бунча пулнинг ўрнини тўлдириб қўйишлик ёки тирикчилик учун янги бир манба топишнинг иложи йўқ эди, шунинг учун эртасига у яна йигирма франкнинг олти ярим франкини ишлатишга мажбур бўлди. У йигирма франкни кечқурун қайтариб беришга жазм қилганди, бироқ кечқурун учрашувга келганида чўнтагида бор-йўғи тўрт франку йигирма сантим пул қолганди, холос.

У чаён чақиб олгандай гезариб, жаҳд отига миниб турди, маъшуқаси билан орани очди қилиб олмоқчи бўлди. У тахминан шундай демоқчи эди: «Сен чўнтагимга солиб кетган йигирма франкни

топиб олдим. Мен уни сенга бугун қайтаролмайман, чунки аҳволим ўша-ўша, ўзгаргани йўқ, негаки, пул масаласи билан шуғулланишга сира вақтим йўқ. Лекин келаси сафар сенга албатта қарзимни қайтараман».

Клотильда эшикдан кириши билан унга майин, хуркак, шу билан бирга ялинчоқ назар ташлади. Уни қандай қабул қиларкин? Гапни нарироққа суриш учун уни узоқ ўпди.

Дюруа эса бу пайт шундай деб ўйларди: «У билан ҳали бу ҳақда гаплашиб улгураман. Баҳона топилса бўлгани».

Лекин қанча уринмасин, баҳона топилавермади ва унга ҳеч нарса демади: афтидан, пулдан гап очишга журъат қилолмас эди.

Клотильда бўлса энди сайр қиламиз, деб хархаша қилмас, қайтага кўб дилбарликлар кўргазмоқдайди.

Улар келаси ҳафтанинг чоршанба кунига учрашув тайин қилиб, ярим кечага яқин хайрлашдилар. Келаси ҳафта у кетма-кет бир қанча зиёфатларга таклиф қилинган экан.

Дюруа эртасига ресторанда овқат қилди, у лакей билан ҳисоб-китоб қилиш учун чўнтагига қўл суққан эди, кечаги қолган тўрт танга ўрнига қўлига бешта танга чиқди. Тагин тангаларнинг бири тилла эди.

Биринчи калласига келган гап, кеча қайтим билан бирга янглишиб тилла танга бериб юборибдилар, деб ўйлади, бироқ сал ўтмай гап нимадалигини тушунди ва юраги ўйнаб кетди – тиланмаган бу садақа нақадар одамни ерга урар эди.

Нега кеча уни бопламади! Сал аччиқроқ гапирганидами, бундай қилиқни иккинчи марта такрорламаган бўларди.

У тўрт кун уриниб беш луидор топишга ҳаракат қилиб кўрди, бироқ удда қилолмади, алоҳа Клотильданинг иккинчи луидорини ҳам ишлатишга мажбур бўлди.

Улар учрашганларидан сўнг Дюруа дарҳол унга пўписа қилиб қўйди: «Менга қара, бу қилиқларингни бас қил. Бўлмаса каттиқ хафалашиб қоламиз». Бироқ у кетаётганда шимининг чўнтагига яна йигирма франк солиб кетибди.

Бу пулни кўриб, Дюруа: «Шайтон!» – деб ғудранди, бироқ унинг кармонида бир сантим ҳам бўлмаганидан, у пулларни шимидан олиб нимчасининг киссасига солиб қўйди: қўл остида бўлгани яхши-да, ҳар қалай.

«Унга ҳаммасини бир қилиб қайтараман, – деб юпатарди ўз виждонини у. – Қарз олаётгандайман ҳисоби».

Кассир ниҳоят унинг ялиниб-ёлворишларига чидолмай, ҳар куни беш франкдан бериб турадиган бўлди. Бу еб-ичишга етиб турар, лекин олтмиш франкка чиқиб кетган қарзни тўлашга сира ҳам имкон бермасди.

Бу орада Клотильда яна Парижнинг барча пастқам қовоқхоналарини тунда кезиш иштиёқига тушиб қолди, ушбу хавфли саргузаштлардан сўнг чўнтагидан тилла танга топиб олса, Дюруа энди хафа бўлмас, тангалар гоҳ чўнтагидан, гоҳ ботинкасининг ичидан, гоҳ соатининг филофидан чиқиб қоларди.

Ҳамонки, у хонимнинг кўнглини ололмаётган экан, бу нағмалардан воз кечиш ўрнига харажатни хонимнинг ўзи кўтараётган бўлса, бунинг нимаси ёмон?

Шундай бўлса ҳам, Дюруа Клотильда бераётган пулларни ҳисоблаб юрар, вақти келиб бир кун қайтараман деб ўйларди.

Бир куни кечқурун Клотильда унга деди:

– Биласанми, мен бирон марта ҳам Фоли-Бержерга борганим йўқ. Борамизми?

Дюруа нима дейишини билмай қолди: У Рашель билан дуч келиб қолишдан қўрқиб турарди. Лекин шу заҳоти: «Майли! Нима, менинг хотиниммиди? Мени кўрса, ўзи тушунар, гап қўзғаб юрмас. Бунинг устига биз ложада ўтирамиз-ку, ахир», деб ўйлаб қўйди.

Унинг рози бўлишига яна бир сабаб бор эди: у шунинг билан де Марель хонимни театр ложасига таклиф қилиш шарафига муяссар бўлган ва бунинг учун ҳеч нарса тўламас ҳам эди. Ундан ташқари Клотильда қилаётган яхшиликларга андак бўлса ҳам яхшилик билан жавоб қайтаргандай бўларди бир ҳисобда.

Дюруа Клотильдани каретада қолдириб, ўзи контрамарка олгани кетди.

Клотильда ичкарига кириш учун пул тўланмаганлигини билишини истамасди. У қайтиб келгандан кейин иккаласи таъзим қилиб қолган назоратчилар олдидан ичкарига кириб кетишди.

Ичкари тўла одам эди. Улар эркаклар ва шавақи хотинлар издиҳоми орасидан базўр ўтиб олишди. Ниҳоят, ғувиллаб ётган галерка билан жимжит партер орасида сиқилиб қолишди.

Де Марель хоним саҳнага қарамас, у ложа ортларида кезиб юрган сатанглардан кўзларини узмас эди. Уларга ҳа деса ўгирилиб қарар, бошдан-оёқ разм солиб чиқар, уларни ушлаб кўргиси, корсажлари, юзлари, сочларини пайпаслагиси келаетгандай, шу билан бу ғалати мавжудотлар нималардан қуроқ қилиб ясалганини билиб олмоқчидай бўларди.

Кутилмаганда у Дюруага қараб деди:

– Анови семиз қорача хотин нуқул бизга қарагани қараган. У худди биз билан гаплашгиси келаётганга ўхшайди. Кўзинг тушдими?

– Йўқ, сенга шундай туюлаётгандир,– эътироз билдирди Дюруа.

Лекин у аллақачон Рашелни кўрганди. Рашель уларнинг ложаси атрофидан кетмас, кўзлари ёвуз йилтираб кетар, тилидан аламли қарғишлар мана-мана отилай деб турганга ўхшарди.

Дюруа ҳозиргина у билан рўпара келиб қолган, Рашель унга секингина «Салом» деган, муғамбирона қисилган кўзлари эса, «тушуниб турибман», деган маънони англатгандай эди. Бироқ маъшуқасидан қўрқиб, у бунга жавоб бермаган, бошини баланд кўтариб, лабларини такаббуруна қисганча совуққина ўтиб кетганди. Англашилмас бир рашкнинг сўзига кирган Рашель унинг орқасидан бориб, елкасига туртган ва овозини энди баландроқ кўтариб:

– Салом, Жорж, – деган эди.

Дюруа яна жавоб бермаганди. Шунда Рашель нима бўлмасин ўзини танитиш мақсадида саломлашиш учун қулай фурсат кутиб уларнинг атрофида айлана бошлаганди.

Де Марель хоним унга қараётганлигини сезгандан кейин у Дюруанинг олдига келиб, унинг елкасига қўлини теккизди.

– Салом. Аҳволларинг яхшими?

Дюруа ҳатто ўгирилиб ҳам қарамади.

– Нима, дарров кар бўлиб қолдингми?

Дюруа унга жавоб бериб ўтирмади, ўзининг шу нафратомуз боқишида бу пастарин махлуқ билан муомала қилиб ўтиришни лозим кўрмаганлигини билдириб турарди.

Рашель заҳарханда ташлаб қақолади:

– Ие, сен ҳали соқов ҳам бўлиб қолибсан-ку? – тилини тиймасди у. – Наҳотки манови хонимча тилингни тишлаб олган бўлса?

Дюруа пашшани ҳайдаган каби ҳаракат қилди.

– Мен билан бундай гаплашгани нима ҳақингиз бор? – дарғазаб булиб бақирди у. – Жўнанг бу ердан, бўлмаса, айтаман, ушлаб олиб кетишади.

– Ҳали шунақамисан? – кўзларини ялтилатиб қичқирди Рашель қутурганча. – Вой, аблаҳ! Мен билан ётишни биласану саломлашишни билмай қолдингми? Бугун бошқасини етаклаган бўлсанг, мени танимай қоларкансан-да, а? Олдингдан ўта-ётганимда бошингни шундоқ силкиб қўя қолсанг, нима, асаканг кетармиди? Мен ҳам индамас эдим. Бурнингни кўтарганингни қара-чи! Қилиғинг курсин! Сенга кўрсатиб қўяман! Ҳали шундайми! Сен саломлашмай ҳам ўтдинг-а мен билан...

У ҳали анча надомат қилмоқчи эди, лекин де Марель хоним ложадан чиқиб қоча бошлади, эшикни ахтариб, ўзини у ёқдан-бу ёққа урди.

Дюруа унинг орқасидан чопди.

Рашель улар қочиб қутулмоқчи бўлганларини кўриб, масхара қилиб қичқирди:

– Ушланглар уни! Ушланглар! У менинг ўйнашимни ўғирлаб кетди!

Одамлар ичида кулги кўтарилди. Иккита эркак Клотильдани ушлаб четга судрамоқчи, ўпмоқчи бўлди. Бироқ Дюруа унга етиб олиб Клотильдани уларнинг қўлидан тортиб олди ва кўчага олиб чиқди.

Клотильда ён кўчада турган бўш экипажга ўзини урди. Дюруа ҳам унинг кетидан сакраб чиқди. Извошчининг: «Қаерга юрайин, жаноб?» – деган саволига: «Истаган ерингизга!» – деб жавоб берди.

Карета оҳиста жойидан жилди, филдираклар кўча тошларига тегиб сакрай бошлади. Клотильда

юзларини қўллари билан тўсиб олди, у худди ҳушсиз бўлиб қолганга ўхшарди. Унга ҳаво етишмас, бўғилиб, зўрға нафас олмоқда эди. Дюруа нима қилишини, нима дейишини билмасди. Ниҳоят, унинг йиғлаётганини эшитиб гўлдиради:

– Қулоқ сол, Кло, жоним Кло. Сенга тушунтириб бераман! Мен айбдор эмасман... Мен у хотин билан учрашганимга анча замонлар бўлиб кетди... мен унда эндигина...

Клотильда юзидан қўлларини шарт олди: унинг бутун вужудини қаҳр, севган ва алданган аёлларда бўладиган даҳшатли қаҳр чулғаб олди. У тили калимага келган заҳоти қисқа-қисқа нафас олиб тез-тез, узуқ-юлуқ сўзлай бошлади:

– Вой аблаҳ!.. аблаҳ... Пасткаш!.. Мени қара-я... шармандалик!.. О, худойим, қандай шармандалик!..

Унинг онги тиниқлашган, ақли ўзига келган сайин қаҳр-ғазаби ҳам ортиб борар, борган сари унинг шаънига оғир таъна тошларини отарди.

– Унга менинг пулларимдан тўлаб турган булсанг керак-да, а? Яна мен унга пул бериб юрибман-а... ойимтилла учун... оҳ, аблаҳ!..

У бир неча дақиқа яна ҳам оғирроқ таъсир қиладиган сўз қидиргандай жим бўлиб қолди, лекин бундай сўзни тополмади шекилли, бирдан худди унинг юзига тупурмоқчи бўлгандай, қаҳри келиб қарғай бошлади:

– Вой, тўнғиз, тўнғиз, тўнғиз. Менинг пулларим билан уни хурсанд қилибсан-да...Тўнғиз, тўнғиз!..

Унинг оғзига бошқа сўз келмас, нуқул бир сўзни қайтарарди:

– Тўнғиз, тўнғиз...

Кутилмаганда у даричадан бош суқиб аравакашнинг енгидан ушлади-да, қичқирди:

– Тўхтанг!

Эшикни очиб кўчага отилиб тушди.

Жорж ҳам унинг кетидан апил-тапил тушмоқчи бўлган эди:

– Тушма извошдан! – деб шундай қаттиқ бақириб бердики, натижада атрофига бирпасда одам йиғила бошлади.

Дюруа жанжал чиқмасин, деб извошдан тушмаёқ кўя қолди.

Клотильда ҳамёнчасини олиб, фонарнинг ёруғида икки ярим франк санаб извошчига узатди-да, ҳаяжондан қалтираган ҳолда тутилиб-тутилиб деди:

– Мана... олинг... Мен тўлайман... Мен учун манови лакалов мутгаҳамни Бурсо кўчасига, Батиньолга элтиб ташланг.

Томоша қилиб турганлар хахолаб кулишди.

– Яша жонон! – деди қандайдир бир жаноб.

Кўчада юрган болалардан бири эса, извош зинасига сакраб чиқиб, очиқ қолган эшикдан бошини суқди-да, чинқириб деди:

– Оқ йўл, Биби!

Шундан сўнг извош одамларнинг қийқириғи остида йўлга тушди.

VI

Эртасига эрталаб Жорж Дюруа ўрнидан дили гаш бўлиб турди.

У шошилмасдан кийинди, дераза олдига бориб ўтирди-да, хаёлга толди. У ўзини худди уриб дабдала қилиб ташланган одамдай ёмон ҳис қилар, бадани шол-шол бўлиб кетганга ўхшарди.

Пулсизлик яна уни қамчилагандай кўчага чиқишга мажбур қилди. У Форестъенинг олдига йўл олди.

Ошнаси кабинетида ўтириб, оёғини каминга қўйиб иситаётган экан.

– Каллаи саҳарлаб биров қувиб келяптими сени?
– Муҳим иш. Йигитлик қарзи.
– Қарта десанг-чи?
– Қарта, – деб таъкидлади бир оз иккиланиб тургандан сўнгра Дюруа.

– Қанча? Каттами?

– Беш юз франк!

Унинг қарзлари фақат икки юз саксон франк эди.

– Кимдан қарз бўлиб қолдинг? – унга ишонқирамай сўради Форестье.

Дюруа бирдан нима деб жавоб беришини билмай довдираб қолди.

– Жаноб... жаноб... жаноб... э... де Карлевилдан.

– Ҳа-а! У қаерда тураркан?

– Кўчаси... Ҳаҳ! Кўчаси...

Форестье хахолаб кулиб юборди.

– Борса келмас кўчасидан десанг-чи, тўғрими? Биламан у жанобни. Гап бундоқ, азизим: сенга йигирма франк бериб туришим мумкин, лекин бошқа сўрама.

Дюруа ундан тилла тангани олди.

Кейин у барча танишлариникига бирма-бир кириб чиқди, соат бешга бориб зўр-базўр саксон франк тўплай олди.

Яна икки юз франк етмай турарди, бироқ у ҳозирча тўхтаб туришга қарор берди, йиққан пулларини беркитаркан, ўзига-ўзи: «Тупурдим барига, қандайдир бемаза хотин деб ич-этимни ейишим қолувдим энди! Қўлимга пул тушганда обориб берарман», деб қўйди.

У ўзини анча қўлга олди: икки ҳафта мобайнида ўзини таргаб кўп нарсалардан сиқди, ишга тўғри бориб, тўғри келиб юрди. Кейин яна ҳирси ғалаён қила бошлади. Назарида, худди аёл кишини кўрмаганига бир неча йиллар бўлиб кетганга ўхшар-

ди. Шунинг учун бўлса керак, қўча-қўйда хотин кишининг этагини кўрса, ер кўрган матросдай боши айланиб кетаверди.

Бир куни кечқурун у Рашелни кўриш мақсадида яна Фоли-Бержерга йўл олди. Рашель деярли ҳамма вақтини шу ерда ўтказар, шунинг учун ҳам Дюруа ичкарига кириши биланоқ кўзи унга тушди.

Дюруа лабларида табассум билан унга пешвоз юрди ва қўлларини узатди. Рашель унга бошдан-оёқ сарасоф солиб чиқди.

– Менда ишингиз борми?

Дюруа кулишга уриниб кўрди.

– Бўлди, бўлди, жинни бўлма.

Рашель орқасини ўгириб олди.

– Ҳезалакларга тобим йўқ.

Рашель уни қаттиқ ҳақорат қилди. Дюруа кип-қизариб кетди. Фоли-Бержердан ёлғиз чиқди.

Редакцияда эса касал, ҳолдан тойган, асов йўтал бўлиб қолган Форестье уни ўз ҳолига жонига қўймасди: гўё атай қилгандай нуқул унга энг бе-маза топшириқларни берарди. Бир куни уни қаттиқ йўтал тутди, дунё кўзларига қоронғи кўринди, шунда Дюруадан сўраган маълумотларини ололмагач, пўнғиллади:

– Э, аттанг-а, мен ўйлагандан кўра ҳам аҳмоқроқ бўлиб чиқдинг-ку.

Дюруа унинг башарасига солиб юборишдан ўзини базўр тутиб қолди ва кетаркан, пичирлади:

– Шошмай тур, ҳали сенга кўрсатаман.

Кутилмаганда хаёлига бир фикр келди.

– Бошингга мугуз илиб қўяман ҳали, оғайни-жон, – деб қўшимча қилиб қўйди.

Кейин қўлларини бир-бирига ишқаганча чиқиб кетди.

У ўз режасини тезроқ амалга ошириш фикрига тушди. Эртасига Форестье хонимнинг ҳузурига йўл олди.

Хоним диванда китоб ўқиб ётган экан.

Дюруани кўргандан кейин ҳам ўрнидан тургани йўқ. Фақат бошини унга ўгириб, қўлини узатди.

– Салом, Азизим, – деди у.

Дюруанинг назарида юзига тарсаки билан туширигандай бўлди.

– Нега мени ундай деяпсиз?

– Ўтган ҳафта мен де Марель хонимни кўрган эдим, у сизга шундай лақаб берганларини сўйлаб берди, – жилмайганча деди у.

Форестье хонимнинг назокатли гап оҳанглари унинг кўнгли жойига тушди. Нима, унинг қўрқадиган жойи борми?

– Сиз уни жуда эркалаб юбордингиз, – давом этди хоним. – Менинг олдимга эса худди келишиб олгандай йилда бир келасиз.

Дюруа ўтирди ва уни қизиқиш билан, антиқа нарсалар йиғиб юрувчи одамнинг ўзгача бир қизиқиши билан кўздан кечира бошлади. Бу оқпари, сочлари нафис ва майин жувон чиндан ҳам фақат эркалаш учунгина яратилганга ўхшарди. «Бу чинданам ановига қараганда зўрроқ», – деб ўйлади у. Дюруа иши ўнгидан келишига ишонарди. Мундоқ қараганда, қўлингни узатсанг бас, ўзи пишган мевадай узилиб кафтингга тушиб турганга ўхшайди.

– Сизнинг олдингизга ҳадеб келавермаганим маъқулроқ кўринади, – дадил гап бошлади у.

Хоним тушунмади.

– Қандай қилиб? Нега?

– Нега? Ўзингиз билмайсизми?

– Йўқ, чин сўзим.

– Негаки, сизни яхши кўраман... о, аста-секин сизнинг кўйингизда тамоман ошиқи беқарор бўлиб қолишдан қўрқаман.

Хоним, афтидан, бундан на ҳайрон бўлди, на ранжиди, на кўнгли ўсди. У ҳамон ўзининг сипо табассуми билан жилмайиб, хотиржам жавоб берди:

– Барибир, меникига келиб турсангиз бўлади-ку. Мени узоқ яхши кўриб бўлмайди.

Дюруа унинг сўзларидан ҳам бурун гапининг оҳангидан ҳайрон қолди.

– Нега?

– Чунки бунинг фойдаси йўқ ва мен тўғриси айтиб қўя қоламан. Агар сиз менга шу дардингизни аввалроқ айтганингизда, мен сизни бу йўлдан қайтарган ва аксинча, менинг олдимга тез-тез келиб туришни маслаҳат берган бўлардим.

– Сизгиларимиз бизга бўйсунса кошкийди! – деди Дюруа кўтаринки оҳангда.

Хоним юзини унга қаратди.

– Қадрдон дўстим, мен ошиқ бўлиб қолган эркакни тан олмай қўяман. У тентак бўлиб қолади: бундан ҳам ортиқ – у хавфли одамга айланади. Мени аёл сифатида яхши кўрадиганлар ёки атай ўзини шундай кўрсатадиганлар билан ҳамма муносабатларимни тўхтатаман. Биринчидан, улар меъдамга тегиб кетишади. Иккинчидан, улардан қутурган итдан қўрққандай қўрқаман, доим одамга ташланаман, деб туришади. Мен ундайларни анчагача ўзимга йўлатмай қўяман, кейин улар тузалиб қолишади. Шунинг эсингизда тутинг. Мен яхши биламан, муҳаббат сизга – очликка ўхшаган бир ҳолат, мен учун эса у руҳий муносабатга ўхшаш бир нарса, сиз эркаклар бунга ишонмайсизлар. Сизлар ишқнинг зоҳирий кўринишларига эътибор берасизлар, менга эса унинг руҳий жиҳати керак. Қани... менинг кўзимга тўғри қаранг-чи...

У энди кулмасди. Чехрасида совуқ ва хотиржам бир ифода кезар, сўзлари қатъият оҳанги билан жаранглаб эшитиларди:

– Мен ҳеч қачон, эшитяпсизми, ҳеч қачон сизга маъшуқа бўлмайман. Қайсарликнинг фойдаси йўқ, ҳатто бу сиз учун зарарли ҳам. Ана энди... операциямиз тугади... ва биз дўст, яхши дўст бўлиб қолишимиз мумкин. Лекин дўст бўлганда ҳам чинакам, беғараз дўст бўлайлик. Хўпми?

Дюруа ҳукм қатъий эканлигини, бошқа ҳаракатлари зое кетажagini англади ва тақдирга тан берди, қайтага ўзига шундай иттифоқчи ва ҳамкор орттираётганлигидан қувонди-ю, сира иккиланмасдан унга иккала қўлини узатди:

– Каминани ўз ихтиёрингизда деб билинг.

Форестье хонимга унинг бу гапи самимий бўлиб эшитилди ва у ҳам қўлини берди.

Дюруа унинг қўлларини бирма-бир ўпиб чиқди ва кўзларини унга тикиб юрагидан чиқариб деди:

– Қасамёд қиламанки, агар сизга ўхшаган аёлни учратганимда унга албатта уйланган бўлардим!

Аёллар одатда Дюруаникига ўхшаган бундай мақтовларни юракларига яқин оладилар, шунинг учун ҳам хоним бу гапдан эриб кетди ва унга шундай бир миннатдор қараш билан боқдики, бунақанги қараш сизу бизни ўзига қул қилиб олади.

Кейин унинг нима деб гап бошлашини билмай турганлигини кўриб, хоним қўлларини унинг елкасига теккизди ва меҳрибонлик билан деди:

– Ўзимнинг дўстлик бурчимни адо этишга ўтман. Сиз атрофингизга эътибор бермай қўйибсиз...

Хоним ямланиб қолди.

– Сиз билан очикчасига гаплашсам бўладими?

– Ҳа.

– Ростмана, а?

– Ростмана.

– Гап бундай. Вальтер хонимни бир кўргани боринг. Сиз ҳақингизда у жуда ҳам яхши фикрда. Унга ёқишга ҳаракат қилинг. Ана у ерда сизнинг мақтовларингиз ўринли бўлади, шуниси ҳам борки, у жуда ҳам яхши хотин, эшитяписизми, гоятда дилбар хотин. Шундай... у ерда ҳам отни қичаганингиз билан ҳеч нарсага эришолмаслигингиз мумкин. Бироқ ўзингиз ҳақингизда яхши таассурот қолдирсангиз, кўп нарсага эриша оласиз. Редакцияда ҳалиям ошиғингиз олчи бўлиб кетмаганидан хабарим бор. Бундан қисиниб ўтирманг. Улар барча ходимларини яхши кутиб олишади. Гапимни ерга ташламай унинг олдига боринг, хўпми?

– Қуллуқ, хоним,– деди у табассум билан, – сиз фариштасиз, сиз менинг халоскор фариштамсиз.

Шундан сўнг суҳбат бошқа мавзуларга кўчди.

Дюруа бу ерда узоқ қолиб кетди, хонимнинг суҳбати ўзи учун қанчалар ёқимли эканлигини яна бир карра кўрсатиб қўймоқчи бўлди шекилли, кета туриб у яна сўради:

– Шундай қилиб, биз дўстмиз?

– Ҳа.

Дюруа бояги мақтови Форестье хонимга қанчалар таъсир қилганлигини пайқаган эди, ҳозир шу таассуротни янада мустаҳкамлаш мақсадида қўшиб қўйди:

– Агар кези келиб бева қолсангиз, мени ўз ихтиёрингизда деб билгайсиз.

Шундай деди-ю, унинг жаҳли чиқишини кутиб турмасдан хайрлашиб жўнаб қолди.

Вальтер хонимникига ташриф буюргани Дюруа қисиниб юарди: у Дюруани сира таклиф қилмаган, шундоқ боришга эса, суйканиб келганини қара, деган гап бўладими деб истиҳола қиларди.

Иккинчи томондан, бошлиқ уни ҳурмат қилар, ходим сифатида қадрлар, кўпинча энг масъулиятли топшириқларни унинг зиммасига юкларди, – шунга қараганда, нега энди унинг илтифотидан фойдаланмаслиги керак, шу илтифот унинг уйи эшигини очишга калит бўлолмайдимиз, ахир?

Шундай қилиб, бир кун эрталаб барвақт туриб Дюруа бозорга бориб ўн франкка йигирмата саранок сотиб олди. Уларни саватчага гўё олисдан келтирилгандай қилиб яхшилаб жойлади-да, Вальтерларникига борди ва уни визит хати билан бирга қоровулга ташлаб келди. Хатчага шундай деб ёзиб ҳам қўйди:

«Жорж Дюруа

Вальтер хонимдан рижои ожизона тилайманким, бугун эрта билан Нормандиядан келтирилган ушбу тар меваларни қабул айласалар!»

Эртасига у ўзининг редакциядаги почта қутисиди Вальтер хонимнинг визит хати солинган конверт топди, Вальтер хоним ўз хатида «жаноб Жорж Дюруага алангали ташаккурлар» билдирган ва ўзининг «шанба кунлари қабул қилишини» маълум қилганди.

Шанба келиши биланоқ Дюруа уникига қараб равона бўлди.

Вальтер Мальзерб бульварида истиқомат қилар, унинг ўз шахсий уйи бўлиб, ишбилармон одам бўлганлигидан уйининг бир қисмини ижарага қўйиб яшарди. Уйнинг бирдан-бир қоровули черков сўфиларига ўхшаган ғоятда қоматдор кимса бўлиб, эғнидаги ливрейининг тугмалари тилладан, қайтарма ёқалари қирмизи, йўғон оёқларида оқ пайпоқ билан қўш тавақа эшик орасида турар, эшикни уй соҳибларига ҳам, ижарачиларга ҳам очиб бериб турар, шунданми, бу уй асилзодаларнинг ҳашаматли саройларига ўхшаб кетарди.

Меҳмон кутиладиган заллар иккинчи қаватда бўлиб, уларнинг эшикларига дарпардалар осилган, деворлари гиламлар билан қопланган пешуйдан ўтиб бориларди. Бу ерда икки лакей стулларда мудраб ўтиришарди. Улардан бири Дюруанинг пальтосини олди, иккинчиси қўлидаги асони олди ва эшикни очиб, олдинга ўтди-да, бўш залга қараб унинг исмини айтди, кейин четланиб унга йўл берди.

Дюруа талмовсираб атрофга аланглаб турган эди, шунда бирдан ойнада беш-олтита суҳбатлашиб ўтирган одамларни кўрди, улар гўё жуда узоқда ўтиргандай бўлиб туюлдилар. Аввал у ойнага қараб адашиб бошқа жойга бориб қолди, кейин иккита бўш залдан ўтиб, ўзига хос безатилган бир хонадан чиқди. Хона гир айлангириб мовий ранг айиқтовон чечаклар солинган ипаклар билан ўралганди. Бунда тўрт хоним думалоқ столча атрофида ўтирганча чой ичиб суҳбатлашмоқда эдилар.

Дюруа марказда яшаб, касби юзасидан турли машҳур одамлар билан учрашиб, ўзини бепарво тутишга ўрганган эди, бироқ мана бу ҳашаматли хоналар ичига кириб, икки бўм-бўш залдан ўтгач, бирмунча довдираб қолди.

– Хоним афандим, мен журъат этиб... – пичирлади у ва кўзлари билан уй бекасини қидирди.

Вальтер хоним унга қулини узатди. Дюруа унинг кўлларини сиқди. Шунда белларигача букилиб кетди.

– Афандим, илтифот кўргазиб келганлигингиздан жуда миннатдормиз, – деди хоним Дюруага ўтиргани кресло кўрсатиб. Кресло Дюруага жуда баланд кўринганди, лекин ўтиргач, пастга чўкиб кетди.

Жимлик чўкди. Ниҳоят, хонимлардан бири тилга кирди. У, кунлар жуда совуқ бўлиб қолди, лекин бу совуқ ич терлама тарқалишининг олдини оладиган даражада қаттиқ эмас, конькида ҳам ту-

зукроқ учиб бўлмайди, деди. Шундан сўнг барча хонимлар Парижда турган совуқларҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришни лозим кўрдилар, улар яна йилнинг қайси фасли яхшироқ эканлиги хусусида гапга тушиб кетдилар, уларнинг бу борадаги гаплари ҳаммаси сийқа, хонага ўтирган чанг каби мияларига кириб қолганди.

Эшик эшитилар-эшитилмас ғирчиллади. Дюруа ўгирилиб қаради ва амальгама қопланмаган икки ойнадан яқинлашиб келаётган гавдали бир хонимни кўрди. У хонага кириб келиши билан ўтирган хонимларнинг бири ўрнидан турди, ҳамманинг қўлини сиқиб хайрлашди ва чиқиб кетди. Дюруа бўм-бўш заллардан ўтиб бораётган бу хонимнинг инжулар қадалган каби йилтиллаб жилваланиб бораётган қора либосини кўзлари билан кузатиб қолди.

Янги меҳмонлар келиши муносабати билан қўзғалган ҳаяжон босилгач, гап айланиб келиб ўзидан-ўзи Марокашдаги воқеаларга, Шарқда бораётган урушларга ва Жанубий Африкада Англия дуч келаётган қийинчиликларга кўчди.

Бу масалаларни муҳокама қилишаркан, хонимлар сахнада кўп марта ўйналган, ахлоқ-одоб доирасидан чиқмайдиган киборлар комедиясини кўрсатаётгандай бўлишар, ҳамманинг ўз ролини сув қилиб ичиб юборгани шундоқ сезилиб турарди.

Янги меҳмон келди. Бу, кичкинагина, сочларини жингалак қилдирган жувон эди. У келгандан кейин баланд бўйли, қотмароқ, ёши утганроқ хоним чиқиб кетди.

Линэ ҳақида гап кетди, у академик бўла олади-ми, йўқми, муҳокама қилдилар. Янги келган хоним ажойиб «Дон Кихот» шеърини драмасининг муаллифи Кабанон-Леба Линэнинг йўлини тўсиб чиқади, деб қаттиқ ишонар экан.

– Биласизми, қишда уни Одеон қўймоқчи!

– Ростдан-а? Албатта бориб кўраман – у чинакам санъат асари.

Вальтер хонимнинг овози равон, илтифотли ва лоқайд эди: у ҳеч қачон айтадиган сўзларини ўйлаб ўтирмас, – у доимо бошқалардан эшитилган, қолипи тайёр гапларни айтарди.

Хона қоронғи бўлиб қолди. Вальтер хоним лакейни чақириб, чироқларни ёқишни буюрди, шу орада у бўлажак зиёфат учун литографияга таклифномалар буюртириш ёдидан кўтарилганини эслаб қолди, айти чокда жилғадай шилдираб оқаётган суҳбат маромига ҳам қулоқ соларди.

Бир оз тўлишиб қолган, бироқ ҳамон чиройини йўқотмаган Вальтер хоним аёлларни ўтин қилиб қўядиган хавфли бир ёшнинг арафасида эди. У ўзига қаттиқ эътибор билан қарар, хавфли нарсаларнинг олдини олар, бадантарбия билан шуғулланар, танига анвойи нарсалардан суртиб турарди. Шуларга кўра у ўзини анча сақлашга муваффақ бўлганди. У кўринишдан жуда босиқ, ўзини тутиб олган хотинларга ўхшарди, у оқила, ҳамма нарсани ўйлаб, ўлчаб қиладиган аёллар тоифасидан бўлиб, ички дунёси кесиби, бутаб, тартибли қилиб қўйилган француз боғларини эслатарди. Бу боғда сизни ҳайратга соладиган ҳеч нарса йўқ, лекин унинг ўзига хос жозибаси бор. Унда кенг хаёл йўқ эди, лекин бунинг ўрнини ўткир, тийрак бир ақл босар эди. Унинг феъли кенг эди, кишига тез элакишарди, марҳамат ва мурувват туйғуларига бегона эмасди, барчага бирдай қарарди.

Дюруа шу пайтгача миқ этиб оғиз очмагани унинг назаридан қочиб қутулмади. Чиндан ҳам, Дюруа билан ҳеч ким гаплашмас, у ўзини жуда ноқулай сезмоқда эди. Ниҳоят, барча хонимлар

ўзларининг севимли мавзулари бўлган академиянинг ғийбати билан банд эканликларини кўриб, Вальтер хоним унга мурожаат қилиб деди:

– Сиз-чи, сиз нима дейсиз, жаноб Дюруа, ахир сиз бу ишларни бошқалардан яхшироқ биласиз-ку?

– Мен, хоним афандим, бундай пайтларда номзодларнинг одам унчалик ишонқирамайдиган фазилатларидан кўра, уларнинг ёшлари ва сиҳат-саломатликларига кўпроқ аҳамият бериб қарайман, – ўйлаб ўтирмасдан жавоб қайтарди у. – Мен уларнинг кўрсатган хизматлари ҳақида эмас, қандай касалликларга чалинганлари ҳақида маълумот тўплаган бўлар эдим. Мен улардан Лопе де Вегани шеърий йўл билан таржима қилиб беришни эмас, жигар, ўпка, буйрак, орқа мияси қай аҳволда эканлигини сўраган бўлардим. Назаримда, жоҳил халқларнинг шеъриятида ватанпарварлик оҳанглари ҳақидаги том-том мулоҳазалардан кўра, юракнинг кенгайиши, қора сон ёки булардан ҳам маъқулоғи, мушакларнинг қуруқшаб қолиши каби касалликлар кўпроқ аҳамиятга молик деб қаралади.

Унинг сўзлари ҳаммани ажаблантириб қўйди, лекин ҳеч ким индамади.

– Нега ундай деб ўйлайсиз? – сўради Вальтер хоним.

– Чунки мен қаерда бўлмай, нима қилмай хотинларга ёқадиган нарсаларни топишга ҳаракат қиламан, – деб жавоб берди у. – Академия, хоним афандим, шундай бир жойки, у академиклардан биронтаси ўлган кезлардагина сизнинг эътиборингизни жалб қилади. Улар қанча кўп ўлса, сиз учун шунча яхши. Лекин улар тез-тез ўлиб турсин десаңгизлар, иложи борича энг қарилари ва рамақижон бўлиб қолганларини сайламоқ керак.

Хонимлар, афтидан, унинг нимага шама қилаётганлигини англамай турар эдилар, буни сезган Дюруа ўз фикрини тушунтириб беришга киришди:

– Ростини айтганда, Париж хабарлари ичида бирон академик вафот этибди, деган даракни эшитсам, ўзимдан-ўзим хурсанд бўлиб кетаман. Мен шу заҳоти ўзимга савол бераман: «Хўш, энди унинг ўрнига ким бўлади?» Мен номзодлар танлашга киришаман. Бу жуда ажойиб эрмак, эрмак бўлганда ҳам, умрибоқий кишилардан бири ўлганда барча Париж салонларида ўйналадиган эрмак ўйин, уни «Эрмак ўлим ва қирқ қария» деб аташ ҳам мумкин.

Хонимлар ҳамон ҳали уни тўла англаб етмаган ҳолда, лекин ичларида унинг гапларига тасанно ўқиганча табассумлар қилишди.

– Сизларнинг ўзларингиз, муҳтарам хонимлар, – деди у ўрнидан тураркан. – Уларни сайлаганда ҳам, тезроқ ўлсинлар, деб сайлайсизлар. Шундай бўлгач, қариларнинг энг қариларини, гоятда қартайиб, буткул путурдан кетиб қолганларини сайлангизлар, қолганлари билан ишларингиз бўлмаса ҳам бўлаверади.

Шундан сўнг Дюруа ҳаммага кифтини келтириб таъзим қилди-ю, чиқиб кетди.

– Антиқа йигит экан, – деди кетидан хонимлардан бири. – У ким?

– Ходимларимиздан бири, – деб жавоб берди Вальтер хоним. – Ҳозирчалик у газетанинг майда ишлари билан банд, лекин унинг тезда ўсишига имоним комил.

Дюруа хурсанд, кайфияти кўтарилган ҳолда Мальзерб бульваридан оёқларини кериб ташлаб борар ва ўзига-ўзи: «Бошланиши ёмон бўлмади», деб қўярди.

Кечқурун у Рашель билан ярашиб олди.

Кейинги ҳафтада унинг ҳаётида икки муҳим воқеа рӯй берди: у хроника бўлимининг мудирини қилиб тайинланди ва Вальтер хонимникига зиёфатга таклиф қилинди. Бу воқеалар бир-бири билан боғлиқ эканлигини у дарҳол фаҳмлади.

Савдогар Вальтер учун матбуот ҳам, депутатлик унвони ҳам таянч нуқталари каби хизмат қилар, «Француз ҳаёти» эса энг аввало савдо ишлари билан боғланган эди. Вальтер ўзини соддаликка солар, кишилар кўзига доимо ўзини оққўнгил, шод-хуррам қилиб кўрсатар, айна чокда, ўзининг турли-туман мақсадларини амалга оширишда фақат синовдан ўтган, ишонса бўладиган, чаққон, ғайратли, чапдаст, ишбилармон, тегирмонга тушса бутун чиқадиган одамлардан фойдаланарди. У Дюруага кўпдан назар солиб юрар эди, мана энди бу чапдаст йигит хроника бўлимининг бошлиғи сифатида кўп иш бериши мумкин деган фикрга келганди.

Шу пайтгача хроника бўлимини эски журналист, ўз ишига пухта, айтган гапдан чиқмайдиган, худди кичкина амалдорлар каби журъатсиз редакциянинг секретари Буаренар бошқариб турганди. Ўттиз йил мобайнида у ўн битта турли газета редакцияларида секретарь бўлиб ишлаган, шу билан бирга ўз фикрлари, дунёқараши, яшаш тарзини ўзгартирмаган эди. У бир редакциядан иккинчисига бир ресторандан бошқасига ўтган каби ўтиб турар ва бунда ҳар жойда таомни ҳар хил усулда тайёрлашларини сезмасди. Сиёсат ва диний масалалар унга бутунлай ёт эди. У қайси газетада хизмат қилмасин, қўрққанидан эмас, виждонан ишлар, ўз билимлари ва қимматли тажрибасини аямас эди. У ҳеч нарсани кўрмайдиган басир, ҳеч нарсани эшитмайдиган кар одам каби, ҳеч нарсани гапирмайдиган гунг кимса каби ишлар эди.

Шулар билан бир қаторда у касбига кўра гоётда ҳалол одам бўлиб, қаламкашлик шаънига доғ бўлиб тушиши мумкин бўлган ҳар хил ножўя ишлардан доим йироқ юрар, софдил, барчага баробар, олижаноб эди.

Бошлиқ уни қадрласа ҳам, лекин ўзи газетанинг юраги деб атайдиган хроника бўлимини кимга олиб берсам экан, деб бош қотириб юрарди. Ахир, янгиликларни тарқатадиган, мишмишларни учирма қиладиган, афкор омманинг онгига таъсир этадиган, биржа ишларини назардан қочирмайдиган бўлим шу хроника бўлими саналарди-да. Бунда киборларнинг эрмаклари ҳақидаги икки мақолача орасига киши билмас муҳим бир гапни суқиб юбориш, тўғрироғи, шама қилиб ўтиш санъатини билиш керак эди. Сатрлар бунда тагли гапларга тўлиқ бўлиши, бир нарсага раддия билдирилганда, шов-шувлар бундан янада ҳақиқатга яқинроқ гап каби туюлиши, тасдиқлаганда эса, шундай воқеанинг бўлганлигига ҳамма шубҳа билан қараши лозим эди. Хроника ишни шундай олиб бориши керак эдики, ҳар бир одам унинг ичида ўзи учун керакли гапларни топиши, ўзини қизиқтирган сўзларга дуч келиши лозим эди. Шундагина хроникани одамлар ўқишлари мумкин. Бунда ҳеч ким, ҳеч нарса эсдан чиқмаслиги, жамиятнинг барча табақалари, барча касблар, бутун Париж, Париж атрофлари, вилоятлар, ҳарбийлар ва рассомлар, руҳонийлар ва университет, амал эгалари ва сатанглар ҳаёти акс этмоғи зарур эди.

Бу бўлимнинг бошлиғи – репортерлар батальонининг командири доимо ҳушёр туриши, воқеаларни сергаклик билан кузатиши зарур эди. У ҳамма нарсага ишонавермаслиги, эҳтиёткор, уста, чаққон, чапдаст, оғзидагини олдирмайдиган, тул-

кидай айёр, устомон, сезгир ва зийрак, ҳақиқатга тўғри келадиган гапларни ҳақиқатдан йироқ гаплардан тез ажрата биладиган, нима дейиш керагу, нима демаслик зарурлигини яхши тушунадиган, у ёки бу хабарнинг газетхонларга қандай таъсир қилишини, уларда қандай фикрлар уйғотишини тасаввур қила оладиган одам бўлмоғи лозим эди. Булардан ташқари у ҳамма нарсани таъсирчан, ўқишли қилиб бера билиши зарур эди.

Узоқ йиллар редакцияларда хизмат қилган бўлишига қарамасдан, Буаренарда маҳорат ва ёрқин хаёл етишмасди. Муҳими, унда туғма ишбилармонлик қобилияти сустроқ, шунинг учун кўпинча, бошлиқнинг хаёлидаги яширин ниятларнинг фаҳмига етиб иш кўролмас, коса тагида ним коса борлигини билмасди.

Дюруа бу ишни жуда бошлаб адо эта олар, Норбер де Вареннинг гапига кўра, «савдо-сотиқнинг чуқурликлари ва сиёсатнинг саёзликларида сузаётган» ушбу газета редакциясига узукка кўз қўйгандай ярашиб турар эди.

«Француз ҳаёти»нинг ҳақиқий муҳаррирлари олти депутат бўлиб, улар ношир юритадиган турли шубҳали ишларда иштирок этишар, ноширни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашарди. Палатада уларни «Вальтер тўдаси» деб аташар ва уларнинг Вальтер билан ҳамтовоқ бўлиб ўмараётган бойликларига ҳавас билан қарашарди.

Сиёсий ҳаёт бўлимини Форестье бошқарар, бироқ у мана шу корчалонлар қўлидаги ўйинчоқ бўлиб, уларнинг чизган чизигидан чиқмасди. У бош мақолаларни уйда ўтириб, ўзининг айтишига қараганда, «тинчгина ўтириб» ёзиб келар, лекин ёзганда уларнинг кўрсатмаси бўйича ёзарди.

Газетага марказий тус бериб, уни салмоқли қилиш учун редакция иккита адибни ишга тортган,

булар ўз соҳаларида танилган одамлар бўлиб, уларнинг бири Жак Риваль куннинг долзарб масалаларини ёритадиган мақолалар ёзар, шоир Норбер Де Варен эса бадиий очерк ва янги услубда ёзилган ҳикоялари билан қатнашиб турарди.

Булардан ташқари пул деса ўзини томдан ташлайдиган турли тоифадаги қаламкашлардан арзон-гаровга адабий, муסיқа, театр танқидчилари ёлланган, суд ва улоқ бўйича ҳам мухбирлар тайинланганди. Юқори табақадан бўлган икки хоним бири «Пушти домино», иккинчиси «Оқ панжа» лақаблари билан киборлар ҳаётидан ёзишар, янгиликлардан хабардор қилишар, киборлар ахлоқи, қоидалари, муомалалари ҳақида мақолалар беришар, оқсуяк хонимларнинг гўрига гишт қалаб чиқишарди.

«Француз ҳаёти» шу тариқа турли даражадаги даргалар томонидан «чуқурликлар ва саёзликларда» бошқариб бориларди.

Дюруа ҳали янги лавозимга тайинланишининг қувончидан ўзига келиб улгурмасдан, кичкина таклиф хати олди. Унда «Жаноб Вальтер ҳамда Вальтер хоним жаноб Жорж Дюруани 20 январ пайшанба куни бўладиган зиёфатларига таклиф қиладилар», дейилганди

Биринчи илтифот изиданоқ етиб келган бу эътибор нишонаси уни шунчалар суюнтириб юбордики, таклифномани худди ишқий хат олган каби лабларига босди. Кейин чалкаш молия масаласини ҳал қилгани кассир олдига кетди.

Одатда, хроника бўлимининг мудири ўз сарф-харажатиغا эга бўлади. Шунга кўра ўзига керакли барча яроқли-яроқсиз ахборотларни худди кўкчига резавор етказиб берадиган деҳқонга ўхшаб, етказиб келтирадиган мухбирларга ҳақ тўлар эди.

Бошламасига Дюруага бундай харажатлар учун ойига бир минг икки юз франк маблағ ажратиш-

ди, лекин бунча пулнинг асосий қисмини у ўз чўнтагига уриш ниятида эди.

Дюруа туриб олгандан кейин кассир ҳозирча тўрт юз франкни бериб туришга рози бўлди. У аввал икки юз саксон франкни де Марель хонимга юборсаммикин, деб турди, лекин қўлида қолган бир юз йигирма франкка ишни яхши йўлга қўйиб бўлмаслигини ўйлаб қолди-да, қарзни кейинроқ тўларман деган қарорга келди.

Икки кун янги вазифани ўзлаштиришга кетди. Бутун редакция жойлашган каттакон хонанинг бир чеккасида унинг энди алоҳида стол ва хат-хабарлар олинадиган қутилари бор эди. Хонанинг бир бурчида унинг ўзи, рўпарасида эса, қоп-қора тўсдек сочлари жингалак бўлиб пастга осилиб тушган, анча ёшга бориб қолган бўлишига қарамасдан ҳали уларга оқ ораламаган Буаренар қўлёмалардан бош кўтармайгина ўтирарди.

Хонанинг ўртасидаги узунчоқ стол «учқур» ходимлар учун қолдирилган эди. Одатда, бу стол ўриндиқ вазифасини бажарарди: ходимлар унинг устига ё оёқларини осилтириб, ё чордана қурган ҳолда ўтириб олардилар. Баъзан беш-олти одам стол устига қўнқайиб ўтирганча соққа ўйинига тушиб кетишарди.

Бора-бора Дюруа ҳам бу ўйинга қизиқиб кетди. Сен-Потен унга ўргатиб турди, тезда қўли ҳам қовуша қолди.

Форестье кундан-кунга қурбдан кетиб борар, шунинг учун у антиль оғочидан ишланган ғоятда ажойиб, бир оз залварлироқ соққасини Дюруага тақдим этди, энди Дюруа каттакон чўнг соққани чизимчасидан бақувват қўллари билан тортаркан, пичирлаб санаб борарди:

– Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти...

У Вальтер хонимникига зиёфатга борадиган кун биринчи марта йигирма очко урди. «Яхши кун, – деб ўйлади у, – омадим келиб турган экан». «Француз ҳаёти» редакцияси ходимларининг назарида эса соққа ўйинини яхши ўйнай билиш анчагина ҳурмат-эътиборга сазовор бўлар эди.

У кийимларини алмаштириб улгуриш учун редакциядан барвақтроқ қайтди. Лондон кўчасидан кетаётганида унинг олдида бўйчангина бир хотин кетиб борарди, унинг қадди-қомати де Марель хонимга ғоятда ўхшаш эди. Дюруанинг иссиғи чиқиб кетди, юраги дукиллаб ура бошлади. Дюруа унга яхшироқ назар солиш учун кўчанинг нариги томонига ўтди. Хотин ҳам тўхтади – у ҳам кўчанинг нариги томонига ўтмоқчи эди. Хайрият-е, бошқа экан. Дюруа елкасидан тоғ ағдарилгандай энгил нафас олди.

У ўзига-ўзи, агар уни учратиб қолсам, ўзимни қандай тутишим керак, деб савол берарди. Таъзим қилиш керакми ёки ўзини кўрмаганга олсинми?

«Ўзимни кўрмаганга оламан», – деб ўйлади у.

Кун совуқ эди, кўлмаклар музлаб қолганди. Йўл-калар газ фонарларнинг ёғдусида қуруқ ва бўз ранг бўлиб чўзилиб ётарди.

Уйга келгач, хаёлига бир фикр келди: «Уйни ўзгартириш керак. Энди бу ерда туришим жоиз эмас». Унинг димоғи чоғ эди, томларга чиқиб чопгиси келарди, дераза билан каравот орасида у ёқдан-бу ёққа бориб келаркан, овозини чиқариб ҳадеб:

– Омадмикин, бу? Омад! Отамга ёзишим керак, – деб такрорларди.

Аҳён-аҳён у отасига хат ёзиб турар ва унинг хатлари Руан ва Сена оралиғидаги кенг водийда баланд адир узра йўл ёқасида жойлашган норманд қовоқхонасининг кекса соҳиблари қалбига бир олам қувонч олиб келарди.

Онда-сонда ўғил ҳам титраган бармоқлар билан йирик-йирик қилиб ёзилган кўк конверт олар ва отасининг хатлари доимо қуйидаги сўзлар билан бошланарди:

«Қимматли ўғлим, шунинг билан сенга маълум қиламанким, бизлар, мен ва онанг соғ-саломат юрибмиз. Ўша ўзинг кўргандаймиз. Илло, яна шуни маълум қиламанким...»

Дюруа қишлоқ янгиликларини кўнглига яқин олар, қўшнилари, экин ва ҳосилнинг аҳволи ҳақидаги гаплардан ҳаяжонга тушар эди.

У кичкинагина ойна олдида туриб оқ галстугини бойларкан, яна хаёлга чўмди: «Эртагаёқ отамга ёзиб юбораман. Бугун кечқурун қаерга бораётганимни билса, чол қойил қолади. Зиёфатда эса мени чолнинг ҳатто етти ухлаб тушига кирмаган ноз-неъматлар билан меҳмон қилишади». У шу пайт хўрандалар учун мўлжалланган бўм-бўш хона биқинидаги ўзларининг ис босган ўчоқбошисини кўз олдига келтирди. Девор ёқалаб кастрюлькалар терилган, уларда сарғиш ёғду жилваланади, ўчоқ олдида мушук мудрайди, ёғоч стол эскириб кетганидан ва нарсалар тўкилаверганидан ялтираб чирк босган, товоқ ичида хўрда буғланиб туради ва икки чинни идиш ўртасида шам ёнади. У яна чинакам деҳқон одамлардан бўлган ота-онасини кўз ўнгига келтирди, уларнинг суюқ ошни оз-оздан ҳўплаб ичаётганларини тасаввур қилди. Ота-онасининг юзларидаги ҳар бир ажин, қиладиган ҳаракатлари, қилиқлари унга беш қўлдай маълум эди. Ҳатто ҳар куни кечқурун чол-кампирнинг таом чоғида рўбарў ўтиришиб олиб бир-бирларига айтадиган гапларини ҳам ёддан биларди.

«Уларни вақт топиб бир кўриб келмасам бўлмайди», – деб ўйлади Дюруа. У кийиниб, тараниб бўлгач, чироқни ўчирди-да, зинадан пастга тушди.

Ташқи бульварлардан бораркан, фоҳишалар ўраб олиб ҳоли жонига қўйишмасди. «Тинч қўйинглар мени!!» – дерди у жаҳл билан қўлларини силтаб, буни шундай ғазабнок оҳангда айтар эдики, гўё улар ўзини таҳқирлаётгандай, хўрламоқчи бўлаётгандай... Бу ярамастар уни ким деб ўйлашяпти ўзи? Нима, менинг кимлигимни улар кўришмаяптими? У эгнига фрак кийганди, бадавлат, эътиборли, қўлини қайга узатса, шу ерга етадиган одамларникига зиёфатга бормоқда – буларнинг бари, назарида, уни бутунлай бошқача одам қилиб қўйган, бошқача дунёга олиб кирган, дунёнинг зўр одамлари қаторига қўшганди.

У баланд қандиллар ёруғидан чароғон қабулхонага шахдам қадамлар билан кириб борди ва югуриб келган икки лакейга пальто ҳамда таёқчасини бунга одатланиб кетган одамдай қилиб узатди.

Ҳамма заллар чароғон ёритилганди. Вальтер хоним меҳмонларни иккинчи катта залда қабул қилмоқдайди. Дюруани у мафтункор бир табасум билан қарши олди. Дюруа ўзидан илгари келган икки эркак меҳмон билан саломлашди – булар жаноб Фирмен ва жаноб Ларош-Матъе бўлиб, улар ҳам депутат, ҳам «Француз ҳаёти»нинг киши билмас муҳаррирлари эдилар. Ларош-Матъенинг палатада обрўйи гоятда баланд бўлиб, редакцияда ҳам шу боисдан уни жуда ҳурмат қилишарди. Пайти келиб унинг министр бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

Хотини билан Форестъе кирди: унинг жозибадор хотини пушти қўйлак кийганди. У ҳар иккала депутат билан ҳам апоқ-чапоқ гаплашиб кетди. Бу Дюруа учун янгилик эди. Беш минутми, балки, ундан ортиқроқми, у камин олдида Ларош-Матъе билан гаплашиб турди. Шарлнинг ҳоли гоятда ёмон

эди. Сўнги ойлар ичида у озиб-тўзиб кетган, тинимсиз йўталар ва: «Қишда жанубга кетмасам бўлмайди», деб такрорлагани такрорлаган эди.

Жак Риваль ва Норбер Варен бирга кириб келишди, сал ўтмай залнинг ичкари эшиги очилиб, икки қизини бошлаб Вальтер пайдо бўлди – қизларнинг бири хунук, иккинчиси кўҳдиккина эди. Уларнинг бири ўн саккиз, иккинчиси – ўн олти ёшда эди.

Дюруа бошлигининг қизлари борлигини билар, шундай бўлса ҳам у ажабланиб қўйди. Шу пайтгача у ноширнинг қизлари ҳақида етиб бўлмас олис мамлакатлар ҳақида ўйлаган каби бир тасаввурда эди. Бундан ташқари уларни жуда кичкина, деб юрарди. Шунинг учун ҳозир етилган қизларни кўриб ҳайрон қолди. Кутилмаган бу воқеадан у бирмунча ҳаяжонланди ҳам.

Уни опа-сингиллар билан таништиришгач, қизлар унга бирма-бир қўл узатдилар. Кейин, афтидан, улар учун атай қўйилган бўлса керак, кичкина столга ўтирдилар ва саватчадаги ипак ўрамларини олиб ёза бошладилар.

Яна кимдир келиши керак эди. Ҳамма шундай зиёфатлар олдида бўладиган бир қисиниш ичида жим қолди, ҳаммалари кун бўйи ўз ташвишлари билан бўлиб келган, ундан ташқари бир-бирларига унчалик сирдош ҳам бўлмаганларидан бу жимлик тушунарли эди.

Дюруа зерикиб кетганидан кўзларини деворларга югуртира бошлади. Буни сезган Вальтер мақтангиси келди, шекилли, узоқдан туриб унга қичқирди:

– Менинг суратларимни томоша қиляпсизми?
– У «менинг» сўзини таъкидлаб, ўзгача урғу бериб айтди. – Мен ўзим сизга уларни кўрсатаман.

У меҳмонга суратларни яхшироқ кўрсатиш учун қўлига чироқ олди.

– Бу ерда манзара суратлар, – деди у.

Ўртада Гийоменинг катта полотноси осилган эди – унда қора булутлар босган, чақмоқлар чақаётган Нормандия соҳили тасвирланганди. Пастроқда – Арпиньи ўрмони ва Гийоме мўйқаламига мансуб уфқда туя билан Жазоир чўллари тасвирланганди – туянинг оёқлари узун-узун бўлиб, кўринишдан галати ҳайкалга ўхшарди.

Бошқа деворларга ўтар экан, Вальтер худди товачилардек эълон қилди:

– Улуғ рассомлар.

Бунда тўрт полотно: Жервексининг «Касалхонада қабул куни», Бастьен-Лепажнинг «Ўроқчи», Бугронинг «Бева» ва Жан-Поль Лораснинг «Қатл» асарлари қўйилганди. Кейинги суратда «Кўклар» отряди томонидан черков девори тагида отилаётган Ван-дей руҳонийси тасвирланган эди.

Яна бошқа бир деворга ўтар экан, Вальтернинг жиддий чеҳрасида табассум жилваланди:

– Булар енгил жанрлар.

Бу ерда ҳаммадан бурун Жан Беронинг «Юқоридан ва пастдан» деб номланган сурати диққатни жалб қилар эди. Лобаргина паришлик қиз юриб кетаётган конькининг зинасидан чиқиб бораётибди. Унинг боши иккинчи қаватга етай деб қолган, скамейкаларда ўтирган эркаклар ўртасида пайдо бўлиб қолган бу ёшгина кўҳлик чеҳрага суқ билан тикилиб қолганлар, айна замонда пастдаги саҳначада турган эркаклар унинг оёқларидан кўзларини узолмай турар, уларнинг назарларида ҳирс ва ўкинч акс этарди.

– Хўш, қалай? Зўрми? Зўрми? – қўлида чироқ ушлаганча шўх кулиб такрорлади Вальтер.

Кейин у Ламбернинг «Чўкаётганни қутқариш» суратига чироқ тутди.

Овқатланиладиган столдан барча идиш-товуқлар йиғиштириб олинган. Стол устида мушукча ўтирибди. У кўзларини стакан ичидаги сувга тушиб қолган пашшага талмовсираб тиккан. Мушук пашшани тезгина ушлаб олиш учун панжаларини юқорига кўтарган. Бироқ у ҳали иккиланиб турибди. Бир қарорга келгани йўқ. Охири нима бўларкин?

Кейин Вальтер Детрайянинг «Дарс» суратини кўрсатди: казармадаги солдат итни барабан чалишга ўргатмоқда.

– Боплаган! – деб қўйди хўжайин.

Дюруа маъқуллаб кулар, ўзининг қойил қолганлигини билдирар эди:

– Ажойиб, ажойиб, ажо...

У ҳозиргина кириб келган де Марель хонимнинг овозини эшитиб, тилини тишлагандай жимиб қолди.

Хўжайин суратларни кўрсатишда давом этар, уларнинг мазмунини сўйлаб борарди.

У чироқни Морис Леруарнинг «Тўсиқ» деган суратига тутди. Кўчанинг ўртасида икки девдай-девдай йигит олишиб ётибди. Уларнинг жанжалдан портшез ўтиб кетолмай турибди. Портшезнинг дарчасидан дилбар бир қиз қараб турибди. Унинг чехрасида на сабрсизлик ва на қўрқув бор... У таъбир жоиз бўлса, икки сўқимнинг олишувига қизиқиш билан боқарди.

– Бошқа хоналарда ҳам менинг суратларим бор, – деди Вальтер, – фақат улар ҳали ном қозонмаган рассомларнинг қаламига мунсуб. Бу ер эса менинг «Катта залим». Шу кунларда мен фақат ёш рассомларнинг, жуда ҳам ёшларнинг суратларини сотиб олмақдаман ва ҳозирча уларни орқа хоналарда

сақлаб турибман – уларнинг машҳур бўлиб кетишларини кутяпман. Ҳозир роса сурат сотиб оладиган пайт келди, – деди у овозини пасайтириб, кейин қўшиб қўйди, – мусаввирлар очдан ўлмоқда. Уларнинг бир тийини йўқ, бир тийини...

Бироқ энди Дюруанинг кўзларига ҳеч нарса кўринмас, қулоқларига гап кирмас, англамас эди. Де Марель хоним шу ерда, унинг орқасида турибди. Нима қилиш керак? Унга таъзим қилсам, яна орқасини ўгириб олса, бу ҳам етмагандай гап билан узиб-узиб олса-чи? Агар унинг яқинига йўламай қўя қолинса-чи, қандай бўларкин?

«Ҳар ҳолда тўқнашувни сал орқароққа суриб турган маъқул», деган қарорга келди Дюруа. У шунчалар тўлқинланиб кетган эдики, бир хаёли мазам қочиб турибди, деб уйга кетворишни ҳам ўйлади. Суратлар кўриб бўлинди. Вальтер чироқни столга қўйиб, янги келган меҳмонни қаршилагани юрди. Дюруа худди улардан кўз узолмай қолгандай яна суратларни томоша қила бошлади.

Унинг боши ғовлаб кетди. Нима қилса экан? Қулоғига узук-юлуқ овозлар чалинар, чала гаплар эшитиларди.

– Менга қаранг, жаноб Дюруа, – унга мурожаат қилиб деди Форестье хоним.

Дюруа ҳаялламай унинг ҳузурига борди. Хоним уни ўзининг бир дугонаси билан таништирмақчи экан. У хоним бал бераётган бўлиб, бал ҳақида «Француз ҳаёти» хабар берса деган тилакда экан.

– Албатта бўлади, хоним афандим, албатта... – минғирлади Дюруа.

Де Марель хоним энди унинг шундоқ ёнгинасига келиб қолганди. Орқасига ўгирилиб нарироқ кетишга унинг юраги дов бермади.

Шунда бирдан у эсдан оғиб қолаёзди.

– Яхшимисиз, Азизим, – деди дона-дона қилиб де марель хоним. – Мени танитай қолдингизми?

У тез ўгирилиб қаради. Хоним чехраси гул-гул очилган, шод табассум қилган ҳолда унинг қарши-сида турарди. У Дюруага қўлларини чўзди.

Дюруа унинг қўлларини юраги бир орзиқиб тушиб олди: у ҳамон бир кори ҳол рўй бериб қолма-сайди, деб чўчиб турарди.

– Сизга нима бўлди? Анчадан бери кўринмай-сиз? – деди хоним самимийона.

– Мен жуда банд бўлиб қолдим, хоним афандим, ҳеч қўлим ишдан бўшамайди, – пойма-пой қилиб сўйлай бошлади у, ўзига келишга ҳаракат қилар экан. – Жаноб Вальтер менга янги вазифа юклаб қўйдилар, ишим жуда кўпайиб кетди.

Де Марель хоним ҳамон кўзларини унинг юзларидан узмай турар, бироқ Дюруа унинг чехрасига қанча зеҳн солмасин, ўзига ихлосдан бошқа нарсани уқмади.

– Биладан, – деди хоним. – Бироқ бундан дўстларни унутиб юборинг, деган маъно келиб чиқмайди.

Уларнинг суҳбатларини ҳозиргина кириб келган, елкалари кенг очилган, тўла семиздан келган хоним бузди, бу хонимнинг қўллари, ёноқлари қип-қизил эди, у жуда оҳанжама билан кийинган, сочларини галати қилиб ўрган, таманноси зўр эди. Унинг қадамлари залворли тушар, шундан оёқлари қанчалик йўғонлигини тасаввур қилиш мумкин эди.

Дюруа ҳаммалари у билан жуда иззат-икромда муомала қилаётганларини кўриб, Форестье хонимдан сўради:

– Бу киши ким бўладилар?

– Виконтесса де Персмюр, «Оқ панжа» лақаби билан ёзадиган хоним.

Дюруа кўзларига ишонмай қаради, унинг хахлаб юборишига оз қолди.

– Оқ панжа! Оқ панжа! Мен бўлсам, уни сиз тенги ёш жувон бўлса керак, деб юрардим. Оқ панжа шу киши денг? Қойил, қойил, тараф йўқ!

Эшикда хизматкор кўриниб:

– Таом тайёр, – деб маълум қилди.

Одатдагидай қувноқлик билан овқатландилар. Ҳамма эсига келган нарсани гапирар, бири боғдан келса, бири тоғдан келарди. Дюруа Вальтернинг тўнғич қизи хунуккина Роза билан де Марель хоним ўртасида ўтирганди. У де Марель хонимнинг ёнида ўтирганидан қисинар, тортинчоқлик қиларди. Хоним эса бепарвогина гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтирар, қилиқлари ғоятда бегидир, табиий эди. Аввалига Дюруа худди нотадан адашиб кетган мусиқачи каби ўзини ноқулай сезиб, ҳаяжонланиб ўтирди, нимадандир чўчиди. Лекин аста-секин ўзини тутиб олди, шундан сўнг уларнинг бир-бирларига саволомуз қараб қўйишлари, бир-бирларига қарамасдан ўтиролмасликлари билинди, бу нигоҳлар аввалгидай фақат икковларигина англашлари мумкин бўлган маъноларга тўла, дил розлари акс этиб турган қарашлар эди.

Шунда тўсиндан Дюруанинг оёғига нимадир тегиб кетгандай бўлди. Дюруа оёғини оҳишта узатиб де Марель хонимнинг оёғини топди, у оёғини тортиб олмади. Бу дамда ҳар икковлари ҳам ўз қўшнилари билан чақчақлашиб ўлтирар эдилар.

Дюруанинг юраги қаттиқ уриб кетди, у тиззасини яна озгина чиқарди. Унга енгил туртки билан жавоб бердилар. Шунда у ўрталаридаги ишқий муносабатлари яна қайтадан изга тушажагини англади.

Улар кейин бир-бирларига нималар дедилар? Айтарли ҳеч нарса, бироқ назарлари ҳар сафар бир-бирларига тушганда, дудоқлари титраб кетарди.

Шунинг баробарида Дюруа бошлиқнинг қизини ҳам унутмас, дам-бадам билан у билан ҳам гаплашиб қўярди. Қиз ҳам онасига ўхшаб, унга ўйланиб ўтирмасдан шартта жавоб қайтарарди.

Вальтернинг ўнг ёнида маликалардай бўлиб ви-контесса де Персмюр виқор билан савлат тўкиб ўтирарди. Дюруа ҳар сафар унга қараганда ўзини базўр кулгидан тийиб қоларди.

– Яна биттаси бор-ку, «Пушти домино» дегани. У ким? Биласизми? – секин сўради у де Марель хонимдан.

– Баронесса де Ливарми? Билганда қандоқ.

– У кишим ҳам бу кишимга ўхшайдиларми?

– Йўқ. Лекин шунақа ажойиб. Олтмиш ёшли кампирни тасаввур қилинг. Эти суягига ёпишган, сочлари улама, тишлари ясама, одатлари эса Реставрация даврининг одатлари ва қилиқлари.

– Бу топилмасхонларни қаердан кавлаб олишди.

– Янги бойлар доимо асилзодаларнинг қолган-қутганларини йиғиштириб биқинларига олиб юришади.

– Балки, бошқа сабаблари бордир?

– Бошқа ҳеч қандай сабаби йўқ.

Шундан кейин хўжайин, ҳар иккала депутат, Жак Риваль ва Норбер де Варен сиёсат ҳақида баҳслаша кетишди, бу баҳс то энгил таомлар тортилгунга қадар давом этди.

Барча меҳмонлар меҳмонхонага ўтишгандан сўнг Дюруа де Марель хонимнинг олдига келди-да, унинг кўзларига тикилиб туриб сўради:

– Сизни кузатиб қўйишимга ижозат этасизми?

– Йўқ.

– Нега?

– Чунки қўшним Ларош-Матъе ҳар сафар бу ерда зиёфатда бўлганимдан сўнг мени уйга элтиб қўяди.

– Қачон энди кўришамиз?

– Эргалаб нонушта қилгани келинг.

Бошқа бир-бирларига бир сўз демай ажралишдилар.

Меҳмондорчилик Дюруага жуда зерикарли туюлиб кетди ва саадан сўнг у жўнаб қолди. Зинадан тушиб бораркан у Норбер де Варенга етиб олди. Кекса шоир уни қўлтиқлаб олди. Улар турли соҳаларда иш кўришар, шунинг учун ҳам Норбер де Варен уни энди ўзига рақиб деб билмас ва унга оталарча меҳрибонлик билан қарар эди.

– Балки, сиз мени бир оз кузатиб қўярсиз? – сўради у.

– Жоним билан, муҳтарам устоз, – деб жавоб берди Дюруа.

Шундан сўнг улар Мальзерб бульвари бўйлаб секин-секин юриб кетдилар.

Тун совуқ. Париж кимсасиз эди, мана шундай кечаларда осмон кенгайиб кетгандай, юлдузлар ниҳоятда баландга чиқиб олгандай бўлиб туюлади ва шунда шамолнинг муздак нафаси жуда-жуда олислардан, олис маконлардан, сайёралардан ҳам йироқроқ манзиллардан алланималарнидир ўз қанотида олиб келаётганга ўхшаб туюлади.

Бирмунча вақт жимгина бордилар.

– Ларош-Матъе жуда ақлли, билимдон одамга ўхшаб кўринади, – деди Дюруа орадаги жимликка барҳам бериш ниятида.

– Ростданми? – пўнғилади кекса шоир.

– Рост, – ишонқирамай деди Дюруа. – Ахир, уни палатанинг энг кўзга кўринган аъзоларидан деб ҳисоблашади-ку.

– Бўлса бордир. Булбул йўғида зоғ булбул бўлган экан. Биласизми, биродар, булар ҳаммаси жуда ақли қисқа одамлар, улар сиёсат билан бойлик орттиришдан бошқа нарсани билмайдилар. Булар шу қадар тор одамларки, ҳатто улар билан ёзилиб гаплашолмайсан, сиз билан мен учун қимматли бўлган гаплар уларга бегона. Уларнинг ақлини балчиқ босиб кетган, тўғрироғи, ифлослашиб қолган. Сена Анъерга борганда мана шундай ифлос бўлиб оқади.

Хаёли денгиз соҳиллари каби кенг ва денгиз ҳавоси каби тоза одамларни топиш жуда қийин бўлиб кетди! Мен шундай одамларни билардим, – лекин улар ўлиб кетишди.

Норбер де Варен дона-дона қилиб, лекин овозини кўтармай сўзлар, шоир атай шундай қилаётгани билиниб турар, бўлмаса унинг овози кечатинчилигида гулдираб чиққан бўлар эди. Шоир ҳаяжонда эди: юрагини дард эзиб ётганга ўхшар, шу дард қалбининг барча торларини чалаётганга, титратаётганга ўхшарди. Қора совуқ заминни ўз исканжасига олганда у мана шундай титраб кетади.

– Шуниси ҳам борки, – деб давом этди у, – сенинг талантинг борми, йўқми – барибир эмасми, охирида ҳаммаси йўқ бўлади!

У жимиб қолди.

Дюруа бугун ўзини қушдай енгил сезмоқдайди.

– Бугун кайфиятингизнинг мазаси йўқ, муҳтарам устоз, – деб қўйди Дюруа жилмайиб.

– Менинг кайфиятим доим шунақа, бўталоғим, – эътироз билдирди Норбер де Варен. – Шошмай туринг: бир неча йилдан сўнг сиз ҳам менингдек бўлиб қоласиз. Умр – тоғ. Кўтарилиб бораркансан, ўзингни бахтиёр сезасан, чўққиларга назар ташлайсан, лекин чўққига чиқиб улгурмасингдан

дарров пастга тушадиган вақт бўлиб қолади, олдинда эса фақат ўлим бор. Чиққанда секин чиқасан, тушганда бирпасда ўзингни пастга кўрасан. Сизнинг ёшингизда биз ҳаммамиз шўх-қувноқ эдик. Кўнгилларимиз умидлар билан тўла эди, лекин умидлар рўёбга ҳеч қачон чиқмас экан, доимо армон бўлиб қолавераркан. Одам менинг ёшимга етгандан кейин ҳеч нарса кутмай қўяди... ўлимдан бошқа.

Дюруа кулиб юборди.

– Худо ҳақи, баданларим жимирлашиб кетди.

– Йўқ, – деди Норбер де Варен, – сиз ҳозир мени тушунмайсиз, лекин бир кун келиб менинг гапларимни эслаб юрасиз.

Биласизми, шундай кун келадики, – кўплар учун у тезда келади, – унда сиз кулги нималигини ҳам унутиб қўясиз, ўшанда қаерга қараманг, нимага назарингиз тушмасин, барининг ортида ўлим турганлигини кўрасиз.

О, сиз ҳали «ўлим» сўзининг ўзи нима эканлигини англамайсиз! Сизнинг ёшингизда бу сўз ҳавойи бир нарсадай кўринади. Менга эса у жуда даҳшатли бўлиб туюлади.

Ҳа, бир кун келиб ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бирдан у хаёлингда гавдаланади, уни тушуна бошлайсан, шунда бутун ҳаётинг ўзгариб, ўзгача маъно касб этади. Мана ўн беш йилдирки, у ич-этимни қуртдай кемириб ётибди. У мени кун-бакун, соатма-соат емириб, киши билмас пайимни қирқиб келади, мана энди мен қулай-қулай деб қолган иморатга ўхшаб қолдим. У мени шунчалар ҳам абгор қилиб ташладики, энди ўзимни ўзим танимай қоляпман. Мен ўттиз ёшимда соғлом, бақувват, тараллабедод йигит эдим, энди булардан менда урвоқ ҳам қолгани йўқ. Ўлим қаҳқор-

дир, у мана, неча йилдирки, аста-секин ҳеч адашмай қоп-қора сочларимни оппоқ қилиб қўйди! У менинг бутун вужудимни сўриб олди, бужмайтириб ташлади, тишларим, мушакларим, йигитлик қувватимни тортиб олди, ёлғиз фарёд чекиб ётган гариб жонимни қолдирди, уни ҳам қўймайди, тезда илиб кетади.

Ҳа, мени бутунлай кемириб ташлади, у нобакор, бутун вужудимни узоқ замон билинтирмай, бир сония бўлсин тинмай даҳшатли суратда вайрон қилиб борди. Мана энди нимага қўлимни урмай, гўё ўлим ёқамдан олиб турган каби туюлади. Ҳар бир қадамим билан унга яқинлашиб боряпман, менинг ҳар бир ҳаракатим, ҳар бир олган нафасим у ғаламусга кўмак бўлиб боради. Емоқ, ичмоқ, нафас олоқ, ётмоқ, ишламоқ, орзулар қилмоқ – бу ўлимга бормоқдир. Яшамоқнинг асл маъноси ҳам ўлмоқдир!

О, булар ҳаммаси ўзингизнинг бошингизга ҳам тушади! Агар сиз бу ҳақда озгинагина ўйлаб кўргангизда эди, сиз уни кўрган бўлардингиз.

Нимани кутиб турибсиз? Муҳаббатми? Яна бир қанча бўсалардан сўнг сиз лаззатлардан маҳрум бўласиз.

Яна нима? Пулми? Нимага? Хотинларни қўлга киритиш учунми? Ҳайф! Суллоҳлик билан овқат ейиш, семириш ва кечалари боднинг оғриғига чи-долмай бақариб чиқишгами?

Яна нима қолди? Шухратми? Лекин севгидан маҳрум бўлганингиздан кейин шухратнинг сизга нима кераги бор?

Шундай бўлгач, яна сизга нима керак? Ўлим – ҳақ.

Гоҳо унинг нафаси шундоқ юзимга уриладики, қўлимни узатиб нарига итқитиб юборгим келади. У замин сатҳини гиламдек энлаб ётибди, у

маконларни тўлдириб турибди. Кўзларим уни ҳар ерда кўради. Йўл ўртасида мажақланиб ётган қора қўнғиз, обияти кетган япроқлар, дўстимнинг соқолидаги оқ тола – буларнинг бари юрагимни яралайди ва: «Мана у!» – деб кўрсатиб туради.

У, нимага уринмай, кўзларимга шуни хунук қилиб кўрсатади, нимани кўраётган, нимани еб-ичаётган бўлсам, нимани яхши кўрсам: ойнанинг зиёсими, тонгнинг отишими, бепоён денгизларми, тўлиб оқаётган дарёларми, салқин ёз кечаларининг оромбахш ҳавосими, нафас олиб, қараб тўймайдиган нарсаларнинг барини заҳарлаб туради!

Шоир ҳансираб қолди, шунинг учун қадамини майдалаб ташламоқда эди. У ёнидаги ҳамроҳини ҳам сезмай, гўё ўзи билан ўзи гаплашиб борарди.

– Ҳеч бир зот у ердан қайтиб келмади, ҳеч ким... – давом этарди у. – Ҳайкаллар, нарсалар қуйилган қолипларни асраб қолиш мумкин, улардан нарсаларни бошқатдан ясаш мумкин, бироқ менинг жисмим, менинг чехрам, менинг хаёлларим, истакларимни бошқа тирилтириб бўлмайди. Шуниси ҳам борки, яна миллионларча, миллиардларча худди меникига монанд бир неча квадрат сантиметр сатҳга жойлашадиган бурни, кўзлари, манглайи, ёноқлари, дудоқлари бўлган мавжудотлар дунёга келади, уларнинг жони ҳам менинг жонимга ўхшаган бўлади, лекин фақат мен қайтмайман ва у сон-саноқсиз махлуқотлар мендан бошқа ҳеч нарса ололмайдилар.

Нимага суянса бўлади? Кимга ҳасратларингни ёзсанг бўлади? Нимага ишонсак бўлади?

Динлар – барчаси бирдай – сафсата: уларга болаларгина ишониши мумкин, уларнинг ваъдалари худбин ва ғоятда бемаъни.

Ёлғиз ўлим ҳақ.

У тўхтаб, Дюруанинг пальтосини ёқасидан тутди-да, секин гапира бошлади:

– Буларни ўйлаб кўринг, йигит, кунлар, ойлар, йиллар ўйланг, шунда сиз ҳаётга бутунлай бошқача назар билан қарайдиган бўласиз. Нимаики кўкрагингизда тошдек осилиб турган бўлса, ундан тезроқ қутулишга ҳаракат қилинг, бир зўр бериб ўзингизни қўлга олинг-да, ҳали тирик экансиз, ўзлигингиздан кечинг, манфаатларни улоқтириб ташланг, фикрларингиздан қайтинг, одамзотдан ўзингизни четга олинг, нарсаларнинг туб моҳиятига назар ташланг – ана шунда сиз романтикларнинг натуралистлар билан олиб борган баҳслари, бюджет тўғрисидаги мунозаралар икки пулга қиммат эканлигини билиб оласиз.

У қадамини тезлатиб олға юриб кетди.

– Айни замонда сиз ҳеч нарсадан умид йўқлиги ва бунинг нақадар даҳшатли эканлигини ҳис қиласиз. Шунда сиз иштибоҳлар гирдобида кўрасиз ўзингизни ва ундан халос бўлиб кетолмай питирлаб ёта берасиз. Сиз: «Ёрдам беринг!» – деб фарёд кўтарасиз, бироқ ҳеч кимса сизнинг фарёдингизга қулоқ солмайди. Сиз нажот истаб қўлларингизни чўзасиз, ёлворасиз, севги, таскин, нажот тилайсиз, лекин ҳеч кимса ёрдамга қўл чўзмайди.

Нега биз бунчалар азоб чекиб яшаймиз? Бу эҳтимол шунинг учундирки, биз оламга руҳимиз эҳтиёжларини қондиргали эмас, танимизнинг талабларини бажо этгали келамиз. Бироқ биз тафаккур қобилиятига эгамиз ва бизнинг тобора камол топиб борадиган онгимиз тирикликнинг турган-битгани рўё эканлиги билан сира чиқиша олмайди.

Одми одамларга қаранг: улар бошларига бир бахтсизлик тушмагунча ўз тақдирларидан ғоятда мамнун яшайдилар, улар дунёнинг ғамини чекиб

ўтирмайдилар. Махлуқотлар ҳам шундай, қайғуни билмайдилар.

У яна тўхтаб қолди ва бир дақиқа ўйлаб тургач, ҳаммасига тан бериб қўйган, гоятда ҳорган одамнинг овози билан деди:

– Мен тамом бўлган одамман. Менинг на отам, на онам, на акам, на опа-синглим, на хотиним, на фарзандим, на оллоҳим бор.

Кейин бир оз жим тургач, қўшиб қўйди:

– Менинг фақат қофиям бор.

Шунда у тўлин ойнинг бўз нурлари ёғилиб турган осмонга кўзларини тикди-да, шеър ўқиди:

*Мен осмон қатидан ҳаёт сирин излайман,
Кезиб ойдин кечалар неларнидир бўзлайман.*

Улар Иттифоқ кўпригидан ўтиб, Бурбон саройи ёнидан кетишди.

– Уйланинг, дўстгинам, – яна гапга тушди Норбер де Варен, – менинг ёшимдаги одам учун ёлғизлик қандай бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ёлғизлик жуда жонимдан ўтиб кетди, мени туганмас аламларга гирифтор қилмоқда. Кечқурун уйда ёлғиз ўтириб камин олдида исинарканман, бутун оламда ёлғиз ўзим қолгандай, ҳеч кимим йўқдай бўлиб туюлади. Бунинг устига бошимга аллақандай номаълум хатарлар бостириб келаётгандай, сирли ва қўрқинчли нарсалар бор каби туюлаверади. Мени нотаниш ён қўшнимдан ажратиб турадиган девор гўё бизнинг ўртамиздаги масофани юдузлар қадар узоқлаштириб юборгандай бўлади. Шунда мен ўзимни қўярга жой тополмай қоламан, қўрқинч ва чорасизликдан дағ-дағ қалтирайман, мени деворларнинг соқов нигоҳи ваҳимага солади. Қанчалар ғамзадалик билан тў-

либ-тошган бу ёлғиз гўша! Сенинг жисмингнигина эмас, бутун руҳингни ҳам жимжитлик қамраб олади ва стул салча ғижирлаб кетса, қўрқувдан дир-дир титрайсан, зотан, бу серкулфат гўшада ҳатто сас ҳам ғалати эшитилади.

У бир оз жим қолгач, қўшиб қўйди:

– Ҳар қалай қариган чоғда фарзандларинг борлигига не етсин!

Улар Бургунд кўчасининг ярмини босиб қўйдилар. Баланд бино олдида тўхтаган шоир қўнғироқ чалди.

– Қариб алжиб қолган бу одамнинг гапларини унутинг, йигит. Ёшингизга муносиб яшайверинг. Хайр! – ўз ҳамроҳининг қўлини сиқиб деди у ва қоп-қоронғи йўлакка кириб кетди.

Дюруа юраги сиқилиб йўлида давом этди. Назарида, у ўлган одамларнинг суяклари тўлиб ётган ўрага қарагандай бўлди, – бир кунмас бир кун бу ўрага ўзи ҳам тушади, албатта.

– Қуриб кетсин! – деб пичирлади у. – Унинг уйи қандайлигини тасаввур қилиш мумкин. Йўқ, мен у киши ўзининг фикрларини кўриқдан ўтказаетган чоғда биринчи қаторда ўтиришни истамас эдим. Каминани бундан озод этингиз.

Шунда у каретадан тушиб уйига кириб кетаётган атир-упа сепган хонимга йўл берди, ҳавода гулсафсар ва тизимгул ислари анқиб кетди. Дюруа бу ифор ислардан тўйиб нафас олди. Ўпкаси ютоқиб бу анбарин ҳидларни шимирди, юраги шодон тепа бошлади. У эртага де Марель хонимни кўраман, деб ўйлади ва уни эслаган замони бутун вужудига иссиқ югургандай бўлиб кетди.

Ҳамма нарса унга кулиб боқмоқда, ҳаёт уни алқамоқда. Умидларинг йўлдош бўлса қанчалар соз!

У ўзини тенгсиз бир фароғат оғушида ҳис қилиб уйқуга ётди ва висол дамларидан олдин Булон хиёбонларини кезиш учун барвақтроқ турди.

Шамол энди бошқа томондан эсмоқдайди, кечаси билан ҳаво юмшоқ бўлиб қолган, офтоб худди апрел ойи келгандай иситар, кун илиқ эди. Булон ўрмонининг ошиқлари эркаловчи, тиниқ осмон чорлаб келгандай сайр қилиб юрардилар.

Дюруа худди кўклам кўкатларидай тоза ва барра ҳаводан тўйиб-тўйиб шимириб, оҳиста борарди. Зафар аркидан ўтгач, от-улов учун мўлжалланган йўлнинг ёнидаги кенг хиёбон бўйлаб кетди. У отларини ким йўрттириб, ким чоптириб бораётган бадавлат киборларга, эрлар ва хотинларга қараб бораркан, кўнглида жиндек ғаш ва ҳавас уйғониб кетарди. Унинг репортерлик ҳунари доврўқли одамларнинг барчаси билан тўқнаш-тирган, у уларнинг адрес-календарига, барча Париж жанжаларининг қомусига айланиб қолганди, бу жанобларнинг барчасини у исмларигача, қанча мулк-давлати борлигигача, турмушининг кўпчиликка қоронғи бўлган томонларигача беш қўлдай биларди.

Унинг ёнгинасидан энгилларига ёпишиб турган мовут костюм кийган сувора хонимлар ўтиб боришар, уларнинг бутун саҳт-сумбатидан отга минган кўпчилик хотинларда пайдо бўладиган кубароларча кеккаймачоқлик акс этиб турарди. Дюруа шунда ўзига эрмак топиб олди: у худди черков алёрчиси каби паст овоз билан уларнинг ўйнашлари, деб ҳисобланган одамларнинг исм-фамилиялари, асъаса-унвонларини атай бошлади, баъзан у: «Барон де Танкле, князь де ла Тур-Энгрэн...» деб санаб келарди-да, бирдан бошқа бир санокни бошлаб юборарди. Булар эса, Лесбос оролига мансуб

хотинлардан: Водевилдан Луиза Мишо, операдан Роза Маркетен.

Унга ўзининг бу эрмаги жуда хуш ёқиб кетди: улар ўзларининг димоғдор кўринишлари билан ўтакетган пасткашликларини ниқобламоқчи бўлардилар. Дюруанинг бунга ишончи комил эди. У бундан мамнун эди, юраги бундан таскин топар, бу уни илҳомлантирар эди.

– Мунофиқлар! – деди у овозини баланд қилиб ва энг хунук мишмишлар тарқалган одамларни кўзлари билан қидира кетди.

Суворийлар орасида ғирром қиморвозлар ҳам оз эмасди, нима деманг, қиморхоналар уларга бирдан-бир туганмас бойлик орттириш манбаи бўлиб ҳисобланарди.

Уларнинг баъзилари қанчалар машҳур бўлишларига қарамасдан фақат хотинларининг маблағлари билан кун кўришар ва бу ҳеч кимга сир эмасди, бошқа бирлари эса, биладиган одамларнинг айтишларига қараганда, маъшуқаларининг ҳисобига кун кечирар эдилар. Уларнинг кўплари ўз қарзларини тўлаб қўйишганди (тасанно дегинг келади), лекин ҳеч кимса улар бу пулларни қаердан олганликларини айтиб беролмасди (Одам унча ишонмайдиган сир). Дюруанинг кўз олдидан зўр пулдорлар ўтиб туришар, уларнинг ҳозирги афсонавий давлати оддий ўғирликдан бошланганди, лекин шунга қарамасдан, уларни ҳар ерда қабул қилишар, энг яхши хонадонларнинг эшиклари улар учун очиқ эди. Бунда яна шунчалар ҳурматли шахслар ҳам бор эдики, уларни кўрганда майда буржуалар шляпаларини қўлларига олишар, ваҳоланки жамиятни таг заминидан кузатиб юрган кишилар уларнинг ғоятда йирик давлат ташкилотларини ичдан ўмариб ётганларини яхши билишарди.

Лабларини кибру ҳаво билан қимтиб олган, юзлариди сурбетлик ифодаси акс этиб турган бу жаноблар бари ғоятда калондимоғ эдилар: улар бакенбард қўйган бўлсалар ёки бакенбард ўрнига мурт ўстирган бўлсалар – бунинг аҳамияти йўқ эди.

Дюруа масхара қилиб кулиб борарди.

– Афтингдан олгурлар-е! — такрорларди у. – Ҳаммаси олғир, ҳаммаси муттаҳам! Бари бир гўр буларнинг.

Шу он пастаккина, усти очик чиройли коляска ўтиб қолди, коляскага ёл ва думлари ҳилпираб бораётган иккита оқ от қўшилган эди, отларни ёшгина, ғоятда нозик, сочлари кумушсимон бир жувон бошқариб кетмоқда, унинг орқасида икки малайи ҳам бор, бу донғи кетган эрмак хотинлардан эди. Дюруа тўхтади – у ўз ишини қойил қилиб юқори табақалар ичига кириб олган. Ишқ бозорини чаққон қизитиб юборган ва барча мунофиқ асилзодалар сайрга чиққан бир пайтда ўзининг мана ман деб турган, кўрпанинг тагида топилган ҳашам-ҳушамини намойиш қилаётган ушбу зеб-зийнат соҳибасига қуллуқ қилиб қўйишни истарди. Балки у ўзи билан бу хотин ўртасида қандайдир ўхшаш томонлар борлигини, хотиннинг табиатида ўзига яқин бир нарсалар мавжудлигини ҳис қилгандир. Икковлари бир тоифадаги, юраклари бир-бирларига ҳамоҳанг одамлар эканлигини ва ўзи ҳам олдига қўйган мақсадларига худди унинг сингари одамни лол қолдирадиган йўллар ва воситалар билан эришажани фаҳмлаб қолгандир.

У шошмасдан орқага қайтди, вужудини аллақандай мамнунлик ва қониқиш ҳислари чулғадди, лекин қанча секин юрмасин, маъшуқасининг ҳузурига андак барвақтроқ кириб борди.

Хоним уни қаршилаб оларкан, гўё ўрталарида ҳеч вақо бўлмагандай лабларини бўсага тутди. Ҳатто у бир неча дақиқага ўз уйида турганлиги, эҳтиёт бўлиш зарурлигини ҳам унутиб қўйди, бошқа пайтларда у уйда жўшган эҳтиросларини жиловлашга ҳаракат қиларди.

– Биласанми, жоним, аттанг дейдиган бир иш бўлиб қолди? – деди хоним Дюруанинг шоп мўйлабларининг дикрайган учидан ўпаркан. – Сен билан ўзимнинг ажойиб асал ойимни ўтказмоқчи бўлиб турсам, томдан тараша тушгандай эрим келиб қолса бўладими, унга отпуска беришибди. Бироқ мен сени шунча кўрмай юриб яна бир ярим ой курмасдан туролмайман, шунинг учун хаёлимга бир фикр келди: унга сен ҳақингда бир гапиргандим. Гап шуки, душанба куни бизникига меҳмон бўлиб келасан, мен сизларни таништириб қўяман.

Дюруа иккиланиб қолди: боши қотиб турганининг сабаби, у ҳали бирон марта хотини билан дон олишиб, устига эри билан улфатчилик қилиб кўрмаганди. У арзимаган нарсадан ўзимни фош қилиб қўяманми, деб қўрқиб турарди.

– Йўқ, – деб гўлдиради у, – эринг билан танишгим йўқ.

Дюруанинг кўзларига тонг қолиб тикилар экан, содда хотин қисталанг қилиб туриб олди:

– Нега ундай дейсан? Бўлмағур гап! Ҳамма шундай қилади! Сени ақлли йигит деб ўйловдим.

Бу унинг қитиқ патига тегиб кетди.

– Майли, бўпти, душанба куни келаман.

– Мен Форестьяларни ҳам чақираман, унда нур устига нур бўлади, – деб қўшиб қўйди де Марель хоним. – Уйимда меҳмон кутиш жинимга тўғри келмаса ҳам майли.

То душанба келгунча Дюруа бўлажак учрашув ҳақида ўйлагани йўқ. Бироқ у де Марель хоним-никига зинадан кўтариларкан, юрагини алланечук бир безовталиқ чулғади: маъшуқасининг эри билан қўл олишиб кўришмоқдан, унинг виносини ичиб, нонини баҳам кўришдан тортиниб тургани йўқ эди – йўқ, у нимадандир кўрқмоқдайди, лекин нимаданлигини ўзи ҳам билмасди.

Уни меҳмон кутиладиган хонага олиб кирдилар, у ҳар қачонгидай яна кута бошлади. Кейин эшик очилиб кўкрагига орден таққан, яхши кийинган, баланд бўйли, соқоллари оқарган, салобатли одам унинг қаршисига юриб келди-да, назокат ва мулозамат билан деди:

– Сиз билан танишганимдан ғоятда хурсандман, афандим, хотиним сиз ҳақингизда анча гапириб берган эди.

Чехрасига иложи борича дўстона ва самимий бир ифода беришга ҳаракат қилган Дюруа уй соҳибига пешвоз юрди ва атай унинг қўлларини қаттиқ қисиб қўйди. Бироқ ўтирганлари ҳамано Дюруанинг тили танглайига ёпишиб қолди.

– Газеталарга анчадан бери ёзиб турасизми? – сўради жаноб де Марель каминга ўтин ташларкан.

– Бир неча ой бўлди, холос, – жавоб берди Дюруа.

– Шундай денг! Жуда тез кўтарилибсиз!

– Ҳа, шундай бўлди.

Шундан сўнг у гапираётган гапларини ўйлаб ўтирмай, биринчи марта учрашиб турган одамлар каби умумий йўсинда бир ундан, бир бундан гапга тушиб кетди. Энди унинг кўнгли ўрнига тушди, бу суҳбат кўзига қизиқ бўлиб туюла бошлади. Жаноб де Марелнинг кўркем оқ соқоли ва жиддий акс этиб турган чехраси Дюруанинг кулгисини қистатар, унга қараб туриб ўйлар эди: «Сени боп-

лаганман, қария, сени боплаганман». Бора-бора у тубанлик бўлса ҳам ич-ичдан мамнун бўла бошлади, у худди қўлга тушишдан чап бериб чиқиб кетган ўғри каби ўзида йўқ шод эди. У тўсиндан шу одамга дўст бўлгиси, унинг ишончини қозонгиси, барча сирларини билиб олгиси келди.

Бирдан де Марель хоним кириб келди ва уларга муғамбирона киши билмас назар ташлаб, Дюрунинг олдига борди. Унинг қўлларини доимгидай ўпишга журъат этмади Дюруа соҳиби хонадон олдида.

Хоним хурсанд ва вазмин кўринарди. Табиатан ва очиқ-ошкора ҳавойи, енгилтак беқарор бўлганлигидан кўпни кўрган бу хотин юз берган учрашувга одатдан ташқари бир нарса деб қарамас, назарида, бу ўзи шундай бўлиши керак эди. Лорина кирди ва ўзига ўхшамаган бир ийманчоқлик билан Жоржга пешонасини тутди, – отасидан қимтиниб турарди чоғи.

– Нега уни бугун азизим демадинг? – сўради онаси.

Қизалоқ худди унга нисбатан ғоятда кечириб бўлмас беадаблик қилиб қўйгандай, у ҳақда сира ҳам айтиш керак бўлмаган нарсани айтиб юборишгандай, гўё унинг пинҳона ва ардоқли, жиндек номуносиб сирини ошкор қилиб қўйишган каби лов этиб қизариб кетди.

Форестъелар келишди. Ҳаммалари Шарлнинг кўринишидан кўрқиб, хафа бўлишди. Кейинги ҳафта ичида Шарль ўзини қаттиқ олдирган, рангида ранг қолмаган эди. У тинимсиз йўталарди. Врачнинг талаби билан келаси пайшанба куни Каннга кетяпмиз, деди у.

Улар узоқ ўтиришмади.

– Менимча, унинг аҳволи ёмон, – деди бош чайқаб Дюруа, – бу дунёнинг одамига ўхшамай қолибди.

– Ҳа, адо бўлибди, – деб қўйди бепарволик билан де Марель хоним. – Лекин хотиндан жуда ҳам омади келган эди.

– Унга кўп ёрдам берадимиз хотини? – сўради Дюруа.

– Унинг ҳамма ишини хотини қилади деса ҳам бўлади. Нима иши бўлса ҳаммасидан хабардор, кўринишдан ҳеч ким билан алоқаси йўққа ўхшаса ҳам, танимаган одами йўқ. Нимани истаса, шуни қилади, қўли ҳар жойга етади, истаган вақтида истаган нарсасига эриша олади. О, бунақа шохида эмас, баргида юрадиган ҳийлакор хотин икки дунёда ҳам топилмайди! Узоққа кетаман деган одамга топилмас бир хазинанинг ўзи.

– У яна эрга тегишни пайсалга солиб ўтирмаса керак? – ўсмоқчилади Дюруа.

– Ҳа, – деди де Марель хоним. – Агар у мабодо ҳозирданоқ битта-яримтани кўз остига олиб қўйган бўлса, ажабланмас эдим... бирорта депутатми... фақат шуниси борки... у мабодо рози бўлган тақдирда...чунки...бу ерда жиддий тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин... ахлоқ-одоб жиҳатидан... Яна ким билади. Бас қилайлик шу гапни.

– Доим гапни ўлда-жўлда қиласан, шу одатингни сира жиним ёқтирмайди, – тўнғилади жаноб де Марель, унинг овозидан қиттаккина зарда қилаётгани сезилди. – Ҳеч қачон бировларнинг ишига аралашмаслик керак. Одамларни ўз виждони билан иш қилишга қўйиб бериш керак. Ҳамма шу қоидага риоя қилиши лозим.

Дюруа тўлқинланган ҳолда жўнади: кўнгли қандайдир янги имкониятлар туғилаётганлигини сезиб турарди.

Эртасига у Форестъеларникига борди, улар кетишга тайёргарлик кўришаётган экан. Шарль диванда ётиб, зўриқиб оғир-оғир нафас оларди.

– Мен бир ой олдин кетишим керак эди, – деярдди у нуқул.

Гарчи Вальтер билан ҳаммаси келишиб олинган бўлса-да, бироқ у яна Дюруага керакли маслаҳатлар берди.

Жорж хайрлашиб кетаркан, ошнасининг қўллари қаттиқ қисиб қўйди.

– Хўп, тезда кўришгунча, қария!

Форестъе хоним уни кузатгани чиқди.

– Келишган гапимизни унутмадингизми? – бийрон қилиб сўради Дюруа. – Ахир иккимиз дўст ва бир-биримизга иттифоқмиз, шундай эмасми? Башарти шундай экан, агар менинг бирон ёрдамим керак бўлиб қолса, қисиниб ўтирманг. Телеграмма ёки бир оғиз хат ёзсангиз, камина хизматингизга ҳозир бўлади.

– Раҳмат, унутмайман, – дея пичирлади хоним.

Унинг нигоҳи ҳам шундай деб турар, лекин кўз қарашлари айтган гапларига қараганда майин ва таъсирлироқ эди.

Дюруа зинада ўзи бир марта Форестъеникида учратган де Водрекни кўрди, у секин-секин чиқиб келмоқда эди. Графнинг кўриниши маъюсгина эди – хоним жўнаб кетаётганидан балки хафамиди, ким билсин?

Унинг олдида ўзининг киборларча таважжуҳини кўрсатиш учун Дюруа дарҳол тавозе қилди.

Де Водрек илтифот кўрсатиб, унга кибру ҳаво билан таъзим қилиб ўтди.

Форестъелар пайшанба кунни кеч билан жўнаб кетишди.

VII

Шарль кетгандан кейин Дюруанинг «Француз ҳаёти» редакциясидаги мавқеи зўрайди. У бир қанча бош мақолалар эълон қилди, айна замонда бошлиқ ҳар бир ходим ўз материалига жавоб беришни талаб қилганидан хроникага ҳам қўл қўйиб турди. У мунозараларга ҳам қўшилиб турар ва ҳар сафар баҳсни ўз фойдасига ҳал қилар эди. Шуниси ҳам борки, давлат арбоблари билан доимо алоқада бўлиб турганидан, бу нарса уни жуда пишитди, кўзларини ўткир қилди, ақлини пешлади – шу тариқа у сиёсий ҳаёт бўлимининг ходимига ғоятда зарур бўлган хислатларни орттирди.

Фақат бир нарса Дюруанинг кўнглини хира қилиб келмоқда эди. «Қалам» номи билан чиқадиган фирт тухматчи газета тинмай унга ҳужум қилгани қилган эди, тўғрироғи, унинг номини рўкач қилиб, «Француз ҳаёти»нинг хроника бўлими мудирига чанг солар ва уни «жаноб Вальтерни эсдан оғдирадиган хроника бўлими», деб атарди. Дюруа ҳар куни ўша ипирисқи газетанинг аллақандай бир ходими ёзадиган мақолачаларда ғалати шамалар, заҳарли гаплар ва турли-туман тухматларга дуч келарди.

– Жуда сабр-тоқатли одамсиз-да, – деди унга бир куни Жак Риваль.

– Ҳечқиси йўқ, – ғўлдиради Дюруа. – Ҳозирча росмана ҳужумга ўтмай турибди.

Лекин бир куни ҳали Дюруа редакция залига кириб улгурмасидан буаренар унга «Қалам»нинг янги сонини узатди.

– Қаранг, яна сизга ёпишибди.

– Ҳай! Нима муносабат билан?

– Бемаъни бир гап. Аллақандай Обер деган хотинни ахлоқ полицияси ушлаб олган экан, шунга.

Жорж газетани олиб, «Дюруа кўнгил очади» сарлавҳаси билан берилган мақолани ўқиб чиқди:

«Француз ҳаёти»нинг машҳур мухбири эълон қилганимиздек, қабиҳ ахлоқ полицияси томонидан қўлга олинган Обер хонимни таг-тутида йўқ одам деб айтибди. Аслида эса биз айтган хоним Монмартрда, Экюрей кўчаси, 18-уйда туради. Шуниси ҳам борки, биз полиция маҳкамасининг агентлари Вальтер банкининг ишларига бармоқ орасидан қараб келаётганлигини ва нима учун Вальтернинг одамлари полиция агентларини ҳимоя қилаётганликларини ва бунда қандай манфаат, тўғрироғи, манфаатларни кўзлаётганликларини яхши биламиз. Репортернинг ўзига келганда эса, шуни айтишимиз мумкинки, у яхшиси бизга чўпчакнамо гаплардан хабар берса тузук эди – ахир у бунақа хабарларга жуда устаси фаранг бўлиб кетган, у шунчалар устаки, биров ўлди, деб хабар берса, эртасига бу гап ёлғон бўлиб чиқади, жанг бўлди деса, аслида ҳеч қандай жанг бўлмаган бўлади. У нутқ сўзлаш хаёлига ҳам келмаган подшоларни тантанали нутқ сўзлади, деб чиқади. Бир сўз билан айтганда, у Вальтерга мўмай фойда келтирадиган хабарларнинг устаси бўлиб қолган. Бўлмаса, у шубҳали ишлари билан машҳур хотинларникида ўтадиган кечалардаги беозор ғийбатлардан сўйласин ёки баъзи биродарларимизга қоп-қоп фойдалар келтираётган озиқ-овқатлар сифатининг таърифини келтириб мақтаб бера қолсин».

Дюруа бир дарғазаб бўлса, бир боши қотди, лекин бир нарсани яхши англаб олди: бу гапларнинг оқибати унинг учун вой бўлиши ҳеч гап эмасди.

– Сизга у маълумотларни ким берган эди? – сўради Буаренар.

Дюруа ҳамма ходимларининг номларини бир-бир эслаб чиқди, лекин кимлиги сира эсига келмади. Ниҳоят, эслади:

– Э, Сен-Потен берган эди!

У мақолани қайтадан ўқиб чиқиб, ғазаби юзига тепди: уни сотқинга чиқариб қўйган эдилар.

– Ййе! – деб юборди у. – Нима, мени пора олади дейдимми...

– Шундайга ўхшайди. Улар сизга аблаҳдик қилишибди. Бошлиқ эса бунақа пайтларда аяб ўтирмайди. Хроникёрлар кўпинча...

Шу пайт Сен-Потен кириб қолди. Дюруа уни дарҳол гапга тутди:

– «Қалам»даги мақолани ўқидингизми?

– Ҳа, мен ҳозир тўғри Обер хонимнинг олдидан келаётирман. У ҳақиқатан бор экан. Лекин қамалмаган экан. Бояги гаплар гирт ёлғон.

Дюруа бошлиқнинг ҳузурига югурди, бошлиқ уни совуққина қарши олди, кўзларидан унга ишонқирамай қараётгани билиниб турарди.

– Ўша хотиннинг олдига боринг, – деди Вальтер унинг ҳамма гапларини тинглаб бўлгач, – кейин шундай бир раддия ёзингки, бошқа сиз ҳақингизда бундай номаъқул гапларни ёзмайдиган бўлишсин. Мен мақоланинг охиридаги гапни назарда тутяпман. Бу газетага ҳам, менга ҳам, сизга ҳам соя ташлайди. Журналист одам Цезарнинг хотинидай шубҳалардан холи бўлмоғи керак.

Дюруа ёнига Сен-Потенни олиб файтонга ўтирди.

– Монмартр, Экюрей кўчаси, ўн саккиз! – қичқирди у файтончига.

Улар каттакон уйнинг еттинчи қаватига кўтарилидилар. Эшикни жун кофта кийган кампир очди.

– Яна келдингларми? – деди у Сен-Потенни кўргач норози бўлиб.

– Мен сизнинг олдингизга полиция инспектори-ни олиб келдим, – деб жавоб берди унга Сен-Потен.
– Сиз унга ҳамма гапни айтиб беришингиз керак.

Кампир уларни уйга киритди.

– Сиздан кейин яна икки киши қайси бир га-зетадан келишди, номини билмайман, – деб гап бошлади кампир ва Дюруага қараб деди: – Афан-дим, қандай воқеа бўлганлигини билмоқчимисиз?

– Ҳа. Сизни ахлоқ полицияси қамоққа олгани рост гапми?

Кампир чапак чалиб юборди.

– Бе, қаёқда дейсиз, афандижон, бўлмаган гап. Воқеа бундоқ. Мен гўшт оладиган қассобнинг гўшти яхши бўлади, фақат у тарозидан уради. Буни жуда кўпдан бери пайқаб юрардим у зига айтмасдим. Кунни кеча ундан қиймали икки қадоқ гўшт сўраб бордим, қизим билан қуёвим келиша-диган эди – қарасам, тарозига нуқул лахтак гушт билан суяк ташлаяпти. Тўғри, қиймали гўшт суяк-сиз бўлмайди, биламан, лекин нуқул суяк ташлаб берса ҳам одамга алам қилар экан. Унинг берган гўшtidан рагу қилса бўлади, лекин мен гўштни юмшатиб пиширмоқчийдим-да. Қийқим-сийқим гўштини бошимга ураманми? Олмайман бунақа гўштни, дедим. Шунда у мени қари каламуш деб сўқди, мен уни қариб қуюлмаган муттаҳам дедим. У у деди, мен бу дедим, ишқилиб, айтишиб қол-дик, тумонат одам йифилди. Бўлди қийқириқ, бўл-ди қийқириқ! Иннайкейин полицияси келиб бизни комиссарнинг олдига бошлади. Комиссарнинг ол-дидан икковимиз ҳам ёвлашиб чиқдик. Ўшандан бери мен гўштни бошқа жойдан оладиган бўлдим, ҳатто дўконининг ҳам ёнидан ўтмайман, башара-си курсин, касофатдан йироқроқ юрай дейман-да.

Шу билан у ўз ҳикоясини тугатди.

– Шуми? – сўради Дюруа.

– Бор гап шу, афандижон.

Кампир Дюруага қора қорағатдан қилинган му-
саллас таклиф қилди, Дюруа ичмаслигини айтди.
Шунда кампир ёзганда қассобнинг тарозидан ури-
шини ҳам айтиб ўтинг, деб туриб олди.

Дюруа редакцияга қайтиб раддия ёзди:

*«Қалам»нинг номаълум қаламкаши менинг но-
мимга доғ тушириши мақсадида патларини юлиб,
ёши анчага бориб қолган хотинни ахлоқ полиция-
си қамади, деб бўҳтон гап қилибди. Мен бунни гирт
ёлгон, деб айтаман. Мен Обер хонимни ўз кўзла-
рим билан кўрдим, у кишининг ёши олтмишдан
ошиб қолган. Менга қассоб билан жанжаллашиб
қолганлигини бир бошдан оқизмай-томизмай ай-
тиб берди. Жанжал қассобнинг гўшт тортаёт-
ганда тарозидан урганлигидан келиб чиқибди.
Кейин комиссарга бориб ким ҳақ, ким ноҳақлигини
аниқлашибди.*

Фактлар шундай.

*«Қалам» ходимининг бошқа туҳматларига кел-
ганда, уларга жавоб бериб ўтиришини ўз шаънимга
нолоийқ деб биламан. Бунинг устига бўҳтон тарқа-
тувчининг ўзи ниқоб тагига яшириниб олган.*

Жорж Дюруа».

Вальтер ҳамда шу пайт унинг хонасига кириб
келган Жак Риваль шунинг ўзи етарли деб топиш-
ди. Раддияни яқин сонларнинг бирида худди хро-
ника бўлимининг тагида берадиган бўлишди.

Дюруа уйга барвақт қайтди, у анча ташвишла-
ниб қолган, кўнгли безовта эди. Унга анов нима
деб жавоб қайтараркин? У ким ўзи? Нима сабаб-
дан бунчалар унга ёпишяпти? Журналистларнинг

бир жаҳди чиқса, чапақай чиқишини ҳисобга олганда, бу ишларнинг охири зил бўлиб тугамаса эди ҳали. Дюруа мижжа қоқмай чиқди.

Эртасига ўз мақоласини газетада ўқиб кўриб мақола жуда ҳақоратомуз ёзилгандек туюлди унга. Қўлёзмадан бир хил ибораларни олиб ташлаб, уни салча юмшатса бўлар экан.

У кунни билан нашъаси паст бўлиб юрди ва яна кечаси билан тўлганиб чиқди. У «Қалам»дан жавоб топарман деган мақсадда уни тезроқ сотиб олиш учун тонг саҳарлаб ўрнидан турди.

Ҳаво яна айниб қолди: жуда ҳам совуқ эди. Йўл-каларнинг четларидаги ариқчалар музлаган, худди шоҳи ипак каби ялтираб турар эди.

Киоскаларга ҳали газета келмаган экан. Шунда Дюруа ўзининг илк мақоласи – «Африка ўқчисининг хотиралари» босилиб чиққан кунни эслади. Қўли ва оёқлари совуқдан тарашадай қотиб қолди, бармоқларининг учи ачишиб бормоқда эди. У сал бўлса-да, исинай деб киоска атрофида чопқиллаб айлана бошлади, киоска дарчасидан манқал олди дига чўккалаб ўтирган сотувчи хотиннинг фақат бурни, қизариб кетган ёноқлари ва тивит рўмоли кўриниб турар эди.

Ниҳоят, газета тарқатувчи келиб тешикдан бойлам-бойлам газеталарни узатди. Шундан сўнг сотувчи хотин Жоржга «Қалам»нинг саҳифаси очиқ сонини узатди.

Дюруа аввал шундай бир кўз югуртириб чиқиб ўз номини учратмади. У энди енгил нафас оламан, деганда, бирдан икки чизиқ орасига олинган мақолачани кўриб қолди:

«Француз ҳаёти»нинг ходими ҳурматли Дюруа раддия ёзибди, лекин у рад қила туриб яна ёлгон

гапирибди. Айтгандай, у ростданам Обер хоним борлигини ва полиция агенти уни маҳкамага олиб борганлигини тан олади. Фақат бунда у «полиция агенти» сўзларига яна бир сўз қўшиб ишлатса, яъни «ахлоқ полицияси агенти» деганда, ҳаммаси ўз ўрнига тушган бўлар эди.

Бироқ баъзи бир журналистларнинг виждони уларнинг қобилиятидан сира фарқ қилмаслиги равшан.

Қўл қўйдим: Луи Лангремон».

Дюруанинг яна юраги ўйнаб кетди. Ўзи ҳам нима қилаётганлигини яхши англамаган ҳолда уйга кийингани кетди. Шундай, уни ҳақорат қилдилар, бу шунақанги ҳақоратки, унга бир дам бўлсин тоқат қилиб бўлмайди. Нимадан бошланди бунинг бари? Ҳеч нарсадан. Аллақандай бир кампир қассоб билан ади-бади айтишиб қолган, шу, холос.

У тезгина кийинди ва гарчи ҳали соат саккиз бўлмаган эса-да, Вальтернинг ҳузурига йўл олди.

Вальтер ўрnidан турган, «Қалам»ни ўқиб улгурган экан.

– Шундай қилиб, – деб тантанали суратда гап бошлади у Дюруани кўриб, – сиз чекиниб ўтирма-сангиз керак, албатта?

Дюруа унга ҳеч нарса демади.

– Дарҳол Жак Ривални топинг, – давом этди ношир, – у ҳаммасини тўғрилайди.

Дюруа алланарса деб ғудраниб қўйди-да, Жак Ривални излаб кетди. У ҳали ухлаб ётган экан. Қўнғироқдан дик этиб ўрnidан турди.

– Иш расво! Унинг олдига боришга тўғри келади, – деди у мақолани ўқиб кўргач. – Иккинчи сескунданликка ким бўлишни истардингиз?

– Билмасам.

– Буаренар бўлсамикан? Нима дейсиз?
– Буаренар бўлса, Буаренар-да.
– Қиличбозликка қалайсиз?
– Қилич ушлаб кўрмаганман.
– Эҳ, чатоқ! Пистолетни-чи?
– Бир оз отиб кўрганман.
– Жуда соз. Мен ишларингизни битиргунимча сиз машқ қилиб тулинг. Андак сабр қилинг-чи.

У нариги хонага ўтиб, кўп ўтмай, ювинган, соқоллари қиртишланган, яхшилаб кийинган ҳолда қайтиб чиқди.

– Юринг кетдик, – деди у.

Риваль кичкина бинонинг пастки қаватида турар экан. У Дюруани кўчага қараган ойналари бутунлай беркитиб ташланган подвалга олиб тушди – подвал ҳайҳотдай бўлиб, у қиличбозлик ва пистолетдан отиб машқ қилинадиган тирга айлантирилган экан.

Пастга тушганларидан кейин Риваль қатор бўлиб тизилиб кетган газ чироқларини ёқди, чироқларнинг энг охирида қизил ва зангори рангларга бўялган темирдан ишланган тулум турарди. У столга орқасидан ўқланадиган тўртта пистолет қўйди, кейин худди дуэль ўтиладиган майдонга етиб келишгандай, ҳирқираб буйруқ бера бошлади:

– Тайёрмисиз? Отинг! Бир, икки, уч!

Дюруа болалик кезларида отасининг кўҳна узун тўппончасидан далада қушларни отиб юрарди. Мана энди шу ҳам қўл келиб қолди: у фикрлаб ўтирмасдан қўлини кўтарар, мўлжалга олар, тепкини босар ва кўпинча тулумнинг қорнига теккизарди, шунда Жак Ривалдан мақтовлар эшитарди:

– Яхши. Жуда яхши. Жуда яхши. Балосиз.

У кета туриб деди:

– Пешингача мана шундай машқни олиб тулинг. Мана ўқлар, уларни аяб ўтирманг. Сизнинг

олдингизга бирга овқатлангани келаман ва сизга бўлган гапларни айтиб бераман.

Сўнг у кетди.

Яна бир неча бор отиб кўргач, Дюруа ўтириб ўйга толди.

– Бориб турган аҳмоқлик буларнинг бари, вас-салом! Кимга керак бу? Наҳотки пасткаш одам дулда отишгани билан пасткаш бўлмайин қолса? Мана энди аллақандай бир ифлоснинг ҳақорати туфайли софдил бир одам кўкрагини ўққа тутиб бериши керак. Нима учун?

У оғир ўйларга толди ва беихтиёр Норбер де Вареннинг инсон онгининг ожизлиги, гоёларининг ҳеч нарсага арзимаслиги, ҳаракатларимизнинг бари беҳуда ва пуч эканлиги, одамзот ахлоқининг нобоплиги тўғрисида сўзлаган гаплари ёдига тушди.

– Жин урсин, у қанчалар ҳақ экан-а! – деб юборди у овозини чиқариб.

Унинг томоғи қуриди. Қаердандир сувнинг томчиллагани эшитилиб турарди, у ўтирилиб қараб, душ борлигини кўрди ва бориб тўғри жўмракнинг ўзидан сув ичди. Кейин яна ўйга ботди. Подвал баайни қабрнинг ўзи – қоп-қоронғи эди. Кўчадан ўтиб бораётган экипажларнинг гумбурлаган садоси худди олисдан келаётган момақалди роқ қалди роғи каби эшитиларди. Соат неча бўлди экан? Қамоқда вақтни назоратчининг келиб-кетадиган вақтларидангина билиш мумкин. Бу ерда ҳам айни шундай бўлиб туюларкан. Унинг назарида бир аср ўтганга ўхшарди.

Мана, оёқларнинг дупур-дупури ҳам қулоққа чалиниб қолди ва Буаренар билан биргаликда Жак Риваль кириб келди.

– Ҳаммаси ҳал бўлди! – узоқдан туриб қичқирди у.

Дюруа узр сўраб, хат ёзаман экан-да, деб ўйлади даставвал. Юраги гумуриб кетди.

– Ҳа-а!.. Ташаккурлар, – минғирлади у.

– Бу Лангремон деганимиз анча довяурак одамлардан экан, – деб гапида давом этди Жак Риваль, – у бизнинг барча шартларимизга рози бўлди. Оралиқ масофа йигирма беш қадам, команда билан тўппонча кўтарилади ва отилади. Шундай қилинса, пастдан юқорига мўлжаллаб чиққанга қараганда қўл қалтирамайди. Мана, ўзингиз кўрарсиз, Буаренар, мен ҳақлигимни.

Шундан кейин у қўлига тўппонча олиб, уни пастдан юқорига кўтариб отиб кўрсата бошлади. Шундай қилинса, қўлни юқоридан пастга туширгандан кўра мўлжалга уриш қулайроқ экан.

– Энди юрингизлар, тамадди қилиб олайлик, соат бир бўлиб қолибди, – деди у салдан кейин.

Улар яқинроқ ресторанлардан бирида овқатланиб олдилар. Дюруа овқат пайтида миқ этиб офиз очгани йўқ. У қўрқяпти экан, деб ўйламасликлари учунгина овқатдан чўқилаб ўтирди. Буаренар билан редакцияга келгач, у беихтиёр хаёли ғоятда фаромуш ҳолда ишга ўтирди. Ҳамма унинг ўзини тутишига қойил қолди.

Чошгоҳда Жак Риваль Дюруанинг қўлини сиқиб қўйгани кирди ва улар эртага эрталаб тўрт кишилик усти очиладиган ландода соат еттида учрашажаклари ва биргаликда дуэл ўтадиган Везине ўрмонига боражаклари ҳақида келишиб олдилар.

Буларнинг бари ёз куни ёққан қордай бирдан унинг ихтиёридан ташқари рўй берди, ҳеч ким ундан сен ўзинг бу ҳақда қандай фикрдасан, деб сўраб ўтиргани ҳам йўқ, ҳеч кимса розимисан, йўқми деб қизиқиб ҳам кўрмади. Ҳаммаси шу қадар тез, кўз очиб-юмгунча рўй бердики, у ҳатто ҳамон ўзига келолмайди, эс-ҳушини йиғиштириб, нима бўлганлигини мундоқ бир тагига етолмайди.

Дюруа худди садоқатли дўст каби куни бўйи унинг ёнидан жилмаган Буаренар билан кечки овқатни бирга қилди-да, соат тўққизларда уйга қайтди.

Бир ўзи қолгач, бир неча вақт унинг у бурчагидан бу бурчагига катта-катта қадамлар ташлаб бориб кела бошлади. У шу қадар қаттиқ ҳаяжонга тушган эдики, калласи гувиллаб, хаёлига ҳеч нарса келмасди. Хаёлини фақат бир нарса пармалаб турарди: «Эртага дуэль», лекин бу унинг юрагида аллақандай англамаган ташвишдан бошқа ҳеч нарса туғдирмас, ташвиши эса борган сари ортиб хавотирга айлана бормоқда эди. Нафсиламрга, у ахир аскарликда бўлган-ку, бир маҳаллар арабларни отиб юрган эди-ку. Илло, арабларни отганда, унинг ўзи беҳавотир эди, ахир бу қобон овига чиққандай бир омади гап эди-да.

Нима бўлганда ҳам у ўзини ерга урмади. Шундай қилиш керак эди. У одамларни қойил қилди. У энди тилга тушади, уни кўкларга кўтардилар, табрик ва тасанно айтадилар унга. Бироқ шуларни ўйларкан, қаттиқ изтиробга тушган чоғларда бўладиган каби бирдан бақриб юборди:

– Ҳайвон экан у!

Кейин ўтириб хаёлга толди. Столда рақибининг визит қоғози ётар, Риваль буни, адресини билиб қўйинг, деб берганди. У буни йигирма мартадан ортиқ ўқиган бўлса-да, яна бир марта қайта ўқиди: «Луи Лангрмон, Монмартр кўчаси, 176». Вассалом.

У тизилиб турган ҳарфларга тикиларкан, улар кўзларига ғоятда сирли, хатарли, маъноларга тўлиб ётган каби туюларди. «Луи Лангрмон» – буни ким бўлди? Ёши нечада? Бўй-баста қандай? Чехраси нечук? Ахир бу қандай бедодликки, қандайдир бир бегона одам тўсатдан ҳеч нарсадан

ҳеч нарса йўқ, сизнинг тинчгина кечаётган ҳаётингизни бузади, гулу солади, яна нимадан денг, аллақандай кампир қассоб билан жанжаллашиб қолганидан?

– Вой ҳайвон-ей! – деди у яна овозини чиқариб.

У қимир этмасдан визит қоғозига еб юборгудай бўлиб тикилиб ўтирарди. Мана шу бир парча қоғозга қарши унинг вужудида ғазаб, ёвуз бир ғазаб бош кўтармоқда, бу ғазабга яна аллақандай ўнғайсизлик ҳам араллашиб кетмоқда эди. Қандай бемазагарчилик! У тирноқ қайчисини олди-да, худди бировга зарба бераётган, ханжар ураётган каби уни қоғоздаги номга санчди.

Шундоқ, у жанг қилади, жанг қилганда ҳам тўппонча билан қилади! Нега у қилишни танламади? Эт-бети тилинса тилинарди, ҳозир нима бўлади, ким билади?

– Эй, бошингни баланд кўтар, қани! – деди у ўзига-ўзи.

У ўзининг овозидан чўчиб тушди ва атрофга олазарак бўлиб қаради. Жуда асабийлашиб кетибман-ей! У бир стакан сув ичди. Сўнг ечина бошлади.

Кейин ётди, чироқни ўчирди ва кўзларини юмди.

Хонанинг ичи салқин бўлса ҳам адёл ёпиниб жуда қизиб кетди. Кўзларига уйқу келмади. Ҳадеб у ёнидан бу ёнига ағдарилаверди: чалқанча ётиб беш дақиқа ўтар-ўтмас ўнг ёнига ағдарилар, кейин яна чап томонига қараб ётарди.

Бунинг устига томоғи ҳа деса қақраб кетмоқдайдди. У ўрнидан туриб сув ичди, шунда унинг дилини хавотирлик чулғаб олди: «Нима бало, қўрқаётган бўлмай тагин?»

Нима учун уйда бир нарса сал шитирласа юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлиб уриб кетади? Де-

вор соати жом чалишдан олдин сал мурвати ғир-чиллаб кетарди, буни энди эшитиб тургандай дир-дир титрайди, унга ҳаво етишмай қолди, худди бўфилиб кетаётганга ўхшайверди. Нега?

У худди психологларга ўхшаб ўзининг хатти-ҳаракатларини бирма-бир таҳлил қила бошлади: «Қўрқяпманми, йўқми?»

Йўқ, қўрқаётгани йўқ, энди бу ишни охирига етказиб қўймоқ керак, у жанг қилишга қатъий қарор қилган, юраксизлик қилиб орқага чекинмайди. Лекин у шу қадар ҳаяжонланмоқда эдики, беихтиёр ўзига-ўзи шундай савол берди: «Ўз иродангдан ташқари қўрқишинг мумкинми?» Шунда унинг бутун вужудини бирдан иштибоҳ, ташвиш, изтироб ва ваҳима қоплаб олди. Агар унинг ихтиёрига бўйсунмайдиган, унинг шахсий иродасидан қудратлироқ бир нарса енгиб бўлмас куч билан уни ўз ҳукмига олса, унда нима бўлади? Ҳа, унда нима бўлади?

Албатта, у нишонга чиқади, у шуни истаган экан, чиқади. Хўп, агар дағ-дағ титрай бошласа-чи? Ҳушини йўқотиб қўйса-чи? Ахир унинг фароғати, обрўйи, келажаги – ҳамма-ҳаммаси ўзини дуэлда қандай тутишига боғлиқ-ку.

У нимагалигини ўзи ҳам тушунмаган ҳолда ўрнидан туриб ойнага қарагиси келди. У шамни ёқди. Кўзгуда аксини кўриб базўр таниди ўзини – гўё бу чеҳрани биринчи марта кўриб тургандай эди. Кўзлари катта-катта очилган, рангида қон қолмаган, бўздай оқариб кетганди.

Бирдан хаёлига бир фикр ўқдай отилиб кирди: «Балким эртага мен ҳаёт бўлмасман». Шундан кейин унинг юраги қафасга тушган қушдай яна патирлаб кетди.

У каравот олдига келди, шунда тўсиндан ҳозиргина устидан итқитиб юборган адёл тагида ётган ўз ҳолати кўз ўнгида гавдаланди. Мана, у чалқанча ётибди. Унинг юзлари ўликникидай ингичка тортиб кетган, қўллари қотиб қолган, рангсизгина бўзариб ётибди.

У каравотдан чўчиб нари кетди, кўзларимга кўринмай турсин, деб деразани очди-да, бошини ташқарига осилтирди. Шу заҳоти башарасига муздек ҳаво урилади, совқотди, нафаси сиқилди ва дарҳол деразадан ўзини нари олди.

У каминга ўт ёқиш фикрига келди. Оҳиста орқасига қарамасдан олов ёқа бошлади. Қўли нимага беҳос тегиб кетса, шу заҳоти қалтираб-қақшаб кетаётгандай бўлаверарди. Калласи пўла бўлиб қолган, бошида пароканда, офир фикрлар ғужғон ўйнар, улар тутқич бермай қочар, ҳуши худди маст одамдай ўзида эмасди.

У тинмай ўзига-ўзи шу саволни берарди:

– Нима қилишим керак? Ҳолим нима кечади?

У яна хона бўйлаб кеза бошлади, хаёлида беихтиёр шу сўзларни такрорлагани такрорлаган эди:

– Мен ўзимни қўлга олишим керак, нима бўлганда ҳам ўзимни қўлга олишим керак.

Бир қанча муддат ўтгандан сўнг у тўсиндан: «Чол-кампиарларга хат ёзишим керак», деб ўйлади.

У ўтириб бир варақ оқ қоғоз олди-да, ёза бошлады: «Меҳрибон дада ва ойи...»

Лекин бунақа фожиона ҳолатларда хатни бундай бошлаш ярамайди деган фикрга келди у. Қоғозни йиртиб ташлаб, бошқатдан бошлады: «Меҳрибон падарим ва волидаи муҳтарамам, эртага тонг қоронғусида мен дуэлга чиқяпман, шундай бўлиб қолиши мумкинки...»

Хатни охиригача ёзишга журъати етмай ўрнидан туриб кетди.

Дуэль фикри уни қаттиқ ўртаб бормоқда эди. Эртага у нишонга туради. Бу муқаррар. Лекин унга нима бўлди ўзи? Унинг қарори қатъий. У жанг қилмоқчи, шу истак ва қароридан чекинмайди. Шундай бўлса ҳам назарида ўзини қанча мажбур қилмасин, дуэль бўладиган жойга етиб боришга ҳоли қудрати етмай қоладигандай эди.

Баъзан тишлари бир-бирига тегиб шақиллаб кетмоқда – тишларининг такиллаши қуруқ ва секин эшитиларди.

«Рақибим аввал ҳам дуэлга тушиб юрганмикин?» – ўйларди Дюруа. – Отишни машқ қилиб юрганмикин? Зўр мерган бўлса-чи? Унинг мерган одамлигини биладиганлар бормикин?» – Дюруа у ҳақда ҳеч нарса билмайди, эшитмаган. Бироқ у одам сира ўйланиб турмасдан тўппончада отишман деб рози бўлган экан, демак, бу хатарли қуролнинг машқини олган.

Шунда унинг қалбини ифода қилиб бўлмас бир ноумидлик чулғади. Энди унинг бутун жисми дағдағ қалтираб кета бошлади. У бақириб юбормаслик учун тишларини маҳкам босди, худди телба мисоли ерга ётиб думалашга, нимаики қўлига тушса, шуни далва-далва қилиб йиртиш ва гажиб ташлашга тайёр эди. Шунда у камин устида турган қадаҳга қўзи тушиб қолиб, жавонда ҳали очилмаган катта шишада арақ борлигини эслади. Дюруа ҳарбий хизматда юриб ҳар куни эрталаб бош оғриғи қилишга ўргангани.

У шишани олиб, ютоқлик билан унинг оғзидан қултилатиб ича бошлади. Нафаси қайтиб кетгандан кейингина уни жойига қўйди. У арақнинг хийлагина қисмини ичиб қўйгани.

Шу заҳоти ичига олов югургандай бўлиб кетди, томирларига аланга ўтди, жисми қизишди ва ўзини анча тетик сеза бошлади.

«Йўлини топдим», – деб ўйлади у.

Унинг жисми алангаи оташ бўлиб кетди ва яна деразани очиб қўйди.

Совуқ ва сокин тонг отмоқда. Субҳи содиқ оқараётган томонда гўё юлдузлар ўлиб бораётгандай эди, темир йўлнинг чуқур ўйиғида эса кўк, қизил, оқ сигнал чироқлари хира тортиб бормоқдайди.

Деподан илк паровозлар чиқди, улар ҳуштак чала-чала илк поездлар томон йўл олди. Узоқларда эса худди қишлоқ хўрозлари каби бошқа паровозлар тинимсиз қичқиришар ва қоронғи тонг сукунатини бузишарди.

«Эҳтимол, буларни энди ҳеч қачон кўрмасман», деган фикр ўтди унинг бошидан. Лекин шу заҳоти бу фикрни нари қувди, бир ками ўз ҳолимга ачиhib йиғлаб ўтиришим қолувди, деб ўйлади у: «Бас! Энди то дуэль бошлангунча ҳеч нарсани ўйламаслик керак, бўлмаса ўзингни йўқотиб қўясан».

У устига энгил-бошини ила бошлади. Соқолини олаётганда юраги лоп этиб орқасига тортиб кетди: хаёлида гўё ойнага охирги маротаба қараб тургандай бўлиб туюлди.

Ҳар қалай, арақдан яна бир оз ичди-да, кийиниб, тараниб бўлди.

Сўнгги соатлар унинг назарида жуда оғир кечди. У ўзини тутиб олиш учун хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Эшик тақиллаган эди, титраб-қақшаб кетди ва базўр оёқда туриб қолди. Секундантлар келишди. Ана тамом!

Улар устларига пўстин кийиб олгандилар.

Жак Риваль Дюруанинг қўлини сиқди.

– Сибирнинг совуғи бўляпти. Хўш, кайфиятлар нечук энди?

– Зўр.

– Қўрқмаяпмизми?

– Йўғ-ей.

– Оҳ-қо, демак, ҳаммаси жойида экан. Овқатла-
ниб олдингизми?

– Ҳа, мен тайёрман.

Буаренар бунақа кун тез-тез бўлавермаслигини сезиб чет мамлакатдан олган зарғалдоқ тусли орденини тақиб олибди, – Дюруа унинг орден таққанини биринчи марта кўриб туриши эди.

Улар пастга тушишди. Файтонда яна бир жаноб уларни кутиб ўтирган экан.

– Доктор Ле Брюман, – деб таништирди уни Риваль.

– Ташаккур, – деб миннатдорчилик билдирган бўлди унга Дюруа.

У олдинга ўтиб ўтирмоқчи бўлган эди, тагида қаттиқ бир нарсани ҳис қилиб, ўрнидан дик этиб турди. Бу тўппончалар солиб қўйилган қутича экан.

– Бу ерга эмас! Дуэлчи билан врач орқага ўтиришсин! – бир неча марта такрорлади Риваль.

Дюруа ниҳоят нима демоқчи бўлаётганларини англаб етди ва ўзини докторнинг ёнига ташлади.

Кейин секундантлар ўтиришди ва отлар ўрнидан қўзғалди. Файтончи қаерга бориш кераклигини ўзи биларкан.

Тўппончалар солинган қути бора-боргунча ҳаммага халақит бериб борди, айниқса, Дюруанинг уни кўргани кўзи йўқ эди. Орқага ташлаб қўймоқчи бўлишганди, елкаларига урилавериш безор қилди; Риваль билан Буаренарнинг ўртасига қўйишганди – ҳа деса пастга тушиб кетаверди. Ниҳоят, уни ўриндиқнинг тагига тиқиб қутулдилар.

Доктор латифалар сўйлаб берар, лекин барибир гап гапга қовушмасди. Фақат Ривалгина онда-сонда орага гап қистириб қўярди. Дюруа ўзини ҳеч нарсани писанд қилмаётгандай кўрсатгиси ке-

лар, лекин фикрларим чалкашиб кетиб, гапимни йўқотиб, ўзимни билдириб қўяман, деб чўчирди. Бунинг устига уни даҳшатли бир ўй қаттиқ қийнамоқда эди: бирдан дир-дир қалтирай бошласа-я?

Экипаж кўп ўтмай шаҳардан ташқарига чиқди. Соат тўққизлар чамаси эди. Мана шу қиш тонгида бутун табиат ял-ял жимирлаб, жилваланиб ётар, гўё биллур шиша каби эди. Дарахтларни қиров босган, навдалардан сумалаклар осилиб турарди; қадам ташласанг фарчиллаган товуш чиқарди; ҳаво шу қадар қуруқ эдики, салгина овоз чиқарсанг, акс садоси узоқлардан эшитиларди; зангори осмон баайни кўзгу каби ярқироқ эди, унинг бағрида кўзларни қамаштириб совуқ офтоб сузиб борар, тўнғиб ётган оламга меҳрсиз нур сочарди.

– Тўппончаларни Гастин-Ренетдан сотиб олдим, – деди Дюруага қарата Жак Риваль. – Унинг ўзиёқ ўқлаб берди. Қути муҳрланган. Айтгандай, қуръа ташлашга тўғри келади, кимнинг тўппончаларидан отиш масаласида: уникиданми ё сизникиданми.

– Ташаккур, – деб фаромушлик билан жавоб берди Дюруа.

Дюруа салча бўлсин янглишга йўл қўймаслиги учун Риваль унга ҳаммасини батафсил тушунтириб берди. У ҳар бир кўрсатмасини бир неча марта қайтарарди:

– «Тайёرمىсиз?» – деб сўраганларида баланд овоз билан: «Ҳа!» – деб жавоб беринг. «Отинг!» – деб айтишганда, қўлингизни тез кўтариб, тепкини «Уч», – деб қичқириб улгурмасларидан тушириб қўйинг.

«Отинг!» – деб айтишганда, мен қўлимни кўтараман, – деб ўзича пичирлаб борарди Дюруа. – «Отинг!» – деб айтишганда, мен қўлимни кўтараман. «Отинг!» – деб айтишганда, мен қўлимни кўтараман».

Ривалнинг маслаҳатларини, йўл-йўриқларини эсдан чиқариб қўймаслик учун уларни худди мактаб боласидек такрорлаб борар, «Отинг!» – деб айтишганда, қўлимни кутараман», деявериб, бу сўзлар алоҳа кўнглига уриб кетди.

Ўрмонга киргач, файтон ўнг томондаги хиёбонга бурилди, кейин яна ўнгга бурилди. Риваль эшикни шитоб билан очиб файтончига:

– Бу ёққа, мана бу йўлдан, – деб қичқирди.

Улар дарахтзор оралаб из тушган йўлдан кетишди. Дарахтларда қурушқоқ япроқлар осилиб ётар, уларнинг чеккалари муз босиб, йилтиллаб кўринарди.

Дюруа ҳамон ўзича пичирлаб борарди:

– «Отинг!» – деб айтишганда, мен қўлимни кўтараман.

Бирдан унинг хаёлига агар файтон ағанаб тушганда ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетган бўларди, деган фикр кечди, қанийди энди файтондан қулаб тушсангу оёғингни синдирсанг, қандоқ соз бўлар эди-я!..

Шунда у ўрмон ўртасида очиқ сайхон чеккасида турган экипажни, ундан нарироқда эса совуқда сакрашаётган тўрт кишини кўрди. Дами ичига тушиб кетди, оғзини очиб каппа-каппа нафас олди.

Файтондан аввал секундантлар, кейин врач билан Дюруа тушишди. Риваль тўппончалар солинган қутини олди-да, Буаренар билан бирга икки нотаниш одамга томон юришди. Дюруа уларнинг бир-бирларига тавозе билан таъзим қилишиб, кейин худди йўқотиб қўйган нарсаларини қидирган каби дам дарахтларга, дам оёқларининг тагига қарашиб, сайхонликнинг ўртасига юрганларини кўриб турди. Кейин улар масофани қадамлаб ўлчаб чиқдилар-да, иккита чўпни музлаб қолган ерга

куч билан қадаб қўйдилар. Кейин яна ҳаммалари бир жойга йиғилишиб, худди чиллак ўйнаётгандай бир хил ҳаракатлар қила бошладилар.

– Ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми? – деб сўради Ле Брюман. – Нима керак бўлса айтинг.

– Ташаккур, ҳаммаси жойида.

Дюруанинг назарида худди ақлдан озиб қолаётгандай, худди туш кўраётгандай, ҳамма нарса гўё хаёлида бўлаётгандай, фавқулодда ғайритабиий бир нарса уни ҳар томондан қуршаб келаётган каби эди.

Нима, қўрқяптими? Ҳа, шундайга ўхшаб қолди! Буни унинг ўзи ҳам яхши билмайди. Борлиқ атроф унинг назарида бирдан ўзгариб қолди.

Жак Риваль қайтиб келди-да, афтидан мамнунлик акс этган ҳолда унинг қулоғига шипшиди:

– Ҳаммаси тайёр. Бизга тўшпончаларнинг яхши-си тушди.

Дюруага бунинг икки пулик аҳамияти йўқ эди.

Унинг пальтосини ечиб олдилар. У индамай тураверди. Кейин у ўзини ўқдан сақлаш учун чўнтагига бирон нарса солиб олмадимикин деган хаёлда камзулининг чўнтақларини пайпаслаб қарашди.

«Отинг!» – деб буйруқ берилганда, мен қўлимни кўтараман», – деб такрорларди Дюруа тинмай, худди дуо ёдлагандай.

Кейин уни ерга суқиб қўйилган таёқлардан бирининг олдига олиб келишди ва қўлига тўшпонча тутқазишди. Шунда у қаршисида ойнак таққан тепакал ғўлабир одам турганлигини кўрди. Бу унинг рақиб эди.

У кўзларига яққол кўриниб турар, лекин хаёлида «Отинглар!» – деб айтишгандан сўнг қўлимни кўтариб тепкини босаман», деган гапдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бирдан ўрмон сукунатини худди олисдан келаётгандай бўлиб эшитилган овоз бузди:

– Тайёрмисизлар?

– Ҳа! – деб қичқирди Жорж.

– Отинглар! – деб қичқирди яна ўша овоз.

Энди Дюруанинг кўзларига ҳеч нарса кўринмас, у ҳеч нарсани ажратолмас, фарқига бормасди, у фақат қулларини кўтараётгани ва жони борича тепкини босаётганлигини ҳис қилди.

Лекин у ҳеч нарсани эшитмади.

Бироқ шу заҳоти ўз тўппончасининг оғзида тугун пайдо бўлганлигини кўрди. Унинг қаршисида турган одам қимир этгани йўқ, ўзининг ҳолатини ўзгартирмай тек турди, кейин унинг боши олдида ҳам оқ тутун кўринди.

Икковлари ҳам отишди. Ҳаммаси тугади.

Секундантлар ва врач уни текшириб кўришди, кийимларини ечиб қарашди, ташвишли овозда:

– Яраланмадингизми? – деб сўрашди.

– Йўқ, шекилли, – деб жавоб берди у тусмоллаб. Лангремон ҳам соппа-соғ экан.

– Бу лаънати тўппончаларнинг одати шунақа ўзи, – деб тўнғиллади Риваль, – ё тегмайди, ё шартта қулатади. Ғирт расво!

Дюруа қимир этмасди. Шодлик ва ҳайратнинг зўридан тили танглайига ёпишиб қолгандай эди. «Дуэль тамом бўлди!» У ҳамон тўппончани силкитиб тургани учун қўлидан тортиб олдилар. Назарида, энди қўйиб берса, бутун дунё билан отишиб кўрадигандай эди. Дуэль тамом бўлди. Қандай бахт! У шунчалар ботир бўлиб кетдики, ҳозир ким бўлмасин, шуни дуэлга чақиришга тайёр эди.

Секундантлар бир неча сония гаплашиб турдилар-да, бугуноқ протокол тузиш учун йиғилишадиган бўлиб ҳаммалари экипажга ўтирдилар ва кучер мийиғида қулганча қамчинни ҳавода ўйнатди.

– Мен ҳеч нарсани сезмай ҳам қолдим. Сираям. Айтгандай, бунинг ўзингиз ҳам кўрган бўлсангиз керак?

– Ҳа, иродангиз кучли экан,– деди Риваль.

Дюруа шу куниёқ протоколни олди, – уни хроникада бериши керак эди. У «жаноб Луи Лангремон билан икки маротаба отишди», деган гапдан бир оз ғалати бўлиб кетди ва қисиниб-қимтиниб Ривалдан сўради:

– Биз биттадан ўқ узишдик, шекилли?

Риваль мийиғида қулди.

– Ҳа, биттадан... икковинглар – биттадан... ҳаммаси бўлиб иккита бўлади.

Ривалнинг гапидан кейин Дюруанинг кўнгли ўрнига тушди ва бу ҳақда ижикилашиб ўтирмади.

Қария Вальтер уни қучоқлаб қарши олди.

– О, шоввоз, оббо шоввоз-ей, яшанг, «Француз ҳаёти»ни уялтирмадингиз, тасанно!

Оқшом Жорж энг мўътабар газета редакцияларида ва энг довуғи кетган ресторанларда бўлди. У ўз рақиби билан икки марта учрашиб қолди, афтидан, у ҳам ўзини кўрсатмоқда эди.

Улар саломлашганлари йўқ. Агар икковларидан бирлари ярадор бўлган тақдирдагина улар бир-бирлари билан қўл бериб кўришган бўлар эдилар. Шундай бўлса ҳам, ҳар икковлари ўқ қулоқларининг тагидан ҳуштак чалиб ўтганини гапирар эдилар.

Эртасига соат ўн бирларда Дюруа «кўк хат» олди.

«Ё раббим, мени бунчалар қўрқитмасанг! Тезроқ Константинополга кел, жонгинам, сени ўпиб қўйишни истайман. Лочиним!

Сендан жонини ҳам аямайдиган Кло».

Дюруа учрашувга келганда, Кло ўзини унинг қучоқларига отди ва юз-кўзларидан ўпа бошлади.

– Жонгинам, бугунги газеталар бирам юрагимни чиқариб юборишдики! Қани энди бўлди, айтиб бер! Бошидан бошлаб. Мен ҳаммасини билгим келади.

У бошдан-оёқ оқизмай-томизмай айтиб беришга мажбур бўлди.

– Дуэлдан олдин кечаси билан қандай қийналиб кетганингни тасаввур қиляпман! – хитоб қилди Кло.

– Ундаймас. Тўйиб ухлаб олдим.

– Сенинг ўрнингда кўз юммай чиққан бўлардим. Дуэлнинг ўзи қандай ўтди?

У шу заҳотиёқ фоже бир манзарани чизиб берди:

– Биз йигирма қадам нарида рўпарама-рўпара турдик. Мана шу хонадан тўрт марта каттароқ бўлади йигирма метримиз. Жак тайёرمىсизлар, деб сўради ва «Отинглар!» деб буйруқ берди. Шу заҳотиёқ мен қўлимни кўтариб олдинга қараб чўздим-да, калласини мўлжалга ола бошладим. Шу менинг хатоим бўлди. Менга тепкиси қаттиқ пистолет тушибди, мен эса, тепкиси енгил босиладиганларидан отиб юрардим, шундай қилиб, тепкини босгунимча мўлжал бошқа ёққа қараб кетибди. Лекин ҳар қалай унга сал-пал теккиздим. У ҳам жуда мерган экан, қисталоқ. Ўқи чаккамни ялаб ўтди-я. Мен шамолини сездим.

Дюруанинг тиззаларида ўтирар экан, де Марель хоним уни қучоқларига босарди, – у худди ошигининг бошига тушган кулфатларни бирга баҳам кўргиси келарди.

– Оҳ, шўрлигим, шўрлигим, – деб пичирларди у.

Дюруа ҳикоясини тугатгач, де Марель хоним хитоб қилди:

– Биласанми, бошқа сенсиз туrolмайман! Сени кўрмасам яшолмайман, лекин эрим Парижда экан, бунинг иложи йўқ. Эрталаб бирон соатга, ҳали сен

ўрнингдан турмасдан, олдинга келиб кетсам ҳам бўлади-ю, лекин мен ўша расво уйга сира ҳам бормайман энди. Нима қилсак экан?

Дюруанинг хаёлига яхши бир фикр келди.

– Бу хонага қанча тўлайсан? – сўради у.

– Ойига юз франк.

– Менга қара. Ўзим бу хоналарга кўчиб келаман ва пулини ҳам ўзим тўлайман. Энди эски уй менга тўғри келмайди.

– Йўқ. Бўлмайди, – деди бир неча муддат ўйланиб қолган хотин.

Дюруа ҳайрон бўлди.

– Нега?

– Шунинг учунки...

– Тушунтириброқ айтсанг-чи. Бу ер менга жуда ёқади. Тамом. Шу ерда қоламан.

Дюруа кулиб юборди.

– Квартира ҳам менинг номимга олинган.

Хоним гапида қаттиқ туриб олди:

– Йўқ, йўқ, истамайман...

– Нимага ахир?

Аёл унга жавобан эркаланиб шивирлади:

– Чунки сен бу ерга хотинларни олиб келасан, мен буни хоҳламайман.

Дюруанинг жаҳли чиқди:

– Ўлсам ҳам ундай қилмайман! Чин сўзим.

– Йўқ, қиласан.

– Қасам ичаман...

– Ростми?

– Рост. Чин сўзим. Бу иккимизнинг уйимиз – бошқанинг кераги йўқ.

Хоним уни қаттиқ қучоқлаб олди.

– Майли унда, Азизим. Лекин билиб қўй: агар мени бир марта, фақат бир марта алдар экансан, ўртамизда ҳамма нарса тамом бўлади. Буткул.

Дюруа уни яна ишонтирди, қасам ичди ва ниҳоят, у бугуннинг ўзидаёқ кўчиб келадиган, хоним эса йўл-йўлакай унга кўриниш бериб ўтадиган бўлди.

– Нима бўлмасин эртага бизникига кел,– деб тайинлади хотин. – Сени кўрса эримнинг боши осмонга етади.

Дюруа ийиб кетди.

– Шундай дегин! Гапинг ростми?..

– Уни мафтун қилиб қўйибсан. Айтгандай, менга қара, сен қишлоқда катта бўлганман девдинг, шекилли, ростми?

– Рост, нима қилди?

– Демак, сен деҳқончиликдан бир оз бўлса ҳам хабаринг бор, а?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, у билан боғдорчилик, экин-тикин ҳақида гаплашсанг яхши бўлади, у бундай гапларни жонидан ҳам яхши кўради.

– Яхши. Шундай қиламиз.

Дуэль хонимнинг қалбини унга нисбатан оташин бир муҳаббат билан тўлдириб юборган, кетиш олдида ҳам ундан кўнглини узолмай ўпгани ўпган эди.

Дюруа редакцияга бораркан уни ўйлаб борди:

«Жуда антиқа хотин-да! Худди қушчадай пир-пир учгани учган! Калласига нима келганини, нима дидига мос тушганини ҳеч қачон билолмайсан! Яна буларнинг эр-хотин топишганини қара! Тақдир ҳазил-мазах қилгандай қари одам билан бир қайнови ичида бу хотинни дуч қилгани, ёпирай! Темир йўллар ревизори бу шўх, олов хотинга уйланмаса нимаиди? Қизиқ! Ким билсин! Балки, севгидир.

Нима бўлганда ҳам, – деб хулоса қилди у, – ғоятда дилбар маъшуқа. Ғирт аҳмоқ одамгина уни қўлдан чиқариши мумкин».

VIII

Дуэль Дюруани «Француз ҳаёти»нинг эътиборли қаламкашлари қаторига олиб чиқди. Бироқ ҳадеб янгидан-янги мавзулар топишга ниҳоятда қийналганлиги боисидан у энди ахлоқнинг бузилиб бораётгани, одамларнинг майдалашиб кетаётганлиги, ватанпарварлик ҳислари сўнаётганлиги, французларда ифтихор туйғуси қонсизликка учраганлиги (у «Французларда ифтихор туйғусининг анемияси» деган иборани ўзи ўйлаб топди ва бу ўзига жуда хуш ёқиб кетди) хусусида дабдабали гаплар билан мақолалар ёзишга киришди ва буни анча дўндириб адо эта бошлади.

Кўпда ҳар нарсага ишонавермайдиган, парижликларга хос ўткир, теран зеҳнли, тили аччиқ де Марель хоним унинг тумтароқ гаплари устидан кулиб, уларни ўткир бир луқма билан йўққа чиқарган чоқларида Дюруа унга кулиб туриб дерди:

– Майли. Менга улар келажакда керак бўлади.

У энди Константинополь кўчасидаги уйда турмоқда эди: бу ерга ўзининг чамадони, чўткаси, устараси ва совунини олиб келди – унинг кўчиши шундан иборат бўлди. Ҳар икки-уч кун оралаб у ҳали тўшакдан турмасдан де Марель хоним келар, дилдираган кўйи апил-тапил ечинар ва шу заҳоти ўзини унинг қўйнига урарди, кўрпа тагига кириб ҳам анчагача қалтирагани босилмасди.

Пайшанба кунлари Дюруа уникида овқатланар, эрининг кўнглини олиш учун у билан деҳқончиликка оид гаплардан суҳбатлашиб ўтирарди. Унинг ўзи ҳам қишлоқни севганидан, баъзан шу қадар суҳбатга берилиб кетар эдиларки, диванда мудроқ босиб ўтирган ўз хонимларини унутиб қўярдилар.

Лорина ҳам, баъзан отаси, баъзан Азизимнинг тиззасида ухлаб қоларди.

Журналист кетгач, жаноб де Марель ўзининг одатдаги насиҳатомуз гапларини бошлар, оддий гапларни ҳам худди бир нарсани уқтираётгандай қилиб сўзларди.

– Жуда одобли йигит. Мияси бутун.

Феврал охирламоқда эди, эрталаблари гуллар солинган аравачалар ёнидан ўтганда бинафшалар ҳиди анқиб кетарди.

Дюруа ўз бахтининг фароғатини сурмоқдайди.

Кунлардан бир куни уйга қайтиб, эшикнинг тагида хат ётганлигини кўрди. Хатнинг муҳрида «Канн» деб ёзиб қўйилганди. У конвертни очиб қуйидагиларни ўқиди:

«Канн», «Гўзал» саройи

Азиз дўстим. Эсингиздами, бошингизга нима тушса, менга суянинг, деб айтган эдингиз? Мана энди сиздан бир ўтинчим бор: тезроқ етиб келинг, мени ҳаёт билан видолашаётган Шарль олдидан ёлғиз ташлаб қўйманг. Гарчи у ҳали оёқдан қолмаган бўлса ҳам, лекин доктор менга у бир ҳафтага ҳам бормаса керак, деб айтди.

Бу даҳшатга туну кун бир ўзим қараб туришига менда на куч ва на юрак бор. Мен тобора яқинлашиб келаётган сўнгги дамларни ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Эримнинг қариндош-уруглари йўқ. Менинг эса сиздан ўзга суянчигим йўқ. Сиз унинг дўстисиз. Редакция эшикларини сизга у очиб берганди. Тезроқ келинг, ёлвораман. Сизни чақирмасам, кимни чақираман.

Вафодор дўстингиз Мадлена Форестье».

Қандайдир ғалати бир туйғу Дюруа юрагидан сарин шабада каби эсиб ўтди: у ўзини елкасидан тоғ ағдарилгандай ҳис қилди, кўз ўнгида ажиб бир кенгликлар очилаётганлигини туйди.

– Албатта, бораман, – деб шивирлади у. – Шўрлик Шарль! Ана сизга инсоннинг умри!

У Форестье хонимнинг хатини хўжайинга кўрсатди, – у тўнғир-тўнғир қилди-ю, лекин алоҳа рози бўлди.

– Фақат тезроқ қайтинг, бизга сув билан ҳаводек зарурсиз, – қайта-қайта уқтирди Вальтер.

Дюруа эртасига эр-хотин де Марелларга телеграмма жўнатди-да, соат еттида Каннга борадиган тезюарар поездга ўтирди.

Каннга у деярли бир суткадан сўнг соат кундузи тўртларда етиб келди.

Хизматчи уни тоғ ёнбағрида, оппоқ уйлар қад кўтарган қарағайзор ўрмон ичидаги «Гўзал» саройига кузатиб қўйди, ўрмон бу ерда Канндан то Жуан кўрфазигача чўзилиб кетар экан.

Форестьелар италянча қилиб қурилган пастаккина мўъжаз бир уйда туришган экан. Уйча дарахтзорлар оралаб буралиб кетган ва ҳар бир бурилишда одамнинг кўзига ажойиб манзаралар тухфа қиладиган йўлнинг нақ ёқасида жойлашганди.

Эшикни хизматкор очди.

– Э-э, келинг-келинг, афандим! – чорлади у. – Форестье хоним сизни интизорлик билан кутиб ўтирибдилар.

– Жаноб Форестьенинг аҳволи тузукми? – сўради Дюруа.

– Мазаси йўқ, афандим! Рамақижон бўлиб қолди.

Дюруа кириб борган меҳмонхонанинг деворларига ҳаво ранг йўллик пушти чит қопланганди. Каттакон деразадан шаҳар ва денгиз кўриниб турарди.

– Оҳо, жуда аломат-ку! – деб қўйди Дюруа. – Жин урсин, қаердан олишаркан улар шунча пулни?

Либоснинг шилдирагани эшитилди, Дюруа ўтирилиб қаради.

Форестье хоним унга қўлларини чўзди.

– Қандай яхши бўлди келганингиз! Қандай яхши!

Дюруа учун кутилмаганда хоним уни кучоқлаб олди. Кейин улар бир-бирларига термилишди.

Хоним бир оз ўзини олдирган, ранги синиққан, лекин ҳамон ўшандай ёш кўринар, – балки, ҳатто ҳуснига ҳусн қўшилгандай янада нафис ва сўлим эди.

– Биласизми, аҳволи жуда ёмон, – шивирлаб гапира бошлади у, – узоққа бормаслигини билиб, мени қийнагани қийнаган. Унга сиз келганлигингизни айтдим. Чамадонингиз қани?

– Вокзалда қолдириб келдим, – деб жавоб берди Дюруа, – сизларга яқинроқ ерда туришим учун қайси меҳмонхонани танлашингизни билмадим.

– Шу ерда биз билан тураверинг, – деди бир оз тайсалланиб турган хоним. – Айтгандай, сизга хона тайёрлаб қўйилган. Унинг ҳозирги аҳволига ишониб бўлмайди, бирон кори ҳол рўй берса, ёлғиз қолмай тагин. Буюмларингизга одам юбораман.

Дюруа таъзим қилди.

– Ихтиёрингиз.

– Энди юринг, тепага чиқамиз, – деди у.

Дюруа унга эргашди. Иккинчи қаватга кўтарилгач, хоним эшикни очди, шунда Дюруа адёлга ўраниб олган чала мурдани кўрди. Намозгарнинг қонли шафағида Форестье бўздай оқариб кетган ҳолда дераза олдига қўйилган креслода ўтирар, кўзларини ундан узмасди. Дюруа ўз кўзларига ишонмади, дўсти шу қадар ўзгариб кетганди.

Хонадан сил одамлар ётадиган хоналарнинг бўғиқ, ифодалаб бўлмайдиган бир ҳиди келар – тер ҳиди дори-дармонлар исига омихта бўлиб кетганди.

Форестье қўлини базўр кўтарди.

– Э, сенмисан! – деди у. – Менинг ўлишимни томоша қилгани келдингми? Раҳмат.

– Томоша қилгани дейсанми? – зўраки бир кулга олиб қайта сўради Дюруа. – Бу томоша қилиш учун шундан шунга келадиган нарса эмас. Шунчаки, бир оз дам олгим келди, сени ҳам кўриб кетай дедим.

– Ўтир, – пичирлади Форестье ва бошини қуйи ташлаб, оғир ўйга чўмди.

Бемор тез-тез хирқираб нафас оларди, баъзан у гўё атрофдагиларга ўзининг қанчалар азоб чекаётганлигини кўрсатмоқчи бўлгандай қаттиқ нафас тортар, шунда кўкрагидан ингроқ бир сас отилиб чиқарди.

Форестье хоним у бошқа гапирмоқчи эмаслигини пайқади-да, дераза рахига суяниб, боши билан уфқни кўрсатди:

– Гўзаллигини қаранг!

Шундоққина кўз ўнгларида турган уйлар билан қопланган тоғ ёнбағри қирғоқда тақадай букилиб турган шаҳарга томон тушиб борарди, ўнгда, тўғон тепасида қадимий минора қад кўтариб турган эски шаҳар жойлашганди, чапдан эса у Лерин ороларининг нақ қаршисидаги Коуазет кўрфазига бориб тақаларди. Бу оролчалар тип-тиниқ мовий сув қучоғида бир жуфт кўк парча бўлиб кўринарди. Улар кафтдек текис бўлганларидан худди оқиб кетаётган улкан япроққа ўхшаб қолган эдилар.

Олис-олисларда, кўрфазнинг тепасида найзадор, бели букилган думалоқ тоғ чўққилари нур ва аланга билан тўла осмон қўйнида ажиб бир сурат чизиб, чўзилиб кетган, чўққилар баланд қиррадор қояга борганда узилар, қоянинг пойини эса очиқ денгиз тўлқинлари ўпиб ётарди.

– Бу Эстерель, – деб тушунтирди Форестье хоним.

Қорамтир тусга кирган тоғлар узра осмон кўзни қамаштирадиган даражада қирмизи қон тусига кирган эди.

Шомнинг улуғвор манзараси Дюруани ўзига мафтун қилиб қўйди.

– О, қаранг! Жуда гўзал! – у ўз қалбини тўлдирган ҳисларни ифода қилиш учун шулардан бошқа сўз тополмади.

Форестье кўзларини хотинига ташлади ва:

– Очиқ ҳавога чиққим келяпти, – деди.

– Кеч бўлиб қолди-ку, қуёш ботяпти, – деди унга жавобан хотини, – яна шамоллаб қолмагин, фойдаси йўқ шамоллашнинг, ўзинг биласан.

Форестье, афтидан, столга муштламоқчи бўлди, лекин бунинг ўрнига заиф ва бесабр бир ҳаракат билан ўнг қўлини қимирлатиб қўйди, унинг чеҳраси аччиқ бир истеҳзодан буришиб кетди, бундай ифода кўпинча жон бераётган одамларда бўлади, шунда қуруқшаб кетган лаблари, ич-ичига ботиб қолган чакаклари, бўртиб чиққан ёноқлари янада аянчлироқ бўлиб кўринди.

– Сенга айтяпман-ку, бўғилиб кетяпман деб, – хирқираб сўзлади у, – бир кун олдин, бир кун кейин ўлишимнинг сенга нима аҳамияти бор – барибир фишт қолипдан кўчди...

Форестье хоним деразани ланг очиб юборди.

Шабада учовларини эркалаб ўтди. Бу майин, илиқ, кўнгиларни аллаловчи кўклам шабадаси эди, у ўз илдам қанотида тоғ ён бағирларида ўсган дов-дарахт, ўт-ўланларнинг муаттар исларга тўла нафасини олиб келди. Димоқларига оқ қарағайнинг ўткир иси ва эвкалиптларнинг ажиб бир бўйи урилди.

Форестье чуқур-чуқур нафас ола бошлади.

Бироқ у бирдан ўриндиқнинг суянчиқларидан маҳкам ушлаб олди, шу заҳоти ҳуштак чалгандай дарғазаб овози эшитилди:

– Ёп деразани. Менга сира ҳам ёқмайди бу. Бундан кўра подвалда ётиб ўлган ҳам тузук.

Форестье хоним оҳиста деразани беркитди ва манглайини ойнага тираб узоқларга қараб қолди.

Дюруа ўзини ноқулай сеза бошлади; у бемор билан гаплашиб ўтиришни, уни овунтиришни истарди.

Лекин таскин бериши мумкин бўлган гап хаёлига келмасди.

– Бу ер сенга унча ёқмадимми? – сўради у ботинмай.

Форестье елкаларини асабий сурагда умидсизлик билан қисиб қўйди.

– Кўриб турибсан-ку, – деди у ва яна бошини қуйи эгиб олди.

– Қуриб кетсин! Бўлмаса Парижга қараганда бу ернинг ўлса ўлиги ортиқ! У ерда ҳамон қиш кетгани йўқ. Қор, ёмғир, дўл, соат уч бўлмасдан қоронғи тушади, чироқ ёқиш керак.

– Редакцияда қандай гаплар? – сўради Форестье.

– Бир нави. Сен тузалгунингча «Вольтер»дан анов пакана Лакренни таклиф қилишди. Лекин у ҳали ғўр. Тезроқ қайтсанг бўларди!

– Менми? – ғўлдиради бемор. – Мен энди мақоаларни қаро ернинг тагида ётиб ёзаман.

У ўлим ҳақидаги гапни оғзидан қўймас, ҳар бир гап орасига уни қистириб юборар, ҳар бир ибора, ҳар бир сўз шунга бориб тақаларди.

Оғир ва теран сукут чўкди. Шафақ алангаси борган сайин сўниб борар ва тоғлар ҳамон қизаринқираб турган осмон лавҳида тобора қорайиб бормоқдайди. Сўниб бораётган алангадан тушган

соя тун кираётганини билдириб ичкарига ёпилди ва хонанинг деворлари, пучмоқлари, буюмлар, ме-белларни қора қон тусига бўяди. Камин узра турган кузгу олис шафақнинг қондаги каби алвон аксига тўлди.

Форестье тўсиндан қисқа-қисқа нафас олиб, бўғиқ, одамнинг юрагини ўртаб юборадиган товуш билан сўзлай бошлади:

– Мен учун яна неча марта кун ботар экан?.. Саккиз... ўн... ўн беш... йигирма... балки ўттиздан ошмас... Сизлар ҳали яшайсизлар... мен эса соб бўлдим... Ҳаммаси яна ўз йўли билан кетаверади... мен ўлгандан кейин ҳам – боримда қандай кетган бўлса, ўлганимда ҳам шундай кетади...

– Кўзим нимага тушмасин, – деб давом этди у бир оз дамани олгач, – ҳаммаси бир неча кундан сўнг буларни энди сира ҳам кўрмаслигимни эслатади... Қанчалар даҳшат бу... бор нарсаларни кўрмасанг, лоақал биронтасини ҳам, энг одмигина нарсаларни, ҳатто... стаканлар... тақчимчалар... роҳатижон тўшаклар... экипажлар. Қандай яхши ахир оқшом чоғлари экипажда сайр қилиб юрсанг... Мен буларни шунчалар яхши кўрар эдимки...

Унинг бармоқлари суянчиқда у ёқдан-бу ёққа худди рояль чалаётгандай бўлиб бориб келмоқда эди асабий бир тусда. У сўздан тўхтаганда яна ҳам оғирроқ сукунат чўқар, сўзлаб тургани тузук кўри-нарни, – у сўздан тўхтаб, ғоятда даҳшатли, мудҳиш бир нарса устида ўйлаётгани сезилиб турарди.

Шунда Дюруа яқинда Норбер де Варен айтган гапларни эслади: «Энди ўлим шарпаси шундоқ ёнгинамда кезиниб юрибди, баъзан қўлимни узатсам уни итқитиб юборсам дейман... Уни ҳар нарсада кўраман. Йўл ўртасида мажақлаб кетилган

қўнғиз, қуриган япроқлар, дўстимнинг соқолига тушган оқ тола – бари юрагимни тирнаб ўтади ва «Мана У!» – деб қичқириб туради».

Ўшанда у бу гапларга тушунмаганди; мана энди Форестъега қараб туриб ҳаммасини англади. Ва унинг қалбини шу пайтгача унга бегона бўлган бир қайғу, телба қайғу чулғаб олди: назарида, шундоқ қўл чўзса қўли бемор ўтирган креслодаги мудҳиш ва хунук ўлим шарпасига тегиб кетаётгандай эди. Ўрнидан шарт туриб, бу ердан қочгиси, иложи борича тезроқ Парижга жўнаб қолгиси келди. О, агар бундай бўлишини билганида сира ҳам Каннга келмаган бўларди!

Тун зулумоти худди муддатидан илгари бемор устига ёпилган кафан каби бутун хонани чулғаб кела бошлади. Фақат дераза ва унинг олдида қотиб турган аёлнинг гавдасигина кўзга ташланарди.

– Хўш, нима, бугун чироқ ёқиладими ўзи? – жаҳд билан сўради Форестъе. – Яна булар касалга қарайдиган одамлар!

Дераза олдидаги соя ғойиб бўлди ва сал ўтмай уй сукунатини қаттиқ қўнғироқ овози бўлди.

Кўп ўтмай хизматкор кириб, каминга чироқ қўйиб кетди.

– Ётасанми ё пастга тушиб овқатланасанми? – сўради эридан Форестъе хоним.

– Пастга тушаман, – шивирлади у.

Овқат тайёр бўлишини кутиб учовлари пастда қимир этмасдан ўтиришди, улар худди узоқ жимиб қолсалар бир хатарли нарса рўй берадигандай, баъзан бир-икки оғиз кераксиз, арзимаган гаплардан гаплашиб ўтиришар ва шу билан бу гунг сукунат – ўлим ин қурган хонанинг сукунати чўзилиб кетмаслигини истаган каби кўринар эдилар.

Ниҳоят, овқат келди. Дюруанинг назарида улар гўё бир аср ўтириб овқатлангандай бўлдилар. Ҳам-малари жимгина, сас чиқармасдангина овқатландилар, кейин нима қилишни билмай нон увоғини ўйнай бошладилар. Пошна товуши Форестъенинг гашига текканидан, оёғига юмшоқ чувак кийиб олган хизматкор оҳиста кириб чиқар, таом тортар эди. Сукунатни фақат соат кафтгирининг бир маромдаги товуши бузиб турарди.

Овқатланиб бўлишгач, Дюруа чарчадим деб ўз хонасига чиқиб кетди. У дераза раҳига суяниб туриб тўлин ойни томоша қилди: ой кўкда улкан чирок каби бўзариб турар, оқ уйларнинг деворларини ўлик бир шуъла билан ёритар, денгиз сатҳига жимир-жимир тангаларини сочар эди. Дюруа кетишга чора изларди – Вальтер чақириб қолди, телеграмма олдим десаммикин ёки бошқа бир баҳона топсаммикин, деб боши қотганди.

Лекин эртасига эрталаб ўзининг барча баҳоналари пуч бўлиб эшитилиши, қочиб кетиб бўлмаслигини тушунди. Форестъе хонимни лақиллатиб бўлмайди, қўрқоқлик қилиб ҳамма нарсадан айрилиб қолиш мумкин. «Албатта, бу ерда одамга ёқадиган нарса йўқ, – деб сўйларди у ўзига-ўзи, – ҳай, майли, ҳаётда шундай бемаза ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Бунинг устига унча узоққа чўзилмайди».

Бу кун жанубнинг осмони тиниқ зангори тусга кирган ва киши кўнгли бундан ажиб бир қувончга тўлган кун эди. Ҳали Форестъенинг олдида кўп ўтираман, деб у денгизни кўргани кетди.

Дюруа нонушта қилгани келганда, хизматкор унга деди:

– Жаноб Дюруа, жаноб Форестъе сизни бир неча марта йўқлади. Жаноб Форестъенинг ҳузурига чиқа олармикинсиз, жаноб Дюруа?

Дюруа тепага чиқди. Форестье креслода худди мудрагандай бўлиб ўтирган экан. Хотини диванда китоб ўқиб ётарди.

Бемор бошини кўтарди.

– Қалай, тузукмисан? – сўради Жорж. – Бугун кўринишинг анча яхши.

– Сал тузукман,– шивирлади Форестье, – ўзимни анча яхши ҳис қиляпман. Тезроқ Мадлена билан но-нушта қилиб олинглар, кейин бир айланиб келамиз.

– Кўрдингизми? Бугун у ўзини анча тетик ҳис қиляпти, – Дюруа билан ёлғиз қолгач, гап бошлади Форестье хоним. – Эрталабдан турли режалар тузган. Биз ҳозир Жуан кўрфазига борамиз. У ердан Париждаги уйимизга чинни асбоблар олмоқчимиз. Унинг жуда ҳам боргиси келиб турибди, мен эса бир кори ҳол бўлмасайди, деб қўрқаяпман. У йўлнинг азобини кўтаролмайди.

Файтон келгач, хизматкор қўлтиқлаб олган Форестье оҳиста зинадан тушиб келди. Экипажни кўрган заҳоти тепасини очишни буюрди.

Хотини қаршилиқ билдирди.

– Шамоллаб қоласан. Телбалик бу ахир.

Лекин эри ўз айтганидан қолмади:

– Йўқ, бугун анча тузукман. Мен ўзимни биламан.

Канни худди инглиз боғларига ўхшатиб турадиган соя-салқин боғзорлар орасидаги хиёбонлардан ўтгач, экипаж денгиз қиргоғи ёқалаб кетган Антиб йўлига чиқди.

Форестье эътиборга лойиқ жойларни кўрсатиб борди. Парижлик графнинг уйини, кейин бошқаларникини кўрсатди. У жуда қувноқ кўринар, лекин бу атай қилинаётган маҳкум одамнинг ипириқ қувончи эди. У бирон нарсани кўрсатмоқчи бўлса, қўлини кўтаришга кучи етмас, кейин бармоғи билан кўрсатарди.

– Қара, ана Маргарита момо ороли, ановиниси Базен қочган қаср. Ҳа, ўшанда тоза бўларимизча бўлганмиз!

Кейин у полкда хизмат қилган чоқларини эслай бошлади, офицерларнинг номларини айтар, улар билан боғлиқ бўлган воқеаларни хотирларди.

Йўл тик бурилишдан ўтгандан сўнг кутилмаганда кўзларига кенг манзара ташланди: Жуан кўрфази ҳам, нариги қирғоқдаги қишлоқча ҳам, олдиндаги Антиб қўлтиғи ҳам – бари бирдан кафтда тургандай кўринди-қолди.

– Ана, эскадра! Ҳозир эскадрани кўрасан! – болаларча қувониб шипшиди Форестье.

Ростдан ҳам кўрфазнинг ўртасида олтитача катта кемалар турар, улар бугалар ўсиб ётган катта қояларни ёдга соларди. Кўринишлари ғалати, баҳайбат, куббадор, қиррадор бу кемалар сувга ярмиларидан кўпи ботиб турарди, афтидан, шу ерда туриб илдиз отмоқчига ўхшарди.

Сувда тарвақайлаб ётган бу кемаларнинг қимирлашига, бир жойдан иккинчи жойга ўтишига одам ишонгиси келмасди. Худди обсерватория каби баланд кунгурадор сузувчи батарея сув тагидаги қоя устига қурилган маякни эслатарди.

Ҳарбий кемаларнинг ёнидан оқ елканларини шамолда ҳилпиратган каттакон уч мачтали кема ўтиб кетди. Турқи совуқ бу ҳарбий махлуқлар – сувга офир чўкиб турган темир махлуқлар олдида мачтали кема нафис гўзаллиги билан кўзларни қувонтирарди.

Форестье кемаларнинг номларини эсига келтира бошлади:

– «Кольбер», «Сюфрен», «Адмирал Дюперре», «Шиддатли», «Аёвсиз»... йўқ, янглишибман, «Аёвсиз» ҳов анувниси. – Экипаж тепасига «Жуан кўр-

фазининг бадий чинни буюмлари», деб ёзиб қўйилган каттакон павильон олдига бориб, кўкатлар экиб қўйилган жойни айланиб ўтди-да, эшик қаршида тўхтади.

Форестье ўзининг Париждаги кабинети учун иккита ваза олмоқчи экан. У файтондан туша олмади, унга ҳар хил вазаларни олиб келиб кўрсата бошлашди. У ҳаммасини синчиклаб кўрар, хотини ва Дюруа билан маслаҳатлашарди.

– Биласанми, бу менинг хонамдаги китоб жавонига қўйилади. Мен креслода уларга қараб, томоша қилиб ўтираман. Менга антиқароқ, қадимий юнон нарсаларига ўхшаганроғи бўлсайди.

У вазаларни бирин-сирин кўздан кечириб, бошқаларини келтиришни талаб қилар, кейин яна аввал кўрганларини қўлга оларди. Ниҳоят, танлаб олди, пулини тўлади ва уларни тўхтовсиз Парижга жўнатишни тайинлади.

– Мен тез кунларда бу ердан кетаман, – деб айттарди у нуқул.

Кейин улар кўрфаз бўйлаб қайтаётган чоғларида ўр томондан бирдан совуқ шамол эсиб қолди-ю, бемор йўтала бошлади.

Олдин худди енгил, шунчаки бир йўтал тутганга ўхшади, кейин кам-камдан у зўрайди, бемор бирпасда ҳиқиллаб, хириллаб қолди, уни ёмон ҳиқи-чоқ тутгандай эди.

Форестье нафас ололмай бўғила бошлади: ҳар нафас олганида кўкрагидан қувиллаб йўтал олиб чиқар, томоқлари йиртилиб кетгудай бўларди. Йўтални сира тўхтатиб бўлмади. Касални экипаждан уйга қулда кўтариб кирдилар; Дюруа унинг оёқларидан кўтариб олди, касал ҳар йўталганда унинг оёқлари ҳам дир-дир титрар эди.

Иссиқ ўрин ҳам Форестъега ёрдам беролмади, йўтал ярим кечагача давом этди. Ниҳоят, оғу до-рилардан берибгина йўтални тўхтата олдилар. Бе-мор саҳаргача кўзларини юммай тўшак устида ўтириб чиқди.

Унинг эрталаб айтган биринчи гапи: «Сартарош-ни чақиринглар», дегани бўлди. Форестъе ҳамон ҳар куни эрталаб канда қилмай соқолини оларди. Сартарош келганда у ўрнидан кўзғалишга куч топ-ди, бироқ шу заҳотиёқ қайтадан ётқизиб қўйишга тўғри келди. Беморнинг базўр қисқа-қисқа, оғир нафас олаётганини кўрган Форестъе хоним кўрқиб кетиб, ҳозиргина ётган Дюруани уйғотиб келишни буюрди ва ундан докторни чақиритишни илтимос қилди.

Дюруа тўхтовсиз докторни бошлаб келди, унинг оти Гаво экан. Доктор суюқ дори ёзиб берди ва ай-рим кўрсатмаларни тайинлади. Лекин тўғриси-ни билиш учун уни кузатиб чиққан Жоржга шундай деди:

– Бу – талваса. У эртага эрталаб ўлади. Шўрлик аёлни огоҳлантириб қўйинг, руҳоний чақиринг. Менинг бу ерда бошқа қиладиган ишим йўқ. Шун-дай бўлса ҳам доимо хизматингизга тайёрман.

Дюруа Форестъе хонимни чақиритишни буюрди.

– Ўлади дейди. Доктор руҳоний чақиритинг-лар, деб маслаҳат берди. Нима қилсак экан?

Хоним узоқ иккиланиб турди, бироқ ҳаммасини ақд тарозисига солиб кўрди-да, жуда секин сўйлади:

– Ҳа, шундай қилганимиз тузук... Ҳар ҳолда... уни ранжитмайдиган қиламиз, сени руҳоний кўр-моқчи экан, деб айтаман... Ҳар ҳолда бир нарс-а қиларман. Сиз эса, барака топинг, руҳоний топиб келинг. Сал камсуқумроғидан, оҳанжама қилмай-

диганидан топинг. У келиб дуосини ўқисину, бошқа нарсаларга келганда бизни тинч қўйсин.

Дюруа гапга тез кўнадиган қарияни топиб келди, у нима қилиши кераклигини дарҳол англаб олди. Қария бемор олдига кириши билан Форестье хоним қўшни хонага чиқиб, Дюруанинг ёнига келиб ўтирди.

– Айтувдим, жуда ўзгариб кетди, – деди хоним. – руҳонийдан оғиз очишим билан юзи шунчалар ҳам ўзгариб кетдики... худди... худди гўё ўзида... биласизми, ўзида... нафасини сезгандай бўлди. У ҳаммаси тамом бўлганлигини билди, бир неча соатдан кейин...

Форестье хонимнинг ранги қув ўчиб кетганди.

– Унинг юзини энди умр бўйи эсимдан чиқармайман, – давом этди у. – Ўша дақиқада у ўлимни ҳис қилгани аниқ. Балки кўзларига кўрингандир...

Уларга руҳонийнинг гапиргани эшитилиб турди, – чолнинг қулоғи оғирроқ бўлганидан қаттиқ гапираркан:

– Қўйинг, ундай деманг, йўқ, ҳали бинойидак-сиз. Сиз касалсиз, лекин бу хавфли эмас. Ўзим шундай, бир кўриб чиқай, қўшним, деб кирдим, гапимга ишонинг.

Форестье унга нимадир деди, лекин нима дегани эшитилмади.

– Йўқ, дуо ўқимоқчи эмасман, – деб давом этарди чол. – Сиз тузалиб кетганингиздан кейин шундай қиламиз. Лекин мен келганимдан фойдаланиб оллога тавба қилмоқчи бўлсангиз, унда бажонидил. Мен чўбонман, отагинам ва ўз қавмларимни тангри йўлига солиш пайида бўламан ҳар жойда.

Жимлик чўкди. Афтидан, Форестье гапирмоқдайди, унинг овози зўр-базўр эшитилар, хирллаб чиқарди.

Кейин чолнинг овози эшитилди, энди у руҳонийларга ўхшаб сўзларди.

– Парвардигоримнинг карами чексиз. Confiteor ни ўқинг, бўтам. Агар ёдингиздан кўтарилган бўлса, сизга айтиб тураман. Мен билан бирга такрорланг: Confiteor Deo omnipotenti... Beatae Mariae semper virgini...

Руҳоний вақти-вақти билан тўхтаб турар, жони узилаётган беморнинг дуони такрорлаб бўлишини кутарди.

– Энди тавба қилинг... – деди у ниҳоят.

Қаттиқ ҳаяжонга тушган, кута-кута тоқатлари тоқ бўлган Форестье хоним билан Дюруа қимир этмасдан ўтиришарди.

Бемор нималардир деб шивирлади.

– Виждонга хилоф иш қилганман дейсизми?... – такрорлади руҳоний. – У қандай иш экан, бўтам? Форестье хоним ўрнидан турди.

– Юринг, бирпас боққа чиқиб келамиз, – деди ҳеч нарсани билмаган киши бўлиб хоним. – Унинг сирларини билмаслигимиз керак.

Улар боққа чиқишди ва айвонча олдидаги чаппар уриб гуллаган сирень тагига ўрнатилган скамейкага ўтиришди, шундоққина олдиларида шабогули экилган гулхонадан тоза ҳавога ўткир ва татти ис таралиб ётар эди.

– Ҳали Парижга қайтишингизга анча бордир? – суради бир оз жимликдан сўнг Дюруа.

– О, йўқ! – жавоб берди у. – Ҳамма ишим битгач, ўша замони Парижга кетаман.

– Ўн кунлардан кейинми?

– Ҳа, узоғи билан.

– Унинг қариндош-уруғлари йўқ экан-да, а?

– Амакиваччалари бор. Ота-онаси жуда эрта ўлиб кетишган.

Икковлари ҳам чиннигуллардан шира йиғиб юрган капалакка қараб қолишди: капалак гулдан гулга сакраб қўнар, қанотчалари тинимсиз суратда парпираб турарди. Форестье хоним билан Дюруа боғда узоқ ўтириб қолишди.

Ниҳоят, хизматкор келиб: «Жаноб кюре тавба қилдириб бўлдилар», деб айтди. Ва улар юқорига чиқишди.

Форестье кечагидан ҳам ориғлаб қолганга ўхшарди.

Руҳоний унинг қўлларини ушлаб ўтирарди.

– Хайр энди, бўтам, мен эртага эрта билан келаман.

Кейин у чиқиб кетди.

У эшикдан чиқиши биланоқ бемор ҳамон офир-офир нафас олганча сўнгги кучларини йиғди-да, қўлларини хотинига томон узатди.

— Мени қутқар... – пичирлади у. – Мени қутқар... жоним... мен ўлишни истамайман... мен ўлишни истамайман... Мени қутқаринглар! Айтинг, нима десангиз шуни қиламан, докторни чақиринг. Қандай дори бўлса ичаман... Мен истамайман... истамайман!..

У йиғларди. Чуқур ботган чаккаларидан йирик ёш томчилари оқиб туша бошлади, қуруқшаб қолган лабларини эса аразлаган болалардай буриб олганди.

Кейин қўллари тўшакка шилқ этиб тушди ва бармоқлари бир маросда ҳаракат қила бошлади, қараб турган одамга у худди адёлдан бир нарса тераётганга ўхшаб кўринарди.

Унинг хотини ҳам кўз ёши қила бошлади:

– Қўй, бу бўлмағур гаплар, – пиқилларди у. – Ҳар кунги касалинг, эртага яхши бўлиб қоласан, кечаги йўл сени чарчатиб қўйган.

Форестьенинг нафас олиши янада тезлашди, ҳатто қаттиқ чопган итнинг ҳам тили бунчалик осилиб қолмайди, нафас олиши шу қадар тез эдики, уни санаб улгуриб бўлмасди ва шунчалар заиф эдики, эшитиш қийин эди.

У ҳамон пичирларди:

– Ўлишни хоҳламайман!.. Ё худойим... ё худойим... ё худойим... менинг ҳолим нима кечади? Энди ҳеч нарсани кўролмайман... ҳеч нарсани... ҳеч қачон... Ё худойим!

Унинг ваҳимадан бақрайиб қолган кўзлари аллақандай – бошқалар кўролмайдиган, ақл бовар қилмас даражадаги мудҳиш бир нарсани кўриб турган каби эди. Айни чоқда унинг бармоқлари ҳамон адёл узра кўрқинчли суратда одамни эзиб суринар эди.

Кутилмаганда унинг жисмида бир қалтироқ турди.

– Мени... мозорга... мени-я... ё раббий!.. – инг-раб юборди у.

Ва жим бўлди. У энди қимирламай ётар, кўзлари атрофни саросимали кезинар, оғзидан каппа-каппа нафас оларди.

Вақт ўтиб борарди: шу атрофдаги монастирнинг соати ўн иккига жом урди. Дюруа бир оз тотиниб олиш учун нариги хонага чиқди. У бир соатдан сўнг қайтиб келди. Форестье хоним овқат емаслигини айтди. Бемор қимир этмай ётарди. Фақат унинг ориқ бармоқлари ҳамон қимирлаб турар, у худди адёлни юзига тортиб ёпмоқчи бўлаётганга ўхшарди.

Форестье хоним унинг оёқ томонида креслода ўтирарди. Дюруа унинг ёнидаги креслога ўтирди. Улар жимгина кутишар эди.

Дераза олдида врач юборган ҳамшира мудроқ босиб ўтирарди.

Дюруанинг ҳам кўзи уйқуга кетай деган экан, шу он назарида бир нарса бўлаётгандай туюлди. У кўзларини очган чоғда Форестьенинг кўзлари тута-ёзган шамнинг алангасидай сўнмоқдайди. Бемор энгилгина ҳиқ этди ва унинг боши бир ёнга қийшайиб қолди, лабларининг икки чеккасида қон кўринди, кейин кўйлагига оқиб тушди. Адёл узра қалтираган бармоқлар ҳам ҳаракатдан тўхтади. У жон берди.

Форестье хоним ҳаммасини билди. У бир қичқирдида, чўк тушганча бошини адёлга босиб юм-юм йиғлай бошлади. Жорж ўзини йўқотиб қўйди, шошиб қолди ва бехос чўқиниб олди. Ҳамшира уйғонди ва каравот олдига келди.

– Жони узилибди, – деди у.

Дюруа яна одатдагидай хотиржам бўлиб қолди, ўзини босиб олди ва энгил хўрсиниб, пичирлади:

– Мен анчага чўзилса керак деб юрибман.

Ҳали ўлик совимай туриб, ҳали кўзлардаги ёшлари қотмайин туриб ўлик чиқадиган уйда бўладиган ташвиш, югур-югурлар бошланди. Дюруа тонг қоронғисигача чоп-чопдан бўшамади.

Қайтиб келганида очликдан ичини ит таталаётганга ўхшарди. Форестье хоним ҳам у билан бирга бир оз тотинган бўлди. Овқатдан сўнг улар марҳум ётган хонага ўтишди, туннинг қолган қисмини шунда ўтказишлари керак эди.

Тунги столча устида иккита шам ёниб турар, унинг ёнида сув солинган тақсимчада мимоза шохчаси лиқиллаб турарди. Анъанага кўра солинадиган шамшод шохчасини тополмадилар.

Навқирон йигит билан ёш жувон оламдан ўтиб бўлган марҳумнинг қошида жимгина унга термилишиб ўтирар эдилар.

Форестъенинг жасадини қуршаган қоронғилик Жоржнинг юрагига ваҳима солар, шундай бўлса ҳам ундан кўзларини узмасди. Шамнинг парпираран ёғдусида марҳумнинг юзи янада кичрайиб кўринар, Дюруа ундан кўзларини узолмас, фикри-ёди ўликда эди. Мана, ўзи кечагина гаплашиб ўтирган дўсти Шарль Форестъе! Тирик жонзоднинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши қанчалар даҳшатли, ҳатто ақл бовар қилмайди бунга! О, ўлим ваҳимасига тушган Норбер де Вареннинг: «Ҳеч бир зот у ердан қайтмаган!» – деган сузлари энди қулоғидан нари кетмайди, миллионларча, миллиардларча худди унга ўхшаган, кўзи, бурни, оғзи, калласи худди уникидан фарқ қилмайдиган мавжудотлар оламга келади, лекин ҳозир мана шу каравотда ётган одам бошқа қайтиб келмайди.

У ҳамма одамлар каби бирмунча вақт яшади, еди, ичди, ўйнади, кулди, нималардандир умидвор бўлди, кимларнидир севди. Ҳаёт шундай! Яна бир неча кундан сўнг уни буткул йўқлик дунёси ўз ҳукмига олади. Оламга келасан, вояга етасан, ўзингни бахтиёр сезасан, нималарнидир илҳақ кутасан, кейин ўлиб кетасан. Сен ким бўлмагин: эркакмисан, аёлмисан, суриштириб ўтирилмайди, ҳайё-ҳуйт деб ер юзидан ғойиб бўласан, ёруф дунёни қайтиб курмайсан. Шунга била туриб ҳам ҳар биримиз ўлмасликни истаймиз, ўлимга чап беришга ҳаракат қиламиз. Ҳар биримиз коинот ичра коинотмиз ва ҳар биримиз чириб кетамиз, янги куртакларга озиқ бўламиз. Ўсимликлар, махлуқотлар, одамзот, юлдузлар, оламлар – бари туғилади, ўлади, бошқа бир нарсаларга айланади. Лекин биронта ҳам мавжудот қайтиб дунёга келмайди – у кўнғиз бўладими, одам ёки сайёра, фарқи йўқ!

Дюруа юрагига англаб бўлмас, чексиз қийноққа солувчи даҳшат тош бўлиб чўкди, – бу барча бебақо умрларни ўз қомига тортиб кетгувчи чек-чегарасиз, омонсиз мулки адам қаршисидаги ваҳм эди. У эртами кеч ўз чекига тушгувчи нарса олдида энди бош эгмоқда эди. У фақат бир неча соатгина яшайдиган қурт-қумурсқалар, фақат бир неча кунгина кун кўрадиган жониворлар, бир неча йилгина умр кўрадиган одамлар, бир қанча асрларгагина дош берадиган қитъалар ҳақида ўй суриб кетди. Нима фарқ бор буларнинг ўртасида? Бирларига офтоб бир неча марта чиқса, бошқалари учун бир марта чиқади, шу холос.

У ўликни кўрмаслик учун юзини четга бурди.

Форестье хоним бошини ҳам қилганча ўтирар, афтидан, у ҳам қайғули хаёлларга толганди. Унинг малла ранг сочлари кадарли чеҳрасини шу қадар чиройли қилиб кўрсатардики, буни кўрган Дюруанинг қалбида ширин бир туйғу уйғонди, унинг юрагига умид ёруғ нурини ташлаб ўтгандай бўлди. Ҳали ҳаёт – ҳаммаси олдинда, нимага бошимизни букиб ўтирибмиз?

У Форестье хонимдан кўзларини узмай тикила бошлади. Ўйга толган хоним унга қарамасди. «Дунёдаги бирдан-бир лаззат мана шу – муҳаббат! – дерди у ўзига-ўзи. – Бу умрда севганингни бағрингга босмоқдан ортиқ фароғат йўқ!»

Мана шундай оқила, дилбар бир хотин билан яшашга муяссар бўлган марҳум нечоғли бахтиёр эди! Улар қандай қилиб танишган эканлар, а? Шундай хотин манови худо на ақл ва на давлат берган одамни нима учун умр йўлдоши қилиб танладийкин? Уни қандай йўллар билан одам сонига қўшдийкин?

Ҳар кимнинг ўз сир-асрори бор, деган фикрга келди у. Шунда унинг эсига граф Водрек ҳақидаги

мишмишлар тушди, одамлар Водрек Форестье хонимга мол-мулк бериб эрга узатган, деб юришарди.

Энди нима қилади бу хотин? Кимни ўзига эр қилиб танлайди? Де Марель хоним айтгандай, депутатними ёки келажаги бор, умид қила бўладиган иккинчи бир Форестьеними? У ҳозир бу ҳақда нима фикрдайкин, қандай режа, истаклари бор экан? Буларни билиб олсанг ёмон бўлмасди-я! Лекин нега унинг тақдири ўзини жуда қизиқтириб қолди? У ўзига-ўзи шу саволни берди-ю, кўнглида ноаниқ сирли бир орзу ниш уриб ётганини ва ўзига шу нарса тинчлик бермаётганлигини ҳис қилди, баъзан кўнглимизда шундай орзулар борлигига ҳатто ўзимиз ҳам тан беришни истамаймиз, уни ҳаммадан яширамыз, фақат кўнглимизнинг кўчасига чуқурроқ кирган чоғимиздагина у орзуларимиз ўзимизга аниқ бўлади.

Ҳа-я, уни қўлга киритишга нега энди уришиб кўрмаслиги керак? Агар унинг мадади, қўлаб-қувватлашига эришолса, тоғларни талқон қилиб ташламасмиди! Ҳаш-паш дегунча зўр ишларнинг бошини тутмасмиди!

Бу жононни қўлга қўндиришга нима монелик қилади? Ахир хонимга ёқиб юрганини сезиб турибди-ку, уни ёқтиришигина эмас, балки, бир-бирларини ўзларига жуда яқин кўриб, ўзларини яқин олаётганлари, бу яқинлик тилда бўлмаса ҳам, дилда қулф ураётганлиги равшан-ку. Ўхшатмасдан учратмас дейдилар. Хоним унинг ақлли, дадил, тегирмонга тушса бутун чиқишини билади: унга ишонса ҳам ажаб эмас.

Ахир у оғир дақиқада унга суянмадимми? Нега бўлмаса уни чақиртирди? Бу унинг юрак амрига бўйсунганлиги, бир қарорга келганлиги ва буларни унга рози дил каби англатаётганлиги эмасмикин?

У ўзи бева бўлиб қолаётган дақиқаларда биринчи бўлиб уни эслагани бўлажак умр йўлдоши ҳақида ўйлай бошлаганлигини кўрсатмайдими?

У буларнинг ҳаммасини билишни истар, ундан суриштириб олгиси келар, яширин фикрларини уқиб олишга интиларди. Индинга у жўнаб кетиши керак, бу уйда ёш бева жувон билан ёлғиз қолиш унга ўнғайсиз. Шундай экан, пайсалга солишнинг кераги йўқ, кетгунча эҳтиёткорлик билан секин унинг ниятларини билиб олиши, уни бошқаларга илдириб юбормаслик, унинг фикри ўзгариб қолишига йўл қўймаслик, оғиздаги ошни олдирмаслик чорасини кўриши керак.

Хонага теран сукунат чўкди: фақат соатнинг бир маромдаги чиқиллашигина эшитилиб турарди.

– Жуда ҳам чарчадингиз, а? – сўради ундан Дюруа.

– Ҳа, – жавоб берди у. – Чарчадим, жуда эзилиб кетдим.

Хафагазак бу хонада уларнинг товушлари га-лати бўлиб эшитилди, буни ҳар икковлари ҳам сездилар. Икковлари ҳам ўликка қараб олдилар, назарларида бундан бир неча соат олдин қандоқ бўлса, Форестье шундай уйғониб, уларнинг гапига қулоқ солаётгандай туюлиб кетди.

– Ҳа, сизга жуда қийин бўлди, – яна гап бошлади Дюруа, – энди ҳаммасини қайтадан бошлаб керак, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди, жуда-жуда қийналиб кетдингиз!

Жувон жавоб ўрнида чуқур хўрсиниб қўйди.

– Ўн гулидан бир гули очилмаган жувонга сўққа-бош бўлиб қолиш қанчалар оғир! – қўшиб қўйди у.

Жувон индамади.

– Нима бўлганда ҳам келишган гапимизни унут-мангн, – шивирлади Дюруа. – Камина қулингиз

доимо сизнинг ихтиёрингиздаман. Сизнинг ҳукмингизни кутаман.

Форестье хоним унга маъюс бир меҳр билан қараб қўйди, аёлларнинг бундай қарашларидан, одатда, биз эркакларнинг жони-жаҳонимиз ағдар-тўнтар бўлиб кетади.

– Минг раҳмат сизга, сиз жуда меҳрибон, ажойиб йигитсиз, – деди унга қўлини узатаркан хоним. – Агар сиз учун бирон нарса қилиш қўлимдан келса ва бунга журъат этсам, унда сизга: «Менга ишонинг», деб айтган бўлардим.

Дюруа хонимнинг узатилган қўлини олди, уни ўпишдан ўзини базўр тўхтатиб, бирпас ушлаб турди ва қаттиқ қисди. Кейин журъат қилиб, уни лабига оҳиста олиб борди ва дудоқлари аёлнинг нафис, қайноқ, муаттар қўлларига тегди.

Назарида, дўстона бу меҳрибончилик хийла узоққа чўзилиб кетгандай бўлиб, Дюруа оҳиста унинг қўлини қўйиб юборди. Форестье хонимнинг нафис қўллари шунда бўшашибгина тиззасидан жой олди.

–Ҳа, ёлғиз қолдим, лекин мен дадил бўлишга ҳаракат қиламан, – деди у қатъий қилиб.

Дюруа, агар сиз менинг хотиним бўлишга рози бўлсангиз, бошим осмонга етарди, деб айтгиси келар, лекин буни қандай айтишни билмасди. Тургап гапки, унга буни шу ерда – марҳум ётган хонада ҳозир айтолмасди. Яна ким билади, балким, бу гапларни очиқ айтмасдан, таг заминли қилиб, усталик билан шама қилса, шамасига истаган маънода тушуниш мумкин бўлса, унга мақсадини қайтага яхшироқ англатармиди.

Лекин Дюруанинг назарида манови совиб, қотиб қолган жасад уларнинг олдларида эмас, икковларининг ўрталарида ётгандек туюлар ва у бундан ўзини ноқулай сезарди.

Бундан ташқари, назарида, уйнинг бўғиқ ҳавоси ўликнинг бадбўй ҳиди, чириётган тананинг сассиқ исига тўлиб кетган, марҳум ўз жасадининг бўйи билан яқинларини беҳузур қилаётганга ўхшарди.

– Деразани очиб қўйсакмикин? – сўради Дюруа.
– Уйнинг ҳавоси ёмон бўлиб кетганга ўхшайди.

– Майли, – деди жувон. – Менга ҳам шундай бўлиб туюлди.

Дюруа бориб деразани очди. Хонага шу замоноқ тунги сарин шабада қуйилди, шам алангаларини пароканда қилди. Ой худди кечагидек саройларнинг оқ деворларига бепоён денгиз узра юмшоқ текин нурини сочиб ётарди. Дюруа кўкрагини тўлдириб нафас олар, қалби умид билан тўлган, қўл узатса бахтига етадигандай, хаёли олиб қочганди уни узоқларга.

– Тоза ҳаводан нафас олинг, – деди у орқасига ўгирилиб. – Ажойиб тун.

Форестъе хоним дераза олдига хотиржам юриб келди, унинг ёнида туриб дераза раҳига суянди.

– Қулоқ солинг, – деб шивирлаб гапира бошлади у, – мени тўғри тушунишингизни сўрайман. Биламан, ҳозир бундай гапларнинг пайти эмас, лекин жаҳдингиз чиқмасин, лекин мен индинга кетаман, сиз Парижга боргунингизча кеч бўлиб қолиши мумкин. Шундай экан... Мен камбағалман, ҳозир бир тийин ҳам пулим йўқ, қилаётган ишим ҳам ҳали жуда тайинли бир иш эмас, ўзингизга маълум. Лекин мен аҳд қилган нарсамга эришмай қўймайман, аҳмоқ эмасман, танлаган йўлим ҳам тўғри. Мақсадига эришган одамни етти чақирим наридан билса бўлади. Ҳаётини эндигина бошлаган одам ҳақида эса бир нарса дейиш қийин. Бунинг ўзига яраша яхши томони ҳам, ёмон томони ҳам бор. Хулласи калом, бир куни уйингизга борга-

нимда сизга айтгандим, бутун умр сизга ўхшаган аёлга уйланишни орзу қиламан, деб. Ҳозир мен ўшанда айтган гапларимни яна айтаман. Менга ҳозирча ҳеч нарса деманг. Гапимни охиригача эшитинг. Мен ҳозир сизга таклифимни айтмайман. Бу ерда ва бундай бир дақиқада гоятда хунук эшитилиши мумкин. Биргина сўзингиз мени бахтиёр қилиши, агар истасангиз – мени ўзингизнинг энг яқин дўстингиз, истасангиз – эрингиз каби кўришингиз мумкин, бу сизнинг ихтиёрингизда, нима бўлганда ҳам шуни яхши билиб қўйингки, менинг юрагим ва бутун ҳаётим сизникидир. Мен шу тобнинг ўзида менга жавоб беришингизни истамасдим, мен бундай гапларни ҳозирги вазиятда айтишни ўзимга эп кўрмасдим. Парижда учрашганимизда менга ўз фикрингизни айтарсиз. Унгача эса, бошқа бир оғиз ҳам бу ҳақда гаплашмайлик, хўпми?

У ҳамма гапларини унинг юзига қарамасдан, худди қаршисида қучоғини кериб турган тунга қарата айтаётган каби тўкиб солди. Жувон кўринишдан унинг гапларини эшитмаётганга ўхшарди, – у қимир этмасдан ой нури тўкилиб ётган олисларга фаромушгина бўлиб, айни чоқда разм солиб тикилиб қолганди.

Улар шу алфозда тирсаклари бир-бирларига тегиб ёнма-ён узоқ туриб қолдилар. Улар жимгина хаёлга толгандилар.

– Салқин тушяпти, – деб шивирлади жувон ниҳоят ва ўзини каравот томонга олди.

Дюруа унга эргашди.

Мурдадан ис келаётганига энди ишонгач, креслосини нарироқ суриб олди: у барибир бу ҳидга узоқ дош беролмасди.

– Эрталаб уни тобутга солиш керак, – деди у.

– Ҳа, ҳа, мен айтдим, дурадгор соат саккизга етиб келади.

– Бечора! – хўрсиниб деди Дюруа.

Жувон ҳам оғир хўрсинди – бу тақдирга тан берган одамнинг хўрсиниши эди.

Улар энди мурдага камроқ қарашга ҳаракат қилишарди; улар ҳам бир кун шу аҳволга тушадилар, ўлим ҳақ, унга тан бермай иложинг йўқ, шунинг учун ҳам кечагина ишонмаган нарсаларига ҳозир тан берган, кўниккан эдилар.

Улар индамайгина ўтиришар, одоб юзасидан ухлаб қолмасликка ҳаракат қилар эдилар. Бироқ тун яримлаганда Дюруа биринчи бўлиб ухлаб қолди. Кўзини очганда эса, Форестье хоним ҳам мудраб қолганлигини кўрди ва қулайроқ ўрнашиб олиб, яна кўзларини юмди.

– Жин урсин, тўшакда ётганга етмайди барибир! – деб пўнғиллади у.

У қандайдир товушдан уйғониб кетди. Ҳамшира кирди. Кун ёришмоқдайди. Форестье хоним унинг рўпарасида ўтирар, уйқусираганидан дарров ўзига келолмасди. Унинг чеҳраси бир оз оқаринқираган, лекин ўша-ўша дилбар, кўркама, навқирон кўринарди, – тун уқубати унга айтарли таъсир қилмаганди.

Дюруа мурдага қараб сесканиб кетди.

– Қаранглар! Соқол! – қичқирди у.

Бузилиб бораётган марҳумнинг бети бир неча соат ичида шунчалар соқол билан қоплангандики, тирик одамнинг юзида бунчалар соқол бир неча кунда ҳам ўсиб улгурмайди. Шунда ҳар икковлари ҳам ўликда ҳали сақланган ҳаёт асоратини кўриб қотиб қолдилар, уларнинг назарида, бу мудҳиш бир асрор, ўликда тирикликнинг хориқулодда бир зуҳури, одамнинг ич-этини жунжиктирадиган

одатдан ташқари қўрқинчли бир нарса, ҳайратга соладиган, ақлдан оздирадиган ҳодиса эди.

Соат ўн биргача икковлари ҳам дам олдилар. Кейин Шарлни тобутга ётқиздилар, шундан сўнг улар сал енгил тортдилар. Бир-бирлари билан рўпарама-рўпара ўтиришиб нонушта қилишаркан, кўнгилхуши гаплардан гаплашиб ўтиришни истардилар: ўлимнинг иши битди, тезроқ ҳаётга қайтгилари келарди уларнинг.

Очиқ деразадан кирган баҳорнинг майин ва илиқ шабадаси хонага уй олдидаги гулзорда гуллаб ётган шабонинг бўйини олиб кирарди.

Форестье хоним Дюруага боғни сайр қилиб келайлик, деб таклиф этди, улар кўм-кўк ўтлоқ атрофини айланиб юришди, ҳавода оқ қарағай билан эквалиптларнинг ҳиди анқирди.

– Менга қаранг, азиз дўстим, мен... кеча айтган гапларингизни ўйлаб кўрдим, – деб гап бошлади Форестье хоним, кеча Дюруа қандай унга қарамай гапирган бўлса, бу ҳам шундай сўйлар, сўзлари дона-дона чиқар эди. – Мендан бир оғиз ҳам жавоб эшитмай кетиб қолишингизни истамасдим. Сизга ҳа ҳам, йўқ ҳам деб айтолмайман. Сабр қилайлик, кўрайлик, бир-биримизни яқиндан билайлик. Сиз ўзингиз ҳам яхшилаб ўйлаб кўринг. Ҳозир қизишиб турибсиз, бунга аҳамият берманг. Бу ҳақда шунинг учун ҳам оғиз очяпманки, ҳали Шарль бечорани лаҳадга қўйганимиз йўқ, лекин кеча ўзингиз оғиз очиб қолганлигингиз боисидан шуни айтиб қўйишим керакки, менинг кимлигимни яхши билиб олишингиз ва мабодо... мабодо менга тушунолмасангиз ва мени мана шу туриш-турмушимча қабул қилолмасангиз, унда... унда кеча менга айтган катта орзуларингизни менинг номим билан боғлаб юрманг дейман.

Мени тушунишга ҳаракат қилинг. Мен никоҳни ўзимга занжир деб билмайман, мен учун у ҳам дўстлик. Яъни, мен ўз хатти-ҳаракатларим учун ўзим жавоб бераман, менинг эркимни чеклашга йўл қўймайман, қилаётган ишларим ҳақида ҳисоб-китоб бермайман, қаерга кетаётганлигимни айтиб ўтишни шарт деб ҳисобламайман, мен орқамдан кузатиб юришларини, рашк қилишларини, насиҳат ўқишларини истамайман. Ўз-ўзидан равшанки, мен ўзим фамилиясини қабул қилган кишини уялтириб қўймасликни, уни ғалати аҳволга солмаслик, номини булғамасликни бўйнимга оламан. Лекин у ҳам мени муте, ҳар нарсага бўйин эгадиган хотин деб эмас, ўзига ҳамдард, ҳар нарсада унга тенг бўлган одам деб билиши керак. Мен хизматкор эмасман. Биламан, менинг бундай гапларим кўп одамларга жуда эриш туюлиши мумкин. Лекин шу гапим – гап ва мен ундан қайтмайман. Вассалом...

Яна бир нарсани худди сиз каби қўшимча қилиб қўяй: менга ҳозир жавоб берманг, ўрни эмас, фойдаси ҳам йўқ. Биз яна кўришамиз ва эҳтимол, бу ҳақда гаплашармиз.

Энди ўзингиз бирпас айланиб юринг. Мен унинг олдига кираман. Кечқурун кўришамиз.

Дюруа унинг қўлларини узоқ ўпиб турди, кейин индамасдан нари кетди.

Улар оқшом тушганда кечки таом устида кўришдилар. Икковлари ҳам ниҳоятда ҳолдан тойган эдилар, тезроқ ҳар ким ўз хонасига қайтишга шошилди.

Шарль Форестъени эртасига Канн мазористонига асъаса-дабдаба қилмасдан кўмиб келдилар. Жорж Дюруа соат бир яримдаги курьер поезди билан жўнайдиган бўлди.

Форестье хоним уни вокзалга кузатиб чиқди. Поезд келгунча улар перронда ундан-бундан гаплашиб айланиб юришди.

Курьер поезд келди: бу чинакам курьер поезд бўлиб, вагонлари озгина, бешта эди.

Дюруа вагондан жой олгач, яна бир неча дақиқа Форестье хоним билан бирга бўлиш учун пастга тушди; уни ташлаб кетаётганини ўйлаганда худди ундан бутунлай ажралиб қоладигандай юраги увишар, маъюсланар эди.

– Марсель – Лион – Парижга борадиганлар, жойларингизни эгалланглар! – қичқирди кондуктор.

Дюруа вагонга кириб унга яна бир нарсалар дейиш учун бошини деразадан чиқарди. Паровоз ҳуштак чалди ва поезд оҳиста ўрнидан жилди.

Дюруа вагондан бошини чиқариб Форестье хонимга қараб турарди: у эса перронда қимир этмас, кўзлари билан уни кузатарди. Тўсиндан, ҳали жувон кўз ўнгидан йўқолмай туриб, у иккала қўлини лабига босди-да, унга ўпич юборди.

Жувон ҳам унга шу жавобни қилди, фақат у йўллаган ўпич билинар-билинемас, ҳуркак ва иболи эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Жорж Дюруа ўзининг эски одатларига қайтди.

Константинополь кўчасидаги пастки қаватда жойлашган ўша мўъжазгина уйда яшар, тақдирда ўзгариш рўй беришини кутаётган одам каби камсуқум, камтаргина ҳаёт кечирарди. Ҳатто унинг де Марель хоним билан бўлган муносабатлари ҳам эр-хотин ўртасидаги муносабатларга ўхшаб кета бошлади, гўё у ўзини олдиндан янги бир турмушга чоғлаётганга ўхшар, маъшуқаси ҳам алоқаларининг бунчалар изга тушиб қолганидан таажжубга тушиб, кула-кула дерди:

– Сен менинг эримдан ҳам оиламандроқ чиқиб қолдинг. Уни сенга алмаштирмасам ҳам бўлар экан.

Форестье хонимдан ҳамон дарак йўқ эди. У Каннда ушланиб қолди. Хоним апрелнинг ўрталарида қайтажагини унга ёзиб юборганди, бироқ хайрлашаётганларида бир-бирларига айтган гапларидан биронтасини ҳам тилга олмаган эди. Дюруа тоқат билан кута бошлади. У агар хоним пайсалга соладиган бўлса, қўлидан нимаики келса барини қилишга ҳар қандай қилиб бўлса ҳам унга уйланишга қарор қилди. У ўзининг толе юлдузи балқиганига ишонар, одамларни ром қилиш қо-

билияти борлигини билар, ўзида ҳеч бир аёл зоти тоб беролмайдиган сирли ва енгиб бўлмас бир куч кулф уриб турганлигини сезарди.

Кунлардан бир куни у қисқагина хат олди ва ҳал қилувчи дамлар келганлигини англади:

«Мен Парижга келдим. Бир келиб кетинг. Мадлена Форестье».

Вассалом. У хатни эрталабки соат тўққизда келадиган почта орқали олди. Соат уч бўлганда у хонимнинг олдида ҳозир бўлди. Хоним уни дилбарлик билан латиф жилмайганча қарши олди, гулгул очилиб унга икки қўлини узатди. Улар бир неча дақиқа бир-бирларига тикилишиб қолдилар

– Бошимга оғир қайғу тушганда ҳамдам бўлганингиз қандай яхши бўлди! – дея шивирлади у.

– Доимо сизнинг амрингизга мунтазирман, хоним, – деди Дюруа.

Ўтирдилар. Хоним янгиликдан сўйлаб беришини сўради. Вальтерлар ҳақида суриштирди, ходимлар, газетада нима гаплигини сўради. У газета ҳақида кўп ўйлаган экан.

– Мен сира-сира газетасиз яшолмайман, – деди у. – Ўзимни мухбир деб ҳис этаман. Нима деманг, бу ишни жонимдан яхши кўраман.

Хоним индамай қолди. Дюруа унинг табассуми, гапларининг оҳанги нимагадир шама қилаётганлигини сезиб қолди ва ишни илгари мўлжаллаганичалик жадаллаштирмасликка қарор берди.

– Жуда соз!.. Айтинг-чи... бу иш билан... энди бу иш билан Дюруа фамилиясини олиб машғул бўлсангиз қандай бўлар экан? – тутила-тутила деди Дюруа.

Форестье бирдан жиддийлашиб қолди.

– Ҳозирча бу ҳақда гаплашмайлик, – деди оҳиста хоним қўлини унинг елкасига ташлаб.

Бироқ хоним таклифига рози эканлигини сезиб, Дюруа унинг оёқларига тиз чўкди.

– Раҳмат, минг раҳмат, сизни шу қадар севаманки! – деди унинг қўлларини эҳтирос билан ўпаркан Дюруа.

Хоним ўрнидан қўзғалди. Дюруа ҳам оёққа турди ва хонимнинг юзига қараб унинг ранги оқаринқираб кетганлигини кўрди. Шунда у ўзининг хонимга ёқишини, балки бу анчадан бери давом этиб келаётганлигини англади. Улар бир-бирларига тикилганча туришарди; Дюруа вазиятдан фойдаланиб, хонимни бағрига тортди ва унинг мангалайдан эҳтиром ва меҳр билан узоқ ўпиб турди.

– Гап бундай, азизим, – деб сиполик билан сўз бошлади хоним унинг бақридан сирғилиб чиқиб, – мен ҳали бир қарорга келганим йўқ. Бироқ балким, сизга «хўп» деб айтарман. Лекин сиз то хўп демагунимча бу нарсани мутлақо ҳеч кимга айтмаслигингиз керак.

Дюруа унга сўз берди ва оғзи қулоғига етганча чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб Дюруа хоним билан ғоятда сиполик билан гаплашар, ундан тайин бир гапни айтишни талаб қилмасди, чунки хонимнинг барча гап-сўзларида, келажак ҳаётлари хусусида чизган ва у билан ўртоқлашган режаларида «розиман» деган жавобдан ҳам чуқурроқ, дилкашроқ бир маънони уқиш мумкин эди.

Дюруа жонини жабборга бериб ишлар, тўйгача бир оз бўлса ҳам пул йиғиш ниятида тежаб-тергаб сарфларди, унинг бугунги хасислиги кечаги тараллабедод юришларига сира ўхшамасди.

Ёз ҳам, куз ҳам шу зайлда ўтди, улар кам учрашишар ва ўзларини шу қадар бепарво тутар эдиларки, ҳеч кимда заррача шубҳа уйғонмасди.

Бир куни кечқурун Мадлена унинг кўзларига тик боққанича сўраб қолди:

– Сиз ўртамиздаги гапларни де Марель хонимга айтмабмидингиз?

– Йўқ, жоним. Сизга, ҳеч кимга айтмайман деб сўз берган эдим, биронта кимса бу ҳақда ҳеч нима билмайди.

– Унда энди айтсангиз бўлаверади. Вальтерларга эса ўзим айтаман. Шу ҳафта айтаман. Майлими?

Дюруа қизариб кетди:

– Майли, эртагаёқ айтганим бўлсин.

– Агар истасангиз, – деди хоним давом этиб, кўзларини унинг уялганини кўрмаслик учун секин четга оларкан, – биз майнинг бошларида тўй қилишимиз мумкин. Шунда эл-юртнинг кўзига яхши бўлади.

– Сиз нима десангиз шу.

– Менга қолса ўнинчи май, шанба куни ўтказ-сак девдим. Мен шу куни туғилганман.

– Ўнинчи май бўлса, жуда яхши бўлади.

– Сизнинг ота-онангиз Руан атрофида туришади, шундайми? Менга шундай дегандай бўлувдингиз.

– Ҳа, Руан томонда, Кантледа.

– Улар нима билан шуғулланишади?

– Уларнинг... кичикроқ мулклари бор.

– А! Улар билан танишиб олишни орзу қиламан.

Дюруа қисиниб ғалати аҳволга тушди, чайналиб қолди:

– Бироқ... майли-ю, гап шундаки...

Кейин ўзига-ўзи мард бўлиш керак, деб ўйлади-да, гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолди:

– Жоним, улар деҳқон одамлар, кичик қовоқхона очганлар, мени одам қилиш учун ўлиб-тирилиб ури-нишган. Мен улар билан фахрланаман. Улар... содда сал... тўпори одамлар... сизга ёқмасликлари мумкин.

Хонимнинг чеҳрасига дилбар бир табассум ёйилди, унинг кўзларида меҳр-шафқат порлаб турарди.

– Ундаймас. Уларни бошимга кўтараман. Бориб кўриб келамиз. Албатта, борамиз. Ҳали бу ҳақда яна сиз билан гаплашамиз. Менинг ота-оналарим ҳам содда одамлар эди... Лекин улар ўлиб кетишган. Дунёда менинг ҳеч кимим йўқ сиздан бошқа, – деб қўшиб қўйди хоним ва унга қўлларини узатди.

Дюруа тўлқинланиб кетди, юраги илиқ ҳиссиётларга тўлди, – шу пайтгача ҳеч бир аёл унинг юрагини бунчалар эритмаган, мафтун этмаганди.

– Хаёлимга баъзи бир фикрлар келганди, -- деди хоним, – лекин буни тушунтириш қийин.

– Яъни, масалан?

– Биласизми, жоним, мен ҳам худди бошқа аёлларга ўхшаганман... ўзимнинг камчиликларим, галати одатларим бор, ялтироқ ва жарангдор нарсаларни яхши кўраман. Мен асилзодаларга хос фамилиям бўлишини орзу қилардим. Бизнинг никоҳдан ўтишимиз муносабати билан сиз... сиз дворян бўлолмасмикинсиз?

Хоним лоладай қип-қизариб кетди, худди бир уят иш қилган болага ўхшаб қолди.

– Мен ўзим ҳам шуни ўйлаб юрган эдим, – деди соддадиллик билан Дюруа, – лекин, менимча, бу жуда қийин бўлса керак.

– Нега энди?

Дюруа кулиб юборди.

– Одамлар майна қилишадими, деб кўрқаман.

Хоним елкасини қисиб қўйди.

– Қўйинг-е, ундаймас! Ҳамма шундай қилади, бунинг кулгили ери йўқ. Фамилиянғизни бўғинларга ажратасиз, вассалом: «Дю Руа» бўласиз. Жуда чиройли!

– Йўқ, унча чиройли эмас, – деб эътироз билдирди Дюруа ўзини билимдон кўрсатиб. – Бу жу-

даям одми, бошқаларнинг чўнтагидан тушиб қолган йўл. Мен ўзим аввал адабий тахаллус сифатида туғилган еримнинг номини олсаму, кейин ими-жи-мида аста унга фамилиямни қўшиб олсам девдим. Ана унда вақт-соати билан сиз айтган йўлни ҳам қилиш мумкин.

– Сизнинг қишлоғингиз Кантле деб аталадими?
– сўради хоним.

– Ҳа.

Хоним ўйланиб қолди.

– Йўқ. Менга унинг охирги бўғини ёқмайди. Менга қаранг, бу сўзни салгина ўзгартирсак нима қиларкан... Кантлемиди?

Форестье хоним столдан перо олиб турли фамилияларни ёзиб кўра бошлади, у сўзларнинг қандай кўринишига эътибор бермоқдайди.

– Топдим, қаранг, қаранг! – бирдан хурсанд бўлиб хитоб қилди хоним ва Дюруага «Дюруа де Кантель хоним» деб ёзилган варақни узатди.

– Ҳа, жуда чиройли, – деди бир неча дақиқа ўйланиб тургач Дюруа димоғдорлик билан.

– Дюруа де Кантель, Дюруа де Кантель, Дюруа де Кантель хоним. Ажойиб! Ажойиб! – ўзида йўқ шодланиб такрорлади Форестье хоним.

– Мана кўрарсиз, ҳеч ким ҳеч нарса демайди, – деб ишонтирди хоним. – Фақат темирни қизигида босиш керак. Пайсалга солиш ярамайди. Мақолаларингизни эртадан бошлабоқ «Дюруа де Кантель» номи билан чиқараверинг, оддий мақолачалар бўлса, унда соддагина қилиб «Дюруа» деб қўйинг. Қаламкашлар кўпинча шундай қилишади, сизнинг тахаллусингиз бировга халақит бермайди. Тўй кунимизгача биз яна баъзи бир нарсаларни ҳам ўзгартирамиз, дўстларимизга эса сиз шу пайтгача камтаринлик қилиб «дю» юкламаси-

ни ишлалмаганлигингизни тушунтирамыз, вазиятнингиз шуни тақозо қилганлигини айтамыз, балки, эҳтимол, тушунтириб ҳам ўтирмасмиз. Отангизнинг исмлари нима?

– Александр.

– Александр, Александр, – бир неча бор такрорлади хоним сўзнинг оҳангдор чиқаётгани, чиқмаётганига қулоқ солиб, кейин тоза оқ қоғоз олди-да, ёзди:

«Жаноб Александр дю Руа де Кантель ва хоним ўз фарзандлари Жорж дю Руа де Кантелнинг Мадлена Форестье хоним билан никоҳдан ўтаётганларини сизга камоли эҳтиром билан маълум қиладилар».

Хоним ўз ёзганларига кўзини узоққа олиб қочиб қаради ва хурсанд бўлиб деди:

– Озгина усталик қилсангиз, ҳамма нарсага эришувингиз мумкин.

Дюруа хонимникидан кетаркан, энди ўзини «Дю Руа» ва ҳатто «Дю Руа де Кантель» деб аташни ўйлаб борар ва назарида, ўзини бутунлай бошқача одам бўлиб қолгандай ҳис қиларди. Қадам ташлашлари яна ҳам дадилроқ, боши янада баландроқ бўлиб қолди, мўйлаблари-ку, мўйлаблари энди янада диккайиброқ турарди, – унингча дворян мана шундоқ кўринишга эга бўлиши керак эди. Унинг кўнгли қувонч билан тўлиб-тошганди, дуч келган ўткинчига:

– Мени Дю Руа де Кантель дейдилар, – дегиси келарди.

Лекин уйга келгач, эсига де Марель хоним тушиб, безовта бўлиб қолди ва шу заҳоти ўтириб унга хат ёзди, эртага учрашишларини сўради.

Кейин ўзининг одатдаги боқибегамлиги устун келиб, барига қўл силтади-да, янги солиқлар ҳақида чаққон бир мақола ёзишга ўтирди, у давлат

бюджетини мустаҳкамлаш мақсадида қатор солиқлар солишни таклиф қилмоқда эди.

У дворянларга тегишли бўлган юклама сўз учун йилига юз франк, барондан бошлаб князлик ун-вонларига эса йилига беш юз франкдан минг франккача солиқ солишни ёқлаб ёзди.

Мақола тагига «Д. де Кантель», деб қўйди.

Эртасига у кўк хат олди, маъшуқаси соат бирда келажагини хабар берганди.

Дюруа уни юраги пўкиллаб урган ҳолда кута бошлади, ҳаммасини бошданоқ тўкиб-соламан, гапнинг пўскалласини айтаман-қўяман, деб ўйлади у, сал шаштидан тушгандан кейин унга ҳаммасини бирма-бир тушунтираман, бир умр тирик бўйдоқ бўлиб ўтолмаслигимни, ҳамонки, жаноб де Марель бу дунёдан кетишни истамаётган экан, менинг уйланишдан бошқа чорам қолмади, дейман деб ўйларди.

Шундоқ бўлса ҳам, у ўзини ўнғайсиз сезмоқдайди. Қўнғироқ чалинганда унинг юраги қинидан отилиб кетай деди.

Маъшуқаси ўзини унинг қучоғига отди:

– Салом, Азизим!

Де Марель хоним Дюруадаги совуқдикни сезди.

– Сенга нима бўлди? – деб сўради у Дюруага диққат билан тикиларкан.

– Ўтир, – деди Дюруа. – Биз яхшилаб гаплашиб олишимиз керак.

Де Марель хоним бошидан шляпасини олмай, юзидаги тўрни сал кўтариб қўйди-да, ўтирди.

Дюруа бошини қуйи эгиб олди, у фикрларини жамламоқда эди.

– Жонгинам, – деб оҳиста сўз бошлади у, – мен ҳозир сенга айтадиган гапимни ўйласам, ўзимни кўярга жой тополмайман, жуда қийналиб кетдим.

Мен сени жуда ҳам яхши кўраман, сен менинг жону жаҳонимсан, сени жиндай бўлсин хафа қилишим мумкинлигини ўйласам, олам кўзимга қоронғи бўлиб кетади.

Де марель хонимнинг ранги ўчди, қалтирай бошлади.

– Нима бўлди? Бўл, гапир! – шивирлади у.

Шунда у қайғули қилиб, айни замонда, қатъийлик билан ўзи учун ёқимли, лекин бировга ёқимсиз нарсани хабар қилаётган одамдай зўраки бир маъюслик билан деди:

– Гап шундаки, мен уйланыпман.

Жувоннинг кўкрагидан инграган сас отилиб чиқди, – хотинлар ҳушдан кетиш олдидан одатда мана шундай ингранадилар, унга нафас етишмай қолган, кўкраги дам сайин кўтарилиб тушар, гапиришга мажол қолмаганди унда.

– Шу қарорга келгунча бошимдан нималар кечганлигини билсанг эди, – деб давом этди у маъшуқаси индамай қолганлигини кўриб. – Ўзинг кўриб турибсан, менда на пул, на тузукроқ мавқе бор. Парижда ўзимни ёлғизликдан хасдай ҳис қиламан. Мен ёнимда одам бўлса, қўлтиғимга кирса, ёрдам берса, яхши-ёмон кунимга яраса, суянчиқ бўлса, дейман. Мен шундай одамни топдим!

Дюруа у бирон нарса дер деган умидда жим бўлди, – майли эди жаҳди чиқса, бақирса, ҳақорат қилса, қарғаса.

Жувон худди юраги отилиб кетмасин дегандай қўлини кўксига маҳкам босиб турарди. У ҳамон оғир-оғир нафас олар, кўкраги кўтарилиб тушар, боши қалтирарди.

Дюруа унинг кресло суянчиғидаги қўлидан тутди, лекин у қўлини тортиб олди.

– О, худойим! – дея шивирлади у изтироб билан.

Дюруа унинг олдида тиз чўқди. Лекин унга қўл теккизишга қўрқди: жувон қичқирса, дод-вой қилса, қарғаса у бунчалик қўрқмасди, лекин у индамас, шу Дюруани чўчитиб турарди.

– Кло, фариштам Кло, – гадираб гапирарди Дюруа, – ахир ўзинг аҳволимга тушун, нима қилай бўлмаса, ўзинг айт. Қанийди сенга уйланолам, – мен учун бир дунё бахт бўларди бу! Лекин сенинг оиланг бор. Мен нима қилишим керак ахир? Айт ўзинг, айт, нима қилай! Мен жамиятда ўз мавқеим бўлишини истайман, бунинг учун оила қуришинг керак. Сен билсайдинг!.. Эрингни ўлдиришга тайёр булган пайтларим бўлган...

Унинг овози замзама бойлаб чиқар, у худди ажиб бир мунгли куй каби жарангларди.

Жувоннинг бир нуқтага тикилиб қолган кўзларидан икки йирик ёш юмалаб тушди, кўзлари, киприклари жиқ ёш билан тўлди.

– Йиғлама, Кло, йиғлама, ёлвораман, ялинаман, йиғлама! – пичирларди у. – Юрагим ёрилиб кетади менинг.

Ҳамият, аёллик кибри устун чиқди, у зўр билан ўзини қўлга олди.

– Ким у? – деб сўради йиғламсираган, йиғидан бўғилган овоз билан де Марель хоним.

Дюруа бир дам сукут қилди ва барибир айтиш кераклигини билиб жавоб берди:

– Мадлена Форестье.

Де Марель хоним қаттиқ бир сесканиб тушди, кейин яна тошдай қотиб қолди. У ўз қайғуси билан бўлиб, Дюруа ҳамон унинг қаршисида тиз чўкиб турганлигини унутганди.

Кўз ёшлари эса тинмай оқиб тушарди икки юзидан.

У ўрнидан турди. Дюруа унинг бир оғиз гапирмай, таъна тошини отмай, айна замонда уни

сира ҳам кечирмай жўнаб кетмоқчилигини билди. Дюруа қаттиқ хафа бўлди, ўзини оғир ҳақоратлангандай сизди. Уни кеткизмаслик, қўйиб юбормаслик мақсадида тўлин оёқларидан қучоқлаб олди ва мато тагидан бўлса ҳам унинг оёқлари қаттиқ бўлиб қолгани, қаршилиқ қилганлигини сизди.

– Кетма бундай қилиб, ялинаман, кетма, – ёлворарди Жорж.

Жувон ёш филтиллаган кўзларини унга қаратди, бу қарашда айрилиқнинг аччиқ алам, изтироблари акс этиб ётарди.

– Мен... нима дердим, – пичирлади у, – мен... бу ерда ортиқчаман... Сен... сен ҳақсан... Сен... сен... сен яхши хотин танлабсан...

У силтаниб унинг қўлидан чиқди ва эшик томон юрди, Дюруа уни бошқа тутиб туришга ҳаракат қилмади.

Жорж ўрнидан тураркан, гўё калласига оғир бир нарса билан урилган одамга ўхшаб қолганди. Бироқ у дарҳол ўзини қўлга олди.

– Ҳай, майли, баттар бўлсин, ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу, — деди у ўзига-ўзи. – Ишқилиб... жанжалсиз бўлди-ку. Менга яна нима керак.

У ўзини кўкрагини босиб ётган тошдан халос бўлгандай, янги турмушни бошлашга халақит берадиган барча занжирлардан қутулгандай ҳис қилиб, қувончидан эсанкираган ҳолда танасида жўш урган кучини қаерга қўйишини билмагандай деворни зўр бериб муштлай кетди, назарида, тақдирнинг ўзи билан яккама-якка олишувга тушганди.

У Форестье хонимнинг:

– Сиз де Марель хонимга айтиб қўйдингизми? – деган саволига бепарвогина қилиб:

– Албатта... –деб қўйди.

Хоним уни синамоқчи бўлиб зеҳн солиб қаради.

– У киши хафа бўлмадиларми?

– Асло. Аксинча, жуда яхши бўлибди, деб хурсанд бўлди.

Хабар тез тарқалди. Бировлар ҳайрон бўлсалар, бошқалари шундай бўлишига ишончимиз комил эди, дейишар, учинчи бировлар эса бунинг нимасига ҳайрон қоласизлар дегандай қилиб кулиб қўя қолишарди.

Жорж энди ўз фельетонларининг тагига «Д. Де Кантель», мақолачаларига «Дюруа», вақти-вақти билан чиқиб турадиган сиёсий мақолаларига «Дю Руа» деган имзо чекарди, у куннинг ярмини қаллигининг олдида ўтказар, қаллиғи худди сингил каби самимий, содда муомалада бўлар, лекин шу соддагина муомала тагида яширин, бироқ чинакам бир меҳр балқиб кўринар, айти чокда ўзининг унга нисбатан кўнгли борлигини билдириб қўяр, лекин буни ожизлик нишонаси, деб яширишга уринарди. Улар никоҳларига уч-тўрттагина одам чақиришга ва никоҳ ўқилган куни кечқуруноқ Руанга кетажаклари ҳақида келишиб қўйдилар. Хоним бир неча кун унинг ота-онасиникида меҳмон бўлишни истарди.

Дюруа уни бу сафардан қайтаришга ҳаракат қилди, лекин фойдаси бўлмади, охири ноилож кўнди.

Улар ҳеч кимни таклиф қилмаганликлари сабабли черковга бориб ўтирмадилар, келин-куёв ўнинчи майда мэрияга кириб чиқишди, кейин нарсаларини йиғиштиргани уйга боришди, кечқурун Сен-Лазар вокзалдан чиққан поезд уларни Нормандия томонга олиб кетди.

То вагонда ёлғиз ўзлари қолмагунча уларнинг холи гаплашишга фурсатлари бўлмади. Ниҳоят,

йўлга тушганларига амин бўлишгач, улар бир-бирларига термулиб қолишди ва ўртадаги ўнғайсизликни кўтариш учун пиқиллаб кулиб юборишди.

Мана, ниҳоят поезд узундан-узоқ Батиноль де-баркадеридан ўтиб, водийга чиқди, – водий сўлғин бўлиб, у шаҳар истеҳкомларидан то Сенага қадар давом этарди.

Жорж хотини билан онда-сонда бир-ярим гаплашиб қўяр, кейин иккаласи яна деразага тикилиб олардилар.

Аньер кўпригидан ўтаётганларида улар кемалар, балиқчи қайиқлари билан тўлиб кетган дарёни кўриб қувониб кетдилар. Кемалар, оқшомнинг порлоқ рангларига беланган сокин, осуда дарё ботаётган қудратли май офтобининг шуълаларига фарқ бўлиб ётарди. Икки оппоқ улкан уч бурчак елканларини шамол ёзган қайиқ учишга шай турган баҳайбат қушга ўхшарди.

– Мен Париж атрофларини севаман, – деди секингина Дюруа, – бу ерларда қандай қилиб балиқ еганларим эсимга тушса, қувониб кетаман.

– Қайиқларни қаранг! – унга қўшилди хотини. – Қуёш ботаётганда сувда сузиб юриш жуда ҳам маза-да!

Улар ўтган нарсаларни, ўтган кунларни ҳаддан ошириб мақтаб юборишдан ўзларини тийиб, гапдан тўхтадилар: улар ўз ўйларига чўмдилар, армон бўлиб қолган нарсаларни маъюс бўлиб эслаб кетдилар.

Дюруа хотинининг рўпарасида ўтирган эди; унинг қўлини олиб оҳиста ўпди.

– Парижга қайтганимиздан сўнг биз Шатога овқатлангани бориб турамиз, – деди у.

– Қиладиган ишларимиз шу қадар кўпки! – деди хотини. У буни «фойдали ишларни кўпроқ кўзлаш керак», деган маънода айтгани сезилди.

Дюруа ҳамон хотинининг қўлларини ушлаб ўтирар, қандай қилиб эркаласам ёқаркин, деб кўнглидан ўтказар, безовта бўларди. Агар қаршисида соддагина бокира қиз ўтирганда у нима қилишини ўзи билган бўларди, бироқ Мадленанинг тиррик, зукко зеҳни уни чўчитар, у калаванинг учини йўқотиб қўймоқдайди. У қовун тушириб қўйишдан, ҳаддан ташқари латта бўлиб кўринишдан ёки бунинг аксича, ўта шилқим, тепса-тебранмас ёки аксинча, ҳовлиқмачоқ бўлиб кўринишдан жуда кўрқарди.

У хотинининг қўлларини оҳистагина сиқиб кўяр, бироқ хотини худди буни сезмагандай эди.

– Мен ҳалиям сизнинг ўз хотиним эканлигингизга ишонолмаяпман, -- деди у.

Афтидан, бу гап жувонни ҳайратга олди.

– Нега ундай дейсиз?

– Билмадим. Менга бу жуда ғалати бўлиб туюляпти. Мен сизни ўпгим келади ва яна ҳайрон бўламанки, бунга ҳақим бор-ку, деб.

Хотини унга ёноқларини бамайлихотиргина тугиб берди ва у худди синглисини ўпаётгандай қилиб ўпиб қўйди.

– Сизни биринчи марта кўрганимда, – деб давом этди Дюруа, – эсингиздадир, Форестье чақирганда борганим, «қанийди менинг ҳам шунақа хотиним бўлса», деб орзу қилгандим. Орзуимга етдим. Ўзим тилаган хотинни топдим.

– Жуда ҳам мақтаб юборяпсиз, – дея шивирлади хотини унинг кўзларига тик боққанча муғамбирона кулимсираб.

«Жуда ҳам сўхтаси совуқ бўлиб кетибман. Тен-так. Дадилроқ бўлиш керак», кўнглидан ўтказди Дюруа ва унга қараб сўради:

– Форестье билан қандай танишган эдингиз?

– Наҳотки биз Руанга ўлган одам ҳақида гаплашиб олгани кетаётган бўлсак? – деди кўзларини маккорона ўйнатиб шўхлик билан хоним.

Дюруанинг лавлагиси чиқиб кетди.

– Борган сари ақлдан озиб боряпман. Сизнинг олдингизда мен ўзимни йўқотиб қўяман.

Хоним бундан ийиб кетди.

– Қўйинг-е! Нега ундай?

Дюруа унинг ёнгинасига ўтди.

– Кийик! – қичқириб юборди бирдан хоним.

Поезд Сен-Жермен ўрмонларидан ўтиб борарди. Хоним қўрқиб кетган кийик бир сакраб хиёбоннинг нариги томонига ўтиб кетганлигини кўриб қолди.

Мадлена очиқ деразадан ташқарига тикилиб ўтирар экан, Дюруа бирдан энгашиб юзларини унинг бўйнига босди, – бу жазманнинг бўсасидай чўзиқ бўса бўлди.

Бир неча дақиқа Мадлена қимир этмай ўтирди, кейин бошини кўтарди:

– Бўлди қилинг, қитиғим келяпти.

Бироқ ҳисларни қитиқлайдиган эркалаш давом этарди: Дюруа ўзининг диккайган мўйлабларини унинг оппоқ бадани узра оҳиста суйкаларди.

Мадлена қадини ростлади:

– Бас қилинг деяпман!

Шунда Дюруа унинг бошини ўнг қўли билан қучоқлади-да, юзини ўзига қаратди. Кейин ўлжага ташланган қирғий каби ютоқиб унинг дудоқларига ёпишди.

Мадлена ўзини олиб қочар, итариб ташлар, унинг қўлидан чиқишга уринарди. Ниҳоят, унинг қучоғидан чиқди.

– Бас қилинг-е, қанақа одамсиз! – такрорлади у.

Лекин Дюруанинг қулоғига гап кирадиган пайт эмасди; уни бағрига босганча ҳирс билан ўпар,

лаблари титраб турар, Мадленани ёстиққа босишга ҳаракат қиларди.

Мадлена унинг қучоқларидан аранг қутулиб, шартта ўрнидан турди.

– Менга қаранг, Жорж, бу нима қилиқ! Болаларга ўхшамайлик, Руанга боргунча сабр қилайлик.

Дюруа устидан совуқ сув сепилгандай шилқиллаб тушди, унинг юзлари бўғриқиб кетганди. Салдан сўнг ўзини босиб олиб деди:

– Майли, сабр қиламан, лекин Руангача оғзимни миқ этиб очмайман, жазоси шу. Айтиб қўяй: биз энди Пусандан ўтиб бораётирмиз.

– Мен гапираман, – деди Мадлена.

Шундан сўнг у эрининг ёнига бамайлихотир ўтириб олди-да, қайтиб келганларидан сўнг нима ишлар қилажаклари ҳақида бирма-бир сўзлай кетди. Улар Мадленанинг илгариги уйида яшайверишади, бундан ташқари Форестьенинг редакциядаги ўрни моянаси билан бирга Дюруаники бўлади.

Шуниси ҳам борки, янги оиланинг сарф-харажатларини Мадлена корафталик билан майда-чуйдасигача ҳисоблаб, режа тортиб чиққан экан.

Уларнинг қўлларидаги маблағлари ҳар бириники ўзига тегишли ҳисобланиб, ҳаётда бўладиган ҳамма ҳодисалар ҳисобга олинганди – инчунин, ўлим, ажралиш, бир ёки бир неча фарзандлар кўрилиши – ҳаммаси кўзда тутилганди. Дюруа ўзининг гапига қараганда, тўрт минг франк пули бўлиб, шундан бир ярим мингини қарзга олганди. Қолганлари бир кунимга ярар, деб уйланиш фикрига тушгандан кейин жамғариб юрган пуллари эди. Мадленанинг қирқ минг франк пули бўлиб, буни ўзининг гапига қараганда, унга Форестье қолдирганди.

Шарл эсига тушди-да, Мадлена уни мақтаб кетди:

– У тийинни бекор сарф қилмасди, ўзини босиб олган, меҳнатдан қочмасди. У сал фурсатда катта сармоёга эга бўлиб қолиши мумкин эди.

Дюруанинг хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд, уни эшитмасди.

Баъзан Мадлена гапдан тўхтаб, бир нарса устида фикрга толар, кейин чала қолган жойидан бошларди.

– Сиз уч-тўрт йилдан кейин йилига ўттиз мингдан қирқ минг франккача пул ишлашингиз мумкин. Шарлнинг умри узун бўлганда, у шунча топган бўларди.

Унинг маслаҳатлари Жоржнинг жонига тегиб кетди ва хотинининг гапини бўлди:

– Билишимча, биз Руанга ўлган одамни гаплашгани кетмаётибмиз, шекилли.

Мадлена унинг юзига шапатилаб қўйди.

– Рост-а, бутунлай эсимдан чиқибди, – деди у кулар экан.

Дюруа ойисининг гапидан чиқмайдиган болалардай иккала қўлини тиззасига қўйди.

– Ўзингизни тентакликка солманг, – деб танбеҳ берди Мадлена.

– Ўзингиз мени шу қўйга солдингиз, – деб эътироз билдирди Дюруа, – энди шу алфозда ўлиб кетаман.

– Нимага?

– Негаки, сиз хўжалигимизни бошқарибгина қолмай, менга ҳам раҳбарлик қилиб турасиз. Айтгандай, бева хотин сифатида овингиз юрмаса ҳам довингиз юради!

Мадлена ҳайрон бўлиб қолди:

– Бу билан нима демоқчисиз ўзи?

– Шунини айтмоқчиманки, сизнинг билимдонлигингиз менинг нодонлигимга чек қўйиши, эр қўриб тажриба орттирган хотин сифатида эса менинг

маъсум бўйдоқ ҳаётимга таъм беришингиз керак, ана шу, холос!

– Жуда ҳаддингиздан ошиб кетдингиз! – деди Мадлена.

– Йўқ, бу худди мен айтгандай бўлади, – деб эътироз билдирди Дюруа. – Мен хотинларни билмайман, тўғрими? Сиз эса эркакларни беш қўлдай биласиз, ахир сиз бевасиз-ку, тўғрими? Ва сиз менинг тарбиям билан машғул бўласиз... – бугун кечқурун, тўғрими? Менимча, бу тарбияни ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юборилса соз бўлар эди, агар истаклари бўлса.

– О, бунақа ишларда агар менинг ўргатишимга муҳтож бўлиб қолган бўлсангиз, унда!.. – деб юборди Мадлена шўхлик қилиб.

– Албатта, сизнинг ўргатишингизга муҳтожман, – деб жавоб берди Дюруа дарсда жавоб бераётган мактаб боласининг овозига ўхшатиб. – Энг муҳими: мен йигирма дарсдан кейин... мени буткул маълумотли киши қилиб чиқаришингизга ишонаман... Ўнта дарс асосий предметларга... ўқиш ва грамматикага... ўн соат дарс – машқлар ва нутқ маданиятига... Ахир, мен ғирт саводсизман-да!

– Сен тентаксан! – деди борган сари очилиб шўхлиги тутаётган Мадлена.

– Мени сенсирай бошлаганинг муносабати билан, – деб давом этди гапида Дюруа, – мен ҳам шу ондан бошлаб сенга эргашаман ва сенга шуни маълум қиламанки, азизим, юрагимда муҳаббат алангаси борган сари жўш уриб, қўрқаяпманки, Руанга етгунча ёниб кетмасам деб!

У энди актёрларга ўхшатиб гапирар, юз ҳаракатларига шундайин бир кулгили тус берар эдики, юқори адабий доираларда қизиқ-қизиқ гапларга ўрганиб қолган ёш жувон қотиб-қотиб куларди.

Мадлена эрига қиё боқиб ўтирар ва чиндан ҳам у кўзларига мафтункор бўлиб кўринар, дилида майл кўзғатарди, одам фарқ пишган нокни кўрганда шундай аҳволга тушади, уни дарҳол олиб егиси келади, бироқ шууримиз шошма, дейди, уни овқатдан кейин узиб есанг мазаси бошқача бўлади.

Ёш жувон хаёлига келган бундай гаплардан қизариб кетди.

– Жоним шогирдим, – деди Мадлена, – менинг тажрибамга, катта тажрибамга ишонинг. Вагондаги ўпичларнинг нархи арзон бўлади. У иштаҳангни бўғади, холос.

У яна ҳам қаттиқроқ қизариб шивирлади:

– Гўр бошоқни ўрмайдилар.

Дюруа кулиб ўтирар, гунчадай оғиздан чиқаётган бу маъноли гаплар унинг иштаҳасини зўрайтира бормоқда эди. Кейин у худди дуо ўқиётган одамдай лабларини пичирлатди-да, бир чўқиниб олиб тантанавор қилиб деди:

– Ўзимни ҳирс балосидан асрагувчи авлиё ота Антонийнинг ҳифзи ҳимоятига топшираман. Мана энди тамом тошга айландим.

Билинтирмайгина тун кириб кела бошлади, намозгарнинг енгил ҳарир қоронғиси ўнг томонда ястаниб ётган бепоён далаларни ўз бағрига олди. Поезд Сена ёқалаб кетмоқдайди. Ёш эр-хотин икковлари йилтираб чўзилиб кетган темир йўлга, унинг биқинида оқиб бораётган дарёга, ерга қирмизи аланга сочиб ботаётган офтобнинг гардишига қараб боришарди. Шуъалалар секин-секин ўча бошлади, уларни гўё кул босди, маъюсгина сўнмоққа турди. Заминда офтоб ботган чоқда бир қалтироқ туради, ўлаётган куннинг шу қалтироғи далаларга кўчди, улар тун қўйнига чўка бошлади.

Очиқ деразадан қуйилаётган хуфтон маъюслиги ҳалигина кулишиб ўтирган ёшлар қалбига таъсир қилди, улар жим бўлиб қолишди.

Улар бир-бирларининг пинжларига тиқилишганча гўзал, тиниқ май кунининг сўниб боришини томоша қилишарди.

Мантда осма фонарлар ёнди, унинг пирпираган сарғимтир нури қопламанинг кул ранг матосини ёритди.

Дюруа Мадленани қучоқлаб ўзига тортди. Жисмида жўш уриб турган ўткир истак-майлар ўрнини дилдорлик, хумор бир кайфият эгаллади. Унинг юрагини майин аллаловчи, ором берувчи осуда эрка бир туйғу чулғаб олди, бўрон тинган, лекин чанқоқлик қонмаганди.

– Мен сени жуда-жуда севаман, эркама Мад, – шивирлади Дюруа эшитилар-эшитилмас.

Унинг хумор товуши жувон қалбини тўлқинлантириб юборди, унинг жисмида титроқ турди, шунда у бошини Дюруанинг кўкрагига қўйганча, унга дудоғини тутиб берди.

Нафас олмай узоқ ўпишдилар, кейин бир силкинишда танлари бир-бирларига шиддат билан чирманди, кураш қисқа кучли бўлди, ҳирсининг кўйига шитоб билан тартибсиз берилдилар. Кейин икковлари ҳам сўлжайиб, шаштларидан тушиб, лекин ҳамон бир-бирларини суйиб, эркалаб қучоқлаган ҳолда то паровоз бекатга етиб қичқирмагунча ётдилар.

– Бунча тентак бўлмасак! – деди чаккаларида хурпайиб қолган сочларини бармоқларининг учи билан тўғриларкан Мадлена. – Худди болаларга ўхшаймиз.

Лекин Дюруа унинг қўлларини пайдар-пай, ғалати бир шошқалоқлик билан ўпишда давом этарди.

– Сени жонимдан ҳам яхши кўраман, эркам Мад, – деди у.

То Руангача улар шу кўйи юзларини юзларига босганча кўзларини очиқ деразага тикиб қимир этмай боришди, ташқарида тун қоронғилигида деразалари ёруғ уйлар липиллаб ўтиб турарди. Улар бир-бирларига шунчалар яқин эканликларидан лаззатланиб, кўнгилларга майл қўйиб, бир-бирларига дил тортиб, ўз орзуларига берилдилар.

Улар деразалари соҳилга қараган меҳмонхонага тушдилар ва апил-тапил тамадди қилиб, ухлагани ётдилар. Хизматчи қиз уларни эрталаб роппа-роса саккизда уйғотди.

Чойни кичкинагина тунги столга ҳозирладилар, улар чой ичишгач, Дюруа азбаройи қувончини ичига сиғдиролмаганидан хотинини қучоқлаб олди, одатда бошига бирдан бахт қуши қўнган одамлар шундай ҳолга тушадилар.

– Эркам, шириним Мад, – шивирлади у, – мен сени жуда севаман... жуда... жуда...

Мадлена бу дилкашликдан мамнун ийиб, жилмайган кўйи ўтирарди.

– Мен ҳам... шундай... – деди у эрини ўпаркан.

Лекин Дюруанинг кўнглини ота-онаси олдига бораётганлари хира қилиб турарди. У хотинини йўлдан қайтаришга кўп уринди, уни огоҳлантирди, бўлажак учрашувга ҳозирлашга ҳаракат қилди. У ҳозир яна шу гапга қайтишга қарор қилди.

– Тушунсанг-чи, улар саҳнада сен кўрган деҳқонлардан эмас, чинакам деҳқон кишилар.

Хотини кулди.

– Ҳа, биламан, буни менга айтган эдинг. Ундан кўра ўрнингдан тур, сени деб мен ҳам туролмай қолдим.

Дюруа каравотдан сакраб турди ва пайпоқларини кия бошлади.

– Уларнинг олдиларида жуда ғалати аҳволга тушиб қолмасак дейман. Мен ётадиган хонада эски каравот бор, унга ичига хашак солинган тўшак ёзилган, бошқа ҳеч вақо йўқ. Кантледа шундан бошқача тўшак борлигини билишмайди.

Мадлена хурсанд бўлиб кетди:

– Жуда соз экан. Дунёда шундан яхши нарса борми... Сен билан... мижджа қоқмай чиқсак-да... бирдан хўрозларнинг қичқирганини эшитсак!

Мадлена оқ фланелдан тикилган чорси пеньюарини кийиб олди. Дюруа дарҳол бу кўйлакни эслади ва гаши келди. Нега? У хотинининг эрталабга киядиган либослари тўлиб-тошиб ётганлигини яхши биларди. Хўш, бундан чиқди хотини энди ўзига янги сеп олсинми? Сеп оладими, олмайди-ми, бу унинг иши, лекин Дюруа унинг илгариги эридан қолган турли усти бош, тунги кўйлаklar, асбоб-анжом дегандай, яъни мана шу барча маишат учун кийиладиган энгил-бошларни унинг эгнида кўришни истамайди. Унинг назарида майин ва иссиққина бу матода Форестье қўлларининг излари қолгандай бўлиб туюларди.

Дюруа папирос тутатиб дераза олдига борди.

Кенг, азим дарё энгил елканли кемаларга тўлиб кетган, улкан кемалар пристанда юк туширадиган машиналар ёрдамида шовқин-сурон билан юкларини бўшатишарди. Гаваннинг кўриниши ва дарё манзараси гарчи унга эскитдан таниш бўлса-да, унда кучли таассурот қолдирди.

– Қурмагур-эй, мунча чиройли бўлмаса! – деб юборди у.

Мадлена югургилаб келиб, иккала қўлини эрининг елкасига ташлади ва уни тортинмай қучоқлаб

олганча, кўз олдида ястаниб ётган манзарадан нигоҳ узолмай, ҳайрат ичида тикилиб қолди.

– Оҳ, мунча ҳам чиройли, мунча чиройли! – деб такрорларди у. – Дарёда шунча кемалар кўп бўлишини билмаган эканман!

Улар келишларини чол-кампирга олдиндан хабар қилиб қўйишган, нонуштани ҳам ҳозир уларнинг олдиларига боргач қилмоқчи эдилар. Бир соатлардан сўнг улар усти очиқ шалдиروқ аравада йўлга тушишди, олдин узундан-узоқ хиёбондан боришди, кейин ўртасидан сой оқиб ётган ўтлоқлар бошланди, сўнгра йўл тоққа кўтарилди.

Мадлена ҳорғин кўринарди, у даққионусдан қолган араванинг бир четига суқилиб олди, чараклаган офтоб унга тушиб турар, жисмини эрка нурлари билан гўё эритиб юбораётгандай бўларди, илиқ офтоб ва қишлоқ ҳавоси унга тез таъсир қилди, тезда пинакка кетди.

Уни эри уйғотди.

– Қара, – деди у.

Тоғ йўлининг ярмидан кўпини ўтишгач, улар ажиб бир манзара кўзга ташланадиган ерда тўхташди, одатда ҳамма саёҳатчиларга шу ерда тўхтаб атрофни томоша қилдиришарди.

Пастдан кенг, узоқларга чўзилиб кетган бепоён водийда ярқираган дарё буралиб-буралиб оқарди. Сон-саноқсиз оролчаларни бағрига олган дарё кўз илғамас, йироқлардан бошланиб, Руанга етмасдан ёйдай буралиб кетарди. Дарёнинг ўнг қирғоғида ўзининг офтобда тилла ранг бир жило билан зарҳалланган улкан ва ноёб тошлар каби бинолари, игнадор ва япасқи, нозик ва йилтироқ, кўк тоқида муаллақ турган жомелари, асилзодаларнинг тамгалари туширилган чорси гумбазлари, жомхоналари билан шаҳар туман ичра қад кўтариб турар ва го-

тик услуб билан қурилган ушбу черковлар издиҳоми узра бош жоменинг кишини ҳайратга соладиган, фавқулодда хунук ва беўхшов, дунёдаги энг юксак ўткир бронза игнаси бўй чўзганди.

Шаҳарнинг қаршисидаги нариги қирғоқда узоқларга чўзилиб кетган Сен-Север қасабасидаги заводларнинг ингичка ва юмалоқ, юқорисига томон кенгайиб борадиган трубалари тепага кўтарилиб турарди.

Жомхона қуббаларидан ҳам кўпроқ бўлган трубаларнинг бу тизими зангори осмонга қора дуд пуркаб ётар, уларнинг кети кўринмасди.

Мисли Хеопс эҳромидай юксак (инсон қўли билан яралган иккинчи бир мўъжиза) ва бош жоменинг гердайиб кўкка бўй чўзган юксак бигизига деярли баравар «Яшин» сув минорасининг баҳайбат қуббаси мудом тутун пуркаб ётадиган заҳматкаш корхоналар силсиласининг маликаси бўлиб кўринса, унинг қўшниси игна-чўққили ибодатхоналар издиҳомининг маликасига ўхшарди.

Ишчилар шаҳарчасидан нарида қарағайзор ўрмон чўзилиб кетарди. Сена эса эски ва янги шаҳарлар орасидан, илон изи бўлиб оқар, ўрмон билан қопланган тик қирғоқлардан ўтиб борар, қирғоқнинг баъзи жойларида сув яланғоч оқ тошларни ялаб ўтар, кейин дарё кенг қулоч ташлаб айланарди-да, олисларда кўздан ғойиб бўларди. Дарёдан пастга ҳам, юқорига ҳам бу ердан пашшадай бўлиб кўринган кемалар ўтиб турар, улар баржаларини судраганча қуюқ тутун чиқариб борардилар. Оролчалар эса гоҳ маржондай тизилишиб, гоҳ ҳар хил катталиқдаги тасбеҳ доналари каби бир-бирларидан жуда йироқлашиб кетардилар.

Кучер йўловчилар қачон томоша қилиб бўлишларини кутиб турарди. У саёҳатчиларнинг қайси

табақаси бу ерда қанча вақт туриб томоша қилишини яхши билар эди.

Лекин улар энди йўлга тушган эдилар ҳамки, Дюруа бир неча юз қадам нарида уларнинг қаршисидан келаётган чол-кампирни кўриб қолди ва экипаждан сакраб тушиб қичқирди:

– Бу улар! Танидим!

Эркак ва аёл икки деҳқон алпанг-талпанг қадам ташлаб, бир-бирларининг елкаларига урила-урила келишарди. Чолнинг бўйи паст, гирдиғум, юзлари қип-қизил, қорин солган, – ёшига қараганда у жуда бақувват кўринарди, аёл – баланд бўйли, ориқ, елкалари букилган, ғамгин, она сути оғзидан кетмай меҳнатга ўрганган, ҳазилвон эри умр бўйи шўхлик қилиб, хўрандаларнинг ёнида ўтириб бирга ичишгани ҳолда, бу умр бўйи кулиш нималигини билмаган чинакам қишлоқи хотин эди.

Буткул путурдан кетган чол-кампирни кўргач, Мадлена ўзи ҳам сезмаган ҳолда юраги ачишиб кетди. Улар пўрим ва олифта жаноб ўз ўғиллари эканини билмай қолишди, оппоқ кўйлак кийган манови чиройли жувон эса келинингиз, деб айтишса ишонишмас эди.

Улар экипажини орқада қолдириб келаётган шаҳарлик бу одамлар билан ишлари бўлмай, кўзлари тўрт бўлиб кутган ўғилларини қарши олгани шоша-пиша кетиб боришарди. Улар сал бўлмаса билмай ўтиб кетишар эди.

– Омонмисиз, Дюруа ота! – кулиб қичқирди Жорж.

Чол-кампир азбаройи абдираб, анграйиб, оғизларини очганча қоқилган қозикдай бўлиб қолишди. Биринчи бўлиб кампир ўзига келди ва турган жойидан қимирламай сўради:

– Ўғлим, сенмисан?

– Худди ўзи-да, бошқа ким бўларди, ойижон!
– деб жавоб берди Жорж ва унга пешвоз бориб онасининг иккала юзидан чўлпиллатиб ўпди. Кейин бошидаги қора ипақдан тикилган, худди жаллобларникига ўхшаган баланд руан шапкасини қўлига олволган отасининг юзларига юзини босди.

– Бу менинг хотиним, – дея таништирди Жорж.

Чол-кампир Мадленага қарашди. Унга худди фаройиб бир нарсани кўраётган каби қўрқиб, хавотирланиб тикилишаркан, чолнинг кўзларида мамнунлик ва қониқиш ифодаланар, кампир эса ўғлини гаш кўриб, келинини ёқтирмай қолганга ўхшарди.

Табиатан қувноқ одам бўлган, бунинг устига озроқ арақ билан шириш шарбат отиб олган чол шербаччалардай бўлиб, муғамбирона кўз қисиб қўйди-да, сўради:

– Бир ўпиб қўйсак бўлармикин, а, нима дейсан?

– Истаганингизча, – деб жавоб берди ўғли.

Нашъаси пасайиб боядан бери ўзини қўярга жой тополмай турган Мадлена чолга юзини тутиб беришга мажбур бўлди ва чол унинг икки бетидан чўлпиллатиб ўпди-да, лабларини кафти билан артиб олди.

Кампир ҳам келинини ўпиб қўйди, лекин бу адоват соя солган ўпич эди. Ахир, шундоқ келинини у орзу қилганмиди: келининг бўлса лобар, ферма қизларидай соғлом, икки юзи олмадай, зотдор байталдай ярқираб турган қиз бўлсайкан. Мана-ви мушк-анбар анқиган, лахта кўйлак кийган ойимтилла қўлма-қўл юрадиган суюқ ановнақаларга ўхшайди. Ҳамма гап шундаки, кампирнинг назарида, барча атирлардан мушкнинг иси келарди.

Ҳаммалари ёш эр-хотиннинг чамадонини олиб бораётган экипаж орқасидан йўлга тушишди.

Чол ўғлини қўлтиқлаб олди-да, қадамини секин-латиб қизиқсиниб сўради:

– Хўш, ишлар қалай?

– Михдай!

– Бали, бали! Қанча қалин тегди хотиндан?

– Қирқ минг франк, – деб жавоб қилди Жорж.

Чол камоли хурсанд бўлганидан ҳуштак чалиб юборди.

– Оббо азамат-ей, балосан-ку! – дея олди чоли тушмагур, – шунчалар лол қилиб қўйган эди бунча пул уни.

Кейин салмоқланиб ишонч билан деди:

– Жуда кетворган гўзалини топибсан!

Келини унга чиндан ҳам ёқиб қолди. Ўз вақтида бунақа ишларда ундан олдинга ўтадиган корафта-си йўқ эди-я.

Мадлена қайнанаси билан ёнма-ён индамай боришарди. Ота-бола уларга етиб олишди.

Улар йўлнинг икки четида жойлашган кичкинагина қишлоққа кириб боришди, йўлнинг бир томонида ўнта, иккинчи томонида ҳам ўнта уй жойлашганди: бундаги баъзи уйлар шаҳар уйларига ўхшатиб солинган, бошқа баъзилари тепаси хашак ва шифер билан ёпилган ҳамда лойдан, гиштдан қурилган кулбалар эди. Қишлоқнинг чеккасида чап томонда болохонали уй қад кўтарган бўлиб, Дюруа чолнинг «Гўзал манзара» деган қовоқхонаси шу эди. Қадимги удум бўйича эшик тепасига қоқиб қўйилган қарағай бутаси томоғи тақиллаб қолганлар бўлса, бемалол кириб уни ҳўллаб чиқишлари мумкинлигини билдирарди.

Залда бир-бирига тақаб қўйилган икки столга ноз-неъматлар қўйилган, устига камбаргина икки дастурхон ташланганди. Уйдаги майда-чуйда ишларга ёрдам бериб юрган қўшни хотин ясан-тусан

қилган чиройли хонимни кўриб букилиб таъзим қилди, кейин Жоржга кўзи тушди-да:

– Вой худойим-ей, сен ўзингмисан, болакай? – деб юборди.

– Худди ўзи, топдингиз, Брюлен хола! – деди шўхлик билан Жорж ва уни ҳам ота-онасини қандай ўпган бўлса, шундай ўпиб қўйди.

Кейин Жорж хотинига қараб деди:

– Юр, ўзимизнинг хонамизга чиқамиз, у ерда шляпангни қўядиган жой топилиб қолар.

Ўнг томондаги эшиқдан у хотинини таги гиштин салқин хонага бошлади – хонанинг деворлари оҳақ билан оппоқ қилиб оқланган, каравот тепасида эса, коленкор рўйжа осилганди. Бу озода ва кўримсизгина хонада хоч тепасига ўрнатилган санам билан зангори пальма остида Поль ҳамда Виргиниянинг тасвири туширилган сурат ва Наполеоннинг жийрон от миниб тушган расмидан бошқа безаклар йўқ эди.

Икковлари ёлғиз қолган ҳамоно Жорж Мадленани ўпиб қўйди.

– Салом, Мад. Мен чол-кампирни кўрганимдан жуда бахтиёрман. Парижда юрганингда улар эсингга ҳам келишмайди, барибир уларни кўрсам, бошим осмонга етади.

– Тезроқ бўла қолинглар, шўрва тайёр!

Залга чиқишга тўғри келди.

Қишлоқчасига узоқ ўтириб шошилмай овқатланишди: оддийгина таомлар тортиди – қўй гўштидан кейин колбаса, колбасадан сўнг тухум едилар. Бир неча стакан шарбат билан вино ичиб олгандан кейин чол жуда очилиб кетди, у тинмай ҳазиллашар, шўхлик қиларди, катта байрамларда айтадиган гапларини ҳам бугун ўртага тўкиб солди, ўртоқларимизнинг бошидан кечган, деб анча

бепарда латифалар ҳам айтиб берди. Жорж бу латифаларни кўп эшитганидан ёддан билар, лекин шундоқ бўлса ҳам қотиб-қотиб қуларди. Қулганининг сабаби, туғилиб ўсган ерларини кўриб беҳад шавқ-завққа тўлганди, шу тобда унинг қалби яна она юртга бўлган муҳаббат билан тўлиб-тошганди, болаликдан беш қўлдай таниш ерларни кўриб меҳри товланиб кетган, кўзи ҳозир нимага тушмасин, ҳаммаси илгари бошидан кечирганларини хотирлатиб турарди: эшикдаги чизиқми, аллақандай арзимаган бир воқеани эслатган уч оёқли стулми, ернинг исими, шу ўртадаги ўрмондан анқиб келадиган дарахтлар, елимларнинг ҳидларими, уйдан, қўлмак сувлардан, тезаклардан келиб турган ғалати бўйларми – бари унда эскитдан таниш ҳиссиётларни қайта уйғотар эди.

Кампир ҳамон қовоғи солиқ, ғамгин кўринар, миқ этиб офиз очмас, келинига еб юборгудай бўлиб ўқрайиб қарагани қараган эди, қўллари қадоқ, қадди оғир меҳнатдан букилган заҳматкаш деҳқон аёл шаҳарлик ойимтиллани кўрганда шундан бошқача қаролмаган бўларди, албатта. Бу жувон унинг нафратини келтирар, назарида, аллақандай ҳаром, бузуқ, пес-мохов бир нарсани кўриб ўтиргандай бўларди, – булар унинг эътиқодича такасалтанглик ва зинога берилиш туфайли пайдо бўлган иллатлар эди. Кампир тинмай ўрнидан турар, овқат келтирар, стаканларга нордон рангсиз мусаллас қуяр, шарбат тортар, шарбат эса худди лимонадга ўхшаб тиқинларини шишанинг оғзидан отиб юборарди.

Мадлена маъюс тортиб қолди; у ҳеч нарса емас, гапга аралашмасди: лекин унинг лабларидан ҳамон табассум аримас, лекин бу табассум ҳаммасидан зерикиб, ҳаммасига тан бериб қўйилган табас-

сум эди. Унинг тарвузи қўлтиғидан тушган, у бундай бўлади деб ўйламаганди. Нега? Ахир, унинг ўзи хоҳамадими бу ерга келишни. У соддагина деҳқон оиласига бораётганлигини билган эди-ку. Ҳеч қачон ҳавойи гапларга берилмаган одам нега энди бу сафар бошқача бир одамларни кўраман, деб хомхаёл қилди, нега?

Нима, у буларни ўйламаганмиди? Хотинлар доимо ҳаётда бор нарсалардан бошқачароқ, антиқароқ нарсаларни орзу қиладилар?

Балки, шаҳарда туриб буларнинг ҳаёти унинг кўзларига бошқача бўлиб кўриниб кетгандир? Бошқачаси қанақа, ким билади-ю, лекин у бундан кўра ширинроқ, бундан кўра олижаноброқ, хандон-хушон, кўз кўрса қувонадиган нарсаларни кўраман, деб ўйлаганди. Шуниси ҳам борки, у деҳқонларни худди романларда тасвирланганидек одобли, хуштавозе ҳолда кўришни истамасди. Нега унда арзимаган нарсалар гашига тегиб ўтирибди, андак тўпорилик, уларнинг деҳқонча қилиқлари, сўзлари, ҳаракатлари, кулгилари нега мунча унга озор беради?

У ўз онасини эслаб кетди, буни ҳеч зотга ҳеч қачон гапирмаганди, онаси Сен-Денида ўқиган тарбиячи-гувернант аёл эди, уни кимдир лақиллатиб кетди ва у Мадлена ўн иккига кирганда ғам-алам, йўқчиликдан ўлиб кетди. Қандайдир нотаниш бир одам Мадленани ўқитди. Балки, ўқитган одам отасидир? Ким эди у? Бу унга буткул ва баний қоронғи бўлиб қолди, ғира-шира бир нарсаларни сезгандай бўларди, холос.

Меҳмондорчилиқнинг кети кўринмасди. Бирин-кетин хўрандалар келиша бошлади, улар чолга салом бериб, Жоржга кўзлари тушгач, оғизлари очилиб қолар, ёш жувонга зимдан назар солиб гўё:

«Оббо, қисталоқ Жорж-ей, боплабди-ку! Қандини урсин, шундай хотинни қўлга киритибди», дегандай бўлишарди.

Унчалик таниш бўлмаган хўрандалар ёғоч столларга ўтириб олиб: «Бир литр!», «Кружка!», «Икки-та коньяк!», «Бир стакан рапайл беринг!» – деб қичқиришар ва тарақлатиб домино ўйнагани ту-тинишарди.

Кампир дам-бадам кириб-чиқиб турар, ҳорғин бир алфозда хўрандаларга хизмат қилар, ҳақ олар, кўк пешбандининг этаги билан столларнинг устини артарди.

Хонани сопол чубуқлардан, арзон сигаралардан чиққан тутун чулғади. Мадлена йўтала бошлади.

– Бўлди қилмаймизми? Чидаб бўлмаяпти.

Лекин удумга кўра ҳали нонушта охирламаганди. Чол норози бўлди. Шунда у эркаклар коньяк билан кофе ичиб бўлишларини кутиб ўрнидан турди-да, чиқаверишдаги эшик олдига бориб курсига ўтирди.

Сал ўтгач, Жорж унинг олдига келди.

– Юр, Сенани кўриб келамиз.

– Бўпти, юр! Кетдик, – деди қувониб кетган Мадлена.

Улар тепадан тушиб, Круасседа қайиқ олдилар. Баҳор нашидасига чўмганча қолган пайтни иккаласи ёлғиз оролча ёнида, толларнинг салқинида ўтказдилар, баҳорнинг илиқ офтоби уларни эркалар, дарёнинг майин шабадаси баданларига роҳат бағишлар, аллаларди.

Улар уйга қоронғи тушганда қайтишди.

Шам ёруғида қилинган кечки овқат Мадленага нонуштадан ҳам зерикарлироқ бўлиб туюлди. Чол ширакайф бўлганча, оғзини очмасди. Онаси хафа одамга ўхшаб ўтирарди.

Хирагина шуъла тушиб турган деворда галати бурундор соялар кўринар, улар алмойи-жалмойи кимирларди. Шамнинг хира сарғимтир қалтироқ шуъласи бировнинг юзига тушиши билан шу заҳоти деворда паншахадай вилка кўтарган каттакон қўл кўринар, кейин худди даҳшатли махлуқникидай оғиз очиларди.

Овқатни еб бўлганлари ҳамона Мадлена бу ғира-шира, аччиқ тамаки тутуни, тўкилган ичимликларнинг ҳидига тўлган хонадан эрини очиқ ҳавога олиб чиқиб кетди.

– Дарров зерикиб қолдинг-а? – деди Жорж ташқарига чиққанларидан кейин.

Мадлена, ундаймас, деб айтмоқчи эди, эри гапини оғзидан илиб кетди:

– Йўқ. Ҳаммасини кўриб турибман. Агар иста санг, эртагаёқ бу ердан кетамиз.

– Ҳа. Кетайлик,– дея шивирлади хотини.

Улар оҳиста илгарилаб боришарди. Чексиз илиқ, майин эркалаган тун қучоғи енгил шивирлаш, шитирлаган, хўрсинган товушларга тўлиб кетганди. Улар қоронғи зулматли тун қўйнида ётган икки ўрмон оралиғидаги баланд дарахтлар остидан ўтган сўқмоқдан юриб борардилар.

– Қаерда юрибмиз? – сўради хотини.

– Ўрмонда, – жавоб берди у.

– Катта ўрмонми?

– Жуда катта, Франциядаги энг катта ўрмонлардан.

Ер, дарахт, мохлар, чириган хазонлар ҳиди, амалга кирган куртакларнинг ҳиди – чекка, овлоқ ўрмоннинг мана шу бутун кўҳна ва тоза муаттар нафаси бу ерда мудраб ётганга ўхшарди. Мадлена бошини кўтариб, дарахтлар орасидан милтилаб турган юлдузларни кўрди, қилт этган шамол

эсмаётган эса-да, у атрофини қуршаган япроқлар издиҳомининг оҳиста шивирлаб турганлигини ҳис қилди.

Жисмида ўзи англаб етмаган бир титроқ турди, юраги увушди: алланечук бўлиб кетди. Нимага? У бунинг сабабини билолмади. Бироқ назарида атроф-жавонибда ўзи учун бир хатар яшириниб ётгандай туюлди, худди бу олам ичра йўқолиб кетаётгандай, ҳамма уни ташлаб кетгандай, юксакда билинар-билинемас тўлқинланиб ётган ўрмон гумбази остида якка-ёлғиз қолгандай эди.

– Қўрқиб кетяпман. Кетайлик, – дея шивирлади Мадлена.

– Майли, кетсак кетайлик.

– Парижга... эртага кетамизми?

– Ҳа, эртага.

– Эртага эрталаб!

– Майли, эрталаб кетсак ҳам бўлади.

Улар уйга қайтишди. Чол-кампир ётиб қолишган экан.

Мадлена туни билан ухлолмай чиқди, ўзи ўрганмаган қишлоқ саслари: бойқуш қичқириғи, офилхонадаги мегажиннинг ҳирқираши, ярим кечадан бери тинмай қичқираётган хўрознинг товуши уни дам сайин уйғотиб юборарди.

Ҳали офтоб чиқмасдан тонг оқариши биланоқ у ўриндан туриб олди ва йўлга ҳозирлик кўра бошлади.

Жорж чол-кампирга кетамиз деб айтганда, улар анграйиб қолишди, лекин шу заҳоти бу кимдан чиққан гап эканлигини фаҳмлашди.

Чол фақат сўради:

– Яна қачон кўришаркинмиз?

– Кўришамиз. Ёз келсин.

– Ҳай, майли.

– Ишқилиб охирида афсусланиб қолмасанг бўлди, болам, – дея олди кампир.

Бир оз бўлса ҳам чол-кампирнинг кўнглини олиш учун Жорж уларга икки юз франк берди. Бир болани экипаж олиб келишга жўнатган эдилар, экипаж соат ўнга келди, кейин чол-кампирни ўпишиб, фарзанд билан келин жўнаб кетишди.

Улар тепадан пастга тушаётганларида Дюруа кулиб юборди.

– Ана, – деди у, – сенга айтмовдимми. Сени чол-кампир Дю Руа де Кантеллар билан таништирмаслигим керак эди.

Мадлена ҳам кулиб юборди.

– Улардан бошим осмонга етди, – дея эътироз билдирди хотини. – Улар ажойиб одамлар, мен уларни доимо юрагимнинг тўрида сақлашга ҳаракат қиламан. Париждан уларга совға-салом юбораман.

Кейин бир оз жим турди-да, давом этди:

– Дю Руа де Кантель... Мана кўрарсан, бизнинг таклифномаларимизни яхши қабул қилишади. Биз, бир ҳафта ота-онамизнинг мулкида туриб келдик, деб айтамыз.

У эрининг пинжига суқилди ва лабларини унинг мўйлаби учига теккизиб қўйди:

– Салом, Жорж!

– Салом, Мад, – деди жавобан эри ва унинг белидан қучди.

Узоқда – водийнинг қоқ ўртасида эрталабки куёш нурларида кумушдай товланиб дарё буралиб оқарди, барча заводларнинг трубаларидан осмонга қоп-қора дуд ўрлаб чиқарди, эски шаҳар узра жомхоналарнинг игнадай чўққилари кўкка қадалиб турарди.

II

Эр-хотин Дю Руалар пойтахтга қайтиб келишганидан бери икки кун ўтди. Жорж ўз вазифаларини бажаришга киришди, у мени хроника бўлимидан олиб, Форестъенинг ўрнига қўйишади, ўшанда ўзимни бутунлай сиёсатга бағишлайман, деб кўнглининг бир четига тугиб қўйганди.

Бу оқшом у кўтаринки бир кайфиятда илгари собиқ дўсти истиқомат қилган уйга ишдан кейин овқат қилиш учун борар эди, тезроқ бориб хотинини ўпгиси, бағрига олгиси келарди, хотини уни ўзига бутунлай мафтун қилиб қўйган, Жорж ўзи ҳам билмаган ҳолда унга асир бўлиб қолганди. У Нотр-Дам-де-Лорет муюлишида турган гулчининг ёнидан ўтиб кета туриб, Мадленага гул олиб боргиси келиб қолди ва шу заҳоти ҳидлари гуркираб турган атиргул ғунчаларидан бир дастасини сотиб олди.

У ўзига янги бўлиб туюлган пиллапоялардан кўтариларкан, зина майдончаларида туриб, ўзини ойнага солиб қаради ва бу ерга илк бор қадам қўйган пайтларини эслади.

У калитни уйда қолдириб келган экан. Унга эшикни ўша эски хизматчи очди, Жорж Мадленанинг гапи билан уни ўз жойида қолдирганди.

– Дю Руа хоним уйдадилар? – сўради у.

– Ҳа, афандим.

У емакхонадан ўтиб бораркан, столда уч кишилик идиш қўйилганлигини кўриб ҳайрон бўлди. Меҳмонхона билан емакхона ўртасидаги парда кўтариб қўйилган бўлиб, унинг кўзлари Мадленага тушди, у худди Жорж олиб келганга ўхшаган атиргуллар дастасини камин устидаги вазага қўяётган экан. Дюруа хафа бўлиб, дили шу қадар вайрон

бўлиб кетдики, гўё унинг фикрини биров ўғирлаб олгандай, ундан эътибор ва меҳр-оқибат кўрса-тиш ҳуқуқини тортиб олишгандайди. Мадленани хурсанд қилишни кўз ўнгига келтириб, у қанчалар қувонган эди-я.

– Битта-яримта келадиганми? – деб сўради у Мадленадан ичкарига кираркан.

– Бўлиши мумкин, – деб жавоб берди хотини унга қарамасдан ҳамон гулларни жойлаштириш билан овора бўлиб. – Хонадонимизнинг одатига кўра, менинг эски дўстим граф де Водрек келади: у илгарилари ҳар душанба куни бизникида меҳмон бўлиб кетарди.

– А! Жуда яхши, – дея тўнғилади Жорж.

У қўлида гулдаста билан хотинининг орқасида турар, гулларни ташлаб юборишини ҳам, беркитишини ҳам билмасди.

– Қара, сенга гуллар олиб келдим, – деди у ниҳоят.

Мадлена унга табассум порлаган чеҳра билан боқди.

– Мунча яхшисан! – деди у ва юракдан чиққан бир қувонч билан эрига қўлларини узатди, лабларини чўзди. Жоржнинг кўнгли шу замоноқ ўрнига тушди.

Кейин гулларни қўлига олиб, уни болалардай қувониб ҳидлади ва боя гул қўйган вазаси ёнидаги бўш идишга уларни жойлаб қўйди.

– Жудаям хурсандман! – дея шивирлади у гулларга қараб. – Мана энди каминга қараган одамнинг кўзи қувонади.

Кейин ишонч билан қўшиб қўйди:

– Биласанми, Водрек жуда ажойиб киши, у билан тезда чиқишиб кетасизлар.

Қўнғироқ жиринглаб, графнинг келганлигини маълум қилди. Граф худди ўз уйига кириб келган-

дай бамайлихотир, ишонч билан кирди. У қаддини гоятда назокат билан букиб Мадленанинг бармоқларини ўпди, кейин Жоржга қаради-да, унга очиқ чеҳра билан қўл бериб сўради:

– Ишларингиз яхшими, азизим Дю Руа?

Унда илгариги кибр ва калондимоғликдан асар ҳам қолмаган, бу вазиятнинг ўзгариб қолганлигини кўрсатарди. Буларнинг бари журналистни ҳайронликда қолдирди ва хушмуоамалага жавобан очиқ юз билан муомала қилишга қарор қилди. Беш дақиқалардан сўнг уларга қараган одам булар ўн йиллардан бери бир-бирларини билишар экан, бир-бирларидан жонларини ҳам аяшмаса керак, деган хаёлга бориши мумкин эди.

– Гаплашиб ўтиринглар, – деди чарақлаган чеҳра билан Мадлена. – Мен ошхонадан хабар олай.

Иккала эркак унинг изидан қараб қолишди.

Мадлена қайтиб келганда улар аллақандай янги пьеса муносабати билан театр ҳақида суҳбатлашиб ўтиришарди, уларнинг фикрлари бир жойдан чиққан ва ўртада туғилган бу ҳамфикрлик икковларида ўзаро яқинликка ўхшаш бир нарса пайдо қилганди, бу уларнинг юзларида ҳам ўз ифодасини топганди.

Чақчақлашиб ўтириб овқатландилар. Граф бу хонадонда ўзини шу қадар яхши ҳис қилар эдики, уйнинг ажойиб соҳиблари билан гаплашиб тўймасди, у аллавақтгача қолиб кетди.

У кетгандан кейин Мадлена эрига қараб деди:

– Жуда ажойиб одам, тўғрими? Яқиндан таниш бўлиб олсанг, у сенга жуда ёқиб қолади. У чинакам, кўп синовлардан ўтган, вафодор ва садоқатли дўст. Оҳ, агар у бўлмаганида...

У гапини охиригача айтмади.

– Рост, у жуда ёқимтой экан, – деб қўйди Жорж.
– Менимча, у билан яхши ўртоқ бўлиб қолсак керак.

– Биласанми, – деб яна гап бошлади Мадлена, – биз уйқу келгунча яна ўтириб ишлашимиз керак. Граф Водрек келиб қолганидан сенга ҳали айтиб улгурмаган эдим. Бугун мен Марокашда муҳим воқеалар рўй берганлигини билдим. Буни менга бўлажак министр, депутат Ларош-Матъе айтди. Катта шов-шувга сабаб бўладиган мақола ёзишимиз керак. Рақам ва фактлар менда бор, ҳозироқ ишга ўтиришимиз керак... Чироқни ол.

Жорж чироқни кўтариб олди ва улар кабинетга кирдилар.

Китоб жавонида ўша-ўша китоблар турар, тепада эса Форестье ўлими олдидан Жуан кўрфазида сотиб олган учта чиройли ваза қўйилганди. Марҳум Шарлнинг оёққа тўшалган юмшоқ гиламчаси Дю Руанинг қадам қўйишига маҳтал бўлиб турганга ўхшарди. Жорж ўтирди ва қўлига қалам олди, қаламнинг иккинчи учи Шарлнинг тишларига тегиб, андак кемтилганди.

Мадлена каминга суяниб олиб папирос тутатди ва янгиликларни гапириб бера бошлади, кейин ўзининг фикр-мулоҳазаларини айтди ва ёзилажак мақоланинг планини тузди.

Жорж уни диққат билан тинглар ва йўл-йўлакай фикрларини қоғозга тушириб борарди. Хотини ҳамма гапини тутатгач, Жорж бу масалада ўз фикрларини билдирди, уни чуқурлаштирди ва ўз режасини маълум қилди, унингча, ҳозирги министрликка қарши битта эмас, бир неча мақола ёзиш керак экан. Бу ҳужум фақат ишнинг бошланиши бўлади. Жоржнинг фикр-мулоҳазаларида чуқур имкониятларни кўрган Мадлена ҳатто чекишдан ҳам тўхтаб қолди.

– Ҳа... ҳа... Жуда яхши... Ажойиб... Ўткир
фигр... – шивирлаб қўярди у ўқтин-ўқтин.

Жорж гапини тугатгач, у деди:

– Ке, энди ёзишни бошлаймиз.

Бироқ у доим бошлашга қийналарди, бу сафар ҳам илк керакли сўзларни зўрға топарди. Мадлена унинг қийналаётганини пайқаб қолди-да, унинг елкасига пичагина суяниб, қулоғига бирин-сирин жумлама-жумла шипший бошлади.

У баъзан тўхтаб, ботинмайгина ундан сўраб қўярди:

– Сен шундай демоқчимидинг?

– Ҳа, худди ўзи, – деб жавоб берарди у.

У министрлар кенгашининг раиси шаънига аччиқ заҳархандалар, аёвсиз киноялар ёғдирди, раиснинг ташқи кўриниши устидан у юритаётган сиёсатга боғлаб шундай истеҳзоли сўзларни айтар-дики, бунақа таъриф-тавсиф фақат хотинлар оғзидан чиқади, одам беихтиёр кулиб юборар, айна замонда кузатишларининг бу қадар ўткирлигига қойил қолмасдан илож йўқ эди.

Дю Руа унинг заҳар-заққум сўзлари ичига баъзан-баъзан бир неча сўз қўшиб қўяр, шунда мулоҳазалар янада ўткирроқ, янада маънодорроқ чиқарди. Бундан ташқари, гапнинг тагига ним косасини яшириш санъатини мукамал эгаллаган, сўз билан бундай ҳийлакорлик қилишга у хроника материалларини ишлаб юриб ўрганиб кетганди. Агар у Мадлена айтаётган бирон гапга унчалик ишонқирамас ва у бировнинг шаънига бўҳтон бўлиб эшитилишини сезса, унда бу гапнинг жиндак учини чиқариш, шама қилиш билан чекланар, натижада газетхонлар кўз ўнгида бу шаманинг гўё маълум бир аҳамияти бордай қилиб кўрсатарди,

шуни шама қилмай тўғри айтса, унча таъсирли чиқмаслигини у биларди.

Мақола ёзиб битирилгач, Жорж уни овозини чиқариб, таъсирланиб ўқиб чиқди.

Мақола икковларига ҳам жуда ёқиб кетди ва бир-бирларини эндигина топгандай бўлиб, суяниб, шодланиб табассум қилдилар. Улар бир-бирларига қараб тўйишмас, нигоҳлари меҳр-муҳаббат билан тўлиқ эди, кейин руҳий иноқлик қалбларини тўлқинлантирганча бир-бирларининг қучоқларига отилдилар, пайдар-пай ўпишдилар.

Дю Руа чироқни олди.

– Энди алло қиламиз, – деди у кўзлари ёнган ҳолда.

– Қани бошланг, султоним, ахир сиз йўлимизнинг чароғбонисиз, – деди Мадлена.

Жорж хос хонага юрди, хотини орқасидан бармоқлари билан унинг гарданини қитиқлаб борди, эри қитиқдан кўрққани учун улар хонага тез кириб бордилар.

«Жорж Дю Руа де Кантель» имзоси билан чиққан мақола кўп шов-шувларга сабаб бўлди. Палатада тўполон бошланди. Қария Вальтер авторни табриклаб қўйди ва шу заҳотиёқ уни «Француз ҳаёти»нинг сиёсий бўлимига мудир қилиб тайинлади. Хроника яна Буаренар зиммасига тушди.

Шу кундан эътиборан «Француз ҳаёти» министрликка қарши узоқни кўзланган ашаддий ҳужумга ўтди. Баҳс усталик билан, фактларга суянган ҳолда олиб борилди. Ҳаммани баҳснинг дам аччиқ, дам жиддий, дам ҳазил, дам дарғазаб оҳанги ўзига жалб қилди, айна замонда баҳс автори чегарадан чиқмас, йўлидан ҳам тоймас эди. Бошқа газеталар «Француз ҳаёти»дан кўчирмалар оладиган бўлиб қолишди, ҳокимият тепасида турганлар эса, но-

маълум шаддод ганимларининг пайини полиция ёрдамида қирқишга уринардилар.

Дю Руа сиёсий доираларда маълум ва машҳур одам бўлиб қолди. Ўзининг мавқеи ўсиб бораётганлигини у бўлаётган қўл қисилару, таъзим-тавозелардан сезиб турарди. Хотинига келганда, Жорж унинг теран ақлига, ҳамма нарсдан фавқулодда хабардорлигига ва алоқаларининг зўрлигига қойил қоларди.

Кечқурун уйга қайтиб келганда, ҳар куни меҳмонхонада ё сенатор, ё депутат, ё судья, ё генерал ўтиргани устидан чиқар, улар Мадлена билан эски ошналардай гаплашаётганлигини кўрар эди. Қаерда танишган у булар билан? Жамият, йиғинларда, деб жавоб берарди хотини. Бироқ қандай қилиб уларнинг ишончини қозондийкин, нимаси билан уларга ёқиб қолганикин? Бу унинг учун сир бўлиб қолди.

«Ундан ўткир дипломат чиқиши мумкин эди», – деб ўйларди Жорж.

Мадлена кўпинча кечки овқатга кечикиб келар, кейин ҳаллослаб, қизариб кетган, ҳаяжонланган ҳолда кириб шляпасини ечмай турибоқ янгиликларни тўкиб сола бошларди:

– Бугун яна ошиғимиз олчи. Буни қара, адлия министри илгариги аралаш комиссиянинг собиқ икки аъзосини судьяликка тайинлабди. Боплаб адабини бермасак бўлмайди – умрбод эслаб юрсин.

Шундан кейин бир неча кун министрнинг адаби бериларди. Депутат Ларош-Матье Фонтан кўчасидаги уйда сешанба кунлари меҳмон бўлар ва граф Водрекка ўхшаб эр-хотин икковларининг қўллари қисиб қўяр, беҳад қувонч билдирарди.

– Мана, буни ҳамкорлик деса бўлади! – дерди у ҳар сафар. – Агар шу сафар ҳам ғалаба қилмасак...

У анчадан бери кўз остига олиб юрган амалига – ташқи ишлар министри лавозимига эришажагига чин юракдан ишонарди.

Бу одам ўртача бир сиёсий арбоб бўлиб, унинг на ўз қиёфаси, на ўз мустақил фикри бор эди, қобилияти ҳам эл қатори бўлиб, юраксиз, билими саёз эди. У чекка шаҳарчалардаги адвокатларга, маҳаллий шербаччаларга ўхшарди, у ўзининг иезуит эканлигини жумҳурият партияси билан ниқоблар, ўзаро низолашаётган партиялар ўртасида устомонлик билан ҳаракат қиларди, бу шундай умумий сайлов ҳуқуқлари деган ахлат устидан униб чиқаётган юзлаб сассиқ, заҳарли либерал қўзиқоринларнинг биттаси эди. У ўзининг сотқинлиги, риёкорлиги билан ҳамкасблари – ўша депутат деб аталадиган чала муртадлар ичида доно бўлиб кўринарди. Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бу одам анча тузуккина тарбия кўрган, ҳеч нарсадан тортиниб ўтирмас, хушмуомала киши бўлиб, жамиятда бир нарсага эришиш учун шуларнинг ўзи етарли эди. Унча-мунча нарсани назар-писанд қилиб ўтирмайдиган, тутуруғи йўқ, турли-туман, ҳар тоифадаги одамлардан иборат жамиятда, тасодиф билан юзага чиқиб қолган катта мансабдорлар ичида унинг обрў-эътибори баланд эди.

«Ларош министр бўлади», – деган гапни ҳар жойда эшитиш мумкин эди, унинг ўзи ҳам бу гапга ҳаммадан кўпроқ ишонарди.

У қария Вальтер газетасининг асосий пайчиларидан бўлиб, чолнинг кўпгина молиявий операцияларида шерик каби иштирок этарди.

Дю Руа Ларош-Матъени қўллаб-қувватлар эди: унга ишонар ва келгусида керак бўлиб қолар деб ўйлар, унга умид боғларди. Айтгандай, у фақат Форестье бошлаган ишни давом эттиряпти. Ла-

рош-Матъе унга келажакда Фахрий легион орденни олиб беришга ваъда берганди, энди бу орденни Мадленанинг иккинчи эрига бериш мўлжалланмоқдайди, холос. Ахир, моҳият эътибори билан қараганда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ-ку.

Шундай бўлиши турган гап эди ва Дю Руанинг ҳамкасблари шуни пеш қилиб, унинг кўзига чўп тикишар, қонини қайнатишарди.

Энди уни «Форестье» деб чақирадиган бўлиб қолишганди.

У редакцияга қадам қўйиши биланоқ аллаким қичқиргани эшитиларди:

– Форестье, бу ёққа қара!

У ўзини эшитмаганга солар ва қутидаги хатларни кўришдан бошини кўтармасди.

Яна ўша одам қаттиқроқ қилиб чақирарди:

– Ҳой, Форестье!

Ходимлар пиқирлашарди.

Дю Руа ноширнинг кабинетига қараб юрар, шунда ҳамкасабаси уни тўхтатиб дерди:

– Эҳ, кечирасан! Мен сени чақирувдим. Аҳмоқлигимни қара, сени доимо Шарлга адаштириб юраман. Сенинг мақолаларинг Шарлникига жуда ўхшаб кетгани учун шундай кўринса керак. Бунақада адашмай иложинг йўқ.

Дю Руа бунга жавоб бермас, лекин ичи-ичидан ғазаби жўш уриб келарди. Шу тариқа у энди марҳумни ёмон кўриб қолди.

Бир куни кимдир сиёсий бўлим мудирининг мақолалари шаклан ва мазмунан илгариги мудирникидан фарқ қилмаслиги ҳақида ҳайрон қолиб гапирганда, қария Вальтернинг ўзи шундай деган эди:

– Ҳа, бу Форестье, лекин буниси унга қараганда ёниқроқ, мардонароқ, баркамолроқ.

Бир куни Дю Руа жавонини тасодифан очиб қолиб, Форестьенинг шари қора лента билан ўраб қўйилганини, Сен-Потен билан бирга ўзи ўйнаб юрадиган шар пушти лента билан боғлаб қўйилганлигини кўрди. Ҳамма шарлар катта-кичиклигига қараб ўша ернинг ўзига қатор териб қўйилганди. Музейларда бўладиган тушунтириш хатига ўхшатиб ёзилган қоғозда шундай сўзлар бор эди: «Форестье ва К⁰ собиқ коллекцияси. Вориси – Форестье Дю Руа. Патенти бор. Ҳамма вақт ҳаётда фойдаланиш мумкин бўлган мустаҳкам нарса, ҳатто йўлга ҳам ярайди».

У жавонни хотиржам ёпди ва атай баланд қилиб деди:

– Аҳмоқлар ва ғаламуслар ҳар ерда топилади.

Аммо ҳамма адабиётчилар каби иззат-нафси кучли бўлган, ғурури баланд Дю Руа бу нарсаларга бепарқ қарай олмасди, адабиётчи одам, одатда оддий репортёр бўладими ёки улуг шоир, барибир, ундаги нозик шухратпарастлик ва иззат-нафс доимо тез хафа бўлишга, ҳар нарсага шубҳаланиб қараб, ўзига олишга ундайди.

«Форестье» сўзини эшитса, қулоғи шанғиллайдиган бўлди: шу сўзни эшитишдан қўрқадиган бўлиб қолди, у қулоғига чалинганда қизариб кетаётганини сезарди.

Бу ном тилга олинганда унинг устидан мазах қилиб кулишаётганга, ундан ҳам баттароқ ҳақорат қилиб сўкишаётганга ўхшарди. Бу ном унинг башарасига қарата қичқираётган каби бўларди: «Сенга ҳаммасини хотининг қилиб бераётибди, у аввал ҳам бировга шундай қилиб берарди. У бўлмаса, сен ҳалок бўлардинг».

Мадлена бўлмаса, албатта, Форестье ҳалокатга учраши аниқ эди, лекин бу гапнинг Жоржга сира алоқаси йўқ, кечирасиз, ҳа!

Шу дилсиёҳлик уйда ҳам давом этарди. Энди бу ердаги ҳамма нарса: жиҳозлар, мебеллар, турли майда-чуйдалар, яъни у нимагаки қўл урган бўлса, бари марҳумни эслатиб турарди У олдинлари бу ҳақда сира бош қотириб ўтирмасди, бироқ ҳамкасбларининг ачитиб мазах қилишлари унинг жонидан ўтиб кетди, кўксини яралаб қўйди, илгари у аҳамият ҳам бериб ўтирмайдиган арзимаган нарсалардан энди бу яранинг усти кўчар, янгиланарди.

Нимага қўл урмасин, ҳаммасида Шарлнинг шарпаси кезгандай бўлиб туюлаверарди. У нимага қарамасин, нимани қўлига олмасин, бари олдин Шарлга тегишли нарсалар бўлиб чиқарди. Шарль уларни сотиб олган, улардан фойдаланган, уларни авайлаган. Шу даражага бордики, ҳатто Мадлена илгари Шарль билан бирга бўлган-ку, деган фикрдан у буткул тинчлигини йўқотиб қўйди.

Гоҳо ич-этини кемириб бораётган бу норозиликдан ўзи ҳам ҳайратга тушиб, ичида дерди: «Менга нима бўляпти ўзи? Ахир, мен Мадленани унинг атрофидаги одамлардан рашк қилмайман-ку? У куни билан нима қилиб юради, ишим бўлмайди. Ундан қаёққа кетяпсан, қачон келасан, деб суриштириб ҳам ўтирмайман, лекин молга ўхшаган ўша Форестье эсимга тушиши билан асабим бузилиб, қоним қайнай бошлайди!»

«Аслини олганда, Шарль фирт тентак экан, – деб мулоҳаза қилишда давом этарди у, – ҳаммасидан ҳам мана шу нарса менинг жонимни ҳиқилдоғимга келтиради. Мадлена қандай қилиб бу эшшакка турмушга чиқди экан, деб хафа бўлиб кетаман».

У ўзига-ўзи: «Бу молга ўхшаганнинг нимаси Мадленага ёқиб қолган экан?» – деб савол бергани берган эди.

Арзимаган нарсалар юрагига игнадай санчила-вериб, Мадлена, хизматкор, ходимларнинг ҳар бир сўзидан Шарлнинг номини эшитгандай бўлавериб унинг қаҳр-ғазаби тобора тўлиб-тошарди.

Дю Руа табиатан ширинликка ўч эди.

– Нега бизникида ҳеч ширинликлар йўқ? – сўради бир куни кечқурун у. – Сен олдириб келмайсан.

– Тўғри, эсимдан чиқиб қолади, – шўхлик билан жавоб берди Мадлена. – Гап шундаки, Шарль сира оғзига олмасди...

– Менга қара, жуда жонимга тегиб кетди-ку, – жаҳлини яширолмай деди унинг сўзини бўлиб Жорж. – Қачон қарама: Шарль, Шарль... уни яхши кўрарди, Шарль буни яхши кўрарди. Шарль ўлди, энди уни тинч қўйинглар.

Бирдан ғазаби қайнаб кетган эрига Мадлена ҳайратланиб, ғалати бир алфозда қараб қолди. Лекин зийрак хотин эрини тушунди. Унинг ичини марҳумга бўлган рашк кемириб келаётганлигини ва бу ҳар бир дақиқада, ҳар замон уни эслаганда янада зўраяётганлигини фаҳмлади.

Балки бу Мадленага болалик бўлиб кўрингандир, лекин айни замонда унинг қалби бундан ифтихор туйғуси билан тўлди ва у индамай қўя қолди.

Дю Руа ўзининг қилиғидан ўзи уялиб кетди, лекин ўзини ҳеч идора қилолмай қолди. Ўша куниёқ кечки овқатдан кейин улар янги мақолага ўтирганларида Жорж гиламчага қоқилиб тушди. Гиламчани оёғи билан тўғрилай олмагач, уни тепиб юборди.

– Шарлнинг оёқлари доим совқотиб юрган бўлса керак, а? – сўради у кулиб.

Мадлена ҳам кулиб юборди:

– Ҳа, у доим шамолаб қоламан деб қўрқарди! Ўпкасининг мазаси йўқ эди.

– Шундайлигини у охирида исбот қилди, – деб жаҳд билан унинг гапини илиб кетди Жорж, – бу ҳам менинг бахтимга, – деб қўшимча қилди у олиф-талиқ билан ва Мадленанинг қўлини олиб ўпди.

Лекин ухлагани ётишаётганда ҳамон ўша гап унинг миясидан кўтарилмаганди.

– Балки Шарль қулоғимга шамол кирмасин, деб кечаси қалпоқ кийиб ётган бўлса керак, а? – яна тўнғиллади у.

– Йўқ, у бошини шоҳи рўмол билан боғлаб ётарди, – деди гапни ҳазилга айлантириш учун Мадлена.

Жорж елкаларини қисиб қўйди ва ўзининг устунлигини сезган одамнинг қилиғини қилиб, нафратомуз гижиниб деди:

– Вой аҳмоғ-ей!

Шу кундан эътиборан Шарль унинг оғзидан тушмай қолди. Бўлса-бўлмаса уни гап ичида тилга олиб ўтар, гоят ачинган киши бўлиб, «бечора Шарль», деб қўярди.

Редакцияда ҳар куни уни бир бор «Форестье» деб чақиритар, уйга қайтганда буларнинг аламини марҳумни таҳқирлаб чиқаргандай бўларди. У Форестьенинг камчиликларини, унинг кулгили қилиқларини, заифликларини эслаб кетар, уларни бирма-бир санаб чиқиб лаззатлангандай бўлар, худди хотинининг юрагидан марҳум ҳақидаги хотираларни юлиб ташлашга жазм қилгандай бечоранинг гўрига гишт қалар эди.

– Менга қара, Мад, – деб гап бошларди у, – эсингдами, бир куни сўхтаси совуқ Шарль семиз эркаклар ориқларга қараганда кучли бўлади, деб гап сўқиган эди?

Яна бир оз вақт ўтгандан кейин у хотинидан марҳумнинг киши билмас нозик томонларини су-

риштириб қоларди. Лекин Мадлена уялиб, жавоб бермасди. Лекин у айтганидан қолмасди:

– Вой-бў, айтиб бера қолсанг-чи! Бунақа пайтларда у жуда тумтайиб, сувга тушган товуқдек бўлиб қолган бўлса керак, а, тўғрими?

– Бўлди, бас қил, тинч қўй уни энди, – дерди тоқати тоқ бўлган Мадлена.

Лекин у бўш келмасди:

– Йўқ, айтиб бер менга! Тўшакда жуда бесўнақай бўлган бўлса керак. А, тўғрими? Вой хўкиз-ей! – деб қўшимча қилиб қўярди ҳар сафар.

Майнинг охирлари эди, бир куни кечқурун у дераза олдида туриб папирос чекарди; ҳаво жуда ҳам дим эди, унинг айланиб келгиси қистади.

– Мад, қўзим, Булон ўрмонига бормаймизми, а?

– Майли, жоним билан.

Улар усти очиқ экипажга ўтиришди. Елисей майдонларидан ўтиб Булон ўрмонининг хиёбонларига киришди. Париж ҳаммомдек дим бўлиб кетадиган кечалардан бири эди, қилт этган шамол эсмасди, ҳаво шу қадар қизиб кетган эдики, гўё одам иссиқхона ичида тургандай бўларди. Файтонлар пайдар-пай қатнаб, салқин дарахтзорларга севишганларни ташлаб кетарди. Қучоқлашиб юрганларнинг сон-санови йўқ.

Мадлена билан Жорж экипажларда бир-бирлари билан қучоқлашиб ўтирган қора кийган эркалар билан оч рангда кийинган аёлларни қизиқсиниб томоша қилиб боришарди. Осмонда юлдузлар чарақлаб ётар, ҳаво мисдай қизиб кетган. Булон ўрмонига қараб бир издиҳом, жазманлар издиҳоми кетиб борарди. Атрофда арава филдиракларининг бўғиқ сасидан бошқа тиқ этган садо эшитилмасди. Файтонларда ҳамон ошиқ-маъшуқлар елгандан елиб боришар, улар бир-бирларининг

пинжларига кириб кетган, юмшоқ ўриндиқларга ўзларини ташлаган, олдинда сурилажак лаззатли дамларга ўзларини чоғлаган, ўша муфарраҳ дамларнинг орзусини сурган ҳолда борардилар. Қизиб ётган, ғира-шира тун бамисоли бўсаларга тўлиб тошаётганга ўхшаб кўринарди. Кеча ишқнинг талвасаларига, ҳирснинг ўйинларига тўлалигидан ҳаво янада бўғиқроқ, оғирроқ туюларди. Юраклари бир иштиёқда ўртанаётган, бир гулханнинг алангасида ёнаётган ошиқ-маъшуқларнинг ҳаммаси атрофга ўзларини титратган, жўш урдирган, тинч қўймаётган эҳтиросга тўлиқ бир ҳаяжон сочиб кетмоқда эдилар. Ишқ маскан қурган арвалар узра гўё эрка бир илоҳалар учиб юргандай бўлар, улар кишида ҳаяжон қўзғар, одам алланарларни қўмсаб қоларди.

Жорж билан Мадленага ҳам ўтди бу беҳудлик. Улар иссиқдан беҳол бўлишиб, юракларини хумор кечанинг ҳаяжони чулғади, сассизгина бир-бирларининг қўлларини ушлаб олдилар.

Шаҳар қўрғонларидан кейин келадиган бурилишга етганда, улар ўпишдилар.

– Ҳув Руан йўлидагига ўхшаб яна болалик қиляпмиз, – уялинқираб шипшиди Мадлена.

Ўрмонзорга кираверишда тирбанд бўлиб бораётган экипажлар иккига ажралди. Булар кетаётган Кўл хиёбонида файтонлар анча сийраклашиб қолди, дарахтларни қуршаган кўз илғамас тун, жилдираган жилғалар, шивирлаган барглардан тозарган ҳаво, юлдузлар сочилиб ётган тунги осмондан қуйилиб келаётган салқин – буларнинг ҳаммаси ошиқ-маъшуқларнинг ўпичларига ўзгача бир тароват, сирли лаззат бағишлар эди.

– Қўзичоққинам Мад! – дея шивирлади Жорж уни бағрига тортар экан.

– Қишлоғингиз ёнидаги ўрмон эсингдами, жудаям қўрқинчли экан! – деди Мадлена. – Менга ҳамма ёқдан ёввойи ҳайвонлар чиқиб келаётгандай бўлаверди, кейин ҳеч охири йўққа ўхшаб кўринди. Бу ер эса жуда чиройли. Шабада худди сени эркалаётгандай бўлади, сен ўрмоннинг нариги томонида Севр борлигини билсанг керак.

– Менинг ўрмонимда фақат кийиклар, тулкилар, эчкилар ва қобонлар бўлади, – деб эътироз билдирди Жорж, – унда-бунда ўрмончи^{*}нинг кулбаси учраб туради.

Шу бир оғиз сўз, оғиздан бехос отилиб чиққан сўз – марҳумнинг фамилияси уни худди ўрмон қучоғидан биров бақириб айтгандай Жоржни ҳайратга солди ва у тилини тишлаб қолди: Яна юраги увушди, яна ўша ғалати ва хира, одамнинг эч-этини еб юборадиган, фингшиб азоб берадиган, енгиб бўлмас, ҳаётини заҳарлаб келаётган рашк чулғади хаёлини.

– Сен бу ерга ҳеч Шарль билан келганмисан? – сўради Жорж бирпас индамай тургач.

– Келганман, кўп келганман, – деб жавоб берди Мадлена.

Шунда Жоржнинг юраги орзиқиб тушди, кўзи тиниб кетди, шу заҳоти уйга қайтиб кетгиси келиб қолди. Форестъенинг шарпаси яна хаёлида ҳоким бўлиб қолди, яна унга мислсиз азоб бера бошлади. Дю Руа энди фақат у ҳақда ўйлаб, у ҳақдагина гапириши мумкин эди.

– Менга қара, Мад... – фингшиди у.

– Ҳа, жоним.

– Бечора Шарлга мугуз қўйганмидинг ҳеч?

– Яна бошладингми, эсингни еб қўйибсан! – ижирғаниб деди Мадлена.

* Ўрмончи французчасига «форестье» бўлади

Лекин Жорж сўзида туриб олди.

– Қўзичоғим, қани, ростини айт! Бошқалар билан дон олишармидинг, а? Айт, дон олишардим, де!

Мадлена унга жавоб бермади, – ҳамма хотинлар каби у ҳам бу сўзни ёқтирмас эди.

– Жин урсин, унинг боши мугузга ярашадиган бошлардан эди, – ҳамон қўймасди Дю Руа. – Ҳа, ҳа, ҳа! Форестье шу кунга тушганини билганимда бошим осмонга етарди. Унинг кулгили юзига мугуз нечоғлик ярашган бўларди, тўғрими?

Хотини алланималарни ўйлаб жилмайганлигини кўриб Жорж ўз гапини яна такрорлади:

– Айта қол! Нима қилибди айтсанг? Бошқа бировга эмас, менга айтсанг, кўнглим ўрнига тушарди-да, лекин.

У чиндан ҳам Шарль, ўша сўхтаси совуқ, қуриб кетгур марҳум Шарль алданган эркаклардан эканлигини жуда ҳам билгиси келарди. Шу билан бирга бошқа, ҳали тўла англаб етилмаган бир ҳис унда ўзгача қизиқиш уйғотганди.

– Мад, қўзичоққинам Мад, илтимос қиламан, менга айт! – гапидан қолмасди у. – Ахир у шунга сазовор эркак эди-ку. Агар сен шундай қилмаган бўлсанг, ҳаётингда жуда катта хатога йўл қўйган бўлиб чиқасан. Қани энди, Мад, бўйнингга ол!

Мадленага, афтидан, унинг бу гаплари эрмак бўлиб туюлмоқдайди, унинг қисқа, асабий кулиб қўйиши шундан далолат бериб турарди.

Жорж лабларини унинг қулоқлари тагига олиб борди.

– Қани, бўла қол... қани... айт!

Мадлена силтаниб ундан ўзини нари олди.

– Бунча тентаксан? – деди жаҳли чиқиб. – Ким бунақа саволга ҳа, деб айтади?

Бу сўзларни у шундай бир оҳангда айтдики, Дю Руа бирдан жунжикиб кетди; у тош бўлиб қолди,

тили калимага келмади, одамнинг бошига тўсиндан оғир кўргилик тушганда мана шундай бўлиб қолади, нафас олай деса ҳаво етишмайди.

Энди экипаж кўл ёқалаб кетиб борар, осмон гўё унинг сатҳидан дона юлдузларини тераётгандай кўринарди. Кўл юзида икки оққуш секингина сузиб юрар, улар қоронғида элас-элас кўринарди.

Жорж извошчига: «Қайтар!» – деб бақирди ва файтон орқага бурилди, қаршидан ҳамон экипажлар ўтиб турарди, уларнинг каттакон фонарлари тун қоронғисида кўзга ўхшаб ялтирарди.

«Жуда ғалати қилиб айтди-я бояги гапини! Нима, бу ҳа, деганими?» – ўзидан сўрарди Дю Руа. Унинг биринчи эрига хиёнат қилганлигига энди у чиппа-чин ишонар ва бундан тобора қутуриб кетмоқдайди. Уни ўласи қилиб калтаклагиси, бўғиб ташлагиси, сочларини юлгиси келмоқда эди.

О, башарти хотини: «Йўқ, жоним, агар мен Шарлга хиёнат қилганимда ҳам фақат сен билан бирга қилардим», десайди, Жорж уни эркалаган, кейин бошига кўтариб юрган бўларди!

Дю Руа қўлларини кўкрагида чалмаштирганча қимир этмай ўтирар, осмонга қарарди: шу қадар қаттиқ ҳаяжонланган эдики, унинг зўридан бошига фикр келмасди. У фақат юрагида ғазаб ва қаҳр бош кўтариб келаётганлигини сезиб турар – бу хотин кишининг инжиқ ишлари билан тўқнашганда ҳар бир эркакда етиладиган бир ҳиссиёт эди. У биринчи марта эр сифатида қаттиқ ташвишга тушиб қолди, юрагини шубҳалар безовта қила бошлади. Бундоқ олиб қараганда, у марҳум учун, Форестье учун рашк қилмоқда эди, бу даҳшатли, фавқулодда кучга эга бўлган рашк эди, шу рашк туфайли у ҳозир Мадленани кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмай қолди. У ўзини Шарлнинг ўрнига қў-

йиб кўрди, у Шарлга хиёнат қилган экан, Дю Руа унга нима деб ишонади энди?

Бироқ аста-секин унинг хаёли жойига туша бошлади ва қалбини тимдалаб ётган оғриқни енгилга ҳаракат қилиб ўй ўйлаб кетди: «Ҳамма хотинлар – чўлтоқ супурги, уларнинг хизматидан фойдаланиш керак, лекин уларга юракнинг кўри-ни бермаслик керак».

Бу сўзларни, ҳақоратомуз фикрларни у алами-дан айтмоқдайди. Лекин ичида айтса ҳам, сиртига чиқармасликка ҳаракат қилмоқда эди. «Ким кучли бўлса дунё шуники, – дерди у ўзига-ўзи. – Кучли бўлиш керак. Бунақа нарсалардан баланд туриш керак».

Экипаж борган сари тезроқ елиб борарди. Шаҳар кўрфонлари орқада қолди. Дю Руа олдинда гўё жуда ҳам катта кўрадан чиқаётгандай оқ шуь-лаларни кўриб кетмоқдайди. Унинг қулоқларига элас-элас тинимсиз гувиллаб турган шовқин чали-нар, бу шовқинга турли-туман товушлар чатишиб кетган, у дам яқингинадан, дам йироқлардан кела-ётгандай бўлар, эшитилар-эшитилмас, айни чоқда ҳаётнинг қудратли бу саси Париждан келарди – бу ҳансираб турган, шу ёз кечасида ҳорғин ястанган девкор бир нафас Парижнинг нафаси эди.

«Аҳмоқ бўлмасам, шуни деб қонимни бузиб ўти-раманми, – хаёл сурарди Жорж. – Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Ғалаба мардона одамларга ёр бўла-ди. Фақат ўзингни ўйлашинг керак. Лекин бойлик ва шуҳрат орттириш учун ўзни ўйлаш хотинлар-нинг севгиси ва эркалашлари учун интилгандан минг карра аълодир».

Ўзининг баҳайбат панжаларига таянган Зафар арки кўринди, – худди улкан бир махлуқ шаҳарга кирайми, кирмайми деб турганга ўхшарди, гўё у

олдида турган йўлдан ҳали замон юриб кетадигандай эди.

Жорж билан Мадлена яна экипажлар тўдаси ичига тушиб қолишди, уларда бир-бирларига чир-машган ошиқлар сас-садосиз, ўзлари орзиқиб интилган тўшаклар сари кетиб боришарди. Уларнинг теварагида шодлик, бахт ва лаззатдан маҳрум бўлган барча одамзот ҳаракатга келиб тургандай ошиқ кўринарди.

Мадлена эрининг юрагидан кечаётган нарсаларни ҳар ҳолда англаб турарди.

– Мунча хаёл суриб қолдинг, жоним? – дея сўради одатдаги майинлик билан Мадлена. – Боятдан бери индамай келяпсан.

– Анов такасалтангларнинг қучоқлашиб кетишини томоша қиляпман, – деди мийиғида кулиб Жорж, – ростини айтсам, ҳаётда кўп қизиқ нарсалар ҳам бор экан.

– Ҳа-а... лекин баъзан бунинг ўзгача лаззати бўлади, – секингина деб қўйди хотини.

– Лаззат... лаззат... бошқача лаззат бўлмагандан кейин шу-да!

Жоржнинг хаёли уни узоқларга олиб кетмоқда эди, у даҳшатли бир қаҳр-ғазабга тўлган ҳолда хотинининг ҳаётини қоплаган ялтироқ ниқобларни юлиб ташламоқчи эди. «Тортинчоқ бўлиб, ўзингни ҳар нарсадан сиқиб юборишдан ҳам расво нарса йўқ, кейинги пайтларда ич-этимни еб, қонимга ташна бўлиб кетдим, ўзимни қийнаб ташладим, ҳаммаси аҳмоқлигимдан». Унинг кўз ўнгида Форестьенинг сиймоси гавдаланди, лекин бу энди унга заррача таъсир қилмади. Назарида, улар ҳозиргина ярашиб олишганга, яна ўртоқ бўлиб кетишганга ўхшарди. Унинг: «Омонмисан, қария!» – деб қичқириб юборишига оз қолди.

Унинг индамай бориши Мадленани безовта қилиб қўйди.

– Йўл-йўлакай Тортонига кириб морожний еб чиқсак яхши бўларди, – деб таклиф қилди у.

Жорж унга қирғий қараш қилиб қўйди. У қараган онда кафешантанга чақириб чорлаган маржондек терилган газ чироқларнинг шуъласи Мадленанинг нафис, нозик юзи ва гўзал сочларига тушиб порлаб кетди.

«У жуда чиройли, – деб ўйлади у. – Майли, бу ҳам яхши. Сен билан иккимизни, каптарим, ови юрмаса ҳам дови юрганлардан дейиш мумкин. Бироқ хизматдошларим яна жонимга тегадиган бўлса, уларнинг бошлаб таъзирини бераман, бир умр эсларидан чиқмайдиган бўлади».

Кейин хотинига қараб: «Жоним билан, азизим», деди-да, унинг кўнглини жойига тушириш учун ўпиб қўйди.

Мадленага эрининг лаблари муздек бўлиб туюлди.

Аммо кафенинг эшигида туриб, хотинини экипаждан туширар экан, у одатдагидай жилмайиб турарди.

III

Эртасига редакцияга келиб Дю Руа Буаренарга учрашди.

– Азиз дўстим,– деди у, – сендан бир илтимосим бор. Кейинги кунларда баъзи бир ҳазилвонлар мени «Форестье» деб чақиришни ёқтириб қолишибди. Бу гашимга тега бошлади. Жон дўстим, уларга айтиб қўй, кимда-ким яна шундай қилса, башарасига тарсаки тортиб юбораман. Ўйиндан ўқ чиқаргилари келаётган бўлса, уларнинг иши. Буни сенга айтаётганимнинг сабаби, сен ўзини босиб олган одамсан, бу ишни уриш-жанжалсиз

бости-бости қила оласан. Иккинчи томондан, бир марта менинг секундантим бўлиб кўргансан.

Буаренар бу топшириқни бажаришни бўйнига олди.

Дю Руа турли ишлар билан овора бўлиб кетиб, бир соатдан сўнг қайтиб келди. Энди ҳеч ким уни «Форестье», деб чақирмади.

Уйга келса, меҳмонхонадан хотинларнинг гап-лашиб ўтирган овозлари эшитилди.

– Ким келди? – сўради у.

– Вальтер хоним билан де Марель хоним, – жавоб берди хизматкор.

Жоржнинг юраги бир ҳаприқиб тушди, лекин шу заҳоти ўзига-ўзи: «Э, нима бўлса бўлар!» – деб таскин берди ва эшикни очди.

Клотильда камин олдида ўтирган экан; деразадан унга ёруғ тушиб турарди. Жоржни кўриб бир оз оқариб кетгандай бўлди. Олдин икки қизини икки ёнига соқчидай олиб ўтирган Вальтер хонимга таъзим қилиб, кейин ўз маъшуқасига ўтирилди. Клотильда унга қўлини узатди. Жорж унинг қўлларини олиб, «Сизни ҳамон илгаригидай севаман» деган маънода сиқиб қўйди. Клотильда бунинг маъносини тушунди.

– Яхши юрибсизми? – сўради Жорж. – Кўришмаганимизга ҳам анча бўлиб кетди.

– Яхши. Ўзингиз-чи, Азизим? – ҳеч нарса бўлмагандай сўради у ўз навбатида ва Мадленага қараб деди: – Уни аввалгидай Азизим деб айтсам майлими?

– Бемалол, жоним, сенга ҳаммасига рухсат бераман.

Унинг овозида андак киноя ҳам йўқ эмасди.

Вальтер хоним Жак Риваль ўз уйида ўтказмоқчи бўлиб юрган йиғин ҳақида ҳикоя қилиб берди, унда зўр қиличбозлик бўларкан, кибор хонимлар ҳам бу йиғинда иштирок этишаркан.

– Жуда ажойиб бўлади, – деди у. – Лекин мен нима қилишимни билмай қолдим. Ким билан бо-ришимни билмайман, эрим ўша кунлари бир жой-га кетадиган.

Дю Руа дарҳол мен олиб бораман, деди. Вальтер хоним рози бўлди.

– Қизларим билан ҳаммамиз сиздан жуда мин-натдор бўлар эдик.

Дю Руа опа-сингилларнинг кенжасига қараб: «Бу кичкина Сюзаннаси тузуккина экан, попук-даккина экан», деб хаёлидан кечирди. Қиз мўъ-жазгина, жуда келишган, чикка бел, кўкраклари эндигина бўртган, ажиб бир мусаввирнинг қала-ми билан чизилгандай юзлари нафис, майин, мо-вий кўзлари ёниб турган бу қиз оппоқ, нозиккина қўғирчоқни эслатарди, унинг сут каби оқ, бениҳоя тиниқ ва силлиқ бадани ва атайлаб тўзғитиб қў-йилган жингалак жамалак сочлари кимматбаҳо чиройли қўғирчоқларникидан фарқ қилмас, лекин бунақа қўғирчоқларни кўтариб юрадиган болалар-дан у анча бўйдорроқ эди.

Унинг опаси Роза хунук, ориқ, кўримсиз, одам қарагиси, гаплашгиси келмайдиган одми қизлар-дан эди.

Вальтер хоним ўрнидан турди.

– Демак, умидимиз сиздан, – деди у Жоржга. – Келаси ҳафта пайшанба кунни соат иккига.

– Бош устига, хоним афандим, – деди Жорж.

Улар чиқиб кетишлари биланоқ де Марель хо-ним ўрнидан турди.

– Кўришгунча, Азизим.

Бу сафар энди у Жоржнинг қўлини узоқ маҳкам сиқиб турди. Бу қўл олишув Жоржга кўп нарсалар-ни англади, у, тўлқинланиб кетди, шунда бирдан у яна шу дўлти, бир қоп ёнғоқдек шалдир-шулдир,

оққўнгил дўндиқча билан бирга бўлгиси келди, балки мен чинакам севадиган бирдан-бир хотин шудир, деб кўнглидан ўтказди у.

«Эртагаёқ унинг олдига бораман», деган қарорга келди Жорж.

Эр-хотин ёлғиз қолишгач, Мадлена қувноқ, салимий кулиб юборди ва эрига зеҳн солиб қараб, сўради:

– Биласанми, Вальтер хоним сенга ошиқи беқарор бўлиб қолибди.

– Э, қўйсанг-чи! – ишонқирамай деди Жорж.

– Рост, рост, чин сўзим: Сени тилга олса оғзидан бол томади. У ҳеч бунақа эмас эди! Қанийди қизларимнинг эрлари ҳам Жоржга ўхшаган бўлса дейди!.. Яхшиямки, ўзи бунақа ишлардан анча узоқда.

Хотини бу билан нима демоқчи бўлганлигини у тушунмади.

– У нима деганинг?

– О, Вальтер хоним умрида бирон марта ҳам ғийбат бўладиган ишларни қилмаган, тушундингми? Ҳечам, ҳечам! – қаттиқ ишонч билан деди Мадлена.

– Чинакам қўй оғзидан чўп олмаган хотин. Эрини ҳам яхши биласан. Лекин ўзи – бутунлай бошқача. Дарвоқе, яҳудийга турмушга чиқдим деб жуда ўк-сиб юрарди, лекин унга сира ҳам хиёнат қилмади. Жуда ҳам эсли хотин.

Дю Руа ҳайрон бўлди:

– Мен уни ҳам яҳудий деб юрибман.

– Уми? Ҳечамда. У Мадлен кварталидаги барча хайрия жамоаларининг ишига бош-қош бўлиб юради. У ҳатто никоҳини ҳам черковда ўқитган. Фақат хўжайин йўлига чўқинганми ёки руҳонийлар бунга бармоқ орасидан қарашганми, билмайман.

– У... ростдан ҳам... мени... яхши кўриб қолиб-дими? – гўлдиради Жорж.

– Эс-хушини йўқотган. Агар сен салт бўлганинда, сенга Сюзаннага уйлан... деб маслаҳат берган бўлардим, тўғрими, у Розадан чиройли, а?

– Ойиси ҳам ҳали бинойидай! – деди у муртларини бураб.

Мадленанинг жаҳли чиқди:

– Ойисига келганда, жоним, сенга бир нарса-ни айтай: бекор овора бўлма. Бундан чўчийдиган жойим йўқ. У биринчи зино қиладиган ёшдан ўтган. Олдинроқ эсинг қаерда эди?

«Наҳот, мен ростдан ҳам Сюзаннага уйланишим мумкин эди!» – дерди ўзига-ўзи Жорж.

Кейин у елкаларини қисиб қўйди:

«Э, бўлмаган гап!.. Отаси бунга ўлсаям рози бўлмас!»

У ўзига қандай наф етишига ҳали яхши ҳисоб қилмаган ҳолда, омади бир гап деб Вальтер хонимни кўз остига олиб юришни юрагига тугиб қўйди.

Кечаси билан у Клотильда икковлари ўтказган кунлар ҳақида ширин хотираларга берилди, туйғулари яна жунбишга келди. Унинг шўхликлари, ноз-карашмалари, эркалашлари, биргаликда кечирган лаззатли онларини эслаб ётди. «Жуда дилбар хотин-да, – дерди у ўзига-ўзи. – Эртагаёқ унинг олдига борганим бўлсин».

Эртасига у нонуштадан кейин чиндан ҳам Варней кўчасига қараб равона бўлди. Эшикни яна ўша хизматкор қиз очди ва бунақа хонадонлардаги хизматкорларга одат бўлиб кетган бепарволик билан сўраб қўйди:

– Яхши юрибсизми, афандим?

– Жуда яхши, қизалоқ, – деб жавоб берди Жорж ва меҳмонхонага кирди. Кимдир фортепьянони тингиллатаётган эди. Лорина экан. Жорж у мени ачомлаб олса керак, деб ўйлаганди. Бироқ у жид-

дий қиёфада ўрнидан туриб, катталардай сиполик билан саломлашди-да, мағрур юриб чиқиб кетди.

Лорина ўзини дилига озор етган хотинлардай тутди, бу нарса Жоржни ҳайратга солди. Онаси кирди. Дю Руа унинг қўлини ўпди.

– Эс-хушим доимо сизда бўлди! – деди у.

– Меники эса, сизда, – деди Клотильда ҳам.

Улар ўлтирдилар. Бир-бирларига қараб тўйишмас, оғизларидан табассум аримасди, икковларининг ҳам ўпишгилари келиб турарди.

– Азизим, эркам Кло, сизни севаман.

– Мен эса, сени.

– Унда... унда... мендан хафа эмасмисан?

– Нима десам экан... аввалига қийналдим, кейин сен ҳақ эканлигингни тушундим ва ўзимга ўзим: «Ҳечқиси йўқ, эртами-кеч ёнимга албатта қайтиб келади», деб таскин бердим.

– Мен олдинга келишга қўрқдим, қай юз билан бораман дедим, ҳайдаб юборса керак, деб ўйладим. Шунча қўрққаним билан барибир ҳадеб келгим келаварарди. Айтгандай, бу Лоринангга нима бўлди? У зўрға саломлашиб, қовоғини солганча чиқиб кетди.

– Билмадим. Лекин уйланганингдан бери сени кўрарга кўзи йўқ. Яна сени рашк қилармикин дейман.

– Қўй-э!

– Чин гап, жоним. У сени энди Азизим деб эмас, «жаноб Форестье» деб атайди.

Дю Руа қизариб кетди.

– Ке, лабларингдан бир ўпай, – деди у Клотильдага яқин сурилиб.

Унинг истаги бажо этилди.

– Энди қаерда учрашамиз? – сўради Дю Руа.

– Ҳа-я... Константинополда-да.

– Ие!.. Квартирани ҳалиям топширмаганмисан?

– Йўқ... Сақлаб қўйдим!

– Сақлаб қўйдинг!

– Ҳа, мен қайтиб келишингга ишонувдим.

Шу тобда унинг юрагини тўлдирган шодон туй-гуларни сиғдиришга кўкрак қафаси торлик қилди. Демак, бу хотин уни севади, демак, бу чинакам вафо, садоқатдан нишона.

– Сени жонимдан ҳам севаман, – дея шивирлади у ва жим бўлиб қолди, кейин сўради: – Эрингнинг ишлари яхшими?

– Аъло. У бир ой туриб, яна кетди, уч кун бўлди. Дю Руа ўзини кулгидан тўхтатолмади:

– Айни муддао!

– Ҳа, айна муддао! – соддадиллик билан қўшилди Клотильда. – Дарвоқе, ўзи борлигида ҳам менга халақит бермайди. Биласан-ку?

– Ҳа, тўғри. Ростини айтсам, у жуда ҳам яхши одам.

– Ўзинг қалайсан? Оила қуриш қандай бўлар экан? – сўради у.

– Ёмон эмас. Хотиним – менга ҳамдам, ёрдамчи.

– Шу холосми?

– Шу холос. Юрак эса...

– Тушунарли. Лекин у дилбар хотин.

– Шунақа, лекин кўнглим бирдак. Энди қачон кўришамиз? – Клотильдага яна ҳам яқинроқ сури-либ сўради Жорж.

– Майли, менга деса... эртага... агар хоҳласанг?

– Яхши. Эртага соат иккида, а?

– Иккида.

Жорж ўрнидан қўзғалди ва кетатуриб тортинган ҳолда деди:

– Биласанми, Константинополдаги уйни мен ўз номимга ўтказмоқчиман. Гап шу. Сен эндиам мен учун тўлаб юришингни истамайман!

Клотильда меҳри тошиб, унинг қўлларидан ўпди.

– Сен нима десанг шу, – шивирлади у. – Уни сақлаганимнинг ўзи менга етади, сен билан кўришиб турсак бас.

Дю Руа ғоятда мамнун бўлиб чиқиб кетди.

У фотографнинг витринаси ёнидан ўтиб кета туриб, шаҳло кўз лобар бир хотиннинг сурати-га кўзи тушди ва бу сурат унга Вальтер хонимни эслатди. «Чакки эмас, – деди у ўзига-ўзи, – ҳали чиқитга чиқишига анча бор. Нега шу пайтгача унга эътибор бермабман-а! Қизиқ, мени пайшанба куни у қандай кутиб оларкин?»

У хурсанд бўлиб кетганидан қўлларини бир-бирига ишқаб борарди, ҳар ерда омади келиб турганидан боши осмонга етганди, назарида, ҳозир тоғни урса талқон қилишга чоғи етарди, бундан ташқари ҳозирги хандон-хушон юришига хотинлар ўртасида орттирган эътибори ҳам сабаб бўлганди, бундан у ўзини еттинчи осмонда юргандай ҳис қилар, қонган нафсоният унда ғурур ҳиссини уйғотарди.

Пайшанба куни у Мадленадан сўради:

– Сен Ривалникига борасанми?

– О, йўқ! У ерга боргим келмай турибди, мен депутатлар палатасига бораман.

Ҳаво жуда чарақлаб турарди, шунинг учун Дю Руа Вальтер хонимни олиб кетгани усти очиқ экипажда борди.

Вальтер хонимни кўриб унинг оғзи очилиб қолди, – кўзларига у жуда ҳам ёш кўриниб кетди. Хоним кийган ёрқин кўйлакнинг корсажи оппоқ тўрлар билан қопланган, тўрлар тагида бўлиқ баланд кўкраклар бўртиб кўринарди. Дю Руа уни бу қадар яшариб кетган ҳолда кўраман деб сира

ўйламаганди. Ичида дўндиққина экан, деб қўйди. Лекин унинг бутун қиёфасидан яхши тарбия кўрган, ўзини босиб олган, болаларига меҳрибон хотин эканлиги кўриниб турар, унда эркакларнинг шаштини қайтариб турадиган алланима ҳам бор эди. Бунинг устига унинг ақли-ҳуши жойида, қуюшқондан ташқари чиқмас, ҳар бир сўзини ўйлаб, мулоҳаза билан гапирар, гапирганда ҳам, барчага маълум гапларни ҳеч кимнинг нафсониятига тегмайдиган қилиб айтарди.

Бошдан-оёқ пушти ранг кийинган Сюзанна расом Ваттонинг ҳозиргина лак берилган картинасини эслатар, опаси Роза эса бу гўзал қўғирчоққа қараб турадиган мураббияга ўхшарди.

Ривалнинг уйи олдида экипажлар қаторлашиб турарди. Дю Руа хонимга қўлини узатди ва улар ичкари кирдилар.

Турнир Парижнинг олтинчи округидаги етим-есирлар фойдасига ўтказилаётган экан. Уни ўтказишда «Француз ҳаёти» билан боғлиқ бўлган сенатор ва депутатларнинг хотинлари бош-қош бўлиб туришган экан.

Вальтер хоним қизларим билан бирга қатнашман, лекин унга бош-қош бўлмайман деб айтган экан: чунки у руҳонийлар томонидан фатво берилган хайрия ишларидагина қатнашаркан. Бунда гап унинг художўйлигида эмасди, аслида у яҳудийга турмушга чиққанлигидан ўзини маълум даражада диндор қилиб кўрсатиш мажбуриятини бўйнига олган, шундай қилсам яхши бўлади деб ишонарди, журналист томонидан уюштирилган йиғин эса, республика миқёсига чиқар ва ғайридиний йиғин таассуротини қолдириши мумкин эди.

Турнирдан уч ҳафта илгарийёқ газеталарда қуйидаги гаплар чиққанди:

«Муҳтарам касбдошимиз Жак Риваль порлоқ ва олижаноб бир фикрни маълум қилди: у ўз уйидаги ажойиб қиличбозлик қилиш мумкин бўлган залда катта турнир ўтказмоқчи ва ундан тушган фойдани олтинчи Париж округининг етим-есирларига иона қилмоқчи.

Таклифномаларни сенаторларимизнинг аҳли аёллари бўлиши: Лалуань Ремонтель ва Рисолен хонимлар ҳамда машҳур депутатларимиздан Ларош-Матье, Персероль ва Фирменларнинг хонимлари тарқатадилар. Ионалар антракт пайтида йиғилади ва шу заҳоти олтинчи округнинг мэри ёки унинг ёрдамчисига топширилади».

Бундай зўр рекламани устомон журналист ўз га-рази йўлида ўйлаб чиқарган эди.

Жак Риваль меҳмонларни уйининг олдида пешвоз туриб кутиб олар, шундоқ кираверишда буфет ташкил этилган бўлиб, унинг харажатлари ўртага тушган пулдан қопланар эди.

Жак Риваль келганларни қиличбозлик зали билан тир жойлашган подвалга таклиф этар, подвалга торгина зина орқали тушиларди.

– Пастга, хоним афандим, пастга тушасиз. Турнир ер ости залида бўлади.

Риваль ўз ноширининг хотинини кўриб қолиб, унга томон пешвоз югурди. Кейин Дю Руанинг қўлини сиқди.

– Салом, Азизим.

Дю Руа ҳайрон бўлиб қолди.

– Сизга ким айтди...

Риваль уни гапиртирмади:

– Мана, Вальтер хоним ўзлари. У кишига лақабингиз жуда ёқар экан.

Вальтер хоним қизариб кетди.

– Ростдан ҳам, агар биз яқинроқдан таниш бўлганимизда сизни худди Лоринага ўхшаб Азизим деб чақирган бўлар эдим. Сизга бу жуда ярашади. Дю Руа кулиб юборди.

– Бемалол, бемалол, хоним афандим, чақираверинг.

Хоним кўзларини ерга тикди.

– Йўқ. Бунинг учун сиз билан яқин бўлишимиз керак.

– Мен фурсати билан яқин бўлиб кетишимизга ишонсам бўладими? – дея сўради Дю Руа овозини пасайтириб.

– Келажак кўрсатади, – деб жавоб берди хоним.

Дю Руа хонимни олдинга ўтказиб, газ чироқлар ёқиб қўйилган зинадан пастга туша бошлади. Кундузнинг ёруғидан бирдан газнинг сарғиш шуъласига кирганда одам ғалати бўлиб кетаркан. Айланма зинадан тушаётганда димоқларига ертўланинг намхуш, зах, илмилик ҳиди урилди, ертўланинг ҳиди ўтириб қолган деворлар меҳмонларнинг келишига артиб, тозалаб қўйилган, бухур оловининг дуди, ирис, оқ қарағай, бинафша исли атирларнинг ҳидлари анқирди.

Пастки залдан томошани кутаётганларнинг вағир-вуғур садолари эшитилиб турарди.

Залнинг ҳамма ёғига шода-шода газ чироқлар ва Венеция фонарлари осиб ташланган, чироқлар моғор босган ғишт девор кўринмаслиги учун тўсиб қўйилган кўк ўтлар ичидан йилтирашиб туришарди. Қаерга қараманг, ҳамма ёқда навдаю бутоқлар. Залнинг шипига қирққулоқ япроқлари осилган, саҳнга гуллар билан барглар тўшалганди. Йиғилганлар залнинг безагидан ва фаройиб кўринишидан қойил бўлиб, мезбонни мақташарди.

Залнинг ичкарасида яна кичикроқ бир зал бўлиб, унда саҳна жойлашган, саҳнанинг икки томонига қатор қилиб жюри учун курсилар қўйилганди.

Томошабинлар учун залнинг икки томонига ҳар қаторда ўнтадан қилиб стул қўйилган, жой икки юз кишига мўлжалланганди. Тўрт юз одам таклиф қилинганди. Саҳнанинг олдида қиличбозларнинг либосларини кийиб олган қўллари узун-узун, баланд бўйли, қотмадан келган ёш йигитлар мўйлабларини бураб, кўкрак кериб туришарди. Томошабинлар уларнинг номларини айтиб, бир-бирларига уларнинг қайси бирлари ҳаваскору қай бирлари профессионал, қайсилари машҳур эканлигини кўрсатишарди. Қиличбозларникига ўхшашиб кетадиган махсус кийим ва сюртук кийган ёш-қари аралаш эркаклар уларнинг теварагида ўзаро суҳбатлашиб туришарди. Ўзини валломат ва қиличбозликдан хабардор деб билган бу кишилар ҳам ўзларини одамларга кўрсатиб қўйгилари келиб турарди. Улар ҳам одамлар ўз номларини тилга олишларини истардилар.

Деярли барча ўринларни эгаллаб олган хонимлар чуғур-чуғур қилишар, қўйлақларининг шиддирагани эшитиларди. Япроғу шох-шаббага тўлган залда ҳаво етишмас, хонимлар худди театрда ўтиргандек ўзларини елпигичлар билан елпиб ўтиришарди.

– Оршад! Лимонад! Пиво! – деб қичқириб қўярди баъзи бир ҳазилкаш.

Вальтер хоним қизлари билан ўзларига олиб қўйилган биринчи қатордаги жойга ўтиб ўтирди. Дю Руа уларни ўтқазди-да, кетмоқчи бўлиб деди:

– Мен бошқа ерда бўламан, эркакларга ўтиришга рухсат йўқ.

– Менга қолса, ёнимизда бўлишингизни истардим, – ботинқирамайгина деди Вальтер хоним. – Сиз менга турнир қатнашчиларини таништириб турар эдингиз. Балки, шу ўртада турсангиз ҳеч нарса қилмас, халақит ҳам бермайсиз-ку.

Хоним унга ўзининг олхўридай катта-катта мулойим кўзларини тикиб турарди.

– Ростдан ҳам, биз билан қолинг, жаноб... жаноб Азизим, – қўймасдан сўрарди у. – Сиз ёнимизда бўлишингиз керак.

– Бош устига, хоним афандим... жоним билан, – деди Жорж.

Ҳар томондан:

– Жуда боплашибди, жуда чиройли қилиб безатишибди, – деган гап-сўзлар эшитиларди.

Жорж бу кунгурали зални яхши биларди. У дуэл бўладиган куни эрталаб бу ерда ёлғиз ўзи қолганини эслади, ўшанда иккинчи залчага қўйилган оқ картон доира улкан махлуқнинг кўзларидай унга лўқ тикилиб турганди.

– Хоним афандилар, ҳозир бошлаймиз, – зинадан тушиб келаётган Жак Ривалнинг овози эшитилди.

Шу заҳоти сюртуклари баданларига ёпишиб турган олтита эркак саҳнага чиқиб, жюрига қўйилган стулларга бориб ўтиришди.

Бир зум ичида залга уларнинг номлари маълум бўлди. Булар: ушоққина шоп мўйлаб киши, жюри раиси генерал ди Рейнальди; новчадан келган, тепакал, узун соқол қўйган рассом Жозефен Руде; Матео де Южар, Симон Рамонсель ва Пьер де Карвен – ёш йигитлар бўлиб, олтинчиси таниқли уста Гаспар Мерлерон эди.

Саҳнанинг чап ва ўнг томонларига иккита плакат осилди. Уларнинг бирида: «Жаноб Кревкер», бошқасида: «Жаноб Плюмо» деб ёзиб қўйилганди.

Булар иккинчи категорияли чинакам мастерлар эди. Уларнинг ҳар икковлари ҳам қотма, ўзларини ҳарбийча тутган, ҳаракатлари тезкор эди, улар саҳнага кўтарилдилар. Бир-бирларига автоматларга ўхшаб салом бердилар-да, ҳужум бошладилар. Улар полотно ва оқ теридан костюм кийиб олишган, халққа эрмак учун солдат кийимини кийиб олган масхарабозларга ўхшашиб кетардилар.

Вақти-вақти билан «Тегди!» деган сўз эшитилиб қолар, шунда судьялар ҳам билафонлик билан бошларини қимирлатиб қўйишарди. Томошабинлар сахнада қўлларини чўзиб юрган икки тирик қўғирчоқдан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди; улар ҳеч нарсанинг фаҳмига ҳам боришмасди, лекин ҳаммалари мамнун эдилар. Шундай бўлса ҳам улар ҳар ҳолда бу икки тирик товон унчалар нафис-нозик ҳаракат қилмаётганлигини, бунинг устига бир оз кулиги бўлиб кўринаётганлиги сезиб турар эдилар. Эсга беихтиёр Янги йил арафасида хиёбонларда сотиладиган ёғоч полвонлар тушиб кетарди.

Биринчи қиличбозлар ўрнига Карапен ва Плантон деган жаноблар чиқишди – уларнинг бири ҳарбий, иккинчиси жайдари одам эди. Мэтр Плантон пакана, Мэтр Карапен – семиз эди. Худди биринчи зарбадаёқ бу одам дами чиқариб юборилган резина филдай пис этиб ўчадиганга ўхшарди. Томошабинлар кулиб юборишди. Плантон жаноблари худди маймунга ўхшаб дикилларди. Жаноби Карапен фақат қўли билан ҳаракат қилар, семизлигидан гавдасини қимирлатолмасди. У ҳар беш минутда худди фавқулодда бир қарорга келган одамга ўхшаб базўр қўлини қимирлатиб ҳужум қилиб қўярди. Шундан сўнг у ҳар сафар зўрға қаддини ростлаб оларди.

Биладиган одамлар у ўйинни шошмасдан, ишонч билан олиб боради дейишарди. Ҳар нарсага ишонаверадиган томошабинлар бошларини лиқиллатиб бу фикрга қўшилишарди.

Кейин Порьон ва Лапальм деган жаноблар чиқишди – уларнинг бири профессионал, иккинчиси ҳаваскорлардан эди, ваҳшиёна олатасир тан ҳаракатлари бошланиб кетди: улар бир-бирларига шиддат билан ҳужум қилишар, судьялар қўрқиб стулларини кўтариб ўзларини четга олишарди. Саҳнанинг у бур-

чидан бу бурчига югуриб бориб қолишар, бири ҳужум қилганда иккинчиси диконглаб сакраб қочарди, одамнинг кулгиси қистарди. Улар майда-майда сакрашиб орқага чекинганларида хонимлар ҳиринглаб кулишар, шитоб билан ҳужумга ўтганларида эса одамлар ҳатто ҳаяжонланиб ҳам қўйишарди. Битта ҳазилвон бу бадан тарбия машқларини кўриб:

– Мунча жон куйдирасизлар, соатбай ҳақ тўлашади-ку! – деб қўйди.

Томошабинлар бу одобсизнинг қилиғидан норози бўлишди. Экспертларнинг фикрлари томошабинлар ўртасида тарқалди: қиличбозлар жуда жонбозлик кўрсатишибди, лекин уларга андак топқирлик етишмабди.

Биринчи бўлим Жак Риваль билан таниқли бельгиялик қиличбоз Лебег ўртасидаги порлоқ бир жанг билан тугади. Хонимларга Риваль жуда ёқиб қолди. У чиндан ҳам ўзидан олдин саҳнага чиққанларга қараганда чаққонроқ, устароқ, келишганроқ, хушбичим киши эди. У ўзининг киборларча нозик, нафис ҳаракатлари, ҳужум ва ҳимояда ўзига хос йўсинда ҳаракат қилиши билан журъатли, лекин ўйини сийқа ҳарифидан анча ажралиб турарди.

– Тарбия кўрган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, – дейишарди томошабинлар.

Ғалаба Ривалга тегди. Унга қарсақлар чалдилар.

Бироқ томошабинлар тепадан эшитилаётган шовқин-суронга бирмунча вақтдан бери безовта бўлиб қулоқ солишарди. Гулдираган қаҳқаҳалар, тапир-тупур оёқ товушлари тинмасди. Таклиф қилинганлардан икки юз чоғли одам пастга тушишнинг иложини тополмай ўзларига эрмак топиб олганга ўхшардилар. Тор айланма зинада элликтача одам уймалашиб туришарди. Пастда нафас олиб бўлмабди қолди. «Ҳаво беринглар!» «Сув!» деган бақир-чақирлар эшитилиб турарди. Бояги ҳа-

зилвоннинг ҳамон чинқирган овози эшитиларди:
«Оршад! Лимонад! Пиво!»

Қип-қизариб кетган, ҳали қиличбозлик кийимини ечиб улгурмаган Жак Риваль пайдо бўлди.

– Мен муздек ичимликлар келтиришларини айтаман, – деди у ва зина томонга югургилаб кетди.

Лекин биринчи қаватга ўтиб бўладиганга ўхшамасди. Зиналарда уймалашган издиҳомдан ўтгандан кўра шифтни тешиб чиқиш осонроқ эди.

– Айтинглар, хонимларга музқаймоқ келтиришин! – қичқирди Риваль.

– Ҳой, музқаймоқ келтиринглар! – гулдиради бирдан элик чоғли овоз.

Ниҳоят, патнис кўринди. Лекин унинг устидаги стаканлар бўм-бўш эди, музқаймоқни йўлда илиб кетишибди.

– Бу ерда бўғилиб ўласан, – кимнингдир йўғон хирқираган овози эшитилди, – тугаса ҳам бўларди, уйга кетайлик.

– Пул йиғинг! – қичқирди кимдир.

Шунда оғир нафас олаётган, лекин ҳамон шод-хуррам томошабинлар бараварига бақира бошлашди:

– Йиғилсин! Йиғилсин! Йиғилсин!

Олтита хоним қаторлар оралаб юра бошладилар, сумкачаларга тушаётган кумуш тангаларнинг жиринглаши эшитилди.

Дю Руа Вальтер хонимга машҳур кишиларни таништира бошлади. Булар киборлар. Қадимдан бери нашр қилиниб келинаётган газеталарнинг ходимлари, «Француз ҳаёти»га унчалар менсимай, кўп балони кўрганлари учун ишонқирамай қарайдиган журналистлар эди. Баъзан алдам-қалдам билан юзага чиқиб қолиб, сўнг иши касодга учраган министриликнинг вайроналари тагида йўқ бўлиб кетган сиёсий-молиявий варақаларнинг қанча-қанчасини кўришди улар! Кўпчилик рассом ва ҳайкал-

тарошлар спортга жуда қизиқадилар, шунинг учун ҳам бу ерда ҳар иккала касбнинг намояндалари бор эди; йиғилганлар ичида академик шоир ҳам бўлиб, ҳамманинг кўзи унда эди, яна иккита композитор билан анча-мунча чет эликлар ҳам бўлиб, Дю Руа уларнинг фамилиялари ёнига ашаддий («ашаддий фирибгар» сўзидан) сўзини қўшиб айтарди, бунини у ташриф қоғозларида фамилиялари олдига «эск»^{*} сўзини қўшиб ёзадиган инглизлардан ўрганганлигини ҳам билдириб ўтарди.

– Салом, қадрдон дўстим! – деди унга кимдир.

Граф де Водрек экан. Дю Руа хонимлардан узр сўраб унинг олдига борди.

– Водрек хўп галати-да, – деб айтди у қайтиб келгач. – Насли тозалиги шундоқ билиниб туради!

Вальтер хоним жавоб бермади. У бир оз чарчаб қолганди. Дю Руа унинг ҳар нафас олганда кўтарилиб тушаётган кўкракларидан кўзларини узмас, дам-бадам қараб кўярди. Гоҳо-гоҳо хонимнинг эсанкирагандай ботинмайгина ўзига қараб-қараб кўяётганлигини сезиб қолар, сўнг дарҳол кўзларини олиб қочарди. «Хўш, хўш, хўш... – дерди у ўзига-ўзи. – Наҳотки буниси ҳам илинди?»

Пул йиғувчилар бутун зални айланиб чиқишди. Уларнинг халталари кумушлару олтин тангаларга тўлиб кетганди. Энди саҳнага қандайдир «зўрр ўйин» ҳақида янги плакат осиб қўйилди. Томошабинлар илҳақ бўлиб кута бошладилар. Жюри аъзолари ўз ўринларини эгалладилар.

Қиличбозлик кийимидаги икки хотин қўлларида қилич билан пайдо бўлишди: кўйлаклари қора трикоддан бўлиб, юбкалари тиззаларидан юқори, баланд пластронда бўлганларидан каллаларини юқорига

* Эск – инглизча эсквайр сўзидан, бой-бадавлат задагон дегани.

силкиб-силкиб қўярдилар. Уларнинг икковлари ҳам ёш, хушбичим эдилар. Икковларининг ҳам юзларидан табассум аримас, томошабинларга таъзим қилишарди. Уларга узоқ қарсак чалишди.

Бироқ, мана, улар ўз ўринларини эгаллашди ва томошабинлар ўртасида шўх пичир-пичир бошланди, кулгилар эшитилди.

Судьялар ҳар бир зарбага «балли», деб қўйишар, офизлари қулоқларига етгудай бўлиб жиламайишарди.

Бу икки қиличбоз томошабинларга жуда ҳам ёқиб қолди: улар эркакларга қалбларининг нозик торларини чертиб ёқиб кетган бўлсалар, хотинларга яхши, одатдан ташқари эрмак томоша кўрсатганлари учун маъқул бўлдилар, бунақанги бир оз бепардароқ ўйинларга ҳавас парижликларнинг қонида бор бўлиб, уларга қандай бўлмасин эрмак бўлса, ясама бўлса ҳам чиройли ва нафис бўлса бас. Уларнинг енгил-елпи қўшиқлар, кафешантанларнинг қўшиқчиларини севишлари ҳам шундан.

Ҳар сафар қиличбозлик қилаётганлардан бири зарба берса, зал жонланиб, тўлқинланиб тушарди. Бундай пайтда иккинчи қиличбоз томошабинларга орқа ўгириб турган бўлар, шунда томошабинларнинг кўзлари тўртга бўлиб кетар, офизларини очиб қолишар, уларнинг хаёлини бутунлай бошқа нарсалар олиб қочгани шундоқ билиниб турарди.

Қарсак, қийқириқ бўлиб кетди.

Кейин ростакам қилич мусобақалари бошланди, лекин энди бунга ҳеч ким эътибор бермай қўйди, ҳамманинг хаёлини тепадаги шовқин-сурон эгаллаб олди. У ердан бир неча дақиқадан бери мебелларнинг сурилгани эшитилар, худди биров кўчиб кетаётганга ўхшарди. Кейин бирдан рояль садолари янгради ва рақс тушаётганларнинг бир маромдаги тапир-тупури бошланди. Турнирга кирол-

маганлар ўзларини овутиш мақсадида бал ташкил қилиб юборгандилар.

Томошабинлар хахолаб кулиб юборишди, хонимларнинг рақсга тушгилари келиб қолди, – улар саҳнага қарамасдан овозларини баралла қўйиб гаплашиб ўтиришарди.

Тепада бошланган бал ҳамманинг эътиборини тортиб қўйди. Кечга қолганлар, афтидан, кўнгилларини чоғ қилмоқда эдилар. Томошабинларнинг жуда ҳам уларга қўшилгилари келиб турганлиги сезиларли эди.

Лекин, мана, икки ҳариф бир-бирларига таъзим қилишиб жангга ўзларини чунонам шайладиларки, дарҳол ўтирганларнинг диққатини тортдилар.

Улар дам эгилишар, дам қадрларини ростлар, хатти-ҳаракатлари шу қадрли нозик, мардона, ўз кучларига ишонч, усуллари нафосат, таҳсинга сазовор меъёр билан тўлиб-тошган эдики, ҳатто ўтирган бефаҳм томошабинлар ҳам уларга маҳлиё бўлиб қолдилар.

Уларнинг чаққонлиги, ғайрат-шижоати, кучларини тежамкорлик билан сарфлашлари, ҳар бир ҳаракатларини ҳисобга олиб турганликлари, шитоб билан, айти чоқда шошмасдан ҳужумга ўтишлари чинакам санъат бўлиб кўринар ва ҳаммани беихтиёр ўзига жалб қилар эди. Томошабинлар кўз ўнгиларида тенгсиз гўзалликка тўла бир санъат намоён бўлаётганлигини, икки юксак маҳорат эгаси бўлган баркамол ва қудратли санъаткорлар ўз санъатларини намоёйиш қилаётганликларини сезиб турардилар. Ўз касбининг улуғвор усталари одамларга ўзларининг нималарга қодир эканликларини, тажрибакорликлари, назария билан мустаҳкамланган устмонликларини кўрсатиб қўйишга, ҳаракатларидаги гўзаллик билан лол қилишга аҳд қилгандай эдилар.

Залда тиқ этган товуш эшитилмас, ҳамманинг кўзи уларга қадалган эди. Бироқ охирги якунловчи зарбадан сўнг улар бир-бирлари билан қўл сиқиш-дилар ва шунда залда «Яшанглар!» деган овозлар янграб кетди. Томошабинлар қийқиришар, оёқларини тапиллатишарди. Ҳамма бир зумда қиличбозларнинг номларини билиб олди: булар Сержан билан Равиньяк эди.

Эркакларда жангарилик кайфиятлари жунбишга келди. Улар бир-бирларига ўқрайишиб қараб қўйишарди. Ҳозир тасодифан жилмайиб қўйган одам дарҳол дуэлга чақирилган бўларди. Умрида қўлига рапира ушламаган одамлар қўлларидаги таёқчалари билан ҳавода зарба бераётгандай, ҳужумни қайтараётгандай чизиқлар чизишарди.

Кўп ўтмай томошабинлар тор зинадан бирин-кетин юқорига кўтарила бошладилар. Ниҳоят, ташна юракларни қондириш палласи келганди. Лекин тепадагилар икки юзта одамни чақириб келиб уларга томоша кўрсатмаслик фирт чўчқаликнинг ўзи бўлди дейишибди-да, буфетни буткул қуритиб, шипшийдам қилиб жўнаб қолишибди. Пастдан чиққанлар норози бўлишди.

На бир сомса, на бир қатра шампан, на бир томчи шарбат, на бир қултум пиво, на конфет, на олма – ҳеч вақо. Бари ейилган, ичилган, нес-нобуд қилинганди.

Хизматкорларни қийин-қистовга олишди, – улар ўзларини хафа бўлгандай кўрсатсалар-да, лекин лабларини кулгидан зўрға йиғиштириб турардилар. «Хонимлар овқатга эркаклардан ҳам чаққонроқ экан, – дейишарди улар, – кейин тагин бир гап бўлиб ўтирмасин, деб борини еб-ичиб кетишибди». Душман лашкарлари томонидан талон-тарож қилинган, вайрона шаҳарда битта-яримта омон қол-

ган одамларнинг гапига ўхшарди уларнинг айтаётганлари.

Кетишдан ўзга чора қолмаганди. Эркаклар иона қилинган йигирма франкларига ачиниб қўйишди; тепада бир тийин тўламасдан еб-ичиб айшини суриб кетганлардан дарғазаб эдилар.

Йигин мутасаддилари бўлмиш хонимлар уч минг франкдан ортиқ пул тўпладилар. Ҳамма сарф-харажатларнинг ўрни қоплангач, олтинчи округнинг етим-есирларига икки юз йигирма франк қолди.

Вальтерлар маҳрамлик қилиб юрган Жорж Дю Руага экипаж беришди.

Йўлда кетишаркан, Жорж ноширнинг хотини қаршисида ўтириб, яна хоним ўзига эрка бир назар ташлаганлигини ва дарҳол қимтиниб кўзини олиб қочганлигини сизди. «Эҳе, чўқиётганга ўхшайди-ку!» – деб ичида ўйлади у ва хотинлар чиндан ҳам менга тоб беролмайдилар, деб кулиб қўйди: ахир, де Марель хоним яна муносабатлари изга тушгандан бери телбаларча гирифтор бўлиб юрибди-ку.

Уйга димоғи ғоятда чоғ бўлиб қайтди.

Мадлена уни меҳмонхонада кутиб ўтирган экан.

– Сенга айтадиган янгиликларим бор, – деди у.
– Марокашда вазият мураккаблашмоқда. Франция у ерга бир неча ойдан кейин аскар юбориши кутилмоқда. Ҳар ҳолда мана шу вазиятдан ҳукуматни ағдариш учун фойдаланишмоқчи. Ларош темирни қизигида уриб, ташқи ишлар министри лавозимини эгалламоқчи.

Дю Руа хотинининг гашига тегиш учун ўзини бу гапларга ишонмаган киши қилиб кўрсатди. Тунисда рўй берган аҳмоқгарчиликни яна бир карра такрорлаш тентакликнинг ўзгинаси бўлади, деди у.

Хотини тоқатсизланиб елкаларини қисди.

– Мен сенга айтаманки, мана шундай бўлади! Худди шундай бўлади! Демак, сен улар учун маблағ

масаласи, пул масаласи шу нарса билан боғлиқ эканлигини тушунмас экансан. Бизнинг замонамизда, азизим, сиёсий найрангбозликларни кузатиб юрган-да, «Хотин қидирманг», «фойда қидиринг», деб гапириш керак.

– Шунақа де! – деб пўнғиллади Дю Руа хотинининг жаҳлини чиқариш учун нафратомуз суратда.

Хотини ўзини босиб туrolмади:

– Менга қара, сен ёш бола экансан, худди Форестъе каби ёш бола экансан-ку.

Мадлена уни чақиб олмоқчи эди, жаҳли чиқиб кетади, деб ўйлаганди. Бироқ эри табассум қилганча қайта сўради:

– Алданган Форестъега ўхшабми?

Хотини лол бўлиб қолди.

– Жорж! – дея пичирлай олди у.

– Ҳа, нима? – деб давом этди Дю Руа масхара қилгандай бўлиб унинг жигига тегиш учун. – Ўзинг анов куни тан олдинг-ку? Бечора йигит? – қўшиб қўйди у юракдан ачиниб.

Мадлена унга жавоб бермай орқасини ўгириб олди.

– Сешанба куни меҳмонлар келишади, – деди у бирпас жимликдан сўнг. – Ларош-Матъе хоним билан виконтесса де Персмюр келишади. Сен Риваль билан Норбер де Варенни чақирсанг. Мен эртага Вальтер хоним билан де Марелга айтаман. Балки, Рисолен хоним ҳам келар.

Кейинги пайтларда эрининг сиёсий доиралардаги обрўйидан фойдаланиб, Мадлена киборлар ичидан таниш-билиш орттиришга тиришар ва нима қилиб бўлмасин, «Француз ҳаёти»нинг кўмагига муҳтож бўлган сенатор ва депутатларнинг хотинларини ўз ёнига тортишга уринарди.

– Жуда соз, – деди Дю Руа. – Мен Риваль билан Норберни чақираман.

Жорж мамнун бўлиб қўлларини ишқаб қўярди, энди у хотинидан қандай қилиб аламини олишни билади, у ўшанда Булон ўрмонида сайр қилиб юрганларида барча бошидан кечирганлари, юрагини ўртаган, азоб берган нарсаларнинг бари учун ўч олиш йўлини топди. Энди қачон Форестъедан гап очилса, уни алданган эр деб атайди. У бундан хотинининг жон-пони чиқиб кетишини биларди. Шу бир кечанинг давомидаёқ у ўн мартадан ортиқ гап орасига соддадиллик билан киноя қилиб, «Э, анов алданган Форестъеми?..» – деб қўшиб қўйди.

Энди унинг кўнглида марҳумга нисбатан гидир қолмаган – фақат унинг учун ўч олмоқда эди.

Мадлена эрининг рўпарасида ўтирганча ўзини эшитмаганга солар, ҳар доимгидай бепарво жилмайиб ўтирарди.

Эртасига Мадлена Вальтер хонимни таклиф қилмоқчи бўлганлигини эслади ва у ерга хотинидан олдинроқ бориб келишни мўлжаллади, вазиятдан фойдаланиб Вальтер хонимнинг юрагига қўл солиб кўрмоқчи эди. Агар у чиндан ҳам илакишиб қолган бўлса, бир эрмакда, иккинчи бир томондан, бундан у фахрланарди. Ундан кейин... нима қилибди... ғунажин кўзини сузмаса, буқа арқонини узмайди-ку?

Соат иккида у Мальзерб кўчасида ҳозир бўлди. Уни меҳмонхонага олиб кирдилар. У кутиб турди.

Мана, ниҳоят, Вальтер хоним келди ва очилиб-сочилиб унга қўлини узатди:

– Хуш келибсиз!

– Сизни жуда ҳам кўргим келди. Келмасам, туролмадим, ўзим ҳам билмайман, қандайдир бир куч мени ҳол-жонимга қўймай остонангизга бошлади, тушунтириб беришим қийин буни. Мана, қошингизга келдим – вассалом! Умид қиламанки,

менинг бу густоҳдигим сизга оғир ботмас, очигини айтганим учун мени кечирарсиз?

Буларнинг барини у табассум қилиб туриб, шўхлик ва назокатни омухта қилиб гапирди, лекин унинг гапи тагида жиддий бир нарса борга ўхшаб туюларди.

Вальтер хоним ҳайрат ичида қолди, юзига ним қизиллик югурди.

– Лекин мен... рости... билмайман... ҳайрон бўлиб қолдим...– деди у тутила-тутила.

– Буни изҳори муҳаббат деб билинг, лекин сизни чўчитиб юбормаслик учун уни ҳазилга олиб айтяпман, – қўшиб қўйди Дю Руа.

Улар ёнма-ён ўтиришдилар. У буни ҳазил деб ўйлаган экан.

– Демак, бу демак... ростданми?

– Рост бўлмай-чи! Мен анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрардим, ҳа, анчадан бери. Лекин ҳаддим сиғиб айтолмадим. Силтаб ташлайсиз, деб қўрқардим, яқинингизга ҳам йўлатмайсиз, дердим...

Вальтер хоним ўзини қўлга олди.

– Нега худди шу бугун айтяпсиз бўлмасам? – сўради у.

– Билмадим, – деб жавоб берди Дю Руа ва овозини пасайтириб деди: – Тўғриси, кечадан бери сизни ўйлаганим-ўйлаган.

Хоним бирдан ранги ўчиб деди:

– Бас, буларнинг бари болалик, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик.

Шунда Дю Руа ўзини унинг оёқларига ташлади, бу шунчалар кутилмаганда содир бўлдики, хоним қўрқиб кетди. У ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди, лекин Жорж унинг белидан маҳкам қучоқлаб олиб кеткизгани қўймади.

– Рост, рост айтяпман,– дерди у эҳтирос тўла товуш билан, – сизни севаман, ақдан озиб қолай

деяпман, кўпдан бери севаман. Ҳозир ҳеч нарса деманг. Ҳушим бошимдан учган бўлса нима қилай ахир? Мен сизни севаман... Сизни қанчалар севишимни билсангиз эди!

Хоним ҳансирар, нафас ололмай қийналар, бир нарса демоқчи бўлар, лекин тили калимага келмасди. У Жоржни иккала қўли билан нари итарар, кейин унинг лабларидан ўзини олиб қочиш учун сочларидан маҳкам ушлаб олди. Шу билан бирга уни кўрмаслик учун кўзларини чирт юмиб олган, бошини дам у томонга, дам бу томонга ташларди.

Жорж кўйлак устидан унинг баданини ҳис қилиб турар, эзар, сийпалар, хоним бу қўпол, беҳол қиладиган эркалашлардан бутун жисмида бир беҳудлик туярди. Кутилмаганда Жорж ўрнидан туриб уни қучоқламоқчи бўлди, лекин бир дамгина унинг қўлидан қутулган хоним, силтаниб чиқиб хонада чарх уриб қоча бошлади.

Унинг орқасидан қувиб юришнинг иложи йўқлигини сезган Жорж ўзини курсига ташлади-да, ўкраб йиғлаб юборадиган одамдай юзини қўллари билан тўсиб олди.

Кейин ўрнидан сакраб турди, «Алвидо, алвидо!» деганча қичқириб хонадан югуриб чиқиб кетди.

Хонадан чиққач, у ҳеч нарса содир бўлмагандай таёқчасини олди-да, кўчага чиқди.

«Жин урсин, иш пишганга ўхшайди!» – деб ўйлади у ва Клотильдага кўк хат юбориш учун телеграфга қараб йўл олди, у билан эртага учрашиш тайин қилмоқчи эди.

Уйга одатдагидай ўз вақтида қайтди.

– Ҳа, меҳмонларинг келадиган бўлишдими? – сўради у хотинидан.

– Ҳа, – жавоб берди хотини, – фақат Вальтер хоним вақт топсам борарман, деди. У нимагадир ик-

киланиб турибди, аллақандай ахлоқий бурч, виждон ҳақида гапирди. Умуман, кўриниши жуда галати эди. Шундай бўлса ҳам, у келса керак, деб ўйлайман.

Эри елкасини қисди.

– Шубҳа қилмасанг ҳам бўлади бунга.

Лекин у юрагининг тубида бунга ишонмас ва куни билан ўзини қўйгани жой тополмай юрди.

Эрталаб Мадлена Вальтер хонимдан хат олди:

«Мен бир амаллаб вақт топишга муяссар бўлдим, сизникига бораман. Лекин эрим келолмайди».

«Яхшиям унинг олдига бошқа бормаганим! – деб ўйлади Дю Руа. – Мана, анча ўзига келиб қолибди. Кўрамиз бу ёғи нима бўларкин?»

Шундай бўлса ҳам кўз кўзга тушганда нима дейман, деган хаёлга бориб бир оз ташвишланмоқда эди. Мана, ниҳоят у пайдо бўлди, – чеҳрасидан жуда хотиржам кўринар, айна чоқда юз ифодаларида бирмунча совуқлик ва кибр жилва қиларди. Жорж дарҳол ўзини камсуқум, итоатгўй ва мўминтой қилиб кўрсатди.

Ларош-Матъе ва Рисолен хоним икковлари ҳам эрлари билан бирга ташриф буюришди. Виконтесса де Персмюр киборлар доирасига оид янгиликлардан сўзлай бошлади. Де Марель хоним гоётада жозибадор эди; қора-сариқ рангли галати испанча костюми ингичка белларини сиртмоқлаб турар, дуркун кўкраклари ва ойдай қўлларини бўрттириб кўрсатар, қушларникига ўхшаган бошига аллақандай шўх бир ифода бағишлар эди.

Дю Руа Вальтер хонимнинг ўнг биқинида ўтирар, бутун меҳмондорчилик давомида у билан фақат жиддий нарсалар ҳақида ўзгача бир тавозе кўрсатиб гаплашарди. Ўқтин-ўқтин у Клотильдага назар ташлаб қўяр, «Клотильда бундан чиройлироқ ва ёшроқ», деган фикрни ичидан ўтказди. Сўнг хо-

тинига кўз қирини ташларди: гарчи унга нисбатан кўнглида чуқур яширинган адоват ва газаб туйғусидан воз кечмаган бўлса-да, барибир кўзларига у кўркем хотин бўлиб кўринарди.

Унинг Вальтер хонимга осилаётганлигининг боиси, уни ром қилиш қийинлигидан бўлса, иккинчи бир ёқдан, янгича бир таассуротлар олишга ўзида енгиб бўлмас иштиёқ сезар эди.

Вальтер хоним уйига эрта кетадиган бўлиб қолди.

– Сизни кузатиб қўяман, – деб таклиф қилди Дю Руа.

Хоним, керакмас, деди.

– Нега энди ундай дейсиз? – қўймасди уни Жорж. – Мени қаттиқ ранжитманг. Наҳотки ҳалиям мендан хафа бўлсангиз? Мен қанчалар ўзимни тутиб олганлигимни кўриб турибсиз-ку.

– Сиз меҳмонларни ташлаб кетсангиз яхши бўлмайди, – деб эътироз билдирди у.

Жорж мийиғида кулди.

– Ҳечқиси йўқ, мен дарров қайтиб келаман. Ҳеч ким сезмайди ҳам. Агар менга йўқ десангиз қаттиқ озор берган бўласиз.

– Яхши, розиман, – деди хоним оҳиста.

Лекин улар каретага чиққанлари ҳаманоқ Жорж унинг қўлларидан ушлаб олди ва ҳирс билан ўпаркан, дерди:

– Мен сизни севаман, сизни севаман. Буни сизга айтмасдан туролмаيمان. Мен сизга тегмаيمان. Сиз билан фақат юрагимдаги ишқ ҳақида гаплашмоқни истайман.

– Оҳ... сиз ваъда берувдингиз-ку... яхшимас... яхшимас, – дея пичирларди хоним.

Дю Руа ўзини базўр босиб олгандай қилиб кўрсатди.

– Менга қаранг, мен ўзимни қанчалар қўлга олиб турганлигимни кўриб турибсиз, – деб бўғиқ овоз би-

лан яна гап бошлади Дю Руа. – Шундай бўлса ҳам... Бир оғиз гапимни эшитинг: мен сизни севаман... менга ҳар кун шу сўзларни такрорлашга ижозат этинг... Майли, ҳар кун хоки пойингиз бўлайин. Фақат сизнинг маъсум чеҳрангизни кўриб тўйсам ва то ўлгунча шу учта сўзимни такрорласам.

Вальтер хоним ҳамон қўлларини тортиб олмасди.

– Йўқ, ундай қилолмайман, истамайман, – деди у базўр нафас олар экан. – Кейин одамлар нима дейди, хизматкорларим, қизларим... Йўқ, йўқ, иложи йўқ...

– Мен сизсиз яшай олмайман, – давом этарди Дю Руа.–Сизникидами ёки бошқа бирон ердами, майли, қаерда бўлмасин, сизни ҳар кун кўриб туришим керак, бир дақиқа бўлса ҳам майли, қўлларингизни ушласам, елдек этакларингизга илашсам, жисмингизга тўйиб-тўйиб боқсам, шаҳло кўзларингизга боқиб ўзимни еттинчи осмонда юргандай ҳис қилсам, ақл-ҳушимни йўқотсам.

Хоним ишқ деган савдонинг шу энгилтак мусиқасини тингларкан, қалт-қалт титраб такрорларди:

– Йўқ... йўқ... сира иложи йўқ. Бас қилинг!

Дю Руа бу соддагина хотинни аста-секин қўлга киритиш лозимлигини биларди, – улар учрашиб туришса бас, майли, аввал хоним ўзи бирон жойни тайин қилсин, кейин учрашувларни ўзи белгилайдиган бўлади.

– Менга қаранг... учрашмасак сира иложи йўқ... – унинг қулоқларига шипшиди Дю Руа, – сизни кўрай... мен эшикларингизнинг тагида тураман... тиланчидай бўлиб... Агар олдимга чиқмасангиз, уйингизга кираман... Лекин сизни эртага... эртага кўраман.

– Йўқ, йўқ, келманг. Сизни уйга киритмайдилар. Қизларимни ўйланг.

– Унда айтинг, сизни қаерда кўрсам бўлади... кўчадами ё.. истаган жойингизда... соатининг менга

фарқи йўқ... сизни кўрсам бўлгани... Сизга таъзим қиламан, «севаман», дейману, кейин кетаман.

Хоним бутунлай ўзини йўқотиб қўйганди, жавоб беришга қийналарди. Лекин бирдан карета ўз уйларига яқинлашиб қолганлигини кўриб тез-тез шивирлай бошлади:

– Майли, эртага соат уч яримда Трините черковида бўламан.

Кейин экипаждан тушиб кучерга:

– Жаноб Дю Руани уйига элтиб қўйинг, – деди.

У қайтиб келганда хотини сўради:

– Қаерга ғойиб бўлдинг?

– Шошилинч бир телеграмма бериб келяпман, – деб жавоб берди Жорж овозини пасайтириб.

Унинг олдида де Марель хоним келди.

– Сиз мени кузатиб қўясизми, Азизим? Мен ахир узоқ жойларга фақат шу шарт билан меҳмон бўлгани бораман, – деди у ва уй бекасига мурожаат қилди: – Сен рашк қилмайсанми?

– Йўқ, унчалар эмас, – деб жавоб берди сўзларини атай чўзиб талаффуз қилган Дю Руа хоним.

Меҳмонлар тарқала бошлашди. Ларош-Матъе хоним маҳаллий оқсочларга ўхшайдиган хотин экан. У эрга чиққанда Ларош ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган адвокат эди. Танноз кампир Рисолен хоним ўқув залларида маълумот орттирган даққионусдан қолган ҳамшираларни эслатарди. Виконтесса де Персмюр уларга кибр-ҳаво билан боқарди. Виконтесса «оқ панжаси»ни бу хашаки хотинларга узатганда афти буришиб кетарди.

Клотильда тўр рўмолига ўраниб олди-да, эшик олдида Мадлена билан хайрлашаркан, деди:

– Зиёфатни жуда қуюқ қилиб юборибсан. Тез орада сеники Парижда ягона сиёсий салон бўлиб қолади.

Клотильда Жорж билан ёлғиз қолгач, унинг бўй-нидан қучоқлаб олди:

– О, Азизим, кундан-кунга сени баттароқ яхши кўриб қолаётирман!

Улар тушган экипаж денгиз кемаларидай чай-қалиб борарди.

– Ўз уйимизда бўлганига нима етсин! – деди Клотильда.

– О, нимасини айтасан! – маъқуллади Жорж.

Лекин шу тобда унинг эс-хуши Вальтер хонимда эди.

IV

Чарақлаган июль куни эди, Трините майдони дерали кимсасиз эди. Офтоб Парижни куйдираман дерди: иссиқ одамнинг дамани қайтариб юборар, офир, дим, суяк-суяккача қиздириб юборадиган саратон ҳавоси шаҳарни эзиб ётганга ўхшарди.

Черков қаршисида имиллаб фонтан отилиб турар, сувнинг ҳам отилишга ҳоли қолмаган каби кўринар, ҳорғин кўтарилиб тушарди. Ҳовуз ичидаги қуюқ кўк сувда қоғоз парчалари, япроқлар сузиб юрарди.

Бир ит тош тўсиқдан ошиб ўтиб ўзини хира жи-мирлаб турган сувга отди. Черков пештоқи атро-фидаги боғчада ўтирганлар итга ҳавасланиб тики-лишарди.

Дю Руа соатини олиб қаради. Соатининг кич-кинагина мили уч рақами узра турарди. Вақтидан ярим соат илгари келиб қолибди.

Вальтер хоним билан бўлажак учрашув унинг димоғини чоғ қилиб юборганди. «Кўнглига нима келса, ўртага черковни қўшиб турар экан, – деб ўй-ларди у, – черков унинг яҳудийга турмушга чиқиб қилган гуноҳини ювиб кетар, сиёсий доираларда

эса уни оқимга қарши бораётган хотин сифатида кўрсатади, киборлар ичида унинг обрў-эътиборини оширади, булардан ташқари черков унга учрашув жойи сифатида ҳам хизмат қилади. Динга соябондай қараш унинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳаво яхши бўлган кезлар соябонга суяниб юриш мумкин, иссиқда офтобдан асрайди, ҳаво бузилганда ёмғирдан сақлайди, уйда ўтирганинда эса, эшик олдида тумтайибгина тураверади. Шуниси ҳам борки, унга ўхшаганлар юзлаб топилади; ўзлари худованди каримни икки пулга олмайдилару, кези келганда у билан бошқаларнинг оғзига урадилар ва яна керак бўлиб қолганда ундан қўшмачи бўлишни талаб қиладилар. Қани, уларни номерларга таклиф қилиб кўринг-чи, буни улар ўзларига нисбатан ҳақорат деб англашади, ваҳоланки, меҳроб қаршисида дон олишмоқни одатдаги бир гап деб билишади».

У ҳовуз атрофини аста-секин кезиб чиқди, кейин черков соатига қаради. Черковнинг соати икки минут олдинда экан: унда учдан беш минут ўтганди.

У, яхшиси черковда ўтириб кутган маъқул деб, черков ичига кирди.

Унинг димоғига салқин ертўла ҳиди урилгандай бўлди, салқин ҳавода роҳатланиб нафас олди, кейин ибодатхонани томоша қилиш учун унинг ичинини кеза бошлади.

Ибодатхонанинг кенг саҳнида унинг қадамлари акс садо бериб турар, худди яна бир одам у билан баб-баравар қадам ташлаб, тўхтаса, тўхтаб тураётганга ўхшарди. Унинг қадам товушлари баланд равоқлардан жаранглаб эшитиларди. Черковда у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган одам Дю Руани қизиқтириб қолди. Унга томон юрди. Қўлидаги шляпасини орқасига қилиб олган боши кал, тўладан келган бир жаноб димоғидан қурт ёғиб айланиб юрарди.

Бир-бирларидан анча нарига ўтириб олган кампирлар тиззаларини букиб, юзларини кафтлари орасига олганча худога ёлворардилар.

Ёлғизлик, кимсасизлик, сукунат юракни ўз ҳукмига олди. Дарчалардаги рангдор ойналар офтобнинг нуруни ютиб юмшатар, кўзларни қамаштирмасди.

Бу ер Дю Руага ғоятда ёқиб қолди.

У эшик олдига келди-да, яна бир карра соатига қаради. Энди учдан ўн беш минут ўтганди. Ичкарида чекиш мумкин эмаслигидан ранжиб, эшик олдига чиқди-да, ўтирди. Ибодатхонанинг нариги ёғида – меҳроб ёнида бояги семиз жаноб ҳамон кезинмоқдайди.

Аллаким ичкарига кирди. Дю Руа ўтирилиб қаради. Тивит кўйлак кийган, энгил-боши ночоргина, бечораҳол бир хотин экан; у биринчи курси олдига бориб тиз чўкди, кўлларини кўкрагига қўйди ва кўзларини кўкка қадаб ибодатга берилди.

Дю Руа унга қизиқсиниб қарар, бу шўрликни қандай ғам-ғусса, қайғу-алам бу ерга бошлаб келганлигини англашга ҳаракат қиларди. Жуда ҳам ночор яшаши шундоқ кўриниб турибди. Буларнинг устига, афтидан эри калтаклаб турса ажабмас, балки, боласи ҳам офир бетоб бўлиб ётгандир.

«Бечоралар! Дунёда қанча-қанча кажбахт одамлар бор!» – дерди у ўзига-ўзи. Шунда унинг қалбида раҳмсиз табиатга қарши исён бош кўтариб келарди. Кейин бу шўрликларнинг ҳаммаси ўзи кўринмас аллаким уларнинг ғамини еяётган, кўк ҳисобхонасида яхшиликлар ва ёмонликларни алоҳида бир китобга қайд қилиб бораётган, кейин уларни тарозининг икки палласига ташлаб ўлчаб кўраётган бўлса керак деб ишонадилар... Лекин осмон йироқ... Унда, қаерда ҳисобга олинади булар, қаерда?

Ибодатхонада ҳукм сурган сукунат одамни юксак хаёларга чорлар, шунда Дю Руа хаёлан коинотни кезиб чиқиб, сўнг тишлари орасидан шивирлади:

– Бу қадар нобоп қурилган дунё!

Кўйлак шилдираши қулоғига чалинди, титраб кетди. У келди.

Дю Руа ўрнидан туриб унинг ҳузурига юрди.

– Мен дарров кетаман, – деди хоним унга қўлини узатмасдан секингина. – Мен уйга боришим керак. Менинг ёнимда тиз чўкиб туринг, бўлмаса бизни таниб қолишлари мумкин.

Шу сўзларни айтиб у ўзини ичкарига олди ва қулайроқ жой қидира бошлади, бу черков унга беш қўлдай танишлиги шундоқ билиниб турарди. У юзига қалин парда тутиб олган, оёқларининг учгинасида авайлаб қадам ташларди.

У меҳроб олдига боргач, орқасига ўтирилди.

– Чеккароққа ўтганимиз яхшироқ, шекилли. Бу ердан ҳаммаси кўриниб туради, – одатда черковларда гапириладиган паст товушда сирли шивирлади хоним.

Меҳроб олдига боргач, у тўхтади, бошини қўйи букиб олди, тиз чўкмоқчи бўлди-ю, лекин кутилмаганда ўнгга бурилиб, эшик томонга бир-икки қадам ташлади, кейин, афтидан, бир қарорга келди чоғи, курсичани ёнига сурди-да, тиз чўкди.

Жорж ўзига бошқа бир курсичани олиб тиз чўкди, икковлари ҳам дуо ўқиладиган ҳолатни олганларидан сўнг, гап бошлади:

– Ташаккур сизга, ташаккур. Сизсиз туrolмайман. Мен буни тинимсиз такрорлашга тайёрман, сизга қандай мафтун бўлиб қолганимни айтиб бермоқчи, бир қарашда мени асиру мубтало қилганингиз ҳақида дилимни ёрмоқчи эдим... Қачон дилимдагини сизга тўкиб солсам додимга етасиз, қачон?

Хоним чуқур ўйга чўмган, унинг гаплари қулоғига кирмаётганга ўхшарди.

– Сизга бундай гапларни гапиришга эрк бериб мен тентаклик қиялман, – ҳамон юзидан қўллари туширмасдан деди хоним. – Бу ерга келиб ўтиришим ҳам тентаклик, қилаётган ҳамма ишларим бошдан-оёқ тентаклик, ўртамизда... ўртамизда туғилган нарсанинг давом этишига сизни умидлантириб қўйганим ҳам тентаклик. Ҳаммасини унутинг, шундоқ бўлсин ва бошқа ҳеч қачон мен билан бу ҳақда гаплашманг.

У бир нарсани кутгандай тўхтаб қолди. Дю Руа бўлса, унга нима деб жавоб бериш устида бош қотирар, шиддатли, эҳтиросга тўлиқ сўзлар топишга уринар, бироқ қўллари ҳаракатлантиришдан маҳрум бўлганидан, ҳозирча қандай йўл тутишини билмасди.

– Мен дунёдан умидсиз ўтаман... ҳеч нарса кутмайман ҳам, – яна гапга тушди у, – мен сизни севаман. Сиз нима қилманг, нима деманг, мен шу сўзларимни айтганим айтган, токи танда жоним бор экан, уларни сизнинг олдингизда такрорлаганим такрорлаган, бора-бора менга раҳмингиз келар, деб ўйлайман. Менинг ҳар бир сўзимдан келиб турган муҳаббат нафаси сизнинг юрагингизга йўл топишини истайман, у кундан-кун, соатма-соат шу нафас билан тўла бўлишини, унга соф шудринг томчилари каби сингишини, қалбингизни юмшатишини истайман, токим, алоҳа бир кунмас бир кун раҳм-шафқат қилиб менга: «Мен ҳам сизни севаман», деб айтишингизни хоҳлайман.

Дю Руа унинг елкалари титраётганлигини, кўкраклари кўтарилиб тушаётганлигини ҳис қилиб турарди. Шунда бирдан у шоша-пиша шипшиган товушни эшитди:

– Мен ҳам сизни севаман.

У бошига зўр тўқмоқ билан уришгандай қалти-
раб кетди.

– О, худойим... – деган нидо чиқди унинг кўкси-
дан ва орқасидан хўрсиниб қўйди.

– Нега ҳам буни сизга айтдим? – оғир-оғир нафас
оларкан давом этди Вальтер хоним. – Мен жиноят-
кор, мен зионагар... мен ахир... икки қизнинг онаси-
ман-ку... йўқ, истамайман, истамайман... Мен ҳеч
қачон ишонмаган бўлардим... ҳеч қачон ўйламас-
димки... лекин бу мендан... кучлироқ... кучлироқ
экан. Сизга айтсам... сизга айтсам... мен ҳеч қачон
ҳеч кимсани яхши кўрмаган эдим... сиздан ўзга...
қасам ичаман... Мен сизни бир йил бўлди, яширин
суратда севаман, севгимни шу пайтгача юрагим-
нинг тубига беркитиб келдим. О, мен қанчалар азоб
чекканимни, ўз-ўзим билан олишиб ётганлигимни
билсангиз эди, лекин энди тамом бўлдим, бошқа
кучим қолмади: мен сизни севаман...

У юзларини қўллари билан беркитиб олганча йиғ-
лар, аъзойи бадани қалтирар, тугён ичра ўртанарди.

– Менга қўлингизни беринг, – дея шивирлади
Жорж, – уни кўзларимга суртай, лабларимга босайин.

Хоним қўлларини оҳиста юзларидан олди. Юз-
лари йиғидан ҳўл бўлиб кетган, киприкларига ёш
томчилари илиниб қолганди.

Дю Руа унинг қўлларини сиқди.

– О, қани эди сизнинг кўз ёшларингизга ташна
юрагимни ғарқ қилсам!

– Мени йўлдан урманг... – деди хотин инграган
бир овоз билан. – Мен адо бўлдим!

Жорж сал бўлмаса кулиб юборай деди. Уни шу
ерда йўлдан уриб бўларканми? У бор ишқий сўз-
ларини айтиб тугатаётганди, шунинг учун хоним-
нинг қўлларини кўкрагига босди ва сўради:

– Қандай ураётганлигини эшитяпсизми?

Бундан сал олдинроқ семиз жанобнинг бу томонга келаётган бир маромдаги қадам товушлари эшитилган эди. У ҳамма меҳробларни бирма-бир айланиб чиқиб, энди яна бир карра тор ўнг қанотни қараб-қараб келарди. Қадам товушлари булар томонга борган сари яқинлашиб келаётганлигини сезган, колонна ортида ўтирган Вальтер хоним Жорждан қўллари тортди олди ва яна юзларини яширди.

Бир зум ўтгач, ҳар икковлари ҳам чўк тушганча қимир этмай туришар, гўёки биргаликда кўкларга тавалло қилишарди. Семиз жаноб уларга йўл-йўлакай парвосиз назар ташлаб, шляпасини боягидай орқасида ушлаганча, ибодатхонанинг чап қанотига ўтиб кетди.

Дю Руа бу пайтда бошқа бир ерда учрашишнинг йўлини қидирмоқда эди.

– Эртага сизни қаерда кўрсам бўлади? – шивирлади у.

Вальтер хоним жавоб бермади. У тошдай қотганди, – у ҳозир ҳайкалтарош «Муножот» деб ном бериши мумкин бўлган ҳайкалга ўхшаб қолганди.

– Агар истасангиз, эртага Монсо боғида учрашамиз, – қўймасди Жорж.

Хоним қўллари тушириб, унга чидаб бўлмас изтиробдан ўзгариб кетган, рангида қон қолмаган юзларини ўтирди.

– Мени ўз ҳолимга қўйинг... – титроқ овоз билан гап бошлади хоним. – Кетинг... кетинг... мени бир оз вақтга ёлғиз қўйинг... фақат беш минутга... сиз билан ўтириш ҳозир менга жуда оғир... мен ибодат қилмоқчиман... кучим етмайди... кетинг... мени ибодат қилишга қўйинг... беш минутгина... истамайман... худойимдан гуноҳимни кечиришни ёлвориб сўрайман... мени халос этишини тилайман ундан... ёлғиз қолдиринг... беш минутга.

Хонимнинг юзига шу қадар изтироб чўккан, у ўзини шунчалар йўқотиб қўйган эдики, Дю Руа индамай ўрнидан турди-да, бирмунча тайсалланиб, кейин сўради:

– Мен тезда қайтиб келаман. Майлими?

У рози бўлиб бошини силкиди, Дю Руа нари кетди.

Хоним ўзини зўрлаб бўлса ҳам ибодат қилишга уриниб кўрди. Ўзини фавқулодда куч билан қўлга олди ва аламли инграб, бутун жисми қалтираганча кўкка нидо қилди:

– Ё раббим, ўз паноҳингда асра!

У ёнидан туриб кетган одамнинг изидан қарамаслик учун кўзларини пирпиратиб юмиб-очарди. У ҳақда мутлақо ўйламасликка, унга қарши туришга зўр бериб тиришарди, бироқ яраланган қалби интизору ташнаком бўлган, илоҳий шарпа ўрнига унинг кўз ўнгида Жоржнинг дикрайган мўйлаблари гавдалангани гавдаланган эди.

Йил бўйи, кун-тунлар у мана шу тобора зўрайиб бораётган васваса билан, унинг хаёлини ўғирлаб олган, жисми ҳирсини безовта қилган, ҳатто тушларида ҳам уни тинч қўймаган киши билан курашиб чиқди. У худди ўзини тўрға илиниб қолгандай ҳис қиларди, назарида, уни боғлаб мана шу нарра шернинг, кўзлари, майин мўйлаблари билан уни ўзига ром қилиб олган эркакнинг қучоғига итқитгандай эдилар.

Ҳозир эса, мана, худонинг уйида ҳам у ўзини шунчалар ожиз, ҳимоясиз қолгандай ҳис қилар, ҳатто ўз уйида ҳам ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаганди. Ибодат қилай деса, тили калимага келмас – бутун эс-ҳуши у билан банд эди. Ҳозир у туриб кетди-ю, мана энди шунга ҳам азобланиб ўтирибди. Шунга қарамасдан у бор кучи билан қаршилик кўрсатар, худога қутқаришни сўраб бор вужу-

ди билан ёлворарди. Унинг эри олдида доимо юзи ёруғ эди, шунинг учун ҳам кирган йўли унга ўлимдан баттар бўлиб туюлмоқда эди. У узук-юлуқ пичирлаб дуо ўқир, лекин хаёли Жоржнинг равоқлар остида узоқлашиб бораётган қадамларида эди.

У адойи тамом бўлганлигини англаб, қаршилик кўрсатиш фойдасиз бўлиб қолганди. Барибир ҳамон таслим бўлгиси келмасди. Алоҳа асаблари порглаб, у беҳуш бўлиб қолди, бундай беҳушлик қалтираган, изтироб ичра тўлганган, инграб-мунгранаётган хотинларда бўлади, уларни ерга парчинлаб ташлайди. У худди безгак тутаётган каби дир-дир титрар, ҳозир юз тубан қулаб фарёд кўтиражагини ҳис қилиб турарди.

Кимдир шу томонга тез-тез юриб кела бошлади. У ўгирилиб қаради. Кашиш экан. Уни кўриб ўрнидан турди ва қўлларини илтижо билан узатганча унга томон отилди.

– Қутқаринг! Қутқаринг мени! – пичирлади у.

Кашиш ҳайронликда тўхтади.

– Нима бўлди сизга, хоним афандим?

– Мени қутқаринг. Менга раҳмингиз келсин. Агар менга ёрдам бермасангиз, ҳалок бўламан.

Кашиш унга қараб, телба бўлиб қолибди, деб хаёл қилди.

– Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

Кашиш баланд бўйли, тўладан келган, юзлари гўштдор, соқоллари қиртишлаб олинган ёш йигит эди – бадавлат черковнинг хушқомат бу викарийси ўз қавмидаги аёлларнинг сахийлик билан қиладиган тухфаларига ўрганиб қолганди.

– Менинг гуноҳларимни сўранг, – деди хоним, – менга йўл кўрсатинг, менга мадад беринг, айтинг, мен нима қилай!

– Гуноҳларни шанба кунлари соат учдан олтига қадар сўрайман, – деб эътироз билдирди у.

– Йўқ! Йўқ! Йўқ! – унинг қўлларини қисиб олганча такрорларди хоним. – Ҳозир! Ҳозир! Менга жуда зарур! У шу ерда! Черковда! У мени кутиб турибди!

– Сизни ким кутяпти? – сўради кашиш.

– Ўша, мени адо қиладиган... мени қутқарма-сангиз, у мени адойи тамом қилади... Ундан қочиб қутулиб бўлмайди... Мен бир ожизаман... ожизаман... шунчалар ожизаманки...

Ҳўнграб йиғлаганча у кашишнинг оёқларига йиқилди.

– Менга раҳмингиз келсин, падарим! Худо ҳаққи, мени қутқаринг, қутқаринг!

Хоним кашиш кетиб қолишидан қўрқиб, унинг қора ридосига ёпишиб олди. Кашиш эса ўзининг оёқларига йиқилиб ётган бу хотинни битта-яримта кўрса нима дейди, деб теварак-атрофга безовталаниб қараб қўярди.

– Туринг ўрнингиздан, – деди ниҳоят кашиш ундан қутулиб кетишнинг иложи қолмаганлигини кўргандан кейин, – яхши ҳам калит ёнимда экан.

У чўнтагини ковлаб бир шода калит олди ва ўзига керагини топиб, ёғочдан ишланган ўйинчоқ уйларга ўхшайдиган хоналарга қараб тез-тез юриб кетди, – диндорлар бу хоналарга кириб юракларида йиғилиб қолган губорни тўкиб чиқадилар.

Кашиш ўртадаги эшикка кирди ва уни ёпиб олди. Вальтер хоним эса ён томондаги қўшни каттака ўзини урди ва шу заҳоти унинг кўкрагидан бир нидо отилиб чиқди:

– Мени кечиринг, падарим, мен зинога майл билдирдим!

Дю Руа воиз ўтирадиган курсини айланиб ўтиб, калисонинг чап қанотига ўтди. Ўртароққа етганда

у ҳамон бемалол айланиб юрган семиз кал жанобни кўрди.

«Бу киши бу ерда нима қилиб юрибди ўзи?» – ўйлади Дю Руа.

Жаноб ҳам қадамларини секинлатиб, гаплашиш иштиёқида Жоржга қаради. У яқинроқ келиб, таъзим қилди ва ғоятда назокат билан сўради:

– Афандим, безовта қилганим учун узр, бу калисо қачон қурилганлигини билмайсизми?

– Очиғи, мен ҳам билмайман, – деб жавоб берди Дю Руа, – чамамда, йигирма-йигирма беш йиллар бўлган бўлса керак. Мен бу ерга биринчи марта келишим.

– Мен ҳам. Бу ерга илгари келмаган эканман.

Журналист қизиқсиниб қолди.

– Сиз анчадан бери томоша қилиб юрибсиз, – деди у. – Сиз калисонини бошдан-оёқ ўрганиб чиқмоқчисиз, шекилли.

– Ундай эмас, афандим, мен хотинимни кутяпман, – маъюслик билан эътироз билдирди бояғи киши, – ўзи мени учрашувга чақириб, ўзи кечикиб ўтирибди.

Кейин бир фурсат жим бўлиб қолди-да, сўнг қўшиб қўйди:

– Кўчада иссиқдан чидаб бўлмайди.

Оқ кўнгили киши эканлиги шундоқ кўриниб турган бу одамнинг юзига тикиларкан, Дю Руа ичида, у Форестъегга ўхшар экан, деб қўйди.

– Сиз вилоятдан эмасмисиз? – сўради у.

– Шундоқ. Мен Рено томонданман. Ўзингиз бу ерда томоша қилиб юрибсизми дейман, афандим?

– Йўқ. Бир хонимни кутиб турибман.

Дю Руа таъзим қилиб йўлида давом этди.

Черковга кираверишда унинг кўзи яна бечора ҳоли хотинга тушди: – у ҳамон тиз чўкиб худога

ёлворарди. «Роса художўй экан-ку!» – деб ўйлади у. Лекин энди бу хотин унинг дилида боягидай раҳм-шафқат ҳисларини уйғотмади.

Унинг ёнидан ўтиб Дю Руа ўнг қанотга қараб йўл олди, Вальтер хоним уни ўша ерда кутиши керак эди.

Лекин у узоқдан туриб боя хонимни қолдириб келган ерида ҳеч ким йўқлигини кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Бу бошқа жой бўлса керак, деб ўйлаб охиригача борди ва яна қайтиб келди. Демак, кетиб қолибди-да? Бу уни ҳайратга солди, жон-пони чиқиб кетди. Лекин, балки мени қидириб юргандир, деб черков ичини яна бир марта айланиб чиқди. Уни ҳеч ердан топмагач, у балким шу ерга қайтиб келса керак, деган хаёлда боя хоним ўтирган курсига ўтирди. У кутишга қарор қилди.

Унинг диққатини қандайдир шивирлаган овоз ўзига тортди. Бироқ черковнинг бу томонида ҳеч бир зотнинг қораси кўринмасди. Қаердан келди у овоз? У курсидан туриб гуноҳкорлар тавба қиладиган хоналарнинг эшикларини кўрди. Эшиклардан бирининг тагидан хотин кишининг этаги кўриниб турарди. Бу Вальтер хоним эди. У гуноҳларини тўкиб солаётган экан!..

Унинг елкаларидан тутиб бу ёққа судраб олиб чиққиси келиб кетди. Лекин яна ўйлаб қолди: «Майли! Бугун навбат кашишники, эртага меники бўлади». Бу саргузашт устидан ичида кулиб, тавбахона эшиги қаршисига ўтириб олганча кута бошлади.

Узоқ кутишга тўғри келди. Ниҳоят, Вальтер хоним ўрнидан турди, уни кўриб олдига келди. У совуқ боқар, тумтайиб олганди.

– Марҳаматли афандим, – деди у, – мени таъқиб этманг, орқамдан юрманг ва менинг ҳузуримга

ҳеч қачон ёлғиз ўзингиз келманг, сиздан шуни сўрайман. Мен сизни қабул қилмайман. Алвидо!

Шундай деб у мағрур юриб чиқиб кетди.

Дю Руа уни тутиб ўтирмади: у мевани вақти бўлмасдан узмасликка одатланиб қолганди. Боя кириб кетган хонасидан бир оз талмовсираб қолган кашпиш чиқиб келди. Дю Руа унинг олдига борди-да, кўзларига тик боққанча илондай вишиллади:

– Эгнингизда манови занчалиш кийимингиз бўлмаганда, палид башарангизга қараб туширган бўлардим!

Шундан сўнг у шарт орқасига бурилиб, черковдан ҳуштак чалган қўйи чиқиб кетди.

Калисо олдида энди шляпасини бошига қўндириб олган семиз жаноб қўлларини орқасига қилганча турар, кенг майдон ва атрофдаги кўчаларни лоқайдлик билан кузатарди.

Улар тавозе билан хайрлашдилар.

Журналистнинг бу атрофда қиладиган иши қолмади ва редакцияга қараб йўл олди. Редакцияга кириб улгурмасданоқ у хизматчиларнинг ташвишли чехраларидан кутилмаган бир ҳодиса рўй берганлигини фаҳмлади ва тўғри ноширнинг кабинетига қараб юрди.

Қария Вальтер тик турганча қисқа-қисқа жумлалар билан мақола айттириб ёздирар ва янги бир фикрини айтишдан олдин атрофини қуршаган мухбирларга топшириқлар берар, Буаренарга вазифалар топширар ва олдида ётган хатларни очиб ўқир эди.

– Эҳ, ана, ўзи ҳам келиб қолди, жуда асқатиб турувдингиз, Азизим! – дея хитоб қилди уни кўрган заҳоти чол, лекин бирдан тилини тишлаб олгандай жим бўлиб қолди, кейин хижолат чекиб узр сўрай

бошлади: – Узр, узр, оғзимдан чиқиб кетибди, шундай гаплар рўй бердики, ҳаяжонланмай иложинг йўқ. Бунинг устига хотинимнинг, қизларимнинг ҳам оғзидан нуқул: «Азизим, Азизим», тушмайди, беихтиёр ўрганиб кетар экансан. Мендан хафа бўлмадингизми?

– Йўғ-ей, – кулиб жавоб берди Жорж. – Бу хафа бўладиган лақаб эмас.

– Жуда соз, унда мен ҳам сизни Азизим деб чақираман, – гапини давом этгирди қария Вальтер. – Шундай қилиб, биз муҳим ҳодисалар арафасида турибмиз... Уч юз, ундан ортиқ овоз билан министрликка ишончсизлик билдирилган, бир юз икки киши қарши бўлган. Парламент таътили қолдирилган, ҳозирча эса йигирма саккизинчи июл. Испания Марокаш туфайли бизга тишини қайрамоқда, шунинг учун ҳам ўз шотирлари билан бирга Дюран де Леннинг оёғи осмондан бўлди. Тоза ҳангома бўладиганга ўхшайди. Янги кабинет тузиш Марога топширилган. Ҳарбий министрлик лавозимини у Бутен д Акрга таклиф қиляпти, ташқи ишлар министрлигини бизнинг дўстимиз Ларош-Матъега бермоқчи. Ўзи ички ишлар министрлиги билан министрлар кенгашининг раислигини олмақчи. Бизнинг газетамиз ҳукуматнинг расмий органи бўлиб қолади. Мен бош мақолада бизнинг умумий қарашларимизни баён қиламан ва янги министрларга йўл-йўриқ кўрсатаман. Зотан, – деб қўйди у самимий жилмайиб, – бу уларнинг ўзлари танлаган йўл бўлади. Лекин менга Марокаш масаласида қизиқ бир мақола керак, у ўтқир, шу куннинг талабига жавоб берадиган, шовшув кўтарадиган мақола бўлиши керак. Қани, сиз бунга нима дейсиз?

– Ҳаммасини тушундим, – деди мулоҳаза билан Дю Руа. – Бизнинг Африкадаги мустамлака-

ларимиз – бу – ўртада Жазоир, чапдан Тунис ва ўнгдан – Марокаш; мен сизга ушбу мустамлакалардаги сиёсий вазиятни кўрсатиб берадиган, бепоён ерларда истиқомат қиладиган қабилаларнинг тарихини ёритадиган мақола бераман, унда ҳали европаликларнинг қадами етмаган Фиқиғ водийсигача, яъни Марокаш чегараларигача бўлган юришимизни тасвирлаб бераман, ахир ҳозирги машмашанинг боиси ҳам ўзи шу нарса-ку. Қалай, сизга маъқулми?

– Айни муддао! – хитоб қилди қария Вальтер.– Сарлавҳаси-чи, сарлавҳаси нима бўлади?

– «Тунисдан Танжергача».

– Қойил.

Дю Руа «Француз ҳаёти»нинг эски сонларини қараб ўзининг биринчи мақоласи «Африка ўқчисининг хотиралари»ни топишга аҳд қилди, унинг номи ўзгартирилса кифоя, баъзи бир ерларини тузатиш ва тўғрилаш мумкин, мақола ҳали тоза иш кўрсатиши турган гап, чунки у ерда мустамлакачилик сиёсати, Жазоир аҳолиси ва Оран вилоятига бўлган юриш ҳақида анча нарсалар ёзилган.

Қирқ беш минут деганда мақола қайта ишланган, кўриб чиқилган, лаб-лунжи тўғриланган, янги кабинет шаънига мақтов ва табриклар билан тўлдирилган ҳолда тап-тайёр қилинди.

– Балли, балли, балли, – деб қўйди мақолани ўқиб чиққан ношир. – Тилла йигитсиз. Сиздан ғоятда миннатдорман.

Кечқурун кун кўп ажойиб бўлганидан оғзи қулоғига етган Дю Руа уйга қайтди: Трините черковида ови юришмаганидан қайғуриб ўтирмади: у ўзининг ютиб чиққанлигини сезиб турарди.

Мадлена уни тоқати тоқ бўлиб кутаётган экан. Дю Руа кириб келиши биланоқ унинг айтган сўзлари шу бўлди:

– Ларош ташқи ишлар министри бўлди, билдингми?

– Эшитдим, шу муносабат билан мен Жазоир ҳақида мақола ёзиб бердим.

– Қанақа мақола?

– Ўзинг биласан, ўша иккаламиз ёзган «Африка ўқчисининг хотиралари» деган мақола. Мен уни вазиятга мослаб ўзгартириб, тузатиб бердим.

Мадлена илжайди.

– Э! Ҳа, ҳозир жуда керак мақола, – деб қўйди у, бир оз ўтгач, қўшимча қилди: – Мен унинг давомини ўйлаяпман, сен ёзмоқчи бўлиб юрувдинг ўшанда... кейин ёзмай қўйгандинг. Энди уни давом этгирсак кўп яхши иш бўлади. Ҳозирги шароитга жуда мос тушадиган бир қанча ўткир мақолалар ёзиш мумкин ўша мавзуда.

– Жуда соз,– деди Дю Руа ва курсига ўтирди. – Энди бизга ҳеч ким халал бермайди, лақма Форестъе ҳам ўлиб кетди.

Бу Мадленага тегиб кетди.

– Ҳазилнинг ўрни эмас, сендан бунга чек қўйишни сўрайман, – деди қуруққина қилиб Мадлена. – Ҳадеб жигимга тегаверма.

У хотинини яна бир чақиб олмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт унга имзо қўйилмаган бир оғизгина гап ёзилган телеграмма келтириб қолишди: «Мен бутунлай эс-ҳушимдан айрилиб қолдим, мени кечиринг ва эртага соат тўртда Монсо бофига келинг».

У ҳаммасига тушунди ва юраги қинидан чиққундай бўлиб суюниб кетди.

– Майли, бошқа гапирмайман, жоним. Тентаклик бу. Тан оламан, – деди у кўк варақни чўнтагига яшираркан.

Кейин овқатланишга тутинди.

Овқатланаркан хаёлидан бояги сўзлар кўтарилмасди: «Мен бутунлай эс-ҳушимдан айрилиб қолдим, мени кечиринг ва эртага соат тўртда Монсо боғига келинг». Таслим бўлар экан-ку. Ахир бу: «Мен сизнинг ихтиёрингиздаман, мени нима қилсангиз ўзингиз биласиз, қаерда, қачон, қандай, истаганингизча», дегани-да.

У қулиб юборди.

– Нима бўлди? – сўради Мадлена.

– Ҳеч нарса. Мен бир кашишни учратиб қолувдим, эсимга унинг биққи юзлари тушиб кетди.

Эртасига Дю Руа учрашувга роса соат тўртда келди. Монсо боғидаги ҳамма скамейкалар иссиқдан безорижон бўлиб кетган бойваччалар ва беғам энагалар билан банд эди, йўлкадаги қумда болалар ўмбалоқ ошиб ўйнашар, энагаларнинг улар билан заррача ишлари йўқ эди.

У Вальтер хонимни чашма олдидаги ясама вайроналар ичидан топди. У унча катта бўлмаган тош устунлар орасида қўрқиб кетган, бахтсиз бир қиёфада кезиб юрган экан.

– Мунча одам кўп экан бу ерда! — деди у ҳали Дю Руа саломлашиб улгурмасдан.

Дю Руа гапни илиб кетди.

– Тўғри айтасиз. Бошқа ерга борамизми?

– Қаерга ҳам борардик?

– Фарқи йўқ, карета олишимиз мумкин. Пардасини тушириб қўясизу, тамом, сизни ҳеч ким қўрмайди.

– Шундай қила қолайлик бўлмасам. Бу ерда қўрқиб ўлаёзим.

– Унда мени ташқи хиёбонларга чиқиладиган эшик олдида кутиб туринг. Беш минутдан кейин экипаж олиб келаман.

У чопиб кетди.

Экипажда ёлғиз қолишган замоно Вальтер хоним ўзи томондаги дарчанинг пардасини яхшилаб ёпиб қўйди.

– Извошчига нима дедингиз? – сўради у.

– Безовта бўлманг, у қаерга бориш кераклигини билади, – деб жавоб берди Жорж.

У извошчига Константинополь кўчасига олиб боришни айтган эди.

– Сиз билмайсиз, сизни деб қанчалар қийналганларимни, жонимда жон қолмади, ҳаловатимни йўқотиб қўйдим, – дерди хоним. – Кеча черковда сизни қийнаб қўйдим, мен қандай қилиб бўлмасин қочиб кетмоқчийдим. Сиз билан ёлғиз қолишдан шунчалар қўрқаманки! Мендан хафа эмасмисиз? – Жорж унинг қўлларини гижимларди.

– Майли, майли. Нега хафа бўлай, ахир сизни шунчалар ҳам севаман!

Хоним унга ёлвориб термиларди.

– Менга қаранг, менга тегмасликка сўз беринг, тегмайсиз ва... ва... бўлмаса, биз бошқа кўришмаймиз.

Дю Руа аввал ҳеч нарса демади, бироқ унинг мўйлабларида хотинларни бу қадар ҳаяжонга соладиган табассум яшириниб ётарди.

– Камина сизнинг қулингизман, – дея шипшиди у ниҳоят.

Шунда Вальтер хоним унинг Мадленага уйланишини эшитиб, биринчи маротаба ўзининг севиб қолганлигини айтиб берди. У турли воқеаларни, кунларни эслар, ўзининг бошидан кечирганларини сўйларди.

Бирдан у жимиб қолди. Карета тўхтади. Дю Руа унинг эшигини очди.

– Қаерга келдик? – сўради хотин.

– Экипаждан тушинг ва тўғрингиздаги уйга қараб юринг, – деб жавоб қилди Дю Руа. – Бу ерда бемалол гаплашамиз.

– Қаерга келдик ўзи?

– Меникига. Бу менинг бўйдоқлик пайтларимдаги уйим... мен уни... бир неча кунга олдим... шу ерда кўришиб турармиз дедим.

Вальтер хоним ўриндиққа ёпишиб олди.

– Йўқ, йўқ, истамайман! Мен истамайман! – у билан ёлғиз қолишдан жони ҳиқилдоғига келган ҳолда ҳаяжон билан сўйларди.

– Сизга тегмайман, чин сўзим, – қатъий қилиб деди Дю Руа. – Юринг. Кўряпсизми, бизга қарашяпти, одам йиғилади... Тез... Тез... чиқинг. Чин сўзим, сизга тегмайман, – яна такрорлади у.

Қовоқхона эгаси эшик тагида туриб уларга қизиқсиниб қарамоқда эди. Хоним қўрқиб кетди ва чопиб бино ичига кирди.

У зинадан кўтарилмоқчи бўлиб турган эди, Дю Руа унинг қўлидан тутди.

– Бизники шу ерда, – деди у ва хонимни уйга олди.

Дю Руа эшикни қулфлаб, ўлжага ёпишган ваҳшийдек унга ташланди.

Хотин ўзини олиб қочмоқчи бўлиб, қаршилиқ кўрсатар, «Вой худойим-ей!.. Вой худойим-ей!..» дея пичирларди.

Жорж эҳтирос билан унинг бўйни, кўзлари, лабларидан ўпар, хотин унинг қутурган қўлларидан қутулиб чиқолмасди: уни қўллари билан итарар, ўзини ўпичлардан олиб қочмоқчи бўлар, лекин беихтиёр лаблари унинг лаблари билан қовушиб кетарди.

Бирдан у қаршилиқ қилмай қўйди ва ҳолдан тойган ҳолда таслим бўлиб берди. Жорж оқсоч хо-

тинларникидай чаққон қўллари билан унинг ли-
босларини бирма-бир еча кетди.

Хотин унинг қўлидан корсажини тортиб ол-
ди-да, у билан юзларини беркитиб олди, – энди у
оёқларига сидириб тушган кийимлар устида тўлин
ойдай оппоқ бўлиб турарди.

Жорж унинг фақат ботинкасини ечмади, кейин
уни каравотга кўтариб олиб борди. Шунда хоним
унинг қулоғига жуда ҳам секин пичирлади:

– Чин сўзим... чин сўзим... шу биринчи марта,
биринчи марта.

Ёшгина қизлар ўзлари ҳақида мана шундай,
«Чин сўзим, менга ҳали ҳеч ким тегмаган», деб ай-
тишади.

«Менга бунинг сира ҳам фарқи йўқ», деб ўйлади
Жорж.

V

Куз келди. Дю Руалар оиласи бутун ёзни шаҳар-
да ўтказди, қисқагина давом этган парламент таъ-
тили пайтида «Француз ҳаёти» саҳифаларида янги
ҳукуматни астойдил ёқлайдиган мақолалар билан
чиқиб туришди.

Марокашда вазият кескинлашиб кетмоқда эди,
шунинг учун ҳам ҳар иккала палата октябрнинг
бошлариданоқ ўз мажлисларини бошлаб юбор-
моқчи эди. Тўғриси айтганда, ҳеч ким Тан-
жерга бўладиган юришга ишонмасди. Парламент
таътилга тарқаладиган куни ўнг депутат граф де
Ламбер-Саразен ҳатто марказнинг олқишлари-
га ҳам сазовор бўлмиш ғоятда ўткир нутқ сўзлаб,
бас бойлашаман, деди ва бир маҳаллар Ҳиндистон
вице-қиролига ўхшаб, ўзимнинг мўйлабимни ми-
нистрлар кенгаши раисининг бакенбардига ти-

каман, лекин янги кабинет ҳеч иложсиз суратда эски ҳукуматнинг изидан боришга мажбур бўлади ва Тунис юришига қўшимча қилиб Танжерга ҳам экспедицион қўшинлар жўнатади, буни ҳар нарсанинг жуфт бўлгани яхши, деган ҳикматга амал қилишни яхши кўрганлигидан қилади, камин устига ҳам битта эмас, иккита ваза қўядилар деб айтган эди. Лекин барибир бу гапларга ҳеч кимса ишонмасди.

Граф яна ўша нутқида ўз фикрини давом эттириб, «Гапнинг пўскалласини айтганимизда ҳам, жаноблар, Африка деганимиз, бу – Франциянинг каминидир, бу каминда бизнинг энг сара ўтинларимиз ёниб битади, бу тортиши ниҳоятда зўр камин, уни банк чеклари билан қиздирадилар.

Сиз чиройли чиқсин, деб каминнинг чап томонига Тунис деган ўйинчоқни қўйдингиз, бу ўйинчоқ сизга жуда ҳам қимматга тушган эди, – мана, энди ям кўриб турарсиз. Маро жаноблари илгари ўз ўринларида ўтирган одамдан орқада қолмаслик учун каминнинг ўнг ёғига Марокаш деган ўйинчоқни қўйишга ҳаракат қиладилар», деган эди.

Графнинг бу нутқи жуда машҳур бўлиб кетганди ва Дю Руа унга суяниб туриб Жазоир ҳақида кетма-кет ўнлаб мақолалар эълон қилди, бу ўзи редакцияга ишга кирган чоғда ёзилмай қолиб кетган мақолаларнинг давоми эди. У гарчи ҳарбий экспедиция бўлишига имони комил бўлмаса-да, лекин шу гоёни қизгин қўллаб-қувватларди. У ватандошларининг туйғуларини сезиб, уларга ёқадиган гапларни ёзар, Испанияга ҳужум қилар эди, ўзи бирон мамлакатнинг манфаатлари бизнинг манфаатларимиз билан тўқнаш келганда мана шундай қилинади, унга қарши барча ҳажв, киноя,

истеҳзо воситаларини ишга солган ҳолда муомала қилинади.

«Француз ҳаёти» ҳукумат доиралари билан очиқдан-очиқ алоқа боғлаб турар ва бу уни ўзгача бир суратда салмоқли қилиб кўрсатарди. У бошқа энг обрўли газеталардан ҳам илгари ҳукумат ва сиёсий янгиликлардан хабар берар ва турли шамалар билан ўз газетхонларига ўзига яқин министрларнинг ниятларини маълум қиларди. Бошқа барча пойтахт ва вилоят газеталари учун у ахборот манбаи бўлиб қолганди. Ўз фикрларини унинг маълумотлари билан тасдиқлашар, ундан ҳайиқишар, у билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Бир тўда ўткинчи бетайин сиёсатдонларнинг минбари бўлган бу газета ҳукуматнинг эътиборини қозонган газетага, ҳукумат газетасига айланди. Ларош-Матъе – газетанинг жони бўлса, Дю Руа – унинг жарчиси эди. Сасини чиқармайдиган депутат ва устомон ношир, керак пайтда ўзини четга олишга устаси фаранг қария Вальтер шу шовқин-сурон ичида индамай ўз ишини битирмоқда, мишмишларга қараганда, Марокаш мис конлари билан боғлиқ катта бир ишга энг ичида киришмоқда эди.

Мадленанинг меҳмонхонаси ҳар ҳафта янги ҳукумат аъзоларидан баъзи бирлари йиғилиб турадиган эътиборли ерга айланди. Министрлар кенгаши раисининг ўзи ҳам икки марта уникига меҳмон бўлиб келди. Кечагина унинг уйига қадам босишни ҳам хаёлига келтирмаган давлат арбобларининг хотинлари энди Мадлена билан борди-келди қилишиб турганларидан фахрланишар, уникида тез-тез меҳмон бўлиб туришарди. Ҳатто Мадленани уларникига камроқ боради, деб ҳам ўйлаш мумкин эди.

Ташқи ишлар министри эса ўзини бу хонадонда худди хўжайиндай тутарди. У хоҳлаган пайтида келаверар, телеграммалар, турли-туман маълумотлар олиб келар, дам Дю Руага, дам хотинига худди ўзининг котибларига қарагандай, ахборотлар айтиб туриб ёздирарди.

Министр жўнаб кетиши билан Дю Руа Мадлена билан ёлғиз қолгач, бу ҳафтафаҳм арбобни буралаб сўкиб кетар, унинг гап оҳангларидан дўқ-пўписа ҳам сезилар, ҳар бир гапи заҳар-заққумга тўла бўларди.

Бироқ Мадлена елкаларини нафратомуз қисиб қўярди.

– Қандини урсин, қўлингдан келса, сен ҳам қил, – дерди у. – Аввал министр бўлиб кўргин, кейин димофингни кўтарарсан. Унгача, яхшиси, оғзингни юмиб юргин.

Жорж мўйлабларини бураганча хотинига сарасоф солиб ўтирарди.

– Мен ҳали кўрсатиб қўяман, – дея эътироз қиларди у, – ҳа, ҳали кўрсатиб қўяман, кимлигимни билиб олишади.

– Омон бўлсак кўрармиз, – дерди донолик қилиб Мадлена. Парламент очиладиган куни Жорж ҳукуматнинг ҳақиқий режалари ва мақсадлари расмий суратда баён қилиниши керак бўлган, эртага эълон қилинадиган бош мақолага маълумот олиш ниятида мажлис бошланмасдан бурун Ларош-Матье билан кўришиб олмоқчи эди, у кийиниш билан овора экан, Мадлена, ҳали ўрнидан турмасдан, эрига гап уқтириб ётарди.

– Энг муҳими, улар илгари ўйлаганларича генерал Белонклини Оранга жўнатишадими йўқми, шуни сўраб ол, – дерди у, – бу катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

– Э, аравангни тортсанг-чи, – жаҳди чиқди Жоржнинг. – Нима қилиш кераклигини ўзим яхши биламан.

– Қадрдоним, сен доимо менинг министрдан билиб олишинг керак бўлган топшириқларимнинг ярмини бора-боргунча унутиб борасан, – хотиржам эътироз қилди хотини.

– Жонимга тегиб кетди шу министрнинг! – тўнғиллади Жорж. – Фирт тўнканинг ўзгинаси.

– Нега энди меники бўлар экан, оғзингга қараб гапир, – совуққонлик билан танбеҳ берди Мадлена. – Мендан кўра у кўпроқ сенга керак.

– Маъзур кўрадилар, у кишим менга илакишиб юргани йўқ, – деди Жорж бошини пича у томонга буриб масхараомуз.

– Унда менинг кетимдан ҳам юргани йўқ, лекин унинг ёрдамида мавқеимизни мустаҳкамлаяпмиз, – жўрттага гапни чўзиб айтди Мадлена.

– Агар сенинг мухлисларингни мен танлайдиган бўлганимда, – деб гап бошлади Жорж бир неча муддат жим қолгач, – унда қари меров Водрекни танлаган бўлардим. Айтгандай. Унга ўзи нима бўлди? Бир ҳафтадан бери кўринмай қолди.

– У касал, – деди ҳеч нарса билмаган кишидай Мадлена, – у боди қўзиб ётиб қолганлигини менга ёзиб юборибди. Уни бир кўриб келсанг маъқул бўларди. Ўзинг биласан-ку, у сени жуда ҳам яхши кўради, борсанг, боши осмонга етади.

– Рост айтасан, – кўнди Жорж, – унинг олдига шу бугуноқ борганим бўлсин.

У кийиниб-тараниб бўлгач, бошига шляпасини илди, бирон нарсани эсдан чиқармадиммикин, деб у ёқ-бу ёққа қаради. Ҳаммаси жойида эканлигига ишонгач, каравот томонга бориб хотинининг манглайдан ўпди-да:

– Хайр, жоним, соат еттиларда келаман, – деди. Чиқиб кетди.

Ларош-Матъе уни кутиб турган экан; министрлар кенгаши парламент очилишидан аввал соат ўн иккида мажлис ўтказар экан, шунинг учун ҳам у нонуштасини соат ўнда қилаётган экан.

Ларош-Матъе хоним нонуштани бошқа пайтга кўчиришга унамаганлиги боисидан уларникида министрнинг шахсий котибидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Улар столга ўтиришлари биланоқ Дю Руа ўз мақоласи ҳақида гап очди; ташриф қоғозларига қайд қилинган ёзувларига қараб у мақолада кўтариладиган асосий фикрларини баён қила бошлади.

– Сизнинг қандай таклифларингиз бор, муҳтарам министр? – сўради у охирида.

– Ҳаммаси жойида, азиз дўстим. Менимча, сиз Марокаш масаласида аниқ гапирмаганингиз маъқул. Экспедиция ҳақида гўё у бўлиши мумкин бир ҳодисадай ёзинг, шунинг билан бирга у юз бермаслиги эҳтимолдан холи эмас, деб кўрсатинг, бу нарсага сизнинг ишончингиз комил эмаслигини билдиринг. Авом биз бу шубҳали ишга бош қўшмаслигимизни гапнинг ним косасидан уқиб олсин.

– Жуда соз. Гапларингизни тушундим, мен ҳам тушунарли қилиб ёзишга ҳаракат қиламан. Айтгандай, хотиним Оранга генерал Белонкл юборилармикин, деб сўраяпти. Ҳозир айтган гапларингизга қараганда, юборилмаса керак, деб ўйлаб қолдим.

– Йўқ, – деб гапга нуқта қўйди давлат арбоби.

Кейин суҳбат очилажак парламент сессияси устида борди. Ларош-Матъе бир неча соатдан кейин ҳукумат одамлари ўртасида сўзлайдиган нутқидан ҳозирдан мутаассир бўлган ҳолда оғзининг таноби

қочиб сўйлай бошлади. У ўнг қўлини силкир, дам пичоқ, дам вилка, дам нон кўтарган ҳолда қўллари ни ҳавода ўйнатар ва ҳеч кимга қарамасдан худди ҳали замон йиғиладиган мажлисга қарата сўзлаётган киши бўлиб суҳандонлик қилар, чучмал гапларини тўкиб-соларди, унинг бу суҳандонлиги сартарошларникига ўхшайдиган башарасига ғоятда мос эди. Унинг қўнғизникидай мўйлаблари чаённинг думига ўхшаб гажак бўлиб турар, ўртасидан фарқи очилган, бриллиантин суртилган сочлари худди қишлоқдан келган олифталарники каби икки чаккасида жингалак бўлиб турарди. Ёш бўлишига қарамасдан у ҳалитдан семира бошлаган, эти ёғ босиб йилтирарди; нимчаси қапшайган қорнида таранг тортилган эди.

Афтидан, бунақа суҳандонликка ўрганиб кетган шахсий котиб бемалол еб-ичиб ўтирар, Дю Руа бўлса, Ларошнинг шуҳратида гаши келган ҳолда гижиниб, ўзига-ўзи: «Вой тўнка-ей! Бу сиёсий арбоб деганларининг ҳаммаси тоза пандавақи бўлар экан-ку!» – дерди.

Ўзини бу маҳмадона таъвия билан солиштириб кўраркан, шундай хулосага келарди: «Эҳ, қанийди менинг ҳам юз минг франк пулим бўлганда, ўзимнинг қадрдон Руанимдан депутатликка номзодимни қўйган бўлар эдим, ўзимнинг азамат, пихини ёрган, ақл-ҳуши жойида, боқи беғам нормандияликларимни ийдирган бўлардим шунча пул билан, кейин манови каллаварамларга дунёда сиёсий арбоблар қандай бўлишини кўрсатиб қўярдим!»

Ларош-Матъе то кофе келтиргунларича ҳам овзи гапдан тинмади. Кейин вақт бўлиб қолганлигини кўриб, қўнғироқни жиринглашиб ўзига карета беришларини буюрди ва журналистга қўлини узатди:

– Гапларимни тушундингизми, қадрдон дўстим?
– Тушунганда қандоқ, муҳтарам министр, хотиржам бўлинг.

Соат тўртгача Жоржнинг бошқа қиладиган иши йўқ эди, у мақолани ёзгани шошмасдан редакцияга қараб йўл олди. Соат тўртда у Константинополда де Марель хоним билан учрашадиган эди, хоним бу ерга ҳафтада икки марта: душанба ва жума кунлари келарди.

Лекин у редакцияга кириб улгурмасидан қўлига телеграмма тутқазди. Телеграмма Вальтер хонимдан келган бўлиб, тубандаги мазмунда эди:

«Сени бугун албатта кўришим керак. Жуда ҳам зарур, гоятда зарур. Соат иккида мени Константинополда кутиб тур. Сенга катта ёрдамим тегиши мумкин.

Ўлмай туриб айрилмасинг.

Виржини».

«Оббо, шайтон ургур-ей! Зулукнинг ўзи-я!» – ғўлдиради у.

Кайфияти бузилди-қолди, бунақа дилсиёҳлик билан ишлаб бўлмас эди, шунинг учун шоша-пиша редакциядан чиқиб кетди.

Кейинги бир ярим ой ичида бир неча марта у билан алоқани узишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин уни ўзидан совутолмади, юрагидаги алангани сўндиролмади.

Хоним ўзининг тубан тушганидан қаттиқ қийналарди, у уч сафардан буён ҳар учрашувга келганида жазманига таъна-тазаррулар, қарғиш-надоматлар ёғдирарди. Хонимнинг бунақа қилиқлари унинг жонига тегиб кетди ва бу ёши ўтиб бораётган йиғлоқи хотиндан тўйиб, ўрталаридаги ошиқ-маъшуқлик шояд ўз-ўзидан йўққа чиқса де-

ган ниятда хонимдан ўзини олиб қочиб юрди. Лекин жонҳолатда хотин Дю Руанинг этагига осилиб олди, хоним бўйнига офир тош осиб, сувга ташлаган одамдай ўзини шу муҳаббат наҳрига ташлади. Жоржнинг унга раҳми келиб, ачиниб, хўжайиннинг ҳурматини қилиб, одоб юзасидан уни ўзига қўйиб берди ва шунда хоним одамни безорижон қилиб юборадиган, қутуриб кетган ҳирсининг чоҳига қамаб олди. Жазманини кўнгилга урган эркалалашлари билан таъқиб қила бошлади.

Хоним уни кунда бир кўрмаса туrolмас, тўхтовсиз телеграммалар билан чақиртириб олар. Кўча муюлишларида, магазинларда, шаҳар боғларида учрашувга ундар эди.

Ва ҳар сафар усиз яшай олмаслиги, унга жонини ҳам фидо қилишга тайёрлиги ҳақида бир хилдаги гаплар билан қасам ичар ва висолдан сўнг кетар экан, «жуда ҳам бахтлиман, сени кўрганимдан бахтлиман», деб айтарди.

У Жорж хаёл қилгандан бутунлай бошқача хотин бўлиб чиқди: у ўзини ишқ балосига гирифтор бўлган қизчалардай қилиб кўрсатар ва унинг ёшида кулгили бўлиб кўринадиган болаларча қилиқлар қилиб Жоржнинг кўнглини овламоқчи бўларди. Шу пайтгача бу эҳтирос нималигини билмаган, ҳирсининг ютагон кўчасига кирмаган, юрагига ғара тушмаган яхши хотин эди, мана, ақлли, тадбиркор, рисоладаги қирқ яшар хотиннинг ҳаётида совуққина ёзи ўтиб илимилиқ, офтоби кулмаган куз кирди ва кузи кутилмаганда нимжонгина баҳор билан алмашди, лекин чечаклари сўлгин, ғунчалари очилмаган, майсалари тўнғиб турган баҳор эди, унинг қизлик муҳаббати жуда кеч гулга кирди, балки бу дуварак гуллар эди, у ўзининг алангали ишқи билан маст, унинг домида питирлаб ётар,

шу ишқ туфайли у ўзи умри бино бўлиб кўрмаган кўчаларга кириб чиқар, кутилмаган қилиқлар қилар, худди ўн олти яшар қизларга ўхшаб қичқириб қўядиган одат чиқарган, ясама эркаланар, қичқиқ, ноз-карашма қилар, унинг туйғулари ёшлик нималигини билмаган, лекин дарров қариб, қаримсиқ бўлиб қолган туйғулар эди. Жорж ундан ҳар куни ўнлаб мактуб олар, улар чучмал, ҳашамдор, кулгили, ҳиндиларнинг гапларига ўхшаган оҳанжамали, ҳайвонлар ва қушларнинг номларига тўлиқ хатлар бўларди. Икковлари ёлғиз қолишлари билан у жазманини пайдар-пай ўпа кетар, бўлиқ кўкракларини селкиллатиб диконглар, ҳаракатлари қовушмаган ўспиринлар каби шўхлик қилар, Жоржнинг кулгисини қистатиб, лабларини чўччайтириб оларди. У Жоржни «сичқончам», «мушукчам», «кучукчам», «қушчам», «бебаҳойим» деб эркалар, бундан Жоржнинг жони ҳалқумига келарди, у тўшакка ётишдан олдин ўзини қизчалардай уялганга солар, афтидан, ўзига жуда ёқса керак, пича қўрқиб кетгандай бўлар, бузилиб кетган хотинлар сингари турли ҳунарларни ўйлаб чиқарар, буларнинг бари Жоржнинг кўнглига зигир ёғдай уриб кетганди.

«Бу кимнинг оғизчаси?» – деб сўрарди ва у жазмани то «меники» демагунча кўнгли жойига тушмас, бу Жоржнинг қаҳр-ғазабини келтирарди.

Наҳотки, у ишқ ўйини одамдан назокатли, нозик, эҳтиёткор, сезгир бўлиш кераклигини талаб қилишини англамаса, деб ҳайрон бўларди Жорж жазмани билан бирга бўлган чоғларида; кап-ката хотин, икки боланинг онаси, туппа-тузук оиланинг бекаси бўлмиш хоним ўзини ерга урмаслиги, босиқ, жиддий тутиши кераклигига фаҳм-фаросати етмаса, майли, кўз ёши қилсин, лекин Жу-

льеттага ўхшаб эмас, Дидона каби ёш тўксин, дерди ичида у.

– Сени шунчалар яхши кўраманки, оппоғим! – деб тинмай такрорларди хоним. – Сен ҳам мени севасанми, қўзичоғим!

Мана шундай пайтларда Дю Руа «оппоғим», «қўзичоғим» деб оғзидан бол томган хотинга жавобан «ҳа, яхши кўраман, кампирим», дегиси келарди.

– Сенинг қўлингга тушиб тентаклик қилдим, – дерди хоним. – Лекин афсусланмайман. Яхши кўриш – жуда ёқимли нарса экан!

У нима демасин Жоржнинг тепа сочини тикка қиладиган бўлиб қолди. «Яхши кўриш – жуда ёқимли нарса экан», – хоним бу гапларни худди саҳнадаги ойимчалар сингари айтарди.

Бунинг устига унинг эркалашлари шунчалар ҳам қовушмаган бўлар эдики, Жорж улардан қочгани жой тополмай қоларди. Бу кўркам йигитнинг ўпичлари унинг қонини кўпиртириб юборган, ўлган ҳирсларини қайта қўзғаган бўлса ҳам, бироқ у Жоржни аллақандай қовушмаган, ўзига ярашмаган эҳтирос билан қучоқлар, унинг берилиб қаттиқ ачомлашлари Жоржнинг кулгисини қистатар, халёлида уни қариган чоғда алифбега ўтирган одамларга ўхшатарди.

Қанийди энди у ҳам сўлган, лекин сўнгги муҳаббатига ял-ял яшнаб, очилиб кетган хотинларга ўхшаб жазманига тўймай, худди уни ютиб юборгудай тикилиб, ҳирс билан термилган кўзларини ўйнашидан узмай, ўз қучоқларида эзиб ташласа, нафас олишга ҳам имкон бермаса; қанийди энди у ташна ком дудоқларини унинг лабларига босганча, уни ўзининг дўмбиллаган, қайноқ, толма, аммо тўймаган, тўймайдиган тўшларига ёпиштириб ташласа, лекин бунинг ўрнига у қизчалардай ўй-

ноқлар, тамтамланар, афтидан, шунда ўзини го-
ятда дилбар бўлиб кетган, деб тасаввур қиларди.

– Сени шунчалар яхши кўраманки, бўталогим!
Қушчангни, қани, ширин-ширин эркалаб қўй!

Бунақа пайтларда Дю Руа уни буралаб сўкки-
си келар, шляпасини олиб шартта чиқиб кетай деб
қоларди.

Улар олдин Константинополь кўчасидаги уйда
учрашиб туришди, лекин Дю Руа де Марель хоним
билан тасодифан тўқнаш келиб қолишларидан
қўрқиб, энди бу учрашувлардан нима бўлмасин
кутулиш чорасини қидириб қолганди.

Лекин у ҳар куни хонимнинг олдида дам но-
нуштага, дам кечки овқатга бориши керак эди.
Хоним стол тагидан унинг қўлларини қисиб қўяр,
эшикнинг орқасида ўпич берарди. Жоржнинг эса
кўпроқ Сюзанна билан ҳазиллашгиси келар, ик-
ковлари қолганларида вақтни қаҳқаҳа билан ўт-
казар эдилар. Қўғирчоққа ўхшаб кетадиган бу
қизнинг ақли жуда ўткир бўлиб, одамни кутилма-
ганда чақиб олар, худди майдонларда одамларни
кулдириб юрадиган масхарабозлар каби бир зум
ичида ўтирганларни ичакларини узгудай кулди-
риб юборарди. У ҳамманинг устидан бир кулгили
гап топар, одамларни кулгили қилиб кўрсатарди,
Жорж уни фисқи-фасод гапларга рағбатлантирар,
унда киноя билан гапиришга майл уйғотарди, улар
бир-бирларини жуда яхши тушунишарди.

Сюзанна дам-бадам унга гап қотар, «Менга қа-
ранг, Азизим!», «Бу ёққа келинг, Азизим! – дегани
деган эди.

Жорж шу заҳоти онасини ташлаб қизининг ол-
дига чопарди; Сюзанна унинг қулоғига бирон кул-
гили гапни шипшир, шунда икковлари қотиб-қо-
тиб хандон ташлашарди.

Бу орада онаси шу қадар ҳам унинг жонига тегиб кетдики, ҳатто ундан ҳазар қилиш даражасига етди: уни кўргани кўзлари бўлмай қолди, уни эсласа феъли айнарди. Энди уникага бормаидиган, хатларига жавоб бермаидиган, чақирса эшитмаганга оладиган бўлди.

Ниҳоят, хоним жазмани ундан айниганлигини, кўнгли совиб кетганлигини фаҳмлаб қолди. Қаттиқ изтироб чека бошлади. Лекин барибир ҳамон бўш келмасди: Жоржнинг кетидан пойлаб юрар, кун бермас, каретага ўтириб олиб пардаларини тушириб қўярди-да, редакция эшигидами, уйининг олдидами, кўча-кўйдими, ишқилиб қаердаки, Жорж билан кўришиш имкони бўлса, ўша ерда ҳозир нозир турарди.

Жорж уни қаттиқ силтаб ташлагиси, бошлаб сўккиси, калтаклагиси келар, «Бас, жонимга тегиб кетдингиз», деб тўғриси айтиб қўя қолсамикин, деган хаёлга борарди, лекин редакциядаги ишим унда нима бўлади, деб мулоҳазага борар, шунинг учун у билан ади-бади қилиб ўтирмас, лекин уни кўрганда атай тумтайиб олар, қовоғини солар, чегарадан чиқмаган ҳолда баъзан қаттиқ гапириб, бу нарсаларга чек қўйиш кераклигини англатарди.

Хоним Жорж билан Константинополь кўчасидаги уйда учрашиш учун турли ҳунарларни ўйлаб топар, Жорж бўлса бир кунмас-бир кун иккала хотин тўқнаш келиб қолишидан ўлғудай чўчирди.

Де Марель хонимга келганда, ёз давомида Жорж унга янада кучлироқ боғланиб қолди. Жорж уни «Тўполончим» деб атар, уни кўрса чеҳраси очиларди. Улар бир-бирларига жуда мос тушган, бири узук бўлса, иккинчиси кўз дейиш мумкин эди: икковлари ҳам дайидиган, саргузаштгалаб одам-

лар қавмидан эдилар, улар ўзлари тан бермасалар ҳам, лекин катта йўлларда кезинадиган, бошпанасиз дайдиларга хийла ўхшашиб кетар эдилар.

Улар ёз бўйи мириқиб ўйнаб олишди: ҳар доим дам Аржантейль, дам Буживаль, дам Мезон, дам Пуассига овқатлангани жўнашар, соатларча қайиқларда сайр қилиб юришар, қирғоқда гуллар терардилар. Клотильда Сенадан ҳозиргина ушланган балиқдан пиширилган таомларни яхши кўрар, қуён гўштини севар, шаҳар ташқарисидаги қовоқхоналардаги суҳбат қуриб ўтириладиган хоналарни, эшкакчиларнинг бақирган-чақирган товушларини тинглаб ўтиришни севарди. Жорж офтоб чарақлаб турган кунлари шаҳар ташқарисига олиб борадиган конкига тушиб, у билан валақлашиб Париж атрофларини томоша қилиб юришни хуш кўрарди, бу кўримсиз ерларга бадавлат одамлар боғ уйлар солиб ташлашганди.

У Парижга қайтаркан, ўзини бирга овқатланиш учун кутиб ўтирган Вальтер хонимни ўйлаганда қони қайнаб кетар, қари маъшуқасидан нафратланарди, ҳозиргина дарё бўйида ўт-ўланлар ичра унинг ҳирсини қондирган, у билан тўйиб ишқибозлик қилган ёш маъшуқасини ўйлаганда баттар нафрати кўзирди.

У ўзича Вальтер хонимнинг кавушини тўғри-лаб қўйдим деб юрарди, – ахир, ниҳоят, бўлди, жонимга тегиб кетди, деб унга айтганди-ку, мана энди бўлса, яна редакцияга телеграмма жўнатиб ўтирибди, соат иккида яна Константинополга бориши керак!

Йўл-йўлакай у телеграммани яна бир карра ўқиб чиқди: «Сени бугун албатта кўришим керак. Жуда ҳам зарур, ғоятда зарур. Соат иккида мени Константинополда кутиб тур. Сенга катта ёрда-

мим тегиши мумкин. Ўлмаи туриб айрилмасинг Виржини».

«Бу бойқушга яна нима керак бўлиб қолдийкин? – ўйларди у. – Яна бекорга овора бўладиганга ўхшайман. Яна сенсиз дунё кўзларимга қоронғу бўлиб кетди, дейдигандир-да. Ҳар ҳолда билиш керак. Муҳим гапим бор дебди-ку, ёрдами тегармиш, – балки, рост айтаётгандир. Клотильда бўлса соат тўртда келади. Демак, манов шилқимни соат учга қолмай жўнатиб юборишим керак. Жин урсин, ишқилиб нима бўлса ҳам учрашиб қолмасалар бас! Бошингга битган бало бу хотинлар!»

Шунда у беихтиёр Мадленани эслади: ҳеч нарса билан иши йўқ, билганингни қил деб юраверади. Бирга туришади, бир ёстиққа бош қўйишган, Жоржни яхши кўрса ҳам керак, лекин яхши кўришга у маълум бир вақтларни ажратиб қўйган, шу чизган чизигидан чиқмайди, уни ишдан қолдиришларини жуда ёмон кўради.

Жорж ичида Вальтер хонимни сўкиб, оҳиста висол уйига кетиб борарди: «Агар мени яна алдаган бўлса, тоза таъзирини бераман. Камбронинг тили менинг сўзларим олдида ип эшолмай қолади. Сеникига энди ҳеч ҳам бормайман, уйингни елкаминг чуқури кўрсин, дейман».

У уйига кириб Вальтер хонимни кута бошлади.

Сал ўтмай хоним ҳам кириб келди ва уни кўра солиб:

– Вой, менинг телеграммамни олдингми? Қандай яхши! – деб хитоб қилди.

Жорж афтини буриштирди.

– Ҳа, роса боплабсиз, энди парламентга жўнамоқчи бўлиб турувдим, келиб қолди. Қани, нима гапинг бор, айт?

Хоним уни ўпиб қўйиш учун юзидаги тўрини кўтарди ва калтакланган итдай бўлиб олдига келди.

– Мунча менга ситам қиласан... Мунча дилимни оғритасан... Сенга нима қилдим? Мени қанчалар хафа қилаётганлигингни ўзинг ҳам билмайсан.

– Яна бошладингни? – тўнғиллади Жорж. Вальтер хоним унинг олдида турар, унинг табассум қилишини, юмшашини кутар, шунда қучоқларига отилгиси келарди.

– Сендан шундай қиласан деб кутмаган эдим, – секин гап бошлади у. – Нега унда мени йўлдан урдинг, мени ўз ҳолимга қўймадинг, қандай бахтиёр ва тоза эдим илгари. Черковда гапирган гапларинг эсингдами? Мени бу уйга зўрлаб олиб келганинга-чи? Энди бўлса тўнғилла тескари кийиб олдинг! Мени хўрлаганинг хўрлаган! Худойим-ей, вой худойим-ей, мени не кўйларга солдинг ўзи, Жорж!

Жорж ғазаб билан ер тепинди:

– Бас-бас! Жин урсин! Мен билан шу ашулангни айтмасдан туролмайдиган бўлиб қолибсан. Худди мен сени йигирма яшар чоғингда олгандай гапирасан, ўзингни фаришта, моҳпора қилиб кўрсатасан. Йўқ, азизим, гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолайлик: мен ёш болани йўлдан урганим йўқ. Менинг қўйнимга кирганинга ақли ҳушинг ўзингда эди. Сендан ғоятда миннатдорман. Минг раҳмат сенга, лекин мен умримнинг охиригача сенинг этагингга боғланиб ўтиролмайман, бунга рози эмасман. Сенинг эринг, менинг хотиним бор. Сен ҳам, мен ҳам эркин қуш эмасмиз. Бир-биримизнинг кўнглимизни ёздик, буни ҳеч кимса билмайди, – бўлди-да, яна сенга нима керак.

– О, бунчалар қўпол бўлмасанг! Гапларингни қара, уялмайсанми?! Рост, мен қиз бола эмасдим, лекин ҳеч қачон бировни яхши кўрмаган, ҳеч қачон хиёнат қилмагандим.

Жорж унинг гапини бўлди:

– Биламан, бу гапларинг билан миямни қоқиб қўлимга бердинг. Лекин сенинг иккита боланг бор... демак, менга қиз текканинг йўқ.

Вальтер хоним буткул ўзини йўқотиб қўйди.

– Жорж, бу пасткашлик!..

Унинг ўкириб-ўкириб йиғлагиси келди ва иккала қўллари билан кўкракларини чангаллаганча, пиқиллай бошлади.

Бу ёғига энди кўз ёшлари бошланишини сезган Жорж кетмоқчи бўлиб каминдан шляпасини олди.

– А-а, яна дийдиёни бошладингми? Унда хайр, мен кетдим. Демак, яна бир томоша кўрсатгинг келиб мени чақирган экансан-да, а?

Хоним унинг йўлини тўсиш учун бир қадам олдинга ташлади ва шоша-пиша киссасидан рўмолчасини олиб, тезгина кўз ёшларини артиб олди. У бор кучи билан ўзини қўлга олишга ҳаракат қилар, бироқ шу қадар қаттиқ аламда эдики, овозлари титраб, қалтираб чиқар эди.

– Йўқ.. мен сенга... бир гап топиб келдим... сиёсий гап... мен элик минг франк пул ишлаб олгин демоқчийдим, агар истасанг, ундан ҳам кўп топишинг мумкин...

Жорж шу заҳоти юмшаб, чеҳраси очилди.

– Қандай қилиб? Нима демоқчисан ўзи?

– Кеча кечқурун эримнинг Ларош билан гаплашаётганини тасодифан эшитиб қолдим. Улар менинг олдимда бемалол суҳбатлашиб ўтираверишди. Вальтер министрга бу гапларни Дю Руа билмасин, деб айтди, бўлмаса, сирларини фош қилиб қўйишинг мумкин экан.

Дю Руа шляпасини столга ташлади. Дарҳол хушёр тортди.

– Хўш, қани, улар нима дейишди?

– Улар Марокашни босиб олишмоқчи!

– Бўлмаган гап! Бугун Ларош билан нонушта қилдим, у менга янги кабинетнинг сиёсатини гапириб берди.

– Йўқ, жонгинам, улар сени лақиллатишибди. Улар ўзлари ўйлаган ишдан бошқалар хабардор бўлиб қолишмасин, деб кўрқишяпти.

– Ўтир, – деди Жорж ва ўзи креслога чўкди.

Вальтер хоним кичкинагина курсичани олдига тортиб жазманининг тиззалари орасига жойлашиб ўтириб олди.

– Мен доимо сени ўйлаганим-ўйлаган, – ялтоқлашиб сўз бошлади у, – шунинг учун ҳам атрофда нима гаплар бўлаётганини яхшилаб эшитиб олишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолдим.

Шундан кейин у охирги пайтларда Жоржни четга чиқариб қўйишга уринаётганлари, унга айтмай энг ичида иш битираётганлари, унинг меҳнатидан фойдаланиб, лекин бошқа ишларига аралаштирмасликка ҳаракат қиладиганликларини оқизмай-томизмай айтиб берди.

– Биласанми, яхши кўрганингдан кейин муғамбирлик қилишга ўрганар экансан, – деди у яна.

Ниҳоят, кеча унга ҳаммаси равшан бўлибди. Ими-жимиди жуда зўр ишлар битириладиган экан. Вальтер хоним энди табассум қилиб ўзининг уларни қандай боплаганлиги, ҳамма гапларини қандай билиб олганлигини мароқ билан сўйлаб берарди, сармоядорнинг хотини кўзи ўнгида биржани алғов-далғов қилиб юборадиган режалар ишлаб чиқилган, акцияларнинг қиммати туширилган, бошқа бирларини кўтарилган, барча жамғармаларини бирон фойдали ишга қўйган, бир оғиз гап билан айтганда, минг-минглаб майда буржуа, камқувват ер эгаларини хонавайрон қиладиган,

кўз очиб-юмгунча тўсатдан барча жамғармаларидан айирадиган ишлар пиширилганди. Бу шўрликлар эса, биз жамғармамизни муҳтарам зотлар – банкирлар ва сиёсий арбоблар бошқараётган, фойда келтирадиган ишларга тикдик, деб юришибди хомчўт қилиб.

–Ҳа, ишқилиб, жуда болашмоқчи. Ҳоятда пухта ўйлашган, – дея такрорларди хоним. – Айтгандай, буларнинг барини илоннинг ёғини ялаган Вальтер ўйлаб топди, бунга келганда жуда калласи ишлайди унинг. Тан бериш керак, жуда ичдан пишган устумон одам.

Бу гаплар Жоржнинг энсасини қотира бошлади, у тезроқ гапнинг даромадини эшитгиси келарди.

– Бўл, гапир тезроқ.

– Шундай қилиб десанг, Танжерга ҳарбий юриш қилиш қарори Ларош ташқи ишлар министри бўлган кундаёқ ҳал бўлган экан. Унгача Марокаш бўйича чиқарилган заёмларнинг облигациялари олтмиш тўрт-олтмиш беш франккача тушиб кетган, бу заёмларнинг ҳаммасини улар битта қўймай сотиб олишган. Сотиб олишганда ҳам ҳар хил қаланғи-қасанғи, майда биржа корчалонлари орқали аста-секин, ҳеч кимда шубҳа туғдирмайдиган қилиб олишган. Ротшильдлар Марокаш заёми бунчалик чаққон бўлиб қолганидан ҳайрон бўлишган, лекин улар ҳам нималигини билолмай доғда қолишган. Уларга заёмларни кимлар сотиб олаётганлигини айтишган экан, ҳаммаси қўли эгри, бетайин одамлар экан, деб, хотиржам бўлишибди. Мана энди эртами-индин ҳарбий юриш қилинади ва биз Танжерга кирган замонимиз, француз ҳукумати дарҳол заём билан таъминлайди. Бизнинг дўстларимиз элик-олтмиш миллион фойда кўришади. Гап нимадалигини энди билдингми? Улар-

нинг нега ҳар нарсадан чўчиб, гоятда эҳтиёткорлик қилаётганликларини энди тушундингми?

У Жоржнинг нимчасига бошини қўйиб олгач, қўлларини унинг тиззалари устига ташлаган эди: у энди Жоржга кераклигини англаб турар, шунинг учун ҳам унга эркаланар, суйкаланар, унинг бир эркалашига, бир оғиз ширин сўзига, табассумига бутун жони жаҳонини тикиб юборишга тайёр эди.

– Сен адашаётганинг йўқми? – сўради Жорж.

– Топган гапингни қара-чи! – дея хитоб қилди хоним ўз сўзларига ишонч билан.

– Ҳа, жуда боплашибди, – тан олди Жорж. – Лекин бу муттаҳам Ларошга ҳали кўрсатиб қўяман. Ҳали шошмай турсин, аблаҳ! Ҳали кўради!.. Сени министрликдан оёғингни осмондан қилиб юбормасам, отимни бошқа қўяман!

У ўйланиб қолди.

– Нима бўлмасин, лекин бундан фойдаланиб қолинса ёмон бўлмасди, – дея гўлдиради Жорж.

– Заёмларни ҳали сотиб олса бўлади, – деди хоним. – Ҳар бир облигация бор-йўғи етмиш икки франк туради.

– Шундоғу, бироқ ҳозир ортиқча пулим йўқ, – деб эътироз билдирди Жорж.

Хоним Жоржга ялинганнамо қилиб қаради.

– Мен буни ҳам ўйлаб кўрдим, қўзичоғим, агар мени жиндаккина севсанг, барака топкур, барака топ, сенга озгина қарз бериб туришимга ижозат бер.

– Бекорларни айтибсиз, – дея силтаб ташлади Жорж.

– Менга қара, – ялинарди Вальтер хоним, – шундай қилишимиз ҳам мумкинки, сен қарз олиб ўтирмайсан. Ўзимнинг ҳам озгина пулим бўлсин деб, мен ўнг минг франкка ўша облигациялардан со-

тиб олмоқчи бўлиб юрувдим. Энди бўлса, ўн мингга эмас, йигирма мингга сотиб оламан! Бунинг ярми сеники бўлади. Ўзинг биласанки, бу пулларга Вальтернинг сира алоқаси йўқ. Шунинг учун ҳам менга ҳозир у пулларнинг кераги йўқ. Агар иш ўнгидан келса, сен етмиш минг франк ютасан. Агар ютқазсанг, мендан ўн минг франк қарз бўласан, қачон берсанг, ўзинг биласан.

– Йўқ, бу жинимга тўғри келмайди, – деб эътироз билдирди Жорж.

Шунда Вальтер хоним унга аслида мендан ўн минг олган бўласан, у ҳам бўлса, менинг гапим билан, шундай бўлгач, сен таваккал қилган бўласан, мен шахсан ўзим сенга бир франк ҳам бермайман, лекин облигацияларнинг ҳақини «Вальтер банки» тўлайди, деб даъво-достон қила бошлади.

У гапининг охирида ўзинг шундай бўлсин деб «Француз ҳаёти» саҳифаларида тинмасдан ёзиб турдинг, шу ишнинг рўёбга чиқишига ўзинг ҳам сабабчи бўлдинг, энди бундан фойдаланиб қолмаслик ғирт тентаклик бўлади, деб айтди.

Жорж ҳамон иккиланиб турарди.

– Мундоқ ўзинг ўйлаб кўр, – деди ҳамон бидирлаб хоним, – ростини айтганда, ўн минг франкни сенга Вальтер бериб турган бўлиб чиқади, сенинг унга кўрсатган хизматларинг бундан юқорироқ туради.

– Бўпти! – деди Жорж. – Тенг ўртада шерик бўламиз. Агар биз ютқизсак, сенга ўн минг франк бераман.

Бундан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетган хоним ўрнидан дик этиб турди-да, унинг бошини ачомлаб олиб ютоқлик билан ўпа бошлади.

Аввал Жорж индамай қўйиб берди, қараса, у жуда ҳаддидан ошиб кетадиган, шунда Жорж сал-

дан кейин бошқа бири келажагини эслаб қолди ва агар ўзини тиймаса, кучи кампирга кетиб, ёшга келганда сўлжайиб қолажагини англади.

У секингина хонимни ўзидан нари итарди.

– Бас, бўлди, ўзингни бос!

Хоним унга оч назар билан тикилиб қолди.

– Оҳ, Жорж, мени энди ўпгани ҳам қўймайсан.

– Фақат, бугун эмас, – деди Жорж. – Бошим оғриб турибди, бундан яна бешбаттар бўлишим мумкин.

Шунда Вальтер хоним итоат билан унинг оёқлари тагига ўтирди.

– Эртага бизникига меҳмонга кел, – деди хоним.

– Бошим осмонга етади!

Жорж бир неча муддат иккиланиб турди, лекин барибир охирида унга, йўқ, боролмайман, деб айтолмади.

– Яхши, бораман.

– Раҳмат, жоним.

Хоним эркаланар экан, юзларини унинг кўкрагига оҳиста суртарди, бу то унинг сочлари Жоржнинг нимчаси тугмачаларига илиниб қолгунчайин давом этди. Шунда буни сезган хотиннинг калласига бир фикр келиб қолди, бундай бўлмағур хаёллар хотинларнинг калласига одатдан ташқари кўп келиб туради. У илиниб қолган сочини тугма атрофида оҳиста ўрай бошлади. Кейин бошқа соч толаларини ҳам худди шу йўсинда ўраб айлантириб чиқди. Ҳар бир тугмачага унинг сочлари бир-бир ўралиб қолдилар.

Мана ҳозир Жорж ўрнидан туради ва сочларини юлиб олади. Жорж унинг жонига озор беради, – қандай бахт бу! Ўзи ҳам билмаган ҳолда маъшуқасидан хотира олиб кетади, соч толаларини ола кетади, лекин унинг ўзи сочининг толаларидан бер, деб ҳеч қачон сўрамаганди, мана шу сирли кўринмас толалар билан уни ўзига боғлаб, ром

қилиб олади. Сочининг толалари унга бир тумор бўлади ва у ўзи истамаса ҳам маъшуқасини ўйлайдиган, уни тушларида кўрадиган бўлиб қолади ва эртага уни кўпроқ яхши кўради, эркалатади.

– Мен боришим керак, – деб қолди Жорж тўсіндан, – мажлис тугаганда мени палатада кутиб туришмоқчи эди. Бормасам бўлмайди.

– Оҳ, мунча тез! – деди хоним хўрсиниб ва итоатгўйлик билан қўшиб қўйди: «Майли, бора қол, жоним, лекин эртага, албатта, бизникига кел, хўпми?» – деди-да, силкиниб калласини орқага ташлади.

Бир зум унинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди, бошига сонсиз игналар санчилгандай бўлиб туюлди. Юраги ҳаприқиб кетди. У Жорж учун бундай оғриққа чидаганидан беҳад шод эди.

– Хайр! – деди у.

Жорж маъшуқасига марҳамат юзасидан табасум қилди, қучди ва истар-истамас унинг кўзларидан ўпиб қўйди.

Бироқ мана шунинг ўзиданоқ Вальтер хоним телбаланиб, ўзини йўқотиб қўяр даражага келди.

– Мунча тез! – яна пичирлади у.

Унинг ёлвориб боққан кўзлари ётоқнинг қия очилган эшикларини кўрсатиб турарди.

Жорж уни қўли билан ўзидан итарди.

– Тез бормасам бўлмайди, кечга қоламан, – деб гўлдиради у ташвишли чеҳра билан.

Шунда Вальтер хоним унга дудоқларини тутди, лекин Жорж уларга лабини пичагина босиб қўйиш билан чекланди ва хоним унутаёзган шамсиясини унинг қўлларига тутқазиб, деди:

– Кетдик, кетдик, вақт бўлиб қолди, соат тўрт бўлай деяпти.

Вальтер хоним унинг олдига тушиб борарди ва тинмай такрорларди:

– Эртага соат еттида.

– Эртага еттида, – тасдиқлаб қўйди Жорж.

Улар ажралишдилар. Хоним ўнг томонга, Жорж чапга кетди.

Дую Руа ташқи бульваргача борди. Кейин шошмасдан Мальзерб бульвари бўйлаб кетди. Қандолат хонанинг ёнидан ўтиб бораркан, биллур вазага солиб қўйилган, шакар сепилган каштан данакларини кўриб қолди. «Клотильдага олиб борай», – деб ўйлади у ва Клотильда жонидан ҳам яхши кўрадиган бу ширинликдан сотиб олди. Соат тўртда у уйга қайтиб келди ва суюкли маъшуқасини кута бошлади.

Клотильда бир оз кечикиб келди. Эри бир ҳафтага уйга келган экан.

– Эртага бизникига кел, – деб таклиф қилди Клотильда. – У сени кўрса жуда хурсанд бўлиб кетади.

– Йўқ, эртага мени хўжайин зиёфатга айтган. Жуда ишимиз бошимиздан ошиб кетди, сиёсий, молиявий масалаларни кўриб чиқишимиз керак.

Клотильда шляпасини ечди. Кейин ўзига торроқ келиб қолган корсажини еча бошлади.

Жорж кўзлари билан камин устида турган пакетга ишора қилди.

– Сенга ширин каштан олиб келдим.

Клотильда чапак чалиб юборди:

– Мунча яхши! Оҳ, ўзимнинг жонгинам-ей!

У пакетни олиб данакдан еб кўрди-да, деди:

– Еб тўймайсан! Ҳали бунингни бирпасда еб қўймасам дейман.

Кейин Жоржга шўхлик ва ҳирс тўла кўз билан қараркан, қўшиб қўйди:

– Юрган йўлингда мени ўйлаб юраркансан-да, а, тўғрими?

У каштанларни оҳиста чайнаб ер ва тамом бўлмаяптими деган қилиб дам-бадам пакет ичига қараб қўярди.

– Кел, креслога ўтир, – деди у, – мен бўлсам, оёқларингга ўтириб олиб конфет ейман. Менга шу жуда ёқади.

Жорж ўтирди ва ҳозиргина Вальтер хоним билан ўтиргандай қилиб уни тиззалари орасига олди.

Клотильда унга гапирганда дам-бадам бошини кўтариб қўярди.

– Биласанми, тасаддуқ, – оғзини ширинлик билан тўлдирган ҳолда сўйларди Клотильда, – сени тушимда кўрдим: тушимда иккаламиз туяга ўтириб узоқларга кетаётган эмишмиз. Туянинг икки ўркачи бор экан: биттасига сен ўтириб олибсан, бошқасига мен, саҳролардан ўтиб бораётган эмишмиз... Қоғозга ўроғли гўштимиз, шишада вино бор экан, ўркачда ўтириб олиб улардан тановул қилаётган эмишмиз. Лекин мен бошқа қиладиган иш бўлмаганлигидан зерикиб кетибман. Биз бир-биримиздан узоқда ўтирганимиздан туядан тушгим келиб қолибди.

– Менинг ҳам тушгим келиб турибди, – деб тан олди Жорж ҳам.

Маъшуқасининг ҳикоясидан у завқланар, Клотильдани ҳазил-ҳузулга қистар, унинг шўхлик билан ундан-мундан гапириб ўтиришга қўйиб берар, валақлашига жон қулоғини осиб тингларди, бунақа суҳбатлар одатда фақат ошиқ-маъшуқлар ўртасидагина бўлади. Бунақа валақлашни Вальтер хонимнинг оғзидан эшитганларида унинг жон-пони чиқиб кетса, де Марель хонимнинг оғзида булар ширин калом бўлиб туюлар, оғзингга шакар, деб юборгиси келиб кетарди унинг.

Клотильда ҳам Жоржни «Тасаддуқ, болажон, мушугим» деб атарди. Шунда бу сўзлар унинг қулоғига мойдай ёқар, ажиб бир лаззат бағишларди дилига. Ваҳоланки, боягина шу сўзлар бошқасининг оғзидан чиққанда тепа сочи тикка бўлиб ке-

тай дерди. Муҳаббатнинг тили доимо бир хилда, фақат уларни талаффуз қилгувчи маҳбубаларгина ҳар турлидир.

Лекин Дю Руа маъшуқаси билан кулиб ўйнашиб ўтираркан, ўзи ютиши мумкин бўлган етмиш минг франк хаёлидан кўтарилмаганди. Шунда у бармоғини маъшуқасининг бошига теккизди-да, кутилмаганда унинг гапини бўлди:

– Эшит, жоним. Сенинг эрингга тегишли бир гап бор. Унга менинг номимдан айт: эртагаёқ ўн минг франкка Марокаш заёмини сотиб олсин, ҳар бир облигация етмиш икки франк туради. Уч ой ўтар-ўтмас у олтиш мингдан саксон минг франккача фойда кўриши мумкин, бунга мен кафил бўламан. Лекин буни бирон кимса билмаслиги шарт, қаттиқ тайинлаб қўй. Менинг номимдан Танжерга ҳарбий юриш қилинажаги ва француз ҳукумати Марокаш заёмини таъмин этажагини маълум қил. Бироқ бирон зот бу ҳақда билмасин. Сенга давлат сирини айтяпман.

Клотильда унинг сўзларини диққат билан эшитди.

– Раҳмат, – дея шивирлади у. – Эрим билан шу бугун кечқурун гаплашаман. Унга бемалол ишонса бўлади, у валдираб юрадиган одам эмас. У ишончли киши. Одамни уялтирмайди.

Клотильда каштанларни еб бўлди. У пакетни ғижимлаб каминга ташлади.

– Қани, энди ўринга шўнғиймиз, – деди у ва ўрнидан турмай Жоржнинг нимчасини еча бошлади...

Кейин бирдан энгашиб икки бармоғи билан тугмачанинг тешигидан соч толасини суғуриб олди.

– Буни қара, – деди у кулиб. – Сенга Мадленанинг сочи илашиб қолибди. Вафодор эрни топиб олганларини қаранг!

Тўсидан у қовоғини солди ва кафтида зўрғина кўриниб турган сочни томоша қила бошлади.

– Йўқ, бу Мадленаники эмас, унинг сочи қора, – пичирлади у.

Жорж кулди.

– Балки, хизматкор қизникидир.

Бироқ Клотильда худди айғоқчига ўхшаб нимчани зеҳн билан текшира кетди: тугмачага ўралган бошқа соч толасини топди, кейин яна бошқа бирини. Унинг ранги қум ўчди, кейин бадани увушгандай чўчиб тушди.

– А-а! – хитоб қилди у. – Сен ўйнашинг билан ётибсан, у сочларини тугмаларингга ўраб қўйибди!

Жорж ҳайратда қотди.

– Ундаймас. Эсингни еб қўйибсан, – ғўлдирарди у.

Лекин шунда эсига Вальтер хоним тушиб қолди ва нима бўлганига тушунди, олдин бир оз тили тугилиб турди, кейин кулиб, бўлмаган гап, деб туриб олди, зотан Клотильда уни хотинбоз йигит, деб ўйлашига қарши эмасди.

Клотильда ҳамон қидиришда давом этар, яна сочлар топар ва уларни полга олиб ташларди.

У тажриба кўрган хотин эмасми, дарров гап қаёқда эканлигини фаҳмлади ва жон-пони чиқиб кетди.

– У сени яхши кўраркан... – ғазаб билан ҳиқиллаб дерди Клотильда. – Сен билан сочи кетишини истаб қолибди... Сотқин!

Кутилмаганда унинг бўғзидан заҳарханда чинқириқ отилиб чиқди:

– А! А! Э, бу кампир экан-ку... мана, оқ соч... А! А, Энди кунинг кампирларга қолибди-да... Улар сенга пул беришадими?.. Айт, пул беришадими?.. А-а! Сен ҳали кампирлар билан ўйнашиб юрган экансан-да! Демак, сенга бошқа керагим бўлмай қолибди-да?.. Майли, ўша кампирларинг билан донлашавер...

У ўрнидан сакраб турди ва курсида ётган корсажини олиб, шоша-пиша кийина бошлади.

Жорж уни олиб қолишга уринарди.

– Ундаймас, ахир, Кло... – хижолат бўлиб мингирларди у. – Тентак бўлма... Ўзим ҳам билмайман... Менга қара, кетма... кетма деяпман сенга!

– Ўша кампиринг билан донлашавер... кампиринг билан донлашавер... – дерди у нуқул... – Ўзингга унинг сочларидан узук ясатиб ол... оқ сочларидан... бунақа сочларни истаганча топа оласан...

У тез кийиниб олди, шляпасини кийди, юзидаги тўрни туширди. Жорж уни ушлаб қоламан деган эди, Клотильда қулочкашлаб шапалоқ туширди ва Жорж ҳали ўзига келмай туриб, эшикни оча ташқарига отилиб чиқиб кетди.

Ёлғиз ўзи қолгач, Жорж қари мегажин Вальтер хонимни ўйлаб қаттиқ жаҳди чиқди. Мана энди, унга кўрсатиб қўяди, ади-бади айтишиб ўтирмайди энди, қаерга борса, шу ерга борсин.

Унинг юзи ловиллаб ёнмоқдайди, юзини сув билан ҳўллади. Кейин қандоқ ўч олишини ўйлаб кўчага чиқди. Бунини энди кечирмайди. Сира кечирмайди, тамом!

У бульварни айланиб юраркан, тилла магазиннинг ойнаси олдида тўхтади, ойна ортида хронометр ярақлаб турарди, – Дю Руа неча замонлардан бери уни сотиб олмоқчи бўлиб юрар, лекин пули чақар, хронометрнинг баҳоси бир минг саккиз юз франк эди.

Бирдан унинг юраги шод гумуриб кетди: «Етмиш минг ютсам, ўшанда сотиб оламан». Шундан кейин у етмиш минг франк пулга нималар қилиши мумкинлиги ҳақида хаёл суриб кетди.

Олдин депутат бўлди. Кейин хронометр сотиб олади, кейин биржада ўйнай бошлайди, кейин, кейин...

Редакцияга боргиси келмади; олдин Мадленани кўрай, кейин Вальтерлар билан гаплашаман, ундан сўнг мақолага ўтираман, деб уйга томон йўл олди.

Дюруа «Друо» кўчасига етганда бирдан тўхтаб қолди: у граф Водрекни кўриб чиқмоқчи эди, унута-ёзибди, граф д' Антен шоссесиди турарди. Саланган юриш билан у яна орқасига қайтди, кўп ажойиб, ёқимли, лазиз нарсалар борлиги ҳақида ширин хаёлларга ботди, тез орада бойиб кетишини ўйлади, шулар орасида эсига анови палид Ларош ва қари мегажин Вальтер хоним ҳам тушиб қолар, таъби тирриқ бўларди. Клотильдага келганда, у хотиржам эди: Кло жаҳлидан тез тушишини биларди.

Граф Водрекиннинг уйига келиб қоровулдан сўради:

– Жаноб де Водрекиннинг соғлиқлари яхшими? У кишининг товлари йўқ деб эшитган эдим.

– Графнинг жуда мазалари қочган, афандим, – деди қоровул. – Эртага ҳам бормаса керак де-йишяпти, боди юракка уриб кетибди.

Дю Руа шағам бўлиб қолди, у нима қилишини билмасди, Водрек ўлаётганмиш! Унинг миясида ноаниқ, мажхул, ҳаяжонга соладиган фикрлар гимираб қолди, булар шундай фикрлар эдики, уларни у ҳатто ўзига айтишдан ҳам чўчирди.

– Ташаккур... яна келарман... – дея минғирлади нима деяётганини ўзи ҳам англамай.

Кейин экипажга ўтириб уйга жўнади.

Мадлена уйда экан. У Мадленанинг олдига ҳансираб, ҳовлиққанча кириб борди. Дафъатан туриб:

– Эшитганинг йўқми? Водрек ўлаётибди, – деди.

Мадлена хат ўқиб ўтирган эди. Бу сўзларни эшитиб кўзларини эрига тикди-да, уч қайталаб сўради:

– А? Нима дединг?.. Нима дединг?.. Нима дединг?..

– Водрек ўлим тўшагида ётган экан, боди юрагига уриб кетибди. Энди сен нима қилмоқчисан? – қўшиб қўйди яна.

Мадленанинг рангида ранг қолмади, ёноқлари тинмай уча бошлади. У ўрнидан турди ва қўлла-

ри билан юзини тўсиб, куйиниб йиғлай бошлади. Мусибатнинг зўридан у бир муддат тахта бўлиб қолди, фақат сассиз йиғидан унинг елкалари силкиниб турарди.

Лекин бирдан ўзини босди ва кўз ёшларини артди.

– Мен борай... мен унинг олдига борай... Сен ташвиш тортма... билмайман, қачон келаман... кутиб ўтирма...

– Майли, бора қол, – деди эри.

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқиб қўйишди ва Мадлена шошиб, қўлқопини ҳам унутганча чиқиб кетди.

Жорж бир ўзи овқатланди, кейин мақолага ўтирди. Мақола министрнинг кўрсатмаларига буткул амал қилган ҳолда ёзилди. Марокашга ҳарбий юриш қилинмаслиги имо-ишоралар воситасида газетхонлар ўзлари англаб оладиган даражада маълум қилинди. Кейин уни редакцияга олиб борди, хўжайин билан бир неча муддат гаплашиб ўтирди, сўнг негалигини ўзи ҳам билмай, кайфияти чоғ бўлиб папирос тутатганча уйга қайтди.

Хотини ҳали ҳам қайтмаган экан. У ётиб ухлаб қолди.

Мадлена ярим кечаларга борганда келди. Жорж кўзини очиб ўрин устига ўтириб олди.

– Ҳа, нима бўлди? – сўради у.

У хотинини ҳеч қачон бунчалар ранги оқарган, дили вайрон бўлган ҳолда кўрмаганди.

– Ўлди, – шивирлади хотини.

– А! Ўзи... сенга ҳеч нарса демасми?

– Ҳеч нарса. Мен борганимда у ҳушидан айрилиб ётган экан.

Жорж ўйланиб қолди. У хотинидан алланималарнидир сўрамоқчи бўлар, бироқ журъат этмасди.

– Ётиб ухла, – деди у хотинига.

Хотини бир зумда ечинди-да, унинг ёнига шўнғиди.

– Ўлаётганда биронта қариндош-париндошлари ҳам бормиди? – сўрашдан тўхтамасди Жорж.

– Биттагина жияни бор эди.

– А! Нима, жияни унинг олдига тез-тез бориб турармиди?

– Ҳеч бормасди. Улар ўн йилдан бери юз кўришмасдилар.

– Унинг яна бошқа қариндошлари ҳам борми?

– Йўқ... Бўлмаса керак.

– Унда...ҳаммаси жиянига қолар экан-да?

– Билмадим.

– Водрек бадавлатмиди?

– Ҳа, жуда ҳам бой эди.

– Билмайсанми, тахминан қанча давлати бўлиши мумкин унинг?

– Аниғини билмайман. Бир-икки миллион пули бўлса керак, шунга яқинроқ.

У хотинидан бошқа ҳеч нарса сўрамади. Мадлена шамни ўчирди. Улар индамасдан ўз хаёлларига берилган ҳолда ҳаяжон ичида ёнма-ён ётар эдилар.

Дю Руанинг уйқуси қочди. Вальтер хоним айтган етмиш минг франк энди унинг кўзларига урвоқча ҳам кўринмади. Бирдан назарида Мадлена йиғлаётгандай туюлди. Тўғрими, йўқми, билиш учун уни чақирди.

– Ухладингми?

– Йўқ.

Хотинининг овози йиғлаганлигидан қалтираб чиқар эди.

– Сенга министрнинг бизни лақиллатиб кетмоқчи бўлганлигини айтишни унутибман.

– Қандай қилиб?

У Вальтер билан Ларошнинг кўзлаб юрган ишларини бирма-бир оқизмай-томизмай гапириб берди.

– Сен буни қаердан биласан? – сўради Мадлена у гапини тамом қилгач.

– Буниси энди сир, – жавоб қилди Жорж. – Сенинг ўз маълумот йиғадиган жойларинг бор ва уларни мен суриштирмаяман. Меники ҳам бор, лекин буни сенга айтиб ўтирмайман. Бироқ ҳалиги гапнинг тўғрилигига каллам билан жавоб бераман.

– Рост, тўғри бўлса керак... – пичирлади Мадлена. – Улар биздан яшириб бир нималар қилиб юрганларини сезгандим.

Жоржнинг ухлагиси келмай қолди, у хотинига яқинроқ сурилди-да, оҳиста унинг қулоқларидан ўпди. Мадлена уни итариб ташлади.

– Ўтинаман, мени тинч қўй! Кўнглимга ҳеч нарса сизмай турибди.

Дю Руа итоатгўйлик билан орқасини ўгириб олди, кўзларини юмди ва ниҳоят ухлаб қолди.

VI

Черковга қора матолар осиб ташланганди; эшик тепасига ўрнатилган ва катта тож сурати туширилган лавҳа дворян одам дафн қилинаётганидан дарак бериб турарди.

Дафн маросими ҳозиргина тугаб, унга келганлар тобут ва граф де Водрекнинг жияни атрофидан айланиб ўтиб, тарқалишмоқда эди; Водрекнинг жияни ҳаммага таъзим қилиб, қўлларини қисиб қўярди.

Жорж билан Мадлена уйга биргаликда қайтдилар. Улар нимадандир ташвишлангандай кўринишар, индамай борардилар.

– Ҳар ҳолда жуда қизиқ! – ўзи билан ўзи гаплашгандай деди Жорж.

– Нимаси қизиқ экан, жоним? – сўради Мадлена.

– Водрекнинг бизга ҳеч нарса қолдирмагани-да.

Мадлена бирдан қизариб кетди, – гўё юзига тутган тўри лоладай қизил тусга кириб, унинг оппоқ чеҳрасини тўсиб қолгандай эди.

– Умуман, нега энди у бизга бирор нарса қолдириши керак экан? – деди Мадлена. – Бунга унинг ҳеч бир асоси йўқ эди.

Кейин бир оз жимликдан сўнг яна қўшиб қўйди:

– Шуниси ҳам борки, васиятнома биронта нотариус қўлида сақланаётган бўлса ҳам ажабмас. Ҳали ҳеч нарса маълум эмас.

– Бўлса бордир, – дея унинг фикрига қўшилади мулоҳаза қилиб кўрган Жорж, – нима бўлганда ҳам у бизнинг энг яқин дўстимиз эди, сенга ҳам, менга ҳам. Ҳафтасига икки марта бизникида меҳмон бўлар, истаган пайтида ўз уйига келгандай кириб келаверарди. Бизникида юрганда ўз уйида юргандай ҳис қиларди ўзини. Сени у ўз қизидай эъзоларди, оиласи йўқ эди: на фарзанд, на ака-ука, на опа-сингил, шу ёлғиз жиянидан бошқа ҳеч кими йўқ эди, жиянининг ўзи ҳам туғишган қариндошлардан эмас бунинг устига. Рост, васияти бўлса эҳтимол. Мен жуда катта нарсага кўз тикаётганим йўқ, лекин сўнг дақиқаларда ҳам бизни ўйлагани, бизни жонидан яхши кўргани, унга ўз фарзандларидай боғланиб қолганлигимизни билгани ҳурмати юзасидан буларга ўзимдан бирон ёдгор қолдирай деган бўлиши керак. Ҳар ҳолда у бизга етти ёт бегона эмасди, шунинг учун ундан бирон нарса кутаётган бўлсак, асосимиз йўқ эмас.

– Ростдан ҳам, у бирон нима васият қилиб қолдирган бўлса ажабмас, – деди Мадлена ўйга толган ҳолда бефарққина қилиб.

Уйга келганларида хизматкор Мадленага хат берди. Мадлена уни ўқиб чиқиб, эрига узатди.

*«Нотариус, Ламанер идораси, Вогезов кўчаси, 17.
Марҳаматли хоним, Сизни лутфан менинг
идорамга сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари
соат иккидан тўртгача ташириф буюришингизни
ўтинаман. Сиз тааллуқли бўлмиш иш юзасидан.
Ўурмат ила Ламанер».*

Бу сафар Жорж қизариб кетди.

– Бу ўша нарса бўлса керак. Лекинига қизиг-а,
мени – қонуний оила бошлиғини чақирмасдан
сени чақирибди.

Мадлена аввал унга ҳеч нарса демади, кейин
ўйлаб кўргач, айтди:

– Истасанг, у ерга ҳозирнинг ўзида бирга бориб
келамиз?

– Истаганда қандоқ.

Нонуштадан кейин улар нотариуснинг ҳузурига
йўл олишди.

Улар Ламанернинг идорасига кириб боришлари
биланоқ, катта хизматчи ўрнидан сакраб туриб,
уларни тавозелар билан хўжайиннинг олдига бош-
лаб кирди.

Нотариус кичкинагина, дум-думалоқ одам экан.
Калласи бошқа бир шарга ўрнатиб қўйилганга ўх-
шар, ўз навбатида бу ҳар иккала шар икки калта,
кичкина оёқларига маҳкамлаб қўйилгандай кўри-
нардди, нафсиламрга оёқлари ҳам шарсимонроқ эди.

У таъзим қилди, ўтиришга ўрин кўрсатди ва
Мадленага қараб мурожаат қилди:

– Хоним афандим, сизни граф де Водрекнинг
сизга тааллуқли васияти билан таништиргани ча-
қиртирган эдим.

– Ўзим ҳам шундай девдим-а, – дея пичирлади
ўзини тўхтата олмай қолган Жорж.

– Ҳозир мен қисқагина бу ҳужжатни сизга ўқиб
бераман.

Нотариус папкадан васиятномани олди-да, қўй-идагиларни ўқиди:

«Мен, қўйида имзо чеккан, Поль-Эмиль-Сиприн-Гонтран граф де Водрек, ақли ҳушим жойида, хотирам саломат маҳалида ушбу билан ўзимнинг сўнгги хоҳишимни маълум қиламан.

Ўлим доимо оёқнинг остидан чиқади, шунинг учун ҳам, ўлим ҳақ деб билиб, олдиндан ушбу васиятномани тузиб қўйишга жазм этдим, у нотариус Ламанер қўлида сақланажак.

Ўз ворисларим бўлмаганлиги сабабдан мен меросимни, у фойда келтирадиган қозғолар бўйича олти юз минг франкни ва мол-мулк бўйича фаразан беш юз минг франкни ташкил этади. Клер-Мадлена Дю Руа хонимга қолдираман, бунинг эвазига унинг бўйнига ҳеч қандай шарт ва мажбурият юкламайман. Ундан марҳум дўстининг бу тухфасини садоқатим ва беҳад эҳтиромимнинг белгиси сифатида қабул этишини таманно этаман».

– Вассалом, – деб қўйди нотариус. – Васиятнома ўтган йилнинг августида тузилган ва у икки йил бурун Клер-Мадлена Форестье хоним номига тузилган худди шундай ҳужжатнинг ўрнига ёзилгандир. Биринчи васиятнома ҳам менда сақланади ва марҳумнинг қариндошлари норозилик билдирадиган бўлсалар, граф де Водреكنинг хоҳиши ўзгармай қолганлигига далолат бўлиб хизмат қилажак.

Мадлена бўздай оқариб кетганча, бошини ердан кўтармай ўтирарди. Жорж эса мўйлабларини асабий суратда бураб-бураб қўяр эди.

– Ўз-ўзидан равшанки, – деди нотариус бир оз жимликдан сўнг, – сизнинг ижозатингиз бўлмаган тақдирда хотинингиз бу меросни қабул қилишга ҳаққи эмас.

Дю Руа ўрнидан турди.

– Мен ўйлаб кўришим керак, – деди у қуруққина қилиб.

Нотариус ёқимтойгина тиржайиб бошини қи-мирлатиб қўйди.

– Биламан, афандим, сиз орият туфайли ик-киланиб турибсиз. Шуни ҳам сизга маълум қилиб ўтишим керакки, граф де Водрекнинг жияни бу-гун эрталаб васиятнома билан танишиб чиқди ва агар унга юз минг франк берилган тақдирда уни тамомила тан олишини маълум қилди. Менинг на-заримда, васиятнома шаксиз кучга эга, бироқ иш қўзғаладиган бўлса, турли мишмишлар туғилиши мумкин, афтидан, сиз буни истамасангиз керак. Жамият буни ўзича турли йўсинда талқин қилади. Ҳар нечук, менга барча масалалар бўйича шанба кунигача аниқ жавоб беролмайсизми?

Дю Руа тасдиқлаб бош ирғади:

– Яхши, афандим.

У тавозе билан хайрлашди, шу пайтгача миқ этиб оғзини очмаган хотинини олдинга ўтказди ва ҳамияти ерга урилган одам каби тумтайиб чиқиб кетди, нотариус унинг бу ҳолатини кўриб кулгиси-ни йиғиштириб қўйди.

Уйга келгач, Дю Руа эшикни тарсиллатиб ёпди ва шляпасини каравотга ирғитди.

– Нима, Водрек билан ўйнашиб юрармидинг?

Мадлена юзидаги тўрни оларкан, шу заҳоти аф-тини унга бурди.

– Менми? О!..

– Ҳа, сен. Ким хотин кишига ўзининг бутун ме-росини қолдиради, агар у...

Мадлена қалт-қалт титрар, шаффоф тўр қадал-ган тўғнағичини сира чиқаролмасди.

– Бўлди... бўлди... – бир сония ўйлаб олгач, қал-тираган товуш билан гапирди у. – Эсингни еб

қўйибсан... Сен... сен... ўзинг ҳозиргина... айтмадингни... менга ҳеч нарса қолдирмабдими деб?

Жорж қўлга тушиб қолган одамни гапдан илинтириш учун ҳаракат қилаётган терговчига ўхшаб, хотинининг юзидан кўзларини узмай тикиларди, ундан ўзига керакли гапларни ўқиб олишга уринарди.

– Ҳа... Водрек менга бирон нарса қолдириши мумкин эди... – ҳар бир сўзини чертиб-чертиб деди у, – менга, яъни сенинг эринг бўлмиш одамга. Менга, яъни ўзининг ўртоғига, тушунарлими?.. Лекин сенга эмас... сенга эмас... сен дўсти бўлган тақдирингда ҳам... сенгамас, сен менинг хотинимсан-ку... Жамиятда одоб-ахлоқ юзасидан қараганда, бунинг катта, жуда ҳам бошқача фарқи бор.

Мадлена ҳам унинг тиниқ феруза кўзларига тикилиб турар, кўзларини ундан узмас, ғалати қилиб тикилар, гўё улардан бир нарсани ўқимоқчидай, инсон миясининг ҳеч ким етолмайдиган қоронғу пучмоқларига етиб бормоқчидай бўларди. Бу пучмоқлар, одатда, биз ўзимизни тутолмай қолган кезларда фикримиз чалғиб турган маҳалларда, ўзимизни идора қилолмай қолганларимизда, шу кўз очиб-юмгунча ўтиб кетадиган ва юрагимизнинг туб-тубларида сақланаётган сирларни ошкор қилиб қўядиган дамларда бирдан ўз пардасини кўтариб қўяди.

– Шундай бўлса ҳам, менимча... – секин, тўхтаб-тўхтаб сўйлай бошлади Мадлена, – агар бунчалар катта мерос – бойлик сенга қолдирилганда, ундан ҳам ғалатироқ бўлиб туюлмасмиди?

– Нега энди? – сапчиб сўради Жорж.

– Чунки... – Мадлена тилини тишлаб қолди, лекин дарҳол гапини эплаб олди. – Чунки сен менинг эримсан... чунки у, ростини айтганда, сени унча яхши билмасди... чунки биз у билан узоқ замонлардан бери яқинмиз... сен эмас... чунки, Форес-

тѐе ҳаѐт эканлигида тузилган биринчи васиятнома ҳам менинг номимга эди.

Жорж катта-катта қадам ташлаб хонада у ѐқдан-бу ѐққа юра бошлади.

– Сен меросдан воз кечишинг керак, – деди у.

– Майли, – бамайлихотир деди Мадлена, – унда шанбагача кутишнинг кераги йўқ, Ламанерга ҳозир бориб айтсак ҳам бўлаверади.

Жорж унинг олдида тўхтади. Шунда улар яна бир-бирларига тикилишиб қолдилар, иккаласи ҳам бир-бирининг юрагида кўмилиб ѐтган сирни билишга, гапни нимага бураѐтганларини англашга, яширин фикрларини уқишга уринардилар, уларнинг кўзлари бир-бирларининг виждонларини яланғоч қилиб кўрсатадиган сассиз, лекин алангали бир сўроқ билан йилтираб турарди. Бу бир ѐстиққа бош қўйиб ҳам бир-бирларига бегона бўлиб қолган одамларнинг галати, сирли курашининг нақ ўзи эди, зотан, улар доимо бир-бирларидан шубҳаланиб, бир-бирларини кузатиб, қадам олишларини таъқиб этиб юрадиган кишилар қавмидан бўлсалар-да, лекин барибир бирининг балчиққа ботган юраги, иккинчисига мудом номаълум бўлиб қолаверади.

– Менга қара, сен Водрекнинг ўйнаши бўлгансан, ростини айт, – овозини кўтармасдан, тўсиндан унинг башарасига қараб туриб деди Жорж.

Мадлена елкаларини кисиб қўйди.

– Аҳмоқона гаплар... Водрек мени ўзига жуда ҳам яқин кўрар эди, жуда... лекин бошқа ҳеч нима... ҳеч қачон...

Жорж оёқларини ерга урди.

– Ёлғон. Бундай бўлиши мумкин эмас!

– Барибир гап шу, – хотиржам эътироз билдирди хотини.

Жорж яна хонани чарх уриб кеза бошлади, кейин яна тўхтади.

– Унда менга тушунтириб бер, нега у бутун давлатини сенга қолдиради...

– Бунинг нимасига ҳайрон қоласан, – бепарвогина қилиб, менсимайдигандай гапирди Мадлена. – Ўзинг айтдинг-ку, биздан бошқа, тўғрироғи, мендан бошқа унинг садоқатли дўстлари йўқ эди, мени у болалик пайтларимдан бери билади. Менинг онам унинг қариндошлари қўлида ишлаган. У бизникига қанда қилмай келиб турарди, бошқа ворислари бўлмагандан кейин у мени ўйлаган. У мени жиндек яхши кўрган бўлса бордир. Лекин қайси хотинни бунақа севги билан севишмаган? Балки, унинг мана шу ҳеч кимга билдирмаган муҳаббати сўнгги хоҳишини ифодалаш учун қўлига қалам олган чоғда менинг номимни унинг дилига солгандир, бунинг нимаси ёмон? Ҳар душанба кунлари у менга гуллар олиб келарди. Сен бунга сира ҳайрон бўлиб ўтирмасдинг-ку, у гулларни сенга олиб келмасди-ку, тўғрими? Энди у яна ўша сабаб билан менга меросини қолдирибди, бошқа кимга қолдирсин эди бўлмаса. Аксинча, сенга қолдирганда, жуда ҳам галати кўринган бўларди. Тўғри эмасми? Сен унга ким бўлибсан?

У шу қадар хотиржам, самимий гапирардики, Жорж иккиланиб қолди.

– Барибир, – деди у, – бунақа шартлар билан биз меросни қабул қилмаслигимиз керак. Бу бизга катта зарар келтириши мумкин. Ҳар хил гап-сўз, шивир-шивирлар бошланиб кетади, менинг устимдан кулишади, мазах қилишади. Бирга ишлайдиган одамлар ҳали ҳам мени кўролмай юрадилар, уларнинг оғзига бир гап тегмасин, бошингни кўтаролмай қоласан. Мен бошқаларга қараганда юз чандон ўз обрўйим устида ўйлашим, уни сақлашим, ерга урмаслигим керак. Мен хотиним тилига кучи

етмаганлар унга ўйнаш деб гапириб юрган кишининг қўлидан бунақанги совға қабул қилишини истамайман. Форестье балки бунга кўникиб кетган бўларди, лекин мен рози бўлолмайман.

– Майли, жоним, – майинлик билан деди Мадлена, – нари борса бир миллион пулимиз камроқ бўлар, нима бўлибди.

Жорж ҳамон у бурчакдан бу бурчакка бориб келар, овозини чиқариб фикрларди; у бевосита хотинига гапирмаётган бўлса ҳам, лекин унинг гапи хотинига қаратилгани равшан кўриниб турарди.

– Ҳа, бир миллион!.. Борингки, шундоқ бўла қолсин... Нима қилсак экан... Васиятномани шу тарзда тузатаётганда бунинг қанчалар нозик масала эканлигини, барча одоб қоидаларини бу билан чилпарчин қилганлигини наҳотки англамаган бўлса. Мени қанчалар кулгили аҳволга солиб қўяжagini хаёлига ҳам келтирмаган... Жуда-жуда нозик гап... Мабодо ярмини менинг номимга ёзганда ҳам бутунлай бошқа гап эди.

У ўтирди, оёқларини бир-бирига чалмаштириб олди ва хафа бўлган, дили оғриган, энсаси қотиб турган, қаттиқ ҳаяжонланган пайтларида қиладиган одати бўйича мўйлабларини бурай бошлади.

Мадлена ўқтин-ўқтин тикиб турадиган ишини қўлига олди ва калавани чуватаркан, деди:

– Мени бу ишга аралаштирма. Сен нима десанг, шу.

Жорж анчагача унга жавоб бермади, кейин ботинқирамайгина деди:

– Одамлар ҳеч қачон нима учун Водрек сени ўзининг бирдан-бир меросхўри қилиб тайинлаганлигини ва нега мен бунга рози бўлганлигимни тўғри тушунишмайди. Аҳвол шундоқ бўлиб қолдики, агарда биз меросни қабул қилсак, унда сен одамлар кўзида ўзинг жиний алоқада бўлганлигингни

тасдиқлагандай бўласан, мен эсам шунга йўл қўйиб берган бўлиб чиқаман... Бизнинг ризолигимиз нималарга олиб боражагини энди билдингми? Шунинг учун бу ерда усталик қилиш, бир йўлини топиш керакки, кейин токим одамлар кўзимизга чўптиқмайдиган бўлишсин. Айтайлик, мисол учун, ўз меросининг ярмини эрига, ярмини хотинига қолдирибди, деб гап тарқатиш мумкин.

– Васиятномада боягиндай қилиб ёзилган ҳолда сенинг бу гапингни қандай қилиб амалга ошириш мумкин, билмайман, – деди Мадлена.

– О, бунинг йўли жуда осон! Сен менинг номимга мероснинг ярмини ўтказишинг мумкин. Болаларимиз бўлса йўқ, шунинг учун ҳам эътирозларга ўрин қолмайди. Шундай қилганимизда оғзига кучи етмаганлар миқ этолмай қолишади.

– Мен яна сира тасаввур қилолмаяпман, Водрек қўл қўйган ҳужжат мана ман деб турсин-да, биз қандай қилиб гийбатчиларнинг оғизларига урамиз, – деди сабрсизлик билан Мадлена.

– Бўлмаган гап! – дея қизишиб кетди Жорж. – Ким бизга васиятни менга кўрсат ёки уни деворга осиб қўй деяпти? Биз граф Водрек ўз меросини иккимизга тенг бўлиб берган, деб айтамыз... Вассалом... Ахир, мен ижозат бермасам, сен меросни қабул қилолмайсан-ку. Рухсатимни эса фақат бир шарт билан, яъни мерос ўртада тенг бўлинган тақдирдагина бераман, бўлмаса, умр бўйи ҳаммага кулги бўлиб ўтаман.

Мадлена яна бир карра унга синовчан назар ташлади.

– Ўзинг биласан. Мен розиман.

Буни эшитган Жорж ўрнидан туриб кетди ва яна хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Афтидан, у яна шубҳалар гирдобига тушганга ўхшар,

ҳозир ўзини хотинининг синовчан боқаётган кўзларидан олиб қочаётгандек эди.

– Йўқ... – деди у. – Йўқ, йўқ, йўқ... Яхшиси, бутунлай воз кечган маъқул... Бу ҳалолроқ... инсофлироқ... иснодсизроқ бўлади... Ҳа-я, шундоғам ким бизга нима деб таъна қиларди, ҳеч бунга ўрин йўқ-ку. Ҳатто энг нозик мижоз кишилар ҳам буни қоралашга журъат этолмайдилар.

У Мадленанинг олдига бориб тўхтади.

– Гап бундоқ, азизим, агар хоҳласанг, мен Ламанернинг олдига бир ўзим бориб учрашаман, гап нималигини тушунтираман. Унга ўзимда туғилган иштиболарни айтаман ва одоб юзасидан, ортиқча гап-сўзларга қолмаслик учун меросни бўлиб олишга қарор қилганимизни маълум қиламан. Ҳамоноки мен мероснинг ярмини олар эканман, ўз-ўзидан равшанки, бировнинг тиш оқини кўрсатишга ҳам ўрин қолмайди. Бу, мен ҳаммага эшиттириб, «Менинг хотиним меросни ўзим ҳам олганим учун қабул қиляпти, хотин кишининг шарафини эрдан ўзга ҳимоя қиладиган одам йўқ», деганим бўлади. Бўлмаса жанжал чиқади.

Мадленанинг жавоби қисқа бўлди.

– Ўзинг биласан, – секингина деди у.

Жорж яна узундан-узоқ гапга тушиб кетди:

– Ҳа, мана шундай қилиб бўлинганда ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Биз бир-биримизга бирдай муносабатда бўлган, икковимизга ҳам кўнгли яқин, ўз васиятномаси билан: «Мен ўлганимдан кейин уларнинг бирини дейман, тириклигимда ҳам биттасини деганман», деб айтмаган дўстимиздан мерос олган бўлиб чиқамиз. Албатта, у кўпроқ хотинимни яхши кўрган, лекин меросни иккалаларига қолдириш билан у ўз муҳаббати булганч бўлмаганлигини исботлаган. Менга ишон, агар, у бу ҳақда

ўйлаб кўрганда эди, худди мен айтгандай қилган бўларди. У буларни хаёлига келтирмаган, оқибатини ўйлаб кўрмаган. Сен боя у ҳар ҳафта менга гуллар келтирарди, охирги совғасини ҳам менга атаган, деб жуда тўғри айтдинг, у бунинг оқибатини билмаган...

– Гап битта бўлади, – деб унинг сўзини бўлди Мадлена: унинг товушидан энсаси қотаётганлиги билиниб турарди. – Мен ҳаммасини тушундим. Гапни бунчалар чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тезроқ нотариусга бориб учраш.

– Тўғри айтасан, – деди у қизариб кетган ҳолда гўлдираб, кейин қўлига шляпасини олди ва кета туриб яна деди: – Мен унинг жиянини эллик мингга кўндиришга ҳаракат қиламан. Майлими?

– Йўқ, – деди кибр билан Мадлена. – Унга қанча сўраган бўлса, яъни юз мингни берасан. Истасанг, буни менинг ҳисобимдан бера қол.

Жорж уялиб кетди.

– Қўй-е, ўртада бўламиз. Агар ҳар биримиз эллик мингдан берганимизда ҳам яна бизга бир миллион қолади. Хўп, кўришгунча, жонгинам, – қўшиб қўйди Жорж.

У нотариуснинг олдига келиб, хотиним шундай қилиш керак, деяпти деган мулоҳазани билдирди.

Эртасига Мадлена Дю Руа эрига беш юз минг франкни ҳатлаб берди.

Ҳаво жуда ажойиб эди, конторадан чиққач, Жорж Мадленани сайрга таклиф қилди. У жуда ҳам меҳрибон, мулойим бўлишга, хотинига эътибор кўрсатишга уринарди. У қувонч билан тўлган, яйраб-яшнаб кетганди, хотини эса ўйчан, жиддий қиёфада борарди.

Совуқ куз кунларидан бири эди. Ўткинчилар қаергадир шошаётгандай тез-тез юриб боришарди. Дю Руа хотинини ўзи кўп томоша қиладиган

магазинга, ўзи орзу қилиб юрган хронометр турган магазинга олиб борди.

– Сенга бирон нарса совға қилай, хўп де, – деди Дю Руа.

– Ўзинг биласан, – деди ҳафсаласизлик билан Мадлена.

Улар магазинга кирдилар.

– Нима олиб берай: зиракми, узукми, билак-узукми?

Тилла тақинчоқлар ва турли қимматбаҳо тошларни кўргандан кейин Мадленанинг бояги тунд-лигидан асар ҳам қолмади ва турли заргарлик буюмлари билан тўлиб-тошган витриналарни қизиқиб томоша қила бошлади, унинг чеҳраси очилди.

– Манави чиройли билакузукни кўр, – деди у жуда ҳам олгиси келиб.

Фоятда нозик ишланган бу занжирчанинг ҳар бир бўғини ўзгача бир қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди.

– Бу билакузук қанча туради? – сўради Жорж.

– Уч минг франк, – деди заргар.

– Икки ярим мингга беринг, оламан.

– Йўқ, афандим, беролмайман, – деди бир оз иккиланиб тургандан кейин заргар.

– Менга қаранг, мен сиздан яна мана бу хронометрни ҳам бир ярим мингга оламан, ҳаммаси бўлиб тўрт минг бўлади, нақд тўлайман. Бўлдими? Истамасангиз, ўзингиз биласиз, мен бошқа магазинга бораман.

Заргар оёғини тираб турди, лекин алоҳа рози бўлди:

– Майли, ола қолинг, афандим!

Журналист ўз адресини берди ва деди:

– Хронометрга барон тамғасини туширишга буюринг, паст томонида ёзма ҳарфлар билан номининг бош ҳарфлари туширилсин: Ж.Р.К.

Мадлена бундан ҳайратга тушди; оғзининг таноби қочиб жилмайди. Улар магазиндан чиққанларида Жоржни меҳр билан қўлтиқлаб олди. У чиндан ҳам эрининг кучли ва уста одам эканлигига ишонди. Ҳамон энди унинг пули бор экан, унвон керак бўлади, ақли бало.

Заргар уларни таъзим қилганча кузатиб қўйди.

– Хотиржам бўлинг, барон жаноблари, пайшанба кунига ҳаммаси тайёр бўлади.

Улар Водевильнинг ёнидан ўтиб боришарди. Бу ерда янги пьеса қўйилаётган экан.

– Истасанг, кечқурун театрға келамиз? – таклиф қилди Дю Руа. – Ложадан жой олишга ҳаракат қиламан.

Ложадан жой бор экан, олишди.

– Бир ресторанга бормаймизми, а? – сўради Жорж.

– Майли, жоним билан.

У подшолар каби бахтиёр эди, нуқул бирон нарса ўйлаб топишга ҳаракат қилмоқда эди.

– Де Марель хонимнинг олдига борсак-чи, кечани бирга ўтказармидик? Менга унинг эри келганлигини айтишувди. У билан бир кўришгим келиб турибди.

Улар де Марелларникига жўнашди. Жорж маъшуқаси билан бўладиган биринчи учрашувдан чўчиб турар, шунинг учун ҳам ёнида хотини борлигидан хурсанд эди, жилла қурса ади-бади айтишиб ўтиришдан қутулади-ку.

Бироқ Клотильда, афтидан, уни кечирган, шунинг учун ўзи эрини бирга ўтиришга кўндирди.

Зиёфат қуёқ бўлди, вақтни жуда ҳам кўнгилли ўтказдилар.

Жорж билан Мадлена уйга кеч қайтишди. Зинадаги чироқ алақачон ўчиб қолган эди. Журналист дам-бадам шам гугурт чақиб, уйга кўтарилдилар.

Иккинчи қават майдончасига чиққанларида чақилган гугуртнинг ёруғи қаршидаги кўзгуга тушди ва унда икки кишининг гавдаси аниқ кўриниб кетди.

Худди тўсиндан икки шарпа осмондан тушган ва яна шу ондаёқ қоронғилик ичра шўнғиб кетадигандай эди.

Шарпалар ёруғроқ кўринсин деб, Дю Руа қўлини баланд кўтарди ва ғолибона равишда кулиб деди:

– Ана, икки миллионер келаётир!

VII

Марокаш эгаллангандан бери икки ой ўтди – Танжерни ҳам босиб олгандан сўнг Франция Африканинг Ўрта Ер денгизи соҳилларидан то Триполика қадар ҳукмрон бўлиб қолди ва тобе мамлакат заёмини таъминлади.

Шуларнинг воситасида иккита министр йигирма миллионга қадар пул ишлаб олишгани ҳақида миш-мишлар юрар ва бу гап-сўзлар орасида Ларош-Матъенинг номини очиқ тилга олиб ўтишарди.

Вальтерга келганда, бутун Париж унинг бир ўқ билан икки қуённи отганлигини биларди: заём бўйича у ўттиз-қирқ миллион ва мис ҳамда темир конларидан, устамасига ҳали у ерлар босиб олинмасдан илгарийёқ арзон-гаровга сотиб олинган мулкларини француз оккупациясининг эртасигаёқ янги жойларни эгаллаш компанияларига сотиб пуллаганлиги боисидан яна саккиз миллиондан ўн миллионгача даромад қилганди.

У кўз очиб-юмгунча ўтиб кетган бир неча кун ичида қироллардан ҳам қудратлироқ сармоюдорларнинг бирига, жаҳонга ўз ҳукмини ўтказишга қодир ҳукмдорларнинг бирига айланиб қолди, –

бундай сармоядорлар қаршисида эгилмаган бошлар, одатда, эгилади, одам гапирадиган гапини ҳам гапира олмайдиган бўлиб қолади, чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидай, буларни кўриб, булардан ибрат олиб, шу тобгача инсон юрагида яшириниб ётган пасткашлик, тубанлик ва кўролмаслик каби иллатлар бирдан бош кўтариб қолади.

Бу энди илгари ҳеч ким ишонмайдиган, бета-йин, тундмижоз, турли-туман палид ишларга аралшиб юрадиган жуҳуд ношир Вальтер эмасди. Энди бу одамни бадавлат яхудий Вальтер жаноблари деб аташарди.

Унинг ўзи ҳам буни росмана исботлашга киришди.

У Фобер-Сент-Оноре кўчасида жойлашган, боғи томонидан Елисей далаларига чиқиладиган ҳашаматли саройларнинг соҳиби князь Карлсбург ночорроқ аҳволда қолганлигидан хабар топиб, йигирма тўрт соат ичида саройни биронта ашённи ҳам ўрнидан жилдирмаган ҳолда унга уч миллионга сотишни таклиф қилди. Катта пулга учган князь бунга рози бўлди.

Вальтер эртасигаёқ янги жойга кўчиб ўтди.

Лекин шунда Вальтернинг калласига бошқа бир фикр ҳам келиб қолди, бунақа фикр фақат Парижни эгаллаб олиш иштиёқида бўлган музаффар бир одамгагина келиши мумкин эди, бу ҳатто Бонапартга ярашадиган бир фикр эди.

Ўша пайтларда бутун шаҳар Жак Ланоблнинг магазинига венгер рассоми Карл Марковичнинг «Сув кечаётган Исо» деган суратини томоша қилгани бориб турар эди.

Санъатшунос танқидчилар бу суратни офизларини кўпиртириб мақташар, уни асримизнинг энг ноёб дурдоналаридан бири деб баҳолашарди.

Вальтер бу суратни беш юз минг франкка сотиб олди, шу тариқа, одамларнинг диққатини ўз хонадонига жалб қилди, бутун Париж энди унга ҳавас ва ҳасад кўзлари билан боқадиган бўлди, майли, сўкадимми, мақтайдими, барибир ўзи ҳақида гапиришга мажбур эди.

Кейин у газеталарда яқин кунлардан бирида Париж жамоатчилигининг кўзга кўринган вакиллари ни чет элик рассомнинг нодир асарини томоша қилишга таклиф қилмоқчи бўлаётганлиги ҳақида эълон бериб чиқди, токи, Вальтер санъат асарини яшириб ўтирибди, деган гап-сўзга қолиб ўтирмай дебди.

Уйининг эшиклари ҳамма учун очиқ экан. Марҳамат қилгайсиз. Фақат кираётган маҳалда таклифномани кўрсатиб кирилар экан.

Таклифномада қуйидагилар ёзилганди: «Жаноб Вальтер билан Вальтер хоним сизни ўттизинчи декабр соат кечки тўққиздан ўн иккигача Карл Марковичнинг «Сув кечаётган Исо» картинасини электр чироғининг нурларида келиб томоша қилишингизни таманно ила сўрайдилар.

Бунинг тагига кичкина ҳарфлар билан «Соат ўн иккидан сўнг рақс», деб қўйилган эди.

Яъни, истаганлар қолишлари мумкин, қолганлар ичидан эса Вальтерлар ўзларига янги танишбилишлар орттиришни кўзлашганди.

Бошқалар киборларга хос қизиқсиниш билан картинага, саройга, сарой соҳибларига беписанд ва бепарво назар ташлайдилару тарқалишадилар. Бироқ қария Вальтер кўп ўтмай улар бу ерга яна қайтиб келишларини яхши биларди, худди унга ўхшаб бойиб кетган мусавий биродарлари ҳузурига улар шундай ташрифлар буюрган эдилар.

Ҳаммасидан бурун унинг уйига номлари газета саҳифаларидан тушмайдиган казо-казолар келса

бўлгани. Улар ҳеч шак-шубҳасиз уникага қадам ранжида қиладилар, – улар бир ярим ой ичида эллик миллион пул ишлаб олган одамни кўришга, унинг меҳмонларига зеҳн солиб қарашга келадилар, улар бани исроил фарзанди одоб ва зийраклик билан инжил мавзуларида ишланган суратни намойиш қилишга чорлагани учун келадилар.

Вальтер худди уларга қарата: «Ўз кўзларингиз билан кўриб олинглар, мен христиан санъатининг дурдонаси бўлмиш ушбу расмга, Марковичнинг «Сув кечаётган Исо»сига беш юз минг франк тўлаб сотиб олдим», дегандай бўлар эди. Ҳа, шундай, дегандай эди у яна, дурдона шу кундан эътиборан ҳар куни менинг кўз ўнгимда туради ва буткул яҳудий Вальтерникида қолади.

Киборлар доирасида, герцогиня хонимлар ўртасида ва Жокей-клубда бу таклифнома узоқ муҳокама қилинди ва ниҳоят, борсак борибмиз-да, биздан нима кетарди, деган қарорга келинди. Илгари Пти жаноблариникига акварель суратларни томоша қилгани қандай борган бўлсалар, бу ерга ҳам барчалари шундай қилиб борадилар. Дурдона санъат асари Вальтерларга тегишли экан; улар бир кеча уйлариининг эшикларини очиб қўйишаркан, ким истаса келиб кўрсин деб. Яна нима керак?

«Француз ҳаёти» икки ҳафта мобайнида жамоатчиликни қизиқтириш учун ҳар куни бу кеча ҳақида хабарлар бериб турди.

Хўжайиннинг муваффақияти Дю Руанинг кўзини чиқармоқда эди.

Хотинидан беш юз минг франкни юлиб олиб ўзини давлатманд бўлиб кетдим, деб юрган экан, мана энди шу зиғирдек бойлигини ёмғирдек ёғилиб турган миллионлар билан, ўзи беҳабар қолган миллионлар билан солиштириб кўраркан, ўзини фақирдан фақир бир одамга чиқарарди.

Ҳасад, ичи қоралик кундан-кунга ич-этини таталаб бормоқдайди. Дунё кўзларига батамом қоронғи бўлди-қўйди: Вальтерларни кўргани кўзи йўқ, уларникидан қадам узиб кетди, хотинини кўрса жини қўзийди, негаки у Ларошнинг гапига лаққа тушиб эрини Марокаш заёмларини сотиб олишдан айнитди, лекин ҳаммадан бурун министрнинг ўзини ғажиб ташлагиси келарди, у буларни тоза лақиллатганлигига қарамасдан ҳамон унинг хизматидан фойдаланар ва ҳафтасига икки марта уникида овқатланарди. Жорж Ларошга югурдаклик қилар, унга котиблик вазифасини адо этар ва у айтиб туриб ёздирётган маҳалларда бу ғолиб лақашиқилдоқни бўғиб ўлдиргиси келарди. Министр сифатида Ларош катта обрў-эътибор қозонолмади, шунинг учун ҳам у министрлик портфелини сақлаб қолиш учун амалини олтинга тўлатиб юрар ва буни зўр бериб яширарди. Бироқ Дю Руа олтин нималарга қодир эканлигини кўриб турарди: бу амалпараст адвокат кейинги пайтларда димоғидан қурт ёғиладиган бўлиб қолган, ҳеч кимни менсимай қўйган, ҳовлиқмачоқлик билан фикр юритар, ўзига ғоятда қаттиқ бино қўйганди.

Дю Руанинг уйида Ларош ўзи хон, ўзи бек бўлиб қолди: у граф Водрекнинг ўрнини эгаллади, у ҳам Водрек келадиган кунлари келиб овқатланарди ва уй хизматчилари билан уйнинг эгасидай бўлиб муомала қиларди.

Унинг башарасига қарашга Жоржда тоқат қолмаганди: Ларошнинг ҳузурида у қопаман деб қопишга журъати етмай турган ит каби дир-дир қалтирар, қаҳр-ғазабини базўр тутиб турарди. Айни замонда у Мадлена билан қўпол, қаттиқ муомала қилар, лекин хотини фақат елкаларини қисибгина қўяр ва унга тарбия кўрмаган болага қилинадиган муомаласини қиларди.

– Сенга тушуниб бўлмай қолди-ку ўзи, – дерди у. – Сен доим шикоят қилганинг қилган. Ваҳоланки, ишларинг зўр бўлиб боряпти, сенга ҳамманинг ҳаваси келади.

Жорж индамай унга орқасини ўтириб оларди.

Олдин у хўжайинникидаги йиғинга бормайман, деб туриб олди, шу чурук жуҳуднинг уйини елкамининг чуқури кўрсин, деди.

Вальтер хоним икки ойдан бери унга ҳар куни хат ёзар, кел, деб ёлворар, бўлмаса, ўзинг истаган ерингга айт, мен бориб сенга заёмдан ютилган етмиш минг франкни бериб келаман, деб қўймасди.

Жорж бу ялиниб-ёлвориб ёзилган хатларнинг ҳаммасини ўтга ташлар, уларга жавоб бермасди. У ўртада ютилган пулларнинг ўз улушидан сира ҳам воз кечмоқчи эмасди, фақат маъшуқасини нафратининг ўтига қовурмоқчи, уни эзиб, мажақлаб ташламоқчи эди. Миллионер хоним! Сенга миллионерликни кўрсатиб қўяман, дерди у.

Картина кўрсатиладиган кун келгач, Мадлена агар бормасанг, жуда катта хатога йўл қўйган бўласан, деб ишонтира бошлади.

– Тинч қўй мени, – тўнғиллади Жорж. – Мен ҳеч қаёққа бормайман.

Лекин овқатланиб бўлгач, у кутилмаганда деди:

– Одамни ўз ҳолига қўймадиларинг-қўймадиларинг, борамиз, кийин.

Мадлена шуни кутиб ўтирганди.

– Ўн беш минутда тайёр бўламан, – деди у.

Дю Руа кийинаётган чоғида ҳам тинмай тўнғиллаб турди, ҳатто каретага чиққанда ҳам унинг жағи тинмади.

Карлсбург саройининг олд ҳовлисининг тўрт бурчагида электр чироқлари ёниб турар, улар мўъжазгина мовий ойга ўхшаб кўринардилар. Юксак

пешайвонга чиқиладиган зиналарга ноёб бир гилам ташланган, ҳар зинада ҳайкалдай қотган махсус лакейлар туришарди.

– Оббо қўзбўямачилар-ей! – деб тўнғиллади Дю Руа.

У елкасини нафратланиб қисиб қўяр, лекин ичидан зил кетарди.

– Аввал ўзинг шундай уй сотиб олгин-да, кейин гапир, унгача оғзингни юмиб юр, – деб танбеҳ берди хотини.

Ичкарига киришгач, олдиларига чопқиллашиб келган лакейларга оғир устки кийимларини беришди.

Бунда анча-мунча хонимлар эрлари билан уймалашиб туришар, устларидаги мўйналарини ечмоқда эдилар.

– Бебаҳо экан, бебаҳо! – деган шивир-шивирлар эшитиларди.

Кираверишдаги кенг залнинг деворлари қиматбаҳо гиламлар билан безанган, уларда Марс билан Венеранинг саргузаштлари тасвирланган эди. Ўнг ва сўл томонларга ҳашаматли зиналар кўтарилиб кетган, улар иккинчи қаватда бирлашардилар. Қуйма темирдан ясалган зина панжаралари ғоятда нодир қилиб ишланганди; панжараларга югуртирилган тилла суви қорайиброқ қолган, ақиқдай мрамор зиналарда хира акс этиб турарди.

Залларга кираверишда икки қизча – бири ҳарир пушти кўйлақда, иккинчиси феруза ранг либос кийган ҳолда хонимларга гуллар тақдим қилиб туришарди. Бу барча меҳмонларга жуда ёқиб тушди.

Заллар меҳмонлар билан гавжум эди.

Хонимларнинг аксарияти бўғма кўйлақлар кийиб олишганди, афтидан, улар бу билан ўзларини оддий шахсий кўрғазмани кўргани келган каби

кўрсатишни истар эдилар. Рақс кечасига қолишни истаганларнинг эгнида ёқаси кенг очилган либослар кўринарди.

Вальтер хоним дугоналари қуршовида иккинчи залда ўтирар ва меҳмонларнинг табрик-таъзимларига жавоб берарди. Бу ерга келганларнинг кўпчилиги уни танишмас, шунинг учун ҳам улар уй соҳибларига эътибор бермай, музейга келгандай айланиб юрмоқда эдилар.

Дю Руани кўрганда Вальтер хонимнинг ранги қув ўчиб кетди ва худди унга пешвоз отилмоқчи бўлгандай ўрнидан қўзғалиб қўйди, лекин дарров ўзини босиб олди: у Дю Руанинг ўзи олдимга келади, деб чама қилди шекилли, Дю Руа унга такаллуф билан таъзим қилди, Мадлена бўлса, уни мақтовларга кўмиб юборди, дилхоҳликлар кўрсатди. Дю Руа хотинини Вальтер хонимнинг ҳузурда қолдириб, ўзи одамлар ичига аралашиб кетди: у Вальтернинг ғанимлари нима дейишларини эшитмоқчи эди, зотан, бу ерга йиғилганлар орасида бундай ғанимлар анча-мунча топилар эди.

Қимматбаҳо матолар, итальян палаклари, ранго-ранг Шарқ гиламлари, қадим рассомларнинг картиналари билан безатилган музайян бешта зал бири-бирига уланиб кетар эди. Томошабинларга Людовик XVI усулида безатилган, худди хос хоналар каби ипакларга чулганган, ипакларга ҳаво ранг дала ичра пушти гуллар тасвири туширилган мўъжазгина хона айниқса маъқул бўлди. Ниҳоятда нозик санъаткорлик билан тилла суви югуртириб ёғочдан ишланган мебеллар ҳам мана шундай ипак билан қопланганди.

Жорж айланиб юрар экан, герцогиня де Феррачини, граф ва графиня Де Ревеналь, генерал князь д' Андремон, ҳуснда тенгсиз маркиза де Дюн син-

гари машҳури замон бўлган кишиларни ва театр премьераларига канда қилмай тушиб турадиган бошқа хонимларни кўриб қоларди.

Кимдир унинг қўлидан ушлаб олди ва навқирон, шўх бир товуш қулоғига пичирлади:

– Ҳа, келар экансиз-ку, ярамас Азизим! Нега бунча кўринмай кетдингиз?

Жингала малла сочлари бошида булут янглиф кўпирган Сюзанна Вальтер унга чақноқ кўзларини тикиб турарди.

Дю Руа уни кўриб чеҳраси очилди ва қизнинг қўлларини кўнгли яйраган ҳолда қисиб, кечирим сўрай бошлади:

– Ҳеч вақтим бўлмади. Икки ойдан бери ишим шу қадар бошимдан ошиб кетдики, ҳеч қаерга чиқолмай қолдим.

– Яхшимас, яхшимас, жуда ҳам яхшимас, – жиддий оҳангда давом эттирди гапини қиз. – Бизни жуда ҳам хафа қияпсиз, ахир, мен ҳам, ойим ҳам сизни жуда яхши кўрамыз. Мисол учун мен сира ҳам сизсиз туropolмайман. Сиз бўлмасангиз, зерикиб, ўлар ҳолатга келаман. Сизга очигини айтаетганимнинг сабаби, бундан буён бу қилигингизни ташланг, зимзиё бўлиб кетманг. Қўлингизни беринг, “Сув кечаётган Исо”ни сизга ўзим кўрсатаман, у оранжереянинг орқасидаги хонага қўйилган. Отам уни атай ўша ерга қўйдирди, меҳмонлар аввал бошқа залларни кўриб, кейин у ерга ўтишаркан. Отам ўзининг саройига шунчалар берилиб кетдики, асти қўяверасиз!

Улар одамлар орасидан оҳиста ўтиб боришарди. Ҳамма бу гўзал йигит билан латофатли қизчага қараб қолар эди.

– Бунчалар чиройли экан булар! Антиқа! – деб қўйди бир машҳур рассом.

“Мен ростдан ҳам уста одам бўлганимда, мановинга уйланган бўлардим, – деб ўйларди Жорж. – Бу унчалар қийин ҳам эмасди. Нега илгари калламга келмаган экан-а? Қандай қилиб мен ановинга уйланиб қолдим ўзи? Тоза расво бўлди-да! Олдин хўп орқа-олдини ўйлаб, кейин бу ишга бош тикиш керак эди”.

Ҳасад, томчилаб турган ҳасад унинг юрагини тўлдирмоқда, унинг борлигини бир оғу каби тинимсиз заҳарламоқда, ҳаётини кўзларига буткул қоронғи қилиб кўрсатмоқда эди.

– Рост айтаман, Азизим, тез-тез келиб туринг, – дерди Сюзанна. – Отам бойиб кетди, энди мазза қилиб ўйнаймиз. Ялло қиламиз.

Лекин Дю Руани ҳамон бояги фикр ўртамоқда эди.

– Мана энди сиз эрга чиқасиз! Ўзингизга келишган, лекин бир оз камбағаллашиб қолган шаҳзода-ни топиб оласиз, кейин бизга йўл бўлсин.

– О, йўқ, ҳали эрта бунга! – самимий деди қиз. – Мен фақат ўзимга ёққан одамгагина турмушга чиқаман, аввал ёқтиришим керак. Менинг давлатим икки кишига етиб ортади.

Дю Руа нафрат билан масхараомуз илжайган кўйи қизга ён-верларидан ўтиб турган одамларнинг номларини шипший бошлади – буларнинг кўпчилиги олий кибор доира одамлари бўлиб, улар ўзларининг эски занг босган юксак унвонларини Сюзаннага ўхшаган бадавлат сармоядорларнинг қизларига сотишган, энди эса, хотинлари билан ёки улардан ажралган ҳолда тараллабедод қилиб яшашар, ҳурмат-эътиборлари жойида эди.

– Бас бойлаб айтишим мумкин, ярим йил ўтар-ўтмас сиз ҳам шу қармоққа илинасиз, – деди Жорж. – Маркизами, герцогинями, княгинями бў-

либ, ойим, кейин менга ҳам бурнингизни кўтариб қарайдиган бўлиб қоласиз.

Қиз, бўлмаган гап дер, елпигичи билан унинг қўлларига шапатилар, фақат ўзим севган одамгагина турмушга чиқаман, деб писанда қиларди.

– Кўрамиз, кўрамиз, сиз бунинг учун жуда ҳам бойсиз, – дея уни гижгижларди Жорж.

– Сиз ҳам бойсиз, ахир ўзингиз ҳам мерос олибсиз-ку, – гапни бурди қиз.

– Топган гапингизни қаранг! – юзини нордон нарса егандай буриштириб деди Жорж. – Йилига йигирма минг рента. Бу кунларда урвоқ ўрнида ҳам саналмайдиган пул.

– Аммо хотинингиз ҳам меросхўр бўлибди-ку.

– Ҳа. Ҳозир икковимизнинг пулимиз бир миллион. Йилига қирқ минг фойда келтиради. Бунга ҳатто тузукроқ сайр қилиб келиш ҳам қийин.

Улар сўнгги залга кирдилар, шунда кўз ўнгла-рида юксак тропик дарахтлар остида чаппар уриб гуллаб ётган ноёб гуллар ўсган қишқи боғ очилди. Қуюқ яшил барглар орасидан қумуш тўлқин солиб нурлар сизиб ўтар, намхуш ер ҳиди анқир, ўсимликларнинг анвойи ҳидлари тараларди. Бу ширин муаттар бўйларда одамнинг асабини қитиқлайдиган, толиқтирадиган, сунъий, соғлом бўлмаган алланима бор эди. Икки қатор ўсган буталар орасига тўшалган гиламлар фавқулодда сув ўтларини эслатарди. Боғчанинг чап томонида пальмаларнинг қуббаси тагида Дю Руа оқ мраммрдан ишланган ҳовуз борлигини кўрди, ҳовуз шунчалар катта эдики, унда бемалол чўмилиш мумкин эди, унинг чор бурчакларига чинни оққушлар ўрнатилган эди; оққушларнинг тумшуқлари ярим очилган, улардан сув оқиб турмоқдайди.

Ҳовузнинг тагига қизил қум сочилган бўлиб, каттакон қизил хитой балиқлари сузиб юрарди.

Бу ғалати балиқларнинг кўзлари бўртиб чиққан бўлиб, тангалари устида зангори тасмалари йилтираб турарди, ушбу сув мандаринлари жимжимадор хитой кашталарини эслатарди: уларнинг баъзилари сувда сузиб юришар, бошқа бирлари ҳовузча тагида муаллақ қотиб қолгандай эдилар.

Дю Руа тўхтади, юраги гупиллаб уриб кетди. “Мана буни ҳашамат деса бўлади! – дерди у ўзига-ўзи. – Киройи мана шунақа уйларда яшасанг. Лекин буларнинг бари бировники. Нима, шундай саройларга эга бўлиш менинг қўлимдан келмайдими?” У бунинг йўлини топишга уринар, лекин калласига ҳозир дурустроқ бир фикр келмас ва у ўзининг ожизлигидан дарғазаб бўларди.

Унинг ҳамроҳи ҳам ўз хаёлларига берилиб кетиб, жим бўлиб қолганди. Дю Руа унга зимдан разм содди. “Мана шу тирик қўғирчоққа уйлансанг, ҳаммаси жойида бўлиб кетган бўларди-я!” – ўйлади у.

Сюзанна бирдан ўзига келди.

– Дикқат! – деди у ва йўлларини тўсиб турган одамлар орасидан ўтиб, кутилмаганда чап томонга бурилди.

Ғаройиб ўсимликлар орасида, уларнинг худди бармоқлари узун ва ингичка, кафтлари очиқ узатилган титроқ қўллар каби туюлган япроқлари орасида денгиз тўлқинларидан кўтарилиб келаётган одам гавдаланарди.

Буни кўрганда кишининг ҳайратдан оғзи очилиб қоларди. Чор атрофи парпираб турган япроқлар ичра кўринмай турганидан картина ҳаёлий, йироқ манзиллар сари чорлаётган ажиб бир нузли қопқа бўлиб кўринарди.

Суратга разм солиб қаралганда, ҳаммаси ойдинлашарди. Чайқалиб турган қайиқнинг ярми рама-

дан ташқарида қолганди, унда фонарнинг хира ёруғида авлиёлар кўринар, улардан бири қайиқ четида ўтириб, чироқни яқинлашиб келаётган Исо алайҳиссаломга тутиб турмоқдайди.

Исо алайҳиссалом бир оёғини тўлқинлар узра ташлаганди, тўлқин мусаллам бўлиб, майинлик билан қуйи тушган, илоҳий мақдам ташлаган оёқларни ўпиб чўккан. Одамхудонинг теварагини зимистонлик қоплаган. Юксак коинот ичра юлдузларгина милтилаб кўринади.

Исога тутилган чироқнинг хира, паришон зиёсида саҳобаларнинг юзлари илоҳиёт қаршисида кўрқувдан бужмайиб кетган каби туюларди.

Бу чинакам қудратли, юксак хаёл кучи билан яратилган асар эди, у бир умрга инсон хаёлхонасида муҳрланиб қолар, олий ўйлар уйғотар, саросимага соларди.

Одамлар миқ этмай картинага тикилиб қолишар, сўнг хаёлга толган ҳолда нари кетишар ва анча вақт ўтгандан кейингина у ҳақда фикрлаша бошлар эдилар.

Дю Руа картинани кўргач, деди:

– Шундай антиқа нарсани сотиб олишга қурби етибдими, яшаворсин-е!

Уни суратни кўргиси келган бошқа одамлар нари суриб юборишди, шундан кейин у ҳамон Сюзаннанинг нозик қўлларидан ушлаб олганча, ўзини четга олди.

– Шампан ичасизми? – сўради Сюзанна. – Юринг, буфетга борамиз. Отамни ўша ердан топамиз.

Улар яна заллардан ўтиб орқага қайтишди, одамлар тобора кўпайиб борар, ясан-тусан қилган бу сершовқин одамлар ўзларини бу ерда жамоат сайилгоҳида юргандай ҳис қилишарди.

Бирдан Жоржнинг қулоғига:

– Ана Ларош билан Дю Руа хоним, – деган овоз чалингандай бўлди.

Бу сўзлар унинг қулоғига шамол йироқлардан келтирган шивирлаган пайғом каби эшитилди. Ким айтди бу сўзларни?

У атрофига назар ташлаб, чиндан ҳам хотинини кўрди, – у министр билан қўлтиқлашган ҳолда келарди. Улар бир-бирларига термилишган қўйи секин сирли бир нарсани гаплашиб келардилар.

Жоржга ҳамма уларга қараб пичирлашаётгандек бўлиб туюлди. Шунда унда бемаъни ваҳший бир майл уйғонди, бориб уларни ўласи қилиб ургиси, ерга парчинлаб ташлагиси келди.

Хотини уни кулгили аҳволга солиб қўймоқда эди. У Форестъени эслади. Балки, энди ўзи ҳақида ҳам “Алданган Дю Руа”, деб валақдай бошлашар. Хотини ўзи ким бўлибди? Мартабага берилган устомон бир хотин-да, аслини суриштириб келганда, айтарли тилга оладиган жойи ҳам йўқ. Тўғри, унинг уйига меҳмондорчиликка келиб туришади, лекин келсалар, Дю Руадан қўрққанларидан, унинг кучидан ҳайиққанларидан келадилар, бироқ орқаворатдан уларни ўртамиёна журналист деб оғизларига сиққанча ёмонлаб гапирадиганлар ҳам топилади. Бунақа хонадон шаънини булғайдиган, доимо ўзининг обрўсини тўкиб юрадиган, ҳар кимларнинг қўлида ўйинчоқ бўлишдан ор қилмайдиган, этагини эпломмаган хотин билан ҳеч қачон косаси оқармайди, бири икки бўлмайди. Энди у бўйнига осилган тошнинг ўзи бўлди қўйди. Эҳ, қанийди энди буларни илгарироқ билса, олдинроқ англаган бўлса! Унда нима қилишни ўзи биларди, унда тоғларни ағдариб талқон қилган бўларди! Сюзаннани қўлдан чиқармаганда ҳозир қандоқ одам бўлиб кетар эди, эҳ-ҳе! Нега унинг кўзлари шунча-

лар кўр экан, нега олдинроқ бу нарсалар хаёлига келмади экан?

Улар емакхонага киришди. Бу ҳайҳотдай бир хона бўлиб, мраммар устунлар қўйилган, деворлари қадимий гиламлар билан қопланганди.

Вальтер ўзининг ходимига кўзи тушиб, унга томон қучоқ очиб пешвоз юрди. Бахтиёрликдан боши осмонга етганди унинг.

– Сиз ҳаммасини кўрдингизми? Сюзанна, сен унга кўрсатдингми? Одамларни қаранг, одамларни, Азизим! Князь Гершга кўзингиз тушдими? У ҳозиргина бу ерга бир стакан пунш ичгани кирувди.

Лекин Вальтер шу заҳоти сенатор Рисолени кўриб қолиб, унга томон қучоқ очиб борди. Сенатор ўзининг чорбозорчи хотинлардай бежаниб олган хотинини бошлаб келарди, хотини гоятда фаромуш кўринарди.

Сюзаннага баланд бўйли, малла ранг бакенбардлар қўйган, сочлари энди тўкилиб кела бошлаган йигит таъзим қилди. У сийқаси чиққан кибор сўтакларга ўхшашиб кетарди. Кимдир “Маркиз де Казоль” деб унинг исмини айтди, шунда Дю Руа дарҳол Сюзаннани ундан қизгана бошлади. Улар анчадан бери танишмикинлар? Албатта, Сюзанна бойиб кетгандан кейин танишишган. Жорж унга ўзига рақиб деб қарай бошлади.

Кимдир Жоржнинг қўлтиғидан олди. Норбер де Варен экан. Кекса шоирнинг сочлари ёғ босган, эгнидаги фрак уриниб қолган, ўзи лоқайд ва ҳорфин кўринарди.

– Ўзларича хурсандчилик қилишяпти, – деди у. – Ҳозир рақс бошланади, кейин ҳаммалари ухлагани ётадилар, қизчалар хурсанд бўлишади. Ажойиб шампан бор, ичмайсизми?

У қадаҳга ўзига май қуйди, Жорж ҳам қўлига қадаҳ олди.

– Руҳий бойликнинг миллионлардан устун келиши учун ичаман,– деди Норбер унга тавозе билан, кейин майинлик билан қўшиб қўйди: – Улар менга тўғаноқ бўлишаётгани йўқ, уларга ҳавас ҳам қилмайман, мен нафсиламрига айтяпман.

Дю Руа унга энди қулоқ солмай қўйди. У маркиз де Казоль билан аллақаяққа ғойиб бўлган Сюзаннани кўзлари билан қидирди-да, Норберга чап бериб, уларни излай кетди.

Сурат кўришга ишқивоз бўлганларнинг издиҳомини унинг йўлини тўсиб қўйди. Ниҳоят, у одамлар орасидан ёриб ўтиб эр-хотин Мареллар билан юз-ма-юз тўқнаш келиб қолди.

Хотини билан тез-тез учрашиб турган, лекин ўзини анчадан бери энди кўриб туриши эди. Жаноб де Марель унга иккала қўлини чўзди:

– Қадрдоним, Клотильдадан айтиб юборган гапингиз учун сиздан беҳад миннатдорман! Мен Марокаш заёмидан юз мингга яқин ютдим. Бунинг ҳаммаси сиз туфайли. Сиздан ўла-ўлгунча қарздорман. Шунга айтадилар-да, бебаҳо дўст деб!

Эркаклар лобар, нафис, қорача жувонга тикилиб-тикилиб ўтишарди.

– Сиздан угина, биздан бугина, Азизим, – деди Дю Руа, – сиздан хотинингизни тортиб оламан, тўғрироғи, унга қўлимни таклиф қиламан. Эр-хотинларни доимо бир-бирларидан ажратиш керак.

Жаноб де Марель бошини эгди:

– Рост айтасиз. Агар сизларни йўқотиб қўйсам, бир соатдан кейин шу ерда учрашамиз.

– Жуда соз.

Дю Руа ва Клотильда одамлар ичига кириб кетишди; эри уларнинг орқаларидан эргашди.

– Вальтерларнинг роса омади юрган-да, – дерди Клотильда. – Уста корфармо деб шуни айтадилар.

– Нима бўлибди! Кучли одамлар қандай қилиб бўлмасин, ўз айтганларининг уддасидан чиқади-лар, – деб қўйди Жорж.

– Ҳар бир қизига йигирма – ўттиз миллиондан қалин беради, – деб давом этди Клотильда. – Яна Сюзанна қурмагурнинг бирам ширин эканлигини айтмайсанми.

Жорж индамади. Ўзининг хаёлига келган фикр-ни бошқа одамнинг оғзидан эшитса, унинг феъли айнирди.

Клотильда “Сув кечаётган Исо”ни ҳали кўрмаган экан. Жорж унга ўзи кўрсатадиган бўлди. Йўл-йўлакай ундан-мундан гаплашиб, одамлар устидан кулиб боришди. Уларнинг ёнидан фрак ёқасига бир тўда орденларни осиб олган Сен-Потен ўтиб кетди, бу уларнинг кулгиларини қистатди. Ҳатто унинг орқасидан келаётган собиқ элчида ҳам бунча кўп орден йўқ эди.

– Жамият эмас бу – ола байроқ! – деб қўйди Дю Руа.

Уларнинг олдиларига саломлашгани келган Буаренарнинг ёқасида ҳам ўша дуэль куни таққан зарғалдоқ тасма ҳилпираб турарди.

Холи хоналардан бирида ясан-тусан қилиб олган семиз виконтесса де Пресмюр аллақандай бир герцог билан суҳбатлашиб ўтирарди.

– Севги изҳор қиляпти, – дея шипшиди Жорж.

Қишки боғда бўлса унинг хотини Ларош Матье билан ёнма-ён ўтиришар, – ўсимликлар орқасидан улар деярли кўринишмасди. Уларнинг бутун важоҳатларидан: “Биз бир-биримиз билан ҳамма-нинг кўз ўнгида висол топишамиз. Ким нима деса, деяверсин, биз унақа гапларга тупурдик”, деган маънони уқиш мумкин эди.

Карл Марковичнинг “Исо” картинаси де Марель хонимга қаттиқ таъсир қилди. Кейин улар келган

изларига қайтдилар. Жаноб де Марелни йўқотиб қўйдилар.

– Лорина ҳалиям мендан хафа бўлиб юрибдими? – сўради Жорж.

– Ҳалиям хафа. Сени кўргиси йўқ, сен ҳақингда гап очилиши билан ўрнидан туриб кетади.

Жорж индамади. Қизчанинг тўсиндан уни бу қадар ёмон кўриб қолгани юрагини ғаш қилиб турар эди.

Эшик олдида уларни Сюзанна тўхтатди.

– Э, бу ёқда экансиз-ку! Ана энди, Азизим, бир ўзингиз қоласиз. Гўзал Клотильдани мен ўғирлаб кетаман, унга ўз хонамни кўрсатмоқчиман.

Шундан кейин ҳар икковлари одамлар орасидан илондек биланглаб тез-тез юриб кетдилар, тўда ичида фақат хотинларгина мана шундай чаққон юра оладилар.

Худди шу замонқ кимдир шивирлади:

– Жорж!

Вальтер хоним экан.

– Мунчалар ҳам бераҳм экансиз! – зўрға шивирлади хоним. – Нега мени мунчалар қийнайсиз! Сизга айтадиган уч-тўрт оғиз гапим бор эди, Сюзеннадан ҳамроҳингизни олиб кетишни сўрадим. Биласизми, мен бугун... бугун кечқурун сиз билан гаплашиб олишим керак... бўлмаса... бўлмаса... жуда ёмон бўлади. Оранжереяга боринг. Чап томонда боққа чиқиладиган эшик бор. Хиёбондан тўғри юриб бораверасиз. Энг охирида шийпон бор. У ерга мен ўн минутдан кейин бораман. Агар бормайман десангиз, қасам ичаманки, ҳозир шу ернинг ўзида жанжал-тўполок чиқараман!

– Бўпти, – деди унга такаббуруна қараб қўйган Жорж. – Ўн минутдан кейин айтилган ерда бўламан.

Шундай деб улар ажралишдилар. Жорж сал бўлмаса, Жак Ривални деб кечга қолай деди. Риваль

уни қўлтиқлаб олганча ҳаяжонланган ҳолда янгиликларни сўйлаб бера бошлади. У, афтидан, ҳозиргина буфетдан чиққанга ўхшарди. Дю Руа уни эшикда рўпара келиб қолган жаноб де Марелнинг измига топширди-да, ўзи ғойиб бўлди. Ҳали яна хотини билан Ларошнинг олдидан билдирмай ўтиб кетиш ҳам керак эди. Бу унчалик қийин ҳам бўлмади, улар бир-бирларига жуда берилиб гаплашиб ўтиришар, унча-мунчани пайқайдиган алфозда эмас эдилар, Жорж боққа чиқди.

Очиқ ҳавода Жорж устидан муздек сув ағдарилгандай жунжикди. “Жинни, шамоллаб қолмасам эди ҳали”, деб ўйлади у ва бўйнини дастрўмоли билан боғлаб олди. Кейин хиёбондан оҳиста юриб кетди. Ичкарининг ёруғидан кўзи қамашиб, ҳеч нарса кўрмасди.

Хиёбоннинг иккала ёғида барглари тушган яланғоч буталар чайқалиб турарди. Деразалардан тўкилаётган шуълаалар буталар узра парча-парча сариф доғларга ўхшаб кўринарди. Бирдан йўлкада аллақандай оқ шарпа кўринди ва шу заҳоти Жорж Вальтер хонимнинг титроқ овозини эшитди, у ёқалари кенг очилган енгсиз қўйлақда унга томон шошиб юриб келарди.

– Сенмисан? Нима, мени гўрга тиқиб кетмоқчимисан ўзи? – пичирлади у.

– Менга қара, ади-бадини қўй, – бамайлихотир гапирди Жорж. – Бўлмаса, ҳозирнинг ўзида кетиб қоламан.

У Жоржнинг бўйнидан иккала қўли билан ачомлаб олди ва лабларини унинг лабига жуда ҳам яқин олиб бориб деди:

– Ахир, сенга нима қилдим? Нега мени ҳадеб қийнайверсан? Сенга нима ёмонлик қилдим?

Жорж уни ўзидан четлатишга уринди.

– Кейинги кўришган кунимиз сен сочларингни тугмаларимга ўраб кетибсан, сал бўлмаса хотиним билан борди-келдига бориб қолай дедик.

У аввал ҳайрон бўлди, кейин бошини сарак-сарак қилди.

– Йўқ, хотинингнинг бунақа нарсалар билан сира иши йўқ. Биронта ўйнаш-пўйнашинг гиди-биди қилгандир.

– Менинг ўйнашларим йўқ.

– Яхшиси, оғзингни юм! Нега ҳеч меникига келмай қўйдинг? Нега, жуда бўлмаса, ҳафтада бир марта меҳмон бўлиб келмайсан? Бутун фикри хаёлим сенда, кўз ўнгимда турганинг турган, ҳар дамда оғзимдан номинг чиқиб кетишидан қўрқиб тураман, сени шунчалар яхши кўраман. Йўқ, сен буни тушунмайсан! Мен худди исканжага тушиб қолгандайман, қанорга қамалиб яшаётганга ўхшайман: менга нима бўлди ўзи, билмайман. Сени ўйлаганим ўйлаган, ўйлаган сайин юрагим сиқилади, тарс ёрилиб кетадиганга ўхшаб тураман, тиззаларим қалтираб, оёқларим чалишиб кетаверади, юролмай қоламан. Кун бўйи бир жойда ўтириб сени ўйлайман.

Жорж унга ажабланиб қаради. Ўзини биққигина шўх қизча қилиб кўрсатадиган илгариги хонимдан асар ҳам қолмаган эди, унинг бағрида турган жувон алаmidан телба бўлиб қолган, дунё кўзларига тор келиб, ҳозир ҳар нарсага қодир эди.

Шу тобда Жоржнинг хаёлида аллақандай янги фикр, режалар уйғониб келмоқда эди.

– Жонгинам, дунёда абадий севги-муҳаббат йўқ, – дея бошлади у. – Одамлар олдин бир-бирларини яхши кўришиб, кейин айрилиб кетаверадилар. Лекин ўртамизда бўлгандай бу узоққа чузиладиган бўлса, одамнинг кўкрагига тош осилгандан

фарқи йўқ. Бу тош билан юраверишга менда бошқа куч қолмади. Сенга очигини айтяпман. Бироқ сен ақл-ҳушингни йиғиб, менга дўст каби қарайдиган, дўст деб муносабат қиладиган бўлсанг, яна аввалгидек тез-тез уйингга келиб тураман. Нима дейсан, ўзингни тийиб олишга кучинг етадими?

– Менинг ҳар нарсага кучим етади, фақат сени кўриб турсам, бас, – дея пичирлади Вальтер хоним яланғоч қўлларини унинг елкаларига ташлаганча.

– Демак, келишдик, бундан сўнг дўст бўлиб қоламиз, – деди Жорж.

– Ҳа, келишдик, – шивирлади хотин ва унга дуоқларини тутди. – Яна битта ўп... охиргиси.

– Йўқ, – дея мулозимлик билан эътироз билдирди Жорж. – Сўзнинг устидан чиқиш керак.

Хотин юзини бурди, кўз ёшларини артиб олди ва корсажининг остидан пушти ипак лента билан боғланган пакет олиб Дю Руага узатди.

– Ол, Марокаш заёмидан ютилган сенинг улушинг. Сен учун ютганимдан жуда ҳам хурсандман. Ола қол...

Жорж олмайман деб туриб олди:

– Йўқ, мен бу пулни олмайман!

Шунда хотиннинг жаҳди чиқиб кетди:

– О, буниси энди ортиқча, бунга чидаб бўлмайди! Бу пуллар сеники, вассалом. Агар олмасанг, ахлатга ташлаб юбораман. Лекин, Жорж, жоним, қўлимни қайтарма, хўпми, қайтармайсан-а?

Дю Руа пулни олди ва чўнтагига солди.

– Юр, энди кетайлик, – деди у, – кўкрагингни шамоллатиб қўясан.

– Оҳ, қанийди! – секингина деди у. – Оҳ, қанийди ўлиб кета қолсам!

У Жоржнинг қўлларига ўзини ташлади, уни эҳтирос ичра ваҳшатомуз бир ҳирсинг зўри билан ўпиб олди ва уйга қараб чопиб кетди.

Жорж ўз хаёлларига чўмганча, унинг ортидан оҳиста уй томонга йўл олди. Оранжереяга қаддини роз тутиб, кўкрак керган ҳолда кериб борди, унинг лабларида табассум ўйнамоқдайди.

Хотини билан Ларош қайгадир ғойиб бўлишибди. Одамлар сийраклашиб қолибди. Балга кўпчилик қолмаслиги кўриниб турарди. Тўсиндан у опаси билан қўлтиқлашиб юрган Сюзаннани кўриб қолди. Улар Жоржнинг олдига келиб биринчи рақсга граф де Латур-Ивелен билан бирга тўртови тушишга таклиф этишди.

– Бу ким бўлди? – сўради у ҳайрон бўлиб.

– У опамнинг янги дўсти, – деб жавоб берди Сюзанна муғамбирона кулганча.

Роза дув қизариб кетди.

– Уялмайсанми, Сюзенна, нега энди у меники бўлар экан!

– Мен биламан.

Роза жаҳди чиқиб кетиб қолди.

Дю Руа Сюзаннани эски қадрдонлардай қўлтиқлаб олди.

– Менга қаранг, қўзичоғим, – дея гап бошлади у, унинг овозидан худди бол томаётганга ўхшарди, – сиз мени ўзингизга дўст деб биласизми?

– Бўлмасам-чи, Азизим?

– Менга ишонасизми?

– Ишонаман.

– Бугунги гаплашган гапимиз эсингиздами?

– Нимаиди?

– Сизнинг турмушга чиқишингиз ҳақида, тўғрироғи, сиз турмушга чиқадиган одам ҳақида.

– Эсимда.

– Ундай бўлса, менга бир нарсага ваъда беролмайсизми?

– Хўп. Лекин ўзи нима?

– Агар биров қўлингизни сўрайдиган бўлса, менга бир оғиз айтиб қўясиз, менинг фикримни билмай туриб, ҳеч кимга розилик бермайсиз, шунга сўз берасизми?

– Майли, розиман.

– Бу гап ўртамизда қолсин. На отангиз, на онангиз буни билмасликлари керак.

– Бўпти, айтмайман.

– Сўз берасизми?

– Сўз бераман.

Уларнинг олдиларига бир нарса айтмоқчи бўлиб Риваль чопқиллаб келди.

– Ойим қиз, отангиз сизни балга келсин дептилар.

– Юринг, Азизим, – деди қиз.

Лекин Жорж бормади, унинг бу ердан кетгиси, ёлғиз қолиб, яхшилаб ўйлаб олгиси келди. Антиқа гаплар, ғалати таассуротлар юрагини тўлқинлантирмоқда эди. У хотинини қидириб кетди ва кўп ўтмай уни буфетдан топди, у аллақанақа икки эркак билан ўтириб шоколад ичаётган экан. Мадлена уларга эрини таништирди, лекин уларнинг номларини эрига айтгани йўқ.

– Кетамизми? – сўради Жорж бир оздан сўнг ундан.

– Ўзинг биласан.

Мадлена эрини қўлтиқлаб олди ва улар кимсасиз бўлиб қолган заллардан ўтиб кетишди.

– Беканинг ўзлари қаердалар? – сўради хотини.

– Мен у киши билан хайрлашмоқчийдим.

– Ҳожати йўқ. У бизни балга қолинглар, деб қистайди, мен эса чарчадим.

– Ҳа, рост айтасан.

Улар йўл бўйи индамай боришди. Лекин ўз хоналарига киришлари билан Мадлена ҳали юзидаги тўрни ҳам олмай табассум билан унга деди:

- Биласанми, сенга бир ажойиб совғам бор.
- Яна қанақа совға? – гаши келиб сўради Жорж.
- Топ-чи.
- Бошимни қотирма.
- Хўп, майли. Индинга биринчи январ.
- Ҳа.
- Совға қилишнинг айна пайти.
- Ҳа.
- Мана сенга Янги йил совғаси, уни ҳозиргина менга Ларош берди.

Шунда Мадлена унга тилла нарсалар солиб қўй-
иладиган филофга ўхшайдиган мўъжазгина қора
қутича узатди.

Дю Руа қутичани лоқайдлик билан очди ва
унинг ичида Фахрий легион орденини кўрди.

У андек оқаринқиради, кейин илжайиб деди:

– Менга қолса, мундан ўн миллион пул тузук
эди. Бу унга жуда арзон тушган.

Хотини унинг ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетиши-
ни кутган бўлса керак, бу қадар совуққонлик қи-
лишидан фигони чиқди.

– Сен билан яшаш жуда оғир бўлиб кетяпти.
Сенга ҳеч ёқмай қолдик.

– Бу одам бизнинг олдимиздаги қарзини узяпти,
бошқа гап йўқ, – дея совуққина сўйлади Жорж. – У
менинг олдимдаги қарзларини ҳали узганича йўқ.

Мадлена унинг гапидан ҳайрон бўлиб қолди.

– Лекин сенинг ёшингда бу ёмон эмас-ку, – деди у.

– Нисбатан ёмон эмас, – эътироз қилди Жорж.

– Мен ҳозир кўпроқ нарсаларга эришган бўлишим
мумкин эди.

У қутичани камин устига қўйди-да, ярқироқ
юлдузчани томоша қила бошлади. Кейин қутича-
ни ёпди ва елкасини қисиб қўйиб ечина бошлади.

Биринчи январ куни чиққан “Ҳукумат ахборо-
ти”да чиндан ҳам публицист Проспер-Жорж Дю

Руа жаноблари кўрсатган катта хизматлар эвазига Фахрий легион ордени кавалери унвони берилганлиги хабар қилинди. Унинг фамилияси икки сўзга бўлиб босилган эди. Жорж ордендан ҳам шунга кўпроқ хурсанд бўлди.

Ижтимоий аҳамият касб этган бу хабарни газетада ўқигандан бир соатлар кейин унга Вальтер хонимдан хат келтиришди: у Жоржни хотини билан бирга келиб бу мукофотни байрам қилиб кетишни ялиниб-ёлвориб сўраганди. Жорж аввал иккиланиб турди, кейин маънодорроқ қилиб ёзилган хатни ўтга ташлаб юборди-да, Мадленага деди:

– Бугун Вальтерларникида меҳмон бўламиз.

Мадлена ҳайрон бўлди.

– Ростданми? Кечагина ўзинг айтмовдингми, у ерни елкамнинг чуқури кўрсин, деб?

– Гапни айланторма, – хотинининг ундан эшитган гапи шу бўлди.

Улар келсалар, Вальтер хоним яқин кишилар билан суҳбатлашадиган хос хонада бир ўзи ўтирган экан. У бошдан-оёқ қора кийинган, сочларига упу сепган ва бу унга ғоятда ярашган эди. Узоқдан қарига ўхшаб кўринар, яқиндан ёш булиб туюларди, зийрак одам кўзни алдайдиган бу ҳолатни сезиб олиши мумкин эди.

– Қора кийиниб олибсиз? – сўради Мадлена.

– Нима десам экан, – маъюс деди жувон. – Ҳамма хеш-ақраболарим соғ-саломат. Лекин менинг ёшим ўтиб қолди, ўтган ёшлигимга кийган қорам шу. Бу мен учун қутлуғ мотам. Бундан буён мен уни юрагимда сақлайман.

“Тишингни бос”, деди ўзига Дю Руа.

Меҳмондорчилик зерикарлигина бўлиб ўтди, фақат Сюзаннагина тинмай гапириб ўтирарди. Роза нима учундир ташвишли кўринарди. Ҳаммалари журналистни қизгин табриклашди.

Кечқурун ҳаммалари гангур-гунгир гаплашганларича залларни, қишки богни кезиб юришди. Дю Руа орқада Вальтер хоним билан келарди, хоним унинг қўлидан тутиб қолди.

– Менга қаранг, – деди у оҳиста. – Мен сизга бошқа ҳеч нарса демайман, ҳеч қачон... Фақат меникига келиб тулинг, Жорж. Кўряпсизми, сизни энди “сен”лаётганим ҳам йўқ. Лекин мен сиз сиз яшай олмайман, яшолмайман. Мен даҳшатли жазога гирифтор бўлдим. Мен кечаси-ю кундузи сизни ўйлайман, кўз ўнгимдан бир сония бўлсин нари кетмай, хаёлимда турасиз, мен сизнинг сиймоингизни қалбимда, жисмимда сақлайман. Менга худди бир оғу бериб қўйганга ўхшайсиз, у аъзойи баданимни кемириб ташлаяпти. Бошқа чидолмайман. Йўқ. Чидолмайман. Мени, майли, бир кампирдай кўлинг, розиман. Мен атай сочларимни оқартирдим, кўзингизга кампир бўлиб кўринай деб. Фақат, мени ўзингизга дўст тутиб келиб тулинг, онда-сонда бўлса ҳам бир йўқлаб кетинг.

У Жоржнинг қўлларини гижимлаб эзар, тирноқларини ботирарди.

– Бунга келишганмиз, – деди бамайлихотир Жорж. – Бошқа бу ҳақда гапириб ўтиришнинг кераги йўқ. Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, мен хатингизни олган заҳоти етиб келдим.

Вальтер қизлари ҳамда Мадлена билан олдинроқда боришарди: “Сув кечаётган Исо” қаршисига боргач, Вальтер тўхтади, Дю Руанинг келишини кутди.

– Буни қаранг, – деди у кулганча, – кеча қарасам, хотиним сурат қаршисида тиз чўкканча ибодат қиляпти. Кула-кула ўлибман!

– Исо сиймоси гуноҳларимни ювади, – деди ишонч билан Вальтер хоним, унинг овози яширин бир нарсадан фахрланаётган каби жарангли эши-

тиларди. – Ҳар сафар унга қарасам, кучимга куч қўшилаётгандай бўлади.

Денгиз тўлқинлари узра қад кўтарган одамхудога боқиб у яна шивирлаганча қўшиб қўйди:

– Қанчалар гўзал малак у! Анови одамлар ундан қанчалар қўрқишади, қанчалар севишади уни! Унинг бошига, унинг кўзларига қаранг, ҳаммаси бирам оддий, яна бирам илоҳийки!

– Муни қаранглар, у сизга ўхшар экан, Азизим! – дея хитоб қилди Сюзанна. – Ростдан, жуда ҳам ўхшайди. Агар сизнинг озгина соқолингиз бўлганда ёки бўлмасам унинг соқоли қирдирилган бўлганда, бир-бирингиздан ажратиб бўлмасди. Вой тавба!

У Жорждан сурат билан ёнма-ён туришни сўради. Шунда ҳаммалари уларнинг юзларида ўхшашлик борлигини кўришди.

Ҳаммалари говур-гувур қилиб бундан ҳайрон бўлишди. Вальтерга бу айниқса жуда ҳам антиқа бўлиб кўринди. Мадлена кулиб, Исонинг кўриниши мардонроқ, деди.

Вальтер хоним турган ерида шағам бўлиб қолди, у дам севгилисининг юзига, дам Исонинг чеҳрасига синчиклаб тикиларди. Шунда унинг чеҳраси сочлари каби оппоқ оқариб кетди.

VIII

Қиш охирларига келиб эр-хотин Дю Руалар Вальтерларникига тез-тез бориб туришадиган бўлиб қолишди. Ҳатто Жорж кўпинча у ерда бир ўзи меҳмон бўлар, чунки Мадлена чарчадим деб уйдан чиқмасди.

Жорж жума кунлари Вальтерларникига келар ва шу куни Вальтер хоним бошқа ҳеч кимни қабул қилмасди. Бу кун фақат ёлғиз Азизимга бағишланарди. Таомдан сўнг карта ўйнашар, хитой ба-

лиқларини хўрак билан боқишар, вақтларини хушкўнгиллик билан кечирешарди. Бирон эшикнинг орқасидами, қишки боғнинг буталари орасидами, хуллас, дуч келган хилватроқ жойда Вальтер хоним Жоржни маҳкам қучоқлаб олар ва уни бор кучи билан тўшларига босаркан, қулоқларига шивирларди:

– Мен сени севаман!.. Мен сени севаман!.. Жинни бўлиб қоламан!

Лекин Жорж уни совуққонлик билан четга сурар ва қуруққина қилиб:

– Агар яна ўз билганингиздан қолмасангиз, бу ерга қадам босмайман, – дерди.

Мартнинг охирларида кутилмаганда опа-сингиллар турмушга чиқишаётганмиш деган гаплар тарқалди. Розага куёв деб граф де Латур-Ивеленни, Сюзаннага эса маркиз де Казолнинг номларини тилга олишарди. Бу ҳар иккала жаноб ҳам Вальтернинг уйига канда қилмай ташриф буюришар, уларга оила аъзоларига қаралгандай муносабатда бўлинар, аллада азиз, тўрвада майиз қилинар эдилар.

Жорж билан Сюзанна ўртасида эса, дўстона бир яқинлик туғилган, бир-бирларига ака-сингилдай муомала қилардилар. Улар бир-бирлари билан гаплашиб зерикишмас, гаплари ҳам тамом бўлмас, одамларнинг гийбатини қилиб, уларни мазах қилиб ўтиришар, афтидан, юлдузлари юлдузларига роса тўғри келиб қолган, ирқлари бир-бирларига ўтиришган эди.

Икковлари ҳам на бўлажак тўй ва на ким куёв ҳақида оғиз очишарди.

Бир куни эрталаб хўжайин Дю Руани ўзиникига судраб олиб кетди, нонуштадан сўнг Вальтер хонимни аллақандай бир корчалон билан музокарага чақириб кетишгач, Жорж Сюзаннага:

– Юринг, тилла балиқларни боқамиз, – деб қолди.

Улар столдан бир бурдадан оқ нон олишиб қиш-ки боғ томон кетишди.

Мармар ҳовуз теварагида балиқларни тиз чўкиб ўтириб кўришга қулайроқ бўлсин деб ёстиқчалар ташлаб қўйилган эди. Сюзанна билан Дю Руа ён-ма-ён туриб тиззаларини ёстиққа қўйишганча нонни ушоқлаб ҳовузга ташлай бошлашди. Балиқлар хўракни сезиб яқин келишди. Улар думлари билан қанотларини елпиганча, катта-катта кўзларини айлантириб атрофда кезишар, сув тубига чўккан нон ортидан шўнғишар, кейин яна юқорига сузиб чиқиб, хўракка илҳақ бўлиб туришарди.

Балиқлар офизларини кулгили суратда қимирла-тишар, ўлжани кўрганда унга шиддат билан ўқдек ташланишарди. Улар ҳовузнинг тагига солинган қизил қумда қон-қирмизи рангда товланишар, шитоб билан сузганларида эса, ҳовузнинг шаф-фоф сувларида олов парчалари каби ярқираб кетар эдилар, сувда муаллақ қотган чоғларида тангаларидаги мовий тасма кўриниб кетарди.

Жорж билан Сюзанна ўзларининг сувдаги аксларига тикилишар ва аксларига қараб жилмайишарди.

Шунда кутилмаганда Жорж деди:

– Мендан гап бекитадиган бўлибсизми, Сюзанна, бу яхшимас.

– Қанақа гапларни беркитибман, Азизим? – сўради қиз.

– Ҳов эсингиздами, зиёфат кечаси мана шу ерда менга сўз берганингиз?

– Йўқ.

– Битта-яримта сизнинг қўлингизни сўрайдиган бўлса, менга айтадиган бўлган эдингиз.

– Нима бўлибди?

– Сизга эга чиқмоқчи бўлган одамлар бор экан.

– Ким экан у?

- Ўзингиз яхши биласиз.
- Йўқ. Чин сўзим.
- Биласиз! Анов олифта найнов маркиз де Казоль.
- Биринчидан, у олифта эмас.
- Балки шундайдир. Лекин у фирт аҳмоқ. Бор буд-шудини қиморга бой берган, ишратга мук кетиб, ҳозир дирванглаб қолган. Сиз каби навқирон, ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳусндор ва оқила қиз шундоқ одамнинг қўлига тушса яхшими!
- Нега сиз унга қарши бўлиб қолдингиз, хусуматингиз борми? – кулиб туриб сўради қиз.
- Менми? Йўқ.
- Йўқ, бор. Лекин у сиз айтгандай одам эмас.
- Э, қўйинг-е. Тентак ва дажжол.
- Қиз сувдан кўзини олиб, бошини у томонга пиचाгина бурди.
- Менга қаранг, сизга нима бўлди?
- Мен... мен... мен сизни рашк қиламан, – деди у гўё юраги қаърида махфий ётган сирни фош қилишга мажбур бўлиб қолган одамдай.
- Қиз бундан унчалар ажабланмади.
- Сиз-а?
- Ҳа, мен!
- Ана холос! Нега энди?
- Чунки мен сизни севаман, сиз эса, афтингизни ел урмасин, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.
- Сиз жинни бўлибсиз, Азизим! – жиддий қилиб деди қиз.
- Жинни бўлиб қолганимни ўзим ҳам биламан, – деди Жорж. – Уйланган одам сиздай бир қиз билан бундай гаплашишга қандай ҳадди сиғсин! Жинни деб секинроқ айтасизми, мен ундан ҳам баттарроқман, ростини айтганда, мен жинойтчиман, аблаҳ бир одамман. Мен ҳамма умидларимдан айрилганман, шунинг учун ҳам ақл-ҳушим бошим-

дан учиб турибди. Менинг олдимда сизнинг эрга тегаётганлигингизни айтишса, жоним бўғзимга келади, битта-яримтасини ўлдириб қўйишга тайёр бўламан. Мени кечиринг, Сюзанна!

У жим бўлиб қолди. Балиқларга хўрак бериш ҳам эсларидан чиқди, балиқлар худди инглиз солдатларига ўхшаб бир қатор бўлиб сувда муаллақ туриб уларга қарашарди, лекин сувга аклари тушаётганларнинг хаёли энди бутунлай бошқа ерда эди.

– Эсизгина, бекор уйланиб қўйгансиз-да, – деди ярим ҳазил, ярим чин қилиб қиз. – Нима ҳам қилиб бўларди? Бунинг иложи йўқ. Ҳаммаси тамом бўлган!

Жорж бирдан юзини қизга бурди, унга жуда ҳам яқин борди ва сўради:

– Агар ҳозир эркин бўлганимда менга хотин бўлармидингиз?

– Ҳа, Азизим, мен сизга турмушга чиққан бўлардим: сиз менга ҳаммадан кўпроқ ёқасиз, – деб самимий жавоб берди қиз.

– Раҳмат... раҳмат... – шивирлади Жорж. – Сиздан илтижо қилиб сўрайман: ҳеч кимга ваъда бериб қўйманг. Яна бир оз сабр қилинг. Ялинаман! Сўз берасизми?

– Сўз бераман, – деди бир оз уялинқираган қиз унга бунинг нимага керак бўлиб қолганлигини англамаган кўйи.

Дю Руа қўлида қолган нонни сувга ташлади-да, худди чиндан ҳам телба бўлиб қолган одамдай, ҳатто хайрлашмасдан ҳам югура жўнаб қолди.

Сув юзида қалқиб қолган нонга балиқлар урра ёпишишди, талаб, тортиша кетишди. Улар нон бурдасини ҳовузнинг нариги томонига судраб олиб боришди ва унинг тагида ғуж бўлиб уймалаша бошлашди. Улар шу алфозда чир айланаётган жонли гултожга ўхшаб қолдилар.

Ҳаяжонланган, ҳайратга тушган Сюзанна ўрнидан туриб оҳиста ичкарига қараб юрди. Журналист кўринмасди.

Жорж уйга келганда ўзини босиб олган, хотиржам кўринарди, у хат ёзиб ўтирган Мадленага қарата деди:

– Сен жума куни Вальтерларникига зиёфатга борасанми? Мен бораман.

– Йўқ, – бўшашиброқ жавоб берди хотини. – Нимагадир тобим қочиброқ турибди. Мен, яхшиси, уйда қоламан.

– Ўзинг биласан. Зоримиз бор, зўримиз йўқ, – деди эри ва шу заҳоти шляпасини олиб чиқиб кетди.

Жорж анчадан бери унинг изига тушган, кузатиб, разм солиб ҳар бир қадамини текшириб юрарди. Мана, ниҳоят, узоқ кутилган дамлар келди. У “мен, яхшиси, уйда қоламан” деган гапнинг маъносини яхши англаб етди.

Кейинги кунлар ичида у хотинига юмшоқ, меҳрибон муомала қилиб юрди. Ҳатто одатдан ташқари ўзини шод-хуррам қилиб кўрсатди.

– Ана энди илгариги асл Жоржга ўхшаяпсан, – дерди Мадлена.

Жума куни у эрта кийина бошлади: ўзининг айтишига қараганда, хўжайинникига зиёфатга боришдан олдин қиладиган талай ишлари бор экан.

Соат олтиларда хотинини ўпиб қўйди ва уйдан чиқиб Нотр-дам-Лорет майдонига бориб, карета олди:

– Сиз Фонтэн кўчасига бориб, ўн еттинчи унинг қаршисида тўхтайсиз ва мен юринг демагунча кутиб турасиз, – деди Жорж кучерга. – Кейин мени Лафайет кўчасидаги “Қирғовул” ресторанига олиб борасиз.

От эринчоқлик билан лўкиллаб кета бошлади, Дю Руа дарича пардаларини тушириб қўйди. Ўз

уйининг тўғрисида тўхтаб эшикдан кўз узмай кута бошлади. Ўн минутлардан кейин Мадлена уйдан чиқиб ташқи бульварлар томонга юриб кетди. У сал нарироқ кетиши билан Жорж бошини дарчадан чиқариб қичқирди:

– Кетдик!

Бирмунча вақт ўтгач, файтон уни “Қирғовул” ресторанига олиб келди, бу шу атрофда анча тузук, ўртача ресторанлардан эди. Жорж умумий залга кириб ўзига таом буюрди. У шошилмасдан овқатланди, дам-бадам соатига қараб қўярди. Ниҳоят, кофе билан икки рюмка коньяк ичиб олди-да, ҳузур қилиб аъло навли сигарет чекди, соат роппа-роса етти яримда ресторандан чиқди, ўтиб кетаётган экипажни ушлади ва Ларошфуко кўчасига юришга буюрди.

Дю Руа эшикдаги қоровулга индамасдан ўзи экипаждан тушган уйнинг тўртинчи қаватига кўтарилиди. Хизматкор қиз эшикни очгач, сўради:

– Жаноб Гибер де Лорм уйдадилар?

– Ҳа, афандим.

Уни меҳмонхонага олиб кирдилар, бу ерда у бир оз кутиб турди. Сўнг унинг олдида баланд бўйли, қоматдор, орденлар таққан, сочларига эрта оқ оралаган азамат бир одам чиқди.

Дю Руа таъзим қилди.

– Тахминим тўғри чиқди, жаноб полиция комиссари, – деди Дю Руа, – менинг хотиним шу тобда ўз ўйнаши билан Мартир кўчасида ўзлари ёллаган хонада улфатчилик қиляпти.

Тартиб-интизомнинг сарвари бошини эгиб қўйди.

– Хизматингизга тайёрман, афандим.

– Биз ҳаммасини соат тўққизга қадар улгуришимиз керак, шундай эмасми? – давом этди Жорж. – Соат тўққиздан сўнг сиз зинони қайд этиш учун хусусий уйларга киришга ҳақли эмассиз, тўғрими?

– Бир оз бошқачароқ, афандим: қишда – соат еттигача, ўттиз биринчи мартдан эътиборан эса – соат тўққизгача. Бугун бешинчи апрел, демак, соат тўққизгача бизнинг вақтимиз бор.

– Ундай бўлса, жаноб комиссар, пастда мени экипаж кутиб турибди, биз йўл-йўлакай сизнинг агентларингизни ҳам ола кетамиз, кейин эшикда бир оз кутиб турамыз. Қанча кечроқ кирсак, уларни жиноят устида қўлга туширишимиз шунча осонроқ бўлади.

– Ихтиёр сизда, афандим.

Комиссар чиқиб кетди ва пальтосини кийиб чиқди, уч хил рангдаги камари пальтосининг тагида кўринмай қолди. У Дю Руани олдинга ўтказиш учун четланди, лекин ўз хаёллари билан банд бўлган Дю Руа биринчи бўлиб чиқишдан бош тортди ва бир неча бор:

– Сиздан кейин... сиздан кейин... – деб такрорлади.

– Юраверинг, афандим, мен ўз уйимдаман, – деди комиссар.

Дю Руа шундан кейин таъзим қилди-да, остона ҳатлаб ташқари чиқди.

Жорж ҳозирги бўладиган ишдан уларни кундузи огоҳлантириб қўйган эди, шунинг учун ҳам улар комиссариатга келишганда кишилик кийимидаги учта агент уларни кутиб ўтиришганди. Улардан бири кучер ёнига ўтирди, қолган иккиси карета ичига ўтиришди, кейин извош уларни Мартир кўчасига олиб борди.

– Менда квартиранинг плани бор, – деди йўлда кетишаркан Дю Руа. – Учтинчи қаватда жойлашган. Эшикдан кираверишда кичикроқ хона, ундан ётоқ билан ошхонага ўтилади. Учала хонадан бошқа хоналарга чиқиш мумкин. Қочиб чиқадиган эшик йўқ. Қочолмайдилар. Шу атрофда слесарь ҳам бор. У сизнинг буйруғингизга мунтазир.

Улар айтилган уйга келишганда соат саккиздан чорак ўтган эди. Йигирма минутга яқин эшикда миқ этмай кутиб туришди. Лекин Дю Руа ўн бешта кам тўққиз бўлиб қолди дегандан кейин комиссар:

– Энди юринглар, – деди.

Улар қоровулга эътибор ҳам бериб ўтиришмади, қоровул уларни пайқагани ҳам йўқ, зинадан тепага кўтарила бошладилар. Агентлардан бири пастда қолди.

Тўрттала киши учинчи қаватга чиқиб тўхташди. Дю Руа эшикка қулоғини тутиб ичкарини тинглади, кейин калит тешигидан қаради. Лекин ҳеч нарса кўринмас, ҳеч нарса эшитилмасди. Шунда у қўнғироқ тугмасини босди.

– Сизлар шу ерда тайёр бўлиб турунглари, – деди ўз одамларига комиссар.

Икки-уч дақиқалардан сўнг Жорж яна бир неча марта қўнғироқ тугмасини босди. Уй ичида қандайдир ҳаракатлар бошланди, енгил қадам товушлари эшитилди. Кимдир эшик томонга юрди. Журналист бармоғини букиб эшикни қаттиқ тақиллатди.

– Ким? – товуш эшитилди эшик ортидан: бу овозини ўзгартиришга ҳаракат қилган хотин кишининг товуши эди.

– Қонун номи билан – очинг эшикни, – деди комиссар.

– Сиз ким бўласиз? – сўради яна бояги овоз.

– Полиция комиссари. Очинг, бўлмаса, эшикни бузишга буюраман.

– Сизга нима керак?

– Бу мен, – деди Дю Руа. – Энди қўлга тушдинглар.

Яланг оёқдан чиққан қадам товушлари узоқлашди. Лекин яна бир сониядан сўнг эшик орқасидан келди.

– Агар очмасангиз, эшикни бузамиз, – деди Жорж.

У эшикнинг мис қабзасини босиб турар, елкаси билан эшикни ичкарига итарар эди. Ҳамон жавоб йўқ эди: шунда Жорж эшикни бор кучи билан итарди, мебелли хонанинг эски калити бунга дош беролмади. Қулфнинг михлари ҳар томонга учиб тушди ва Дю Руа сал бўлмаса Мадленанинг нақ устига қулаёзди. Мадлена хонада оёқ яланг, сочлари ёйилиб кетган, ички кўйлак-юбкада, қўлида шам ушлаган бир алфозда турган экан.

– Худди ўзи, уларни ушладик! – дея қичқирди журналист ва ўзини ичкари хоналарга урди.

Комиссар шляпасини қўлга олиб унинг кетидан юрди. Мадлена довдираб қолган, орқадан шам кўтарганча келарди.

Емакхонада стол устида ҳар хил қотган-қутган таомлар сочилиб ётарди: шампандан бўшаган шишалар, бир идишда озгина ейилган паштет, товуқ суяклари ва бурда-бурда нонлар кўзга ташланарди. Буфет устида икки тарелка тўла устрица чиганоқлари кўринарди.

Ётоқхонада ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Стул суянчиғида хотин кишининг кўйлаги, кресло устида эркак кишининг шими осилиб ётарди. Бири катта, бошқаси кичикроқ икки жуфт ботинка каравот ёнида сочилганди.

Бу одатдаги мебелли уйларнинг ётоқхонаси эди, ундан меҳмонхоналарнинг одамнинг кўнглини айнатадиган сассиқ чучмал ҳиди анқир, стуллар, деворлар, тўшаклар, дарпардалардан димоқни ёрадиган ёмон бўй келарди, кимдаким бу ерга бир кунгами, ярим йилгами кирган бўлмасин, ҳаммаси ўзига яраша бир ҳид, одам баданининг ҳидини қолдириб кетганди, мана шуларнинг ҳаммаси бир-бирига омухта бўлиб, ғалати, чучмал ва одам чидаб туриб бўлмайдиган сассиққа айланганди.

Камин устида пирожний солинган тарелка, шартрез шишаси ва икки чала ичилган қадаҳ тўда-лашиб ётарди. Бронза соат устига цилиндр ташлаб қўйилганди.

Комиссар шартта орқасига ўгирилиб Мадлена-га тик кўз ташлади.

– Сиз шу ерда ҳозир бўлган жаноб публицист Проспер-Жорж Дю Руанинг қонуний хотини Клер-Мадлена Дю Руа бўласизми, хоним?

– Ҳа, афандим, – деб аниқ жавоб берди Мадлена бўғилган товуш билан.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Мадлена жавоб бермади.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз? – такрорлади полиция комиссари. – Бу ер уйингиз бўлмаса, мебелли хоналарда нима иш қилиб юрибсиз, уст-бошингиз ҳам очиқ бунинг устига. Нега бу ерга келдингиз?

Комиссар жавоб кутарди. Лекин Мадлена миқ этмасди.

– Ўзингиз бўйингизга олмас экансиз, текши-риб кўришга мажбурмиз, – деди комиссар.

Каравотда адёл тагида одам борлиги билиниб турарди.

Комиссар каравот олдида борди.

– Марҳаматли жаноб! – қичқирди у.

Тўшақда ётган одам қимирламади. Афтидан, у юзини деворга буриб, бошига ёстиқ бостирган ҳол-да ётарди.

Комиссар кўринишдан ётган кишининг елкаси бўлса керак, ушлаб, деди:

– Марҳаматли жаноб, мени куч ишлатишга мажбур қилманг.

Бироқ ўраниб олган киши ўлиб қолгандай қи-мир этмай ётарди.

Шунда Дю Руа сакраб каравот олдида борди-да, адёлни тортиб олди, ёстиқни итқитиб юборди. Ла-

рош-Матъенинг қум ўчиб кетган башараси кўринди. Дю Руа унинг устига энгашиди ва ҳозир бўғиб ўлдирадигандай тишларини гижирлатиб вишиллади:

– Пасткашлигини ҳам бўйнига олгиси келмайди-я бунинг.

– Исмингиз? – сўради комиссар.

Бўларича бўлган ошиқ миқ этмасди.

– Мен полиция комиссари бўламан, номингизни айтишни талаб қиламан.

– Айт номингни, тиррақи, бўлмаса ўзим айтаман! – деди қутуриб кетган, дағ-дағ қалтираётган Дю Руа бақариб.

– Жаноб комиссар, – мингиллади тўшақда ётган киши, – манов киши мени ҳақорат қилмасин, айтинг. Мен кимга жавоб беришим керак, сизгами ёки унгами? Сиз мендан сўрашингиз керакми ёки уми?

Афтидан, унинг томоғи қақраб кетганди.

– Менга, фақат менга, афандим, – деди комиссар. – Мен сиздан кимлигингизни сўраяпман.

Ошиқ индамасди. У адёлни даҳанигача тортиб олиб, довдираб атрофга қарарди. Унинг гажакланган қўнғиз мўйлаби ўликникидай оқариб кетган юзида янада қорароқ бўлиб кўринарди.

– Демак, сиз жавоб беришни истамайсизми? – давом этди комиссар. – У тақдирда сизни қамоққа олишга мажбурман. Ҳар ҳолда ўрнингиздан туринг. Кийиниб олганингиздан сўнг сизни сўроқ қиламан.

– Лекин сиз қараб турсангиз мен ўрнимдан туrolмайман.

– Нега? – деб сўради комиссар.

– Негаки... негаки... мен қип яланғочман, – тутила-тутила деди ошиқ.

Дю Руа кулди ва ерда ётган кўйлакни олиб каравотга иргитди.

– Ҳечқиси йўқ!.. Тураверинг!.. – қичқирди у. – Агар менинг хотиним олдида туриб бемалол ечин-

ган экансиз, менинг олдимда туриб бемалол кийиниб олсангиз ҳеч нарса қилмайди.

Шу сўзларни айтгач, у орқасига ўгирилиб камин томонга юрди.

Мадлена энди ўзини босиб олганди: у ҳаммаси тамоm бўлганлигини тушуниб турарди, шу тобда оғзига сиққанини гапиришдан тоймасди. Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас деб, у чимирилиб турар, кўзлари ғалати йилтираб кетарди. У бир парча қоғозни ғижимлаб камин четида турган қўполроқ шамдонлардаги ўнта шамнинг барини худди меҳмон кутаётгандай ёқиб қўйди. Кейин каминнинг мрамар тахтасига суяниб, яланғоч оёқларини ёниб тугаёзган олов алангасига тутди, шунда эгнидан тушиб кетай деб турган юбкаси орқадан кўтарилиб қолди, у пушти қутидан папирос олиб тутатди.

Комиссар унинг шериги ўрнидан тургунча Мадленанинг олдига келди.

– Бунақа ишлар билан тез-тез шуғулланиб турасизми, марҳаматли афандим? – чимирилиб сўради хотин.

– Иложи борича камроқ шуғулланаман, хоним афанди, – деб жиддият билан жавоб берди комиссар.

Мадлена нафратлангандай тиржайиб қўйди:

– Яхши қиларкансиз, ўзи ёқимсиз иш-да.

У ўзини эрини кўрмаётганга солиб турарди.

Бу орада тўшакда ётган афанди кийина бошлади. У шимини кийиб, ботинкасини оёғига илди ва нимчасини кияркан, уларнинг қошига келди.

Комиссар унга қараб деди:

– Марҳаматли афандим, энди айтарсиз кимлигингизни?

У жавоб бермади.

– Унда сизни қамоққа олишга мажбурман, – деди комиссар.

– Тегманг менга! – кутилмаганда бақириб юборди у жаноб. – Мен шахсан дахлсизман.

Дю Руа бир уриб ағдарадиган одамдай отилиб унинг қаршисига келди.

– Сиз қўлга тушдингиз... қўлга тушдингиз... – вишиллади у. – Мен истасам, сизни қамоққа оламан... Ҳа, шундай.

Шунда у ҳаяжондан титраган овоз билан қичқирди:

– Бу одам Ларош-Матъе, ташқи ишлар министри! Полиция комиссари ҳайрат билан орқасига тисарилди.

– Бўла қолинг, марҳаматли жаноб, менга ким эканлигингизни айтасизми, йўқми? – ўзини йўқотиб қўйган ҳолда ғўлдиради у.

Жаноб нафасини ичига ютиб, ниҳоят, ҳаммага эшиттириб деди:

– Бу аблаҳ рост айтяпти. Мен чиндан ҳам министр Ларош-Матъе бўламан.

У Жоржнинг кўкрагида ёниб турган юлдузни кўрсатиб қўшиб қўйди:

– Яна мен бу палидга орден бериб юрибман, тақиб олибдилар.

Дю Руанинг рангида ранг қолмади. У кўкрагидаги лентани шартта юлиб каминга улоқтирди, лента аланганинг тилидай бир букилди-да, оловга бориб тушди.

– Сизга ўхшаган муттаҳамлар берадиган орденнинг баҳоси шу.

Улар тишларини ғижирлатиб, муштларини қисганларича қаҳр-ғазабдан қалтирашиб бир-бирларига дўлайиб туришарди: уларнинг бири – мўйлаблари дикрайган, қотма, иккинчиси – қўнғиздакки-на мўйлабчаси бураб қўйилган, семиз эди.

Комиссар шу заҳоти уларнинг ўртасига тушди.

– Жаноблар, бас қилинлар, ўзингизни босинг!

Улар индамай тескари қарашиб олдилар. Мадлена ҳамон жойидан жилмаган, илжайиб папиросини чекарди.

– Жаноб министр, — деб бошлади полиция комиссари, – сиз бу ерда Дю Руа хоним билан ёлғиз ётганларингизда устингиздан чиқиб қолдик: сиз тўшакда ётган экансиз, у киши эса ич кийимда экан. Сизнинг кийимларингиз ҳамма ёқда сочилиб ётибди. Буларнинг бари зино рўй берганлигини кўрсатади. Сиз буни тан олмай иложингиз йўқ. Нима дейсиз?

– Менинг гапирадиган гапим йўқ, нима лозим бўлса қилаверинг, – дея тўнғиллади Ларош-Матье.

Комиссар Мадленага қаради:

– Марҳаматли хоним, бу жаноб сизнинг ўйнашингиз эканлигини тан оласизми?

– Тан оламан, у менинг ўйнашим! – ҳаёсизлик билан деди хотин.

– Шунинг ўзи етарли.

Комиссар уйнинг кўриниши, аҳволи ҳақида яна баъзи бир нарсаларни ёзиб олди. Бу орада министр тамомила кийиниб бўлди, пальтосини қўлига ташлади, шляпасини олди ва комиссар ёзишдан тўхтагач, сўради:

– Мен сизга керакманми? Нима қилишим керак? Кетаверсам бўладими?

Дю Руа унга ўгирилиб қаради ва сурбетларча илжайиб деди:

– Бемалол, энди ҳожатингиз йўқ, шекилли? Биз тугатдик. Марҳаматли жанобим, яна тўшакка кираверсангиз ҳам бўлаверади. Сизларни ёлғиз қолдирамиз.

У полиция комиссарининг енгига бармоғини теккизди-да, қўшиб қўйди:

– Юринг энди, комиссар жаноблари, бизнинг бу ерда бошқа қиладиган ишимиз қолмади.

Комиссар бир оз ҳайрон қолиб унинг ортидан юрди. Бироқ уй остонасида Жорж тўхтади, комиссарни олдинга ўтказмоқчи бўлди. Комиссар одоб юзасидан кўнмади

– Юринг, юринг, афандим, – такаллуф қиларди Жорж кўймасдан.

– Сиздан кейин, – деди комиссар.

Шунда журналист таъзим қилди, ҳурмат-ҳазил оҳанги билан деди:

– Бу сафар сиздан бўлсин, жаноб комиссар. Бу ерда мен ўз уйимда тургандайман.

Шундан сўнг у эшикни оҳиста камсуқумлик кўрсатиб ёпиб чиқди.

Бир соатдан сўнг Жорж Дю Руа “Француз ҳаёти” редакциясига кириб борди.

Вальтер шу ерда экан. “Француз ҳаёти” кейинги пайтларда кенг тарқала бошлаган, газета Вальтернинг тобора зўрайиб бораётган банк операцияларига янада кўпроқ хизмат қилаётган бир пайт эди, шунинг учун ҳам Вальтер газетага ҳали ҳам катта эътибор билан қарар, унга жиддий туриб раҳбарлик қиларди.

Ношир унга бошини кўтариб қаради:

– Э, сизмисиз? Нега кўринишингиз ғалати? Нега бизникага овқатлангани келмадингиз? Қаердан келяпсиз?

Дю Руа ўзи айтадиган сўзлар унга қандай таъсир этишини олдиндан билиб, дона-дона қилиб деди:

– Мен ҳозиргина ташқи ишлар министрини қулатиб келяпман.

Вальтер у ҳазиллашяпти шекилли, деб ўйлади.

– Министрни қулатдингиз... Яъни қандай?

– Мен кабинет аъзоларини ўзгартираман. Вассалом! Бу палидларни аллақачон кетига тепиш керак эди.

Чолнинг тили танглайига ёпишди, маст бўлса керак деган қарорга келди.

– Менга қаранг, жинни бўлиб қолибсиз, – дея ғўлдиради у.

– Сира ҳам. Мен ҳозир хотинимни жаноб Ла-рош-Матье билан қўлга туширдим. Полиция комиссари зино рўй берганлигини аниқлади. Министрнинг куни битди.

Вальтер ҳеч нарса тушунмасдан кузойнагини манглайига қўтариб қўйди.

– Қўйинг, ҳазиллашманг, – деди у.

– Ҳазил қилаётганим йўқ. Мен ҳатто бу ҳақда газетага хабар ҳам бераман.

– Нима мақсадда?

– Мен бу муттаҳам, аблаҳни, жамиятга хавфли бир ярамасни қулатмоқчиман! Менинг йўлимга тўғаноқ бўладиганларнинг шўри қурийдилар! Жазаси! Мен ҳеч кимга бунақа нарсаларни кечирмайман! – шляпасини креслога ташлаб қўшиб қўйди Жорж.

Ношир гап нимада эканлигини сира тушуна олмасди.

– Хўш, хотинингиз... нима бўлади? – сўради у.

– Мен эртагаёқ ажралиш ҳақида иш бошлайман. Уни марҳум Форестъенинг ёнига қўшмозор қиламан.

– Нима, ажралмоқчимисиз?

– Бўлмасам-чи? Шунча кулги бўлганим ҳам етар. Лекин уни қўлга тушириш учун ўзимни гўлликка солиб юрдим. Энди ҳаммаси жойида бўлади. Энди менинг деганим деган, айтганим айтган.

Вальтер ҳали ҳам ўзига келмаганди; у Дю Руага талмовсираган ҳолда қараб: “Жин урсин! Бу азаматнинг мушугини пишт демаслик керакка ўхшаб қолди”, деб ўйларди.

– Энди мен эркин қушман... – деб давом этарди Жорж. – Ўзимга яраша давлатим бор. Октябр

ойида янги сайловлар олдидан мен ўз туғилган еримдан номзодимни кўрсатаман, у ерда мени яхши билишади. Бунақа одамнинг кўзига чўп ташлаб юрадиган хотин билан жамиятда дурустроқ мавқега эга бўлиб бўлмайди, обрў-эътибор орттириш қийин. У мени хўп лақиллатиб ўз домига илинтириб олган эди. Лекин унинг найранглари сезган замоним ярамаснинг кетидан тушиб, қилғилиқларини фош қилдим.

У хахолаб кулди.

– Шўрлик Форестье ўла-ўлгунча алданиб кетди... У шўринг қурғур дунёни сув босса тўпифига чиқмайдиган боқи беғам, лақмагина йигит эди, шу кўйи оламдан ўтиб кетди. Мен бўлсам, ундан маҳримга қолган чипқондан қутулдим. Қўлларимни боғлаб турган кишанлардан қутулдим. Энди мен узоққа кетаман.

У стулга от мингандай қилиб ўтириб олди-да, ўзига-ўзи орзуларини баён қилаётган киши каби такрорлади:

– Узоққа кетаман...

Қари Вальтер ҳамон кўзойнагини манглайдан олмасдан суҳбатдошига бақрайганча тикилиб қолган ва ичида ўзига-ўзи: “Ҳа, бу муттаҳам ҳали кўп иш кўрсатади”, дерди.

Жорж ўрнидан турди.

– Мен ҳозир мақола ёзаман. Уни жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ёзмаса бўлмайди. Лекин билиб қўйинг: бу министрга берилган даҳшатли зарба бўлади. У ўнганмайди. Ҳеч ким уни жардан қутқариб чиқолмайди. “Француз ҳаёти”га уни ёқлашдан энди ҳеч қандай манфаат йўқ.

Чол бир қанча фурсат иккиланиб турди, аммо охири қўл силтади.

– Майли, – деди у, – ўзидан кўрсин.

IX

Орадан уч ой ўтди. Дю Руа бу вақт ичида хотиндан ажралиб олди, Мадлена яна Форестье фамилиясига ўтди. Ўн бешинчи июлда Вальтерлар Трувилга жўнаб кетадиган эдилар, хайрлашув кечасини шаҳардан ташқарида ўтказадиган бўлдилар.

Бу пайшанба кунига белгиланди. Соат тўққизда каттакон олти ўринли тўрт от қўшилган ландо йўлга чиқди.

Сен-Жерменда, Генрих IV павильонида нонушта қилиш мўлжалланган эди. Азизим маркиз де Казолнинг афтини ҳам кўришни истамаганлигидан саёҳатда хонимларни кузатиб борадиган бирдан-бир кавалер ўзи бўлиб қолди. Лекин сўнгги дақиқаларда эрталаб азонда ёнларига граф де Латур-Ивеленни ҳам оладиган бўлдилар. Унга айтиб қўйилган экан.

Отлар Елисей далаларини кесиб ўтган йўлдан йўртиб кетмоқда эди. Кейин Булон ўрмонидан ўтдилар.

Ажойиб ёз кунини эди, иссиқнинг тафти унча билинмасди. Мовий кўк осмон бағрида юксакларда қалдирғочлар арғамчи солиб чарх уришар, улар қолдирган излар ҳавода узоқ эриб йўқ бўлаётган каби туюларди.

Хонимлар орқада ўтириб келишарди: онаси иккала қизини икки ёнига олган; эркаклар уларнинг рўпарасида юзма-юз бўлиб ўтиришар, меҳмонлар эса қари Вальтернинг икки қанотида эди.

Сенадан ўтиб, Мон-Валерьендан бурилишди, Буживални орқада қолдиришгандан кейин то Пекка этгунча дарё ёқалаб кетган йўлдан боришди.

Ёши ўтинқираб қолган, икки чеккасидаги сийрак узун бакенбардларини шамол тортқилаб турган (Дю Руа шу муносабат билан «Шамол унинг соқолларини ўйноқлаб тортқилайди», деб қўйган эди) граф де Латур-Ивелен ҳадеса Розага маҳрамо-

на назар ташлаб қўярди. Улар бундан бир ой илгари унашиб қўйилган эдилар.

Жорж кўзларини Сюзаннадан узмасди: икковларининг ҳам ранглари ўчган эди. Уларнинг кўзлари тўқнашиб қолар, фақат уларнинг ўзларигагина аён бўлган маъно билан бир-бирларига термулишар, ўгринча боқишар, сўнг яна тезлик билан кўзларини четга олишарди. Вальтер хоним бахтиёр ва осуда эди.

Нонушта чўзилиб кетди. Парижга қайтишдан аввал Дю Руа айвонда айланишни таклиф қилди.

Олдин атроф манзарасини томоша қилиш учун тўхтадилар. Ҳаммалари девор олдида қатор туриб олдилар-да, йироқ-йироқ манзараларга суқ билан тикила бошладилар. Сена худди узун тоғ ён бағрида кўкатлар узра ястаниб ётган улкан аждар мисоли Мезон-Лафит томонга оқиб ётарди. Ўнг томонда баландлик тепасида Марли сардобаси қад кўтариб турарди; унинг кўкларга бўй чўзган сояси улкан панжаларга суяниб турган қуртга ўхшарди. Марлининг ўзи эса, пастда қуюқ ўрмон ичида кўринмасди.

Уларнинг кўз ўнгларида ястаниб ётган бепоён водийда онда-сонда қишлоқлар кўриниб қоларди. Кичкинагина, унчалар қалин бўлмаган дарахтзорнинг ўртасида парча-пурча бўлиб Везине кўлчалари кўринарди. Чап томонда жуда узоқларда Сартрувиль жомхонасининг юксак игналари осмонга бўй чўзганди.

– Бунақа манзара дунёда бошқа топилмайди, – деди Вальтер. – Ҳатто Швейцарияда ҳам учрамайди.

Саёҳатчилар оҳиста илгари юришди, – ҳаммаларининг яна бир оз айлангилари, атроф-тумонатни томоша қилгилари келиб турарди.

Жорж билан Сюзанна орқада келишарди. Улар бошқалардан бир неча қадам орқада қолишлари биланоқ Жорж қизга оҳиста шивирлаб деди:

– Мен сизни севаман, Сюзанна. Мени телба қилиб қўйдингиз.

– Мен ҳам сизни, Азизим, – дея шивирлади қиз ҳам.

– Агар менга хотин бўлмас экансиз, мен Париждан ҳам, Франциядан ҳам кетиб қоламан.

– Отам билан гаплашиб кўринг. Балким, у рози бўлар.

У қараган одам зўрға пайқайдиган сабрсиз бир ҳаракат қилди.

– Йўқ, мен сизга неча марта айтдим: бунинг фойдаси йўқ деб. Уйингизнинг эшиклари мен учун беркилади, мени редакциядан бўшатиб юборадилар, ҳатто биз кўришиб туришдан ҳам маҳрум бўлиб қоламиз. Мен отангизга айтадиган бўлсам, ҳеч шак-шубҳасиз бунинг оқибати мана шундай бўлиб чиқади. Сизни маркиз де Казолга унашиб қўйишган, ота-онангиз бир кунмас бир кун сиз рози бўларсиз, деб умид қилиб юришибди.

– Унда мен нима қилай? – сўради қиз.

Жорж жавоб беришга шошилмади, қизга қиё боқиб қарай бошлади.

– Сизга нима десам, менга хўп дермидингиз?

– Ҳа, – деди қатъият билан қиз.

– Нима десам ҳам-а?

– Ҳа.

– Дунёда энг қилиб бўлмайдиган ишни айтсам ҳамми?

– Ҳа.

– Отангиз билан онангизнинг иродаларига қарши боришга журъатингиз етадимиз?

– Ҳа.

– Ростданми?

– Ростдан.

– Унда, бирдан-бир йўл бор. Ҳамма нарсани фақат гўё ёлғиз сизнинг хоҳишингиз билан бўлаёт-

ган каби қилиб кўрсатиш керак. Сиз уйнинг эрка қизисиз, сиз нима деманг, уришишмайди, яна бир шўхлик қилсангиз, бунга биров ҳайрон бўлиб ўтирмайди. Шундай бўлгач, менинг гапларимга яхшилаб қулоқ солинг. Шу бугун кечқуруноқ уйга қайтгандан кейин онангизни ёлғиз топиб унинг олдига кириг. Унга менга хотин бўлмоқчи эканлигингизни айтиг. У жуда ҳам кўрқиб кетади, бақириб-чақиради, ўзини йўқотиб қўяди...

– О, ойим рози бўлади! – унинг гапини бўлди Сюзанна.

– Йўқ, – дея қатъий эътироз билдирди Жорж, – сиз уни билмайсиз. Отангизнинг аччиги чиқади. Лекин бу, ойингизнинг газаби олдида урвоқ ҳам бўлмайди. Мана, қараб турарсиз, у сизга ўлсам ҳам рози бўлмайман, деб айтади. Лекин сиз сўзингизда қаттиқ туринг, орқага чекинманг, агар эрга тегадиган бўлсам, фақат унга тегаман, бошқа ҳеч кимга тегмайман, деб туриб олинг. Хўпми?

– Хўп.

– Ойингизга айтганингиздан сўнг отангиз олдига кирасиз ва жиддий туриб ўз фикрингизни унга маълум қиласиз.

– Ҳа, ҳа. Кейин-чи?

– Энг муҳими кейин бошланади. Агарда сиз менинг хотиним бўлишга жуда-жуда қаттиқ аҳд қилган бўлсангиз, жонгинам, менинг жажжигинам Сюзанна... унда мен... унда мен сизни олиб қочиб кетаман!

Қиз хурсанд бўлиб кетганидан чапак чалиб юборай деди.

– Қандай бахт! Сиз мени олиб қочиб кетасиз! Қачон?

Китоблардан ўқилган тунги олиб қочишларнинг кўҳна жозибаси, почта кареталари, ғалати майхоналар, одамнинг ақлини шоширадиган ажойиб

саргузаштлар бирдан унинг кўз ўнгида сеҳрли туш янглиғ гавдаланиб ўтди, туш эса ҳализамон рост келиши аниққа ўхшаб турарди.

– Қачон олиб қочасиз? – такрор сўради қиз.

– Истасангиз... бугун кечаси... тунда, – секин жавоб берди Жорж.

– А, қаёққа кетамиз? – аъзойи бадани қалт-қалт титраб сўради қиз.

– Буниси менинг сирим. Мана шуларни ўйлаб кўринг. Шуни билиб қўйингки, мен билан кетганингиздан кейин сиз бошқа ҳеч бир одамга эрга чиқолмайсиз! Бу бирдан-бир сўнгги йўл, лекин у... фоятда хатарли, сиз учун.

– Мен розиман... – деди қиз. – Сиз билан қаерда учрашаман?

– Уйдан бир ўзингиз чиқишга қўрқмайсизми?

– Мен эшикни очишни биламан.

– Унда қоровул ухлагани ётгандан сўнг ярим кечаларда Иттифоқ майдонига келасиз. Мен сизни денгиз министрлигининг қаршисида кутиб ўтираман.

– Мен келаман.

– Чиндан-а?

– Чиндан.

Жорж қизнинг қўлини қисиб қўйди.

– О, сизни шунчалар севаманки! Қанчалар ажойибсиз, мардсиз! Демак, сиз маркиз де Казолга турмушга чиқишни истамайсизми?

– О, йўқ!

– Сиз йўқ, деб айтганингиздан кейин отангининг қаттиқ жаҳли чиқдими?

– Жаҳл ҳам гапми? У мени монастирга жўнатаман деди.

– Мана кўрдингизми, дадил ҳаракат қилмаса бўлмайди.

– Мен дадил бўламан.

Бутун фикру хаёли қочишда бўлиб қолган қиз уфқларга кўз сузиб чиқди. У билан... йироқ-йироқларга кетади! У ўзини олиб кетади!.. Қиз бу билан фахрланарди. У ўзининг обрўси ҳақида, бу нарса бошига шармисорликлар келтириши мумкинлиги устида ўйламасди. Умуман, у нима қилаётганлигини тасаввур қила олармиди ўзи? Гап нима устида бораётганлигини салча бўлсин англармиди?

Вальтер хоним орқасига ўтирилди.

– Бу ёққа кел, болажон! – қичқирди у. – Азизим билан у ерда нима қилаётибсизлар?

Улар бошқа ҳамроҳларига бориб қўшилдилар. Гап Вальтерлар борадиган денгиз курорти устида кетаётган экан.

Яна эски йўл билан қайтмаслик учун улар Шато орқали кетишга қарор қилдилар.

Жорж индамай борарди. У ўйланиб қолди. Шундай қилиб, агарда манов қизчанинг журъати етса, ниҳоят, Жорж ўз тилагига эришади! У уч ойдан бери қизни ўз домига илинтириш мақсадида унинг бош-кўзини буткул айлантириб ташлади. Уни йўлдан урди, ўзига асиру мубтало қилди, ниҳоят, тобе этди. У қизни ўзига шунчалар қизиқтириб қўйдики, шунчалар ром қилиб олдики, бунақаси фақат унинг қўлидан келарди. У бу ҳавойи қўғирчоқнинг юрагига осонгина йўл тополди.

Аввал бошда қизни маркиз де Казолдан айнитди. Энди эса ўзи билан бирга қочишга кўндирди. Кўндирмай иложи йўқ эди, бошқа чора қолмаганди.

Вальтер хоним ўла қолса ҳам унга қизини беришга рози бўлмайди – у буни яхши билади. У ҳали ҳам Жоржни севади, уни бундан кейин ҳам ўла-ўлгунча севади, зотан, унинг муҳаббати ўчмас, туганмас бир муҳаббат, бедаво севги. Ҳали ҳам уни Жоржнинг ўзини четга тортиб совуққонлик билан қилаётган муомаласи ушлаб турибди, лекин юрагини жиловлаб

бўлмас тошқин дарё мисол ҳирс кемириб ётганлигини Жорж сезади. У шундай бедаво дардга чалинганки, энди Жорж уни бу йўлдан асло қайтаролмайди, унинг қўлидан келмайди. Шундай экан, у ҳеч қачон Жоржни Сюзаннага уйланишига йўл қўймайди.

Бироқ қизча қўлга кириши биланоқ унинг отасидан тап тортмай ҳисоб-китобни бошлайди.

Ўз хаёлларига берилиб кетган Дю Руа ўзига айтилаётган гапларни эшитмас, ё ҳа, ё йўқ, деб қўя қоларди. Шаҳарга кириб келганларидагина у сергак тортди.

Сюзанна ҳам ўйга толганди. Аравага қўшилган тўрттала от қўнғироқларини жингиллатганча кетиб борар, қўнғироқнинг садоси хаёлига ой нур тўкиб ётган узундан-узоқ катта йўлларни келтирар, унинг тасавбурида қоп-қоронғи зулмат қўйнига чўмган ўрмонлар, йўл орасида кириб ўтиладиган майхоналар, отларни шоша-пиша алмаштираётган кучерлар жонланарди, ҳамма жонсарақ бўлиб турган, чунки қочоқларнинг кетларидан қувиб келишяпти-да.

Ландо сарой ҳовлисига кириб боргандан сўнг Вальтерлар Жоржни қўярда-қўймай бирга овқатланишга қистай бошладилар. Лекин у қолгиси келмай ўйга жўнади.

Уйда озгина овқат тотингандай бўлди, кейин олис саёҳат тадоригини қўришга киришди, ўз қоғозларини тартибга келтирди. Юзини ерга қаратиши мумкин бўлган хатларни ёқиб юборди, бошқа бирларини яширди, баъзи дўстларга икки энлик хат ёзди.

У ўқтин-ўқтин соатига қараб қўяр ва: «Ҳозир у ерда тоза қангома қизиб ётгандир», деб ўйлаб қўярди. У аста-секин хавотирлана бошлади. Иш ўнгидан келмаса-чи, унда нима бўлади? Лекин у нимадан

қўрқиши керак ўзи? Бир эпини қилиб кетади, ахир. Аммо ёмон баланд дорга осилди-да ўзиям!

Соат ўн бирларда уйдан чиқди, бир оз айланиб юрди. Кейин экипаж ёллади-да, Иттифоқ майдо-нидаги денгиз министрлигининг пештоқлари олдида тўхтади.

У дам-бадам гугурт чақиб соатига қараб қўярди. Соат ўн иккиларга яқинлашганда безгак тутаетгандай қалтирай бошлади. У дам сайин дарчадан бошини чиқариб Сюзанна келмаётганмикин деб қараб қўярди.

Аллақаерлардан, узоқдан соатнинг ўн иккига жом урган саси келди, кейин бошқа яқинроқдаги соатлардан ҳам жом товуши келди, сўнг бир пайтнинг ўзида иккита соат занг урди. Кейин яна бир, лекин бу сафар жуда олисдан занг садоси келди. Охирги занг садоси янграб бўлгач, у: «Ҳаммаси тамом бўлди. Расво бўлди. У энди келмайди», деб ўйлади.

Шундай бўлса ҳам у эрталабга довур кутишга қарор қилди. Бунақа пайтларда сабр-тоқат қилиш керак.

Бир оздан кейин ўн иккидан чорак ўтганига урилган зангни эшитди, кейин ярим бўлди, кейин ўн беш минути кам бир ва ниҳоят, боягидек яна барча соатлар бирин-сирин бир бўлганлигига жом чалдилар. У энди қизни келади деб кутмас, балки, нима бўлганлигини ўйлаб боши қотарди. Қутилмаганда, карета дарчасида қиз боланинг боши кўринди.

– Шу ердасиз, Азизим?

У сапчиб ўрнидан туриб кетди. Юраги бирдан уришдан тўхтаб қолгандай бўлди.

– Сизмисиз, Сюзанна?

– Ҳа, менман.

Жорж файтон эшигининг қабзасини сира бурай олмас ҳадеб:

– Э, сизмисиз... сизмисиз... чиқинг бу ёққа, – дерди.

Қиз файтонга чиқди ва унинг ёнига – ўриндиққа қулади. Жорж кучерга: «Кетдик!» – деб қичқирди ва карета йўлга тушди.

Сюзанна оғир-оғир нафас олар, тили калимага келмасди.

– Қани, энди нима бўлганлигини айтиб беринг?
– сўради Жорж.

– О, асти қўяверинг, жуда ёмон бўлди, айниқса, ойим дод-фарёд қилиб ҳамма ёқни бузиб юборди, – дея шивирлади қиз ақл-хушдан оғаётган бир алфозда.

Жорж азбаройи ҳаяжонланиб кетганидан дағ-дағ қалтирарди.

– Ойингизми? У сизга нима деди? Айтиб беринг.

– Сиз сўраманг, мен айтмай! Қиёмат қойим бўлди! Мен ҳаммасини яхшилаб ўйлаб олиб, кейин ойимнинг олдига кирдим ва гапнинг ростини айтиб қўя қолдим. Ойимнинг ранги қув ўчиб кетди ва: «Ҳеч қачон! «Ҳеч қачон!» – деб қичқира бошлади. Мен бўлсам, йиғладим, жаҳл қилдим, ундан бошқа ҳеч кимга эрга чиқмайман, деб қасам ичдим. Ойим менга шапалоқ тортиб юборадими деб қўрқдим. У худди телбаларга ўхшаб қолди, сени эртагаёқ монастирга жўнатаман, деб дўқ қилди. Мен ҳеч қачон уни бу аҳволда кўрмаган эдим, ҳеч қачон! Лекин шунда унинг гапи устига отам кириб қолди, у ойимнинг бақириб-чақирган овозини эшитган бўлса керак. Отам ойимга ўхшаб қаттиқ дарғазаб бўлгани йўқ, лекин у одам сенга унчалар мос эмас, деди. Улар менинг шунчалар жаҳлимни чиқариб юборишдики, улардан ҳам кўпроқ ўзим бақириб-чақира бошладим. Отам ўзига ярашмаган аламли бир товуш билан бор, чиқ, деди. Шундан кейин мен сиз билан қочиб кетиш қарорига келдим. Мана, келиб турибман. Энди қаёққа борамиз?

Дю Руа оҳиста унинг белидан кучди; қизнинг ҳикоясини қаттиқ берилиб тинглади ва шунда унинг юрагида қизнинг ота-онасига нисбатан кучли бир газаб уйғонди. Лекин майли, қиз энди унинг қўлида. Уларга ҳали кўрсатиб қўяди.

– Биз поездга кечикдик, – деди у. – Карета бизни Севрга элтиб қўяди, кечани ўша ерда ўтказамиз. Эртага Ларош-Гийонга жўнаймиз. У Мант билан Боньер ўртасида Сенанинг қирғоғида жойлашган жуда ҳам сўлим қишлоқ.

– Лекин мен ўзим билан ҳеч нарса ологаним йўқ. Мен жуда юпун кийинганман, – деди Сюзанна.

Жорж беғамлик билан кулиб қўйди:

– Ҳечқиси йўқ, ҳаммасини тўғрилаймиз!

Экипаж кўчалардан кетиб борарди. Жорж қизнинг қўлларини олди-да, оҳиста эъзозлаб ўпа бошлади. Бунақа қуруқдан-қуруқ эркалашларга унинг тоби тоқати йўқ эди, шунинг учун ҳам энди қиз билан нима ҳақида гаплашсам экан, деб боши қотмоқда эди. Бирдан назарида қиз йиғлаётгандай бўлди.

– Сизга нима бўлди, жоним? – дея қўрқиб кетиб сўради у қиздан.

– Ойим бечора, менинг йўқ бўлиб қолганимни билган бўлса ҳозир ухламай ўтиргандир, – деди қиз йиғи аралаш.

Вальтер хоним чиндан ҳам ухламаган эди.

Сюзанна хонадан чиқиб кетгандан кейин эр-хотин ёлғиз қолишди. Хоним жуда эзилган, дили вайрон бўлган эди.

– О, худойим-ей! Энди нима бўлади?

– Нима бўларди, анов лўттибоз қизингнинг бош-кўзини айлантириб қўйган, – қизишиб деди Вальтер. – Казолдан айнитган ҳам ўша. Қизингнинг сепига кўз тиккан у муттаҳам!

Вальтер даргазаб бир ҳолда хонада у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлади.

– Ҳаммасини қилдинг, қилдинг, сен қилдинг, қўйгани жой тополмай қолгандинг, айлана қолай, ўргила қолай, деб жуда ҳаддан ошириб юбординг. Эрталабдан кечгача оғзинглардан: «Азизим-чи, Азизим» тушмай қолганди. Ана энди ўзинг пиширган ошни ўзинг ичасан.

Хоним оқариб кетди.

– Нима... мен уни ҳаддидан оширибманми?

– Ҳа, сен! – дея унинг башарасига қичқирди эри. – Ҳаммаларинг у деса ўлиб бўласанлар: анови Марель ҳам, Сюзанна ҳам, ҳаммаларинг, ҳаммаларинг. Нима усиз бир кун ҳам яшолмай қолганингни билмайди, деб ўйлайсанми?

Вальтер хоним қаддини кўтарди.

– Мен билан бундай гаплашишингизга йўл қўймайман, – деди у даҳшатли бир товуш билан. – Мен сизга ўхшаб дўконда катта бўлган эмасман, билиб қўйинг.

Эри тилини тишлаб қолди, кейин ғазаб билан: «Э, ҳаммаларингни жин урсин!» – деб қичқирди-да, эшикни тарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Вальтер хоним ёлғиз қолиши биланоқ ўзи билмаган ҳолда ойна олдига чопди – назарида, бир зум ичида буткул қариб қолгандай эди, етти ухлаб тушига кирмаган бу даҳшатли ҳодисани у сира ҳам ақдига сиғдира олмаётган эди. Сюзанна Азизимни севиб қолибди! Азизим Сюзаннага уйланмоқчи! Йўқ, бўлмаган гап, мен янглишаётгандирман! Бундай бўлиши мумкин эмас! Қизи тушмагур у гўзал йигитга кўнгли тушиб қолгандир, ўзини унга турмушга берадилар, деб ишонгандир, шайдойи бўлиб юргандир, лекин бунинг ажабланидиган ери йўқ, табиий бир нарса. Бироқ Азизим-чи? Ахир у қизалоқ билан тил бириктирмагандир-ку! Вальтер хонимнинг хаёллари бошига оғир ғам тушган одамларники каби тўзғиб

кетганди. Йўқ, Азизим, афтидан, Сюзаннанинг бу қилигидан беҳабар бўлса керак.

Хоним ўз жазмани бу ишга бош қўшганми ё қўшмаганми деб узоқ бош қотирди. Агар у қизчани йўлдан урган бўлса, қанчалар аблаҳ одам экан! Энди нима бўлади? Ҳали олдинда яна қанчадан-қанча хавф-хатарлар, ғам-аламлар бор экан, о худойим-ей!

Агар бунга Азизим аралашмаган бўлса, унда ҳали чипқоннинг олдини олса бўлади. Сюзаннани ярим йилга саёҳатга олиб кетилса бўлгани, кейин ҳаммаси эсдан чиқади. Бироқ шунча гапдан кейин энди у билан қандай юз кўришади? Ахир, уни ҳамон севади-ку. Бу ишқ унинг юрагига камон ўқидек санчилиб ётибди, уни суғуриб ташламоқликнинг сира имкони, иложи йўқ.

Унингсиз бир дам ҳам яшай олмайди. Ундан кўра ўлгани афзалроқ.

У буткул қайғу-ғамга, шубҳа-иштиболарга ботди. Боши ноаниқ, оғир ўйлардан тарс ёрилиб кетай дерди, аъзойи бадани зирқираб турарди. У қандай бўлмасин бир йўл топишга уринар, эндиликда нима бўлишини билмай аламидан дод деб юборай дерди. У соатга қаради: иккига яқинлашиб қолибди. «Адойи тамом бўлдим, – деди у ўзига-ўзи, – мен ақдан озиб қолаётирман. Мен ҳаммасини билишим керак. Бориб Сюзаннани уйғотаманда, бор гапни сўраб оламан».

У тақир-туқур қилмаслик учун оёғидан ботинкасини ечиб олди-да, қўлида шам кўтарганча қизининг ётоғи томон йўл олди. Эшикни секингина очди ва каравотга қаради. Ўрин бузилмаганча турарди. Аввал ҳеч бир шубҳага бормади, – қизалоқ отаси билан ҳамон жанжаллашиб ўтиргандир деб ўйлади. Лекин бирдан калласига ялт этиб яшин ур-

гандай даҳшатли бир фикр келди ва у эрининг олдига чопди. Унинг олдига ҳаллослаб, рангида ранг қолмай, талваса ичида кириб борди. Вальтер ўрнида китоб ўқиб ётган экан.

– Нима бўлди? Сенга нима бўлди? – сўради у қўрқиб кетиб.

– Сюзаннани кўрмадингми? – тутила-тутила сўради у.

– Менми? Йўқ. Нима қилди?

– У... У... кетиб қолибди. Хонасида йўқ.

Вальтер гиламга сакраб тушди, шиппагини кийди ва қўйлакчан қизининг хонасига қараб югурди.

Хонага кирган замони у ҳаммасига тушунди. Қизи қочиб кетибди.

Вальтер креслога оғир чўкди ва қўлидаги чироқни полга қўйди.

Хотини унинг орқасидан кириб келди.

– Нима бўлибди? – заиф бир товуш билан базўр сўради у эридан.

Вальтернинг ҳатто жавоб беришга ҳам, ғазабланишга ҳам мажболи қолмаган эди.

– Ҳаммаси тамом бўлди, – деди у ниҳоят инграб, – қизча унинг тузоғига илинибди. Энди ҳолимизга маймунлар йиғлайди.

Хотини унинг башарасига нима деяпсан ўзи дегандай қаради.

– Нега энди маймунлар йиғлар экан?

– Бунинг нимасига ажабланасан? Энди қандоқ бўлмасин у қизимизга уйланиши керак.

Хотини сўйилаётган молдай бўкириб юборди:

– У-я? Ҳеч қачон! Сен эсингни еб қўйибсан.

– Минг дод-фарёд қилганинг билан энди фойдаси йўқ, – деди нохушлик билан Вальтер. – У қизчани олиб қочиб кетди, унинг номусига тегди. Энди қизимизни унга бермоқдан ўзга чорамиз йўқ. Агар

ҳаммасини ақл-ҳушимизни бир ерга қўйиб қил-
сак, унда ҳеч ким ис билмайди.

– Ҳеч қачон, ҳеч қачон унга Сюзаннани бермай-
ман! – дерди даҳшат ичида даф-даф қалтираган хо-
тини. – Мен ҳеч қачон рози бўлмайман!

– Рози бўласанми, бўлмайсанми, қиз энди унинг
қўлида, – алам ва умидсизлик билан деди Валь-
тер. – Гишт қолипдан кўчган. У қизчани то биздан
розилик олмагунча яшириб олиб юради. Шундай
экан, жанжал, шов-шувларнинг олдини олиш учун
ҳозирданоқ розилик беришимиз керак бўлади.

Вальтер хонимнинг юраги тақдирнинг бу жафо-
сидан ёрилиб кетадиган бир ҳолга келган, лекин
кўкрагини пармалаб ётган аламни ҳеч кимсага ай-
толмасди.

– Йўқ, йўқ! Мен ҳеч қачон рози эмасман! – дея
такрорларди у. Эрининг жаҳли чиқиб кетди.

– Оҳ-воҳнинг ўрни эмас! Шундай қилишимиз
шарт. Эҳ, муттаҳам, тоза бизни доғда қолдирди-да...
Жуда пихини ёрган туллак экан аммо! Биз унга қа-
раганда мавқеи зўрроқ одамни топишимиз мумкин
эди, лекин ундан кўра ақлмироқ, ундан кўра ўсади-
ганроқ одамни тополмасдик. Унинг келажаги пор-
лоқ, У ҳали депутат бўлади, министр бўлади.

– Унга ҳеч қачон Сюзаннани бермайман... – бат-
толик билан деди Вальтер хоним. – Эшитдингми?..
Ҳеч қачон!

Вальтернинг ниҳоят сабри тутаб, ғазаби қўзға-
ди, у ишнинг кўзини биладиган одам сифатида
Азизимнинг ёнини ола бошлади.

– Бўлди, бас қил-е... Сенга айтяпман-ку, шун-
дай қилишимиз шарт, деб, бундан қочиб қутулиб
бўлмайди. Яна ким билади? Эҳтимол кейин пушай-
мон қилишга ўрин қолмас. Бунақа одамлар бугун
остингда бўлса, эртага устингда бўлади. Ўзинг кўр-

динг-ку, у анов тентак Ларош-Матъени учта мақола билан пўстагини қоқиб ташлади, бунинг устига сира ҳам ҳамиятини ерга урмади, ваҳоланки, ўзининг аҳволи ниҳоятда офир эди. Майли, бошга тушганини кўз кўрар. Ҳозирча бизни қўғирчоқ қилиб ўйнатади. Ундан осонликча қутулиб бўлмайди.

Вальтер хоним дод-фарёд кўтаргиси, ерга дума-лаб додлагиси, сочларини юлгиси келарди.

– Қизимни унга бермайман!.. – оёғини тираб туриб олди у. – Мен... мен... Истамайман!..

Вальтер ўрnidан турди ва ердан чироқни олиб деди:

– Менга қара, сен ҳамма хотинларга ўхшаган ноқусул ақл экансан. Хаёлингизга бир нарса қаттиқ ўтиришиб қолса, тамом. Сизлар шароитга қараб иш юритишни билмайсизлар... аҳмоқлар. Сенга айтяпманку, у қизингга уйланади, деб. Вассалом!

Вальтер шиппагини шапиллатганча хонадан чиқди. У уйқуга чўмган улкан саройнинг коридоридан кўйлакчан ҳолда одамнинг кулгисини қистатадиган шарпа янглиф ўтиб борди, сўнг сасиз ўз хонасига кириб кетди.

Вальтер хоним турган жойида қотиб қолди, – чидаб бўлмайдиган бир азоб қалбини вайрон қилиб ташламоқда эди. У юз берган воқеани ҳали тўла англаб улгурмаганди. У ҳозир фақат уқубатининг исканжасида ўрганмоқда эди. Кейин эрталабгача шу алфозда тик оёқда туришга қурби етмаслигини ҳис қилди. Унинг бу ердан бош олиб кетгиси, ҳайё-ҳуйт деб этак силкиб қайга бўлмасин қочгиси келди, бир ҳамроз топгиси, унга дардларини айтиб ёзилгиси келди. Бир халоскор истади.

У кимга айтсам экан деб ўйланиб қолди. Кимга? Калласига бир фикр келмасди. Руҳоний-чи! Ҳа, руҳонийга боради! Ўзини унинг оёқларига ташлайди, гуноҳларини унга тўкиб солади, ўз дардини ай-

тиб илтижо қилади. У бу муттаҳамнинг Сюзаннага уйланиши мумкин эмаслигини тушунади ва бунга йўл қўймайдиган бир чора кўрсатади.

Руҳоний топиш керак, ҳозироқ, шу дамнинг ўзида топиш керак!

Лекин шу тобда уни қаердан топасан? Бошингни қаерга урасан? Бироқ бир дамга бўлсин бу ерда энди туриб бўлмайди, бунга унинг ҳозир кучи етмайди.

Шунда кўз ўнгида сув кечаётган Исонинг порлоқ сиймоси гавдаланди. Уни худди расмга қарагандай кўриб турарди. Демак, Исо уни чақиряпти. Унга: «Кел, менинг қошимга. Пойимга тиз чўк. Мен сенга таскин ва ором бераман, сенга роҳи ҳақиқатни кўрсатаман», демоқда.

Вальтер хоним қўлига шам олди ва пастки қаватга тушиб, қишки боғ сари кетди. Исо уйнинг энг чеккасидаги кичкина меҳмонхонага қўйилган, сурат намиқиб қолмаслиги учун одатда хонанинг ойнабанд эшигини ёпиб қўяр эдилар.

У худди ғалати бир сирли ўрмон ичра турган жомхонага ўхшарди.

Вальтер хоним шу пайтгача қишки боғни чароғон ҳолда кўрган эди, ҳозир боққа чўккан қоронғи зулумотдан у донг қотиб қолди. Жазирама мамлакатларнинг ҳашамдор қуюқ ўсимликлари ўткир, бошни айлантирадиган ҳидлар таратиб ётар эдилар. Эшиклар ёпиб қўйилганидан ойнабанд қубба остидаги дарахтлар таратган муаттар ислардан одамнинг кўкраги тўлиб кетар, – бу ҳидлар кўзни тиндирар, маст қилар, танга бир оғриқ кўзгаб лаззат бағишлар, аъзойи баданингни аллақандай ифодалаб бўлмайдиган хумор кайфият билан тўлдирар, ўлим олдида бўладиган бир толғинликка соларди.

Шўрлик хотин оҳиста-оҳиста кўрқиб қадам босарди: унинг қўлида қалтираган шамнинг нури дам

сайин ғаройиб ўсимликларни ёритар, шунда хотиннинг назарида аллақандай махлуқотлар, қандайдир шаффоф махлуқлар, ғаройиб бир мавжудотлар ваҳимали суратда чиқиб келаётгандай бўлар эди.

Шунда унинг кўзлари бирдан Исога тушди. У эшикни очиб унинг сиймоси қаршисида тиз чўкди.

Олдин худога муҳаббат изҳор қилиб, зўр бериб ибодат қилди, ёлворди, тавалло қилди. Кейин ибодат қилиб бир оз кўнгли ўрнига тушгач, унга бошини кўтариб қаради, қаради-ю, шу заҳоти даҳшатга тушди. Шамнинг титроқ алангаси Исони хирагина ёритиб турар, шу онда у Азизимга чунонам ўхшашиб кетган эдики, назарида ҳозир унга худо эмас, ошиғи тикилиб тургандай эди. Ё раббим, бу унинг кўзлари, унинг қарашлари, унинг совуқ ва киборли назари эди!

«Исо! Исо! Исо!» – пичирлади у. Лабларида эса Жоржнинг номи такрорланарди. Шунда бирдан унинг хаёлига, балки, мана шу дамларда Жорж қизим билан ётгандир, деган фикр ялт этиб келди. Қизи ҳозир у билан бирга, бирон хонада бирга ётибди. У, у – Сюзанна ёнида!

«Исо!.. Исо!» – пичирлади хотин. Лекин қизи билан севиклисини ўйларди! Улар хонада ёлғиз ўзлари... ҳозир эса тун.

«Ё Масиҳим!.. Ё Масиҳим!» – калима қайтарарди Вальтер хоним. Бироқ у қизини ва уни олиб қочиб кетган севиклисини ўйлагани ўйлаган эди! Улар ҳозир бирон гўшада ёлғиз ётишибди... яна қоронғи кечада. Вальтер хоним уларни шундоқ кўриб тургандай эди. Мана шу девордаги суратни қандоқ кўриб турган бўлса, уларни ҳам худди шундай равшан кўз ўнгига келтирмоқдайди. Ана, улар бир-бирларига қараб табассум қилишмоқда. Ана, улар ўпиша бошлашди. Хона қоп-қоронғу. Тўшак устидаги адёл пастга сидирилиб тушган. Вальтер

хоним ўрнидан турди: ҳозир уларнинг олдиларига боради ва Сюзаннанинг сочларидан тортиб, уни Жоржнинг қучоқларидан юлиб олади. У ўша одам билан қочиб кетган башаранг қургур қизни ҳозирнинг ўзида бўғиб ўлдиради. Вальтер хоним назарида қизининг бўғзидан ушлаб олгандай эди... лекин ушлагани сурат эди. Унинг қўли Масиҳонинг оёқларига тегиб кетганди.

Хоним ваҳима ичида бир қичқирди-ю, юз тубан ерга қулади. Шағам тўнтарилиб тушди ва ўчиб қолди.

Кейин нима бўлди дейсизми? У васваса, ғалати қўрқинч ичра алаҳлаб чиқди. Бир-бирлари билан қучоқлашиб олган Жорж билан Сюзанна унинг кўз ўнгидан нари кетмасди. Масиҳо эса уларнинг ҳаром муҳаббатларига оқ фотиҳа бериб тургандай эди.

Хоним ўз хонасида эмас бошқа ерда ётганлигини элас-элас хотирларди. У ўрнидан турмоқчи бўлар, қочиб кетгиси келар, лекин қимирлашга мажоли қолмаганди. Бутун вужуди алақандай карахт бўлиб қолди, жисми зўр бир юкнинг тагида қолган каби эди, лекин ҳали ҳуши ўзида эди, унинг ҳушини фавқулодда хаёлий даҳшатли рўёлар элтганди, у қўрқинч безовта бир уйқуга чўма бормоқдайди, одатда иссиқ мамлакатларнинг ўткир исли фаройиб ўсимликлари кишининг кўзини мана шундай элтади, баъзан шунда одам ўзининг абадий уйқуга чўмиб кетганлигини сезмай ҳам қолади.

Эрталаб Вальтер хонимнинг ҳолати размга бориб қолган беҳуш гавдасини «Сув кечаётган Исо»нинг олдидан топишди. Унинг аҳволи жуда ҳам оғир деб топилди. У фақат эртаси куни кўзини очди. Ва шунда йиғлай бошлади.

Уйдаги хизматкорларга Сюзанна тўсиндан монастирга кетди, деб айтилди. Вальтер жаноблари Дю Руадан узундан-узоқ хат олди ва унинг Сюзаннага уйланишига розилик берди.

Азизим бу хатни кетмасларидан сал бурун ёзган ва Париждан чиқиб кетаётганларида почтага ташлаган эди. Хатда у ўзининг анчадан бери Сюзаннани севишини, лекин бу нарсага тил бириктирмаганликларини, бироқ қизнинг ўз ихтиёри билан келиб: «Мен сизнинг хотинингиз бўлишни истайман», дегандан кейин уни ўзи билан бирга олиб қолишга мажбур бўлганлигини ва токим, ота-онаси рози бўлмагунларича яшириниб туражакларини ёзган эди; охирида, мен учун қайлигимнинг гапи гап, мен бошқа ҳеч нарсани тан ололмайман, деб қўшиб ҳам қўйганди.

У жаноб Вальтердан жавоб хатини ўзи почтадан талаб қилиб оладиган тарзда ёзишни сўраган, кейин уни дўстларим менга жўнатиб юборишади деб айтган эди.

Дю Руа истаган нарсасига эришгач, Сюзаннани Парижга олиб келди-да, уйига жўнатиб юборди, лекин ўзи вақти-соати келгунча унинг ота-онасига кўринмасликка қарор қилди.

Бунгача улар Сена соҳилларидаги Ларош-Гийонда олти кун бирга туришган эди.

Сюзанна ўзида йўқ хурсанд, қувончи ичига сифмасди. У ўзини чўпон қизидай тасаввур қиларди. Жорж уни одамларга синглим деб таништирар, чиндан ҳам ўрталарида ака-сингиллардай оддий, яқин, айни чоқда жуда самимий покиза муносабат туғилган эди: одатда севишган ҳабиб ва маҳбуба мана шундай муносабатда бўладилар. Жорж ўз манфаатини кўзлаб атай қизнинг номусига тегмади. Ларош-Гийонга келганларининг эртасигаёқ Сюзанна ўзига кийим-кечак ва қишлоқда асқатадиган нарсалар сотиб олди ва дала чечаклари тақилган каттакон похол шляпасини кийиб олиб балиқ овлагани кетди. Бу ерлар унинг кўзларига беқиёс гўзал бўлиб кўринарди. Бу ерда ўзининг

ажойиб гиламлари билан машҳур бўлган кўҳна мина ва қадимий қалъа бор эди.

Жорж шу ердан сотиб олган курткасини кийиб Сюзанна билан дарё қирғоқларида кезар, дарёда қайиқда сайр қилишарди. Улар дам-бадам ўпишишар, – қизнинг ўпичлари маъсум ва тоза, Жорж эса ҳирсининг оловида куярди. Лекин у юрагини ўртаб ётган ҳирсни усталик билан яширарди. У Сюзаннага: «Эртага биз Парижга қайтадиган бўлдик, отангиз никоҳимизга рози бўлди», – деб айтганда, қиз соддадиллик билан сўради:

– Дарров-а? Сизга хотин бўлиш менга жуда ҳам ёқиб қолди!

Ж

Константинополь кўчасидаги мўъжазгина квартиранинг ичи қоронғи эди, Дю Руа билан хона эшигида учрашган Клотильда де Марель уй ичига отилиб кирди-да, дарҳол уни қийин-қистовга ола кетди, Жорж ҳатто дераза пардаларини тортишга ҳам улгурмади.

– Демак, сен Сюзанна Вальтерга уйланадиган бўлибсан-да?

Жорж бошини ҳам қилганча буни бўйнига олди.

– Наҳотки эшитмаган бўлсанг? – деб қўшиб қўйди у.

– Сен Сюзанна Вальтерга уйланасанми? – деб давом этди туси ўзгариб қутуриб кетган хоним. – Куракда турмайдиган гап! Бемаънилик! Уч ойдан бери менинг олдимда диконглаб қолганинг шунинг учун экан-да, кўзимни бўяб лақиллатиб юрган экансан-да. Мендан бошқа ҳамма эшитибди. Менга буни эрим айтди!

Дю Руа зўраки илжайди ва шляпасини камининг четига осиб креслога ўтирди.

– Демак, хотининг билан ажрашганинг ҳамоно қармоқ ташлай бошлаган экансан-да, а? Мен бўлсам

унинг ўрнига вақтинча тап бости бўлиб юрган эканман-да, а? – деди унинг юзига тик қараганча ғазаб билан шивирлаган хоним. – Мунча аблаҳ бўлмасанг!

– Ўзи нима гап? – сўради Жорж. – Хотиним мени алдаб юрган экан, уни жиноят устида қўлга туширдим, ажралиб кетдик, мана энди бошқасига уйланыпман. Бунинг нимаси ёмон экан?

– Илоннинг ёғини ялаган айёр, товламачи экансан! – дея пичирлади қалтираган товуш билан хоним.

– Жин урсин! Бу дунёда шалвираб оғзидан ошини олдириб юрадиганлар лақиллаб қолаверадилар.

Лекин Клотильдага ҳамон бояги фикр азоб бермоқда эди.

– Нега сенинг бунақалигингни аввалдан билмаган эканман-а? Йўқ, мен ҳеч қачон сени бунчалар ифлос одамлигингни билмаган эдим.

– Илтимос, тилингни тийсанг яхши бўларди, – деди ғурур билан Жорж.

Клотильда бу сўзлардан ёрилар ҳолга келди:

– Нима! Сен билан ҳали оқ қўлқоп кийиб гаплашишим ҳам керакдир? Сен доимо менинг шохимни синдирганинг синдирган, нима энди, миқ этиб оғзимни очолмайманми? Ҳаммани алдайдиган, ҳаммани ўзига малай қилиб олган, қаерга бормасин тараллабедод қилиб юрадиган, катта-катта пул-даромад ўмарадиган одам билан шундан бошқача яна қандай гаплашиш мумкин, кошки тузук одам бўлсанг экан!

Жоржнинг лаблари гезариб, титради, у ўрнидан турди.

– Оғзингни юм, бўлмаса ҳайдаб чиқараман.

– Ҳали ҳайдайман дегин... Ҳайдайсанми... Сен мени ҳайдайсанми... сен... сен...

Клотильда шу қадар дарғазаб бўлиб кетдики, нима дейишини билмай қолди, бироқ унинг ғаза-

бини босиб турган тўғон бирдан қулади, оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади.

– Мени ҳайдар эмиш! Бу уйнинг пулини ким тўлаб келаётганлигини унутдингми? Э-ҳа, унда-мунда мен ҳам тўлаб турганман дегин! Хўш, уйни ким ижарага олган эди?.. Мен... Ким уни сақлаб ўтирди? Мен... Яна сен мени ҳайдамоқчимисан? Гапирма, виждонсиз! Водрек Мадленага қолдирган мероснинг қоқ ярмини ўғирлаганингни билмайди дейсанми мени? Сюзаннани ўзингга хотин қилиб олиш учун уни зўрлаганингни билмайди дейсанми мени?..

Жорж унинг иккала елкасидан ушлаб олиб силкита бошлади.

– У ҳақда гапирма! Сенга айтяпман, гапирма!

– Сен у билан ётгансан, мен биламан! – қичқирарди Клотильда.

Жорж у нима демасин ҳаммасига чидаб борарди, лекин бу гап жуда ўтиб тушди. Клотильда рост гапни айтаётганида юраги гурсиллаб уриб кетганди, лекин ўз қайлиғига нисбатан айтилаётган бўҳтон унинг қонини қайнатиб юборди, сал бўлма-са Клотильдани уриб юборай деди.

–Тилингни тий... тилингни тий... яхшиси, тилингни тий... – дея такрорларди у ва мевали шохни силкитгандай Клотильдани силталарди.

Сочлари тўзғиб кетган, кўзлари телбараб қолган Клотильда бор овозини қўйиб қичқирди:

– Сен у билан ётгансан!

Жорж уни қўйиб юборди ва чунон шапалоқ тортдики, Клотильда девор томонга учиб кетиб йиқилди, лекин шу заҳоти унга қараб ўтирилди-да, гавдасини ердан салгина кўтариб яна бир карра қичқирди:

– Сен у билан ётгансан!

Жорж унга томон ташланди ва тагига босиб олиб худди эркак одамни ургандай калтаклаб кетди.

Клотильда дарров жим бўлиб қолди, – фақат калтак зарбидан инграб ётарди. У қимир этмасди. Юзини хонанинг бурчагига беркитиб олганча инқиллаб йиғларди.

Ниҳоят, Дю Руа уни уришдан тўхтаб, ўрнидан турди. Ўзига келиш учун хонада у ёқ-бу ёққа юриб кўрди. Кейин ўйлаб турди-да, ётоқхонага ўтиб тосга совуқ сув қуйди ва унга бошини тикди. Сўнгра қўлларини ювди ва сочиққа яхшилаб артинганча, нима бўлганини билиш учун Клотильданинг тепасига борди.

Клотильда қимир этмасди. У ҳамон ерда ётганча пиқилларди.

– Яна қачонгача дийдиё қилмоқчисан? – сўради у. Клотильда жавоб бермади.

У уйнинг ўртасида ерда чилпарчин бўлиб ётган маъшуқасига тикилиб турар, бир оз саросимага тушган, кўнгли бузилган эди.

Кейин ўзини қўлга олди-да, каминдан шляпасини олди.

– Мен кетдим. Кетаётганингда калитни қоровулга бериб кет. Қачон тураркинсан деб кутишга тоқатим йўқ.

У эшикни очиб чиқди, бориб қоровулга учрашди.

– Хоним ҳали ичкарида, – деди у. – У бирпасдан кейин кетади. Хўжайинга айтиб қўйинг, биринчи октябрдан эътиборан мен уйни бошқа ижарага олмайман. Бугун – ўн олтинчи август, демак, мен вақтида айтиб қўйяпман, – деди-да, дарҳол жўнаб қолди. У магазинларга кириб қайлиғига совгалар харид қилмоқчи эди.

Тўй йигирманчи октябрда, парламент каникуллари тамом бўладиган куни бўлиши керак эди. Никоҳ маросими Мадлен черковида ўқиладиган эди. Тўй ҳақида ҳар ким оғзига сиққанча гапирар, лекин ҳеч ким тайинли бир гап айтолмасди. Турли мишмиш-

лар юрарди. Қиз ўғирлаш ҳақида шивирлаб гаплашишар, лекин ҳеч ким аниғини билмасди.

Вальтер хоним ўз бўлажак куёви билан гаплашмасди; хизматкорлар тўй маълум бўлиши биланоқ, ўша куни Сюзаннани монастирға жўнатгани, ўзи эса заҳар ичгани ҳақида гапириб беришарди.

Уни беҳуш аҳволда топишибди. Энди унинг ўзига келиши қийин экан. Кўрсангиз, кампир бўлиб қолибди дейсиз; сочлари бутунлай оқариб кетибди. Бошини тоат-ибодатдан кўтармайдиган бўлибди, ҳар якшанба черковга бориб тавба-ю тазарру қилишни канда қилмайди.

Сентябрнинг бошларида «Француз ҳаёти» жаноб Вальтер фақат ношир бўлиб қолажаги, бош редакторлик лавозимини барон Дю Руа де Кантель адо этажаги ҳақида эълон қилди.

Шунинг баробарида газета маълум-машҳур фельетончилар, мухбирлар, публицистлар, адабий ва театр танқидчиларини ишга чақирди. Улар катта пуллар эвазига эътиборли, катта газета редакцияларидан оғдириб олинди.

Кекса, ҳурматли, кеккайган журналистлар энди «Француз ҳаёти» ҳақида гап кетганда елкаларини қисиб қўйишмасди. Газета бир зумда тўла ғалаба қозонди, жиддий адабиётчилар ҳам энди илгариги менсимай гапирадиган гапларини йиғиштириб қўйишди.

Жорж Дю Руа билан Вальтерлар оиласи бирмунча вақтлардан бери ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилиб олганди. Мана шунинг учун ҳам «Француз ҳаёти» бош редакторининг тўйи Париж мавсумининг энг аъло гули ҳисобланарди. Хроникаларда номлари муттасил қайд қилиниб юраганларнинг ҳаммаси ҳам никоҳ маросимида қатнашишга майл билдирдилар.

Бу ҳодиса беғубор куз кунларидан бирида бўлиб ўтди.

Эрталаб соат саккизда Руаяль кўчасида Мадлен черковининг хизматчилари черков эшиги олдидаги баланд зиналарга кенг қирмизи пояндоз гилам тўшадилар, бунга ўткинчиларнинг диққати жалб бўлди ва бугун бу ерда муаззам тантана бўлажагидан дарак берди.

Идораларига ўтиб бораётган хизматчилар, камсуқум ишчи хотинлар, магазин сотувчилари – ҳаммалари бу ерда бир тўхтаб ўтишар ва бойлар ўз никоҳ тўйларига қанчадан-қанча пул совуришлари устида фикр қилишарди.

Соат ўнларда томошабинлар йиғила бошлади. Улар тезда бошланса керак деб бир қанча муддат кутиб туришар, кейин жўнаб қолишарди.

Соат ўн бирда полиция келди ва одамлар тўда-тўда бўла бошлаганлигини кўриб, шу заҳоти уларни ҳайдашга киришди.

Тезда таклиф қилинганлар ҳам кўрина бошлади, булар яхшироқ жойни эгалаб, ҳаммасини оқизмай-томизмай кўриб олишга қизиққанлар эди. Улар катта зал деворлари ёқалаб ўтириб олдилар.

Одам тобора кўпая бошлади: ипак либослари шилдираган хонимлар билан тепакал бўлиб қолган, хатти-ҳаракатлари киборларча бир савлат ёғилиб турган, бугун кечагидан ҳам димоғдорроқ бўлиб қолган мукаббир эркаклар келишди.

Черковнинг ичи одамга тўла бошлади. Кенг очиб қўйилган дарвозалардан тушган офтоб нурлари биринчи қаторларни ёритиб турарди, шамлар билан ёритилган меҳроб атрофга сарғимтил зиё таратиб турар, эшик томондан уюлиб турган ярқироқ офтоб нурлари қаршисида унинг зиёси хира ва ғариб кўринар, шунинг учун ҳам меҳроб томон ним қоронғи бўлиб туюларди.

Меҳмонлар ҳар томонга назар ташлаб ўтиришар, бир-бирларини имлаб чақиришарди, бирон ерга

тўдалашиб йиғилишарди. Киборлар каби савлат тўкмаган адабиётчилар эса секин гаплашиб ўтиришарди. Эркаклар хотинларни томоша қилишарди.

Танишларини қидираётган Норбер де Варен ўртада ўтирган Жак Ривални кўриб унинг олдига борди.

– Шундай қилиб, – деди у, – бу дунё фирибгарлар дунёси бўлиб қолар эканда!

Риваль ичи қора одам эмасди.

– Қандини урсин, – дея эътироз билдирди у. – Жорж шотининг тепасига чиқиб олди.

Улар шундан кейин кимлар йиғилганлигини назардан кечира бошладилар.

– Унинг олдинги хотини нима қилаётибди, билмайсизми? – сўради Риваль.

Шоир мийиғида қулди:

– Нима десам экан. Эшитишимга қараганда, у Монмартр томонда гўшанишин яшаётганмиш. Лекин... бир «лекин»и бир... Яқин кунлардан бери «Қалам» газетасида бир қанча сиёсий мақолаларга кўзим тушди, буни қарангки, улар Форестье билан Дю Руанинг мақолаларига қуйиб қўйгандек ўхшаш. Уларга Жан Ледол, деган бир кимсанинг исми қўйилган. Жуда келишган, ақли, дўстимиз Жоржга ўхшаган бир йигит экан. У яқинда Жоржнинг собиқ хотини билан танишиб олган экан. Шундан келиб чиқиб айтаманки, Мадлена доимо ҳаваскорларни севиб келган, бундан кейин ҳам шундоқ бўлиб қолади. Бунинг устига у жуда ҳам бадавлат. Водрек билан Ларош-Матье бекорга унинг уйида танда қўйиб олишмаган, ахир.

– Ўзиям қурмагур ойдаккина,– деди Риваль. – Жуда пихини ёрган! Яқиндан таниш бўлган одамга жуда жозибали бўлиб кўринса керак. Лекин айтингчи, Дю Руа расмий равишда ажрашгандан кейин қандай қилиб яна черковда никоҳ ўқиттиряпти?

– Черковда никоҳ ўқитаётганлигининг боиси, черков уни ҳали уйланмаган деб ҳисоблайди, – деб жавоб берди Норбер де Варен.

– Қандай қилиб?

– Динга лоқайд қарагани учунми ёки пулни кўзи қиймаганми, бизнинг Азизим Мадлена билан фақат мэриянинг ўзидангина ўтган экан. Гап шуки, у биринчи никоҳини черковда қайд қилдирмаган, шундай бўлгач, бизнинг онахон черковимиз назарида унинг илгариги уйланиши расман эр-хотинчиликка кирмас экан. Шундай қилиб, бугун у черков назарида бўйдоқ йигит. Бунчалар асъасаю дабдаба ҳам унга аталган, дарвоқе, буларнинг бари қари Вальтерга анча чақага тушади.

Равоқлар остида тўпланган одамларнинг ғовури кучайгандан кучайиб борарди. Баъзилар овозларини баралла қўйиб гаплашар эдилар. Одамлар қаршисида ҳаммага кўз-кўз бўлиб турган, кишилар бир-бирларига уларни кўрсатаётган, одамларнинг нигоҳи ўзларида эканлигидан ғоятда мамнун бўлган машҳур шахслар туришарди: улар ўзларининг ҳар бир хатти-ҳаракатларини ўлчовга солиб олишган, ўзларини бу анжуманнинг зарурий безаги деб билишар, ўзларига ажойиб бир санъат асарига қарагандай қарашар ва улар бу ерда ҳам, бошқа барча байрамларда бўлганидай юлдуз каби порлаб турар эдилар.

– Азизим, сиз хўжайиннинг олдида кўп бўласиз, – давом этди Жак Риваль, – Вальтер хоним Дю Руа билан гаплашмас эмиш, шу ростми?

– Рост. У Дю Руага қизимни бермайман, дебди. Лекин Дю Руа чолни қаттиқ қўлга олиб қўйган экан, чолни Марокашда кўмилган аллақанча ўликлар билан қўрқитганмиш деб эшитаман. Қисқаси, у чолга агар қизингни бермасанг, ҳамма жиноятларни фош қиламан деганмиш. Вальтер Ларош-Матьенинг ҳо-

лига маймунлар йиғлаганлигини эслаб дарҳол рози бўла қолибди. Бироқ ҳамма хотинлар каби қайсар бўлган онаси, агар куёвим билан бир оғиз гаплашсам одам эмасман, дебди. Улар бир ерда ўтирганларида аҳволларига қараб одамнинг кулгиси қистайди. Вальтер хоним худди Қасос илоҳасининг ҳайкалига ўхшайди, Дю Руа эса ўзини жуда ўнғайсиз сезади, лекин сира билингирмайди Ким ким, лекин у ичидагини сира сиртига чиқармайди.

Уларга адабиётчилар салом бериб ўтишарди. Сиёсий мавзуларда бораётган гаплар узук-юлуқ қулоққа чалинарди. Эшикдан эса худди денгиз тўлқинларининг гувиллаши каби черков олдида йиғилган одамларнинг шовқини кириб келар, гумбазлар узра кўтарилиб калисо ичида йиғилган асилзодаларнинг товушларини босиб кетар эди.

Лекин, мана, эшик оғаси алебарда билан уч марта ерга урди. Ҳамма ўгирилиб қаради, курсилар тарақ-туруқ сурилди, ипак либослар шувиллади. Эшикда эса қуёш нурларига фарқ бўлган ҳолда навқирон қиз отаси етакчилигида пайдо бўлди.

Қиз ҳамон қўғирчоққа ўхшарди – ҳа, ажойиб малла ранг сочли, сочларига оқгуллар қўндирган қўғирчоққа ўхшарди.

У кираверишда бир неча сония тўхтаб қолди, кейин калисо ичига қадам қўйди – шу ондаёқ орган садолари янгради, унинг қудратли саслари келин келганлигидан мужда берди.

Латиф ва дилбар қўғирчоқдай нозанин келин бир оз тўлқинланган ҳолда бошини ерга қаратиб келарди, лекин кўринишдан сира ийманиб турганга ўхшамасди. Хонимлар унга қараб жилмайишар, шивир-шивир гаплашишар эди. «Жуда ҳам дилбар, жуда ҳам ёқимтой экан», – дея пичирлашарди эркаклар. Вальтернинг юзи оқарган, ҳад-

дан ташқари ўзини салобатли қилиб кўрсатар, кўзойнаклари ялт-юлт қиларди.

Бу қўғирчоқ маликанинг кетидан унинг тўрт дугонаси келишар, уларнинг ҳаммалари бир хилда пушти ранг либосларга бурканишган, ҳаммалари ғоятда чиройли эдилар. Бир-бирига монанд қилиб танланган тўрт куёв навкар худди уларнинг ҳаракатларини балетмейстер бошқариб тургандай юриб келар эдилар.

Улар кетидан Вальтер хоним ўзининг қудаси – етмиш икки яшар маркиз де Латур-Ивелен билан қўлтиқлашиб келарди. У қадамларини базўр босмоқда эди. Худди яна бир қадам ташлайдиган бўлса, ерда қулаб тушадиганга ўхшарди. Унга қараган одам оёқлари пол плиталарига ёпишиб қолмаётганмикин деб ўйларди, у ўлимга кетаётган одамдек кўринар, юраги эса қафасга ташланган жонивордек питирлар эди.

У озиб, чўп бўлиб қолганди. Чехраси изтироб, аламнинг зўридан ўзгарган, сочлари оқариб кетганидан юзи ҳам янада рангпар бўлиб кўринарди.

У, афтидан, одамларга кўзим тушмасин дебми ёхуд юрагини ўртаб ётган қайғули фикрлардан чалғимаслик учунми, тўғрига тик қараб борарди.

Кейин аллақандай қари, ҳеч ким танимайдиган кампирни қўлтиқлаган Жорж Дю Руа кўринди.

У бошини баланд кўтарганча, қошларини андак чимирган ҳолда тўғрига қараб гўё бир нуқтага тикилгандай бўлиб жиддий юриб борарди. Мўйлабларининг икки учи юқорига дикрайиб турарди. Ҳамма йиғилганлар уни жуда келишган йигит деб топишди. Унинг сарвдек адл қомати, келишган оёқлари ҳамманинг диққатини ўзига жалб қиларди. Кўкрагига Фахрий легион орденининг алвон лентаси тақилган фрак ўзига ғоятда ярашган эди.

Кейин сенатор Рисолен билан келаётган Роза кўринди. У бир ярим ой илгари турмушга чиққан эди. Граф де Латур-Ивелен виконтесса де Перс-мюрни қўлтиқлаб кириб келди.

Ҳаммадан орқада Дю Руанинг ўртоқлари ва ёр-биродарлари келишди. Жорж буларни ўзининг янги уруғларига таништирган эди, булар қоришиқ Париж жамияти ичида танилган одамлар бўлиб, улар дарҳол одамга эл бўлиб кетишар, бечораҳол бир аҳволга тушиб қолганларида эса янги чиққан бойларга ўзларини қариндошу хеш-ақрабо қилиб кўрсатишарди, – бир сўз билан айтганда, булар путурдан кетган, касод бўлган, пулларини совуриб адо қилган, ҳар турли гап-сўзларга, маломатларга қолган, ундан ҳам хунуқроғи, уйланиб қўйган дво-рянлар эди. Улар орасида жаноб де Бельвинь, мар-киз де Банжолен, граф ва графиня де Равеналь, герцог де Раморано, князь Кравалом, шевалье Вальреали ҳамда Вальтернинг меҳмонлари: Князь де Герш, герцог ва герцогиня де Феррачини ва гў-зал маркиза де Дюн бор эди. Маросимда иштирок этаётган Вальтер хонимнинг қариндош-уруғла-ри ўзларининг вилоятдан келганликларини шун-доққина билдириб турар эдилар.

Ҳамон орган садолари янграб турарди; карнай-ларнинг ярқироқ бўғизларидан ер юзидаги лаззатлар ва азоб-уқубатлардан дарак берувчи садолар отилиб чиқар, бутун калисога янгроқ оҳанглар тараларди.

Кўш тавақали залворли эшик ёпилди, худди бу ердан биров офтобни қувиб чиқаргандек шу заҳо-ти қоп-қоронғи бўлиб қолди.

Тўрда, ёп-ёруғ меҳроб олдида Жорж хотини би-лан ёнма-ён тиз чўкиб турарди. Бу ерга яқиндаги-на келган епископ Танжер митра кийиб, асо ушла-ган ҳолда тангри таоло номидан уларни қовуштир-моқлик учун ичкаридан чиқиб келди.

Епископ келин-куёвга одатдаги саволларни берди, узукларни алмаштирди ва христиан хулқи борасида келин-куёвга нутқ ирод этди, унинг сўзлари одамни худди кишанлаб ташлаётгандай эшитиларди. У вафо-садоқат ҳақида узундан-узоқ тумтароқли ваъз ўқиди, Епископ баланд бўйли, тўладан келган, сал чиққан қорни ўзига савлат бағишлаган прелатлардан эди.

Кимдир ўкириб йиғлаб юборди, баъзи одамлар ўгирилиб қарашди. Юзини қўллари билан тўсиб олганча Вальтер хоним йиғламоқда эди.

У ён беришга мажбур бўлди. Қўлидан бошқа нима ҳам келарди? Аммо қайтиб келган қизини ўпиб қўйишдан воз кечган ва уни ўз хонасидан қувиб чиқарган, Дю Руанинг тавозе билан қилган таъзимига жавобан: «Сиз дунёдаги энг пасткаш одам экансиз, энди ҳеч қачон менга гапирманг, мен эса сизга ҳеч қачон жавоб бермайман», – дегани кундан бошлаб, ҳа, худди шу кундан эътиборан, ҳаёт унинг учун ҳаёт эмас, қийноқхона, уқубатхона бўлиб кетди. У Сюзаннани кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди: унинг туйғулари ғоятда ғалати, мураккаб эди, бунда телба бир муҳаббат даҳшатли рашк ҳисси билан қоришиб кетган, бу она ва маъшуқанинг фавқулодда, яширин, аёвсиз ва битмаган жароҳат каби силқиб ётган рашки эди.

Мана энди епископ черковда икки минг одамнинг ўртасида, унинг шундоққина кўз ўнгида қизи билан севиклисининг никоҳини ўқимоқда! Қани энди миқ этиб оғзини очолса! Тўхтатинг, деб айта олса! «Бу йигит менинг йигитим, менинг севиклим! Сиз ҳаром никоҳ ўқияпсиз!» – деб айюҳаннос сололса, йўқ, бунинг иложи йўқ!

Баъзи бир хонимлар ачиниб пичирлашарди:
– Онаси бечора адои тамом бўлибди!

– Сиз бу бебақо оламнинг сара одамлари жумласидансиз, сиз энг бадавлат ҳурматли зотлардан бирисиз, – дея шакаргуфторлик қиларди епископ. – Сизнинг иқтидорингиз, марҳаматли афандим, сизни авомдан фарқли ўлароқ сарафроз қилди, сиз қалам тебратиб халққа ибрат бўлмоқдасиз, уни ўз орқангиздан эргаштирмоқдасиз, шундай бўлгач, сизнинг зиммангизда шарафли бир бурч турибди, сиз кишиларни олижаноб йўлларга бошламоғингиз даркор...

Дю Руанинг қалби ифтихор туйғулари билан лиммо-лим бўлди. Ахир, бу гапларнинг барини рим-католик черковининг падари бузрукларидан бўлмиш бир одам унга қарата айтмоқда! Унинг орқасида эса фақат уни деб бу ерга келган номдор корчалонлар туришибди. Назарида, аллақандай бир куч уни ўз ҳукмига олиб юксакларга кўтариб кетаётгандай эди. У энди дунёни тебратиб турадиган зотлардан бирига айланмоқда. Ҳа, бу унинг худди ўзи, бошқа ҳеч ким эмас, унинг ўзи кантлелик худо беҳабар деҳқоннинг боласи!

Шунда бирдан у кенг Руан водийси узра қад кўтарган тепалик устида жойлашган кўримсизгина қовоқхона ичида отаси билан онаси ўз ҳамқишлоқларига қандай хизмат қилаётганликларини равшан кўз ўнгига келтирди. Дю Руа Водрекдан теккан мероснинг беш минг франкини уларга юборган эди. Мана энди уларга элик минг франк жўнатади, улар бунга кўркам мулк сотиб олишади. Бошлари осмонга етиб, хурсанд бўлиб юришади.

Епископ сўзини тугатди. Тилла ранг епитрахил кийган руҳоний меҳроб томонга ўтди. Шунда яна орган садолари янгради, энди у янги келин билан куёвни муборакбод қиларди.

Баъзан унинг садоси гувиллаб яшин гулдираган каби янграр, худди қудратли денгиз тўлқинлари

мисоли кўк сари қалдираб ўрлар, мана ҳозир зўр куч билан пастга қуйилиб, бинони ўпириб кетадигандай кўринар, сўнг феруза ранг осмон сатҳида ёйилиб тараладигандек бўларди. Бу гувлаган оҳанглар калисони зириллатиб турар, одамнинг жисми, қалбини ларзага соларди. Кейин у бирдан ўчиб қолар, шунда қулоқларга худди майин сабо сасидек оромбахш энгил парвоз қилган куйлар чалинарди. Куй ҳаволаниб, эркаланиб учар, шаршара томчиларидек парчинланиб кетар, дам эса кушлар каби парвоз қила бошларди. Кейин яна тўсиндан худди бутун бир оламга айланиши мумкин бўлган томчи каби бағрини кенг очар ва энгиб бўлмас кучга айланар, оламини чексиз қудратга эга бўлмиш оҳанглар тутиб кетарди.

Кейин қуйи эгилган бошлар узра инсон овози янгради. Опера солистлари – Вори ва Ландек қўшиқ бошлаб юборишган эди. Бухур дуди нафис ҳид тарата бошлади. Бу пайт меҳроб томонда илоҳий оин адо этилмоқдайди: ўз руҳонийсининг чорлови билан одамхудо барон Жорж Дю Руа ниқоҳи шарафига ерга тушиб келмоқда эди.

Сюзаннанинг ёнида тиз чўкиб турган Азизим бошини қуйи эгди. У ҳозир ўзини худога ишонадиган диндор бир одамдай ҳис қилмоқда эди, у ўзига шунчалар мурувватлар қилган, бошидан марҳаматининг нурини сочган, унга мол-мулк, давлат иноят қилган илоҳий вужуднинг ҳидоятига шукур қилмоқда эди. Кимга қарата айтаётганлигини ўзи ҳам аниқ тасаввур қилмаган ҳолда у изҳори миннатдорчилик билдирмоқда эди.

Расм-русум тамом бўлгач, у ўрнидан турди, хотинига қўлини узатди ва одамлар турган томонга қараб юрди. Унинг атрофини қутловчилар издиҳоми қуршаб олди. Жоржнинг қувончи ичига сиғмасди, – у ўзини халқнинг саломига чиққан қи-

ролдай ҳис қилмоқда эди. У таъзим қилар, узатилган қўлларни сиқар, алланарсалар деб миннатдорчилик билдирарди. «Ғоятда миннатдорман, ғоятда миннатдорман», – деб жавоб берар эди у табриклаган одамларга.

Шунда кутилмаганда де Марель хонимни кўриб қолди ва у билан қилган шўхликлари, эркалашлар, ўпичлар эсига тушган замони, овозини, бўсаларининг таъмини тасаввур қилган они яна у билан бирга бўлгиси, эҳтиросли қучоқларига отилгиси келди. Хоним ўша-ўша латофатли, гўзал эди, унинг кўзлари ўша-ўша шўх олов сочиб турарди.

«Нима демагин, барибир қурмагур жуда офатижон-да!» – деб хаёлидан кечирди Жорж.

У ҳуркак оҳудай Жоржнинг олдига келиб, унга қўлини узатди. Жорж унинг қўлларини қўйиб юборгиси келмай турди. Шу заҳоти у Клотильданинг бармоқлари ҳам титраб кетганлигини, уни яна ўзига чорлаётганлигини ҳис қилди, унинг майин қўллари сени кечирдим, яна ёнимга кел, деяётгандай эди. Жорж бу ипакдай қўлларни «Мен ҳамон сени севаман, мен сеникиман!» – деган маънода қисиб қўйди.

Улар бир-бирларига кулиб, чарақлаб, суюкли бир нигоҳ билан тикилиб туришарди. – Кўришгунча, афандим, – деди Клотильда нафис овози билан. – Кўришгунча, хоним, – дея шўхлик билан жавоб берди Жорж. Шундан кейин Клотильда нари кетди.

Жоржнинг атрофидан ҳамон табриклагани келганлар аримасди. Одамлар унинг олдидан дарё бўлиб оқмоқда эди. Ниҳоят, одамлар сийраклаша бошлади. Ҳамма табриклаб бўлди. Кейин Жорж Сюзаннани қўлтиқлаб олди-да, черковнинг катта залига чиқди.

Черков одам билан лиқ тўла эди. Ҳамма келин-куёвнинг ўтиб боришини томоша қилиш учун ўз жойини эгаллаганди. Дю Руа бошини баланд кўтариб черков

эшигидан отилиб кираётган офтоб нурлари томон оҳиста қадам ташлаб борарди. Унинг жисмини сарин бир шабада сийпалаб ўтди – бу чексиз, интиҳосиз бахтнинг шабадаси эди. У ҳеч кимни пайқамасди. Ёлғиз ўзини ўйлаб бормоқдайди.

У эшикка етганда тўдалашиб турган одамлар издиҳомини кўрди, бу сершовқин одамлар фақат уни деб, уни табриклагани келган эдилар. Бутун Парижнинг кўзи унда, унга ҳавас билан боқар эди.

Кейин у бошини баланд кўтарди ва йироқларда, Иттифоқ майдонидан нарида депутатлар палатасини кўрди. Шунда назарида ҳозир мана шу Мадлен черковининг эшигидан Бурбон саройига-ча бир сакрашда етиб олишга қодир сезди ўзини.

У баланд пиллапоялардан оҳиста тушиб бора бошлади, зинанинг икки томонида одамлар минди-минди бўлиб уни қаршилашар эди. Лекин у одамларни кўрмасди. Хаёлан орқасига ўгирилиб қарар ва унинг офтоб нурларидан қамашиб кетган кўзларига ойна қаршисида жамалак сочларини тўғрилайётган де Марель хонимнинг сиймоси гавдаланарди, тўшақда унинг бу сочлари доимо ёноқларига тўкилиб ётарди.

1885

Адабий-бадиий нашр

МОПАССАН

АЗИЗИМ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АІ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 03.03.2016 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 29,0. Шартли босма тобоғи 48,72.

Гарнитура «Bookman Cug+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 55.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14, 129-09-72.

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-37. факс – 273-00-14;

[e-mail: yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)